



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи.

II

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙГУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Ҳаср



Асқад МУХТОР

КУМУШ ТОЛА

Қисса

Қизиқ-да: биров ўзи адашади, бировни биров адаштиради; бири йўл тополмайди, бири топган йўлидан юролмайди; бири бирининг йўлини кесади — низо, адоват, ташвиш. Ҳамма хуноб. Оламнинг торлиги шундан эмасмикин?..



Шеърмат

Эркин ВОҲИДОВ

КИПРИҚДА ТОМЧИДЕК ҚАЛҚИБ ТУРГАН ЕР

Шеърлар

Азизим, шоирсан, булар барчаси
Мендан кура кўпроқ ўзингга аён.
Шоир — ўз халқининг юрак парчаси,
Йўқ, у юрак бўлиб туғилган исён.




Дуоялар ҳазиниши



Луи АРАГОН

КўР ОДАМ

Янги, ёзилажак асарим кўз ёки кўриш
ҳақида эмас, асло. Менинг асарим — дунё
ва атроф муҳит бобида ўз тасаввури,
нуқтаи назари бўлган кўр одам тўғрисида...



Ғафур Ғулом

Қизил байроқ

*Кўлдаги қизил байроқ оптимиздир, ўртоқлар,
Елкамиздаги милтиқ юртимизни тинч сақлар.
Кўр бўлсин чидолмасдан йўлтўсар бузуқ бошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.*


*Кўп туманли кулфатлар даҳшати билан барбод
Ҳолига келиб қолган хўжалик бўлур обод.
Тинмай ишласак энди, э, қадрли йўлдошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.*


*Кўп замон аросатда қолган, эй, хотин-қизлар,
Бевалар, тул, ўксизлар, яйрангиз букун сизлар.
Энди йиғламас, чақнар шу қора кўзу қошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.*

*Бой, эшон билан мулло кўзни боғламас энди,
Чунки ишнинг бошига қўллари қадоқ минди,
Фитначи, фасодчилар кўзидан тўқар ёшлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.*

*Ишчи-деҳқон ўғлимиз, қўлни-қўлга бергаймиз,
Ижтимоий турмушни ер юзида қурггаймиз.
Лениннинг изи билан фирқа бизга йўл бошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.*

1927





Эркин Воҳидов,

Ўзбекистон ССР халқ шоири

КИПРИҚДА ТОМЧИДЕК

ҚАЛҚИБ ТУРГАН ЕР

Дорилфунунга

Яна йигирмага — йигит ёшимга
Узоқ йиллар ўтиб қайтган бу куним,
Таъзим қилиб келдим сенинг қошингга
Азизим, мунисим дорилфунуним.

Недирсан? Олисга ундаган садо
Ё олис йиллардан чорлаган уним,
Сени соғинаман ва икки дунё
Сенга интиламан, дорилфунуним.

Болангман, бор ҳали ўзингга ҳамдам
Шўхлик, эркалигим, андак жунуним.
Ким бўлсам, не бўлсам ва қайда бўлсам,
Сен мени тергаб тур, дорилфунуним.

Ҳаёт бешафқатдир, яшаш мураккаб,
Ёзолмай гоҳ дилга чўккан тугуним,
Илтижо қиларман, бедор юракка
Қудрат бер, ёшлигим — дорилфунуним.

Ҳали бу оламга саволим кўпдир,
Ҳаёлим қушида йўқ лаҳза қўним.
Яна шамчироғинг керак бўлибдир,
Йўлимни ёритгин, дорилфунуним.

Шеър у ишқ, бахт, қувонч — дунё бири кам,
Фақат эътиқодим — танҳо бутуним.
Қалбим тубидаги энг ёруғ нуқтам —
Сенга сиғинаман, дорилфунуним.

Эзгулик соғинчи ўртаб кўнглимни
Бош уриб қошингга келган бу куним —
Сидқимни қабул эт, тарк этма мени,
Азизим, мунисим дорилфунуним.

Дарддошлик

Иван Драчга

Ўзга тил, ўзга урф, ўзга анъана,
Ўзга табиатли халқлар ўғлимиз.
Ягона қисматнинг ҳукми-ла яна
Нечанчи бор ёндош тушди йўлимиз.

Олис Скопъенинг тош кўчалари,
Шаҳроҳ Хрешчатик, Чорсу, Регистон,
Тюменнинг, Неванинг оқ кечалари,
Тонготар суҳбатлар... эсла, кадрдон.

Бир-бировга очдик дил сиримизни,
Баҳсларга ҳеч замон нуқта қўймадик.
Йироқда соғиндик бир-биримизни,
Дийдор кўришганда сира тўймадик.

Бизни ошно этган қалбдир шеърпараст,
Элликда кўнгилдан кетмаган ёшлик.
Алвонга ёзилган шиорлар эмас,
Юракка битилган буюк дарддошлик.

Етти ёшда эдик қирқ учинчи йил,
Биринчи синфга қўйгандик қадам.
Она диёрингни маҳв этган қотил
Ўқидан Киевда йиқилди отам.

У пайт биз оч, юпун, кўзимиз дардлик,
Гўдак армонимиз, ўйимиз билан
Бошоқ териб, ғўза чопиқ қилардик
Кетмонга етмаган бўйимиз билан.

Ўша пок болалик кетди қайларга?..
Эй, сен, битилмаган ўлмас дostonим —
Малласоч, мовий кўз болақайларга
Она бўлган менинг Ўзбекистоним.

Йиллар ўтди, бизлар улғайган каби
Улғайди ёнма-ён бизнинг қардошлик.
Тошкент фалокати, Чернобиль ғами
Кўнглимизга солди яна дарддошлик.

Оламда не қудрат бордир, аслида
Эллар бирлигидан кўра кучлироқ?!
Унга битсам дейман улуғ қасида,
Баландпарвоз гапдан қўрқаман бирок.

Қўрқаман, оталар ёди бор қутлуғ,
Мен не табаррук сўз қилардим тортик. —
Миллионлар қалбига муҳрланган руҳ,
Қон билан битилган меҳрдан ортик!

Азизим, шоирсан, булар барчаси
Мендан кўра кўпроқ ўзингга аён.
Шоир — ўз халқининг юрак парчаси,
Йўқ, у юрак бўлиб туғилган исён.

Жон риштамиз замин тубида боғлик,
Мовий кўзларингга ошкора кўрдим:

Ўзбекистон — сенинг кўксингда оғрик.
Украина — менинг жафокаш юртим.

Қанча ардоқласам ўрмонларингни,
Гулшан боғларимни шундай суярсан.
Англайман дилдаги армонларингни,
Тупроғим дардига сен ҳам куярсан.

Она тилинг учун ғам чекиб дилда
Нола қилсанг, кўкка учар фарёдим.
Етмиш етти пуштим сўзлаган тилда
Сўзлармикин яна етти авлодим?

Мен Киевга учсам йўлимда бесас
Орол кўзгусида жимирлар кўёш.
У Шевченко кўрган мавжли денгизмас,
У зор кўбўзчининг кўзидаги ёш.

Ҳаёт бешафқатдир, вақт эса қаттол,
Табиатга ўтмас зулму даъволар.
Биздан мерос қолар наҳотки беҳол
Нашаванд далалар, сувсиз дарёлар?!

Йўқ! Ҳеч ишонмайман! Имон бор! Халқ бор
Метин иродалик ва олтин бошлик.
Қардошлик сидқи бор мангу устивор,
Бор азалу абад бизнинг дарддошлик.

Русмиз, молдаванмиз — заминимиз бир,
Ҳиндумиз, испанмиз — биттадир ҳаёт.
Киприкда томчидек қалқиб турган ер
Букун сену мендан кутмоқда нажот.

Насибамиз шудир, қисмат йўқ бўлак
Чигал, таҳликалик замонамизда.
Бу дардли дунёнинг куйчиси бўлмак
Бор экан, азизим, пешонамизда.

Куйимиз куйлаб, созимиз чалиб
Утармиз, қолажак курраи азим.
Биз бир туп каштану мажнунтол бўлиб
Боқий дарддошликка қилармиз таъзим.

Девонаи ҳақгўй

Яна сенинг тўнинг елкангда,
Сифмай қолдинг бу даргоҳга ҳам.
Лабда дардли қимтилган ханда,
Ташқарига кўясан қадам.

Туққаниннга ёқмас тўғри гап. —
Шуни англаб етмаган бўлсанг,
Бу дунёда шунча йил яшаб,
Дипломатик аталган адаб
Кўчасидан ўтмаган бўлсанг.

Кўнгилдаги гапингни қачон,
Кимга, қандай сўзламоқ керак,

Ўзингга не фойда, не зиён,
Англамаган бўлсанг гар, демак —

Айб ўзингда,
Токи бу дунё
Тили бурроларга ёр экан.
Манманликдек тузалмас савдо
Одамзод бошида бор экан,

Токи бошлиқ зоти экан ҳақ,
Гапи гапу, сўзи сўз экан,
Тўрдагилар ҳокими мутлак,
Пастдагилар юмуққўз экан,

Пешонангга битилган аттанг,
Енгилмоқ бор доимо жангда.
Мудом сенинг қўлингда паттанг,
Мудом сенинг тўнинг елкангда.

Жаҳолат

Танишимнинг отаси ўлди,
Дўстлар дарҳол хабар олдилар.
Уч кун мотам — одам ёғилди,
Уч кун барча ҳамдарди бўлди,
Тўртинчи кун... ишдан олдилар.

Ёлғиз юрмас, дейдилар, офат,
Қўша келар доимо бало.
Мотам узра бу не фалокат —
Иш жойига тушган эмиш хат
Ўқилди деб мозорда дуо.

Дуо билан қанчалик ишим!
Хурофотга азал нохушман.
Лекин менинг ўша танишим
(Бовар қилмам, наҳот янглишдим)
Қаттол эди бидъатга душман.

Даҳрийликда имони бутун
Битта бўлса шу эди шўрлик.
(Даҳрийлар кўп оламда турлик,
Мана, менинг ён қўшним учун
Тўю аза бир хил — ошхўрлик.)

Маъракага қўймасди қадам,
Таъзияда ақалли бир йўл
Қариялар кўнгли учун ҳам
Очмас эди фотиҳага қўл.

Биз ҳаммамиз динни афюн деб
Юз бурамиз холос, у эса —
Оят, ҳадис барин ёд этиб,
Даҳрийликни эътиқод этиб
Афюнга ўт қўйди ҳамиша.

Мана, унинг отаси ўлди.
Ожиз қолди бир сўз айтишдан.

Одатдаги маросим бўлди,
Мозоратда дуо ўқилди,
Бошлиқ билиб ғазабга тўлди,
Дахрий ўғил олинди ишдан.

Байрам қилди аҳли хурофот:
«Кюфирнинг шу асли жазоси.
Бизга бўйин эгмади у зот,
Ҳали бу кам, бўлсин эҳтиёт,
Билиб қўйсин, недир хатоси!»

Таъсир қилди менга бу ҳолат,
Ғолиб келди яна жаҳолат...

Қарсак ҳақида

Мен шеър ёзсам,
Уқисам уни,
Тинглаганлар қарсак чалмаса.
Бирор кимса бирор сўзини
Ёдида ҳам сақлаб қолмаса.

Фақат биттагина бўз ўғлон
Уйга қайтгач, йиғласа тўлиб.
Йиғлаб-йиғлаб тонг бўзарган он
Уйғонса у Алпомиш бўлиб.

Бошлиқ айтар

Бошлиқ айтар: мен буюрсам чопиб кел,
Улган бўлсанг кафанингни ёпиб кел.

Анқо қушин топиб кел деб буюрсам,
Нар-модасин бир жуфт қилиб топиб кел.

Мен суйганни тилинг қонагунча суй,
Кимни суймас бўлсам, бориб қопиб кел.

Хатосини очиб кел, деб буюрсам,
Хато қилган одамни сен отиб кел.

Хурофотни танқид қил деб айтаман,
Сен минг йиллик обидани ёқиб кел.

Унвон учун, амал учун, шон учун
Виждон, имон, диёнатни сотиб кел.

Мендан олқиш, элдан эса қарғиш ол,
Қарғиш уриб ўн-ўн беш йил ётиб кел.

* * *

Кажфеъл, кажрафторлар тарбиясига
Каждумлар қисмати ибратдир аён.
Жаҳолат авжида ўз миясига
Ниш уриб қўяди баъзида чаён.

Кичик одамлар

(архивдан)

Челаклаб қуярди
Булут кўкдан сув,
Кўчада қолганлар
Изларди пана.
Сувсепар машина
Паркдан чиқди-ю,
Ювилган асфальтга
Сув сепди яна.
Одамлар ҳайратда:
Бу нима қилиқ?!

«Ҳей шофер, мастмисан,
Ёки эсинг кам?»
Шофер елкасини қисди:
«Топшириқ!
План бор, норма бор,
Биз — кичик одам!»

Студент Ўқтамга
Қишлоқдан она
Олма, анор қилиб
Совға юборди.
Почтадан хат олиб
Шўрлик қувона,
Она совғасини
Олгани борди.
Паспортни кўрдилар,
Дедилар: «Чатоқ,
Совға — Ўқтамжонга,
Сиз — эса Ўқтам.»
«Хўш, нима фарқи бор?»
«Шундай-ку, бироқ
Қонун — шу, тартиб — шу,
Биз — кичик одам!»

Бир ошнам сўзларди:
«Кеча бозорда
Бўлди ҳангома-ю
Бўлди тўполон.
Битта маст безори
Бир бечорани
Чунон дўппослади,
Урдик чунон...»
Мен дедим: «Шердексан,
Уят ҳам даркор!
Нега безорини
Тутмадинг маҳкам?»
«Нима, мен...
Дружина, милиция бор,
Бизга ким қўйибди,
Биз — кичик одам...»

Қизғин мажлис борар,
Нотиқлар бир-бир
Минбардан ўз фикрин
Қилади баён.

Масала овозга
Қўйилди охир,
Бир четда бетараф
Қолди Мамажон.
Одамлар сўрашар:
«Коллективдасан,
Ўз фикринг борми, айт,
Сўйлагин сен ҳам».
«Катталар не деса,
Бизлар ҳам бир тан,
Ўзимиз не дердик,
Биз — кичик одам!...»

Бир кеча Матқовул
Омбор ёнидан
Кўрди қоп кўтариб
Ўтган Рўзини.
Ўғрини кўрса ҳам
Ўз кўзи билан,
Билиб билмаганга
Олди ўзини.
Деди у: «Тинчлигим —
Туман бойлигим,
Жон керак ўзимга,
Бор бола-чақам.
Душман ордирмасдан
Турақолай жим,
Бошлиқлар ҳал қилсин,
Биз — кичик одам...»
Кимки ўз фикрида
Бўлмаса маҳкам,
Доимо панага
Тортса ўзини,
Кимки ноҳақликни
Кўриб турса ҳам,
Атай тескарига
Бурса юзини.
Кимки оммадан чет
Ўз кайфин сурса,
Кимки бўлолмаса
Инсонга ҳамдам,
«Биз — кичик одам», деб
Чеккада турса,
Уларни ҳеч қачон
Санаманг одам!

Матмусанинг боғи

Доно бўлиб Матмуса
Эл кўнглини чоғ қилди.
Донишқишлоқ четидан
Қўриқ очиб боғ қилди.

Боғ мевага кирганда
Йиғин бўлди каттакон.
Матмусага ўқилди
Минг олқишу шараф-шон.

Қишлоқ учун боғнинг ҳам
Даркорлиги билинди.
Матмусага шу кундан
Маош тайин қилинди.

Боғ бор, боғбон бор, энди
Бир раҳбар ҳам керакдир.
Иш кўрган бир улуғ зот
Тайинланди директор.

Боғ бор, боғбон бор, мана
Раҳбарлик бор, иш катта.
Секретарсиз, шофёрсиз
Бошлиқ бўлмас албатта.

Бошлиқ бўлмас албатта
Бир жуфт ўринбосарсиз.

Тўртта зав.га саккизта
Ёрдамчи ҳам зарарсиз.

Чўт қоқишга ўн киши,
Пул санашга қирқ одам.
Ярим қишлоқ — зампомпом,
Ярим қишлоқ — помзамзам.

Ҳар новда, ҳар шаббага,
Қўш телефон илинди.
Иккидан то бешгача
Қабул вақти қилинди.

Шохда олма, анормас,
Пайдо бўлди шиорлар,
Хазон бўлиб тўқилди
Кўрсатмаю қарорлар.

Бир йил ўтгач, донолар
Боғни тафтиш қилдилар.
Иш соз, аммо салгина
Одам кўп деб билдилар.

Лозим бўлар қисқартмоқ,
Ҳеч бўлмаса бир жонни.
Уйлаб-уйлаб ниҳоят
Бўшатдилар боғбонни.

Матмуса ва ўғрилар

Бозор қилиб Матмуса
Қайтар экан йўлига,
Тушиб қолди шаҳарлик
Ўғриларнинг қўлига.

Ечинтирдилар уни,
Сўнг дўппослаб урдилар.
Учсин дея овози
Карнай чалиб турдилар.

Шу-шу ортиқ Матмуса
Бу шаҳарга қайтмади.
Ичга ютди аламин,
Ҳеч кимсага айтмади.

Айтса нима, эл фақат
Кулги қилар эрмаклаб.
Кўп йил ўтгач нутиб
Набирасин етаклаб,

Матмуса яна ўша
Шаҳар сари йўл олди.
Бу сафар катта тўйнинг
Устидан чиқиб қолди.

Ғат-ғат карнай, ноғора
Така-тумни урарди.
Матмусадан набира
Бу нима, деб сўрарди.

Бобо айтар, бу ишни
Мендан сўрма, болажон.
Бир шўрликни ҳойнаҳой
Қилмоқдалар чалажон...

Дўстларим, бу ривоят
Матмусадан қарироқ.
Ноғораю карнайдан
Юринг доим нарироқ.

Матмусанинг меҳмондўстлиги

Меҳмон жуда азиздир
Донишқишлоқ томонда.
Дерлар: майли биз ўлсак,
Меҳмон бўлсин омонда.

Мана, шаҳарлик меҳмон
Қишлоқ кезиб юрипти.
Унга гўзал табиат
Маъкул бўлиб турипти.

Айниқса Тўполонсой
Меҳмонга ёқиб кетди.
«Оҳ-оҳ» деб сувга тушди,
Тушди-ю, оқиб кетди.

Гоҳ кўринар, гоҳ чўкар,
Дод солар: «Қутқарингиз!»,
«Спасите!», «Даст бидеҳ!»
«О, майн френд, SOS, плиз!»

Испанча, португалча,
Лотинча қичқиради.

Белни ушлаб Матмуса
Хайрон бўлиб туради:

«Шунча тилда додлашни
Ўрганиш ҳавасмиди,
Ундан кўра сузишни
Ўргансанг бўлмасмиди?!»

Ўлар ҳолга етганда
Сув кириб томоғидан,
Меҳмонни олиб чиқди
Ушлаб бўйинбоғидан.

Шаҳарлик шаҳарлик-да,
Дер Матмуса кўнглида,
Керакли арқонини
Олиб юрар бўйнида.

Қирғоққа чиқди шошмай,
Сўнг ақлини юритиб,
Арқонидан дарахтга
Осиб кўйди куритиб.

● ИНҚИЛОБНОМА ●

* * *

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,
Бир нечтага замонани сўйлади.
Қачонгача оқар деди кўзёшлар,
Инқилобга белин маҳкам бойлади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли


* * *

Ифвогар бойларга бўлди қиёмат,
Камбағал деҳқонга бўлди мурувват.
Меҳнаткашман бўлди шўро ҳукумат,
Таълим берган Ленин ўртоқ яшасин.

Пўлкан шоир



Рассом Ғафур Алимов



Асқад Мухтор

КУМУШ ТОЛА

Қисса

Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Алишер НАВОИЙ
(«Бадое-ул бидоя»)

— Эски гап? Енғин чиқса, яна ўша қўнғироқни
чаласиз-да. Е янғисини қидириб кетасизми?
(Қулоққа чалинган гаплардан)

Биринчи боб

1

Дафъатан кирган одамга бу ер анча диққинафас. Тут баргининг намчил ҳидига димланган бўғиқ ҳаво фақат Тожихон аянинг аъзои баданига хуш ёқиб, суюк-суюгигача яйратиб юборади. Ҳафсала билан шуваб оқланган, озода, дарпардалар осиб, нимқоронғи қилиб қўйилган бу уй — унинг катта меҳмонхонаси.

— «Меҳмонлар» келишдими? — деб сўрашади қўшнилар.

— Ҳа, айланай, икки арава бўлиб келишди, — дейди ая.

Дарҳақиқат, сўрининг бир бурчида ғимирлаб ётган оқшоқдай майда «меҳмонлар» уч-тўрт ҳафта деганда икки аравага ҳам сиғмай қолса, нуқрадай товланиб, кўзларни қувонтирса ажабмас.

Ҳозир эса хона жимжит. Ялатма қилиб солинган барг устида сирли шитирлашлар базўр қулоққа чалинади. Тожихон ая, уларнинг дам-бадам ўсишини кўргиси келгандай, соатлаб разм солади; ўктамгина гавдасини енгил тебратиб, сўрилар атрофини айланади, кенг-қовул тикилган кўйлагининг тўш бурмасидан чимдиб ушлаганча сал елпинади-да, сўкчак устунига осилган термометрга бир қараб қўйиб, оёқ остидаги пастак курсига чўкади, эснайди, уйқусизликдан қизаринқираган кўзларини яна «эркатой»ларига тикади. Овқат қидириб четроққа чиққан бири юмалаб кетса, баргга илинтириб, ўрнига қўйиб қўяди.

— Ҳа, очкўз, пахмоққина!..

Даҳлиз томондаги эшик товушсиз очилиб, зич ёпилди; остонада оёқлари

узун, мактаб формаси калта келиб тиззалари кўриниб қолган бир қизча турарди.

— Келдингми, Гулзира? — деди Тожихон ая. Қайрилиб қарамаёқ уни таниди. Гулзира — қишлоққа ўтган йили келиб қолган ёлғиз муаллимнинг бешинчи синфда ўқийдиган қизи. Катта гузарда Малоҳат-чарви деган бир намазгўй хотиннинг ташқисиди туришади. Дарсдан бўшади дегунча шу ерга келади бу кизалоқ.

— Келдим, ая.

— Яхши қилибсан, уйқу босиб, кўзим кетиб қолаётувди.

— Кечаси ухламадингизми?

Тожихон ая уйқу тугул, баъзан овқат қилишга ҳам қўли тегмаслигини болага айтиб ўтирмади. Етти йил қурт боққан одамга етти дўзах ўти қор қилмайди, деб бекор айтишмаган. Кун-тун... Бу жонворлар ўз болаларингдай бўлиб қоларкан. Тожихон аяни ғийбат қилганлар ҳам йўқ эмас: ўз боласи йўқ-да, умрини шуларга атаган...

— Ухлаб бўладими буларинг билан! — деди у қизчага.

«Буларинг»дан дадилланиб кетган Гулзира клеёнкадан тикилган дафтар, китоб тўла жилтини пойгакдаги деворга суяб қўйди-да, Тожихон аяга тақлидан қўлини орқасига қилиб, енгил тебранганча сўри атрофини айлана бошлади.

— Катта бўлиб қолишибди-ку! Малоҳат опамларники мошкичирга энди ухлабди.

— Барғни «угра» қилиб бердим-да, бу мечкайларга. Ейишини кўрдингми! Ҳали ҳам печка иссиғини пасайтириб, иштаҳасини тийиб турибман буларнинг. Барг етилмаяпти, баҳор паст келди. Бўлмаса, катта бўлгани, яхшику-я, пилласи йирик-йирик бўлади.

— Катта бўлишади ҳали, ая. Бу ейишда!..

— Ҳа, буларнинг жони жағида, — боланинг синчковлиги аянинг уйқусини қочирди. — Уруғини ертўладан олиб чиқиб, ароқ билан ювгандан кейиноқ...

— Ароқ билан? — яйраб кулди Гулзира.

— Ҳа. Инкубаторда ўн кунча ширакайф бўлиб ётади-да, дастлаб ўша ердаёқ жағини ишга солиб, уруғ қобиғини кемайриб, тешиб чиқади. Нос рангида, сертук, бирам хунук бўлади бу пиёнисталар!

Гулзира яна бошини орқага ташлаб кулди.

— Чиқиши билан қийшанглаб овқат қидиради. Мана, сен, кунига неча марта овқатланасан?

— Дадам мактабда узоқ қолиб кетмасалар — тўрт марта. Бўлмаса...

— Бўлмаса икки ё уч марта овқатланиб ҳам юраверасан, шундайми?

— Ҳа.

— Бу пиёнисталарга кунига ўн марта овқат тортилади. Катта бўлганида кўрасан — оғзи чапга ҳам, ўнгга ҳам очилади, ҳали баргларни бандигача ямлаб ютадиган бўлади.

— Булар нечта ўзи, ая?

— Эллик минггача келар.

— Вой ўла-ай, ҳаммаси шу иккита қутичадан чиққанми?

— Уч ҳафтада ҳар биттаси бир неча минг марта оғирлашади. Кейинроқ нариги «меҳмонхонани» ҳам бўшатиб берамиз буларга.

— Малоҳат опамларнинг сўрилари уч қават.

— У яхши эмас. Катта-кичик бўлиб ўсади. Кейин, дастага олдинма кейин судралиб қиради, пилласи ҳам бири катта, бири кичик бўлиб қолади.

— Нега? Ҳаммаси бирга еб, бирга катта бўлавермайдими?

— Иссиққа жудаям суяги йўқ бу қуриб кетмагурларнинг. Сўри уч қават бўлса, уч қаватда уч хил иссиқлик — пастда жизми салқин, тепада қиттай иссиқроқ — шуни ҳам сезади-да, бу ўлгур!

— Вой нозик бўлмай... Берсанг ейман, бермасанг ўламан дейдиганлардан.

Одам бўлмаса қирилиб кетар экан-да?

— Ҳа. Уй ҳайвонидай бўлиб қолган биттаю битта ҳашарот шу. Ёввойиси бўлмайди, бутунлай инсон измида. Шунинг учун ялқовланиб кетган бу яшшамагур, овқатини ҳам олиб келиб бериш керак.

— Меҳнаткаш деган эдингиз анов сафар...

— Ялқов меҳнаткаш!

Иккалалари ҳам пиқ этиб кулиб юборишди. Гулзирага аянинг топган лақаблари ёқади: «меҳмонлар», «пахмоқлар», «пиёнисталар», «ялқов меҳнаткашлар»...

— Малоҳат опамлар «кўзинг тегади» деб, ичкарига киритмайдилар.

— Улар шу тасқарага ҳам кўз тегса! — Ая «тасқара»ни ҳам беозор, эркалаб айтади. Гулзира буни билади. — Сенинг кўзинг тегмайди, сенинг кўзинг йўқ. Яхши кўрган кўзни танийди бу паҳмоқлар. Кўз тегмайди-ю, лекин касали кўп, ўзинг айтгандек, ўлгидай нозик. Елвизакдан кўрқади, тутундан ўлади, шовқиндан оғзидан сув келабошлайди, ҳўл баргдан сўлади, ёруғдан чўчийди, иссиқ-совуқдан озийди, қирмиска буни ейди, товуқ титкилаб, қуш чўкилаб кетади, ичадиган, чекадиган одамни ёнига йўлатма, — нафасидан қорайиб битта-битта юмалайди... Мана шунақа тегманозиклигидан одамлар унга «кўз тегади» деган гапни йўлаб топишган.

Мана шу нозикликлари демасанг, турган-битгани томоша: бошини кўтариб ухлайди, эртақдаги сув парисидай ечинади, пўст ташлагандан сўнг очкўз бўлиб, иштаҳага кириб, тез ўсабошлайди. Ана, ҳозир шишинқираган бошларини кўтаришяпти. Эртага ширгурунчга ухлашади, келгин, хўпми? Энди бўлса, ўзимиз ҳам бир нарса тамадди қилиб олайлик, бошим айланиб кетди.

«Меҳмонхона»нинг барг олиб кириладиган эшиги тўрда, дала шийпони томонга очилар эди. Улар шу ёқдан чиқдилар. Шийпоннинг райҳон экилган соя томонида иккита қиз барг сараларди.

— Ойхон, — деди ая йўл-йўлакай ўша томонга қараб, — офтоб айлангунча «меҳмонхона»ни шамоллатвор. Деразаларга ҳам нам парда тутмасанг бўлмас, бугун ўттиздан ошадиганга ўхшайди.

— Хўп бўлади, ая.

— Яна йирик шохларни кесиб келишибди-да, гап уқмаслар, — гужум тагида бир пас тўхтаб жавради ая. Кейин қизларнинг ёшроғига мурожаат қилди. — Ханифа, баргни сидириб олмагин, хўпми?

— Хўп, ая.

Кейин Гулзирани бошлаб, кўйлаги билан елпина-елпина, шийпон томонга юрди. Қаёқдандир жийда ҳидини олдига солиб келган шабада таъбини очди. Аянинг кўйлаги елпинишга қулай, кенг-мўл, лапанглаб юришига мослангандай. Қарғашойини ювиб-ювиб, эскитиб-юмшатиб кийишни яхши кўради. Бўйи чўзилиб, кийими тор келиб қолган Гулзира унинг кўйлагига ҳам, елпинишига ҳам, юришига ҳам ҳавас қилади чоғи. Ё, балки бошқа нарса сабабдир унинг доим илашиб юришига. Кўплар буни Гулзиранинг онасиз ўсганига, меҳрни, яхши гапни қўмсашига йўядилар. Фақат Тожихон ая бошқача ўйлайди: унинг бир умрга ихлос қўйган сирли касби, шу ҳақдаги қизиқ-қизиқ гаплари бўлмаса, Гулзира бу ерга қатнамасди. Лекин, очиғини айтганда, ҳали худо билади ким кимга илашганини...

Шийпон салқин, жимжит, кимсасиз. Ҳовуз бўйидаги толларнинг шовуллаши эшитилади, холос. Атрофдаги гулзорда, узоқдаги митти фўза баргларида кун шуъласи ўйнайди. Сал баландлатиб қурилган очиқ айвон устунлари орасида энгил эпкин юриб, гоҳ боғлар нафасини, гоҳо эса қаёқдандир молхона ҳидини олиб келади.

Бола фингшигани эшитилди. Гилам ташланган чорпоялардан бирида, кўрпача устида биғиллаб ётган дўмбоққина, майкачан бола, одам шарпасини сизди чоғи, эркаланиб, семиз оёқларини типирчилатганча тихирлик қилди, йиғлай бошлади.

— Ҳой, кимсан, фамиланг нима, нега йиғлаяпсан? — деди Гулзира югуриб бориб. Тожихон ая ҳам етиб келди. Иккалалари тикилиб қолдилар, бола ҳам майманчақдай кўзлари бир жойда қотганча, жим бўлди.

— Ҳа, танимадингми? Биз ҳам сени танимадик, — деди Тожихон ая. Бола мулойим товуш, яхши муомилани пайқаб, жилмайди.

— Мунча ширин бола экан! — деди Гулзира, — отинг нимади, ойинг қанилар?

Бола типирчилади, туриб ўтираман деб юмалаб кетди; бир амаллаб ўтириб олди-да, «Мана!» дегандай яна илжайди. У ҳақиқатан ҳам ширин, қилиқлари кулгили эди. Тожихон ая уни қўлига олгиси келди. «Кимники экан?» деб атрофга қараб, бир пас иккиланди-да, қўлларини бегона болага қараб узатганини ўзи

ҳам билмай қолди. Боласи тушмагур талпиниб, дарров у томонга эмаклай бошлади.

— Ҳозир, биз сени ўйнатамиз, йиғлаб нима қиласан! — деди Гулзира ҳам. Тожихон ая болани бағрига олганда негадир бадани жимираб, ғалати бўлиб кетди. Лўппи юзчасидан беихтиёр ўпиб олганида она сути аралаш бола ҳидига боши сал айланиб, кўкси тўлишгандай бўлди, шу ҳидни бағрига юқтирмоқчидай, бир жойда анча туриб қолди.

— Зўр экан бу, теги ҳам қуруқ, — деди Гулзира атрофида парвона бўлиб. Шу пайт Тожихон ая қўймучида иссиққина бир нима югурганини сезди-ю, қимир этмай қолди.

— Вой, буни эндигина мақтаб турсам... ая, ая, расво қилди, сезмаяпсизми, беринг менга!

— Майли, майли, бундай пайтда бўлиб бўлмайти... Ҳозир, ҳозир, — деб яна бирпас қимирламай турди-да, — ҳа, ана, азамат йигит экан! — дея болани Гулзирага узатди. Кейин кўйлагининг этагини сиқиб ташлади.

Гулзира боланинг қулоғига шивирлаб, койир эди: «Сийғоқ! Кўрдингми, нима қилиб кўйганингни? Аяни биласанми, ким? Сени суйса... сен...»

Тожихон ая боланинг иштончасини ариқда чайиб, сиқиб-силкиди-да, жиндай офтобга тутиб, кийгизди.

— Кий, ҳеч қиси йўқ, танангда қурийд.

— Қўйийди... — деди бола.

Гулзира билан ая кулиб юборишди. Бу гап кулгили эканини бола сезди шекилли, яна такрорлади: «Қўйийди...»

— Вой, жуда гапга уста экан-ку, бу! — деб Гулзира уни кўрпачага ўтказди.

Тожихон ая айвон тўсинига осиглиқ панжаракадаги сопол косани олиб, чорпояга қўйди.

— Ҳозир уччаламиз мана шу қаймоқни е-е-еб оламиз, — кейин ичкаридан қийиқчада иккита нон ҳам олиб чиқди. Шийпоннинг қориндор самовари ўчиб, совиб қолган эди. Ая қийиқчани ёйиб, нон ушатди. Гулзира ҳам қўлини чайиб келиб, болага бурда нон тутқазди.

— Мана, бу — «яхшилигинг» учун. Косага ботириб е.

— Қўйийди... — деди бола.

Яна кулишди. Хурсанд бўлган Гулзира боланинг нонини қаймоққа ботириб берди. Уч кишилашиб нонушта қилишарди. Бола нариги чорпояга келиб қўнган чумчуққа алаҳсиб юзини, уст-бошини, оёқларини қаймоққа булади. Гулзира ёлғондакам койиганди:

— Қўйийди, — деб қўйди.

Тожихон ая кулиб, бошидан рўмолини олди-да, бақалоқни яна қўлига кўтариб, семиз-семиз сонларига томган қаймоқ юқини артиб қўйди.

Шу маҳал шийпонда дуркунгина бир аёл пайдо бўлди-ю, айвон устунига кичкина кетмонини суяганча, тўсатдан тўхтаб қолди. Тожихон ая уни кўз қири билан кўрибоқ таниди: Момоҳол. Ҳасан аравакашнинг хотини. Керза этик кийиб, бодом гулли лас кўйлагини липпасига қистирган, кир рўмоли бўйнига тушиб ётибди. Холдор юзи оқаринқираб бир пас турдида, бирдан елиб-юлқиниб келабошлади. Туташ қошлари уйилган, боланикига ўхшаш тимқора кўзлари ғазаб ўтини сочаётгандай чақнар, важоҳати хунук эди. Суймаганга хол ҳам доғ, деганлариндай, аяга шундай кўриниб кетдими... ишқилиб, болани худди бир буюмдай унинг қўлидан юлқиб оласолиб, даст кўтарганча индамай жўнаб қолди. Тезлаб борар экан, қадамини бўм-бўш шийпонни янграиб дук-дук бо-сар, бўлиқ кўкраклари уёқ-буёққа чайқалар, бола эса, кетгиси йўқ, илжайиб, орқага қарар эди.

— Сизникимиди, опа, яхши бола экан, оти нимади? — деганча анграиб Гулзира қолди. Бирдан руҳи тушиб бош эгиб турган аяга ҳайрон тикилди, раҳми келиб кетди унга: «Бу қанақа хотин ўзи, салом йўқ, алик йўқ... Бизни айбимиз нима?»

— ...Шу ёшга кириб шунча гап, шунча таъналар эшитиш уят... — дея шивирлади Тожихон ая, ерга қараганча ўзига ўзи. У ёнида ёш қизча борлигини унутган эди чоғи.

— Вой, у ҳеч нарса дегани йўқ-ку сизга, ая? — деди Гулзира малла киприклари титраб.

Тожихон ая унга ҳайрон бўлиб боқди.

— Йўқ, у гапирди, Гулзира, жуда қаттиқ шанғиллади, лекин менинг айбим йўқ.

— Биладан.

Ая қизчанинг бошини силади.

— Сен... энди борақол. Борақол, даданг келишига уйда бўл, хўпми?

— Хўп, — деди Гулзира, орада шодлик сўнган эди, сумкачасини олдида, хафақол, бош эгиб чиқиб кетди.

— Уят... — деди Тожихон ая ўз азоби билан ёлғиз қолганида, — сал кам эллик ёшингда ҳам шундай бачкана адоватлардан ўзингни холи қилолмасанг... Қачонги гаплар! Рашк қиладиган ниманг ҳам қолди. Момохол сендан саккиз ёш кичик...

Чиқиб бораркан, шийпон деворидаги тошойнада ўз аксини кўриб тўхтади. У бўлиб ўтган изтиробли воқеадан кейин лов-лов ёнар, юзлари қип-қизил эди. Тўлғаниб кўкка ўрлаган ёлқиндай кўринди ўзига ўзи. Ён-берига қараб, ҳеч ким йўғида қуртхонага ўтиб кетақолди: биров кўрса, «ўзини ойнага соляпти» демасин тагин...

2

Ҳасан аравакашнинг ўзи ҳам ундан бир ёш кичик. Айтгандай, аравакаш деган билан, у энди ҳеч қанақа аравакаш эмас, ипакчилик агрономи. «Аравакаш» тақовули унинг ҳов ўша уруш давридаги омадсиз ёшлигидан қолган лақаб, холос. Сиртки имтиҳонларни топшириб, агрономлик дипломини олиб келган йиллари, ҳали ҳам гимнастёркасини ечмаган бу қора, абжир солдат Тожихонга кун бермай қўйди. Қаерга борса рўпарасидан чиқарди. Роса икки йил изма-из, худди соядай судралса бўладими!

Ўн тўрт йилча бўлди мунга. Мана шу «меҳмонхона» ҳар йилгидай пилла мавсуми олдидан қора сувоқдан чиқарилиб, қирмисқа йўлларига оҳак чапланган, полда, деворларда оқ доғлар, пақирлардаги сувда янги оҳак вишиллаб, тупроқ ҳиди анқиб ётарди. Тожихон бу ишларни, одатда ҳеч кимга ишонмай, ўзи қилади. Деразаларга шом қоронғиси илашганда у коржомасини ечиб, ўша ювила-ювила оҳори тўкилган кенг-қовул қарғашойисини кийиб, энди юз-қўлини чайган эди — орқа эшик очилиб Ҳасан кирди. Эшикни негадир яна очиб, қайтадан жипслаб ёпди, илгагини ҳам туширди. Кейин шахдам юриб, даҳлиз томондаги эшикка ўтди, уни ҳам қайта-қайта ёпиб, тирқишларига разм солди. Аввал ҳайрон бўлиб сал чўчиган Тожихон ўзига келди: агроном эшикларни текшираётган экан — қуртхонада елвизак юрса ёмон бўлади...

Ҳасан чиқиб кетмади. Фира-ширада унинг тик қомати кўринар, этиги ёричиллаб, негадир тезлашган нафаси эшитилар эди. Тожихон авваллари ундан кўрқмас, айланишиб юришларининг беҳудалигини аниқ билгандай, бунга кулиброқ қарар эди. Ҳозир ундан биринчи марта чинакамига кўрқиб кетди, ўзини дадил, муносиб тутишга шайланди. Лекин урунгани сари ўзига ишончи йўқлигини ҳам сезиб, ҳам сездириб қўймоқда эди.

— Тожи... — деди йигит секин. Тожихон қараса, у шу ерда, яқингинасига келиб қолибди. Чўчиганини билдирмаслик учун:

— ...эшикларни тузаттирдим, яхши ёпиладиган қилиб... — деди.

— Эшикларни қулфладим, Тожихон... — деди Ҳасан, қўлини деворга тираб унинг йўлини тўсаркан. Тожихон чекинди. Ҳасан иккинчи қўлини ҳам нариги деворга тираб, уни бурчакка қисди. Энди нафаси Тожихоннинг юзига баралла урилиб турарди. Яхши сигарет ҳиди унинг бошини сал айлантди.

— Ҳасанжон... уят эмасми? — деди ожизлигини тушуниб. Унинг сўздан бўлак қуроли йўқ эди. — Уялмайсизми... биз ундай одамлар эмасмизку. Қичқирсам нима бўлади?

— Қичқирмайсиз, — деди Ҳасан. Яқинроқ келди, Тожихоннинг сирли ҳид таратган сочлари юзини, дилини қитиқлаганда шивирлашга ўтди. — Ундай одам эмасиз...

— Сиз ҳам... Кимсан — агроном!

— Мана шу «меҳмонхона»га бемалол кириб юриш учун атайлаб агрономликка ўқиган бўлсам-чи!

— Кириб нима қиласиз?
— Биласиз-ку...
— Қўйворинг, чиқинг, илтимос қиламан, Ҳасанжон.
— Йўқ, бугун узил-кесил ҳал қилишимиз керак. Гапиринг. Мен ортиқ бундай юролмайман, чарчадим, Тожихон.

— Орамизда ҳал қиладиган нарса йўқ, мен сизга айтганман, тамом.
— Менга қаранг, Тожихон... — Ҳасан чуқур нафас олиб, босиқ мулоҳазага ўтишга уринар, лекин буни уддалолмас эди. — Нима қиласиз, чопиб турган кўнглингизга раҳна солиб?

— Ким айтди сизга... Менинг кўнглимда нима борлигини? — Тожихон бурчакка сиқилган ерга қараб гапирар, ўз гапларига ишончи унча мустаҳкам эмаслиги сезиларди. Кейин Ҳасаннинг қора, гўштсиз юзида ўсиқ мўйловларининг сал титраганини кўрди.

— Узим биламан! — деди Ҳасан. — Ҳозир ҳам билиб турибман...

— Жуда билагон экансиз, ҳамма нарсада... ўзингизга жуда ишониб кетибсиз! Қўйворинг, қоронғи тушди, биров эшитиб қолса, айб бўлади.

— Мен кўрқиб бўлганман, неча йиллардан бери...

— Мен ҳам неча марта такрорлашам керак, гулдай очилиб юрган қизлар бор... Ҳасанжон, ўтинаман, мени қийнаманг. Қилдайд йигитсиз, бахтингизни топасиз. Мен...

— Насиҳатингизни қўйинг.

— Насиҳат қилсам ҳаққим бор — сиздан каттаман. Қўлингизни олинг, нафасим сиқилиб кетди. Қиз бола эмасманки, бурчакка қиссангиз. Ўйлаб кўринг ахир, эр кўрган хотинга бу — ор-номус эмасми? Ҳар сафар кўнглингизни гапирасизу одамнинг иззат-нафсига тегаётганингизни билмайсиз.

Ҳасан қўлларини тушуриб, орқаси билан деворга суянди, бошини қуйи солиб жим қолди. Тожихон, йўл очиқ бўлса ҳам, бурчакдан чиқиб кетмай, йигитга раҳми келиб овозини юмшатди:

— Девор нам, гимнастёркангизда оҳак юқи... Қоқиб олинг.

Улар тунд бўлиб қолишди. Ташқарида қатнов сепсилган, майин оқшом жимлигида бақа қуриллар, чигиртка чириллар эди.

— Тожи... шундай юраверасизми? Менинг қаерим кам ўша... Айбим нима, урушда оёғимни ташлаб келмаганимми?

— Яхши эмас. Ўлган одам ҳақида бундай гапни қўйинг. Сизга илгари ҳам айтганман, менинг эрим яхши киши эди.

— Биласиз-ку, менда Турғунали ака ҳақида заррача ёмон ўй бўлиши мумкин эмас, лекин у киши йўқ, йўқ! Тожихон! Мана, тўққиз йил бўлди, у киши йўқ!.. — Ҳасан бирдан тиз чўкиб, Тожихоннинг қаддига ёпишди, бели, қуймичи аралаш оёқларини кучиб, бутун вужуди билан титраб шивирлади, — Тожи, Тожихон, бугун бир нарса демасангиз бўлмайди, қасд қилиб келганман, охириги марта ялиняпман, сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ. Неча йиллар... Ойлар, кунлар... айниқса тунлар! Охири борми, раҳмингиз келсин!..

Тожихоннинг енгилишига сал қолди. Кўп йиллардан бери бундай бўшашгани йўқ эди.

— Ҳасанжон, турунг... — деди ғижим этаklarини унинг қўлидан тортқилаб тисариларкан, — дарров турунг, мен бу аҳволда гаплашолмайман, Ҳасан...

Йигит унинг овозида илиқ бир илинжни пайқаб, қаддини тиклади, қоронғи бўлса ҳам, Тожихоннинг йилтиллаган кўзларини кўрди, бағрида ловуллаган ҳароратни сезди.

— Йўқ, — деди Тожихон кўксидан кўтарилиб келган ўксик йиғини босиб. — Мен сизнинг бахтингизни ўйлапман, Ҳасанжон. Мени унутинг, кейин хурсанд бўласиз. Сўнги пушаймон ёмон.

— Янами? Буни минг марта эшитганман ахир!

— Хотин киши гапириши мумкин бўлмаган гапни айтишга мажбур қилманг. Ундан кейин... Менинг ўғлим бор, ўқишга кетган, биласиз. У қайтганида нима дейман?

— Қўйсангиз-чи! — деди Ҳасан қўл силтаб. — Ўзингизни беҳуда овутасиз — «ўғлим», «эрим»... Биттаси ҳам йўқ, йўқ, эшитяпсизми! Мен шунинг учун юрибман соянгиздай изма-из, сизни бахтли қилмоқчиман. Сизнинг ўз ўғлингиз

бўлиши керак, суқсурдай жувонсиз... Тожихон, мен ваъда бераман, Тожихон қўйинг шу важҳу тақални, мен сизга...

Тожихон лол, карахт эди. Деворга пешонасини тираб жим қолган Ҳасаннинг елкаси жиндак титраганини пайқагандагина ўзига келди. «Йиғлади, ахир йиғлади йигит шўрлик...» деди ачиниб. Ҳасаннинг изтироби уни ҳам эзиб юборган эди. Ўзини тутолмай, елкасига аста кафтини теккизди.

— Ҳасанжон...

Ҳасан бирдан орқасига қайрилиб унинг қўлини маҳкам ушлаб олди. Қўли ўтдек ёнар, қора яноқларида нам йилтиллар эди. Тожихон бир амаллаб қўлини тортиб олди.

— Иккинчи бундай қилманг, кўрдингизми — фойдаси йўқ. Мен сизга бахт тилайман...

У орқа эшикка бориб, илгагини кўтарди-да, соядай чиқиб кетди. Қоронғи тун, узоқ-узоқларда чироқлар милтиллайди. Тожихон қаёққа юришини билмай, шийпон устунини тутганча тунги шабадада сал ўзига келмоқчи бўлди. Елкалари титраб, деворга суяниб қолган Ҳасан кўз ўнгидан кетмасди. «Яхши йигит... Унинг ўрнида бошқа биров бўлса борми!» Тожихон буни кўз олдига ҳам келтиролмайди. Зимзиё тун, холи-хилват жой... Кучга тўлган эркак... Чўғдай бир оқида қизга арзийдиган тилла йигит!

Афсуски, Тожихонга унинг мана шу яхшилигидан фойдаланишга тўғри келди. Умидворки, энди бу унинг охирги жавоби бўлар. Иккалалари ҳам жуда қийналиб кетишди...

Бу бундан ўн тўрт йил аввал бўлганди. Кейин Тожихон жигар касали билан узоқ ётиб қолиб, анча ўзгариб кетди. Ҳасанни тез-тез ўйласа ҳам, ўзининг ўша қатъий жавобидан мамнун эди. Ўз аҳволидан хижолат, уялиб касалхонада ҳам, кейин уйда ҳам уни қабул қилмади, тузалиб кетганида ҳам ёнига йўлатмади. Охирги марта хабар олгани келганида «кўргим келмайди» деб Ойхонни чиқарди. Бутун ҳиссиётига, ширин ўй-хаёлларига хилоф айтилган, бағридан дард, оғриқ билан суғирилиб чиққан бу шафқатсиз сўзлар йигитгагина эмас, ўзига ҳам анчагача азоб берди.

Кейин... кейин неча йиллаб унинг этагининг шамолига кўксини тутиб юрган Ҳасан «аравакаш» мана шу Момохолга уйланиб кетди. Энди қарабсизки, уйда бир этак бола. Дўмбоғини қара! Қўғирчоқнинг ўзи-я. «Қуйийди» эмиш...

Момохол бўлса, тентак, шундай эрни ҳали ҳам беҳудага кунилаб юрибди. Иккаласини ҳам Тожихон бахтсизликдан қутқазиб қолганини билмайди бу эси паст жувон. Одамни бахтсизликдан қутқазиб қолиш учун ўтга, сувга кириш шарт эмас экан, эс-фаросатни мавридида ишга солсанг бас.

Тожихоннинг эса... қуртхонадаги оҳақ ҳиди анқиган ўша оқшом ҳали-ҳамон кўз ўнгиди. Ўша гап-сўз гўё ўн тўрт йил аввал эмас, боягина бўлиб ўтгандай.

3

У, қизлар барг саралайдиган сада тагидан айланиб ўтиб, орқа эшикдан ҳовлига кирди. Икки ҳовли қўшиб юборилган эди. Уртадан олиб ташланган девол ўрнида шарқираб ариқ оқиб ётибди. Кичик меҳмонхонага туташ айвонга ҳозир кечки салқин тушган. Тожихон хонтахта атрофидаги эрталаб йиғиб-тахлаб кетилган кўрпачаю якандозларни ёзиб ташлади. Лўла болишни ёнбошига тортиб, оёқларини узатиб ўтирди. Чарчаган. У ишдан эмас, қаёқдаги кечинмалардан толиқади. Қариб қоляптими нима бало! Илгарилари келибоқ пақирга, супургига ёпишар, тандирга, молхонага, ўчоққа урар эди ўзини. Рўзгорда ташвиш ҳаммиша тўлиб-тошиб ётади. Лекин ҳозир негадир ҳаловат ҳам йўқ, ҳафсала ҳам... Ёлғизлик оғир, ёлғизлик қаритяпти. Ойхон бир пас уйда бўлмаса, ўзини қаёққа қўйишини ҳам билмай қолади.

Ҳозир қаёқда қолди экан, қизи тушмагур? Қозон ҳам тўнкарилиб ётибди. Ҳар сафар бу маҳал уйда бўлар, сўриларга кўрпача ташлаб, қозон осар, икки ҳовлига сув сепиб, ялагудек қилиб қўярди.

Ойхон унинг қайин синглиси. Марҳум эридан қолган бирдан бир ёдгор шу етимча. Уруш вақтида, бечорагина тўйдан кейин, фронтга жўнаётган Турғуналининг гапи билан ўртадаги девол йиқитилган куни аясининг ёнига кириб ётганича, ҳамон у билан бирга. У вақтларда сочининг ўрими сичқоннинг думидеккина,

орик, доим нимадандир кўрқиб, қалтираб турадиган тўрт яшар қизча эди. «Акам келадилар а, ая?» «Ҳа, албатта келадилар...» Тожихоннинг бағрига кириб, эриб кетгандай ухлаб қоларди.

Энди... уни бирдан-бир сирдошим деб юрса, ўзининг сирлари кўпайиб кетди. Ёши ўтиб, ўттизни қоралаб бораяпти, гоҳо руҳиятини тушуниб бўлмайди, бирдан-бир сирдоши эмас, бирдан-бир ташвиши бўлиб қолди бу қиз.

Тожихоннинг бувиси Гулбозор кампир, онаси Икромат буви, Ойхоннинг отаси Дадаали пиллачи ҳаёт пайтларида Турғуналию Саттор, яна кўплаб қариндош-уруғлар билан шу қўш ҳовли қайнаб ётган маҳаллар бу қизчанинг бор-йўқлиги ҳам билинмас эди. Шунинг бахтию шунинг ғам-аламлари ёлғиз бошида энг мушкул ташвиш бўлиб қолишини сира хаёлига келтирганмиди, Тожихон ая?

Қош қорайганда кўча эшикни товушсиз очиб Ойхоннинг ўзи кириб келди. Юриши ҳам қандайдир соясимон, товушсиз эди. Индамай келиб ўчоққа уринганида ая унинг оқаринқираган юзини кўриб қолди. Деярлик ҳар кунни уйга келганида баргчиларни койиб, қуртхонадан хабарлар етказиб, аянинг ёлғизлик «юки»ни аллақаяқларга улоқтирадиган қиз бугун у ёққа ўтди — индамади, бу ёққа ўтди — индамади. Аянинг гумонлари ортгандан ортар эди.

— Яна келдими? — сўради ая.

Қиз индамай ўчоқ бошида ивирсийверди. Бундай очиқ саволдан кейин у ўчакишгандай бир нималарни тақиллатиб ишга киришганди. Тандирга ҳам ўт қалаб, бир боғлам гўзапояни оловга ташлаб юборди. Меҳнатга ўрганган пишиқ, етук гавдаси ловуллаган тандир ёнида бир боғлам чўғдай бўлиб кўринар эди.

— Иштаҳам қочди, гапирсанг-чи, нима бўлди? Яна келдими деяпман?

Ойхон икки ўрим сочини тўлғаб ташлади-да, ўчоқдан бош кўтармай тўнғиллади:

— Келса... онасини кўргани келгандир...

— Онасини... — дея қизишиб безовталанди ая, — кўрсатиб қўяман онасини! Қачон мол-ҳол сўргани келибдики... Танда қўявермасин, айт!

— Сиз йўқ эдингиз-да. Энди... келса келгандир, ахир, туғилиб ўсган жойи.

— Онасини эмиш! — дерди Тожихон ая ҳамон тутаяқиб, — бир болани боқиб одам қилолмаган, э ўша онасини!

Бу эркакча ғазабга Ойхон тескари қараб ўтирганча жилмайиб қўйди. Энди юзига ҳам ранг кирган эди.

— Одам бўлса шунчалик бўлади-да, ая.

— Жим бўл! — Ая жеркиворганини билмай қолди, — яна ўшанинг ёнини олаяпсанми? Аввало ўзинг сабаб: ковушини тўғрилаб қўйиш ўрнига кўзингни сузасан, муғомбир. Сенга қилган шунча маломатларидан кейин ҳам гуноҳибадини кечиривордингми! Иззат-нафс қани, қизлик туруринг борми ўзи, қиз ўлмагур! — қизишиб кетган ая ўридан сапчиб турган жойида жим бўлиб қолди, биқинини ушлаб яна кўрпачага чўкди. Ойхон шошиб келиб уни белидан қучди, ёнига биқиниб ўтириб олди. Аянинг ҳар замонда қўзийдиган жигар оғриғини улар одатда шу хилда, бадан иссиғи билан босар эдилар.

— Нима қилар эдингиз... шунга ҳам ота гўри қозихонами? Докторга боринг ундан кўра...

— Гапни чалғитма, — деди ая қадрдон ҳарорат биқинига хуш ёқиб, — донни ўзинг сепяпсан унга. Эрга бермасам бўлмайди, сен муғомбирни.

— Ерга текканим маъқул эмасми... Она-боламиз, ая. Сиз менинг кўнглимдагини ҳаммадан яхши биласиз.

— Билмаяпман-да! Ундан умидинг борми?

— Йўқ.

— Бу яхши. Эсинг бор ўзи.

— Мен шундай ўтаман.

— Аҳмоқ.

— Эсли аҳмоқ денг?

— Менинг кўрган куним ҳам сабоқ бўлмапти сенга... қиз ўтасанми?

— Аввал ўзингиз тегинг... — деди қиз зарда билан кулимсираб.

Аяси хафа бўлмади. Шундан кейин улар қучоқлашиб ўтирганча талай вақт жим қолдилар. Чирсиллаб ётган тандир ҳам аста қизариб ўчабошлади. Ғира-ширада оқ кул аралаш чўғ йилт-йилт этарди.

Ойхон ёпган нонларини дастурхонга ёйиб совитди-да, саватга солиб ток сўрига осгач, яна келди.

— Тузукмисиз?

— Йиллар ўтяпти, қайтиб келмайди, бола. Ҳамиша мана шундай ловуллаб юраман деб ўйлама. Эртанги ғамини еяпман.

— Менинг эртам... майли. Лекин уни тинч қўйинг-да!..

— Мен уни барибир адабини бериб қўяман!

— Яхши кўриш айб эмас, ахир.

— Яхши кўриш? Ким яхши кўраркан? Қани, ким яхши кўраркан? Кимни айтяпсан?

— Ўғлингизда, ким бўларди!

— Унақа ўғлим йўқ менинг...

— Ана холос, йигирма олти йилдан бери ўғлим-ўғлим қилиб юриб, энди... Қўйинг, яна дардингиз тутиб қолади.

— Яхши кўрса, ўша вақт эс-ҳуши қаёқда эди? Сени ўйламайдими ахир! Бегона эмас-ку. Хотину бола-чақалик одам-а, қолаверса амалдор! Мен унга шундоқ тарбия берганмидим!

Оқшом қоронғусида узоқларда қолган воқеалар алланечук кўланкаларди эй бўлиб иккаласининг ҳам кўз ўнгига келди. Ойхон аясининг кўзларига еш келганини кўрмаса ҳам, пайқади. Унга қўшилиб йиғламаслик учун ўзини четроққа олди-ю, иягини кафтига тираб ўтириб қолди. Узоқ ўтирдилар.

— Эрга тегишинг керак, — деди ая яна анчадан кейин. — Ўшанда ҳаммаси жойига тушиб кетади. Биласанми, бу қандоқ яхши... Тўй, гўшанга, сирлашувлар...

— Оббо... Эрга тегиб, гўшангага кириб, зап маза қилган одам гапирдилар-ку! — дея кесатди Ойхон. У аясининг ҳамма сирларини биларди. Тожихон ёлғизликнинг зўридан ҳеч нарсани қолдирмай барини ҳикоя қилиб берган. Шунинг учун улар гоҳ она-боладай, гоҳ сирдош дугоналардай гаплашаверар эдилар.

— Мен барибир унинг таъзирини бериб қўяман. Чойингни дамла. Учоғинг ҳам ўчиб қолгандир...

4

Улар қишлоқнинг боғ-роғли касавасида ўтган йилигина тоmidан қора қоғоз олиниб, оқ тунука ёпилган беш болорли уйда турар эдилар. Жазиллаб ётган ҳовлиси чоғроққина бўлса ҳам, уйда хоналари кўп, кенг, баҳаво, шаҳардагидек мебеллар билан жиҳозланган. Тожихон ая кириб борганида эшиклар очиқ экан, ҳеч кимса кўринмади, фақат стол, диван остидан одам шарпасидан чўчиган товуклар пати тўзғиб, қу-қулаганча чиқиб кетишди.

— Кароматхон-ов! — деб секин чақирди ая. Келин ишламайди, уйда бўлиши керак. Ўзи ўлгидай лачапўш, сув қайнатса тагига олдиради-ю, ошхонадан чиқмайди.

Чиндан ҳам, у бир пасдан кейин ошхона эшигида кўринди, яна жиз-биз билан банд экан шекилли. Кўринди-ю, остона ҳатлаб пешвоз чиқмади. Ширали, ювиқсиз қўлларини икки томонга ёйиб, хушламайроқ меҳмонга елкасини тутди.

— Келинг... — деди ғажагини туфук билан ёпиштириб. Сочи кесик бўлса ҳам бошида пластмасс бигудилар, латта тасмаю лахтак-лахтак пилта қоғозлар аралаш жингалаклари осилиб турарди. Буфетнинг пештахтасида улама сочи ётибди. Тожихон ая буларга эътибор қилмади. Келин ўзи шунақароқ, хамир босатуриб боласини тўсадиган, доим ўсмаси тер билан оқиб, дастурхон устида бош қашийдиган хотин. Лекин улар шаҳарлиларча яшайдилар. Қиладиган шакароблари ҳам шакароб эмас, «Оливье» дейилади. Кароматхон ҳозир пишган картошка, бодиринг, яна алланималар майдалаб солинган «Оливье»ни пахта гулли шокосада майонез билан икки қўллаб қориштиришда давом этди. У сал эт қўябошлаган, бармоқлари калта, йўгон, тилла узуги атрофини эт олган. Маникюр қилинган узун тирноқлари орасига тўлган ширали «Оливье»ни иккинчи қўлининг тирноқлари билан тозалаб косанинг ўзига соларди. Ая кўзини пастга олди. Келиннинг болоғида каштасиз жияк. Сандиқ устидаги лас кўрпачадан тувак ҳиди келди.

— Тўлқинжон боқчадами? — сўради ая, афтидан, бошқа гап тополмай.
— Ҳа.

Шу билан яна анчагача жим қолишди. Бу жимликда аллақандай нохушлик, яна: «Ойдек Ойхонимни шу тасқарага алмаштира, ундай ўғлим йўқ!» деб шунча шаллақилик қилганингдан кейин ҳам, мана, келдинг, эшигимни очдим, шу ҳам етади, яна нима керак, шукур қил!» дегандай бир писандалик бор эди. Ҳалидан бери тикка турган Тожихон аянинг тиззалари қалтираб кетди. «Борманг, ая!» деб кўча эшигида ялиниб қолган Ойхон кўз олдида гавдаланди. Чиндан ҳам, нега келди ўзи бу ерга?

Шу пайт, тўрдаги хонанинг эшиги очилиб:

— Бувижон! — деган қувноқ чинқириқ билан югуриб чиққан ўспирин аянинг бағрига ташланди. Кароматхон ширали қўлларини ёйганча оқаринқираб қолди. У Илҳомжоннинг бу хотинга бўлган меҳр-оқибатидан кўрқарди. Бу кўрқувнинг нима эканини ўзи ҳам билмас, бировга ҳам айтолмас, айтса ўзгаларга ғалати, ғайри-инсоний бўлиб туюлишини сезарди.

Илҳом бувисини ўз хонасига бошлади. Унинг болаларча қувончи энди кетиб қоламан деб турган Тожихон аянинг жонига ора кирди. Мана шундай, ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган қувончлари бор-да оила деганнинг, бўлмаса Тожихон ая келармиди, дош берармиди бу сўзсиз таъналарга! Илҳомнинг хонасида стол устию жавонлар тўла китоб, бирдан кўнгли ёришиб, тетикланиб қолган ая уларни ҳавас билан тамоша қилди. «Цицерон», «Рим ҳуқуқшунослиги тарихи», «Давлат нима»... Оҳ-ҳо! Буларни Тожихон ая қўлида ушлаб ҳам кўрган эмас. Илҳом адлия факультетига тайёрланаётган эди.

— Уша гапинг гапми? — деб сўради ая. Тўққизинчини энди битираётган, сочлари тароқсиз, дўнгпешона, афтидан жуда жўн кўринган бу бесўнақай болага нисбатан бу ният, бу салобатли китоблар ўта жиддий туюлар эди.

— Нега ундай деяпсиз, буви, иккаламиз бирга топанмиз-ку бу гапни, — қийғир қараш билан тикилди Илҳом аянинг кўзларига.

— Биз шунчаки гаплашган эдик...

— Йўқ, «шунчаки» эмас, мен факультетга ҳам бордим, энди у ерда ошналарим бор, улар қандай китоблар ўқиш кераклигини ҳам айтиб туришибди.

— Бу китобларни тушунасанми?

— Сиз тушунтирасиз.

Тожихон ая кулди.

— Уларни тушимда ҳам кўрган эмасман, болам, мен шунчаки халқ маслаҳатчисиман, сайлаб қўйишган.

— Бўпти-да, мен сизнинг судларингизга қатнайман. Қўядими?

— Қўяди. Студент бўлганингда.

Утган ёз шу хонада «ким бўлмоқчисан?» деган савол важдан оддийгина суҳбат бўлиб ўтган эди. Тожихон аяни район халқ судига маслаҳатчи қилиб сайлашган кунлари бўлгани учунми, болада адолат ҳисси кучлилигини сезганиданми, ая орада юридик факультет ҳақида гап очиб қолди. Бу йўлақай гапнинг бола кўнглида бунчалик из қолдиришини ўйламаган ая ўша суҳбатни унутиб ҳам юборган эди. Энди қараса — бола астойдил. «Булар катта бўляпти, биз қарияпмиз...»

— Бувангларникига бориб турибсизларми? — деб сўради Тожихон ая. Севимли мавзу бирдан ўзгарганиданми, Илҳом дарров жавоб берақолмади. Ая кейин кўрса, Кароматхон ҳам келиб, эшик кесақисига суянганча, гапларига қулоқ солиб турган экан.

— Биз уёққа бормаймиз, улар қишлоқи, — дея тўнғиллаб кесатди Илҳом. — Биз ғулом тоғамларникига шаҳарга борамиз, у киши обкомда ишлайдилар!

— Ундоқ дема, болам, биз ҳам қишлоқимиз...

— Шунинг учун сизникига ҳам бормаймиз.

Бу вақт Кароматхон хона эшигини қаттиқ ёпиб, кетиб қолди. Эшик тарақлаши билан аянинг миясига ҳам ёқимсиз бир фикр келиб урилди. Ана, энди у ўғлининг бу гапларини ҳам аядан кўради. Болани бузаяпти, уни қаёқдаги терс гапларга ўргатиб, оилага раҳна солгани келган, дейди. Ая эшикни аста очиб қўйди.

— ...ким ўргатди сенга бунақанги аччиқ-тизиқ гапларни, жон болам... — деди жуда ноқулай ҳолатда қолган Тожихон ая.

— Мен ойм билан эмас, сиз билан гаплашяпман, — деди Илҳом, атай баланд овозда. — Бизни Ғуллом тоғам одам қилганлар, бизнинг бор-йўқлигимиз фақат у кишига боғлиқ! Урсалар ер бўламиз, кўтарсалар — осмон!

— Қўй, Илҳом, жон болам. Бошқа гаплардан гаплашайлик. Даданг соат нечада келадилар?

Илҳом қўлидаги дафтар билан уйда қамалиб қолиб ўзини ҳадеб деразага ураётган қовоқ арини қувлай кетди. Ари жон аччиғида ғувиллар, тутқич бермасди. Илҳом уни ахир форточкага рўпара қилиб, чиқариб юборди, кейин деразага қараб, болаларча қичқирди:

— Ана, келибдилар-ку, машиналари турибди!

Бу вақт очиқ эшикда Саттор кўринди. У қирқларни қоралаган, лекин китель, оқ шимда анча ёш кўринадиган, бўйчан, келишган, чиройли йигит, фақат қовоғи дадаси раҳматлиниқига ўхшаш салқи, кулганида кўзи юмулгандай бўлиб кўринар эди. Ичмайдиган, чекмайдиган, ранги тоза, руҳи тетик, кенг соябонли шляпасини бошидан олганида офтоб урмаган манглайига қопқора сочлари ёйилиб тушди.

Қўлларини артиб ошхонадан чиққан Кароматхон шошиб келди-да, бир қўлини эрининг бўйнига ташлаб юзларидан намоишкорона ўпиб олди: мана, овора бўласиз, биз мана шунақа эту тирноқ, тотув яшаймиз, дегандай.

— Э, ана, аям келибдилар-ку, ош ейдиган бўлибмиз-да! — деди қувноқ Саттор қўлидаги газетани столга ташлаб, — ош ейишга бошқа важлар ҳам бор, очигини айтсам. Қалайсиз, ая?

— Яхши, болам, мана Илҳомжон билан гаплашиб хурсанд бўлдим.

— Илҳом зўр! Сизнинг изингиздан кетадиган бўлиб турибди.

— Менинг изим-ку... йўқ. Уқисин, ҳафсаласи яхши.

— Сиз хурсанд бўлсангиз бўлди, ая! — деди Саттор ювиниб, сочиқни бўйнига солиб келаркан.

— Сизни хурсанд қиладиган бошқа ишларимиз ҳам бор. Ана, газетани ўқидингизми?

Илҳом стол ёнида газетани қулочкашлаб ёзиб, ўқиётган эди. Область газетасида «Эл эъзозида» деган катта очерк чиқибди. Ая ҳам яқинлашди, Кароматхон ҳам ўсма оққан кўзларини катта очиб газетага тикилди.

— Сенинг ҳақингдами?

— Каминаи камтарин... Утиринг, ая, — деди Саттор, подтяжкаларини осилтирганча, енг шимариб дастурхон тузабошларкан. — Бор, бор, хотин, ошни тезлат, ўқишга улгурасан, кейин ёлғиз ўзинг ётиб олиб ўқиб маза қиласан. Уйда зерикиб қолмаслигинг учун сенга бундан кейин ҳам мана шунақанги бадий очерклардан олиб келиб тураман. — Ҳазилидан мамнун, хотинини биқинидан ушлаб, қитиқлаб ошхонага йўллади.

— Вой, ҳазилингиз қурсин! — деб Кароматхон ҳам қийшанглаганча кириб кетди. Илҳом очеркни баланд овоз билан ўқир, уй янграр, ая эса стол бурчида ўтириб, бу хонадондаги муносабатлар ҳақида ўйлар эди. Бу қувноқ тотувликлар, бу қувончлар рост бўлсин ишқилиб, аҳиллик бўлса, ўзи ҳам мана шундай ҳар замон келганида бир жойга сиғишиб кетар... Ахир авваллари саломига алик ололмаи юрагини чангаллаб чиқиб кетарди-да. Утган гал, яқиндагина, мана шу курсида ўтириб, ошхона томондан шанғиллаган ҳақоратни ўз қулоғи билан эшитган. Уйингда меҳмон борида мушугингни пишт дема, деган гап бор. Бу бўлса атай эшиттириб шанғиллайди: «Кетса эшик очиқ! Келган ўз оёғи, кетган ўз оёғи, қуллуқ бўлсин еган таёғи! Чинакам қайнанадек келиб тўрда керилиб ўтиради. Нимасига қайнана? Туғиб қўйсин, кейин қайнона бўлади. Уруш пайти бир етимга бир бурда нон берган бўлса берибди-да. Шу ҳам қаҳрамонлик эканми? Қаҳрамонлар, ана, тупроқда ётибди! Она бўлиш осон эканда? Она эмиш. Сиздан ўн ёш каттами? Ким ишонади?» «Ундай эмас, хотин. Ўша кунларни кўрган мен биланми, сенми?!» Саттор шундай дер эди-ю, хотинини силтаб ташлай олмасди. Олий маълумот олиб уйда ўтирган келин яна бобилларди, ўқиёлмай қолган Ойхонни бадном қилар, аяни остонадан суришни талаб этгандай, чинқириб йиғлар эди: «Етти ёт бегона, аралашмасин!»

Бугун бўлса, шукур, мана, очиқ-сочиқ тотувлик, дастурхон, ош, Илҳомнинг ўсмирларга хос сал дўриллаган баланд овози... Рост бўлсин ишқилиб.

— Дада, дада! Раислар кўп-у, нега битта сизни ёзади? Анов сафар ҳам...

— Раислар кўп, лекин биз ишни қойил қилиб қўйганмизда, шеф! Ҳозиргина ўқидингиз-ку, ахир! — Саттор ўғлини ҳазиллашиб «шеф» деб атар, машки баланд пайтларда сизлаб гапирар эди. Ҳозир ҳазиллашиб кўксига бир «бокс» қилмоқчи бўлуди, Илҳом «приём» ясаб, қўлини қайириб қолди. — Бўлди, бўлди, шеф, бўлди, сиз зўрсиз! — деди зўрға қутилиб келиб стол ёнига ўтирди.

Дастурхонга чой-нон, мева қўйилди, тантана билан «Оливье» кирди, гардиш лаганда ош тортилди. Илҳом ҳам ўз хонасидаги магнитофонни пастлатиб қўйиб, келиб ўтирди. Дастурхон атрофида қувноқ бир руҳ ҳукм сурарди, ҳатто келин ҳам эрининг ёнида биқиниб ўтириб ҳазил-ҳузилга аралашди.

— Ишни қойиллатганлар ҳам кўпдир-у, Илҳомжон болам, ҳаммасини ёзиб бўлмайдими-да, қайси газетага сиғади? Кимнидир танлаб олиш керак, — деб тушунтирди ая.

— Ҳа, ана! Доно бўлса онаси, қобил бўлар боласи! — деб Саттор аяни қучиб қўйди. — Именно, танлаб олиш керак! — кўрсаткич бармоғини бигиз қилди. — Танланганлар қаторида бўл. «Эл эъзозиди!» Уқдингми?

— Шухратпарастсиз-да, дада, учта орденингиз бор, яна фан кандидати. Тўймайсиз. Кандидат, депутат, лауреат... Қофия жуфт бўлиши керакку, дада, тўртинчисини қаёқдан топасиз?

Ҳамма, ҳатто Кароматхон ҳам қўшилиб кулиб юборди. Илҳомнинг калласига тарс этиб ярим ҳазил тарсаки тушди.

— Мазах қилма, сенинг ақлинг етадиган иш эмас! — деди Саттор. Кейин тез ўзгариб, кулган бўлди: — Шоир бу, Илҳом шоир. Қофиясидан ҳам хабардор. Сизнинг изингиздан боради десам...

Калтақдан кейин сал ўчакишган Илҳом давом этди:

— Раис ака, томинг баланд,
Томингдан ҳам номинг баланд...

Бу ҳам Илҳом шоир сатрларидан, — дея ошга қўл узатди. Орада ётсираш йўқолганидан Тожиҳон ая ҳам яйраб, ҳазинроқ бўлсада кулиб қўйди. «Фан кандидати...» унинг учун янгилик эди. Қачон улгурди? Епирай, умр ўтиб кетяпти...

Кароматхоннинг кўз қири аяда. Улар бир-бирларининг жинлари севмаслигини ҳеч қандай вазиятда ҳам унутмасдилар. «Ҳали ҳам сувчи ё кетмончи бўлиб юрган бўларди ўғлинг! — дея келинининг кўзларидан ўқирди ая, — яна менга олаясан, ношукур. Ўз боланг бўлганда-ку, бундай бахт-толеига йўқ демасдинг-а!»

Ая нон тишлади. Таом ҳиди иштаҳасини ўйнатарди, лекин... Айниқса, «Оливье»ни кўриб... Овқатда гуноҳ йўқ, албатта, лекин таъб қурғур тортмайди. Сийлаганнинг сувини ич, деганлар. Вазиятни қўллашга ҳаракат қилиб, оч қоринга қур-қур чой ичиб ўтирса ҳам, ая анча ёзилди. Келганига пушаймон емади.

5

Чойдан кейин Саттор елкасига пиджак ташлаб уни кузатгани эшикка чиққанида, соя-салқин хилват йўлкада борарканлар, юмшаб кетган овозига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб, ая аста гап қотди:

— Ишларинг яхши экан. Уйингда ҳам... Хурсанд бўлдим, болам. — Эшитган қулоққа ғалати туюлади: ўн ёшгина кичик Саттор унга ўғил бўл-лолмасди, лекин ая уни кичкина вақтидан «болам» деб ўрганиб қолган. — Диссертация ҳам ёқлаб олибсан... беҳабар қолган эканман. Қачон улгурдинг, мен буни оғир иш деб ўйлардим...

— Оғир бўлганда қандай! Сизни хабардор қилишга ҳам вақт бўлмади-да, қаранг.

— Хўжалигинг катта... бу ҳам зарурмиди, қачон шуғулланасан илм билан?

Илҳом айтгандай, қофияси учун демасанг... Балки битта яримта ҳақиқий олимнинг ўрнини олиб қўйгандирсан.

— Ўрнини санаб қўйибдим, фан олами кенг!

— Санаб қўйса ёмон бўлмасди...

— Э, ая, ҳарҳолда бу ҳам керакда. Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан, деганлар. Биласиз, аввал унвонликнинг оғзига қарайди одамлар. Билаги зўр бирни йиқса, билими зўр мингни йиқаркан. Кимсан — кандидат! — Саттор кўксигаги депутатлик нишонига қўл тегизиб қўйди: — Буни айтсангиз... шундоқ ҳам халқ хизматини қилиб юрибмиз. Ё сизга ёқмайдимиз?

— Нега ёқмас экан, болам, омади гапни айтдим, қандингни ур. Фақат... Ғумбакка ўхшаб, ипакка ўраниб, ухлаб қолмагин деяпман-да...

— Хо-хо-хо! — деб қаттиқ кулиб юборди Саттор, — ўхшатишни ҳам қойиллатасиз-да, ая, Илҳом шоирдан ҳам оширдингиз, ўлай агар! Аммо-лекин ухлаш қаёқда! Қайнаб ётибмиз-ку! Ўзингиз ҳам қизиқ: бирда «қачон улгурдинг» дейсиз-у, бирда уйқудан гапирасиз.

— Доим хурсандсан, ўғлим, доим омадинг юрган, шундан хавотирман... Нарвонга чиқсанг шошмай чиқ, ўз ҳаддингдан ошмай чиқ, дейдилар. Шону шуҳрат бевафо, соянгга қараб бўй ўлча.

— Қанақа шуҳрат, ая? — Сатторнинг аччиғи чиқди, — қуртхонада қамалиб ётиб, замонага эшикнинг тирқишидан боқасиз... Орқада қолиб кетган бўлманг тагин. Атрофингизга қаранг ахир: мен тенгилар Олтин Юлдуз тақиб юрибди. Бари депутат, лауреат, кандидат... Менинг қаерим кам? Маёқлар керак, ая!

— Биз ҳам маёқ эдик, бир нимани, бирон муаммони ҳал қилиб берибмизми? Ўз тошимизга бир ботмон бўлиб юрибмизда. Кейин... Бу унвонларни тақинчоқдай тақиб юриш учун бермайдилар чамамда, болам. Отанг раҳматлик бундай сўзларни эшитган ҳам эмас. Ёмон одаммиди? Ёмон бўлса отини мрамарга ёзмайди.

— Навбатдаги сайловдан ўтиб олайлик-чи, мрамарга ёзиладиган ишлар қиламиз... — деди Саттор четга қараб.

— Сени яна сайлашадими, болам?

— Нега сайламас экан, нима ёмонлик қилибмиз?

— Нима яхшилик қилдинг деб сўрашса...

— Ёмонлик қилмадимми — шунинг ўзи яхшилик, ая, замон шунақа. Яхшиликнинг эса нарх-навоси бор. Менинг яхшилигимми — демак, баҳосини ҳам мен олишим керак.

— Савдо-сотиққа айлантирибсанлар, сабзи-пиёз эмас-ку, бу!

— А?

— Расим бўлиб қолибди деяпман: ёмонлик қилмади — яхши одам экан, мукофотлаш керак, сайлаш керак, тақдирлаш керак... Асил яхшилик-чи, ҳақиқатнинг ўзи-чи, қаёқда қолди улар? Катта бўл, болам, майли. Лекин уммонни ютсанг ҳам, виждонни ютма, деган.

Саттор тунд бўлиб қолди, шимининг қиррасига, ит тумшукли ботинкасининг учига қараб, анча юрди.

— Хўп, шон-шуҳрат дедингиз, — деди аста, — ҳай, ана, шуҳратимиз бор. Гуноҳимиз шуми? Хўш, текинга келибдимиз? Бировникини тортиб олганимиз ҳам йўқ. Меҳнат келтиради шуҳратни. Ё мен бошқаларга ўхшаб ҳаром еяпманми? Пул учун яшаётганлар ҳам кўп. Бировнинг ҳаққини ўмариб, давлатдан ўмариб... Шуҳрат пул эмас-ку, ая. Бизники пок-покиза, ҳа!

— Нега жаҳлинг чиқади, болам, ҳаром еяпсан деганим йўқ. Шон-шуҳратинг ўзингга буюрсин, хурсандман, хавотиримни айтдим-да. Амалий ишнинг ўрнини босиб қўймаса бўлгани. Даҳмазаю дабдабасиз яшаганлар кўп ахир, синч уйим — тинч уйим... Азалдан... меҳнат эзгулик ҳисобланарди. Мол-дунё ҳам, қувончлар ҳам шунинг оқибати... Энди бўлса ҳаммаси аралашиб кетди назаримда.

Ая оғир гапирарди. Ҳалироқ овози баландлашиб кетганини сезган Саттор бироз тоб ташлади, аясининг елкасига қўл узатиб, эркалаган бўлди.

— Ҳеч хавотир олманг, сизга муносиб бўламиз, ая, орзуимиз шу.

Сатторнинг одатдаги кўприқ гапи сал ғашига тегса-да, Тожихон ая ҳам мулойим тортди:

— Гап чалғиб кетди... — деди у, — бошқа нарсани айтмоқчи бўлиб келган эдим. — Айтмоқчи эмас, бошлаб адабингни бермоқчи бўлиб, қақшатиб сўймоқчи бўлиб, тиғ тортиб келган эди. Уйдаги гап кўчага тўғри келмас экан, бошқача бўлиб чиқди. — Бориб юрган эмишсан, жон болам...

— Э, ая, қизиқ экансиз! — деди Саттор гап нимада эканини дарров тушуниб. — Мени нима деб ўйлаяпсиз?! Газетани ўқидингиз-а? Ҳали бундан катта хурсандчиликлар бўлади, очигини айтсам. Бўлади, ая!

— Хурсандчилик бўлсин. Лекин...

— Ойхон... Ойхон яхши қиз. У менинг биринчи муҳаббатим, биласиз. Аммо ҳаётнинг йўруғи бошқа экан...

Ая шу жойда, ўзи ҳам кутмаганда ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олди. Бундан ўзи ўнғайсизланиб, дарров ёшини артаркан:

— Мен сени гоҳи бегонасираб қоламан, болам, тушунмайман... — деди секин. — Муҳаббатинг қайси-ю, ҳаёт йўруғи деганинг қайси?.. Кичик ишинг қайси-ю, катта ишларинг қайси?.. Тушунмайман.

— Бекорга хавотир олаяпсиз, ая. Амин бўлинг, энди мен орқага қайтолмайман. Райондамас, областда ҳам «катта қозик» бўлиб қолдик, катта ишларимиз бор.

— Шундай бўлсин, Ойхонни энди тинч қўй. Бу ҳам катта ишларингдан бири бўлади, болам.

Саттор «соддасиз» дегандай елка қисиб кулиб қўйди.

— Сен ҳам жигаримсан, у ҳам жигарим...

— Айтгандай, жигар дегандан... — муракқаб мавзу юмалоқ-ястиқ бўлганидан қувонди чоғи, сўзни илиб кетди Саттор: — Соғлигингиз қанақа, энди безовта қилмаяптими?

— Жуда ваҳим қилиб огоҳлантириб, пахтада ишлашимни ман қилишган. Шундан бошқа дардим йўқ. Пилладан олаяпман аламимни.

— Пилла кўз очиб кўрган дунёнгиз-ку. Қўйинг ўша пахтани, узоқроқ юраверинг, ҳозир шунақанги хиҷикатлар ишлатилиптики! Сизга қиттак бир заррасиям тўғри келмайди-я, докторларнинг ваҳимасида жон бор.

— Самолётларинг баланд учмасин, болам. Утган йили Қоразовур массивида кўришибди. Унда кўз қорачиғидай асраб юрган тутзоримиз бор-а!

— Қизиқмисиз, нега учар экан! Ҳозир умуман самолёт ишлатмайдиган бўлганмиз, ая.

— Тутзор атрофида пахта эктирмасанг ҳам бўларди ўзи. Бу тутларни не маломатлар билан пахтазордан кўчириб чиққанмиз, биласан.

— Қизиқ, ўшанда бизнинг колхоз ерларини олган экансизлар-да, ая?

— Ер қаёқда, ер эмас, Қоразовур деган эгасиз балчик, ботқоқ эди ахир. Сенинг колхозинг ҳам йўқ эди у маҳалларда. Мана шу ерлар ҳам ёввойи қамишзор эди, — деб ая машиналар ғувиллаб ўтиб турган кенг асфальт йўлни кўрсатди. Улар «Навбахор» колхозини деб ёзилган автобус бекатага чиққан эдилар. Шу ондаёқ машина ҳам келиб тўхтади.

Тожихон ая рўпарасида бош экан бўйчан ўғлининг пешонасидан ўпиб хайрлашди. Оқ кийинган, соявон шляпали раисни бу атрофдаги одамлар яхши танир эдилар. Шундай ўғил кузатиб қўйган онага автобусда ҳам кўплар ҳавас билан қараб қўйишди. Буни сезган Тожихон ая бу ерга келаётганидаги кайфиятини, ўзининг вазоҳатини эслаб, кулимсираб қўйди. Буни бошлаб тийиб қўяман, терисига сомон тикаман, деб келган одам... Неча марта айтади ўзига: нима ҳам қилардинг тутатиб, Тожи тажанг! Ахир туя ҳам муомалага чўкади. Мана, яхши бўлди, оғиргина гаплашиб, ҳеч кимнинг асабини бузмай, меҳмон бўлиб қайтиб кетяпти. Ўзларига тинч бўлишсин. Илгарилар ораларига тушиб ҳам нима қилаолувди? Шукур, бинойидек туришибди. Илҳомжони ҳам эсликкина бола, ҳеч нарсани билмайди чоғи. Билмагани маъқул, айтмай тўғри қилишади. Бола учун нима аҳамияти бор?!

Энди анави қиз тушмагурни ҳам эгасини топиб топширса, бари тинчиб кетарди. Боши очик бўлгандан кейин... Бу ҳам ўспиринлик чоқларини унутмайди шекилли-да... Аммо ўша ғалаёнлар фақат «ўспиринлик»миди? «Ўспи-

ринлик»кина бўлса, шундай салобатли одамни — кимсан колхоз раиси! — нега яна безовта қилади?

Автобуснинг деразаси оч яшил рангда экан, беқасамдай тарам-тарам, кўм-кўк далалар осмонга ҳам яшил нур таратгандай; икки четига қатор терак экилган тасмадай йўллар оқиб ўтар, шу оқимларга бўйсуниб аянинг ўйлари ҳам боши оққан томонга қараб кетиб қолмоқда эди. Қизиқ-да: биров ўзи адашади, бировни биров адаштиради; бири йўл тополмайди, бири топган йўлидан юролмайди; бири бирининг йўлини кесади — низо, адоват, ташвиш. Ҳамма хуноб. Оламнинг торлиги шундан эмасмикин?..

Тожихон ҳозир яна ўша эски тасаввурларига қайтиб келди. Саттор ўшанда Ойхон билан қолганида қандай яхши бўларди: қўшалоқ ҳовли тўла одам, болачақа, қариндош-уруғ, қий-чув, ҳамма ўз толеи, ўз ташвиши билан қайнаган, катта рўзғор...

Унутилаёзган ғулувли хаёллар, аламу ҳаяжонлар уйғонди... Тўхта-чи! Ая ўзини, фақат ўзини ўйлаётгани йўқми? «Ҳаётнинг йўруғи... Ҳаётнинг йўруғи нимада ўзи? Уни ким белгилайди?..»

Иккинчи боб

6

Тожихон ая ўша пастак курсига ҳорғин чўккалаб ўтирди. Пўст ташлаб олтин ранг олган, бармоқдай-бармоқдай жонворлар барг четидан ёйдек эгилиб қадамлар, тинмай еб ўрмалар, хона шовуллар эди. Ая бу жойнинг ўзига хос намхуш ҳидини соғинади, бадан тафтига мос, ёқимтой ҳароратига ўрганган, унинг жилла ўзгаршини ҳам тани, вужуди билан сезади, теракзорга жала қуяётгандек шовуллаб туришини болалигидан яхши кўради.

Эшик товушсиз очилиб, зич ёпилди, остонада тиззалари очик, оёқлари узун Гулзира турарди. Энди қўлтиғида клеёнкадан тикилган мактаб жилди йўқ, ўқишлари тугаган.

— Келдингми? — деди Тожихон ая, қайрилиб қарамасданоқ уни таниб.

— Келдим, ая.

— Яхши қилибсан.

Гулзира одатича кўлини орқасига қилиб, сўкчаклар орасидан бир айланиб ўтди. Энди «меҳмонлар» катта хонанинг бутун сатҳини, ҳамма бурчакларини эгаллаган, шалоладай шовуллаб баргни қиртишлар эди.

— Вой, буларнинг очкўзлигини! — деди Гулзира қувониб, — фақат бир зум биланглаб олиш учунгина тўхтади-я!

— Энди булар катта даҳага кирди-да, иштаҳалари авж олган, — деди ая қизчанинг «меҳмонхона»да хўжайинларча айланиб юришига ич-ичидан фахрланиб. Аядаги бу ҳисни сезган Гулзира одатда сергап бўлиб кетади:

— Биламан, булар ҳозир бешинчи ёшнинг саккизинчи кунда, ярим тонна баргни еб ташлашдиёв! Ҳай мечкай, мунча шошмасанг! Биз ҳали тут ҳам еганимиз йўқ, баргнинг барини сенга кесиб беряпмиз.

Ая маъюсгина жилмайиб қўйди. Кеча эркаклар кесиб келиб машинадан ағдарган шохларда энди шира кирабошлаган нуқрадай-нуқрадай оппоқ тулгарни кўриб Гулзиранинг оғзидан сув келганини пайқаган эди. Афсуски, болаларнинг бу тансиқ ризқи сада соясидаги сўлғин барглар орасига тўкилиб оёқ ости бўлади... Аммо энди болалар тут еганда ҳам Гулзира кўпроқ баргга тикилади: кўз ўнгида аянинг айтганлари — ер юзини чулғанган кумуш тола, атлас кийган олам қизлари, яна алланималар жонланса керак.

— Кичик «меҳмонхона»дагилар-чи, ая, овқатдан юз ўгириб, рангпар бўлиб олишибди. Ҳар ёнга ўрмалаб қолишяпти, ишқёмаслар.

— Пилла ўрашга жой қидиради-да. Бугун пода қайтганда даста қўямиз уларга. Ойхон опангни кўрдингми?

— Кўрдим. Оқбош, супурги, шувоқ, қарғатирноқ, явшан, читир дасталари-

ни райхон сувига чайиб, қуритиб тахлаб қўйибдилар сояга... Нимага пода қайтишини кутиш керак, ая? Поданинг ўзи йўқ-ку, бизнинг колхозда.

— Шундай дейишади-да, қизим. Қош қорайганда қўйсанг, бу дангасаларга жон кириб, гув этиб дастага ўрмалайди.

— Бўлмаса бугун уйку йўқ эканда! — деди Гулзира севиниб.

— Бугун уйку йўқ.

— Мен бориб дадамдан жавоб олиб келаман.

Кўп ўтмай Ойхон уларни овқатга чақирди. Ҳовлидаги сўрида қалампирнус-ха шокосалардан ҳовур чиқарди. Ойхон қўшқулоққа қатиқ ивитиб қўйган экан, маставани оқлаб ичдилар. Кейин Гулзира бориб дадасидан жавоб олиб келди. Уқиш кунлари унинг кечалари қуртхонада қолишига ая рухсат бермасди. Энди у «озод», энди бўлак гап. Бу қизчанинг кайфиятини жуда кўтариб юборган эди.

Улар «пода қайтиш»ни ҳам кутмасдан, деразаларга қалин парда тутиб иш бошладилар. «Ялқовлар» жуда безовта бўлиб, сўлак безларидан бўтана суюқлик томизиб, ҳар томонга ўрмалаб қолишган эди. Гулзира райхон ҳиди келиб турган читир дасталарни иккита-иккитадан авайлаб кўтариб ичкарига ташиб турди. Тожихон ая уларни сўрилар устига эриш-арқоқ қилиб тахлаб борар, ортидан Ойхон ғана кўтарар, сабрсизлик билан дастага илашаётган қуртлар билан гўё «гаплашар» эди: «Қаёққа, қаёққа, ҳай шапкўр! Мана, шеригингни кўрмадингни, антеннасини, ишга солиб дарров жойини топиб ёпишди!»

Гулзира куларди.

— Ойхон опа, буларнинг ҳар бирини танийсиз дейман-а?

— Танитай-чи! Бир ойдан бери бирга ётиб, бирга турамыз. Мана бу тук босган ўлгир сира ўсмади. Боланинг нафасидай енгил елвизакни ҳам дарров сезади, ҳали ҳам баргга ёпишиб ётибди.

Кичик «меҳмонхона»да иш ярим кечагача давом этди. Терга пишиб, нафаси қайтиб ташқарига чиққан Тожихон ая тун салқинида қўйлаги билан елпиниб туриб, буюрди:

— Ҳанани ёқиб юбор, Ойхон!

— Ая-а... — деган норози овоз эшитилди ичкаридан.

Одатда дастага чиқмаган майда қуртлар ғанадан териб олиниб, қўшимча равишда боқиларди. Лекин ая бунга қарши, икки-уч йилдан бери бу оворагарчиликдан воз кечган: қўшимча боқилган қуртлардан барибир стандарт пилла чиқмайди. Унинг ўрнига ая эрта кузда ярим-кутичагина бўлса ҳам уруғ олиб, иккинчи қайта ҳосил кўтаришни афзал деб билади. У буни тажрибадан ўтказган: икки сезонда доимо йилнинг бир ярим планини бериб келяпти. Ҳанани ёқишга кўзи қиймаган Ойхоннинг норози овозига жавоб бермади. Буйруқ битта бўлади.

Ҳана ёқилди. Тонгга яқин «меҳмонхона»да «бақатеракнинг шовуллаши» бирдан тиниб, шундай ғайритабиий жимлик чўкдики, кечаси билан мижжа қокмаган пиллачиларнинг ҳам уйқуси қочиб кетди. Улар ўзлари ҳам бу сукутни бузишдан қўрққандай, жим ўтириб нонушта қилдилар.

Энди бу жимлик даста кўтаришгача—уч кечаю уч кундуз давом этади. Бу жимликда дасталарда шаффоф пиллалар маржондай териблиб, улар ичида мўъжиза бошланади.

Катта «меҳмонхона»да иш камайганда, у ерга Ойхонни қолдириб, Гулзира билан ая пилла ўраш мўъжизасини тамоша қилгани киришади. Ая Гулзиранинг синчковлигини билади-да. Бувиси Гулбозор кампирга эргашиб юрган пайтларида ўзи ҳам шунақа эди. Очиги, бу томошага ўзи ҳам ҳанузгача тўйган эмас.

Сўлак безлари катта бўлиб кетган «мечкайлар» энди овқатни унутган, ўша безлардан бир жуфт нозик тола чиқариб, ўранабошлаган эдилар. Гулзира дасталарда бир кечада пайдо бўлиб, аста тебранаётган шаффоф доирачалардан кўзини узмас, соатлаб ўтиришга тайёр эди. Деразадан парда орқали тушган заиф ёруғликда у аввал қуртни ўраган шўъла гардишларини кўради. Баъзилари унга қандайдир кичкинагина газ булутидай, баъзилари эса туман чулғагандай туюлади. Улар гўё бегона кўздан тезроқ яширинишга уриниб, пилланинг ички деворларини ёпишқоқ модда билан шувашга шошилар, муттасил айланиб бўшанар, нурга чулғангандай ипакка ўранар эдилар.

— Гир айланишяпти... — деди Гулзира ўта кўриниб, тебраниб турган шаффоф гардишларга тикилиб.

— Иш кетяпти, — деди ая ҳам унинг оҳангида, секин, сирли мўъжизани ҳуркитиб юборишдан кўрққандай.

— Узоқ айланишадими?

— Ҳар биттаси пилла ичида бир неча юз минг марта айланиб, бир километрча ипак толаси чиқазиб, шу билан чулғаниб олиши керак-да, шундан билавер буларнинг меҳнатини.

Гулзира бош чайқаб, танглайини тақиллатиб қўйди:

— Тола ўзи бус-бутунми, ая? Узлуксиз-а?

— Узлуксиз, узлуксиз, қизим... Умуман кумуш тола узилмаслиги керак, — деди ая ўзига ўзи гапиргандай, ўйчанлик билан. — Мана, мен, мендан кейин Ойхон опанг, сўнгра — сен... Мана шундай. Кумуш тола жуда нозик, лекин узилса ишга ярамайди. Узилмаслиги керак. Биласанми, буларнинг ўзи бир тасқара ҳашарот бўлса ҳам, лунжидан чиқадиган тола шу йўғонликдаги пўлат симдан мустаҳкамроқ бўлади, чиримайди, ёнмайди, ток ўтказмайди. Шунинг учун сунъий тола бизда эллик марта кўпроқ чиқарилаётган бўлса ҳам, юз марта арзон бўлса ҳам, бу тасқараларнинг сирли мўъжизаси одамларни ҳамон ўзига торттиб турибди.

Ҳа, бу жозибани Гулзира ўзи ҳам кўпдан сезади. Уларнинг бирон қилиғини, бирон ҳаракатини кўздан қочиргиси йўқ. Пилла ўрашнинг иккинчи кунни ая билан етаклашиб кирди-ю, дарров пайқади ўзгаришни:

— Вой, ая, анувлари тебранмай қўйибди-ку!

— Чечанроқларидир-да. Иш битгандан кейин ғумбакка айланиб, оромга кетган.

— Энди нима бўлади?

— Пиллакашлик фабрикасида ғумбаклар чиқиндига чиқиб, уларнинг қимматбаҳо сўлақлари олтинга сотилади. Уруғликка олиб қолинганларидан икки ҳафтада капалак тешиб чиқади, капалак бўлса яна уруғ ташлайди-да, шу уруғлардан сен билан биз тагин тирилтириб боқаверамиз. Шундай қилиб, уларнинг тириклик ҳалқаси яна келиб учма-уч туташади.

Гулзира учун бу — бутун бир аломат дунё. Сирли жараёнларида унга тирикликнинг туганмас мўъжизалари кўринади. Бир ойдан бери ўзи ошна бўлиб қолган бу тук босган пахмоқ мечкайлар энди хунук ҳашарот эмас, одам ҳаётининг бир бўлаги; унинг меҳнатига, ҳамкорлигига, муҳаббатига арзийдиган сеҳргар бир гўзаллик бўлиб туюларди. Бу ҳикматли дунёдан огоҳ бўлган Гулзира ўзини дадил, кучли сезади. Ёнида ўша салтанатнинг маликасидай салобатли Ая ўтирибди. Бу дим ҳавода унинг тўла юзи бироз бўғриқиб, қизариб, ҳорғин, меҳрибон кўзлари қандайдир ширин ўйлардан янада чиройли бўлиб кетган. Чиройли ая. Гулзиранинг дадаси уни орқаворотдан шундай деб атайди. «Чиройли аянга бордингми?», «Чиройли аянг нима дедилар?»

Бугун шу чиройли аянинг бирдан ўзгариб, хунук бўлиб кетганини кўрди Гулзира.

7

Пилла ўрашнинг учинчи кунни. Ойхон нариги меҳмонхонада банд эди. Ая билан Гулзира дастадаги маржондай-маржондай пиллаларга, уларни худди ўзлари териб қўйгандай, меҳр билан разм солиб, эртага даста кўтарамиз дея қувониб меҳмонхонани айланардилар. Ая «мана буниси қорапачоқ», «мана буниси букурма» деб, сифатсиз пиллаларни териб ташлар, Гулзирага алланималарни тушунтирар эди.

Шу пайт даҳлиз томондаги эшик тарақлаб очилиб, нотаниш бир аёл кириб келди. Бўйи пастак, қўлида тугунча, рангпар юзида, қизариб кетган кўзларида аллақандай ваҳима бор эди. Кириши билан Тожихон аяни кўриб, у томон отилди:

— Вох, толеимдан ўргилай, сизни топдим-а, худойимга минг қатла шукур, шу ерда экансиз, топдим-а, топдим! — деди аёл сонига шапатилаб. Унинг сергаплиги аён эди, бундайларни ая унча ёқтирмайди.

— Эшикни ёпинг, мумкин бўлса... — дея ая унинг ҳозирча маънисиз

ҳаяжонларига совуқроқ қараб. Аёл йўрғалаб бориб эшикни ёпиб келди.

— Келинг, яхшимисиз? Мени қаёқдан танийсиз?

— Воҳ, танимай ўлибманми! Ўша машҳур Тожиҳон аямни ким танимас экан. Сизга ўзим овоз берганман-а, ўргилай аяжон. Танийман, айланай, танийман, оёғингизга бош уриб, сигиниб келдим, аяжон, бошимга кулфат тушиб қолди-и... — қизарган қовоқлари титраб, йиғлаб юборди.

Ая унинг арз билан келганини аввалданоқ тушунган эди. Йиғидан бошлагани дилини сиёҳ қилган бўлса ҳам, қўлтиғидан олиб курсига ўтқазди. Лекин аёл яна туриб, бидиллаб кетди:

— Бир шўринг қурғур беваман, айланай, шўримга шўрва тўкилиб, бошимга мусибат тушди, ёрдам беринг, аяжо-он, — яна ўкириб юборди.

Ая уни яна ўтқазиб, босиқлик билан юпатмоқчи бўлди:

— Отингиз нимади, синглим? Ўзингизни босинг, бир бошдан айтинг гапингизни.

— Отим Назми, ёлғиз ўғлимдан айрилиб ўтирибман, аяжон, войдод, — деб ўрнидан яна сапчиб турди, — энди нима қиламан, бева-бечорага раҳм-шафқат борми?..

— Нима қилди ўғлингизга?

— Қамаб қўйишди-и!..

— Йиғламай, тушунтириб гапиринг, Назмиҳон, мен нима қилишим керак?

— Ёрдам беринг, айланай, ўғилгинамни қўтқазинг, ҳаммаси қўлингизда, сиз судсиз, сизни суд қилиб ўзимиз сайлаганмиз, ўргилай аяжон! — дея бақириб аёл тиз чўка бошлаганида ая уни ушлаб қолди, зийрак Гулзира пиёлада яхна чой тутди. Аёл ичдию рангпар юзига реза тер қалқди, у чиндан ҳам аянчли эди.

— Ўтиринг, аста бир бошдан гапиринг, қачон, нега қамалди ўғлингиз? — деди ая ўзи ҳам ўтириб.

— Йиғламанг, опажон, — деди Гулзира ҳам.

— Ўғлим Бойбўсин ҳали ўн еттига ҳам тўлган эмас, уни қамаб бўладими, ниҳолдеккина умри хазон бўлади-ку, аяжон, ҳақиқат қилинг. Қўтқазинг ўғлимни, қарздор бўлиб қолмайман.

— Бу гапни қўйинг, нима гуноҳ қилган, қачон қамалди, тергов бўлдими?

— Ҳаммаси бўлди, аяжон, бир ойдан бери сургаб юришибди, кесиб юборишади, фақат сиздан нажот, аяжон!

— Нима қилган?

— Кимнингдир уйдан магнитапон олганми-ей, бошига мушт урганмией, ишқилиб, бола-чақани шўхлиги учун қамаб жувонмарг қиладими, айтинг, ая?

— Ўзимизнинг район судидами?

— Ҳа-да. Сиздан нажот, аяжон, қуш тилини қуш билади, сизнинг ҳам, ана, қизингиз бор экан, илоя югургилаб юраберсин, орзусини кўринг! Онаи-зормиз... Болам учун ҳеч нарсани аямайман.

— Назмиҳон, мен «иш» билан танишмай туриб сизга бир нарса деёлмайман. Фамилияси нимади ўғлингизнинг?

— Деёлмайсиз, деманг ҳам, айланай, ўзимиз биламиз. Памиласи Ҳақназаров ўғилгинамнинг...

— Иннайкейин, ўзингиз тушунасиз...

— Воҳ, тушунамиз, тушунмай ўлибмизми!

— ...Ўзингиз тушунасиз — мен судда фақат маслаҳатчиман, халқ маслаҳатчиси.

— Воҳ, ҳа-да, айланай, маслаҳат беринг ўша... Сизни халқ катта қилиб қўйган, ҳурматингизни биламиз, аяжон, ўлибмизми!

— Суд ҳақиқат қилади, адолат бўлишини кузатиш бизнинг вазифамиз, синглим.

Назми миқти гавдасини курсидан кўтариб, шаррос тер босган юзини бошидаги заррин рўмол учи билан сидириб арди.

— Воҳ, ҳа-да, адолат бўлиши керак. Билувдим-а, тушунадиган одамлингизни. Хайрият-э, сизни шундоқ кўрдиму жоним иси-иб кетди ўзиям, айланай.

Назми, худди ҳамма нарса ҳал бўлгандай, ая унинг ўғлини етаклашиб қўйгандай, мамнун чиқиб кетди. Кетидан қуртхонада беорроқ товуши янграб

қолди, холос. Гулзира ая билан бир-бирларига тикилиб туриб, кулиб қўйдилар.

— «Воҳ, ҳа-да, ўлиптими!» деди Гулзира Назмининг товушига ўхшатиб. — Вой ажува-ей! — яна кулдилар. Лекин ая тез тийилиб:

— Кулмайлик, болам, — деди, — ким бўлса ҳам, бошига кулфат тушибди... — Кейин ҳалиги жойига ўтириб, бирдан ўйланиб қолди: шунча ғзаб, ҳаяжон билан кириб, йиғлаб, шанғиллаб, худди иши битгандай хурсанд бўлиб кетгани нимаси? Ая унга ҳеч нарса ваъда қилмади-ку? Ваъда қилиши ҳам мумкин эмасди. Тергов бор, қонун бор. Шунчаки ёрилиб, кунглини бўшатиб чиқиб кетди шекилли-да, шўрлик. Она-да.

— Ая, ая! — дея ҳовлиқиб қичқирди шу пайт Гулзира. Ая қараса, қизча нарироқда бир тугунчани кўтариб кўрсатганча турибди.

— Нимади у?

— Сўкчакнинг шундоққина бурчида турган экан.

— Олакел-чи.

Гулзира тугунни, худди портлаб кетадиган нарсадай, қийиқ учидан эҳтиёт билан ушлаб, олиб келди. Тожихон ая қўлига олиши билан юраги гумуриб, оқаринқираб кетди: пул. Тахминан тўрт минг, беш минг... балки кўпроқ ҳамдир. Вой, доғули-ей, гапни мунча сипоришлаб даромад қилаяпти, деса... Аянинг ғзаби томоғига тикилиб, анчагача индамай турди, кейин бирдан хўрлиги келиб, бўшашди, Гулзирага гапни зўрға айтди:

— Бор, югур... эс... эсидан чиқиб қолибди. Топ, қайтариб кел! Уйда бўламан...

Гулзира югуриб чиқиб кетгандан кейин, ўрнидан зўрға турди, қуртхонада ҳеч қачон нафаси қайтмаган одам, бўғилиб эшикка интилди. Тугунчада илон бордек, икки бармоғи билан рўмол учидан ушлаб олган, каловлаб ҳовли орқали базўр уйга кириб борди. Ойхон ётадиган диванга ўтирди. Хона нимқоронғи, жавон устида тугунча оқариб кўринар, юраги гурс-гурс уриб, бесабр жимликни янгратар эди: «Ҳозир келади, нима дейсан?», «Ўзингни бос, ўзингни бос...», «Балки ҳеч нарса дейиш керак эмасдир...»

Тожихон ая ўзини босиб олди. У аёл билан гаплашиш кутулмаганда осон бўладигандай туюлиб кетди: қўлига тутқазиб юборади, тамом, иккинчи қайтиб юз кўришмайди.

Лекин Назмининг ўзида йўқ хурсанд, дук-дук босиб, шўх кириб келиши вазиятни шундай чигаллаштирдикки, ая анчагача гап тополмай қолди. Бу суҳбат, бола қулоғига нобоп деб билиб Гулзирани чиқарворганида, Назми буни ўзича тушуниб (бола бўлса ҳам, барибир, ортиқча гувоҳ ортиқча), қувончи ҳаддан ошиб кетди:

— Биаламан, айланай, олиш ҳам гоҳида ноқулай, аммо бериш осон эканми? Воҳ, чўнтакдан қил суғургандай чиқақолар эмишми бу савил! — ишнинг «пишгани»га амин бўлган бу хотин «олувчи-берувчи»нинг руҳий ҳолатидан гап сўқабошлади. — Бир куни денг...

— Менга қаранг! — чидамади ая, гапни бўлди. — Боланинг отаси йўқ дедингиз-а?

— Воҳ, ҳа-да!

— Бева хотин, мунча... — ая жавон устида пўст ташлаган илондай оқариб ётган тугунчага қарагиси келмай, боши билан имо қилди, — мунча пулни қаёқдан олдингиз?

— Воҳ, эрим бечора топармон-тутармон одам эди раҳматлик, шу боламини деб емай-ичмай ўтиб кетди. Топганини шунга васият қилган, айланай, мерос бу, мерос. Омон бўлса шуни е-е-еб ётадиган палласи эди, бошига кулфат тушиб... — аёл яна авж қилиб, йиғи оҳангига ўтаётган эди, ая эътибор қилмади.

— Бир-бирини ейиши керак денг: бола — меросни, мерос — болани.

— Воҳ, нима деганингиз бу, айланай, ўлибдим!

— Олинг бунингизни, жўнанг! — деди Тожихон ая бошқа гап сиғмайдиган қилиб.

Назми тер босган юзини ая томонга ялт этиб бурди-ю, тушунмади шекилли, пул билан уй эгаси орасида аланг-биланг бўлиб олма-кесак терган кўзлари бирдан қотиб қолди.

— Воҳ, сиз олмасангиз бошқаси олар, ўлибдими! Идорангизда тушунадиган одамлар бордир, айланай. Мен аямайман... Оналик қилинг.

— Менга қаранг... она! — ая ўрнидан турди, — менинг уйим виждону имон сотиладиган бозор эмас, тулинг, жўнанг! — темир жаранги эшитилган товушидан сўнг жимлик чўкди. Ҳалигина танишган икки хотин орасида мудҳиш ўпқон пайдо бўлган эди. Ая ўз уйида бўлаётган гапни сал юмшатмоқчи ҳам бўлдию эплай олмади. — Бошингизга тушган кулфатни кўриб турибман, лекин, барибир, очигини айтишим керак: ярамас хотин экансиз. Боринг, қайтиб сизни кўрмайин!

— Шунақами?! — Назми баланд пошнади, миқти оёқлари билан дик-дик босиб тугунни қўлтиққа тикди, — ҳали шунақа денг! Ҳай майли, бири бўлмаса бири-да, мана кўрамиз, боламни ўзи етаклаб уйимга олиб келиб берадиганлар топилади! Воҳ, олмайди-я, ўлибдими!

— Виждонли одам олмайди.

— Оз берсангиз виждонли бўлади-да. Эпласангиз, шунча берингки, олмайман деёлмасин! Иккини олмас, учни олмас, воҳ, бешни-чи? Пул-а, бу! — деб бармоқларини бир-бирига ишқаб кўрсатди, — жаннатнинг эшигини шу очади. Лекин ўзингиз ҳам-чи, ўйлаб кўринг. «Кўрмайин» дедингиз-у, агар кўргингиз келиб қолса, районда Ҳақназаровларникини ҳам-ма билади.

Бу ярамас гўё адрес бериб қолдирди. Эшикка қараб юраркан, тугунни кўрсатиб, «мана бунинг ҳидига исковичдай орқамдан топиб борасан» дегандай голибона кўз қараши билан ҳақорат қилиб чиқиб кетди.

Ичини бир нима қириб ўтган Тожихон ая эшик ёпилганда ҳам ундан қутилиш энгиллигини сезмади. Ёқадан кириб кўйнига тушиб қолган жирканч ҳашаротни қоқиб ташлаёлмаётгандек, бесаранжом эди. Суронли суҳбатдан кейин қандайдир ҳувиллаб қолган хонада ҳардам хаёл уёқ-буёққа юрди, Ойхоннинг эски диванига бориб яна ўтирди. Ҳаяжонда кўзғайдиган оғриқни сезиб, биқинини ушлади. «Қаёқда қолишди?» деди ўз хаёлларини чалғитишга уриниб. Ойхон билан Гулзирани ўйларди. «Қаёқда юришибди? Эртага ёппасига даста кўтариш куни. Ойхон сада соясига бўйра ташлаб, саватларни шабадалатиб қўйдимикин? Гулзира-чи, пилла терадиган қизларни шомданоқ чорламаса бўлмас...»

Лекин бошқа ташвишларни ўйлашга ҳарчанд урунса ҳам, аянинг хаёли ҳалигина бўлиб ўтган хунук можарога яна қайтиб келарди. Уни қийнаётган нарса фақат жирканиш ҳисси эмас. Ўша бегона, бадҳазм хотин, нима бўлса ҳам, болам деб юрибди. Ая ўзи ҳам ҳайрон: фарзанд ҳақидаги гап бўлса — яхшими-ёмонми, қувончми-можароми — унга ёпишади қолади, кейин ундан сира қутулолмай юради. Бу гал ҳам ўша шаллақи хотиннинг келиб кетишидан хунук ортиқчаликлар юрагида аста сўлиб, ёлғиз бола мавзуининг ўзи тебраниб қолди. Беҳаё Назми боладан гапирдию аяни ўз воқеалари домига тортиб кетди. Ун еттига ҳам тўлмаган бўлса, балки боланинг ўзида айб йўқдир. Онанинг турқи бу бўлса!

Эртага ҳамма ишни ташлаб бўлса ҳам, бошқармага бориб «иш»и билан танишиб кўриш керак.

8

Эртасига колхоз идорасига чиқиб, район судининг навбатчи машинасини чақиртирди. Суд мажлисларига борганда киядиган юбкали оч кулранг костюмини кийиб олганидан, кунларнинг исиб кетганини энди пайқади. Намчил пешонасини артиб, машинанинг ойнасидан кираётган қайноқ шабадага юзини тутди. Йўл четидаги ёввойи ўтларни қовжиратиб кетган сариғ дори ҳиди кўнглини беҳузур қиларди. Қуёш ҳали тиккага чиқмай туриб боғлар сўлғин, тераклар соясида тунги дим ҳаво қамалиб ётибди. Фақат Қоразовур массивидаги тутзорлар пилла мавсумида беомон каллакланганига қарамай, тўқ-яшил мавжларини олисларга таратиб тебранади. Ҳасан «аравакаш»га балли! Аянинг кадрдон тутзорларини чанқатмайди, бу яшил хазинага ўзининг ҳам меҳнати сингганда. Уларнинг ёшлиқдаги энг оғир, энг бахтиёр паллалари шу тутзорлар билан боғлиқ. Ёшгина ниҳолдай солдат «беваси» Тожихонга биринчи марта ўғринча кўз ташлайбошлаган аравакаш йигит қаёқларда қолди? Тўғри, у ҳозир

ҳам бор. Ҳозир ҳам Тожихоннинг барча орзу ва режаларини олдиндан сезиб, зимдан беғараз садоқат кўрсатади. Аммо энди бу бошқа, ўша жавобсиз ҳислардан ўсиб чиққан ички инсоний самимият, холос. Агроном биладики, аянинг бригадаси август охирига бориб такрор қурт боқади, барглар қотиб қолмаслиги керак. Киши билмас, қанча адабиёт титиб, тажрибалар қилиб, махсус сув режими билан баргларни майин сақлаш йўлларини топди. Улар бу ҳақда гаплашганлари йўқ, лекин иккалалари ҳам билишади.

Тожихон ошиқ Ҳасаннинг аравакашлик пайтларидаги ўта соддаликларини эслаб, ўзича жилмайиб қўйди. Бу қизиқ хотира эди. Ҳасанга ўша вақт ҳатто қўл ушлатмаган бўлса ҳам, ҳалигача ҳаммаси худди кеча бўлиб ўтгандай кўз ўнгига келади-да, вужудини ажойиб илиқ ҳислар чулғайди. Бундай ҳислар билан яшаш завқли, улар хаёлларингни безайди.

Машина асфальт йўлга чиқди. Район марказининг янги қурилган маъмурий қисми баъзи замонавий шаҳарчалардан қолишмас, ихчам ва шинам; фақат эски маҳаллалари атроф қишлоқларни ҳам ўзига қўшиб олиб, жуда ёйилиб кетган эди.

Костюмда шаҳарлик аёлларга ўхшаб кетган, лўппигина юзли, сийракроқ сочини кичкина дурра билан турмаклаб олган ая ички ишлар бошқармаси томон юрди. У боланинг отини эслашга уринарди. Ўша вайсақи хотиннинг овози қулоғида-ю, боланинг оти эсида қолмабди. «Нимадир «бой» эди-да... Бойматми, йўқ. Бой... бой... ҳа, Бойбўсин! Бойбўсин Ҳақназаров. Нокастага бола берса отини сапча қўяди, дегандай, доғулининг топган исмини қара!»

Бойбўсин Ҳақназаровнинг «дело»сини терговчи Васлиева дейишди. Унинг хонасида одам кўп экан, бир неча стол, эски шкафлар, темир сейфлар. Формали, формасиз ходимлар папирос тутуни билан биқсиб кетган хонада аяни суронли саломлаб кутиб олишди.

Тожихон ая бу идоралардаги муҳитга ҳали ҳам кўниколмас, бу одамларни тушуниб етолмас эди. Янги сайланган пайтлари анча вақтгача кўнглидан ғулув аримади. Бу ерларда фожиали воқиалар текширилади, тунлари кутилмаган бахтсиз ҳодисалар ҳақида даставвал шу ерга хабар етади, қанча-қанча хунук чигалликлар ечилади, тақдирлар ҳал бўлади. Бу ерда ишлаш асабларни қақшатиб юборса керак, деб ўйлар эди. Кейинроқ қараса, ҳамма нарса одатдагидай, қайнаб ётган бошқа идоралардан ҳеч фарқ қилмайди. Мана ҳозир ҳам папирос тутуни бурқсаб ётган хонада бири бутерброд чайнаган, бири, оғзида сигарет, кўполдан-кўпол аския қилади, бири қават-қават делолар устида пул санаётибди, шовқин... Наинки, шунча чигал тақдирлар орасида ўралашиб ётган одамларнинг кўнглига сиғса шу икир-чикирлар?.. Ё кўпи ёш бўлганиданми, ё кўравериб одамнинг эти ўлиб қолармикин?..

Ходимлар ҳазил-мутоиба билан бўлса ҳам, ҳурматини жойига қўйиб ҳол-аҳвол сўрашди, бу йилги пилланинг баракасини суриштиришди.

— Келинг, ая, хуш кўрдик. Долзарб мавсумда кўзғалиб қолибсиз, суд мажлиси бормиди? — деб сўради тўрдаги столда ўтирган мўйловли капитан. Бўлим бошлиғи бўлса керак, ая юмушини унга айтди. Бошлиқ Васлиевни кўрсатди.

Терговчи Васлиев гражданча кийинган, япалоқ юзли, ёшгина қорача йигит эди. Ая керак делони сўраганида рўйхушлик кўрсатмади, «Нима ишингиз бор?» деб қолди.

— Лейтенант, ўрнингиздан тулинг! — деб жеркиб берди бошлиқ узоқдан.

Васлиев анқовсираброқ ўрнидан турди-ю, ая илтимос қилиб уни жойига ўтказди, ўзи рўпарасига ўтириб сўради:

— Бир кўриб бераман холос, ўртоқ Васлиев. Онаси арз билан келган экан, дело билан танишишим керак, арзни эътиборсиз қолдиrolмайман.

— Арз? Қанақа арз? Бизда арздан кўпи йўқ. Ишимиз шунақа.

— Мен Ҳақназаровнинг делосини бир кўриб берай деяпман, — деди ая бу тўнгроқ йигитга тикка қараб. Илтимоси терговчига ёқмаганини сезиб турар эди.

— Иш тугаган ахир, — деди Васлиев. У аяни танимас эди, у ҳақдаги гапларни эслаб қолди чоғи. — Ҳаммаси жойида, ая, овора бўлмасангиз ҳам бўлади.

— Шундай бўлса ҳам...

— Иш прокуратурага оширилган. Қайта кўзғашга ҳеч қанақа сабаб йўқ.

Ишни судда эшитасиз, ўртоқ халқ маслаҳатчиси,— расмий оҳангга ўтди терговчи.

— Қўяқолинг энди, ая, ҳаммаси окей,— деди Васлиевнинг қўшниси, колбасали бутербродни еб бўлиб, кафти билан столдаги ушоқларни супираркан.— Очиғи, бу Васлиевнинг унча-мунча эплаштириб тугатган биринчи иши, ковлаштиришга арзийдиган жойи йўқ. Сўроқ ўтди, жабрланувчи тирик, далиллар окей, айбланувчи ҳаммасини ўзи тан олган. Қўйинг энди, бунинг ҳам пешонаси бир ярқирасин.

— Шундай. Барини тан олган, — деди Васлиев қўлларини ёйиб. — Иш прокурорда, судга оширвормаган бўлса. Чунки, ҳеч қанақа ишқал йўқ; кундай аниқ-тиниқ иш, мана қўшним айтгандай, ҳаммаси окей, ая.

Ая унинг ялингандай пирпираб турган кўзларига ер остидан қараб индамай чиқиб кетди.

9

— Уч йилга кетар, тўрт йилга кетар, ҳаммаси бўлиши мумкин. Мени шундай боланинг қандай шароитда етилганлиги қизиқтиради. Кўнглим сезиб турибдики, ўртоқ прокурор, бу ерда қонун аниқлиги билан ахлоқий муҳит...

Ая прокурорга ниятини энди тушунтирабошлаганда орқасидан Васлиев ҳам кириб келди. Ёш терговчини прокурор кабинетининг сур-салобати босдимиди, терлаган қўлларини барига арта-арта, дудуқланганча яна ўша гапларни узундан-узоқ қилиб такрорлади. «Кўрмаяпсизми, бу одам бизни қуруқ расмиятчиликда айблаяпти» деган оҳангда гапирарди. Тергов материалларидан бирон айб топиб, ишни бошқа терговчига ошириб юборишларидан қўрқарди чамаси.

Прокурор, боши узунчоқроқ, ёши қайтган оғир одам, туркманча талаффуз билан «и»ни чўзиб, «с»ни чучукроқ қилиб айтиб, тушунтирди:

— Ўртоқ лейтенант, тергов, эҳтимол, сиз айтгандай, қонун-қоидага хилоф эмасдир, лекин ўртоқ маслаҳатчини ишнинг ахлоқий-тарбиявий, маънавий томонлари қизиқтираяпти, бу ўринли ташвиш. Бу жиҳатдан қонунларимизнинг заиф томонлари бизга аён. Гоҳида қуруқ қонуннинг ўзига ёпишиб олиб, расмиятчиликка ружу қўямиз. Фақат қонун — жазо! Исботладимми — кес! Гўё бошқа ҳеч нарса йўқ — на руҳият, на маънавият, на муҳит, на ахлоқий-психологик факторлар... Жазоларимизнинг инсоний, тарбиявий аҳамиятини бутунлай унутиб қўямиз. Оналарнинг, аёл маслаҳатчиларнинг бу нарсага бош қўшишидан хурсанд бўлишимиз керак.

Васлиев бу гапларни анча лоқайд тинглаб, дўппи кизагини эзиб ўтирди. У қонун-қоида билан пухта михлаб қўйилган бу ишга кутилмаганда бош суққан аёлнинг беғаразлигига ҳали ҳам кўзи етмади шекилли, совуққина хайрлашди.

Тергов материаллари чиндан ҳам пухта эди. Ҳамма фактлар далилланган, Бойбўсин Ҳақназаровга барча айбларни бўйнига олишдан бўлак илож қолмаган, унинг эътирофлари ҳам аниқ, шубҳага ўрин йўқ эди. Илгари судланмаганлиги, айбларини чин кўнгилдан тан олиши, ўн еттига тўлмаган ёши... Балки, ўша пулсиз қутилиш мумкинлигини сира кўз олдига келтиролмайдиган шаллақи Назмига ёрдам беришнинг иложи бўлар... Унга порасиз ҳам иш кўриш мумкинлигини исботлаб берса, зўр бўларди. Аянинг дили сал ёришди.

Район суд идорасида ҳечким қолмаганди. Тожихон ая «Дело»ни варақлаб кунни кеч қилди. Қош қорайганда уни сейфга қулфлаб, уйга қайтаркан, ҳар бир варағи ёд бўлиб қолгандай, кўз ўнгидан сира кетмасди. Бойбўсиннинг рўпарадан олинган, ёндан олинган фото суратлари. Ёш, чиройли, кўринишидан эсли йигит. Гувоҳларнинг, жабрланувчининг кўрсатувлари. Бари равон, силлиқ... Умуман терговнинг осон кўчганлиги, ҳамма исботларнинг таппа-тайёрлиги Тожихон аяни гумонсиратиб қўйди. Ахир жиноят енгил эмас: бировнинг эшигига калит солиб кириш, икки минг сўмлик япон магнитофони, уй эгаси билиб қолганда бошига уриб ҳушидан кетказиш... Бунақа ишни битта ўзи қиладими ўғри? Ҳеч бўлмаса муюлишга даракчи қўяди. Лекин, эҳтимол... Бола ахир, тажрибали ўғри эмас. Магнитофон ҳам ҳозир ўсмирлар ўртасида модага кирган жозибали буюм. Бошқа ҳеч нарса олмагани ҳам болалик...

Эртасига КПЗга кирганида ая «болалик»ни ўз кўзи билан кўрди. Ажабо, ташқи қиёфа билан ички дунёнинг зидлиги ҳам шунчалик бўладими!

Бойбўсин — бўйчан, келишган ўсмир, камерага аёл киши кириб келганини кўриб чиройли жилмайди. Сочи қирдирилган бўлса ҳам, мўйлаби сабза урган, қоп-қора қошли, онаси фахрланса, қизлар ҳавас қилса бўладиган йигитча эди. Тарғил кўзларининг ўткир қарашада умидли қувонч порлади.

Тожиҳон ая қамоқ камерасини биринчи кўриши. Унча даҳшатли эмас экан. Лекин ёшлик барқ уриб турган чўғдай вужуду бетон қудуқ сингари кумбурлаган бу камералар, кимсасиз йўлакларнинг қутсиз жимлиги, қулф-тамба ва темир эшикларнинг совуқ жаранги, дераза ўрнида панжара билан тилкаланган баланд узунчоқ туйнукларнинг заиф нур билан ҳаётга чорлаши... булар бир-бирига нақадар зид! Ҳали колониянинг қаттиқ режимларини бу бола кўз олдига келтиролармикан? Аянинг жигари эзилиб, раҳми тошиб кетганидан:

— Болам... — деб гап бошлаганини билмай ҳам қолди. Кейин нафас ростлаб, девордан чиқиб турган темир стол ёнига, оёқлари полга михланган пастак курсига ўтириб, давом этди: — Мен судда маслаҳатчман, отим...

Бойбўсин унинг исмини эшитдим-йўқми, кафтларини бир-бирига ишқаб, қуёш тиғ тортиб турган панжарали туйнук тагида девор бўйлаб нари-бери юраркан, ўзича гапирарди:

— Хўш... демак, ҳаммаси план бўйича кетяпти...

— Лаббай?

Бола аяни энди кўргандай тикилди-да, ўқрайиб тўхтаб қолди.

— Нима «лаббай»? Каттагина ўмардингизми ахир?

Ая аввал тушунмай қошини чимирди.

— Нимани? Мен...

— Тўхтанг, ойим юбордим ахир сизни?

— ...Ҳ-ҳа.

— Бўпти-да! Лўмбоздай ўмарганингиздан кейин гапни қисқа қилинг.

Тожиҳон ая ҳанг-манг бўлиб, қалтираб кетди. Рўпарасида тарғил кўзлари жилмайиб турган ҳалиги қора қош, чиройли ўспирин йўқ, унинг ўрнида ёвузликкагина сиғинадиган, ҳамма жиноятлари учун ҳар қандай жазодан фақат ёвузлик қутқозишига чуқур ишонган бир бадбахт турарди. Ая суд мажлисларида, бу қадар ошқора бўлмаса ҳам, бундайларнинг баъзиларини кўрган. Ўзини ўнглаб олишида шу ёрдам берди.

— Ўтиринг, сизга бир неча саволларим бор.

— Беринг, беринг саволларингизни, пухта бўлинг, — деди Бойбўсин оёқларини айқаштириб рўпарага ўтираркан. — Чунки бу сафар анча қимматман.

— Н... нега «бу сафар» деяпсиз?

— Илгарилари бу жойларга етиб келмасимдан баҳоланганман, арзон эдим. Бу гал бўлса... Тўрт йилнинг ҳиди келяпти дейдию анави япалоқ. Ўзи эса тўрт йилнинг нечпул туришини билмайди. Сиз яхши хотин экансиз, ийманмасдан сиққанича олаверинг, ойимнинг қопи бўшашига ҳали бор.

Худди ўйлаганидай: «Дело»дагидан мутлақо бошқа қиёфа пайдо бўляпти. Шундай бўлса ҳам, тергов материаллари изидан бориш керак эди:

— Айтинг-чи, бу ...Шодиев ким? — деди ая «иш»ни варақлаб туриб.

— Шодиев? Шодмонми?.. — дедию Бойбўсин бирдан қоқилгандай, оғзини очиб, «Дело»га теппадан кўз ташлаганча тўхтаб қолди. — Ҳа, ўша мен магнитофон сотган одам-да. Анқов уни дарров комисионийга обориб, ишнинг пачавасини чиқариб қўйди.

— Анқовга ўхшамайди, гаплари равон... Ҳа, майли. У ўзи қирқдан ошган одам экан, магнитофонни нима қилади?

— Арзонига учган-да.

— Ҳа-я, икки минг сўмлик буюмни юз сўмга... Мунча сув текинга сотмасангиз?

— Бети курсин, ҳарна қўлдан кетгани, дедим-да, шамолдан келган — шамолга, қутилиб қўяқолувдим.

— Унча шамолдан келган деб бўлмайди: одам ўлдиришингизга сал қолибди. Айтгандай, уй эгаси юзлаштиришда сизни «танаймайман» депти. Нечук?

— Кечаси. Соядай лип этиб ётоқхонасидан чиқиб қолди-да, ўзидан кўрсин! Орқасидан секин келиб мана мунақасига каллани мўлжаллаб бир туширдим,— Бойбўсин икки муштини бир қилиб кўрсатди,— эсхонаси чиқиб, ҳушидан кетган-да, қаёқдан танийди.

Шу жойда, унча йўғон бўлмаган муштларини жуфтлаб чиранганида, аяга унинг болалиги яна ялт этиб кўриниб кетди. Кўнглида тагин шубҳа уйғонди. Йилт этган болалик тубсиз ўпқонга чўкаётган болалик эди. Бойбўсиннинг мудҳиш гаплари ўпқон устида айланган ифлос кўпиклардай талвасада чўкаётган бу болаликни дам кўмиб, кўрсатмай қўяр, дам юзага қалқитар эди. Уни бутунлай юзага чиқариб бўлмайдимиз?

— Болам...— деди яна беихтиёр. Бойбўсин бош эгди,—шу ишни чиндан ҳам ўзинг ёлғиз қилдингми? Очиғини гапир.

— Тергов тамом бўлган, сиз кимсиз ўзингиз?— деб бақириб ўрндан туриб кетди Бойбўсин. Савол нозик жойга тегди чоғи, туйнукдан тушган ёруғда юзлари бузаргани кўринди, изтиробда бўйин томирлари бўртиб, афти хунук бўлиб кетган эди.

— Сен ҳали турмани кўрмагансан. Бу ерлар... бу ҳали хонаки жойлар. Иссиқ-совуқни кўрмай ўсган бола, ҳақиқат билан ўйнашсанг, бу тош деворлар сени...

Шу маҳал Бойбўсин манглайини деворга тақаб, икки қўли билан зах бетонни муштлаб, бўкира бошлади. Унинг аҳволидан чўчиб кетган Тожихон ая яқинига бориб, журъатсизгина қўлини кўтариб, аста, бир тапқиргина бошини силади. Бола титраб йиғлаганча унинг кўксига бошини эгди. Суд ходимига жинойатчи камерасида бу ҳолат номувофиқ эди. Ая ўзини четлатишга шошилди.

— Ойинг... ёшгина экан. Астойдил ўйлагин. Мен яна келаман. Темир панжарали эшикни ташқаридан қулфлаган соқчини чақириш учун тугмачани босиб, остона томон йўналар экан, ўспириннинг палағда бўлган товуши эшитилди:

— Хола... сиз яна келинг. Мана шу хатни... — у газета четидан йиртилган бир парча қоғозга синчалоқдайгина қалам парчаси билан туфлаб-шошиб бир нима ёзди. — Мана шуни маҳалламиздаги Карим носфуруш деганга беринг, жон хола. У нос ўраб сотиш учун қоп-қоп китоб йиғайди. Зерикибди, иккитагина бервормасангиз, ўзини осиб қўяр экан, денг, Хола, мени қутқазаман десангиз... Шу зах қудуқдан ўлигим чиқмасин, жон хола. Хатни «Куя»дан денг, ўзи билади.

Тожихон ая «хат»ни чўнтагига солиб, қамоқхонадан чиқаркан, «тавба, китобхонлик!» дер эди ичида. Бир чеккаси, ёш нарса камерада бошқа нима билан овуниши мумкин? Бу узун қора кечалар, бу саноқсиз ёлғизлик кунлари... Китобни-ку, ўзи ҳам олиб келиб бериши мумкин. Лекин бу бола унинг кўз ўнгида ҳеч тушуниб бўлмайдиган мураккаб бир жумбоққа айланиб бормоқда. Гоҳ боладай ўксиб йиғлайди, гоҳ ашаддий жинотчидай беор, калондимоғ; китобхон ўғри, ҳаётини гаровга қўйиб ўғирлаган қимматбаҳо буюмини сув текинга сотиб юборади; онасига меҳри борми-йўқми, тушуниш қийин.

Нима бўлса ҳам, аянинг қўлтиғидаги «Дело» ўта жўнлик, ўта лоқайдлик билан қилинган қуруқ расмиятчиликдан бўлак нарса эмас. Ҳамма ишни ташлаб бўлса-да, бунинг изига тушиш керак. Мактаби, оиласи, маҳалласи, танишлари... Ахир одам боласи осмондан оёқ узатиб тушмайди-ку!

Мактабда Бойбўсин ҳақида суриштирган нотаниш аёлга ўқувчилар, ўқитувчилар аввал синчков бир қизиқиш билан қараб, уни қўршаб шов-шув қилишди-ю, кейин битта-битта тарқаб кетишди.

Баъзи ўқитувчилар болани эслолмадилар ҳам: «Ҳар синфда элликтадан, қай бирини таниймиз?» Аслида Бойбўсин ўтган йили, отаси ўлгандан кейин тўққизинчидан кетиб қолган эди. Кимдир буни оилавий сабабга йўйди, кимдир кўпайиб кетган «икки» лардан кўрди, хуллас унинг йўқ бўлиб қолиши воқеа ҳам эмасди, бировни ташвишга ҳам солмади, енгил тортганлар ҳам бўлган чамаси.

Гоҳ уни, унутулиб кетган эски дарддай, бепарво эсладилар, гоҳ қамалганини эшитиб, шундай бўлиши керак эди, ҳеч қиси йўқ, дегандай, жўнаб қолдилар, бирларининг эса ори келгандай ер чизиб индамай туришди. Қисқаси, Бойбўсин билан боғлиқ анча-мунча ғалати, болаларга хос қизиқ саргузаштлар ҳам кулиб эсланди-ю, унинг тақдирини фавқулодда воқеа деб билмадилар.

Маҳаллада эса боланинг қамалиб қолганига «хайрият» деганлар кўп эди. Кўпчилик амин эдики, маҳаллани бундайлардан қутқазиш — милиция ва суд идораларининг мажбурий вазифаси.

— Уни милиция ё суд бузгани йўқ-ку, сизнинг кўз ўнгингизда улғайиб... Сиз етилтириб бериб туринг, милиция олиб кетиб турсин, бамисоли бир конвейр, шундайми?

Тожихон ая бир жойдагина мана шундай қўполроқ гапириб қўйди. Гапирди-ю, кейин узр сўради. Унинг бундай терговга ҳаққи йўқ эди. У холис одам, муҳит билан, одамлар билан танишиши, воқеаларни билиши керак, холос.

Лекин Назминикига кирганида ўзининг ким эканлигини ҳам тушунмай қолди. Тожихон аяни кўриб чарақлаб кетган Назми уни қаёққа ўтказишни билмай, бетиним бобиллаб, дастурхон тузади, ошга уннади. Ая уни аввал ўғлини сўрар деб ўйлаган эди. У бўлса негадир тантана қиляпти. Нимага келдинг — йўқ, ҳол-аҳвол сўраш — йўқ, гўё ҳаммаси аёну худди ўзи режа-лаштиргандай, ишлар пишиб турипти.

Сўхбат бир жойга боргандагина аянинг ёдига келди: ҳов қишлоқда бу хотин аянинг остонасида ўша машъум тугунни қўлтиқлаб, «ўйлаб кўринг; кўргингиз келиб қолса, ҳовлимизни ҳамма билади!» дея тиржайиб, «бунинг ҳидига исковичдай изимдан ўзинг етиб борасан» дегандай қараб чиқиб кетганди. Мана энди ўз оёғи билан келди, деб ўйлади шекилли. Аянинг жуда хўрлиги келиб, сўз тополмай, хомуш ўтириб қолди. Бу уйга ҳеч нарсани ўйламай, соддадиллик билан кириб келганига ўзидан нафратланиб кетди. Қарши гап ҳам айтмади: балчиққа тош отсанг шалтоғи ўзингга сачрайди...

Уй бекаси ошхонага, чойга чиққанида турди-ю, хайрлашмасдан, беихтиёр жўнаб қолди. Улармоннинг ўқидан кўрқма, бўзариб турган кўзидан кўрқ, деганлар. Ортиқ турулмади, бўғилгандай отилиб чиқиб кетди.

Автобусда ҳам анчагача ўзини босолмай, аъзои бадани қизиб, ҳаво етишмай, бир четдаги ўриндиқда биқинини ушлаганча, гўё ўпкаси билан бирга кўтарилиб келган йиғидан зўрға тийилиб, қийналиб борди. Йўл узоқ эди. Хаёли минг кўчага кириб чиқди. Нима ҳожат-а?! Узининг ташвиши етмаганмиди, ким қўйибди унга бу мавҳум ахлоқпарастликни, кўлидан келса экан!

Ахири, бу машмашани йиғиштириб, ўзига ҳеч алоқаси бўлмаган бу ифлос юқиларидан кечиб, шу заҳоти бу таҳқиру тубанликлардан мосуво бўлишга қарор қилганида, кўнгли сал осойиш топди-ю, бирдан хаёллари тиниқиб, бугун кўрган-эшитган ҳамма воқеалари кўз ўнгида бир ипга тизила бошлади. Бойбўсиннинг кичик умри бир лавҳадай жонланди.

Автобусда одам кам, тепа туйнукдан ёқимли шабада ўйнаб кирмоқда, ҳамма жимжит, ҳар ким деразадан ўтаётган дала манзараларига тикилган-у, гўё уларни кўрмаётгандай, ўз хаёли билан банд эди. Ҳамманинг ўйида ўзига зарур лавҳалар жонланса керак бундай пайтда.

...Ҳақназаров юмалоқ, чўтир одам. Аслида лақаби «чўтир» бўлиши керак эди. Қассобхонада югурдак бўлиб юрган чоғиданоқ ҳазилкашлари орасида «Хоназар қассоб» деган лақаб орттириб, озиқ-овқат техникумини битириб келганида ҳам, ошхона мудири бўлиб ишлаганида ҳам, кейин бориб район ошхоналар трестига бошлиқ бўлганида ҳам бу лақабдан қутулолмади. Майли-да, «чўтир»дан кўра шу ҳам тузук. Маҳаллачилик экан, барибир лақабсиз иш битмайди. Лекин у баъзи қассобларга, ёки ўз касбдошларига ўхшаб мол-дўнёга ружу қўймади. Уч хона, бир айвонли миёнагина уй-жой, чоғроққина ҳовли, ҳатто янги «Москвич» ҳам ўзиники эмас, идораники. Унинг биттагина бойлиги бор — у ҳам бўлса қирқ олтига кирганида кўрган бирдан-бир ўғли Бойбўсин. Ишдан келади-ю — Бойбўсин тиззасида. «Бойим» дейди эркалаб. «Қани, Бойим, бери келинг-чи!»

Яхши яшаб шунча улфат орттирган одам, ҳеч қаёққа чиқмайди, на гап-гаштак, на сайру тамошо, на ўйин-кулги. Ҳаммасининг ўрнини мана шу «Бой» босади. Ишда ўтиради Хоназар — хаёлида «Бой», машинада ўтириб келади —

хаёлида «Бой», уйга келдими, «Бой»ни тиззасига олади. Семириб, бетидеги чўтирлари ҳам текисланиб кетди. Энди унга «қассоб» лақаби гўё ўринсиз эмас, аксинча, ярашиб, ёпишиб турарди:

— Қани, Бойим, бери келинг-чи! — дейди Хоназар қассоб, ўзига сира ўхшамаган, чиройли, бўйчан ўғилчасини ёнига чорлаб. Бойбўсин учинчи синфга ўтиб, бўйи чўзилиб кетган бўлса ҳам тиззага чиқади, ўрганиб қолган.

— Бойим, Бойим... Бойбўсин.

Ошагани мой бўлсин!.. — дея тиззасида тебратади отаси. Кейин бирдан сўраб қолади:

— Қани, «Вов»инг?

«Вов» Бойбўсиннинг кучуги. Қоп-қора, йилтироқ, оёқлари ингичка. Тумшуғи ҳам қора тугмадай доим йилтиллаб туради. Отаси олиб берган. «Вов» отини эшитиб сўри тагидан чиқади.

— Қани, ҳунарга ўргатдингми? Бир томоша кўрсат-чи!

Бойбўсин тиззадан тушиб, кучукнинг орқа оёқларида тикка туришига ёрдам беради: «Вов, тур! Вов, тур!» Ит кўнмайди.

— Э, унга бергин-да! Гўшт бер. Текинга турадимми? Бермасанг одам юрмайди раъингга, ит юрадимми?

Бойбўсиннинг мактаб сумкачасини кўтариб, Назми киради. У ҳали ёш, бир қарашда Хоназар қассобга қиз тенги. Ҳақназаров кеч уйланди. Нималар биландир андармон бўлиб умри ўтди-да, ҳозир ўйласа, ўзи ҳам ҳайрон. Лекин тасаллиси бор, Назмидек йигирма тўрт яшарини қўлга туширди. Гапи гапга тўғри келганини айтсанг-чи! Чиппа боғланиб қолди, парвона дейсиз. Эрга мутеълик шунча бўлади-да!

— Мана, болам, — дейди Назми сумкачага тўртта конфет ҳам солиб. — Ўзинг егин, бировга берма.

— Нега бермайди, ойижониси, берсин, — дейди ота, — ҳалиги ёнингда ўтирадиган жиккак қизча бор-ку, масалаларингни жавобини ўшандан кўчирасанми ахир, ўшанга бер биттасини.

— У олмайди.

— Олмаса одам бўлмайди. Бошқа жойга кўчиб ўтир, оладиганини топиб.

Бойбўсин мактабига кетди.

— Товба, — деди тиззаси бўшаб зерика бошлаган Хоназар қассоб, — олмайди эмиш. Бола чоғидан олмаса... Ота-онаси қаёққа қарайди буларнинг? Олди-бердисиз тирикчилик ўтар эканми?

— Бировни боласини қўйинг, ўзингизниқидан гапиринг, адаси, — деди Назми нариги хонада нима биландир ивирсиб туриб.

— Ўзимизниқига нима бўпти?

— Яна ўша-да, «икки» дейди, «уч» дейди, нима бўларди, даданг мактабга келсин депти.

— Ҳа, «икки»си бошидан қолсин. Ўзинг бор... бирон нарса олиб. Болани қийнамасин. Уша нўғай хотинми? Яхши аёл. Туғилган куни бордир, хайити бордир. Атлас ярашар экан сизга дегин. Ўн саккиз сўмлигидан олсанг, то тўртинчи синфга ўтгунигача тинчийсан.

Тўртинчи синфга ўтганида Бойбўсин бир куни кўзлари соққадай бўлиб уйга ҳовлиқиб кириб келди. Афтидан жуда қўрққан эди. Мактаб дирекциясининг бирдан икки деразасини синдириб келибди.

— Ҳа, тўп ўйнадингми? — сўради Хоназар. Бу орада у яна ҳам семириб кетган, энди «Бой»нинг ҳам тиззага ўтиришга унча тоқати йўқ, ота эса ўша юмшоқ курсидан камдан-кам турарди.

— Йўқ, тошни шундоқ отсангиз, ердан сапчиб, деразага ўзи тегади.

— Қизиқ экан. Шунақа ўйин ҳам борми?

— Ҳа.

Боладан ҳам баттар қўрқиб кетган Назми келиб гапга аралашди.

— Шўхлик-да, адаси, шўхлик. Шунга ҳам педсоветга қўяман, тўлатаман деяётганмиш.

— Ким?

— Мактабнинг завхозиди-да.

— Анов инвалидми?

— Олмайди, дадаси, уруш кўрган қайсар соллот.

— Ҳа, шунақалари бўлади. Лекин, ўсма тилагани ҳам усул керак, хотин. Узатишни билсанг оладигани топилади, иш педсоветгача етмасин. Дераза ойнасини беш баробар қилиб тўласанг, ўзиникини ҳам қўйдириб олади, болани қийнашмасин.

Бу оила учун одамлар иккига бўлинар эди: ёмонлар, яъни олмайдиганлар ва яхшилар, яъни оладиганлар. Буни обдан уққан Бойбўсин эндиликда ҳар қандай мушкул ҳолатдан чиқиб кета олишига қаттиқ ишонди. Бу қўпол жинойтларга ҳам тап тортмай тикка борадиган бўлди. Саккизни битирай деганда хонадонга биринчи марта «суд» деган сўз оралаб қолди. «Суд?» Шунча ишлаб бу сўзга иши тушмаган ошхоналар трести бошлиғи аввалига зил кетди-ю, ўзини тезда ўнглаб, бу дунёда «яхши одамлар» борлигини эсга олди. Яхши-ёмонни ажратиш, яхшиларни олдиндан кўз тагига олиб қўйиш, уларни керак вақтда дарров топиш борасида Назми ҳам анча уддабурро бўлиб қолган эди. Бу гал Бойбўсин учта оғайниси билан бир бўлиб, мактаб уборшичасининг ёлғиз қизини жабрлашибди. Иш осон кўчмади, бу ойна синдириш эмас, нозикроқ нарса эди. Лекин Ҳақназаровлар оиласида ишнинг осон-қийини йўқ, арзони-қиммати бўлади, холос. «Бой»ни тўртта жинойтчи орасидан юлиб олиб, қутқозиш қийин бўлмаса ҳам, анча қимматга тушди. Шу воқеадан сўнг Хоназар қассоб ҳатто ётиб ҳам олди. Ғамдан эмас, кўпроқ семизликдан албатта. Семиз одамга ётиш қулайроқ эмасми. Шу ётганча турмади шўрлик, семизликдан ўлди.

Улими олдидан Назмини чақириб, целофан қопчиққа тугиб солинган олтмиш мингни васият қилди:

— Бойбўсинники. Қўлига бермайсан, лекин бир тийинини бегона қилма. Кўриб турибсан, боланинг харжи кўп. Нима бўлса, ўзига сарфла. Аяма. Васиятим шу, меросим ҳам шу.

Қайси бири мерос — болами, пулми? Назми буни ҳали ҳам тушунмаган эди. Эрталаб ая билан суҳбат пайтида, эри кечагина ўлгандай, айтиб йиғлади. Ёлғизман, беваман дея зорланиб ҳаммаёқни бузди. Тожихон ая уни овутолмай гаранг, бу кечиккан аза йиғиси аллақандай беўхшов туюлар, вазиятга сира ёпишиб тушмас, чунки маҳалла тинч, ҳовли этагидан ўтган тиниқ анҳор тубида қизғиш сув ўтлари тўлқинланар, райхон ҳиди гупириб турар эди.

— Ушандан кейин пулдан яна харжлашга тўғри келдими? — деб гап қовлади Тожихон ая.

— Воҳ, бир марта олти минг, бир марта уч минг бериб қутқазиб келдим боламини. Улибдими! Парзандимдан аямайман, айланай, пул нима деган гап. Оби-худойи...

— Нима қилувди?

— Ҳа... шўхлик-да. Арзимаган нарсалар. Бирда дўконнинг ойнасини олиб, икки яшик пивомии-ей... яна бирда ўртоқлари билан...

— Ана кўрдингизми! Ҳалол пул бўлса ҳам бир нав эди...

Назми сапчиб тушди.

— Марҳумга тил теккизманг сиз, эрим бечора болам деб емай-ичмай ўтиб кетди. Сизнингча, энди мен шўринг қурғур унинг васиятини бузиб, гуноҳи азимни гарданимга олай, дўзахи бўлайми! Во-ох! Оладиганингизни айтинг, боғини суриштириб нима қиласиз. Терговчи боламини ўзидан ҳамма нарсани суриштириб бўлган, ҳа! — У шапалоғини чапараста қилиб, бўғиқ товуш билан узоқ шанғиллади.

Тожихон ая суҳбатни шу жойда ташлаб чиқиб кетган эди. Энди, лавҳа бутунича кўз ўнгида гавдалангач, ўша эрталабки изтиробли хўрлик ҳолатидан қутилиб, бир фойдали иш қилиб келаётгандай, сал енгил тортди. Бола бамисоли лўмбоз лой, устаси истаса ундан сопол хум қилади, истаса — жонон чинни... Мана Бойбўсин шўринг қурғурнинг тақдири сополдай чил-чил синиб ётибди. Ая унинг гоҳ нимаданир шуълаланиб, гоҳ маъносиз тикиладиган тарғил кўзларини эслади. Бола аввал турмадан ҳам, худодан ҳам кўрқмайдигандай чўчонглади, чиранди, бўлган гапнинг барини бўйнига олганлиги билан гўё мақтанган бўлди, қандайдир ички аламзадаликни ниқоблайдиган сурбетлик ҳам кўргазди. Лекин ая кетадиган бўлганида бир зум товуши товланиб, ўсмирларча синиқ овозда «хола... яна келинг», деди. «Юзи яна чиройли бўлиб кетди... холагинанг ўргилсин... Аслида ўша доли-ғули Назмини суд қилиш керак эди. Лекин бунга

қонун йўл қўймайди...» Аянинг терговни бошқатдан ўтказиш керак дейишга ҳам асоси йўқ. Жиноят далилланган. Қолгани — қонунларда ҳисобга олинмайдиган руҳият, оналик-болалик, меҳр-оқибат, ҳис-туйғу...

Бироқ, шундай бўлса ҳам, Тожихон ая суд ҳайъатига бу иш бўйича ўзининг «алоҳида фикри»ни ёзиб беришни кўнглига тугиб қўйди. Оиладаги ғайри-ахлоқий шароит, балоғат ёшига энди кираётган айбдорнинг ўсиб етилган муҳити ҳисобга олинмиши керак. Зора бола қисмати озгина бўлса ҳам энгиллашса...

Автобус дала шийпонидан ўтиб тўхтади. Ғужбоғ йўлларидан подалар чувалиб келарди. Ботаётган қуёш нурида йўл устидаги энгил чанг қизғиш пардадай бўлиб кўринди. Ғубор кўтарилганда Тожихон ая шийпон ёнида қорайиб турган таниш ғужумни, унинг соясидаги тақир майдонда давра қуриб пилла тераётган қизларни кўрди. У ердан шўх гурунг, чинқирик, хушчақчақ кулги эшитиларди. Давра атрофида бошга кўтарадиган катта-катта нон саватларда кумушранг, тилларанг пилла уюм-уюм чўққайиб кўзга ташланади. Буларга Ойхон бошлиқ. Тожихон ая орада унинг шўх овозини эшитиб, дили яйради: йўқлигини билдирмайди.

Тожихон ўз ҳовлисига яқинлашганида кўча эшиги олдида бир одам турганини кўрди. Қош қорайганда бу новча одамнинг соядай бўлиб ёлғиз турганлиги дафъатан ғалати туюлди. Юраги ҳовлиқиб кетганига Тожихон ўзи ҳам ҳайрон. Қараса — ҳеч қанақа ғайри-табиий жойи йўқ: Гулзиранинг отаси экан. Тожихон ая уни таниди. У билан бақамти гаплашмаган, узоқдан кўриб юрар, қизидан у-бу гап эшитган эди. Унинг бу ерда туриши ҳам табиий, қизини йўқлаб келган бўлса керак. Шундай бўлса-да, Тожихон юрагининг сабабсиз бесаранжомлигини, жонсараклигини сездириб қўяётгандай:

— Келинг, муаллим, сизмисиз... — деди аста.

— Саломалайкум.

Муаллим ҳам аяни бу хил шаҳарликларникидай, белини сириб турган ихчам костюмда кўрган эмас эди, қимтиниб қолди. Баланд бўйли, этсиз юзида бежирим мўйлаб ўзига ярашган, хуштавозе бу зиёли одамнинг кўзини ерга олиб ўнғайсизланиб қолишини Тожихон ҳам кутмаган эди.

— Гулзирани қидираётган бўлсангиз керак? — деди унга далда бермоқчи бўлиб.

— Ҳа, ҳа, Гулзирани...

— Ҳов, ана, сада тагида қизлар билан пилла саралашяпти.

— Ҳа, яхши, жуда яхши, — деди муаллим. У ўзини йўқотиб қўйгандек, жойидан жиллолмайд турди. Тожихон ая пайқадики, нимадир гапи бор, айтолмаяпти... «Ҳов аштархон гилоси тагида янги эшик бизники, киринг», демоқчи эди, ийманди. Бу юксак маданиятли, камсуқум, содда одамнинг туйғуларини ҳам тахминлаш қийин эмасди. Лекин у гапини айтолмади, айтолмаса ҳам керак. Аяга йўл бериб четга чиқди-ю:

— Гулзирага аялик қиялпсиз, ҳурматли Тожихон, сиздан миннатдорман, — деди холос. Ғужум сада томон саланглаб юриб кетди.

Тожихон уйга кириб, Ойхоннинг чийдухоба сирилган ўша эски диванига ўтириб қолди. Хона салқин эди. Уймаллашиб ётган жиҳозлар жой-жойига олиниб, бемалол, баҳаво бўлиб қолибди. Икки табақали эшиги ланг очиқ меҳмонхона ҳам энди дим эмас, сўкчаклар олинган, поллар ювилиб гилам ташланган, бинафшаранг дарпардалар осифлиқ. Бу гарнитурни силжитишда Ойхонга ким қарашди экан?

Тожихон костюмининг тугмаларини ечди. Диванга қапишиб ўтирди. Нималарни ўйлаяпти ўзи? Хаёлида бир муҳим гап бордек эди, ҳеч бир фикр келмаяпти бошига, нима бўлди асти? Ҳа, Гулзира. Йўқ. Бойбўсин... Нимани ўйлаётувди? Муаллим ғалати одам экан. Нимага келди? Ҳа, Гулзира... Гулзирани қидириб юрибди.

Ая илкис ўрнидан турди. Неча вақтдан бери биринчи марта қўли дуторга борди. Садафкорли эски зайфона дутор сўзанали деворда осифлиқ турарди. Тожихон уни онда-сонда қўлга олар, дуторга унча чапдаст бўлмаса ҳам, торини зўриқтирмай, тиниқ чертим билан ўзи учунгина чаларди. Буни болалигида бувиси Гулбозор кампирдан ўрганган. Секин созлаб, бир-икки чертди-ю, тебраниб ўтирганча жиндек машқ қилгач, қўйди, хаёллари қалқиб борарди.

Муаллим ичидаги гапни айтолмади. Йўқ, нега, балки гапи шудир. Гулзираси яхши қиз. Ёлғиз ўсган бўлса ҳам, тантиқ эмас, ўйинқароқ эмас, фикрли бола, меҳнатни яхши кўради, доим катталарнинг қатида, бир нимани ўргансам дейди. Дарҳақиқат, айтганларидай, гул унса ернинг кўрки, қиз ўсса — элнинг кўрки.

Шу маҳал Тожихон аянинг қўли тўсатдан чўнтагидаги қоғозга тегиб, қимир этмай қолди. Ҳали йўқотиб қўйган нарсасини бирдан топиб олгандай, ўрнидан даст туриб, ёғим газета парчасини икки қўллаб ёзди. Бу Бойбўсиннинг КПЗ да шошиб ёзган хати эди. Аттанг, эсидан чиқиб кетибди-ку! Камерадаги мунглиғ овоз, энди расида бўлган ўспириннинг палағда товуши қулоғига етгандай бўлди: «Хола... қоп-қоп китоби бор. Иккитагина бериворсин...» Бояқиш. У ҳам шу Гулзирага ўхшаш бола-да. Унинг ҳам пок юраги, не-не орзу-хаёллари бўлгандир. Бадбин хотин, ўз боласини жарликка итарган она!

Балки ҳали унга бирон ёрдам бериш мумкин бўлар. Китоб деди, хола деди, балки яхши гапга зордир. Шу баҳона билан уни яна бир кўриб гаплашиш керак. Қани, ким эди, адреси... қандайдир носфурушми...

Тожихон ая газета парчасини ёруғроққа тутди. Қоғознинг орқа томонига «Карим носфурушга» деб ёзилган эди. Хат эса бир неча сўздангина иборат: «Жон Қори амаки, Какку ҳисобидан иккитагина... Куя». Ая ўқиб жилмайиб қўйди: ваҳимали сирру маҳфатни қаранг! «Какку!», «Куя!» Болалик-да. Қамоқда ўтирса ҳам болалигини қилади... Кейин хафагазак бир хаёл табассумини бир зумда ўчирди: «Ажабо, китобни ҳам кутубхона қолиб, қанақадир носфурушдан олиб ўқийди. Тарбия шунақа-да, тарбия, муҳит...»

12

Индинига кун ёйилмай туриб апил-тапил, жўнгина кийинди-да, яна районга отланди. Пилла топшириш кунлари уйқусизликдан кўзлари киртайган Ойхон қовоғини йиртиб унинг орқасидан ачиниб қараб қолди. Кечаси билан кафти биқинида, жигар оғриғидан киши билмас инграб чиқади, тағин саҳар-мардондан қеёқларгадир югургани ортиқча, ўз ташвиши бўлса ҳам гўрга эди, Ойхон биладики — бировники, бировнинг боласи деб жонҳалак. «Мен бўлсам, — деб ўйлади Ойхон, — ўша пора бермоқчи бўлган манжалақининг аллақачон башарасига туфлаб кетардим!»

Район маркази азалдан қорбозорли каттакон қишлоқ, тўғрироғи — эски жинкўчалари чувалиб ётган чоғроққина шаҳарча эди. Растага туташ косиб маҳалладан Тожихон ая Карим носфурушнинг ҳовлисини қийналмай топди. Кўча эшигини очганида, қўлига обдаста ушлаган, бўйнида бўйинсочиқ, ёшини чамалаб бўлмайдиган жиккаккина одам кўринди. Кичкина чўққи соқолини демасангиз, унча қари эмас, кулча юзли, елпи яктак кийган, оёғида хом кавуш; кўзлари ола-кула бўлиб ҳовли ўртасида тўхтаб қолди. Намозхон экан шекилли, бирпас ҳардамхаёл туриб, кейин обдастани истамайроқ айвон четига қўйди-да, дарвозахонага қаради.

— Ваалайкўм... — деди «нима керак?» деган оҳангда, шубҳали тикилиб.

Ая унинг бежирим кузалган сарғиш соқолидан таниди: ўзи шундай, кулча юзи ҳасбдай таранг, беажин бўлганидан доим ёш кўринарди бу одам, бўлмаса қачонги Карим қори! Бир кўз билан ёш тўкиб, бир кўз билан им қоқадиган қирпи чоллардан. Авваллари найки растасида ғаровдан чилимга най-у сархона қилиб сотгувчи эди, кейинги йилларда негадир хонанишин, покдомон, уйга қамалиб олиб, фақат гоҳо эрмак учун жиндак-жиндак носфурушлик қиладиган бўлган, деб эшитарди ая.

Карим қори меҳмонни танимади, кўзларининг қорасидан оқи кўп, бақрайиб тураверди. Тожихон ая нимчасининг чўнтагидан газета парчасига ёзилган хатни олиб узатди. Қори уни тез ўқиди-ю, яна тикилди бу қишлоқи хотинга.

— Бола шўрлик зериккан, жонидан тўйиб, жуда қийналиб ўтирибди. Яна келсангиз албатта олакелинг, жон хола, деб...

Карим қори тушунмагандай, хаёли бошқа ёқда, меҳмонни бошдан оёқ яна бир бор кузатди, ўйлаб қолди.

— «Жон хола» деди, денг? — Қори хатга қайта кўз югуртирди, дастхатни таниди чоғи, шубҳа сояси кўтарилган кулча юзи яна таранг тортиди.

— Жон хола деди, жуда ялинди бояқиш...

Карим қори ўйлаб турди-да, Тожихонга тағин бир қараб қўйиб, хатни дўпписига солиб кийди. Кейин секин айвонга чиқиб, ундан тахмонлари қорайиб кўринган уйнинг ичкари хоналарига кириб йўқолди.

Дарвоза ёнида кўмирхонага чий тортилган, орқасида оқ эшак, охурдаги нишхўрди сочилиб ётибди. Ҳовли ўртасида супа, унда дўппидеккина мис ховонча, тамаки кукунидан кўкариб кетган темир гуппича думалаб ётарди. Сўлиб тўкилган атир гуллар орасидан ифлос ариқ сермалиб оқар, бостирма томондан оҳақ, кул, зиғир ёғи аралаш аллақандай ачимсиқ ҳидлар анқир эди.

Носфуруш анча ивирсиганидан кейин, қўлтиғига битта китоб қистириб чиқди.

— Мана, бирон нарсага чирмаб олинг...

Бу пакана ўлгудай қурумсоқ экан, бирон қоғозми, латтагами ўраб ҳам бермади. Тожихон титилиб, сарғайиб кетган, лекин қаттиқ муқовали жажжигина китобни рўмолчасига ўраб, раҳмат айтаркан, кўзи уй эгасининг кўзлари билан тўқнашди: доим ола-кула бўлиб, намланиб турган бу кўзларда аллақандай қўрқинчли сир йилтиллар эди. Савобталаб мусулмондай кўринган бу камгап мўйсафид ўзини «амаки» деб атаган бадбахт Бойбўсин ҳақида бир оғиз гап сўрамади ҳам.

Тожихон ая китобни қўлтиқлаб, шошиб чиқиб кетди. Очиғи тезроқ чиқиб кетгиси келди. Толкўчадан тезлаб бораркан, ўша сирли йилтиллаган ёпишқоқ қарашлар «сен ҳам меники бўлдинг» дегандай, кўз ўнгидан кетмасди. Бозордан чиқаверишда химсасиз бир гузардаги тол тагига сув сепаб қўйилган экан, ўша ердаги ёғоч харракка ўтириб бир зум дам олгиси келди. Ўтирди-ю, нафас ростлолмай, юраги ҳовлиқаверди. Қўлтиғидаги китоб... «Айтгандай, нимага биттагина берди? Бойбўсин хатида иккита сўраган эди-ку? Яна титилиб кетган, муқовасидан бўлак... Ҳа-я, нима фарқи бор, камерада бошини қайси деворга уришни билмай зерикиб ўтирган одамга эрмак учун ҳар қанақаси ҳам бўлаверади-да».

Тожихон ая китобни этагига олди-да, бармоқларига туфлаб, аста варақлай бошлади. Қараса — сўзлари ғалати, ўзбекча эмас, озарбайжончами нима бало? Наинки қори саводсиз бўлса? Бола буни қандай ўқийди?

Бозорбоши қандолатчи боққолларнинг тимидан бошланарди, уёғи самовар, мисгарнинг бўкони. Гузар серқатнов бўлиб қолди, бозор қайтди шекилли. Қоп орқалаган, бешик кўтарган, эчки етаклаган бозорчилар тол тагида китоб варақлаб ўтирган хотинга «фол очаяптими?» дегандай қараб ўтишарди.

Фол ҳам гапми, чилтон, жумбоқ устига жумбоқ! Тожихон ая минг хаёл билан китобни ҳамон варақларкан, ўртадаги бир бетида мошдеккина бир нима ёпишиб ётганини кўрди. Варақларнинг орасида сиқилиб, тугмачадай ялпайиб қолибди. Тожихон ая уни аввал чертиб туширмоқчи бўлди. Эски китоб ахир, носфурушнинг омборхонасида ўргумчакми, суваракми кириб қолиб, эзилган, ситилган, кейин қуриб қолган бўлиши мумкин. Лекин, йўқ, елимдек ёпишиб ётибди. Муқовачининг елими томган бўлиши ҳам мумкин-да... Ая уни тирноғи билан кўчирди. Кафтида айлантриб, бармоғини ҳидлаб қараса, қўланса, лекин таниш ҳид. Дарров ёдига тушди: ўтган йили бир суд вақтида эчкининг қумолоғидек бундай қора-кулранг ёпишқоқ соққачаларни моддий далиллар столида кўрган эди. Кўкнор бу! Эзиб ичиладиган қора дори!

Тожихон ая ўрнидан туриб кетди. Турди-ю, қаердалигини унутиб қўйгандек, қай томонга юришини билмай тўхтаб қолди. Китобни яна варақлади, сарғайган саҳифаларни асабийлик билан титкилай бошлади, муқовасидан ушлаб силкиб кўрди. Аммо охирги саҳифаларидан бирига ёпиштирилган яна битта мошдеккина ялпоқ «тугмача»дан бошқа ҳеч нарса топмади. «Демак, иккита. Бола ҳам хатида: «Жон амаки, иккитагина...» деб ёзган эди. Куя... Нега «Куя?» Ая шу вақтгача бунга парво қилмаганига энди ҳайрон. Аттанг «хат»ни носфурушга бериб қўйди. Наҳотки... Наҳотки бола шу ёшидан гиёҳванд бўлса? Наяки растасидан чиққан Карим қорининг носфуруш бўлиб қолгани бежиз эмасга ўхшайди. Невараси тенги болага заҳар берганини билармикин? Билмай ўлибдими! Балки бунақанги она сути оғзидан кетмаган эси паст жазманлари биттагина эмасдир. Кўзидан маълум қорининг... Ола-кула, ёпишқоқ қарашлари кўз ўнгига келди аянинг. Зардаси қайнаб, ичи зардобга тўлди, туфлай деса

туфуги йўқ, оғзи қуруқшаб кетган эди, қаттиқ ташналигини энди пайқади. Сув-пув йўқми, деб уёқ-буёққа қараса, Карим носфурушнинг эшигининг тагида турибди. Қор-ёмғирда оқариб чириган панжара гулчин эшик. Ая тепиб очди.

Очди-ю, лаблари пирпираганини сезиб, дарвозахонада бир зум тўхтаб қолди: сал ўзини овутиб-совутиб кирмаса бўлмас, ўз феълини билади — юраги тор, тез тутақади, ишни бузиб қўйиши бор. У терговчи эмас ахир, аслида тўсатдан бировнинг ҳовлисига кириб у-бунни суриштиришга ҳаққи ҳам йўқ. Оёқлари бу ерга бошлаб келганига ўзи ҳам ҳайрон. Лекин қайтиб кетолмади.

Қишлоқи хотиннинг қайтиб келганини кўрган носфуруш илкис бош кўтарди-ю, қўлида супурги, ҳовли ўртасида қотиб қолди.

— Бу китобингиз...

Пешонасига сим-сим тер қалққан қори унга яқин келиб энсасини қашлади-да, калта йўталиб, китобга қўл чўзди.

— Ҳай, бошқасини берақолай, отинча синглим. Мен буларни ўқимайман, шунчаки нос ўраб сотиш учун...

— Сиз мени танимадингиз, қори ака, — аянинг чехрасига босиқ бир дадиллик бағишлаб турган учиқ қошлари кўтарилди. — Тожихон деган бўламан.

— Тожихон?.. — деди ранги қув ўчган Карим қори. Кейин қулт этиб ютунди. У Тожихон ая деган районда машҳур номни таҳминан билар, унинг суд идораларига алоқаси борлигини ҳам эшитган эди-ю, ўзини танимас эди. Анқовлигига ғазоби келиб, тиззалари қалтираб, тутдай тўкилди... — Мен эси паст... сизни танимай ўтирибман-а, қаранг... — қори каловлаб супа томон юрди, йиғилган наmatни ёзиб, кўрпача солди. — Қани, қани, эсим курсин менинг, минг узр, Тожихон синглим, нега танимас эканман-а, нега танимас эканман, яхши одамнинг довуғи ўзидан олдин юради, деганлар, қани...

Бир зумда дастурхон очилиб, чой-нон пайдо бўлди. Тили танглайига ёпишган Тожихон ая чойни кўриб, супага бориб ўтирганини билмай ҳам қолди. Бир пиёла чойдан кейингина қорининг юзидаги ўзгаришни пайқади: у ёввош тортиб, бўйи янада кичрайгандай, ўзи ҳам, юзи ҳам юм-юмалоқ, кўзидаги ёпишқоқ йилтиллашдан асар ҳам йўқ эди.

— Гап китобда эмас, қори ака, — деди энди ўзига келиб, фикри тиниқлашган Тожихон ая, — гап мана буларда, — у кафтини очиб, кўкнор ширасининг ачимсиқ ҳиди анқиб турган қора-кулранг зўлдирчаларни кўрсатди.

— Булар... булар... — деди оқариб, тилдан қолаёзган носфуруш дон тикилган товўқдай, сўзи кекирдагида қолди: — Бу...

— Буларнинг нима эканини жуда яхши биласиз, — деди Тожихон ая қатъият билан гапни бўлиб. — Бунинг учун қонун бошингизни силамаслигини ҳам биласиз.

— Тожихон синглим! — супадан сирғалиб тушиб тиз чўкди қори. — Бу... шунчаки, эрмак, озгина...

— Озми-кўпми — бунинг аҳамияти йўқ.

— Кўз олдингизда ўтга ташлайман, Тожихон синглим, илоё болаларингиз омон бўлсин, овоза қилманг, жон...

— Менинг болаларим омон бўлса-ю, бошқа болалар заҳар ичса, бу дуоингиз куфр эмасми, қори ака?!

— Нима десангиз тайёрман, фақат овоза қилманг, жон синглим, қариб қолганман, бешигим белгисиз — эшигим илгисиз... кўриб турибсиз... — деб йиғлаб юборди носфуруш.

— Қонун бор, қори ака... — соқолини олифта қилиб тарашлаган бу одамнинг йиғисидан баттар ғазабга келган Тожихон ая ўзини зўрға босиб олди. — Маслаҳатим шуки, бунинг борини олиб бориб, уни кимдан олишингиз, кимларга сотганлигингиз, ҳамма-ҳаммасини ўз оғзингиз билан айтиб берсангиз, қонун бунни ҳисобга олиб, гуноҳингизни енгиллатади.

— Барини айтаман, овоза қилмасангиз бўлгани, сизга нима керак бўлса борини айтаман, Тожихон, ўзингизга айтаман.

— Мен сизни сўроқ қилаётганим йўқ, бу менинг ишим эмас, тергов

органларига боринг, маслаҳат шу. — Тожихон ая туриб кетмоқчи эди, Қори унинг этагига ёпишди.

— Жон синглим...

Тожихон ая ўйланиб, яна аста ўтирди. Қори ҳам, кўзини кўтаролмас-да, ердан туриб, супага кетини қўйди.

— Менга кераги шуки... айтинг-чи, Бойбўсинни қаёқдан танийсиз?

— «Куя»ними? — сўради қори ҳозиржавоблик билан.

— Нега «Куя?» «Какку» ким?

Ҳамма гапни очиқ айтишга шайланган Карим қори яна тамшаниб, томоғига бир нима тикилгандай жим қолди.

— Мен... чойни янгилай, Тожихон... Қуруқ дастурхон... ахир, уят бўлади. — У «қўйинг, керак эмас» деганига қарамай, ўчоқ бошига йўрғалади. У ерда арқонга кир-чир осиглиқ, тандир биқинида ўтин, саксовул, болта, кунда. Карим қори чўкка тушиб, қора қумғондан чойнакка доғ сув қўйди. Тожихон ая унинг кенг елкасига, қатлам-қатлам йўғон бўйнига қараб ўтирар, унинг қанақа одам эканлигини тушунишга уринар эди. Уй эгаси йўл-йўлакай айвондаги тахмондан патнис олиб, иссиқ чойнак билан келтириб супага қўйди. Кейин аланглаб бориб кўча эшикни тамбалади. Астойдил гап бўладиганга ўхшайди.

Лекин у келиб чўкди-ю, яна узоқ қийналиб ўтирди, тузоққа тушгандай, аҳволи аянч эди, суҳбатдошига сарғайиб қаради, кўзини ерга тикди. Овозини пасайтириб гапирди:

— Менга қаранг, Тожихон синглим... мен сизга бор гапни айтсам-у, эртасига Шодмон ўғри келиб мени бўғизлаб кетса... Бундан кўра олиб бориб қамаб қўйганингиз яши эмасми?

— Шодмон? Шодиевми? — сўради ая, Бойбўсиннинг «Дело» сида учраган фамилияни эслаб, жүшёр тортди. — Нега уни «ўғри» деяпсиз?

Қори аянинг юзига аянчли боқиб, кўзини яна ерга олди.

— Айтсам... ҳаммасини айтсам, ростдан ҳам ҳукуматдан гуноҳимни сўраб берасизми?

— Жиноят учун жавоб беришга тўғри келади, қори ака. Лекин гуноҳни самимий эътироф этиш жазони енгиллатади, бу қонунда бор. Энди айтинг, Шодмон Шодиевнинг ўғрилигини қаёқдан биласиз? У Бойбўсин Ҳақназаровнинг «иш»ида фақат гувоҳ сифатида эсланган, холос.

— Ҳа, у киши ҳаммавақт ҳам фақат «гувоҳ». Аслида, қатини қайириб қарасангиз...

— Хўш?

— Ҳай, мен энди тугадим, синглим... айтсам айтақолай, — деб эгилган бошини кўтарди Карим қори. — Гап мана шу Шодмон ўғрида. Ҳаммаси шунинг атрофида тўпланган, шунга қарам, шунинг исканжасида.

— «Ҳаммаси» деганингиз...

— Бойбўсин, яна бошқа... болалар.

— Сиздан ҳалигини оладиганлар, шундайми?

— Ўша Шодмон ўргатган уларни, ўша тўлайди.

— Ўғирланган пулдан... Сиз, билиб туриб, оласиз...

Қорининг боши яна шилқ этиб қуйи солинди.

— Гапираверинг.

— Қай бирини гапирай... бу жуда мушқулу мураккаб. Ҳалиги... Соатнинг бир-бирига чатиш мурватлари бору...

— Механизм.

— Ҳа, мхайнизим. Бу шунақа, бутун бир мхайнизим.

— Хўш? Хўш?

— Шодмон бу болаларнинг ҳар бирининг бир иллатини топиб, ўзига муте қилиб олади...

— Бойбўсин...

— Бойбўсинингизнинг мутелиги порахўрликка асосланган. Шодмоннинг билмаган нарсаси бўлмайди. Бу аблаҳ агар ўғрилик йўлига кирмаса, албатта бир авлиёми ё улўғ одам бўлар эди. Бойбўсиннинг отаси олтмиш минг мерос қолдирганини ҳам, бу пул унинг онасининг қўлида эканини ҳам, боланинг неча марта қўлга тушганини, онаси уни қачон, нечпул бериб қўтқазганини ҳам, барини икир-чикиригача билади. Бу шўртумшуқни онаси ҳарқандай боло-

қазодан, хатто қамоқдан ҳам пора бериб қутқаза олишини билиб, бир куни уни ёнига чорлайди, жиндак-жиндак «эзиб ички»га ўргатганидан кейин, очикчасига гаплашади:

«Отанг нечпул қолдирганини биласан-а?»

«Ҳа», — дейди Бойбўсин.

«Сенга қолдирган».

«Менга».

«Нима б... еб юрибсан бўлмаса?»

«Пул онамни қўлида».

«Олиш керак. Утнинг иши қовуриш, елнинг иши совуриш».

«Қанақа қилиб оламан», — илжаяди Бойбўсин.

«Мен олиб бераман», — дейди Шодмон ўғри.

«Сиз? Фокусчимисиз? Қандоқ қилиб...» — дейди-ю, Бойбўсин кўрқиб кетади: қандоқ қилиб; ўғирлабми, ўлдирибми? Боланинг кайфи учиб, оқариб ўрнидан турабошлайди.

«Кўрқма, ўтир. Тушунмадинг. Хамирдан қил суғургандай беозор қилиб оламиз. Аста-секин. Ҳаммасини оламиз. Ахир сеникими пул?»

«Меники».

«Ундай бўлса, бизга қўшилсан».

«Қўшилсам нима иш қилишим керак бўлади?»

«Ҳеч нима қилмайсан. Орамизда юрасан, тамом. Улушингни олаверасан»
«?...»

«Ҳа. Лекин бир гап бўладиган бўлса, ҳамма айбни ўз бўйнингга олиб тураверасан. Милиция битта ўзингни олиб кетади. Эртасига онанг барибир ўша пулдан бериб қутқазиб олади. Биринчи марта бўлаётгани йўқ-ку. Неча марта ўйнаб-кулиб қайтиб келгансан. Лекин биз ҳам ҳадеб эмас... Йилига бир марта изимизга тушса тушади, бўлмаса улушингни олиб ётаверасан».

«Ҳеч нарса қилмай-а?»

«Ҳа. Бошқаси билан ишинг бўлмайди. Ҳаммасини биз қиламиз».

Бола ҳам онасининг ҳар балодан қутқазишига ўрганиб қолган: йўқ демай, илжайганча ўйлаб қолади. Пулни-ку онаси икки дунёда ҳам унинг қўлига яхшиликча бермайди. Ҳақиқатан ҳам уни фақат мана шу йўл билан аста-секин суғириб олиш мумкин. Рағбатланиб кетиб, у ҳам шарт қўяди:

«Токи, олтмиш минггача! Пулимнинг бари ўз қўлимга киргунча! Кейин озодман!»

«Бўпти! — дейди Шодмон унинг елкасига қоқиб. — Ишни биз қиламиз, сен куядай еб ётаверасан!»

— «Куя» шундан денг? — сўради Тожихон ая тиришган пешонасини икки бармоғи билан қисиб.

— Ҳа, шундан. Мхайнизимнинг ҳамма мурватлари ўз ўрнида, ўз ишини билиб қилади. Бирови пойлоқда, бирови айғоқда, биров қулф бузади, биров турмага кириб чиқади. Шеркат. Фақат Шодмон ҳеч нарса қилмайди, назари-ётчи. Лекин ҳамма нарса, ҳамма бойлик, ҳуқуқу ҳукм унинг қўлида. Уроқда йўқ, бошоқда йўқ, хирмонда ҳозир... Мана, бўлди энди, синглим, бор гап шу, буёғини ўзингиз тушуниб оласиз, мени қийнаманг.

— Йўқ, тўхтанг. Ахир терговда аниқланишича, ҳамма ишни Бойбўсин қилган, хатто уй эгасининг бошига уриб ҳушсизлантирганини ҳам бўйнига олган. Жабр кўрган ҳам...

— Жабрланувчининг ўзи катта муттаҳам. Ўғирлатган харом пулини очик айтишдан кўрқиб, битта магнитапонини тан олиб ўтирибди. Асли, «Какку»да катта пул кетди...

— Демак... — Тожихон ўзича мулоҳаза қила бошлади, — Шодмон Шодиев хавфдан холи, изига тушсалар ҳам қамалмайди. Бола қамалади. Бола бўлса ўзининг қутилишига амин. Ўғирликни семуляция қилиб пул ишлайди, ўз онасини шилади. Осон йўл. Пора очиб берган мудҳиш йўл. Текинхўрликнинг энг тубан йўлига кирибди бола... — Кейин яна суҳбатдошига қаради: — «Какку»-чи, униси ким?

— Уша-да, Шодмон.

— Нега «Какку»? — сўради Тожихон қошини чимириб.

— ...Билмайсизми, какку ўзи тухум очмайди. У тухумини бошқа қушнинг уясига қўяди. Бошқа қуш ўтиради. Какку ўтирмайдиган қуш.

— Утирмайдиган қуш... Қачондан бери?

— Нима «Қачондан бери?»

— Қачондан бери ўтирмаяпти? «Какку»?

— Э-ҳа... — Карим қори тушуниб, жилмайган бўлди. Жилмайиши аянчли эди. — Икки йилча бўлди чоғимда... Мана энди...

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам... механизм, — деди ая.

— Мхайнизим, мхайнизим, — деди носфуруш ичи бўшаб, сал енгил тортган эди шекилли, аянинг кескин товушидан чўчиб тушди.

— Менга қаранг, қори ака, мен бир нарсага тушунмайман... Сизга... сизга тушунмайман. Мана бу заҳарни қамоқдаги болага ҳам юбормоқчи бўлдингиз. Тийилсангиз бўлмасмиди? Пул худодан улўғми, нобуд бўлади-ку, уволига қоласиз?!

— «Какку» буюрган. Урганган одамга бу фалокат хумор қилса, болами, каттами, ҳеч нарсадан қайтмайди.

— Хўп, қийналади дейлик, нима қилиши мумкин?

— Йўқ... қийналиши бир нав. Соқчи-поқчини ўлдириб қўйиши бор, гиёх ичганнинг бунга ҳам қурби етади. Лекин энг хавфлиси — талвасада ҳамма нарсани очиб ташлаши мумкин. Унда... қисқаси, Шодмон ўғри бўғзимдан олиб, «етказиб тур» деб буюрган эди, сиз келиб қолдингиз. Мен аҳмоқ танимабман... — қори хўнграб юборди, — энди нима қиламан. Сиз кетасиз, мен қоламан бу ҳовлида.

Тожихон «яқинда бошқа ҳовлига кўчасиз» демоқчи эди, бундай гапнинг ўрни эмас, тийилди. Энди қорига чиндан ҳам раҳми кела бошлади. Лекин бу кутилмаган «янгилик»лардан ўзининг ҳам боши гангиган, бу имонсиз қарияга ачинишнинг мавриди эмасди.

Кетишга отланганда қори яна тиз чўкиб, унинг этагига ёпишиб олди:

— Мени қолдириб кетаверасизми шу аҳволда?!

— Қанча-қанча жиноятларга гувоҳгина эмас, шерик ҳам бўлган одам шу вақтгача қўрқмай энди қўрқадими? Жиноятчининг қисмати доим қалтираш, қалтираб ўтираверинг истасангиз! Мен сизнинг хавфсизлигингизга кафил эмасман. Тергов идораларига бош эгиб боринг, дедим-ку. Бугунги гапларингизнинг ҳаммасини айтиб берсангиз, улардан ҳимоя сўрашингиз мумкин. Маслаҳатим шу! — деб ая шартта чиқиб кетди. Тиз чўккан носфуруш, бежирим соқоли селкиллаганча дарвозахонада қолаверди.

14

Тожихон ая асабий елпиниб, бўшаб қолган расталарни оралаганча шошиб бораркан, фикрлари сал тиниқа бошлаган эди. Аввало Назмига бориши керак, фожиа юз бермасдан туриб эсини йиғиб олсин. Кейин Бойбўсинга ҳам кўриниши зарур, ваъда берган ахир.

Қуёш оғиб қолган, шаҳарча уфқидаги ғуборли ҳаво қизғиш бўлиб кўринар эди. Гузардаги водопровод колонкаси ёнида сув сачратиб қийчув қилаётган қизалоқларнинг овозаси кўча этақларигача етарди. Тожихон аянинг асаблари сал тоб ташлади. Назми билан бафуржароқ гаплашишга, унга она-бола бахти ҳақида дилидаги барча туғёнларни тўкиб солишга чоғланди, қадамини тезлатди.

Аммо Назми аяни бетўхтов йиғлаб қарши олди. Ҳовлиси қаровсиз, тахта супа усти биж-биж пашша, уй қандайдир тутунга тўлган, ошхонада нимадир жижиллаб ёнарди. Назми тутун ичида қизарган кўзларини фартуғига артганча, меҳмонга сўз бермай жовраб йиғлайверди. Пора бергани ҳали ҳам одам тополмаганга ўхшайди, бутун умиди аяда экан шекилли, йиғисидан қувонч ҳам, ҳасрат сезиларди. Аяга илинжли қараганча ер бўлиб элана кетди:

— Қутқазинг ўғлимни! Жувонмарг бўлиб кетмасин, тушунасиз-ку, ёлғизим, етимчам, ёруғ дунёда ундан бошқа кимим бор, жон ая! Ҳеч нарсамни аямайман! Тўғри, сиз бунга ёмон сўз билан «пора» деб атайсиз. Ахир онанинг миннатдорлиги ҳам пора бўладими, ўзингиз айтинг. Атрофингизда ғимирлаб юрганлар фаришталар эмас-ку, Тожихон ая, одамлар-ку! Ҳаммамиз ҳам савобталаб одамлармиз. Бу ахир кони савоб: олган ҳам топади, берган ҳам... Энг муҳими — бунинг иси чиқмайди, ая!

Тожихоннинг ҳафсаласи пир бўлди. Шайланиб айтмоқчи бўлган гаплари, туғён урган оналик ҳислари сув сепгандай босилиб, совиди-қўйди. Бу жувон ўлгирнинг йиғиси чинакам йиғи бўлса, ҳар қалай одамни ҳушёр торттирадиган бу «ақлли» гапларни айта олармиди! Йўқ, бу яна йўлини қияпти.

— Иси чиқмаса, миси чиқади, Назми синглим.

— Ўзингиз олмасангиз, топиш мумкин-ку, оладиганини. Мен бермасам, бошқаси беради, ўлибдими! Дунёни тузатаман десангиз, овора бўласиз, ая! Қуруқ «баракалла»га қўл қовуштирадиган қуллар ўлиб кетган. Балои нафс ҳозир ман-ман деганни тиз чўктиряпти. Берган бийга ёқибди.

...Яна ўша гап! «Оладиганлар...» Улар ҳам Назмига ўхшаб, ўзларигагина эмас, ўзгаларга ҳам яхшилик қиляпмиз, кимнидир қўтқазяпмиз, деб даъво қиладилар албатта... Инсонда инсонийлик ниҳолини қуритаётганликлари ҳақида индамайдилар.

Бу гаплардан зада бўлиб қолган ая ҳам суҳбатнинг оқавасини унинг юзига бурди:

— Олди-соттини қўйинг! — деди жаҳлини зўрға ичига ютиб.— Болангизни сотиб оладиган буюмга айлантирибсиз. Лекин иш сиз ўйлагандан кўра мушкулроқ.— Ая дуч келган сандиққа ўтириб, уй бекасига ҳам имо қилди. Назми ҳам ўтирганидан кейин, бугун аниқлаган ҳамма гапини, Карим қори тасвирлаган бутун «мхайнизим»ни ошқора ҳикоя қилиб берди. Назми аввал кўз ёшига ювилган юзини фартуғи билан бекитиб, кейин бошини сал эгганча, соққаси чиққан кўзларини тик қадаб қулоқ солди.

— Уғлингиз ўғрилар тўдасининг қўлида гаровда қолганини энди тушунгандирсиз? — деб яқунлади ая ҳикоясини.

Назми дик этиб туриб, эшик кесақисига суянди. У жуда ўзгариб кетганди. Ҳалиги йиғлаб-ялинаётган она қаёқда-ю, бу қаёқда!

— Сиз...— товуши илон вишиллаётгандай эшитилди,— сиз қаёқдаги гапларни қовлаштириб... — Назмининг овозида энди йиғи тасвири йўқ эди. «Чиқиб кетинг» дегандаги адоватли оҳанг баралла янгради.— Сиз ўғлимни турмада чиритмоқчисиз, биламан! Ё мен титкиланг дебмидим? Воҳ, тухум қўймаган товўқнинг гўнг титкилашини кўринглар!

Назми шундай шанғилладики, Тожихон ая эшикка қараб силжиганини ўзи ҳам билмай қолди. У ҳам инсон ахир, унинг ҳам асаби бор, иззат-нафси бор, бу чиркин чигалларни ечман деб ким учун жон чекиб юрибди?! Башарангни кўрмаганим бўлсин, дегандай, остонанинг нарёғидан бир қаради-ю, охириги сўзларини босиқроқ айтиш учун зўрға куч топди:

— Йўқ, уни турмага эмас, наркологик клиникага ётқизиш керак. Турмага эса сиз борасиз! — деб шартта чиқиб кетди.

...Барвақт чўккан дим оқшомда нафаси қайтиб, манглайдаги шаррос терни артгани рўмолча қидирди. Қўллари қалтирар, ўнг биқинидаги одатий оғриқ кўзғалган эди. Асабдан. Бари асабдан. Бироқ ўтиб кетади, биринчи марта эмас. Дуч келган акас дарахтига суяниб, бир пас нафас ростлади. Қулоғида ҳали ҳам шанғиллаган овозни, ноҳақ таҳқирни эслаб, ўксиди, лабини тишлаб, оғриқ босилгунча турди-дв, яна тезлаб юриб кетди.

Дилида гўё кимдир унинг учун ўйларди: нима қилиб юрибсан ўзи? Зарурмиди сенга бу азоблар? Терговчи бўлмасанг! Онаси бўлмасанг бу бадбахтнинг. Етти ёт бегона, ҳаромхўр, банги... Бироқ сен ечмасанг ким ечади бу чигални? Уқувсиз терговчи Васиёвми? Ўзига ўзи чуқур қазиб юрган шўринг қурғур Назмими? Йўқ, энди қайтиб бўлмайди, иш катта бўлиб кетди. Иш «Қакку»ларга бориб тақалди... Аммо дунёни тузатиб бўлади, Назми, дунёни тузатиш керак, ҳа!

Қош қорайиб қолди, оғриқ босилмас, санчиб-санчиб чангаллар эди. Шундай бўлса ҳам, энди қайтиб бўлмайди, эмаклаб бўлса-да, боради. Оғриқ босилиши керак, иссиқ кафт остида босилади, доим шунақа бўлиб келган. Аммо Ойхоннинг кафти иссиқроқ экан шекилли-да, бирдан-бир даво Ойхоннинг кафти, беш минут босиб турса — тамом, бояги-боягидай бўлиб кетади... «Тузукмисиз, аяжон?» — Ойхоннинг овози қулоғига эшитилди. Тезлаб юраркан,

ая шивирлади: «Тузук, қизим; тузук, синглим; тузук, болам; тузук, дўхтирим...»

Бошқармада иш тугаган, навбатчи соқчилардан бўлак ҳеч ким йўқ; совуқ йўлаклар хувиллаб ётибди. Бу ерда соат саккизданоқ ҳаёт қўри ўчади, одамлар ухламаган-у, гўё қимир этган жон йўқ, мусибатли тунги ўйларга тўлган кутсиз жимликкина ҳукмрон бўлиб қолади. Бундай маҳалларда тергов изоляторлари турмадан баттар, эшиклар тепасида темир қафасга қамалган қизғиш чироқлар изтироб ичидаги сўлғин умиддек зўра милтиллаб туради. Бундай пайтда бўсағада эшитиладиган оёқ товуши ҳам катта воқеа... Темир эшикнинг фирчиллаши ҳамма йўлакларда акс-садо беради.

Қизғиш чироқ ёруғида бурчакда новча Бойбўсин кўринди. У аввал шодмарг бўлишига сал қолди. Туташ қошлари бирдан ёйилиб, оғзининг таноби қочди. Унинг бундай жилмайишидан ая чўчиб кетди: кулгими бу, ё... Йигитнинг юзи бўздай оқ, озиб кетганидан кўзлари яна ҳам катта-катта очилиб, қорачиғи ғалати мойланиб, бесабр йилтиллаб турарди. Аянинг қўлларига, сумкачасига тикилиб қаради. Одамнинг уч кунда бундай ўзгаришига ақл бовар қилмайди. Ая негадир айтадиганини тезроқ айтиб олишга шошиларди:

— Бойбўсин, болам... Ойинг сени бу сафар қутқазолмайди. Илгариги тергов бекор бўлиб, қайта сўроқ қилишса, бутун гапни очиқ-ойдин гапириб беришинг керак. Шодмон Шодиевни ҳам, Карим қорини ҳам, отангдан қолган пулни ҳам, ҳамма воқеаларни, уқдингми? Шундай қилмасанг, барибир ҳаммаси очилади, сен эса узоқ муддатга қамалиб кетасан. Қандай жиноятларни яшириб турганингни тушунапсанми? Энг қийини — йўқолган виждонни топиш... Уғил боласан, жирканч қўлларда ўйинчоқ бўлма!

Бойбўсин ўзгармади, чуқур ботган, совуқ йилтиллаб турган кўзлари ўша-ўша, аянинг қўлларига қадалиб, сумкачасини титкилаётгандай, ҳамон хунук илжайиб турар эди. Ая бирдан тушундики, шунча ўйлаб-танлаб, эҳтиёт билан гапирётган гаплари унинг қулоғига киргани йўқ. Боланинг олдинга қадам ташлаганини кўриб, юраги шув этди, қорининг сўзлари ёдига тушди: «...бундай пайтда улар ҳар нарсага қодир».

— Қани? Китоб қани? — деди Бойбусин маъносиз кўзларининг оқини ўйнатиб.

Уша вақтда ая қорининг сўзларига аҳамият бермаган экан, бу чиндан ҳам даҳшат-ку! Ўз тақдири ҳақидаги мудҳиш гап ҳам қулоғига кирмаса... Кўзларини кўриб юраги орқага тортиб кетди: унда ҳозир на эс-хуш, на ҳиссий мувозанат; қаерда, ким олдида турганини ҳам билмаса керак. Ая беихтиёр орқага тисарилди.

У ўша зумни кейин бир умр эслаб юрди, гоҳ, кулгиси қистар, гоҳ номусдан аъзои бадани совиб кетар эди. Ҳеч қачон бундай шармандаларча қўрқоқлик қилган эмас. Ҳаммаси бир зумда, беихтиёр юз берди. Аёл аёл эканда, унча-мунча нарсдан кўрқмайман деб юрса-ю, заифалик панд берса-я. Йигитча яна бир қадам олдинга босганида изолятордан отилиб чиқиб, эшикни ташқаридан тарақ этиб ёпганини билади. Қараса, атрофида соқчилар: «Нима гап, ая? Нима бўлди?»

— Тинчлик, тинчлик, ҳеч гап бўлгани йўқ... — деб чиқиб борарди-ю, орқасидан унинг оппоқ оқарган юзларига қараб қолган йигитларнинг саросимасини пайқаб турарди. Бир пасдан кейин ҳали қаҳ-қаҳ уриб кулишлари ҳам турган гап. Ая ўзидан ҳафсаласи совиб, нафрати кўзиб, автобусда биров билан саломлашмади ҳам. Танишлар ҳам бордек эди, нима деб ўйлашдикин?...

У қишлоғига ярим кечага яқин келиб тушди. Ойхонни уйғотиб юбормаслик учун туфлисини ечиб кириб, кичкина стол чироғини ёқди-ю, диванга ўзини ташлади. Қўллари боши орқасида, узоқ ўйга толди. Яшил латта абажур орқали тушган тунги чироқ нури ой шуъласи билан кўшилиб, хонани хира ёритарди.

Аянинг уйқусиз оидин кечаларидан яна бири. Деразада тун қораси шаффоф. Ранги ўчиб, уволгина бўлиб сузаётган ой уфққа қараб юмалаган сари осмон қоронғулашиб, уйқусизлик азоби ҳам ортаберади, керак-нокерак хаёллар уста-уст босиб келаберади. Умрида унинг бундай тунлари кўп бўлган, гоҳ бир сабаб билан, гоҳ бесабаб, ўтириб қоладида, руҳи зил босгандай, тонггача ўрнидан туролмайди.

Бу гал нима бўлди ўзи? Нега у нуқул ўз ҳолатини ўйлаяпти? Ахир боланинг аҳволи мушкул-ку! Уни тунги камерада ёлғиз шу аҳволда ташлаб қочдингми,

энди жадал нимадир қилишинг керак. Бостириб келаётган фожиани сендан бошқа ҳеч ким билмайди. Фақат сен олдини олаоласан. Бунинг учун халқ маслаҳатчисининг тергов материаллари ҳақидаги «Алоҳида фикри» эрта азондаёқ прокурорга етиб бориши зарур.

Ая қалам-қоғоз олди.

Алоҳида фикр... алоҳида фикри нимаси! Ахир бу масъулиятсизлик, юзаки тергов дарҳол бекор қилиниши керак. Болани осонгина кесивораётган ёш, нотавон, амалпараст терговчи идорасида ўтириб «Дело» ижод қилган — айбдорнинг на танишлари, на алоқалари, на қуршови, на яшаш муҳити, на одати, майли, хулқи, на тарбияси билан ҳисоблашмай... Тарбия! Бола ҳаётини порага гаров қўйган бўлса, тарбия ҳақида қандай гап қилиш мумкин? У бошқа катта жиноятларнинг қурбони бўлиб кетяпти-ку! Пулнинг кучига бу қадар ишонч қаёқдан пайдо бўлди? Бола ёвузликка эътиқод қўйибди ахир, ёвузлик уни ҳар қандай жинойи жавобгарликдан холи қилишига ишончи комил. Шодмон Шодиев... Назми... булар бир-бирларини танимайдилар, аммо ёвузлик ришталари билан бир-бирларига зимдан шундай маҳкам боғланганларким, болани, бировларнинг болаларини ҳам тириклай кўмаётганликлари билан ишлари йўқ. Ҳамиятни пуфак баҳосига пуллашади улар. Пул гадолари, очкўзлар! Оч итнинг худоси — суяк! Булар итдан ҳам ёмон қопади. Ажабо, шу қадар даҳшатли йиртқичлар ҳам инсон қиёфасида яшаши мумкин экан-да? Йўқ, бола шўрликни уларнинг чангалидан қутқазिश керак. Бу аслида оддий бир бола ахир, бошқалар ҳам бордир, кимларнингдир оддий болалари...

Лекин қандай қилиб? «алоҳида фикр...» Бу бир парча қоғозни ёзиш бундай қийин, бундай азобли бўлишини сира ўйламаган экан.

Ой ҳам бутунлай хира тортиб уфққа ёнбошлади. Очиқ деразадан тубсиз тун боқар эди. Бевақт қовжираган барги хазонни у ёқдан бу ёққа супуриб юрган тунги шабада ҳам чарчади, тинди. Этлари увишиб кетган Тожихон аянинг кўрғошиндай оғир бошига минг бир хаёл келиб кетар, кўз ўнгида турли қиёфалар жонланар, қулоғига узук-юлуқ гаплар эшитилгандай бўлар эди. У руҳан толиқиб кетди: кимларнингдир хунук, илжайган қиёфалари, кимларнингдир ялинчоқ, шанғиллаган овозлари, болалар, бировларнинг, ўзининг болалари...

Нариги хонада, қоронғи дераза олдида Ойхон қимирлади. Тожихон аянинг кўзига қиз хирагина соядай кўринарди. У ҳам ўзини йўқотгандек, шумшайиб ўтирибди, тунни уйқусиз ўтказган чоғи, дам сал жилмаяди, дам юзидан нур қочиб, йиғламсирагандай бош эгади. Чамаси, хаёлан ўз дунёсида, бахтли эртакларида кезар, гоҳ бирдан чўчиб, қалқиб тушар, титраб кетар эди.

«Яна келганга ўхшайди. Ёки келмаганига ўзини еб ўтирибдими?». Ая албатта тушунади, у ҳам ёш бўлган, у ҳам ёнган, ўртанган. Муҳаббат... Ойхоннинг очиқ туйғулари гоҳ аяни ҳам таслим қилишига бир баҳа қолади. «Лекин, йў-ўқ... муҳаббат бундай нопок бўлиши мумкинми? Бу ҳалолликдан эмас, одобдан ҳам эмас ахир! Кимнидир чирқиратиш муҳаббатга зид. Бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқармаслиги керак. Наинки буни билмаса? Қаердан ёпишди бунга? Бу, майли, бу бир нозик ниҳол. Хўш, Саттор-чи? Наҳот аямаса? Тоғда юрган кийикнинг кўзидан бўлак айби йўқ, дейдилар. Йўқ, Саттор тошбағир сайёд эмас ахир!»

Иккаласи ҳам аянинг болалари, адашиб юрган болалар. У бўлса бегона болаларни ўйлаб ўтирибди.

Ойхоннинг тонг қоронғуси сизиб кираётган дераза ёнида эгилган кўланкасини кўриб аянинг дили бадтар орзиқиб кетди. Уни қайнсингим деб атаган эмас, ундай деса узоқлашиб кетаётгандай туюлар эди. Болам, деди, қизим деди, ўш катта қилди. Лекин бахтли қилолмади. Нима учун? Ахир ҳеч нарсасини: мэхрини ҳам, жонини ҳам аягани йўқ-ку? Эгасига топширса балки ҳеч бўлмаса ташвишидан қутилар эди, лекин қизи тушмагур бундай гапни ёнига ҳам йўлатмайди. Ушани ўйлайди, ўша тавфиқсизни. Фойдаси йўқлигини билса ҳам ўйлайди. Мана, ҳозир ҳам...

У бўлса... У ҳам боласи ахир. Узини алдаб юрибди. Аслида у ҳам бахтини топгани йўқ. Уша бефарқ, фаросатсиз билан турибди. Мансаб дейди, мукофот дейди, унвон, шон-шараф... Бунинг бахт эмас, шунчаки юза бир «кўрк» эканини

ўзи ич-ичидан тушунса ҳам, шу «йўл»ни мақтаб, ўзини овутиб юрибди. Кўнгли эса бу ерда. Бу қалбакилик унга қаёқдан юқди, қачон?

Бу ҳам билади, бало бу қиз, ҳаммасини билади. Фақат аясининг нима ўйлар билан қийналиб ўтирганини билмайди.

— Ойхон қизим...

Ойхон гўё уйқуда эди, сесканиб уйғонди-ю, қаерда ўтирганини билолмай, аланглади. Индамади. Танимаётгандай қаради.

Аянинг баданига совуқ югурди, бирдан дунёда ўзи ёлғиз қолгандай, вужуди сесканди. Қачон пайдо бўлди бу бегоналик, дея ўйлади ая, ранги қув ўчиб.

— Ойхон...

— Лаббай, аяжон?

Ойхон ўрнидан туриб бу хонага чиқди. Аянинг столида сочилиб ётган ёзувларга кўз солди. Кўз кўзга тушиб, бироз тикилишгач, дарров бир-бирларини тўла тушундилар. «Нега кеч қолдингиз?», «Нимага ухламадинг?» дея суриштиришмади ҳам, гўё ҳаммаси ўз-ўзидан аён эди. Қиз аянинг ёнига ўтириб, уни икки қўллаб қучди, илиқлик, меҳр, жондошлик қайтиб келди. Аянинг ранги сиюқлигидан Ойхон билдикди, бугун унинг жигари яна оғриқ берган. Эски, юншоқ қарғаш Ойхон кўйлак устидан Ойхон кафтини шифоли тафти аянинг ўнг биқинига чиппа ёпишиб, тенгсиз бир роҳат бахш этди. Эски диванга қапишиб ўтирдилар. Аянинг чарчаган кўзлари юмулди. Ойхон эса товушсиз йиғлар эди. Ая кўзини очмасдан, унинг лўппи юзидан бир томчи ёшни бармоғи билан сидириб олди.

— Сендан ҳали ҳам Турғунали акангнинг ҳиди келади... — деди шивирлаб.

Учинчи боб

16

Бири тизза бўйи жой солиниб оппоқ чойшаб тўшалган икки ўринли сим каравотга, бир пастак сандиқ четига омонат ўтириб, бир-бирларидан нимадир кутгандай, ерга тикилишган эди. Турғунали кўйлакчан, бошяланг, юзи ёз бўйи далада қорайиб кетганидан пешанасида дўппи жиягининг изи гардишдай оқариб турибди. Туфлисини ҳам ечиб кирган экан, қизил гиламда пайпоқчан оёғини қаёққа қўйишини билмагандай, ўнғайсизланиб, ер остидан қизга қараб кўяди. Киргандан бери бир-бирларига бир оғиз гап қотганлари йўқ, фақат юраклари гуп-гуп уради, фақат ўйлари алғов-далғов. Ҳозир нима бўлади? Нима дейиш, нима қилиш керак? Тожихон тўй тўрида қандай ўтирган бўлса, ҳали ҳам шу ҳолатда — чамандагул дўппи устидан ёпилган кичкинагина оқ ҳарир пардасини ҳам юзидан кўтаргани йўқ, одатланмаган баланд пошналар янги туфли оёғини қисиб, азоб беряпти.

Қайси бир эшикми-дераза тирқишидан кирган елвизак хона тўрини тўсиб ергача осилиб турган оқ шойи чимилдиқни аста ҳилпиратар, мавжлантирарди. Ташқарида серташвиш қариндош-уруғ, ҳаммаҳалла, ёш-яланг тез тарқаб, тун жимлиги чўқди. Тўйнинг иккинчи куни, дастурхон юпунгина бўлса ҳам, йилтироқ пистонлар сочилиб, суронли довулдай ўтиб кетди, ҳаммаёқ тинди. Ҳалигина гулхан атрофида одам тирбанд, қизлар кўксида осмадўзи, йигитлар кўлида қўш қайроқ, даврада гоҳ чирпирак бўлиб, гоҳ эшилиб айланишар, тўйхонани қийқириқ тутган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги жимлик чексиз теранликдай туюлар, ташқарида бир нима тиқ этса, Тожихон сесканиб тушар эди.

Бугун уларнинг биринчи кечалари. Қарийб уч йил кутилган сирли биринчи кеча. Тожихон унинг қандай бўлишини шунча уриниб ҳам тасаввур қилолмас эди-ю, лекин бундай ғалати, бу қадар узундан-узоқ ва жимжит бўлишини сира ўйламаган экан. Ётоқнинг қандили ҳам мунча ёруғ, чимилдиқ орқали тушиб кўзни қамаштиради-я. Тожихон шундоқ ҳам сим-сим терлаб кетяпти. Индаса-чи, бир нима деса-чи!

— Турғунали ака... — деди тоқати тугаб, ним овоз билан. — Ассалому алайкум...

Турғунали ўз айбини сезиб, ўрнидан турди, сал эгилиб, алик олди.

— Гаплашиб ўтирайлик-ик... — деди Тожихон журъатсизгина.

— Албатта, албатта, — деди Турғунали қаердалигини энди эслагандай, сал жонланиб. — Энди юзингизни очақолинг. Туфлигингизни ҳам ечиб қўйинг, — тиз чўкиб келиннинг туфлиларини ўзи ечиб олди. — Қани, бу ёққа, менинг ёнимга ўтиринг.

Тор туфлидан қутилиб оёқлари яйраган Тожихон юмшоқ гиламни роҳат қилиб босиб, калавот четига секин ўтирди. Ёнида турган ғаладон устидаги иссиқ чойнақдан пахта гулли қизил пиёлага чой қўйиб куёвга узатди, юрагининг гупиллаганини эшитиб, кўзини пастга олди. Турғунали чойни бир хўплаб, пиёлани қўйди-да, қизнинг юзидаги пардани дўпписи билан бирга олиб ташлаб, яноқларидан ўпди. Дили ҳовлиқиб кетган Тожихон уялганидан нима дейишини билмай, яна такрорлади:

— Гаплашиб ўтирайлик, шунча гап турибди, Турғунали ака...

Унинг паст овоз билан «Турғунали ака...» дегани деволнинг орқасидан эшитилгандай бўлди. Улар девор-дармиён қўшни турадилар. Гоҳи даладан қайтган Турғунали қизнинг ўчоқбошида ивирсиганини пайқаб, деворга яқинлашар, секин йўталар эди. Шунда Тожихон ҳовлида ёлғиз бўлса, худди шундай шивирлаб «Турғунали ака...» деб овоз берар эди. Улар ҳамиша шундай ёнма-ён, зимдан хабарлашиб, ўзларини бахтиёр сезар эдилар. У аломат, бесабр дамлар ҳам ўтиб кетди. Мана, бахтга етдим деганларида... Энди нима бўлади? Гаплашсалар, чиндан ҳам гаплари кўп. Лекин Турғунали шундай кечада ўзини йўқотиб қўйгандай, паришон, камгап. Тожихон ҳар нарсага рози, қўшнисининг кўнгли совимаса бас.

— Ўртадаги деворни олиб ташлатинглар... — деди Турғунали. Товушида оғир, ғамгин оҳанг. Тожихон бошини кўтариб ялт этиб қараган эди, Турғунали уни шартта қучиб, лабларидан ўпиб олди. Бу кўполроқ чиқди, жимликда «чўлп» этган товуш ҳам ноқулай эшитилди. Улар яна узоқ вақт жим қолдилар. Бу жимлик айниқса Тожихонга оғир эди. Ҳазил билан вазиятни енгиллатмоқчи бўлди.

— «Гўшанга» нима дегани, биласизми? — деди аста кулиб, қизарган лабларини бармоқлари билан тўсаркан, — «эшитилади» дегани. Янгалар қулоқ солиб туришибди.

Турғунали кўнгли сал кўтарилиб, ҳазилни қўллаб юборди:

— Бекор айтибсиз. Бунда «гўш» ҳам йўқ, «янга» ҳам йўқ, «гўша» — авлоқ жой дегани, агар билсангиз. Иккинчидан, бунақанги пайтда етти ёт бегона ҳам янғаликни даъво қилаверар экан. Ҳаммасини остонадан ҳайдаб солдим, агар бугун шу ерга қадам қўйсангиз янга демайман, дедим ҳаммасига.

— Улар айёр бўлишади, барибир эшитишади.

— Эшитаверсин. Мен сизни энди томга олиб чиқиб, бутун қишлоқнинг кўз олдига ўпишдан ҳам тоймасдим.

— Вой уятсиз... Мен шарманда бўлсам майлими?

— Шармандаси нимаси! Никоҳдан ўтганмиз, ЗАГС қоғози чўнтакда... Чўнтакда яна бошқа қоғоз ҳам бор эди — военкоматдан келган повестка. Шу бугун юборишибди ноинсофлар... Буни иккалалари ҳам билишар, ҳамма гап шунда эди. Шунинг учун улар оғир сукутни енгиб чақчақлашиб кетолмаяпти.

— Тож... ҳали биз жуда ёшмиз, ҳамма яхши кунлар олдинда, сизнинг кутишингизга ишонаман.

— Турғунали ака... сенлаб гапиринг, — деди Тожихон. Унинг гап оҳангида «Шундай бетоқат паллада мунча жиддий гаплар?!» деган таъна ҳам англашиларди. Турғунали биринчи марта меҳр билан кенг жилмайиб қўйди.

— Эсингдами, ҳов баҳорда, кечқурун... тракторнинг соясида... Елкангга қўлимни ташладим, индамадинг... кейин, тегиш мумкин бўлмаган жойга қўлим сирғалиб кетиб... Ушанда кўзимга, худди мендан калтак егандай, ҳақорат эшитгандай... шундай қарадинг-ки, жуда мулзам бўлганман. Ушандан бери сендан хижолатдаман, қанчагача қийналиб юрдим, ҳали ҳам...

Тожихон индамади-ю, ерга қараб жилмайганча, билинар-билинемас яқинроқ силжиб ўтирди. Турғунали бирдан уни бағрига босди. Қиз унинг кенг қучоғига сингиб, гўё кичкинагина бўлиб қолди. Шунда йигит унга негадир бирдан раҳми келиб, ўзини тиймоқчи бўлди шекилли, буни сезган қиз кўкси билан баттар ёпишиб келаркан, эҳтиросдан нафаси бўғилиб шивирлар эди:

«Турғун ака... сиз учун... энди... ундай жойим... йўқ... ҳечам йўқ...» Улар ўтирган ерларида бир вужуд бўлиб кетдилар, бир-бирларига тўймай, узоқ тикилишдилар. Биринчи бўлиб Турғунали ҳушини йиғди. Қизни бағридан чиқариб, икки кафтини тиззаларига қўйганча, ерга қаради.

— «Сирдарё» совхозидан Фанижон акани билармидинг? Мени трактор минишга ўргатган. Сенларнинг синфингдан ҳалиги Хайрини тўй қилиб олган эди.

— Ҳа, ҳа.

— «Қора хат» келибди.

— Вой ўлмасам... — Тожихон қип-қизил ёниб турган юзини икки қўли билан бекитиб, бош эгди.

— Мен билан ўқиган Акмални эшитгандирсан... Бедарак деб хабар келганига...

Тожихон ўтирган жойида гўё сўлиб қолди. Бундай гапни кўзгаган Турғунали бунга ўзини айбдор сезиб, овутишга тушди.

— Ҳа, ўзи бетайинроқ эди, бедарак кетса кетгандир...

Бу гапи ундан баттар тентаклик бўлди. Қайлиғини яна бағрига олди. Лекин энди ҳалиги ёнишлар йўқ эди.

...Йўқ, Турғунали унинг бахтини поймол қилиб кетмайди. Бордию қайтиб келолмаса... «Тул» деган хуник отни бу нав-ниҳол қандай кўтариб юради?

— Сиз... сен ўйнаб-кулиб юр. Кут. Мен барибир келаман, Тож...

Бу Тожихоннинг юрагидан отилиб турган гап эди, у энди ўзи ташлади бошини йигит кўксига. Турғуннинг вужуди изтироб аралаш яна ўт олди. Иккисининг тугмалари узилибми, ечилибми-кўкраклари очилиб кетди. Қат-қат кўрпа тўшалган юмшоқ кенг каравот, четидан ғижимлана бошлаган оппоқ чойшаб... Фақат сўнгги зумда Турғун ўзини тийиб, «Тўхта!» деб қолди. Икки қўлига таяниб ўтирганча туннинг салқин ҳавосидан кўксини тўлатиб нафас олди. «Тўхта... Ахир бир кеча учун... Инсоф борми? Гулни узсанг сўлади, узмасанг узоқ яшнаб тураверади... Умидли дунё фақат сеники эмас, унинг мўъжизалари кўп. Борди-ю, қайтиб келмасанг... бу мусаффо вужуд бахтини топиши керак-ку! Сен нега ўғирлаб кетишинг шарт экан? Боши боғлиқ, майли, лекин бир ҳодиса юз берса, очилиб-сочилиб...»

Жим ўтирган Турғуналининг кўзларидан ёш оққанини кўриб, Тожихон гиламга сирғалиб тушиб, тиз чўкди, қайлиғининг оёқларини қучди. У Турғуналининг азобли ўйларини тахминан тушунган эди. Лекин бу ўйнинг чалғиган кўчаларини, вужудининг бир совиб, бир ёнишларини Турғуналининг ўзи ҳам тўла идрок этолган эмас. «Бир кун бориб барибир очилади, ҳамма билиб олади-ку... Ким нима деб ўйлайди ўшанда? Э, ўлиб кетганингдан кейин бунинг нима аҳамияти бор! Ҳиббим десин, ҳез десин! Бир кеча учун бахтиқаро қилмайман...»

Тожихоннинг совуқ, қалтироқ қўлларини юзига босаркан, Турғунали ўз ўйларининг давомини товуш чиқариб гапирворганини сезмай ҳам қолди:

— Лекин қайтиб келсам — биздан бахтли одам бўлмайди! Балки икки ойда тугар уруш, балки икки йилда... Ниҳояси бор-ку ахир. Ҳозир эс-ҳуш керак... Жинойт бўлади. Ўзимнинг севгилим... кичкинагинам, ўзимнинг дилбарим-ку, нега мен уни... ардоқлаш ўрнига...

Тожихон ҳозир гўё чиндан ҳам безабон нав-ниҳол эди, Турғунали авайлаб ердан турғизди, кейин қўлларида кўтарганча хонани айланиб чиқди-да, кенг каравотга элтиб боладай ётқизди. Тожихон икки қўллаб унинг бўйнидан қучиб олганди, қўйвормади, ёнбошлашиб ётдилар.

Турғунали унинг кўзларидаги ёрқин томчиларни бармоқлари билан сидирди, Тожихон унинг қўлини ушлаб лабига босди.

— ...Бензин ҳиди келяпти.

— Яхши, ёдингда қолади, — деб ҳазин кулди Турғун. Улар шу ҳолда узоқ бир-бирларига суқланиб, бир-бирларининг қош-кўзларини, қиёфаларини ёд олиб қолмоқчидай тикилишиб ётдилар.

Ҳовлида нимадир тиқ этди, узоқ-яқинда бири олиб-бири қўйиб хўрозлар қичқирарди, тонг отди шекилли. Турғунали бориб қандилни ўчирди. Қандай яхши, туни билан мижжа қоқмаган кўзлар чимилдиқдан сизиб тушган тонг шуъласида ором олди.

— Чимилдиқни сақлаб қўй, гаврапўшбоп яхши мато экан...

— Ойхоннинг бешигини ҳам сақлаб қўяман, — деди Тожихон.

— Сен аввало Ойхоннинг ўзини эҳтиёт қил, эс-хушли қизалоқ... Уғил болага бўлса, янги бешик керак бўлади, пучуқ, — деди Турғун ҳазиллашиб бармоғини келиннинг бўртган лабларига тегизаркан.

Бу ярим ҳазил, юзаки гаплар ғайри-табиий вазиятда ўз-ўзини овутиш учун эди. Аслида, тобора ёришаётган тонг иккаласининг ҳам юрагига ғулғула солмоқда: биринчи кечалари бировлар тасаввур қилгандай кечмади, лекин бундай кеча уларнинг ҳаётида яна бўладими-йўқми? Бу қутқу кўнгилларининг бир чеккасида яширин бўлса ҳам, бор эди.

Турғунали севгилисини охирги марта қучиб, ҳидлаб-ҳидлаб узоқ ўпди-да, костюм кийиб уёқ-буёғини тузатгач, тўшак остига гўшанга пулини қистириб, чиқиб кетди.

17

— Аслида бир ҳовли-ю, қаранг-а, шундан сиқилиб ётган экан-да!.. — деди Дадаали ака гувала деворни йиқитиб, тупроғини томорқага сочиб бўлганидан кейин. Тўрт кун тачкада тупроқ ташиб, ҳолдан тойгач, қўзи телпакни кетмон-дастага илиб, белбоғини елкасига ташлаганича ариқ бўйига чўккаларкан, яна қаради туйқусдан очилиб кетган қўшалок ҳовлига, уни худди ўзи барпо этиб қўйгандай. Ҳовлининг, чиндан ҳам кўкраги бирдан кўтарилиб, у бошидан бу бошига шабада юриб қолган, бағри кенг, баҳаво эди. Авваллари тўрт яшар Ойхон, гўё бир мўъжиза кўрсатаётгандай, деворнинг оқариб турган изидан гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа сакраб, югургилаб юрди. Кейин бу из топталиб, худди девор сира бўлмагандай унутилибоқ кетди. Бу томонда аймоқи ток сўриси, у томонда дастмолқовоқ чирмашган айвон. Катта ҳовлида бир оила бўлиб яшай бошладилар. Дадаали ака, чуваккина, қоқчакка, пачоқроқ мўйсафид, бироз сергап, лекин меҳнаткаш эди. Бошида қишин-ёзин киядиган қўзи телпаги. Шунинг учун жўраси Мадраим раис унга «Қўзи телпак» деган лақаб ҳам қўйган. «Қўзи телпак» гоҳ молхонада ивирсийди, гоҳ чизимча билан ток бойлайди, гоҳ ўтириб теша товлайди, ишқилиб, тек тургани икки севмасди. Тожихоннинг онаси Икрома буви бўлса, ундан анча катта, дока рўмоли елкасига тушса боши тўзғоқдай оппоқ, илло ёшроқ кўринади, семиз ўрдакдай лапанглаб юради, у ҳам ишдан чарчамайдиганлардан.

Оқшомлари иккаласи «қуда-қудағай» қилиб, оралиқдаги сўрига икки жириш нон, бир сиқим жийда билан бир чойнак чой қўйиб, ҳасратлашиб ўтиришар, тўғрироғи — ўғлининг гапини ерига етказганидан мамнун Дадаали ака кўпроқ ўзи гурунғ берар эди.

— Қаранг, қудағай, одамларга хайронман, шу денг, бир-бирини кўргиси келмагандай, орага девор олиб, димиқиб ўтиради-я! — дерди у сийрак мўйлабини силаб. — Мана, чой-нонимиз ўртада, дийдорлашиб, таъбимиз яйраб ўтирибмиз. Ҳадемай Турғунали ҳам эсон-омон қайтиб, бу қўшалок ҳовлида неваралар ҳам югургилаб қолишса...

— Айтганингиз келсин, қудажон, тилингизга шакар, — деди Икрома буви, — мана, куёв тўранинг кўнглидагидай қилиб қўйдингиз, сеники-меники йўқ, топганимизни бўлишиб ўтирсак яхши кунларга ҳам етиб борармиз...

— Иншоолло. Келин болам ҳам, шукур, оёқ-қўли чаққон, бахтини меҳнатдан топади худо хоҳласа. Правлина ёнидаги қизил тахтада суратини кўриб... «Дадаалиева Т.» деб битиқ ёзиб қўйибди, қаранг, кўзимга ёш келиб кетди, қудағай, ўзингизга тортган, ҳа, ишқилиб, умрларини бериб, қўша қаришсин-да.

— Мен ҳам кўрдим, тасаддиқ, кўрдим-у, хурсанд бўлиш ўрнига...

— А?

— Ҳаммаси хотин-халаж, қизу қизалоқ... Яқиндагина у тахтада арслондай йигитларимизнинг суратлари осиглиқ турарди...

Хуфтон эди. Икрома буви қўлини очди:

— Баҳай, қудажон, ҳали гаплашамиз, айланай, қудачилик қирқ йиллик, деганлар. Ҳамма ҳам ўз кунига соғ бўлсин, омин.

Улар инқиллаб ўринларидан қўзғаладилар. Бу маҳал ичкарида, меҳмонхонадан айвонга кўчириб чиқарилган кенг каравотда (ҳов ўша икки ўринли сим

калавот) Тожихон ўзига ёпишиб пишиллаб ухлаётган Ойхоннинг мурғаккина гавдасини қучганча, уйқу ололмай, минг хил хаёл ичида мудрар эди. Ҳозир пилла мавсуми, ҳориб-толиб, бўғинлари қақшаб қайтади, шунда ҳам, уйқу йўқ. Онаси билан Дадаали аканинг (у ҳали ҳам «дада» дейишга ўргана олгани йўқ. Умуман ҳаммаси, одамлардагидай эмас, қандайдир. ғалати, бошқача) ярим кечагача чўзиладиган ғўнғир-ғўнғири қулоғига чалиниб, қаёқдаги чувалган ўйлар қийнайди уни, бадани қизиб, уёқ-бу ёққа ағдарилгани ағдарилган. Орадаги деворнинг йиқилганига у рамзий маъно беради. Бу — уларнинг бир-бирларига тоабод боғлангани. Энди у деворнинг қайта тикланиши мумкин эмас. Хўш, шундай экан, нега бўлмаса Турғунали уни очиқ қўйиб кетди, озодсан, ихтиёринг ўзингда дегандай? Ё кутаолишига ишонмадимми? Бу қанақа юриш? На келин, на бева. На жувон, на қиз...

Бу ўйлардан норози бўлгандай Ойхон ғингшийдди. «Бу гапларни ўзингиздан бошқа ҳеч ким билмайди-ку!» дегандай, уйқусида безовта бўлади. Тожихон унинг кичкинагина жуссасини бағрига тортади, ундан Турғуналининг ҳидини туймоқчи бўлгандай, яна маҳкамроқ кўксига босади. Тонг олдидан базўр уйқуга кетади.

Бу чалкаш ўйлар уни энг оғир пайтларда келиб босадиган, эзадиган бўлди. Кўнглининг бир чеккасида Турғуналининг пок ниятини тушуниб турса ҳам, сирларини бировга очолмаганиданми, хаёлан яна ковлаштираверади: нега ишонмади?

18

Бу фикр унинг бошига бир боғлам тут баргини кўтариб марзадан чиқиб келаётганида яна қайтиб келди. Яқинда бодраб чиқиб, энди учқулоқ бўлган ғўза қаторларидан эҳтиётлик билан одимлаб келар эди. Катта боғланган тут шохлари бошидан ошиб, эгилиб тушган, оғир; Тожихоннинг бўйни толиб пешонасидан, бўйинларидан шаррос тер оқарди. «Нега ишонмайди? — дегандай бўлди яна кимдир. — Кутиш мана шунақа бўлади, деб кўрсатиб қўйсанг-чи?! Нега сенга «бардошинг бўлмаса — мана!» дегандек имкон яратиб қўйиш керак экан? Ё шунақа қизга ўхшайсанми?!»

— Ё мен шунақа қизга ўхшайманми! — деб юборди ўқ ариқ бўйига етганда. Сўла бошлаган баргнинг димиққан ҳиди нафасини бўғиб ҳансиратарди. Боши эгилган кўйи, ариқни зўрға кўриб, ҳатламоқчи бўлганида тиззаси қалтираб кетиб, оғир шох-шабба остида чўккалаб қолди. Марзада барг кесаётган Дадаали ака қўлидаги дасканани белбоғига қистириб дарров югуриб келди.

— Воҳ, болам-ей, айтдим-ку сенга оғир кўтармагин деб. — У келинининг бошидан боғни олиб ўз елкасига ағдармоқчи эди, Тожихон ўзини тез ўнглаб олиб:

— Йўқ! Йўқ, дада! — деди-да, ёш, бақувват қўллари билан боғни даст кўтариб, яна бошига олди. Барглар орасида сочлари чувалган, чайир бармоқлари шохларга маҳкам ёпишган эди.

— Кўрсатаман, кўрсатаман кутиш қанақа бўлишини! Ҳаммангга кўрсатиб қўяман! — дер эди ўз-ўзича. Дадаали ака унинг жаҳл билан шивирлаганини эшитди-ю, гапини тушунмади. Келинидан «Дада»ни биринчи марта эшитганидан, эриб кетгандай бўшашиб, ўқ ариқ четига ўтирганча унинг орқасидан қараб қолди. «Нимадир қийнаётми уни. Узини аямайди, аламини ишдан олмоқчи. Асабийлашади, шўх-шалойим ёш-яланг «Тожи-тажанг» деб лақаб ҳам қўйибди унга, шайтонлар. Шундай оғир, шундай собир бола эди. Кўнглини оладигани узоқда бўлса, нима ҳам қилсин, шўрлик...»

Карта бошида сеvimли тўриғининг ялтироқ сағрисини эски брезент қўлқопи билан ҳадеб сидириб артаётган Ҳасан Тожихонни кўргач, сакраб аравага чиқди-да, унинг бошидан барг боғламини қабул қилишга шайланди. Хушбўй, барра боғламни қиз қучгандай қучоқлаб олиб, четандан ошиб ётган барглар устига шовуллатиб ташлади.

— Бўлди, Тожихон! — деди кейин ғарам тепасида туриб латта кепкаси билан пешонасини артаркан. Кўкун араванинг ғилдирагидан ошиб сакраганида, гўё йиқилиб кетадигандай, Тожихоннинг билагини маҳкам ушлаб олди. Қилган ишига ўзи ҳам изза тортиб, қизнинг кўзига бир қаради-да, тўзиқ сочларига

илашган баргларни олиб ташлаган бўлди. Сабз урган мўйлови қурум суркагандай бўлиб кўринар эди.

— Кетдим! Йигитни йўл боқади! Дадангизга айтинг, баргни кўп кесмай турсинлар, сўлиб қолаяпти, ҳозир ғир этиб ташлаб келаман, — дея гапни чалғитиб, қизни ҳам ўнғайсизликдан чиқарди. Эгарга сакраб минди-ю, «чўҳ!» деганча ҳайдаб қолди Ҳасан аравакаш.

Унинг араvasи ҳамisha соз, ҳеч қачон ғирчилламайди, чангимайдиган чиму сабза йўлларни танлаб юради. Ҳаммаси отга меҳридан. От минган отасини унутади, дегандай, эгарда ўтирса гўё ўзига бек, ўзига хон. Отни минган чавандоз эмас, от тилини билган чавандоз деб, тўриғини ювиб, тарагани-тараган. Шу муҳаббат туфайли, ёш боши билан «аравакаш» лақабини ҳам рози бўлиб кўтариб юрибди.

Ҳасан Тожихон ўқиган мактабда ўрни бу йил битиради. Военкоматга аризасини бериб қўйган. Пиёзнинг пўсти кўп, тентакнинг дўсти кўп, ҳаммаси бариза ариза берибди. Мени Будённый эскадрильясига олади, деб кутиб юрибди. Танк қирғини, самолёт қирғини бўляпти-ю, бу бўлса от дейди. Отда уруш қилармиш... Ундоқ деса, Турғуналилар пиёда ҳам жанг қияптику-я. Жанг қилганда ҳам қандай! Уруш тақдирини биз пиёдалар ҳал қиламиз, деб мақтаниб ёзаяпти ҳар хатида. «Ҳал қилинг, тезроқ ҳал қилинг, Турғун ака, мен шу ерданман, мендан хавотир олманг, ўзингиз эҳтиёт бўлсангиз бўлди, мен кутишни биламан, Турғун ака...»

Шунақанги сўзларни хатга битабилмайдида Тожихон. Кутилмаганда қанча ақлли гаплар кўнглига келади-ю, хат ёзгани ўтирганида... «Фалон-фалонлардан дуои салом», «фалон-фалонлар тинч-омон юришибди» деб, узундан узоқ рўйхатдан нарига ўтолмайди. Турғуналига оғир пайтларда, кечалари зах оқопда, ёки жанг олдидан балки бошқача сўзлар керакдир... Лекин Тожихон айтади, бесабр кўнглида мунглик сўзлар ҳам, бахтли сўзлар ҳам кун сайин кўпайиб, йиғилиб, тўлиб-тошиб юрибди, келганида барини тўкиб солади, сўз билан бўлмаса бағрининг ўти, ҳарорати билан... «Турғун ака, омон келсангиз бас...»

Узоқда «чўҳ!» деган шўх овоз эшитилди. Тожихон сесканиб тушди. Белини сириб турган нимчасини тортқилаб, эгни-бошини тузатди-да, карта бошида жилмайганча, узоқда кетаётган аравага қараб қолди. «Тожихон» эмиш. Ундан қарийб икки ёш кичигу бирон марта «келинойи» десачи! Ё бир балони биладими бу... аравакаш? Нуқул одамнинг кўзига бир тикилиб, ерга қарайди, гоҳ шапшаклик қилади, гоҳ қорачиғларида ожизлик, илтижо... Йўғ-э, нимани биларди, қаёқдан биларди! Бетоқат бир ўспирин-да. Лекин елпи эмас, қурғур, эсли бола, Ҳасан аравакаш. Калласида ғалати-ғалати ўйлар ғужғон уради...»

Тунов кунни қуртлар типпа-тик бўлиб қолганида Ҳасан бошида барг ташиб тамом ҳолдан тойди, шалаббо бўлиб кетган қўйлагини ечиб, қора, чайир баданларига ариқдан пақирлаб сув қуйди-да, каллакланган тутга суяниб ўтирди.

— Тожихон!

— Лаббай?

— Звеносиз-а?

— Ҳа.

— Шу дардисарни... бир жойга ғуж қилиб эктирсангиз бўлмайдимми?

— Нимани?

— Тутни-да, нимани бўларди! Кўрмайсизми, далада яккам-дуккам бўлиб сочилиб ётибди. У марзада тўртта, бу марзада ўнта... Унисини трактор туртиб заха қилиб кетган, бунисига дори заҳри сачраган. Бир боғини бир қақиримдан, икки боғини ярим қақиримдан мункиллаб кўтариб чиқамиз, манов мурғак ғўзаларни босиб... Уч йилдан бери ҳар қутидан тўқсон килограммдан пилла олаяпсиз, номингиз бор, гапингиз ўтади. Айтинг ахир раисга, кўчат экиб битта тутзор массив қилайлик. Кўм-кўк бўлиб, барра барглари мавжланиб ётсин! Мана бу далаларда бўлса тракторлар ҳам, зангори кемалар ҳам яйраб қолади. Ё чакки айтдимми?

Тожихон бу гапга қулоқ солиб, ер чизиб ўтирди-ю, шундан кейинги кунлари ётса ҳам, турса ҳам, қоп-қора бадани йилтиллаб тут соясига ўтирган Ҳасан кўз ўнгига келаверди. Унинг гапи қулоғидан чиқмасди. Ўйлаб қараса, пиллачиларнинг бутун мадори, ярим вақти барг етқазиб беришга кетяпти; гоҳ даладан келган баргларга ғўзага сепилган ҳар хил химикат юққан бўлиб, қуртнинг бир

қисми касалга чалинади, гоҳ ҳовлиларга кириб тутларни каллаклаганда уй эгалари ҳайдаб солади, гоҳ узоқларга бориб не азоб билан топиб келинган барглар сўлиб қолиб, ғанага қўшиб ёқиб юборилади. Қани энди! Тилиннга шакар, Ҳасанжон! Ўша барра мавжлар Тожихоннинг ҳам тушларига кириб юрибди. Лекин нима қилсин? Пахтада ҳам ҳозир хотин-халаж, қари-қартанг, бола-бақра, инвалидлар... Илгари зовурда ишлаган бақувват кетмончи Мадраим раиснинг ўзи бўлса шу бир йилнинг ўзида бирдан қариб, букчайиб қолди. Кучга тўлган, девдай йигитларнинг барини худди тишини суғургандай, бирин-кетин фронтга кузатди. Тунов куни ўшаларнинг болаларига қадоқлаб жувари тортаётганида мазаси қочиб, омборнинг зах бурчагида ўтириб қолибди.

— Бундан кўра, кечаю кундуз захда зовур қазиганим дуруст эди... — дермиш.

Энди қаёқдаги гапни қўзғаб шу одамнинг олдига боришга Тожихоннинг ҳадди сиғадими?

Ҳасаннинг ўша гапи хаёлига келаверганидан кейин, Тожихон бир куни ўзидан ўзи чўчиб «тўхта» деб қолди: «Гапи қийнаяптими мени, ё... ўзимми? Унутиш керак бу гапни, унутиш керак бу хом хаёлни. «Барра мавж» эмиш-а! Қолхознинг ўзини «мавжи» чиқиб ётибди-ю... Меҳнат қунига ярмига арпа, ярмига кунжара тарқатиляпти. Эсингни йиғ, бир бола айтди деб... Ҳа, бола-да, бола бўмай нима? Тағин «аравакаш» эмиш, номи улуглигини қаранг. Таклиф киритадилар тағин, ўзини ким деб ўйлаяпти бу? «Келинойи» демайди-я!..»

19

Кейинроқ Тожихон бу ҳақда кам ўйлайдиган бўлди. Қуртлар катта даҳага кириб, югур-югур кўпайганда эса деярлик бутунлай эсламай қўйди. Ғужум соясида пилла саралаш, хотин-халажнинг маҳрам гурунглари, бошларда кумушдай нурланган кажавасаватлар, шомлари бурчак-бурчакда тўпланиб, пиллага олган атласу духоба, асл матоларни бир-бирларига кўз-кўз қилишлар... Ҳосил топшириш фасли, хотин-қиз бойиган, дили яйраган кунлар!.. Улар ҳам сурон билан ўтиб кетди. Икки ойдан кейин эса, областнинг тўртта тажрибакор пиллакаши қатори Тожихонга «Ҳурмат белгиси» ордени чиқди. Катта қуртхона-ни сўкчаклардан бўшатиб, тозалаб ҳам улгуришмаган эдики, меҳмон босди. Чўкиб қолаётган хўжалик одамларининг қаддини кўтарган бу воқеа, Турғуналидан хат-хабар келмай қолгач вақтга тўғри келганидан, Тожихонга унча татимади. Раис келди, яқин-ёвуқ ёпирилди, ўлим-йитимдан зада бўлган халқ хандон-хушхон бир яйради-да. Икромма буви ҳам тахмон-тўсиқдаги шуди-будини ўртага қўяр, қўли қўлга тегмас; Дадаали ака бўлса қувончдан дармони қуриб, меҳмоннавозлик таомилига кўра дарвозахонада одам кутар, кўзлари ёниқ Ҳасан ҳар куни эрталабдан шу ерда парвона; бахтли Ойхон қўлдан-қўлга ўтар, эшиклар кечаю кундуз очиқ, гулзорлар босилиб кетган эди.

Лекин Тожихон ўзини тез ўнглаб олди, бирдан хаёлига яна Ҳасаннинг ўша гапи келиб, тунд бўлди-қолди, гўё орден олган у эмас. Уйдагилар табрик сўзи билан, гулу совға билан келган одамлар олдида хижолат эдилар.

Тожихон олаётган мўл ҳосилининг сирларини ўзи билади. Агар бундан кейин ҳам шу «сирлар»нинг ўзига ишониб ўтирса, бу энг чиройли орденни қандай тақиб юради? Ахир уни кечаги ишлари учун олмаган-ку!

«Пилла — ҳаводан олинган тилла!» — дер эди унинг бобоси. У Гулбозор кампир билан бирга Тожихонни тўрт яшарлигида мана шу қуртхонага бошлаб кирган. Ҳаводан олинадиган тиллагина эмас, ёйдек эгилиб баргларга ўрмалаган пахмоқ жониворлар ҳам, шалодадек шовуллаб турган дим хоналар ҳам, дасталардан келган райхон ҳидию маржондай терилган шаффоф пиллалар ҳам, уларнинг ичидаги кўзга кўринмас машмашалар — ҳаммаси мўъжиза бўлиб кўринар эди қизалоққа. Бари қулоғига, кўз қорачўғига шундоққина ўрнашиб қолган.

Бобоси, хоразмлик Матюсуф-ҳукки деган букирроқ бир одам: шўх, қизиқчи, қариган чоғида ҳам «чипродалли»га ўйнаб одамларни кулдирад, чертиму айтимларга жўр бўлар эди. Хурсанд бўлса ҳар сўзида «дим яхши, ажаб!», хафа бўлса «Навало?» деб турар, лекин жеркимасди. Елда тиним бору бу кишида — йўқ. Бошида ҳожи дўппи, қўли доим лой. Ҳар йили икки фасл

қуртхонага айланадиган мана шу «меҳмонхона»ларни у Қоразовурнинг соз лойидан ташиб келиб, икки газ қалинликда хоразмча пахсадан тиклаган. Унинг қора терга ботиб лўмбоз уриши Тожихоннинг ҳали-ҳали кўз ўнгида. Нима зарур экан бу азоб?! Одамлар қўни-қўшнини ҳашарга айтиб, ўйнаб-қулиб уй-жой солади, қуртхонаси ҳам шу. Матюсуф-ҳукки бўлса, йўқ, унамади, буни бу ерликлар билмайди деб ҳеч кимни ёнига йўлатмади. Олти ой ишлаб, оғилхонадай катта шу уйларни битирди. Ҳар деворларки, на туннинг совуғи, на пешиннинг жазираси ўтади: ҳарорати ҳамиша бир хил — «дим яхши, ажаб!..»

Бу хоналарда қумуш толанинг учи бобонинг шу меҳнатидан бошланганини Тожихон болалигидаёқ тушунди.

Онаси-чи? Унинг ҳам умри шу хонада, шу сўкчаклар ёнида чўккалаб ўтиб кетди, донғи ҳам шу қуртхонадан чиқди. Унинг паранжи ёпиниб юрган вақтлари ҳам Тожихоннинг эсида. У вақтлар қурт уруғини марказлашган тартибда инкубаторияда жонлантириб тарқатиш энди расм бўлаётган эди. Икромардон райондан халлослаб қайтиб, бошидан чачвонини кўтарса уйни формалин ҳиди тутиб кетарди. Райондаги лабораторияга қатнаб, илғор пиллачиларни ўқитар эдилар ўша йиллари. Шу баҳона, Икромардон ҳар баҳорда инкубаториядан ярим қутичагина жонланган қурт олиб қайтарди. Бу эса боқиб фаслини ўн кунга қисқартиришдан ташқари, вегетация даврининг олам-жаҳон машаққатларидан қутқазарди, қуртлар тетик, бақувват, хўракка ўч бўлиб ўсар, бошини еб ҳосил қиларди. Бу сирни ўша вақтлар ҳали кўпчилик билмасди. Икромардон буни авваллари қўни-қўшнидан яшириб ҳам юрдими, ким билади, бўлса бўлгандир. Тожихоннинг ёдида: ўша йиллари онаси районда ўн-ўн беш қутилик қилиб махсус қурилган катта қуртхоналарда ҳам ишлаб кўрди. Бир фаслгина ишладию ташлаб кетди.

— Бобогинаннинг лўмбоз пахсалари ўлмасин, болам! — деди у келасолиб, — ўзи хотин-халажни ҳам, қурт ўлгурни ҳам хонадондан нари қилиб бўлмас экан, ҳа. Бетон касофат бирам совуқ нарса, гоҳ нами тортиб кетади, гоҳи нами ортиб кетади. Хотин-қиз шўрлик печкадан термометрга, термометрдан печкага югуриб жони халак, орада бу жониворларни кўздан қочириб қўяди. Хаёлининг ярми уйида, боласида. Бирда қурт касалга чалинади, бирда — боласи. — Икромардон бу гапларни ўзи учунгина жаврар, Тожихон тушунмайди деб ўйлар эди. Лекин Тожихон ҳозир эсласа, ҳаммаси кўнглигами, миясигами шундоққина илашиб қолган экан.

— Э, бу одамнинг ҳидини билади, ҳа! — деб давом этарди онаси энди жонланган носранг қуртларга барғни «норин» қилиб бераркан. — Одам турган уйни яхши кўради, баданнинг илиғини пайқайди, тушмагур. Кўрмайсанми, сўкчаклардан ўрмалаб бир ёқларга кетиб қолмай, оч бўлса ҳам, умид билан шу ерда ўтирибди!

Тожихон мана шу «сир»лар туфайли мўл ҳосил олаётганини биларди. Бироқ бунга қачонгача таяниш мумкин?

20

Колхознинг байроғи тикка қилиб қўйилган бурчакда бултурги сершоҳ ғўза; чаноқдаги пахталарни чанг босиб, ранги ўчиб кетган. Кузнинг дастлабки кунлари ҳали иссиқ бўлса, ҳам, бу ер зах, оққа бўялган катта пўлат сандиқ хонани бадтар совутиб тургандай эди.

Мадраим ота бир ўзи столига мук тушиб букчайиб ўтирарди. Журъатсизгина қадамлаб кириб келган Тожихонни кўрганида зах ўтган баданига гўё илиқлик югурди. «Кечагина бодраб чиққан болалар кўзга кўриниб, дастёр бўлиб қолаяпти. Буниси-ку, ўшаларнинг пешқадами, нишондор! Пиллага бўлса ҳам, барибир, орден-да. Уруш вақтида... Қиз бола... Чакана иш эмас ахир! Мадраим бу ёшда ким эди?..»

Бироқ, «келинг қизим, ўтиринг, звено» деб турган раис Тожихоннинг кутилмаган ғалати гапларини, ақлга сиғмайдиган таклифу талабларини эшитиб, оқ оралаган қошлари азоб тортаётган одамникидай хуник чимирилди — ҳафсаласи пир бўлгани аниқ эди. Ҳукумат бунинг кўкрагига нишон тақиб қўйса ҳам, ҳали бола экан-ку! Бригадир қилиб кўтараман деб юрса, бу нималар деяпти ўзи?! Номим газетага чиқди деб энди... Дарров?

Букчайган гавдасини кўтариб, беписандроқ жилмайганча стол атрофини бир айланди. Соқоли ўсиб кетган, бошида эски қулоқчин, бир «қулоғи» кўтарилиб, боғичи селкиллаб турадиган бу қулоқчинни Тожихон болалигидан бери билади. Раиснинг ўз талабларини жиддий қабул қилмаганини пайқагач, у гапдан қайтмасликка аҳд қилди.

— Мана шунақа. Пахта билан сиғишмай қолдик, раис бова, — деб тугатди гапини.

Буни эшитганда Мадраим ота қўлини орқасига қўйганча тўхтаб, нурсиз кўзларини пирпиратиб тикилиб қолди. Умри ғўза орасида ўтган қария пахта ҳақида бундай «хўрматсиз» гапни биринчи эшитиши эди. Жуда ўзгариб кетди.

— Механизация, техника, химизация... — деб давом этди Тожихон, — булар биз пиллачиларни даладан сиқиб чиқаряпти.

Бу гап ҳам раисга айилдай ботди. Муштдек боши билан бу фикрларни қаёқдан олди? Тожи-тажанг деганларича бор эканку!

— Менга қара, деҳқоннинг тузи геули фронтда, одам кучига зор бўлиб турганмизда сен техникага тил қилизма.

— Аксинча! — деди Тожихон. У ҳам ўрнидан туриб олган эди. — Тутларни далалардан олиб чиқиб кетамиз. Қарталар кенгайди, ерларни текислайсиз, техникангиз яйраб қолади.

— Оғзингнинг бир чеккасидан чиқиб кетади-я! Саккиз-тўққиз гектар дедингми? Саккиз-тўққиз гектарни қаёқдан оламан сенга? Одамлар шу йўқчиликда супадай жойга шивит билан исмалоқ эколмай, томорқасини беряпти чигит қаданг деб. Уруш вақтида пахта нима эканини биласанми ўзинг? Ҳар ким ўз минорасидан айтаверар экан азонни... Бўладиган гапни гапир, хаёлпараст бўлма, ёшсан. Ер меники эмас ахир, колхозники.

— Правлениега қўйинг, правление қарор чиқариб, ер ажратиб беради.

— Қарор чиқармайди. Чунки мен правления мажлисига бундай масалани қўймайман, билдингми? Раис бўлганинда ўзинг қўярсан, бор. Борақол, қизим, урушдан кейин келарсан. — Мадраим ота уни кўлтиғидан олиб, эшик томонга етакламоқчи бўлди. — Айтгандай, Турғуналидан ҳали дарак йўқми? Э-ҳа-а... Келиб қолади, албатта келиб қолади. Дадаали жўрамга дуо деб қўй, жа иноқ эдик-да, бир вақтлар...

Тожихон қўлини тортиб олди.

— Идорага келганларни яхши гап билан овутиб, қўйини пуч ёнғоққа тўлғазиб, кўлтиғидан олиб чиқариб юборишга ўрганиб қолибсиз, раис бова.

Мадраим ота бу дағал гапдан ранжиб, бўшашиб кетди-да, қалтираганини билдирмаслик учунми, жойига бориб ўтирди. Ажабки, буни пайқамаган Тожи-тажанг давом этарди:

— Бу курсида узоқ ўтириб қолгансиз, раис бова, шунинг учун... Уруш вақти деяпсиз, бундай оғир кунларда, аксинча, одамларга қулоқ сола билиш керак. Балки янгичароқ ўйлаш ҳам ёмон бўлмасди. Ҳар хил фойдали таклифлар чиқиб қолиши бор...

Кечаю кундуз бева-бечоранинг дарди билан банд, қариб қолган, чарчаган одамга, жувон бўлиб жувон эмас, қиз бўлиб қиз эмас, ёш бир нарсанинг бундай гаплари адолатсиз, одобсиз бўлиб туюлди. У ўтирган жойида бадтар букчайиб, бу совуқ, зах хонада қаёқдандир пайдо бўлган манглай терларини артди. Кир рўмолчаси қўлида титрар эди.

Тожи-тажанг бўлса одатдагидай қизишиб, суҳбатдошининг ҳолатини англаш қобилиятини йўқота бошлаган, давом этди:

— Яхши хўжайин, бутун йил давомида даромад тушиб туришини таъминлайман, деса, пиллачини қўллаши керак, раис бова. Пилла даромади бошқа тармоқлардан пул тушмаётган пайтда жонингизга ора киради. Шундайми? Бу — бир. — Тожихон таъкидлаб ўнг кафти билан чап қўлининг бош бармоғини букди. — Хабарингиз борки, мамлакатда ипак берадиган кўпгина бошқа зоналарни ҳозир душман босиб олган. Бу билан нима демоқчи эканимни биласиз. Бу — икки! — У кўрсаткич бармоғини ҳам эгди. — Пиллачиликда, раис бова, меҳнат қобилияти бир қадар чекланган одамлар ҳам иш беради. Мен ҳозирги аҳволни билиб туриб гапиряпман. Бу — уч! — Тожихон яна бир бармоғини букди. — Тўртинчидан... Сиз уруш вақтида пахтанинг аҳамиятини айтдингиз. — Қўлидаги газетани раиснинг столига қўйди. — Мана, душман

ортига тушган десантчиларнинг қаҳрамонлигини ўқинг. Улар парашют билан тушган...

У столдан бош кўтарган Мадраим отанинг кўзлари билан тўқнашиб, гапидан тўхтаб қолди. Бу кўзлар аянчли, гўё раҳм-шафқат тилагандек заиф йилтиллаб турарди. Бироқ раис ўрнидан туриб сал жилмайди. Бу жилмайиш зўракироқ бўлса-да, ҳарҳолда жилмайиш эди. Тожихоннинг правление мажлиси бўлса сўзга чиқаман деб тайёрлаб келган гаплари бу ёлғиз суҳбатда ўта расмий, кулгили бўлиб чиқди шекилли...

Совуқ, зах идорада жимлик осилиб қолди. Тожихон ишни расво қилдим, қовун туширдим, деб турганида раис унинг рўпарасига келиб тўхтади.

— Исбот қилдинг, қизим, жуда бошлаб далилладинг, баракалла, — деди бўй-бастига яна бир разм солиб. Кўзларида меҳр нурланди. — Катта, эсли қиз бўлиб қолибсан. Уруш сенларни тез етилтиряпти... Энди мен сенинг ўша етук ақлингга мурожаат қиламан. Қулоқ сол, ўйлаб кўр, келин: колхоз икки йилдан бери ҳукуматдан қарзини узолмаётибди. Утган йили ҳосил ўн бир центнерга тушиб кетди. Бу йил, агар эпласак, ўн учни мўлжаллаб турибмиз. Биласанми, бу икки центнер қанча ҳаракату қанча уқубат эвазига келади? Қарзларни қачон эмасиз? Қолҳоз ҳеч қачон давлат олдида бу қадар шармандалик аҳволга тушган эмас. Раис бовани қийнаб қўйдим, деб ўйлама. Мени қийнаган сен эмас, сенинг эс-ҳушли гапларингни эшитиб кўнглим ўсди. Мени қийнаган бошқа нарса. Нима қилай, болам, қаригаъ чоғимда шундай ожиз бўлиб қоларман деб ўйламовдим. Урушга ярамасам, бу ерда хўжаликни ҳам бир аҳволга тушириб... Бўри қариса итга кулги бўларкан.

— Раис бова...

— Кечир, мен сенга шундай ношуду нотавон бўлиб кўринмоқчи эмасдим, жўрамга гапириб юрма бу гапларни. — У қаддини ростлаброқ бориб, столи ёнига ўтирди-да, чўнтақларидан носқовоғини қидириб топди, кейин чекмасдан қайта солиб қўйиб, расмий овоз билан гапни аяқлади. — Тутзорингга ер беролмайман, ортиқча майдон йўқ, ўн гектар эмас, ҳатто ўн қарич ҳам! Гап шу.

Суҳбатнинг бундай тугашини кутмаган Тожихон юзларидан ҳовур кўтарилиб, кўзини катта очганча бир пас қараб турди-да, биров елкасидан туртгандай кескин қайрилиб, беихтиёр чиқиб кетди.

21

Лекин у тўрт кундан кейин яна шу идорага ҳовлиқиб кириб келди. Келдию раисни тополмади. Қўйи гузарда аза бор, ўша ердадир, деди қоровул. Борса, у ердан ҳам кетиб улгурган экан. Кечгача бригадadan омборга, омбордан пахта пунктига югуриб, роса қидирди. Аксига олиб кузги ёмғир бетиним савалар, намиқиб оғирлашган керза этигини лойдан суғуриб ололмай қоларди. Ахири, қўлантаёқ кийган этигини қўлга олиб, фермага чопқиллаб борса, раис ўша ерда экан. «Рекорд» деган чамбар шохли тарғил говмуш бор эди, ўша туғолмай қолиб, фермадаги хотинлар ваҳима билан раисни чақириб келишибди.

Белига брезент пешгир боғлаган бошьяланг Мадраим ота икки қўлида жездай йилтиллаб турган, оёқлари узун-узун, ҳўл бузоқчани кўтариб, жилмайганча молхонадан чиқиб келди. Қўллари, этиклари шилта, пешбанди исқирт. Ичимдан топ дегандай ториқиб юрадиган бу одам ҳозир нуқул илжаярди. Тожихонни кўрса ҳам, юзини ёмғирга тутганча, роҳат қилгандай туриб қолди.

— Бунга иссиққа олиб кириб ўрайми-из... Онасига қаранглар, — деди атрофидаги хотинларга, — маърағани ҳоли йўқ, жуда ориқлатиб қўйибсанлар...

Раис ювиниб-кийиниб олганидан кейин, Тожихон шелуха сақланадиган бостирма тагида уни холи топиб олдига яқинлашди. Оқсоқолнинг сур-салобати босиб, жовдираб турди.

— Нега келганини биламан, этигингни кийиб ол, — деди Мадраим ота халлослаб носқовоғини қидираркан. Одати шу: ҳаяжонланса, чиroyли носкадисини белбоғ қатидан қидириб топади-да, чекмай жойига солиб қўяди. — Қоразовурга бориб юрганингни эшитдим.

— Қоразовур ҳеч кимга қарамас экан, раис бова, олти гектардан ошиқ...

— Ботқоқ, балчиқ, тўқайзор, ўз номи билан Қоразовур, кимга ҳам қарарди? Кимга керак безгакхона...

— Бундан буёқ бизга қарайди, рухсат беринг, жуда бизбой экан. Раиснинг пешонаси тиришди.

— Звенонгда уч яримта одам, улар ҳам... Ботқоқни қуришиб, юз йиллик қамишзорни ер қилишнинг ўзи бўларканми?! Уйлаяпсанми?

— Уйладим.

— Кўчат топиб беролмайман.

— Даладаги хашаки дурагайлардан пайвантаг кўчириб, кейин «сурхутут» ёки «мирзачўл» навидан улаймиз. Жўрангиз... Қайнотамлар...

Шунда Мадраим ота унинг сочларидан ёмғир томиб турган яланг бошини бирдан икки қўллаб ушлади-да, бағрига босди. Пешонасидан ўпди. Молхона ҳидидан нафаси қайтиб қизариб кетган Тожихон қувончдан йиғлагудек бўлиб унинг ажинли юзига қараб турарди.

— Ужарлигинг менга ёқди. Дадаали жўрам сени билиб келин қилган экан. Ол, ана, битта трактор ҳам бердим.

— Ковши билан!

— Ковши бўлса уни экскаватор дейилади.

— Ҳа, ўша.

— Топамиз. Оқ фотиҳа сенга, азамат, бўш келма! Лекин эҳтиёт бўл, ҳай-ҳай, эркакларнинг иши-я, бу. Турғунали келганида яна биздан даъвогар бўлиб юрмасин.

Бу вақт Тожихон, худди ўт орасидаги капалакдай, бирдан ғойиб бўлиб қолган эди. Охирги ҳазилни эшитдим-йўқми — Мадраим ота билмайди, бостирманинг бўғотидан оқиб тушаётган ёмғир суви шовулларди, холос.

Ҳозиргина ёшлик ғайратининг нафаси тегиб ўтган мўсафиднинг кўнгли бироз орзиқиб, узоқларга тикилганча қолди. Ёмғир, ёмғир... Яна куз енгиб келяпти. Олдинига заифдек кўриниб жиндек нафаси етиб келади-ю, кейин бутунлай енгиб кетади. Ҳамма нарса шунақа.

Афсуски, қарилик ҳам бундан мустасно эмас.

22

Тутлар хазон бўлай деганда Дадаали ака, Икромма буви, Тожихон, Ҳасан, кичкина Ойхон — ҳаммаси бир арава бўлиб йўлга чиқишди. Латта кепкасини қийшиқ кийиб олган Ҳасан эгарда, икки оёғини бричканинг шотисига тираб, тиззасига таянган, йўлнинг чоғини олиб, гап берар эди:

— Ўн икки чақирим у ёққа, ўн икки чақирим бу ёққа — отда менга бир ярим соатлик йўл, ҳар куни кечқурун бир ярим соатга жавоб берасиз, звено, келишдикми? — Тожихонни ота-оналари олдида холисона қилиб «звено» дер Ҳасан-аравакаш, — почтадан хабар олишим керак, повестка келиб қолиши бор. — Бу гапда Тожихонга «эрта-индин кетиб қоламан» деган писанда ҳам сезилиб турар эди.

— Бор, болам, бор, тагингда тўригинг, ҳар куни қатна, Турғунали акангдан ҳам хат-хабар келиб қолиши мумкин, — дейди Дадаали ака.

Турғунали ҳақидаги гапдан кейингина Ҳасаннинг сал жағи тинади. Бу гап бошқаларни ҳам нечундир ўйга толдиради.

Ёмғирлар тиниб, йўллар сарқиб қолган эди. Адиргар қатида мудраб ётган қишлоқ тераклари олисда туман юқидан оқариб кўринади, йўл бўйи какра япроқларида шудринг: бричка эланиб, ғирчиллаб боради, от тап-туп одимлайди, сўлиғи шиқирлайди. Ювилган ғўзапоялардан тиниқ кўнғиртоб тус олган далаларда ўқтин-ўқтин юлқиниб совуқ шабада кезади. Яхшиям таваккал деб йўлга чиқишди, бўлмаса куз кузлигини қилиб, ғанимат дамлар ўтиб кетиши мумкин эди. Дадаали ака кўнглида ҳар ишнинг муҳлатини белгилаб, Тожихондан тасдиқлатиб олган: шу кўзда Қоразовурнинг сувини қочириб, бир қўш солинса, эрта баҳорда тутларни пайванлаймизу янаги йили кўзда қов қилиб кўчириб кетамиз. Қарабсизки, икки йилда шовуллаб ётган тутзор-да!

— Лекин марзадаги тутларни ёш болаларга кестириб, бачкилатиб юборгансан. Ҳа, майли, саралаб пайванд қиламизу кўзда кўчириб кетамиз. Аммо-лекин янги массивда уни худди боғдай парвариш қиласанлар. Боғки, унинг меваси — яшил барг. Мунақа боғда мароми билан сув тарай билсанг, баргни истаган пайтингда ипакдай майин қиливорсанг бўлади.

Аммо манзилга етиб бориб, Қоразовур созлиқларига биринчи кўз ташлаганларида Дадаали аканинг боғ ҳақидаги чиройли гаплари чиройли хаёлдай учди-кетди. Дадаали акага ҳам, Тожихону Ҳасанга ҳам, ботқоқ ерда ястаниб ётган бу ёввойи қамишзорларни неча марта кўрган бўлсалар-да, ҳозир фавқулудда ваҳимали кўриниб кетди. Сариг қамиш, кўкимтир қиёқ, оқиш тўзғоқ, шўр босиб ўпирилиб ётган яйдоқ ерлар, тепасидаги увада булутлар — эндиликда бари алоҳида-алоҳида кўзга чалинди. Неча ўн йиллардан бери тозаланмай, сассиқ кулранг балчиққа тўлиб кетган Қоразовурнинг ўзи қоқ ўртада — гоҳ сарғайиб, гоҳ кўкариб ётган баланд, қуюқ қамишзор зовурнинг икки ёнидан сал қиялаб тушган — булар ҳаммаси арава устидан яхлит кўриниб турарди. Ҳозир бу ёввойи ерларга бевосита қўл уриш, балчиқни, ботқоқни, тўқайзорни йўқотишга киришиш керак — бунинг ваҳимаси вужудларини қамрамай туриб ерга тушиш, қараб турмай нимадир қилиш керак эди.

— Тушдик, мана шу ер баландлик, бағри кенг жой экан! — деди Тожихон кўнглига оралаган шубҳаларни қувиш учун атай тетик овоз билан ва аравадан биринчи бўлиб сакраб тушди. У шим, этик кийиб олган, эгнида ўзига чоғ келмайдиган эркакча узун пахталик.

Аравадан палос, кўрпа-тўшак, қозон-товоқлар туширилгунча Дадаали ака тўқайни оралаб кетди.

— Захкаш ерда ўсган урғачи қамиш томга зап ёпишиб тушади-да, устидан шуваб ҳам ташласанг борми!

— Айтган эдим кўринганларга, ўриб олинглар деб, — Тожихон ўзининг шарфини кичкина Ойхоннинг белига ўраб, қўлқопи билан унинг бурнини ҳам артиб қўйди. — Ким қамиш ўради дейсиз ҳозир, кимнинг қўли тегади-ю, кимнинг қурби етади.

— Олишибди, азаматлар, онда-сонда супадай жойни ўриб кетишибди, лекин оз, — деди Дадаали ака.

— Олмаса, ўзимизга керак, — деди Ҳасан отни тушовлаб келиб, араванинг шотисини кўтарар экан. — Ҳозир мана қулинг ўргилсин қапа, ертўла қиламиз.

— Отанга раҳмат! — деди ғайратга кирган Дадаали ака.

Шотининг тагида чой ичиб олганларидан кейин ишга тушдилар. Биринчи кун яйдоқ тепаликни қора шўрадан тозалаб, қамиш қапа тиклаш билан ўтиб кетди. Ҳасан билан Тожихон қамиш ўриб чиқиб, ғарам қилиб ташлашди. Этикларни кўнжигача лой, қамишнинг қоракуя шокиласидан шув этиб тўкилган уруғу тўзғоқлар ёқадан кириб қўйинларига тўлар, қичиштирар, бўйнилари, юзлари тилиниб кетган эди.

— Буниси гўрга, пашшаси ёмон экан, — деди қаердадир Ҳасан, — кузнинг совуғи ҳам қор қилмабди бу фалокатга, қамишга сал тегсанг ғужғон уради, оғизга киради, бурунга киради!

— Пастга тушма, ботиб қоласан!

Сал шабадага шитирлаб турган, бўйи икки-уч метр келади қовжироқ қамишлар орасида уларнинг шўх товушлари эшитиларди.

— Вой ўлай! Каламуш!

— Балки қундузди?

— Қундуз нима қилади бу сассиқ ботқоқда. Ут қўйвориш керак, безгак уяси экан!

Кечгача Дадаали ака чоғроққина қапа тиклади. Икрома буви билан Ойхон ерга қалин қамиш тўшаб, намат ёйдилар.

— Бўлди, эртага сиртидан шуваб ташлаймиз! — деди Ҳасан. — Эркакларга бўлса ертўла қазиймиз. Қани, қайсиниси шинам бўларкин.

— Мен қапада ётаман, мен қапада ётаман! — дея югургилаб қийқирарди Ойхон. Унга бу ерда ҳамма нарса худди мўъжиза: олашақшақнинг узоқда хуник қағиллаши ҳам, қамишзорнинг сирли шитирлаши ҳам. Эртасига эса...

Эртасига Ҳасан тўқайга ўт қўйди. Энди мана бу мўъжизани кўринг! Ойхонгина эмас, Икрома буви ҳам, Тожихон ҳам гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа югургилаб қолдилар. Эрталабки телба шамол паға-паға тутуну қора қурумларни дам пастлатиб, дам, юқоридан олиб келиб, юзларга урарди. Шамол

сал тинганда эса қуруқ, қовжироқ қамишзорни олов ямлаб, тобора ичкарига ўрмалаётгани кўринади. Буралиб чиққан тутун булутларидан уфқлар кўринмай кетди, бесаранжом қушлар галаси осмонда гир айланиб қаёққадир йўқолди. Шамол кучайганда оловнинг тили бирдан узайиб тўқайга ҳамла қилар, кўлмак ойдинлардаги ям-яшил қиёқзорларга дуч келиб, яна пасайиб қолар, аччиқ дуд пуркар эди.

— Ана қурбақалар кабоб бўлди! — дерди Ҳасан Ойхонни кулдириб. Умрида бундай ёнғинни кўрмаган бола бирда қўрқиб, бирда ҳайрат билан қараб тураркан, чинқириб кулиб юборди:

— Кабоб бўлди! Қурбақалар!

— Каламушлар ҳам!

— Каламушлар ҳам!..

Юзлари қора қурум, нуқул бақириб-чақириб кулар эдилар. Ойхон ҳаяжонда белидаги тушлик зоғорани ҳам емади, чарчаб кетди, ҳамон югуриб, ёлқинларнинг қамиш ялашини томоша қиларди.

Бу ёнишда тўқай кеча-кундуз ёнадигандек эди. Аммо хуфтонга бориб, тутаб ётган қора ер қолди, холос.

— Қудратингдан! Олов ёмон нарса-да.. — деди Дадаали ака қурумли қўли билан соқолини ушлаб. Куюк иси ҳавони тўлдирган эди. Ястаниб ётган култепадай қора ер Қоразовур ўстига чўккан қоронғи тун билан кўшилиб, бирлашиб кетди.

Кейинги кунни Ҳасан яна бир четан лаш-луш, қоп-тугун, иккита замбилғалтак, узун-калта тахталар, кажава замбил, бел, кетмон юклаб, арава ортига эчки боғлаб келди.

— Дадам қўймай боғлаб бердилар. «Сўпи»ни, эрталаб ширчой ичмаса қувват битмас эмиш кишига. Шу ростми, Икрома буви?

— «Сўпи», қани, бу ёққа юр! — деб арқондан етаклади Ойхон. Унга эчкининг ўзи ҳам, лақаби ҳам жуда ёққан эди.

— «Сўпи»нинг оталиғини оласан! — деди Ҳасан унга.

— Бўпти, ўт ўриб бераман. Соқолини жиндай қирқсам майлими, сарғайиб кетибди.

— Йўқ, тўғри келмайди. «Сўпи» бесоқол бўлармишми?! Ювиб қўйсанг майли.

— Бўпти, — деди ўзига эрмак топган Ойхон.

У кўпинча қапа атрофида «Сўпи» билан ёлғиз қоларди, чунки ҳамма зовурда, улар бир-бирларини тушунадиган бўлиб қолишганди. Оч бўлса, юлғунми-ғумай, изинми-рўвак, шумғиями-қўзиқулоқ — эчки деган фарқига етмас экан, кемириб-қиртишлаб кетаверади. «Сўпи» жуда эсли, ёввош чиқди — буюрганни қилади, Ойхон уни ҳар кўйга солади, соғишни билмайди холос.

Кечқурун ҳамма балчиққа ботиб, юз-қўллари, этиклари лойга беланиб келганда Ойхон ҳам чарчаб қолган бўлади-да, эчки сутидан бир пиёла ичиб ухлаб қолади. Ишдан келганлар ҳам ювиниб тамадди қилишга улгурмай, бирлари қапада, бирлари ертўлада, таппа-таппа ташлайдилар.

Юлдузли тун, аёз. Даланинг уйқуси қаттиқ. Фақат ёнғиндан кейин чалажон бўлиб қолган уч-тўртта яшил «королча» ҳали ҳам тутаб-биқсиб, куюк ис таратиб ётади. Ҳасаннинг тушовли оти бундан безовта, ҳар замонда пишқириб, туннинг тинчини бузади.

Эски зовурнинг эни икки метрдан ошиқ, одам бўйи чуқурликда қора балчиқ билан лим-лим бўлиб ётибди. Матюсуф-хуққининг хоразмча лумбозга лой олганини айтмасак, яқин ўн йилларда бунга инсон қўли тегмаган бўлса керак. Онда-сонда қадаб қўйилгандек сийрак ўсган соз қамишлари ҳам томиридан қуриб қолган; балчиқнинг юзаси кулранг, суюқ ҳам эмас, қаттиқ ҳам эмас, ҳалимдеккина. Кетмон тез ботади-ю, ўмариб олиш оғир. Энг ёмони — сассиқ, айниқса билқиллаб ётган суюқроқ жойларида ачимсиқ ҳидга кўнгил беҳузур бўлиб, нафас олиб бўлмайд қоларди.

Дадаали ака кетмон билан, Икрома буви бел билан лойни ағдариб бериб турар эдилар. Ҳасан билан Тожиҳон аввал лойни битта кажава замбилда

қирғоққа тўқдилар. Кейинроқ Ҳасан бошқа йўлини топди: зовурнинг қурум босиб ётган қирғоқларига тахта ташлади, балчиқ тўла замбилғалтакларни шу тахталар устидан ғилдиратиб чиқадиган бўлдилар. Бири Тожихонда, бири Ҳасанда, иккита замбилғалтак ғизиллаб тургандан кейин иш юришиб кетгандай бўлди, кечгача анча жой лойҳандақдай ўйилиб, унга сизот суви ҳам йиғилиб қолди.

— Ҳа-а, ана! — деди Дадаали ака лойга беланган қўлларини бир-бирига ишқалаб. Унинг мўлжали исботлана бошлаган эди. — Мана энди, шундай қилиб қамишзорнинг суви аста-секин тортилаверади! Бунинг учун зовур бутунлай тоза бўлиши керак. Утин деган чўп бўлар, тераверсанг кўп бўлар дейди, оз-оздан битирамиз.

— Қарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади... — деди халлослаб қолган Икрома буви. Бир неча юз метрга чўзилган, балчиққа тўлиб ётган Қоразовурга ҳасратли назар ташлаб, умидсизлик билан бош тебратди-да, этигини лойдан базур суғириб қирғоққа чиқди. Унинг ўчоққа ўт қалайдиган вақти етиб қолган эди, оёқларини оғир судраганча кетди. Орқадан қудасининг «Ҳуқ!», «Ҳуқ!» дея кетмон уриб лой ағдаришини эшитганида кўзидан ёш сирқиб чиқди. «Чурраси тушиб қолмаса... Э-эх, қани йигитнинг гуллари, қани Фарғона каналини қирқ кунда ағдариб ташлаган азаматлар! Қаерларда қолди улар?» Ақалли куёви Турғунали-ю, укаси Иномжон бўлганларида ҳам, чолу кампир билан бола бақрани балчиққа белатиб қўйишмасди! Туф-суф-э, нималар деяпти ўзи, соғ-саломат қайтиб келишса бас...

Дала эпкинидан бир-бирига суйкалиб сирли шивирлаган қиёқзорларда овозинг ўчгир олашақшақ учади. Икрома буви шалолатиб сув олди-ю, қумғон осди. Юлғуннинг қовжирок бутуқлари чирсиллаб ёнарди. Қумғон дарров шиғиллай бошлади.

Қудаси келди. Индамай чордона қуриб ўтириб, олмачой ичдилар. Дадаали ака ташналикдан ўладиган бўлса ҳам қудасининг қўлидан чойни «сазангиз ўлмасин» деб олади. Кейин уни ийита бошлайди:

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир, эплаштирамиз худо хоҳласа... Сув келса симирдик, тош келса кемирдик, деб мақтанмаймиз, қудағай, илло тирик бўлсак тўрда, ўлик бўлсак гўрда, дегандай, биргамиз-ку ишқилиб. Бир уйда ўн жонсан, бир-бирингга меҳмонсан...

Икрома буви бундай гаплардан чиндан ҳам тутдай тўкилиб, кўзига ёш олади. Қудаси кетмонни елкага ташлаганда ҳам, ўрнидан туролмай, ўчоқ бошида ўтирганча ўтириб қолади...

Ойхон, эчкини соғинг, деб тиқилинч қилаяпти, у бўлса ўрнидан туролмай-ди — ўчоқнинг иссиғи элитдими, оғир хаёл босганидан дармони қуридими. Иномжон урушдан олдин армияга олинган эди, энди фронтдан келаяпти хатлари. Унинг ўғли Сатторжон катта бўлиб қоляпти, отасини бўлса эслолмайди ҳам. Онадан ҳам ўтади шекилли-да: мана бу даданг бўлади, унутмагин, яқинда урушдан қахрамон бўлиб қайтиб келади, деб суратини кўрсатмайдими, эсига солмайдами тез-тез! Йўқ, келин аввал-бошдан ёқмаган Икрома бувига, ўзидан ортмайди танноз, кўзлари бежо... Ишқилиб, бола қўлдан чиқиб кетмасинда.

Бу орада, ҳали қош қораймай, Дадаали ака билан Ҳасан Тожихонни қўлтиқлаб олиб келиб қолишди. Кўнгли айниб, балчиққа ботиб қолибди, зўрға чиқариб олишибди. Қалтирайди, нуқул қайд қилади. Тожихон шундай бўлиб қолганига хижолат, ювинаркан, атрофидагиларга қараб жилмайишга уринади: «Ўша ҳид ўлгир димоғимдан кетмаяпти»... У онаси ёнида анча ётди-да, ўраниб ухлаб қолди.

Икрома буви ухлагани йўқ. Кўнглига аллақеақлардаги ўйлар келиб кетди, ўзини эси пастликда айблади: она бўлиб бир оғиз сўрамайдими ахир, нав-ниҳол келинчакни ботқоққа туширишдан олдин...

Бироқ, эрталаб Тожихон тетик эди. Онаси хавотир билан қулоғига пичирлаганида хо-холоб кулиб юборди:

— Вой, қизиқмисиз, ойи, нималар деяпсиз! Фақат ўша ачимсиқ ҳид измаиз қувиб юрибди ҳали ҳам. — Кечасиги хижолатли ғашликни кўтариб ташлаш учун ўзини шўхликка солиб қичқирди: — Ҳай, уйғон, Қоразовурни забт этгани келганлар!

Дадаали билан Ҳасан ертўладан отилиб чиқишди.

— Қоразовурни жап этгани кеганлар! — деб Ойхон ҳам қичқириб такрорлади. Қароргоҳга тетик руҳ қайтиб келди.

— Сен «Сўпи»га эҳтиёт бўл, — деди Ҳасан балчиқ тусига кирган латта кепкасини дол кийиб. — Қишлоққа жўнаб қолмасин, йўлни билади у.

Яна одатдаги кунлар бошланди. Шомда ҳолдан тойиб, тасқарадай бир аҳволда қайтиб келишар, кечки овқат, ўчоқ бошида этик, пайтава қуритишлар энди ортиқча гап-сўзсиз, жимликда ўтарди. Ҳаво ҳам бетайин бўлиб қолди, осмонда олачалпоқ булут, дам куз ёмғири севалаб ўтади, гоҳ шамолда қор нафаси. Аҳён-аҳёнда эсан аёз ели капани чайқаб, пилта чироғни пирпиратади, ташқарида қовжироқ чўкиртақлар ёқимсиз шитирлайди. Уйқулар безовта, ер зах, суяқлари қақшаб кетган қариялар ярим кечада туриб болаларнинг устини ёпиш билан андармон тонг оттиришади. Лекин йўқни бор деб кўнгил кўтарган шулар. Яримта зоғора бўлса ҳам: «Қани, келинлар, ёлғиз еган овқатга шайтон қўшилади!» деб ҳаммани чақиради Дадаали ака. Кейин «иш бор жойда ош бор, уйқусида бос!» деб зовурга чорлайди.

— Ҳа, худойимнинг инояти бор! — деб унга эргашади Икрома буви.

Ёшлар ҳам, айниқса Тожихон, жуда ўзгариб кетди. Кўзлари киртайиб, жуссаси кичрайиб қолгандай. Ўзини шўхликка соламан деса ҳам, эплломайди, кўпинча ерга қараб юради. Эрталабдан, тиззалари қалтирашига қарамай, замбилга ёпишиб, ўчини шу азобли меҳнатдан олмоқчи бўлади. «Аёзлабди, аёзлабди... — дейди онаси унга зимдан тикилиб, жони ачиб кетади. — Турғуналидан хабар кутаяпти, бояқиш». Кечқурун Ҳасан қишлоққа кетса, то қайтиб келмагунича мижжа қоқмайди, қапада ётган ерида тўриқнинг туёқ товушига қулоқ тутаяди. Ҳасан қайтиб, «Ҳеч гап йўқ» деганидан кейингина уйқуга кетади. Икрома буви унинг уйқусида йиғлаганини кўриб, жигар-бағри хун. Қанақа бўлса ҳам хат-пат келақолсайди...

Бир ҳафтадан кейин МТСдан техника келиб қолди. Бу тракторга тиркалган кичкина ковшли Э—153 мосламаси эди. Мадраим ота омон бўлсин, шуни ҳам бўлса эплабди-ку! Биринчи куни эрталаб зовур ёқасига «оёғи»ни тираб олиб, чорак кубометрли «темир тирноғи»ни сарёғга ботиргандай ботириб, балчиқни ўпира кетди.

— Ёпирай, роса ўн беш кишининг ишини қияпти-ку, бу азамат! — деб Дадаали ака, кўзи телпагининг қулоғи динг, кетмонга таяниб қараб қолди. Қопқора бўлиб ётган кечаги қамишзор устида осмон янграр эди. Ҳамманинг руҳи кўтарилди. Айниқса Дадаали ака, рўпарасида нав-ниҳол тутқаторлар яшнаб тургандай, таъби очилиб, ҳордиғи чиқиб, нурланган кўзлари билан келинига қаради: «Қалай?»

— Жўрангиз тўнгроқ бўлсалар ҳам, яхши одам, дада.

— Лекин, бу темир полвон ўз йўлига, биз ҳам бўшашмаслигимиз керак, — деди ота ҳаммани ишга чорлаб.

Бироқ, шуни айтиб бўлувдики, тракторнинг мотори бирдан тиниб, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Экскаваторчи ўриндигидан сакраб тушиб, Дадаали акага боқди:

— Кўзингиз тегди, бобой!

Бу ҳазил эди албатта. Кийим-бошидан мазут ҳиди анқиб турадиган, сочлари ўсиқ, шимининг тиззаси ситилган бу кар йигит, иши кони азоб бўлса ҳам, ўзича ҳазилкаш эди. Чарм бўқчасидан асбобларини шалдиратиб тўқди-да, илжайганча, машинасининг тагига кириб чалқанча ётди. Ҳасан ёрдамга югурди.

— От яхши-да, оғайни, бузулмайди! — деди у қичқириб. Тракторчи барибир эшитмади. Тўқайда ишлаб, безгакдан кейин қулоғи гум бўлиб қолган экан.

— Бу ерда ҳам бор, безгак пашша! Қўрқмайсанми?

Тракторчи эшитмади. Ҳасан югуриб бориб, қамиш баргига чиппа ёпишганча қишки уйқуга кетган пашшалардан бирини қанотидан тутиб келди.

— Мана! Қантарилган қўқон аравадай, кетини осмонга қилиб ухладими — ғирт безгакпашша деявер! Билиб қўйиш керак!

Тракторчи тушунди, дўстона жилмайди:

— Менга энди тиши ўтмайди! Мана буни ушлаб тур, — деб Ҳасанга болтга солинган катта калитнинг бир учини тутқазди. Узи болтнинг иккинчи учига катта болға билан қулочкашлаб урабошлади. Уларнинг дарров иноқ бўлиб кетганига

хамма ҳавасда: салти-сувай юрган ўспиринлар-да, буларда ғам нима қилсин...

Тушга бормай мотор овози яна ҳавони титратди. Бу ғовур ҳаммага жон киргизар, ишга чорлар, кучга куч қўшар эди. Қийинчилик билан бўлса ҳам, иш юришиб кетди. Фақат, Тожихоннинг аҳволи оғирлашиб қолгани ёмон эди. Эртасига иситма билан ишга чиққан эди, билиниб қолди, аввал сал нарида қовжираган шўра-янтоқда чўзилиб ётиб бир оз нафас ростлади-ю, лекин барибир бўлмади — обориб қапага ётқизиб қўйишди. Унинг ранги-рўйини кўриб яна ҳамманинг руҳи тушди. Кечасига қировли аёздан нолимаган, ун тугаб Икрома буви кулча ёпмай қўйганидан, иш қизиғида трактор бузилиб қолаверганидан нолимаган одамлар Тожихоннинг бетоблигидан эзилиб кетишди. Оиланинг, бу кичкина коллективнинг бошдиги ҳам, келини ҳам, қизи ҳам, боринги жони ҳам шу экан энди ўйлаб қарашса. Кейинги куни, усиз ишга чиққанларида, бу шундоққина билиниб қолди.

Тушдан кейин Ойхон ҳовлиққанча чопқиллаб етиб келди.

— Келинойимларнинг тишлари тақилляпти! — деб хабар қилди у қўрққан кўзларини катта очиб.

Икрома буви қапага етиб борганида қизининг жимиб қолганини кўриб чўчиб тушди. Ойхон унинг устига ўзининг кўрпасини ҳам, яна тўшагини ҳам ташлаб қўйган экан. Қўйнига қўл солиб:

— Вой ўлай, сув бўлиб кетибсан-ку, қизим! — дея куйманди онаси.

— Исиб қолдим, исиб қолдим, ойижон. Яна кўрпангизни ташланг устимга, — деб жовдиради Тожихон. У онасини овутиш учун, ҳалигина ўтган оғир табларза хуружини ҳам, ундан кейинги қалтироқни ҳам айтиб ўтирмади. Бир пасдан кейин мадори қуриб ухлаб қолди.

Эрталаб ўзини тетик сезиб, кечаги аҳволидан кула-кула ишга отланганида яна терлама тутиб, ётишга мажбур бўлди. Манглайдан ҳовур чиқиб ярим соатча иситмалаб ётганидан сўнг совқотабошлади. Намчил бадани муздек, вужуди қалтирар эди.

— Ивв-вв-в... Ойижон, совқотиб кетяпман, устимни ёпинг... Ойхоннинг кўрпасини ҳам ташланг, жон ойи... — дер эди тиши тишига тегмай.

Ойхон қападан зовурга, зовурдан қапага югуриб, хабар етказиб турарди. Ҳамма бир-бир келиб Тожихондан хабар олди. Тракторчи йигит бошини сарак-сарак қилиб ўтириб, беш-олти тугум хинин ташлаб кетди.

— Бошидан ўтган табиб, дейдилар, бола бир нимани билади, безгак бу, болам, безгак, — деди Дадаали ака, — қани, иккитасини ичиб юбор, дориси — шу.

Беморни ухлатиб қўйиб яна ишга кетишди. Кечқурун Ҳасан тўриқни яйдоқ миниб район марказига жўнади. Кечаси аптекачини уйғотиб, безгак дори сўраган экан, яна анча хинин, акрохин беришибди, олиб келди. Дорининг таъсирини сезган Тожихон акрохиндан ҳам кўп-кўп ичиб, ўрнидан турадиган бўлди, иш жойини айланиб келди. Лекин дармон йўқ, салга бўғинлари қалтираб, ўтириб қоларди. Баъзан кундузлари тўппа-тузук юриб, кечқурун, аксига, ҳамма чарчаб келганида уни терлама хуружи муз қаърига оларди. Баданларини жимирлатиб, бутун вужудини қалтиратади. Икрома буви уни уч қават кўрпа устидан қучганида қалтироқ азобида тўлганганини кўкси билан сезади. Дори ичирганида тишлари пиёлага такиллаб тегади, сув тўкилиб кетади.

— Қайтиш керак, жон болам, уйга кетайлик, нима десанг ҳам, иссиқ жой, иссиқ чой...

Тожихон индамайди. Лекин безгак хуружи босилгандан кейин, яна дори ичиб олади-да, онасини овутади:

— Ойижон, сиз қизиқсиз, безгакка уй нимаю дала нима. Шунча ишни қилиб қўйиб, энди ташлаб кетамизми? Ҳавони кўрпасиз-ку, қиличини қайраб қиш келяпти. Шу куз ерни қуритиб, қорайтириб олмасак, мўлжалдаги иш бир йил кейинга сурилиб кетади ахир.

Кечқурун Дадаали ака келганида яна шу гап бошланади. Кексалар беморни уйга олиб кетиш тарафдори.

— Ойи, дада, уйда ҳам шу дори, бу ерда ҳам. Гапни айлантираверманглар, мана мен тузалапман. — Ёнбошлаб дори ичиворади-да, суҳбатдошларининг хомуш ўтирганларини кўриб, тажанглиги тутади. — Ё энди мен звено эмасманми бу ерда? А?

Бироқ унга бундай дўқу пўписа ярашмасди. Шу кечаси дард яна қаттиқ хуруж қилди. Дағ-дағ титраб, ёнида ўтирган онасини танимай қолди. Туни билан ҳеч ким ухлагани йўқ, кетма-кет дори ичиришди. Титроқ ҳали ҳеч қачон бундай узоққа чўзилгани йўқ эди. Бемор алаҳсирай бошлади.

— Ҳасан... Ҳасан почтага бориб келдимми? — деб сўради. Тонг яқин, Ҳасан кечқуруноқ қишлоққа бориб келган, ҳозир бедор, асабий ҳолда капани айланиб юрарди.

— Мунча барвақт турмасанг? — дейди унга тракторчи ошнаси.

— Барвақт турганнинг бияси эгиз туғаркан... — деб руҳсиз ҳазиллашади Ҳасан.

— Бемаҳал турган гўнг босар, деган гап ҳам бор, — деб ошнаси ҳам кетиб қолади бедаво тракторининг ёнига.

Ичкарида Тожихон алаҳлайди:

— Ойи, Турғун акам борсинлар почтага...

Икромма буви дардчил сўроқ назари билан қудасига тикилди. Иккалалари ҳам Тожихоннинг бошига келдилар. Қора чироғ ёруғида унинг ориқлаб кетган юзи сап-сариг бўлиб кўринади. «Шўрлик болам!» дея шивирлаб йиғлаб юборди Икромма буви. Азонда бемор тинчиб ухлаб қолганда Дадаали ака ҳам, енгини кўзларига босиб ўрнидан турди. Ертўлага чиқди ҳам, жиндак мизғиёлмади. Ҳамма уйғоқлиги сезилиб турарди. Турғуналининг ҳушсизликда тилга олинган номи, худди ғойибдан келган овоздай, ҳаммани безовта қилиб, ҳавода кезиб юрарди. Дадаали ака ҳам уйқу аралаш пичирлади: «Нима қилдинг, болам, ахир, бу одамлар ишлаб ҳолдан тойган, кечаси билан ухлашмади, ҳозир бир қошиқ эчки сутини куйган сабзи чойига аталаб ичиб, яна лойга тушишлари керак. Биз биламиз, сенга қийин, лекин буларга ҳам осон эмас, жонларини безовта қилма, болам...»

Чол буни шивирлаб айтдимми, ё фақат хаёлидан ўтказдимми — билмайди, ертўлага боққан туманли тонг ёруғидан хижолат тортгандай ажинли юзидаги шўртак намни шошиб артиб олди.

Охири келгуси сонда

ИНҚИЛОБНОМА

Октябрдан уйларда нур,
Эндиликда барча тенг, хур,
Ишчи-деҳқон кўрди ҳузур,
Қандай яхши, фарзандларим!

Ислом шоир

Биз Ватаннинг эллари-да бўлгумиз доим инोक,
Ёритар доҳий Лениннинг номи дилларни мудом,
Эй совет халқи яратган ғолибона иттифоқ,
Одамизод бахтига қил беҳисоб йиллар давом.

Ҳамид Олимжон



Садриддин Салимов

КОШИНЛАРНИНГ ГУЛИДАН УНДИ ИНҚИЛОБ

* * *
Тонг отмоқда. Ҳавода гард йўқ.
Гумбазда уйғонди ранг.
Лабиховуз¹ лаблари кўм-кўк,
Тоқи Телпак² — бошланг.

Тонг отмоқда. Кўксим осмони
Куёш билан чулғанар.
Кимлар ростни, кимлар ёлғонни
Уйғотмоқ-чун уйғонар.

* * *
Йўқ. Мен қалъа бўла олмайман:
Портлатсалар, кетсам бенишон.
Йўқ. Мен қудуқ бўла олмайман:
Кўмган заҳот, жон берсам осон.

Йўқ. Мен дарахт бўла олмайман:
Қайирсалар, кўзёш тўкмасам.
Йўқ. Мен майса бўла олмайман:
Топтасалар, фарёд чекмасам.

* * *
Бухоронинг пасткўчалари
Рудакийни кўтарди аршга,
Синони ҳам етказа олди,
Шу пастак кўчалар минг ёшга.

Пастак томнинг устидан Дониш —
Боши етди осмонга. Хуллас,
Томда не айб, кўчада не айб:
Эй паст одам, ўзинг бўлсанг паст?..

Ҳазил

Кўзнинг хотираси бор,
Кўлнинг ҳамда оёқнинг,
Хотираси бор, дерлар
Ҳатто икки дудоқнинг.

Писанд этмай шу сабаб
Йўлнинг яқин-йироғин,
Дилбар уйига мени
Бошлаб кетар оёғим.

^{1 2} Лабиховуз, Тоқи Телпак — XVII асрда қурилган обидалар.

Уста Ширин Муродов сўзи

«Ширин бўлсин ҳаёти!»
(Умидли банда).
Ширин, деб ном қўйдилар
Мен туғилганда.

Аччиқ эди бу ҳаёт,
Бешафқат тақдир,
Зиндонни маъво этди
Мен учун амир.

Бармоқларимда ҳунар
Мудраб ётарди,
Беҳунарлар ўзини
Пулга сотарди.

Ҳунарингни кўрсат, деб
Бўлганда фармон,

Юрагим тасвирини
Чиздим беармон.

Зулмат ичра Бухоро,
Қайдадир умид?
Умидимнинг тасвири
Хонаи Сафид¹.

Юртимда Ёруғ уйни
Айладим бино,
Ёруғликка чиқсин, деб
Қоронғи дунё.

Бу нур зулматни қувди
Мисоли офтоб,
Кошинларнинг гулидан
Унди Инқилоб.

* * *

Мен ҳеч нарса жамлай олмадим:
Бировларга кўз-кўз этгулик,
Келажакда фарзандлар учун
Бир умрга етгулик.

Миноралар қуриб, ҳайратдан
Оламни лол эта олмадим,

Суғдиёна битикка ҳайрат
Билан қулоқ солмадим.

Мен кимларга бўлолдим қалқон
Эзгуликни қолай деб асраб?!
Томошабин бўлиб дунёга
Келганмидим, во ажаб?!

Тошпўлат Ҳамид хотирасига

Дунё иши қизиқ экан
Тошпўлат Ҳамид,
Лозим бўлди шогирдларга
Танбеҳ ҳам ўғит.

Шогирдим, деб бошларини
Силаган эдинг,
Кўпларига дилдан «Оқ йўл!»
Тилаган эдинг.

Таъмагирлар шундай «содиқ»
Эдики, бай-бай,
Этагингга ёпишганди
Худди канадай.

Улар сенга шеър бағишлаб
Қилганди инъом,
Тиришишар энди сени
Қилмоқ-чун бадном.

Чунки, сенда мансаб йўқдир,
Кўзларинг юмуқ,
Булар ўзга мансабдорга
Этмоқда қуллук.

Чунки, энди буларга ҳеч
Қулоқ солмайсан
Ва уларнинг ёқасидан
Тута олмайсан.

«Дунё иши қизиқ, — деди
Тошпўлат Ҳамид, —
Бундайларга фойда бермас
Танбеҳ ҳам ўғит.»

¹ Хонаи Сафид — Оқ қаср (Ёруғ уй) дегани. Уста Ширин Муродов Моҳи Хоссада курган қаср шундай ном билан аталади.

Лаҳза

Қуёш зар кокилини
Оҳиста тараётир,
Майса тили тутилиб
Қуёшга қараётир.

* * *

У ҳеч кимдан қўрқмайди,
Қўрқмайди худодан ҳам.
Заминни яксон этса
Не тонг, бундаин одам...

Бухоронинг уйлари

Яшаяпти асрларни
Кўтариб ўз кафтида,
Қалдирғочнинг уяси ҳам
Шу уйларнинг шифтида.

● ИНҚИЛОБНОМА ●

* * *

Ярқирайвер, қуёш — инқилоб!
Бошла янги баҳорларга йўл.
Дунёларга қиламиз хитоб:
Абадий бахт берди бизга қўл!

Ойбек

* * *


Октябрь жанглари ўтса-да гарчанд,
Октябрь нафаси асрга пайванд,
У кундан ойлар ҳам, йиллар ҳам хурсанд.
Минг-минг йил куйланар Октябрь куйи,
Яъни Ер куррасин бор умр бўйи.

Шайхзода

* * *

Инқилоб ўлкасиман, ўзинг билган ўзбекман,
Ўша исёнкор жонман — ўзим айтган сўздекман.
Инқилоб фарзандиман — ўзга эмас, ўздекман,
Бобом хоки бор тупроқ — ўзим очган бўздекман.

Миртемир



Норқул Тилово

ҚАРЗ

Ҳикоя

Ёз фасли оёқлай деб қолган. Салқин шабада эсиб турибди. Лойшувоқ уй ёнидаги кенг супада икки қария эрталабдан бери суҳбат қуришади. Бири — уй эгаси Жуман бобо, етмишларни қоралаган, кумушранг соқолини калта кузаган, қисик кўзлари мулойим боқадиган хушфеъл чол. Униси — Бўрон бахши, калта бўйли, серҳаракат, эти суюғига ёпишган қария. Достонни ёддан айтади, лекин негадир айтаётган пайтида қалин кўзойнак тақиб олади, гўё шундай қилса ёдидаги сўзларни тузукроқ кўрадигандай. Бахши Жуман бобога ҳамсоя туради. Бир чеккаси — божалиги бор, хотинлари туғишган опа-сингил.

Иккови гурунг қилиб ўтирган жойда қайдандир Ғани чўлтоқ пайдо бўлди. Саломлашиб, оёғини ечмай, кўрпачанинг бир четини қайириб ўтирди.

У келиши билан Бўрон бахши тундлашди. Ғанини ёқтирмасди. «Чўлтоқ» деган лақабни ҳам ўзи қўйган, бўлмаса, Ғанининг мучалари тугал, фақатгина бировга дум тутқизмагани ёмон, ўлгудай силлиқ, ушлайдиган жойи йўқ.

— Жойлашиброқ ўтиринг, Ғанибой, — деди Жуман бобо манзират қилиб. — Қани, чойдан олинг.

— Кўп ўтирмайман, ишим зарил.

— Э, иш тамом бўлармиди, ука. Одам ўлганда тинади.

— Шундай-ку-я. Ҳали Чиялига борсамми деб эдим. Магазинида тузукроқ мато топилармиш...

— Яхшиликка буюрсин, тинчликми?..

Ғанибой шу саволни кутган экан, оёғидаги эски калишини ечиб, кўрпачага чордона қуриб ўтирди.

— Ўртанча неварангиз хизматни тамомлаб йўлга чиқибди. Телеграмма келди. Солдат тўйи билан нонушатдисини бир йўла ўтказиб юбормоқчи эдик. Тоғай раҳматлининг қизига совчи юбориб, пишитиб қўйдик.

— Кўп яхши бўпти-да, Ғанивой, — деди Жуман бобо. — Тўйга айтсангиз, бориб ейишни биламиз.

— Ундай деманг, тўйнинг эгаси сизлар-ку, — деб кулди Ғани чўлтоқ. Сўнг, олдида гапирсамми, гапирмасамми, дегандай, тараддуланиб Бўрон бахшига қаради. Унинг суҳбатга бепарво ўтирганини кўриб дадиллашди: — Бува, бир хизмат билан келувдим.

— Айтинг, қўлдан келса баҳоли қудрат ёрдам берамиз.

— Озроқ қарз бериб турсангиз. Тўйга майда-чуйда олмоқчи эдим. Жамғармамиз етмай қолди.

Бобо бошдаёқ Ғани чўлтоқ нимадир сўраб келганини сезган эди. Бунинг одати шуки, иши тушмаса бировникига бормайди. Олган нарсасини қайтаришиям қийин. Кўчада сўраса осон эди, лекин остона ҳатлаб кирган одамга пул йўқ, деб қуруқ қайтариб юборса инсофдан бўлмас. Эшитган қулоққа ёмон. Азамат ўғиллари бўла туриб уйдан пул чиқмабди, деб эл гап қилади. Тўй қилаяпти экан, қарз берса савоб бўлади. Улибдими, қайтарар?..

Бўрон бахши божасига норози қараб кўйди. Айтмоқчи бўлдики, берма, еб кетади. Лекин Жуман бобо кўрмаганга олди.

— Қанча? — деб сўради Ғани чўлтоқдан.

— Минг сўм бўлса етади. Келаётиб Хушвақт оғайнингизни учратувдим, бирга келмоқчи эди, лекин болаларига лой қоритаётган экан, чиқолмади. Сизни айтиди, боринг, ундан топилади, ўлик моли кўп, деди.

Бобо Ғани чўлтоқнинг гапидан оғринди. «Шундай нарсаларга бировни аралаштиришни ёмон кўраман. Дардинг бўлса очиқ айтавермайсанми, бўлса топиб бераман. Бўлмаса, йўқ дейман. Тўғри, ўлик молимиз — тахмонда анча гиламимиз бор. Кампирим, қизларим тиним билмайди. Урмак қўйиб тўқигани-тўқиган. Ипак билан буюғини етказиб берсанг бўлди. Бола-чақа, неварачевара дегандай. Сандиқдаги озроқ пул нима бўларди? Ўзини билган ҳар инсон эртасини ўйлаб яшайди...»

— Пул озроқ эди-ку, Ғанивой.

Бобонинг юмшоқ гапирганини, пул унишини билиб, Ғанивой отига қамчи босди:

— Бошқа кимгаям бораман. Уруғ суриштириб келсак, нақ амаки чиқасиз. Гилам-пиламандан кўшиб беринг, сотиб пул қиламан. Омон бўлсам, яхшилигингизни қайтараман-да.

Жуман бобо кўнгли эриди. Бундай пайтда биров астойдил сўраса, сонидан кесиб беришдан ҳам тоймасди у. Қўлини ерга тираб ўрнидан оғир қўзғалди. Оёқлари увишиб қолибди. Оғриқ тарқагунча сабр қилиб тик турди. Учоқ бошида юрган хотинини имлаб чақирди. Икков уйга киришди. Хотини тоқчадаги сандиқчанинг қулфини шиқирлатиб очди. Бир парча латтага ўроғлиқ пулни олиб индамай эрига узатди. Бобо санади. Пул мўлжалига етмади чоғи, тахмондан битта жун гиламни суғуриб олди.

— Ғанивойга пул керак бўлиб қолибди, — деб ғудранди кампирининг юзига қарамай, — тўйига ишлатмоқчи, савоб бўлади.

Уйдан чиқди.

— Нақ саккиз юз сўм, — деди Ғани чўлтоққа пулни узатиб, — санаб олинг. Қолган икки юзига — битта гилам. Бозорда талашиб олади. Ошириб сотсангиз ҳам ўзингиз биласиз.

— Раҳмат, амаки. Катта яхшилик қилдингиз. Тўйдан кейиноқ қайтараман.

Ғани чўлтоқ пулни чўнтакка урди. Гиламни кулранг ҳангисига ортиб жўнаб кетди. Анчагача на уй эгасидан, на бахшидан сас чиқди.

* * *

Ғани чўлтоқ қарзини узишни нуқул пайсалга соларди. Эрта ёки индин қўлимга пул тушиши билан албатта элтиб бераман, деб кўнглидан ўтказиб қўярди. Аммо пул тушганда ҳеч чўнтагидан чиқаргиси келмасди. Шунча пулни бирдан берса гўё ичидан нимадир узилиб кетадиганга ўхшарди. Ҳа, олади-да, еб кетармидим, дерди яна ўзини юпатиб, сўраб келмаяпти-ку, унчалик зарил эмасдир-да. Бобойда ақча кўп. Менда нима бор? Ўғилларимни уйлантиришйм, қизимни узатишим керак. Ойликнинг баракаси бўлмаса. Хўкизлар тезроқ семиргандайди, сўйиб сотиб қарзга берардим.

Тўй-ҳашамларда, давраларда рўпара келиб қолишарди. Бундай пайтда Ғани чўлтоқ ҳеч нарса кўрмагандай югуриб келиб бобонинг қўлини кафтига олар, иссиқ кўришар, бола-чақа туғул, жамики мол-ҳолгача суриштириб кетарди. Жуман бобо, кўрганда эсига соламан, деб аҳд қилиб юрарди-ю, уни учратганда тили соқов бўлиб қоларди. Ғанининг ширин мақтовларидан сўнг қарзни сўрашгаям тили бормасди. Ичида ўзини койирди: «Яхши йигит бу ўзи, бировни акамлаб, бировни бувамлаб ўлиб қолади. Арзимаган пулни эсига солиб хижолатга қўяйми? Тушганда берар...»

Унинг кўнглидан ўтган гапларни гўё сезиб тургандай, Ғани чўлтоқ гурунгининг охирини андавалаб кетарди:

— Қўлим калталик қияпти. Бўлмаса аллақачон... Бу ёқда олтита бола, ейман-ичаман деб, оғзини тўрғайнинг боласидай катта очиб турибди. Тўнғичи ўқишда...

— Ғанивой, қўйинг шу гапни, кўпам эсимга солманг, — дерди бундай пайтда бобо унинг гапни бўлиб, — бир элнинг одамларимиз. Қўйнидан тўкилса — кўнжига. Ундан кўра Эсонмуродов раиснинг тўйи қандай ўтганини гапиринг. Қишлоқдан ёлғиз ўзингиз борибсиз. Эскидан қадрдонлигимиз бўлсаям, узанги-улов тўғри келмай қолди.

Эсонмуродов раис — Ғани чўлтоқнинг поччаси. Район марказида туради. Узоқ йиллар шу колхозда раис бўлган, ҳозир пенсияда. Жуман бобо у раислик пайтида Эски Анҳорнинг лойқасига палак экарди. Худди ҳозиргидай эсида. Саманни йўрғалатиб тонг пайти келиб қоларди. У пайтнинг каттаси машинани кам минарди. Ўзи уруғи кам эди-да.

— Катта бува, қовундан узиб келинг, — дерди отдан тушгиси келмай қичқириб.

— Жиловни бўшатиб, — дерди Жуман бобо манзират қилиб. — Ўз қўлингиз билан қовун узиб, сўйиб еганга нима етсин.

Ҳар қалай, шу таклифни кутармиди, Эсонмуродов отдан тушиб полиз ораларди, кўккаллапўш, оқкаллапўш, чириш, кўкча, ўзи танлаб узиб чиқарди. Чайланинг соясига ўтиб шундоқ пичоқ теккизганда, қовун жонивор ёрилиб кетарди. Тонг салқини, ғир-ғир шабада, дарёнинг шовуллаши, кўм-кўк узоқ уфқлар, ширин, таъми тилни ёрадиган қовун. Осойишталик... Мазза эди-да. Ҳеч ҳам қаригинг келмасди. Аммо, ҳаёт шу экан. Ҳаммаси сувдай оқди-кетди...

— Тўйи зўр бўлди. Кичик ўғли Тошкентда прокурорликка ўқиб келибди. Кўрганнинг ҳаваси келади. Сўқсурдай йигит бўпти. Сизниям сўради. Нимага келмади, деди.

— Энди атай бир бормоқчиман.

— Шуйтинг...

* * *

Қиш ўтиб баҳор келди. Ҳадемай у ҳам ўз ўрнини ёзга бўшатиб берди. Бир куни Жуман бобо уй соясига ўтиравериб зерикди. Қўшниси Бўрон бахши, худди қасд қилгандай, унга айтмай каллаи-саҳарлаб Галатентакдаги куёвиникига кетибди. Кун чошгоҳ бўлганда деворга санчиб қўйилган ўроқни олиб қора ҳангисини минди.

— Дарёнинг бўйига, бедапояга кетдим, — деди кампирига, — кечроқ қайтаман.

Манзилга етиб эшакнинг темирқозғини ажриғи бўлиқроқ жойга қоқди. Эски жул хуржунни ариқ ёқасига ташлаб озгина дам олди. Кейин ўрнидан туриб бедапояга ўтди. Ачимсиқ, лекин ёқимли ҳиддан боши айланди. Қизиқиб анча жойни ўрди. Манглайига тошган терни белбоғи билан артди. Дам олди. Яна туриб ўрди. Ўзи беда ўрими ёқимли иш. Бир бошласанг ҳеч бош кўтаринг келмайди. Бобо чарчаганини ҳис қилди. Томоғи қуриди. Кўзачадаги муздай сувдан ичди. Сув томчилари оғзининг четидан энгагига тўкилди. Кўзачани қўйиб ўроқни чархлади. Беда гулларига кўниб ўйнаётган капалакларга тикилди. Ҳар замонда пириллаб учиб сал нарига қўнаётган беданалар, кўкда бир-бирига навбат бермай сайраётган тўрғайлар хаёлини ўғирлади.

Дарё ёқасидаги тупроқ йўлни чангитиб келаётган мотоциклчи йигит шу ерга келганда тўхтади. Уловини йўл четига суяб қўйиб бобонинг ёнига тушди.

— Ҳорманг, ҳорманг. Ғайратлар зўр-ку!

— Бор бўлинг, Набивой, келинг.

— Жобирнинг шийпонига пул тарқатгани кетяпман, — деди Наби кассир латта этигини бедапояга тап-тап уриб қоқиб. Шундай деб, кўзи кўзачага тушди. Уни даст кўтариб, ғулт-ғулт қилиб мириқиб симирди.

— Пул кўпми, Набивой? — деб ҳазиллашди бобо.

— Кўп, бува, ҳаммага етади, — деди кассир сувни ичиб бўлиб. — Одамларга икки ойлигини бирдан олиб бераяпман. Тузукроқ ишлаганларнинг киссаси тўлади. Шийпонга боринг.

- Йўғ-э, мен совхозда ишламасам...
- Э, қизингиз ишлаяпти. Нурманбой трактор ҳайдайди.
- Ўзларига етсаям катта гап.

Кассир мотоциклни тегиб ўт олди-да, физиллатиб ҳайдаб кетди. Изидан қуюқ чанг кўтарилди. У узоқлашгач, бобонинг ҳам ишлагиси келмай қолди. Ҳай, кечроқ келарман, деди ўзига ўзи, эртага келсам ҳам бўлади, нари борса бир кунлик иш-да. Айтмоқчи, Ғани чўлтоқ ҳам ойлик олади. Балки, қарзни берар? Қизи, хотини ишлайди. Қани, бора-чи... Шу баҳона одамлар билан гурунг қиламан.

Ўроқ билан қайроқни беда уюми тагига яширди. Темирқозикни суғуриб, ипини узанги қилиб ҳангисини минди. Бориб кўрса, кассирни далада ишлайдиган хотин-халаж, ёш-яланглар ўраб олишибди. Сувчилик қилаётган уч-тўрт ҳамқишлоғи сояга ташланган кигиз устида чой баҳона гурунгни қизитишмоқда. Ғани чўлтоқ ҳам шу ерда.

— Келинг, тўрга ўтинг, — деб, бобогаям жой кўрсатишди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, иссиқ чойдан узатишди.

— Ойликни олай депсиз-да, — деб ҳазиллашди Холли.

— Ишлагандан сўнг оламиз-да, — деди Жуман бобоям бўш келмай. — Қани, нимани гурунг қилаётувдиларинг?

— Зиёднинг хасислигини, — деди Дилмурод мироб чой ҳўплаб.

— Миробни бир болаган экан, — деди Лапас манқа гапга суқилиб.

— Менам ҳақимни олдим, — деди мироб бўш келмай.

— Энди бир бошидан айтинг, — деди гурунг ишқибозлари. — Сувам қаттиқ ерда кўллайди.

— Э, шу йил баҳорда Самарқандга борувдик, — деди мироб, — Зиёдбой мениам бирга олиб кетинг, деб қўймагач, эргаштириб олдим. Шаҳар айландик. Томоша қилдик. Қорнимиз очди. Кабоб едик. Борсин-е, деб озгина пивоям ичдик. У-бу харид қилдик. Қаерга борсак Зиёдбойнинг пул чиқаргиси келмайди. Индамай тескари қараб туради. Ёки бир нарсани баҳона қилиб четга чиқади. Тишимни тишимга қўйдим. Охири бўлмади. Шошма, бир болай дедим. Катта, гавжум кўчадан бораётганимизда ўзимни бирдан магазинга урдим. Кийим кийиб кўрадиган жойи бор экан. Қора парда тутиб қўйибди. Шунга кириб яшириндим. Зиёдбой магазинга кириб у ёқ-бу ёққа қаради. Тополмагач, ташқарига чиқди. Кўп қидирди. Одамларни пана қилиб кузатиб турдим. Ранги оқариб кетибди. Самарқандни билмайди-да...

— Пулини ксавурлар олиб қўйишидан кўрққан, — Лапас манқа гапга суқилди, — унинг пулдан кўра жонини олган маъқул.

— Довдираб қолганини кўриб ўзим олдига бордим, — дея давом этди мироб, — шундаям бўш келмайди. Сизни адашиб кетдим, деб кўрқдим, дейди. Йўқ, қайтишда автобус паттасини ўзи олди.

— Энди, шерик бўлгандан сўнг харажатига чидаш керак-да, — деди Холли бува.

— Э, Зиёдбойнинг айтгулиги йўқ, — дейишди даврадагилар. — Қорним оғрийди, деб энасининг сутини қайнатиб ичган.

— Одамнинг қўли очиқ бўлиши керак, шунда дилиям очиқ бўлади.

Шу пайт Ғани чўлтоқ бир чойнак чой кўтариб келиб ўртага қўйди. Бош ирғаб Жуман бобога салом берган бўлди.

— Ойлигини олмаган ким қолди? — деб қичқирди Наби кассир. — Тез бўлинглар!

— Турдик, пулни олайлик, — кўпчилик жойидан қўзғалди.

— Қўзғалманг, бува, озгина чой ичинг, — деди Лапас манқа Жуман бобонинг кетиш тараддусига тушганини кўриб. — Озиб-ёзиб бир келибсиз, сал гурунг бериб кетинг.

Жуман бобо рад қилолмади — тагин ўтирди.

— Энди, сиз ҳар замонда қассобчилик қип турасиз, — дея гап бошлади у жим турмаслик учун. — Ой тўлган пайтда туғилган молнинг илиги тўла бўлармиш. Шу ростми?

— Рост. Мол ориқ бўлсаям — илиги тўла, агар ой тўлмаган пайтда туғилса, қанча семиз бўлсаям илиги пуч бўлади.

— Ойда бир гап бор экан-да?

— Бунисини энди билмадим.

Жуман бобонинг қулоғи суҳбатдошида бўлсаям хаёли Ғанида эди. Ана, уям кассирнинг олдига борди. Набивой — хурсанд, шанғиллаб бир гапириб ўн кулади.

— Биз бошқа кассирлардай бутунига тегмаймиз. Синиғияям розимиз.

— Тангаданам анча пул қолади, — деди Ғани чўлтоқ илжайиб.

— Ака, рўзғорчилик. Ахир, ғор деб қўйибди. Қанча ташлаганингиз билан тўлмайди. Саксон сўм нима бўлади? Чиялининг бозорига етмайди.

— Яхна гўшт еб, арақ ичсангиз албатта етмайди-да.

— Шу яхнани деб Самарқанд, бу ёғи Қаршидан одамлар келади. Шу ерда туриб биз емаймизми?

— Ол-а, — деди Холли, рўйхатга қўл қўяркан, — роса мақтадинг-ку!

— Йўқ, гапи тўғри, — деди Ғани чўлтоқ кассирни қўллаб. — Баччағар Чиялининг одами яхна тайёрлашни билади. Менам ҳар замонда бораман.

Холли, кассир узатган пулни санаб чўнтагига урди. Жуман бобонинг ёнига қайтди. Лапас манқа ҳикоясини чала қолдириб кассирга кетди. Ғани чўлтоқ ер остидан бир-икки бор Жуман бобога қараб қўйди. Қарзни олишга келган. Аниқ. Бўлмаса шийпонда нима қилади? Берсаммикин?.. Шунча одамнинг ичида сўраб қолса-я. Кўпчилик билмайди-ку. Майли, ойликни олай, барини икки қўллаб топшираман. Бирдан қутуламан-қўяман.

— Бизгаям бордир, Набивой?

— Ҳозир кўрамиз-да.

Жуман бобонинг қулоғи динг бўлди. Аксига олиб, ҳадеганда кассирдан ҳеч садо чиқавермади.

— Жобир пулни яхши ёзибди, ошнангиз бўлади-да, — деди ниҳоят кассир кулиб, — икки ойга уч юзу ўн сўм.

— Ҳалиям оз. Кеча-кундуз лой кечиб ишлаганмиз.

— Бунисини мажлисдан келса ўзидан сўрайсиз. Мана, қўл қўйинг.

Жуман бобо ўзича такрорлади: уч юзу ўн сўм! Ҳали қизи, хотинига олар?

— Энди бизнинг бачаларникини берсангиз.

— Ўзларини чақиринг.

— Бугун бир ёққа кетувди. Бераверинг, нима фарқи бор.

— Қўлда фарқи бор.

— Ким билиб ўтирибди?

— Сиз, биз, яна ревизорлар билади. Жиноят, ака, беролмайман.

— Энди, ука, отангиз Одил пуштачи кўп яхши одам, бизникигаям тез-тез келиб туради. Гурунгларида мазза қиламан. Бемалол бераверинг.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — Кассир пихиллаб кулди. — Отанг бориб туради, денг? Жуда қизиқчисиз-да, Ғани ака.

— Ҳозир пул жуда керак бўлиб турибди-да, ука. Бера қолинг.

— Пул ҳаммамизгаям керак.

— Рози қиламан.

— Бутунини ушатаман, денг. Майли, нима деймиз. Сизга келган балога биз балогардон. Хўш, ким эди фамилияси? Хотинингизники? Қизингиз Ғаниева бўлади-да.

— Йўқ, Хушназарова Ойна. Бобосининг номида. Уники Тўраева.

— Хўш, Хушназарова, кейин Тўраева...

Кассир яна рўйхатни кўрди. Ниҳоят топиб қўл қўйдирди. Қанчалигини айтмади. Жуман бобо шунча диққат қилсаям билолмади. Сўнг ўзича тахмин қилди: ҳамма яхши ойлик олапти. Икки кишиники камида юз ўттиздан бўлгандаям икки ойлиги беш юзу йигирма сўм бўлади. Унга уч юз ўнни қўшсак, жами саккиз юз ўттиз бўларкан. Мўлжалга бир юзу етмиш етмайди. Майли, қолганини бермасаям розиман. Бугун кампирнинг қовоғи очилса керак пулни кўриб, ҳар куни қулоқ-миямни ейди.

Жуман бобо ҳисоб-китобга хаёли чалғиб, бир зум Ғанини унутди. У эса кассирдан олти юз сўмни олиб чўнтакка жойлади. Кассирга уч сўм ташлади. Наби оғринди, лекин индамади.

Ғани бобонинг қарзини бериш учун бу ёққа бурилди. Тўрт-беш одим ташлади ҳам. Пул солинган чўнтакни ташқаридан ўнг қўли билан силади. Танини ёқимли титроқ босди. Аммо бу уни қаноатлантирмади. Сабри чидамай қўлини ичка-

рига юборди. Пулларни ушлаб вужуди роҳатланди. Шунинг ҳаммасини бераманми, деди иккиланиб, қандай бераман? Чўнтагим бўшаб қолади-ку? Хотин, қишга пальто олиб беринг, деяётгандай бўлувди. Болаларнинг ўқишига...

У бирдан ўзининг пулни бермасликка баҳона излаётганини фаҳмлаб қолди. Йўқ, буни дарров ҳал қилиб бўлмайди, деди яна ўйланиб, бир четга чиқишим керак. Обдон пишитиб оламан. Чол сабр қилиб туради. Балки, озроғини беришга тўғри келар? Шундай қилса билинмайди. Масалан, элликдан. Йўқ, бу жудаям оз. Ҳеч бўлмаса юздан. Кўп эмасми?..

Жонига Лапас манқа оро кирди:

— Ғанивой, бир чой босиб келинг. Аччиқроқ. Қаймоқли, устида чумоли ўрмалайдиган бўлсин. Сиз, ҳарҳолда, ичимизда ёшроқсиз. Набивой ҳам бўшаб қолди. Келинг, полвон. Чой ичиб кетинг.

— Хўп, ҳозир бораман, — деди кассир увишган оёқларини уқаларкан.

Ғани чўлтоқ севиниб кетди. Чойнакни олиб ошхонага қараб юрди.

«Кўпчилик олдида беришга уяляпти, — дея Жуман бобо кўнглидан кечирди. — Тушлик энди бошланяпти. Беради, кутиб турай».

Ғани шийпоннинг орқасидаги қуюқ толлар билан ўралган ҳовуз бўйига келиб атрофда ҳеч ким йўқлигидан севиниб кетди. Одамларнинг гап-сўзлари, кулгилари бу ергаям эшитилиб турарди. Аммо унинг кўлоғига гап кирмасди. Бахтига, аёллардан бирови чой дамлаб самоварга совуқ сув қуйиб кетибди.

«Ҳар ойда етмишдан бериб борсам-чи? Унда бир йилда саккиз юз қирқ бўларкан. Саксондан-чи? Ун ойда саккиз юз, икки ойда бир юзу олтмиш. Жами тўққиз юз олтмиш бўлади. Қирқ сўми қоларкан. Бу орада шу қирқ сўм эсидан чиқиб кетади. Шундай қиламан, энди ҳамма гап ойма-ой бериб боришимда. Яна бир нарсани баҳона қилиб...»

Шу вақт хаёлида «бировнинг ҳақини еб кетишдан кўрқмайсанми?» деган овоз эшитилгандай бўлди. Ҳаммаси бўлмағур гап-сўзлар, деб кулди у, Жуман бобо худомидики, ундан кўрқсам. Аввало, худо деганлариям йўқ нарса. Шундай экан, қарзимни бермади, деб бирор жойга арздод қилолмаса. Хўш, бермаганимда кўлидан нима келарди? Энди, қишлоқчилик дейсан-да, бўлмаса... Бўрон дostonчи нима қилди? Ичида сўккан, албатта. Бундан нима фойда. Майли, бу ёғи бир гап бўлар. Ҳозир саксонни берай-чи. Қани, энди киссага!

У қўлларига буйруқ бериб пулни олиб чиқишга ундади. Ҳай-ҳай, қўллари унга бўйсунмасди. Чўнтакка кириш ўрнига фақат ташқаридан, шимнинг устидан силайди. Бу орада Лапас манқа, «Ғанивой, чойни олиб келинг», деб қичқирди.

Ўн минутча олишувдан сўнг ниҳоят қўллар таслим бўлди. У саксон сўмни қайта-қайта санаб, бир парча қоғозга ўради, кўкрак чўнтагига солиб қўйди: ҳамма тарқаб, чол эшагига минаётганда бераман. Ҳаражат кўпайиб кетди, деб бола-чақани ўртага қўшсам индамай олади. Кўнгли бўшроқ.

Тушлик тамом бўлди. Одамлар ишга кўзғалди. Кассир мотоциклини миниб қўшни бригадага жўнади. Жуман бобо Ғанидан кўз узмай эшагига қараб юрди.

— Шундай келиб туринг, — деди Лапас манқа.

Чол эшагига минаётганда Ғани келди.

— Ердамлашиб юборайми?

— Йўқ, ўзим.

— Шунини олиб қўйинг, — Ғани чолга тик қарай олмади. Қоғозга ўроғлик пулни қўллари қалтираб узатаркан, юзини четга бурди.

— Нимайди бу, Ғанивой?

— Қарзингиз. Ойлик яхши чиқмади. Озроғини олиб туринг.



— Қанча?

— Саксон сўмча.

Чол пулни олишним, олмаслигиниям билмади. Мияси қизиди. Ниҳоят, ўзини босди. Ҳамроҳининг оқаринқираган юзига қаттиқ тикилди. Кўзлари тўқнаш келишини пойлади. Аммо Ғани кўзларини бошқа ёққа маънисиз тикиб турарди.

— Қайтариб, чўнтагингга солиб қўй. Сенгаям қийин, бола-чақанг билан ишлайсан, рўзғор тебратиш осонми. Топганингда берарсан. Менга ҳозирча пул зарилмас.

Чол кўп гаплар айтмоқчи эди. Лекин айтолмади...



Муҳаммад Юсуф

СОЧЛАРИ ОППОҚ ОНАМ— ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

Орол

Хаста ҳолинг, хаста ўйга ботурсан,
Бемажол, бемадор, беҳол ётурсан,
Додинг билан дунёни уйғотурсан,
Қуриб қолма, Оролим онажоним!

Оқу қаросисан ўзинг кўзимнинг,
Насибамнинг наслу ризқу рўзимнинг,
Сувинг қуриб, қуритмагил изимни,
Қуриб қолма, Оролим онажоним!

Энасойинг келолмасдан йиғлар зор,
Сенга мадор бўлолмасдан йиғлар зор,
Балиқларинг кўзларида савол бор,
Қуриб қолма, Оролим онажоним!

Қирғоғингда қовжираган далангман,
Тўлқинингман, титроғингман, нолангман,
Мен ҳам битта йиғлаб турган болангман,
Қуриб қолма, Оролим онажоним!

Офтоб чиқар, офтоб ботар, боқ бағрим,
Дунёни сув босиб ётар, боқ бағрим,
Сендан бўлак юпанчимиз йўқ бағрим,
Қуриб қолма, Оролим онажоним!

Йўқлов

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Айтсам адо бўлмас армонларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағримни ўртар бир танбур навоси,
Шуми шоирингга элнинг вафоси?..
Тошларнинг остидан келиб садоси,
Ҳамзанг ётган Шоҳимардонларинг бор...

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор,
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор
Жайрондек термилган Чўлпонларинг бор.

Кўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайиндарга айтиб «Қаро кўзим»ни
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг — менинг фиғоним,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.

Илтижо

Алда мени, севгилим...

Рауф Парфи

Алда мени,
Алдагани ўзим яхши,
Нима десанг мен барига ишонаман.
Қизғалдоқдай қизлар кулиб турса боқмай,
Суйиб, сени сайлаган шўр пешонаман.

О, юзлари тўлин ойдан чиройлигим,
Гоҳида гул, гоҳида тош юраклигим,
Бу дунёда ҳаммадан ҳам кераклигим,
Алда мени.

Ерда юрсам, кўролмасин дўстим, сотсин,
Юлдузга бош қўйиб ётсам, тошлар отсин,
Офтоб чиқса, кўкрагимга чўғлар ботсин,
Алда мени.

Алда мени,
Алдагани ўзим яхши,
Суйдим-куйдим, кўрмай қолди кўзим
яхши,
Сенга танҳо, сенга топган сўзим яхши,
Алда мени...

Момо ҳаёт мужгонларинг нимага нам?
Менга нима, бўлса агар дунё бир кам?..
Кел, азизам, кел, ёлғизим, кел хотиржам,
Алда мени.

Алда мени. Алдамасанг кунинг ўтмас.

Онамга хат

Мен сизни ўйлайман, шому саҳарда;
Она, соғинсам ҳам бора олмайман.
Тунлари чароғон шундай шаҳарда,
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмайман.

Мен сиз айтгандайин ҳаммани севдим,
Ҳаммага ишондим, мана оқибат.
Ўз дўстим уйига кўмилди севгим,
Кун бўлиб кўксимни куйдирди нафрат.

Бошимдан ўтгани кўкка ҳам аён,
Юлдузлар қиқирлаб кулар оқбадан.
Мен — зангор яйловда олис, бепоён.
Уюридан ажраб қолган қулунман.

Мана, кетаяпман, тош йўлда кўзим,
Қадамим мошинлар йўрғасига мос.
Йиғласам юпатиб ўзимни ўзим,
Пишқириб қўяман тойчоқларга хос.

Ва сизни ўйлайман шому саҳарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмасдан.
Тунлари чароғон шундай шаҳарда
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмасман...

Ҳа, севги ҳақида. У дилга не зеб,
Куйинманг, на илож қилмаса насиб.
Бахтимга ҳамиша сиз соғ бўлинг деб,
Соғинган ўғлингиз — Муҳаммад Юсуф.

Севги...

Севги бамисоли лолақизғалдоқ,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Алвон бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимни суқдим —
Қизил кўйлакли бир қизгина кулар:
Бундай боқма менга, уқдингми? Уқдим...
Буни бир мену бир капалак билар.

Ўша оққанотим учдию кетди,
Унинг умри бир кун — чошгоҳда ўлар.
Момо ер айланиб манзилга етди,
Буни бир мену бир чархпалак билар...

Севги бамисоли фарқ пишган шотут,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Севдингми, юз йил кут, севмасанг унут.
Бунисини мену бир малак билар.

У мени кутади юз йилдан сўнг ҳам,
Кўр бўлиб қолгунча йўлга термилар...
Севги менинг ҳамма дардимга малҳам,
Буни бир ўзим у бир юрак билар.

Бор бўл...

Шерали Жўраева

Бор бўл бағримда мудом,
Утли имоним менинг.
Қон бўлиб кетганда ҳам,
Танимда бу жоним менинг.

Менга бу жаҳон надир,
Шухрат надир, шон надир?!
Топмасам — топсам қадр
Булбулдир забоним менинг.

Аҳли ағёрлар яшанг,
Пашшадан филлар ясанг.

Сиз туфайли бўлмаса
Бўлмасин хуш оним менинг.

Эй юрак, эй сен юрак,
Менга сендай дўст керак.
Йўқ экан сендан бўлак
Бир меҳрибоним менинг.

Бор бўл эй тупроқ далам,
Сенга таъзиму салом,
Сочлари оппоқ онам —
Ўзбекистоним менинг.

* * *

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч,
Сенки, омон экансан...

Қиз суйдинг — бўлди армон,
Этакка тўлди армон.
Бўлди, сени бағримдан
Юлиб ўтга³ отарман...

Дўст тутиндинг — ёв чиқди,
Елкамга найза суқди.
Сенинг билан сиғиниб,
Юрган йўлда ғов чиқди.

Ана, севгим — учган ўқ,
Муздек тошни қучган ўқ.
Этакка тўлди армон.
Кўриш бору тўкиш йўқ.

Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб сувга отарман.
Қирғоқларда кум билан
Қучоқлашиб ётарман...

Чунки, ёмон экансан,
Юрагим, қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч,
Сенки, омон экансан.

● ИНҚИЛОБНОМА ●



Ит хурди, қарвонлар олдинга босди,
Йиқиб зўр ғовларни, интилиб олға,
Қурашларда енгди, тоғлардан ошди,
Ғолиблик символи ўроқ ҳам болға.

Собир Абдулла

* * *

Кел, эй шавкатли Октябрь, бўлурмиз шодмон ишлаб,
Ватан тупроғини қилдик туганмас пахта кон ишлаб.
Яша, йиллар, яша, бизларга порлоқ нур олиб келдинг,
Қизил байроқ билан қарши олурмиз ҳар қачон ишлаб.

Ҳабибий



Асад Асилов

ИККИ ҲИКОЯ

СУВОҚЧИ

Чўяндек оғир, бир табақали кўча эшик «ғийқ» этиб очилди. Қуёш нуридан ранги унниқиб кетган қийиқ билан пешонасини танғиб олган Холмат сувоқчи: «Ё пийрим», дея барваста гавдасини базўр ичкари олди. Кираверишдаги — ҳовлининг чап биқинидаги ўтинхона, унга ёндаш сомонхона ҳувиллаб ётарди. Навбат кутиб турган бу ташвишларга кўзи тушган заҳоти қариянинг хаёлига қаҳратон қиш келиб, юраги орқага тортди. Уста юзини беихтиёр четга бурди. Бу томонда эса қўшни ҳовлисини тўсиб турувчи пахса деворга туташтириб қурилаётган ошхона. Унинг ҳам томи ёпилмаган, ичу тоши сувоқсиз. Уста қаёққа қарамасин, ўзи бажариши лозим бўлган ишларга рўпара келаверди. «Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганларини шу экан-да...» — дилидан ўтказди у. Чарчоғи ўн чандон ошиб, пешайвондаги пўстакка оғир чўкди.

Аввалдан уста Холмат суваган уйдан қут-барака, тотувлик аримасди. Унинг оладиган иш ҳақи ҳам бир пайтлар қанча бўлса шунчалигича қолган, устига-устига иши пишиқ. Шу боисдан қачон бўлмасин, эшигида мижозлар тирбанд. Улар ҳол-жонига қўйишмайди, «Қўлим бўш эмас», деб оёқ тираб турса ҳам, пул ташлаб кетишаверади. Сувоқчининг «тизгини»дан маҳкам тутиб олишиб, яна ҳотамлик ҳам қилиб қўйишади: «Қўлдор теккандан суварсиз бўлмаса биз рози...» У пулни олиб қолгач, қарздор қилганнинг уйини суваб бермагунча ўлиб бўлади, бирон кеча тинч ухлай олмайди. Бировнинг юзи иссиқ, бировнинг кўзи.

Бундай ҳаёт сувоқчининг жонига тегиб кетди. Уйлай-уйлай, ўзича бир қарорга келди. Аввалдан ширинкома бериб ипсиз тузоққа илинтириб оладиган «бойвацча»ларнинг таклифларини рад этадиган, тармашаверганларни эса қаттиқ жеркиб қайтарадиган бўлди. Бундан ранжиган мижозларнинг айримлари кўчага чиқишгач: «Чўнтаги қаппайиб, босартусарини билмай қолганми дейман», «Жир битибди шекилли» дейишиб пўнғиллаб кетишарди.

Аслида, Холмат акага «жир битиши»га ҳали анча бор эди. Кетма-кет ўсаётган олти қиздан энди учини узатди. Қолганлари ҳам бўй этиб туришибди. Кенжа фарзанд — ўғил. Кўзининг оқу қораси — ўғли келгуси йил мактабга боради. Устанинг яна бир нияти — Эгамберди ўқишга боргунча юртга ош бериб, кўпчиликнинг ичида бош кўтариб юриш...

Ташвишлар гирдобида қолган уста, титраб турган қўлини чўзиб, эскириб кетган ёстиқлардан иккитасини чап ёнбошига тортди. Ҳафсала-сизлик билан олача дастурхонни ёзиб, суви қочган нонлардан бирини қарсиллатиб ушатди. Унинг шарпасини эшитиб Хайри хола ичкаридан овоз берди:

— Қорнингизни қуруқ нонга тўйғазиб қўймай туринг, бой бўгур, ҳозир шилпилдоқни сузаман!

— Бормисан, хотин!— деб юборди уста беихтиёр. У оғзига қуюлиб келган сўлакайини қулт этиб ютаркан, дастурхондан қўлини тортди.

Хайри хола хамирни юпқа ёяр, қайласини ҳам ғоят лаззатли тайёрлар эди. Сувоқчи қорни очиб келган маҳалларида хотини пиширган шилпилдоқнинг бир-икки лаганини кўрдим демасди. «Қанийди, кунига бўлмасаям кунора шунақа овқатлар пишиб турса! Афсус, қўл қурғур калтароқ-да,— ўй ўйлаб ётган сувоқчининг хаёлига бир жумбоқ лоп этиб келиб қолди.— Уйда ун, гўшт туговди чоғи. Хотиним тушмагур, масаллиқларни қайдан олдийкин?» Сувоқчининг фикру зикрини яна бир талай ғалвалар чулғай бошлади.

Холмат аканинг кўпдан интиқ кутаётган, ўлиб-тирилиб интилаётган бир марраси бор эди: ҳамма қизларимни узатиб қутулсам, олдимдаги тоғлардан ошиб, тинч кунларга етсам, дерди. Уч қизини узатиб, «ярим довонни ошдим-а!» деб қувонган уста кутилмаганда янги ташвишларга йўлиқиб қолди. Тўнғич қизи тўй тараддудида юрган экан, тунов кунни ҳовлиққанча кириб келди: «Мана, неvara тўйи кўрадиган бўлдинглар!» Буни эшитиб отани даҳшат босди: «Қизим тушмагур той сўраяпти, шекилли!» Яқинда кўз ёрган учинчи қизининг қайнонаси эса: «Қачон бешик берасизлар», дея сўрагандек бўлди. Сарпо-марпоси билан той ясатиш учун икки-уч минг, бешик беришга камида минг сўм кетади. «Оббо бу ўт тушгур ҳашамларининг болалаб бораётганини-чи!» Сувоқчи ётган кўйи узун уф тортиб юборди.

— Мана, бой бўгур, бемалол ейвуринг, яна икки зувала бор, камба-ғалнинг бир тўйгани чала бойгани-да!— деди Хайри хола буғланиб турган шилпилдоқни келтириб хонтахтага қўяр экан. Холмат аканинг томоғидан шилпилдоқнинг ярми ҳам ўтмади. У лаганни нари сурди-да:

— Хайри, бу ёққа кел-чи... Шошма, пулниям ола чиқ!— деди. Уста йиққан пулларини эски белбоққа тугиб асрар, ҳафта сайин бир санаб қўярди.

Хайри хола алоҳал ичкари кириб, пултугунни кўтариб чиқди. Уста бармоқларига туфлаб пулларини қайта дасталар экан, Хайри хола ун юқи муштини энгагига тираганича, кирлаб, ғижимланиб кетган бир, уч, беш, ўн сўмликларга ғамгин қараб ўтирарди. Ҳар замонда эрининг юзига зимдан назар ташларди.

Сувоқчи пулни санаб бўлгач, хотинига хушнуд қиёфада боқди:

— Аввалги гал чатоқ санаганман-ов, пулимиз сал кўпроғаканми дейман-а, Хайри? Гўшт, унимиз соб бўлганиди...

Хайри хола дастурхон четини сийпалаб ўтирар, ҳадеганда жавоб бермас эди. Ниҳоят, овози олинган бир алпозда деди:

— Уйда ким бўлсаям келсин, деб раис чақиртирганакан, борувдим. Аввал сизни сўради. Бир қоп ун, пича гўшт-ёғ, яна ул-булларни мошинага орттириб берди. Кейиндан юз эллик сўм пул ҳам узатди. Булар қай хизматимиз учун деб сўрасам, «Холмат акамизнинг вақтлари бўлганда ўғлимизга атаб қурган участкамизни суваб берар, шу кишининг қўлларидан чиқишини ният қилувдик. Булар ҳозирча хамир учидан патир», деди. Раисга йўқ деб бўладими, олдим. Уста акага айтинг, бирор камчилиги бўлса тортинмай келиб турсин, деб тайинлади. Шуниям қўшиб қўювдим...

Сувоқчи бармоқлари қалтираб ғазабини босолмай Хайри холага ўшқириб юборди:

— Ҳў, ёлғондака чақирса ростакамига раисникига югургилаган сандақа ғирридан ўргилдим! Ҳозироқ яна орқангга ғириллайсан-да, топган матоҳингни кимнинг қўлидан олган бўлсанг, шунга топшириб келасан!..

Ҳалигина пайпаслаиб юрган Хайри хола бу гапни эшитган заҳоти эрига чақчайиб қаради.

— Ҳа, бирор айб иш қилибманми, битта-яримтаси мани раисминан тутволибдимми?!— деди овозини баралла қўйиб.— Нима иш қилган бўлсам болаларимиззи, тирикчилигимиззи, сиззи ўйладим. «Мижоз келмай қўйди», деб ўзингиз ваҳима қилиб юрувдингиз-ку! Раис бошқалардан кам тўламас, ҳозир — қил сифмай турганда бирор йиртиғимизга ямоқ бўлар ҳарна!— Бу гаплардан эрининг шашти анча пасайганини кўрган аёл энди ялпизлашга тушди,— қирқига чидаган, қирқ биригаям чидангда, бой бўгур...

— Хўп, қирқ бирига чидай, локин, эллик иккисига-чи?! Бу — ҳашам деган балоларнинг охири кўринмавотти-ку!..

— Ношукр бўлманг, бой бўгур,— эридан гапни олди Хайри хола.— Бундан бешбаттар оғир кунлардаям ғиринг демаган одам... Келинг, қўйинг, сафар ойи кирмасдан бурун бешик берволайлик. Шу галгаям бир амаллаб туриб беринг, отажониси! Болта тушгунча кунда дам олар деганларидай, кейингилари бир гап бўлар...

Уста хотинига бирпас тикилиб турди-да, ҳеч нарса дея олмай бошини қуйи эгди. У хаёл сураар экан, сочи тап-тақир қилиб қирилган хумдек боши тобора пастлаб борарди. Хайри хола эрини кўндиргандай... Яна гапирса зўрға қурган «иморати» бузилиб кетадигандай, юрак ҳовучлаган эди.

Шу пайт эшик ғийқиллаб очилдию бир-бирларини қувалашиб, чақчақлашиб уч опа-сингил кириб келишди. Бир-икки ёш фарқ қилишларига қарамай, Аломат, Саломат, Маърифат баравар етилган эди. Аломат билан Саломат колхозда ишлашади, аммо топганлари ўзларидан ортмайди. Маърифат ҳам ўнинчини битириб, опаларига ёрдамга чиққанди. Тушлик қилиш учун даладан қайтишган қизларнинг ҳусн-тароватию шўх-шонликлари кишининг ҳавасини келтирадиган эди. Бироқ, шу тобда, Хайри хола қизларига: «Дадангизнинг аҳволини кўрмаяпсизларми!» деган маънода пўписа қилди. Уч қиз югура келиб сувоқчини қуршаб олишди.

— Дада, сизга нима бўлди? Тобингиз қочдимми? Бошингизни кўтаринг, дадажон!— дейишди бирин-кетин.

Сувоқчининг бош кўтариши қўйин: елкасидан босиб турган юк уни тобора эзиб, янчиб бормоқда эди. Қарамаса ҳам кўриб турибди: қизларининг усти жуда юпун. Уларни ясантириш учун пул йўқ эмас, ана: даста-даста турибди. Аммо ҳар бир сўмнинг ўрни бор: той ясатиш, бешик бериш, қиз узатиш, юртга ош... «Тўйни тинчлик, хотиржамлик, хушнудлик нишонаси, дейишарди. Авваллари чиндан ҳам тўйлар шодлик белгиси бўлгучийди. Ҳар ким чоғига қараб юртга ош берар, қиз чиқарар, ўғил уйлантирарди. Энди-чи? Эндиги тўйлар нақ балойи азим. Айниқса, Хайрига ўхшаганларга худо берган. Чиранмаса, гўёки ўлиб қоладигандек...»

Уста яна оғир уф тортиб бош кўтарганда, она ишораси билан қизлар ичкарига кириб кетишганди. У анчадан сўнг гавдасини аранг кўтариб ўрнидан турди, бир-бир босиб, шошмасдан кўча томон юрди. Йўл-йўлакай устахонага кириб, камдан-кам ҳолларда ишлатадиган энг зўр андавасини, деворга тиралган газчўпни олди. Лапанглаганча бориб, «Ё пирим» дея пастак эшик оша ташқарига қадам қўйди. Катта йўлда бир оз хаёл суриб туриб қолди. «Нима учун кўчага чиқдим, қаёққа кетяпман ўзи?— Анча ўйлагач, эсига келди,— Маҳкамникига борсаммикин ёки Чаққон раисникигами? Маҳкамдан ҳали бир тийин ҳам олганим йўқ. Чаққондан эса... Нима бўлгандаям, қарздан қутулишим керак.» Холмат ака оғир-оғир одимлар билан чап кўчага қараб кетди...

Раиснинг кўчасига бурилган уста хон қасридек баланд, катта бинога кўзи тушиб, бирдан дармони қуриди. Сувоқчининг қаршисида ўттизга-ўттиз, баландлиги беш ярим-олти метрга борадиган қўшқаватли уй намоён бўлди.

Пастки қавати хом ғишдан, болохоналари қўшсинчдан тикланган бу баҳайбат кошонанинг ичу сиртини аввал қорасувоқдан, кейин қумсувоқдан чиқариш лозим эди. Уйнинг гир атрофига белгача ботгулик лой қориб ташлаган уч-тўрт йигит келиб уста билан сўрашишди-да, уни ичкарига бошлаб киришди.

— Раис тайинлаб кетди, ишни мана бундан бошлар экансиз,— деди улардан бири катта хонага ишора қилиб. Сувоқчи бўйдан баланд «эшак»ка инқиллаб-синқиллаб зўрға кўтарилди. Қўлига андавасини олиб чамалаб кўрди: кўли шифтга тўрт энлик етмади. Еғоч «эшак» тагига тахта қўйишни буюрди. Йигитлар устани туширмасданоқ қалин тахталардан иккитасини «эшак»нинг оёқлари остига ўрнатиб, уни анча баландлатишди. Энди Холмат аканинг ишга киришишдан ўзга чораси қолмаган эди. У қорни очилган кўйи шифтга осилиб хонани сувай бошлади. Сувоқчи ҳар қачонгидан анча суст ишлар экан, нимагадир юрагидан ваҳима аримас эди. «Раис бир илинтирдими, энди қўймайди,— ўйларди у.— Бутун ёз тиришгандаям бу жаҳаннамни битира олмасам керак! Бехосдан...»

— И-й-й, устака, ҳазир бўлинг! — деган ҳайқириқ унинг қулоғига чалингандек бўлди. У оёғини «эшак»нинг энг чекка қиррасига босганича чап ёнбошига ағдарила бошлаганди.

Йигитлар ёрдамга бараварига югуришди, аммо улгуришолмади. Холмат ака шу аснода бутун бўй-боши билан гурсиллаб йиқилди-ю, кўзларидан ўт чақнаб кетди. Йигитлар сувоқчининг бошини тиззага олишиб, оғзи сув тутишди. Бирпасдан кейин Холмат аканинг кўзлари ярим очилди.

— Уйимга оборинглар...— дея зўрға шивирлади уста.

Уч кунгача ўзига келмай ётган сувоқчининг тўртинчи куни тонг маҳали... кўзлари секин очилди. У анчагача тикилиб ётиб, тепасидаги башарани аранг таниди.

— Одамнинг юрагини ёрай дедингиз-а, хайрият... Фалокат бўлгандами, бизни кўролмайд юрганларнинг эшаклари эгиз туғарди-да, устака!— сувоқчини қўлтиғидан суяб, ўтиришга ундади раис.— Бу дейман, йигит одам чўзилиб ётаверса ярашмас экан, қани қаддингизни бундай...

Сувоқчи сал кўтарилган эди, кўз ўнгидаги нарсалар айқаш-уйқаш бўлиб, гир-гир айлана бошлади. Яна қайта чўзилиб сал ўзига келгач, у шивирлагандай қилиб деди:

— Энди манда ҳол-қудрат йўқ, раис. Битта-яримта ишхонагами, бошқа усталаргами суватарсиз уйингизни. Хотинимга айтаман, бизга ўтказиб қўйганларингизнинг ҳаммасини қайтариб беради...

— Ундоғмас-да, устака, бўлмаган гапни қўйинг,— астойдил «хафа бўлди» раис.— Мен бу ерга нарса сўраб эмас, сизнинг соғлигингизни билгани келдим. Сўратмаган дўхтиримиз қолмади ўзиям. Бошингиз сал лат еган экан, тез кунда тузалиб кетасиз. Уйни суваш масаласига келсак, устака, ўзингизнинг қўлингиздан чиқишини ният қилганмиз.— Раис сувоқчининг бошига яқин энгашди,— дўст бор, душман бор. Сиз оғзи маҳкам, имонли одамсиз. Қолаверса, шошилмай, ишни яхши қиласиз. Майли, бизнинг уй— сувоқчилигингизнинг охири бўлсин. Кейин пенсиянгизни кўпайтириб берамиз, дўппини яримта қилиб юраверасиз...

Бу гапларни эшитган Холмат аканинг энсаси қотди: «Э, бу ниманиям тушунарди!»

У юзини терс буришга мажולי етмай, чор-ночор кўзларини яна юмди...

ТУЛКИ БОЛАСИ

Ўрмон мерган кўзи илиндими-йўқми, тонг бўзара бошлаганда ўрнидан туриб кетди. Уғилчасининг ҳарорати баланд — туни билан инграб чиққан эди. Уйқуга қонмаган овчининг бундан кўнгли ғашланди. Устига-устак кеч куз эмасми, қибладан изғирин аралаш совуқ туман ёпирилиб келарди.

Бунақа мижғов ҳавода иссиқ уйдан изғиринга чиқадиган мард камдан-кам учрайди. Уша тиңиб-тинчимаганлардан бири — Ўрмон полвон. У кўнглига бир ниятни тугдими, тамом, осмон узилиб ерга тушса тушарки, аҳдидан қайтмас...

Мерган сув ўтмас камзулини елкасига ташлаб, шапкасини бостириб кийди. Оҳиста, аммо чаққон қимирлаб, керакли ов анжомларини сафар

халтасига жойлади. Залворли сўйили, ов пичоғини ҳам унутмади. Қўштиғни елкасига осди-да, ҳовлига тушди. Кўчага уч-тўрт одим ташлаган овчи тўсатдан шарт ортига бурилди. У яна оёқ учида юриб келди-да, ўғилчаси ётган хонага мўраллади.

Туни билан қўйналиб чиққан бола оғир нафас олар, ҳарорат зўридан унинг иккала юзи нақшдек қизарганди. Хотини эса ҳамон ухламай, ўғилчаси бошида мудраб ўтирарди. Раҳима эрининг шарпасини сезиб унга томон бурилди.

— Бугун овингизни қўя қолсангиз бўларди. Ахир туни билан кўз юммадингиз, бир ёқдан ўғлимиз бу аҳволда,— деди у ғамгин товуш билан. Овчи хотинига ўқрайиб қаради. У ўзини «йўлдан урадиган»ларни ёмон кўрарди. Барибир хотинининг гапи таъсир қилди, бир-бир босиб ўғлининг қошига келди. Оҳиста чўкиб боланинг юзига тикилди.

Ота шарпасигами ёки она шивирини эшитибми... ўғилчанинг кўзлари очилди. Отасини ёнида кўрса болакай ҳар доим руҳланиб кетарди. Ҳарорат зўридан товуши зўр-базўр чиқаётган бўлса ҳам у «сир бермай» сўради:

— Манга нима оптеласиз, ада?

— Узинг қалайсан, касал бўлсанг тоққа бормай қўя қолай,— деди полвон.

— Мана, ман тузалдим,— дея ўғли ётган жойида бир кўзғалиб қўйди-да, яна бояги сўзини қайтарди,— тоғдан нима оптеласиз, ада?

Мерганнинг назарида ўғли чиндан ҳам тузалаётгандек, иссиғи пасайгандек эди. Бундан кўнгли пича таскин топгач:

— Тулки боласи обкеб бераман, ўғлим!— деди овчи, бемор боласини юпатиш илинжида хаёлига келган гапни айтиб.— Сен-чи, ўрнингдан қимирламай, мен қайтгунча яхшилаб тузалгин, хўпми?

— Хўп. Сиз-чи, тилигини обтелинг адажон, хўпми?

— Ҳа, ҳа, албатта тиригини...— дея овчи дарҳол эшикни ёпди. У ўғли қошида яна бир оз турса, бу ердан бутунлай чиқиб кета олмаслигига кўзи етган эди.

Мерганнинг ови ҳадеганда юришавермади. У чангалзорлар оралаб кетган ён йўллар оша бир қопқондан иккинчисига ўтар, бироқ улар қандай қўйилган бўлса шундайлигича турарди. Кейинги иккитаси чопиб кетиб, ов ўрнига тупроқни кўтариб турган кигиз парчаларини қисиб қолганлиги унинг кўнглини баттар ғаш қилди. Ҳавонинг авзойи бетиним айниб бормоқда эди. Изғириннинг аччиқ захри етмагандек, бирдан қор бўралай кетди. Пастдаги сой шовқини қулоққа аллақандай нохуш ноладек эшитилар, устига ҳўл қорни ортмоқлаб олаётган буталарнинг бошлари эгилгандан эгилиб борарди. «Бугун овга чиқмасам бўлар экан,— афсусланди овчи.— Майли, охирги қопқонни ҳам бориб кўрайин-чи...» Тоғ ёнбағридаги барча майда йўлларни бирлаштирган жойга қўйилгани учун Ўрмоннинг сўнги илинжи шу қопқондан эди. Чиндан ҳам қопқон қўйилган жойида кўринмасди. Чуқурча очилиб ётар, тезаклар ва лойга айланган тупроқ ичидаги кигиз парчасини аллақачон қор кўмиб юборган эди.

Қопқонга боғланган шох излари овчини сой томон бошлади. Ўрмон ҳовлиққанча гоҳ югуриб, гоҳ тийғониб пастликка тушиб борди. Катта шаршара қошидаги олча дарахти панасида анча етилиб қолган тулки боласини кўргач, юраги таскин топди. «Тириқлай олиб бориб, ўғлимни севинтирадиган бўлдим!»— деган хаёл кўнглидан ўтди.

Одам шарпасини сезган жонивор шартта бурилиб, мўлтиллаб қаради. У ажал муқаррар эканлигига иқрор бўлибми ёки шафқат кутибми... дам Ўрмонга, дам унинг қўлидаги сўйилга термиларди. Одатда, қопқонга тушган ҳайвон одамни кўрди дегунча талпиниб, юлқингувчи эди. Бу тулки боласи эса, нимагадир, шумшайганча ўтираверди.

Ўрмон тулкининг милтираётган кўзларига қараб, юраги жиз этди. Бу кўзлар ўғилчасининг азонги боқишларини эслатиб юборган эди.

Шу пайт тулки оёғининг қопқонга қисилган жойига овчининг кўзи тушди. Оёқ суяги чўрт узилиб кетган, пайларгина овни ушлаб турарди. Бир-икки юлқинса, пайлар узилиб, тулки қутулиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ўрмон ҳар эҳтимолга қарши сўйилни ўнглаб олди.

Овчининг кўнглидаги шум ниятни сездими, тулкича қопқондан қутулиб кетиш учун бирдан жон-жаҳди билан уриниб қолди. Мерганнинг назарида тулкини қопқонга боғлаб турган пайлар узилиб кетгандек бўлди. У беихтиёр сўйил билан урди. Уришга урди-ю, тулки боласини тирик сақлаб қолиши кераклиги ёдига тушиб, бутун борлиғи зириллаб кетди. Аммо... бўлар иш бўлган эди. Шу бир зарбанинг ўзидаёқ жонивор тил тортмай қолди. Ўғлига эса тирик тулки боласи керак эди. У мўлжалдаги жойларга яна қопқон қўйди.


Овчи ҳолсиз одимлар билан тоғдан уйига қайтиб тушганда ёлғиз боласини «тез ёрдам» олиб кетган эди. Ўрмон полвон ўпкасини қўлтиқлаб шифохонага югурди.

Ота нафасини сезгач, ярим беҳуш боланинг киприклари оҳиста пир-пиради-да, бир-бирдан узилди. Унинг тимқора кўзлари жавдиради, жилмаймоқчи бўлди, қўлчаларини аранг кўтариб, отасига чўзди. Ўрмон тоқат қилолмади, боласини даст кўтариб бағрига босди. Унинг қулоғи остида ўғилчасининг ҳолсиз шивирини эшитилди:

— Ада, манга тилик тулки боласи обтелдийми?!

Эртаси, тонг маҳали овчи жаҳд билан яна тоққа жўнади. Кун очилиб кетган, улуғвор чўққилар орасидан мўралаётган қуёшнинг заррин нурлари остида улкан тошларни ва ер бетини қоплаган оппоқ қор кўзни қамаштирарди. Туни билан совуқда очиқиб қолган какликлар булоқ бўйларидидаги очиқ жойларда тимирскиланиб юришибди. Каптарлар қиров кетишини кутиб, тошларнинг устида ғуж-ғуж бўлиб ўтиришибди.

Аввалги пайтлари бўлганда-ку Ўрмон мерганнинг ови зап бароридан келарди-я! Аммо у ҳеч қаёққа боқмай, қопқонлари томон шашт билан борарди. Бугун биринчи қопқондаёқ иш юриша бошлади: унга катта бўрсиқ илинибди. Жонивор овчини кўргач, бир амаллаб қутулиб кетиш учун жон-жаҳди билан юлқинишга тушди. Буни кўрган Ўрмон дўстларининг «топшириғи»ни эслади. «Бўрсиқ илинтирсанг, гўштини қайнатма қиламиз, ёғига ош дамлаймиз», дейишганди улар. Овчининг тишлари беихтиёр ғичирлаб кетди, совуқданми ёки бошқа сабабданми, кўзидан чиққан ёшни увушиб титраётган мушти билан артди. Сўнг ўнг қўли билан бўрсиқнинг бўйнидан ушлаб турди-да, оёғини қопқондан чиқариб, қўйиб юборди. Бўрсиқ озод бўлганига ишонмагандек, овчига бирпас серрайиб қараб турди, кейин уч оёқлаб чопганича ўзини чангалзорга урди. Овчи ҳамма ўлжаларини озод этгач, кеча тулки боласи ўлдирилган жойга қопқонларини олиб тушиб, катта тошлар билан уриб синдира бошлади. У хунук овозда баралла йиғлаб, қопқон синиқларини ҳар томонга улоқтирарди. Паррандаю даррандалар бу телба одамнинг хатти-ҳаракатларига ҳайрон қолгандек, кавак-каваклардан, тош ва шох-шаббаларнинг паналаридан бўйинларини чўзиб қараб турардилар.



Музаффар Аҳмедов

ХОТИРАМ СЕНИКИ, ЭЙ МУМТОЗ ПОКЛИК

Дераза олдида

1

Азонда дарахтлар турар мунғайиб,
Ёмғир пешингача ёғажак ҳали.
Хаёлингда эса борар улғайиб
«Мен яхши одамман», деган тасалли.

Бу ширин хаёлдан ҳаприқар юрак,
Ахир у, биродар, жуда мазали.
Ҳар кимни яйратиб юборар бешак:
«Мен яхши одамман», деган тасалли.

Энди қараб турма, фикрни кенгайт,
Тағин юксакроққа кўтарил, балли!
Мен яхшиман дема, буюкман деб айт,
Бунча қудратлисан, эй сен, тасалли!..

2

...Шу пайт, ўз-ўзи-ла гаплашиб ўтар
Жиккаккина кампир — ҳассали.
Бирдан кўкрагингга тиф бўлиб ботар,
Боягина жўшиб турган тасалли.

Қарайсан, кампирнинг уст-боши юпун,
Ажин босган юзи — ташвиш, ғуссали.
Унинг кўлидаги саватин, юкин
Енгил қилоларми бирор тасалли?!

Кампир ўтиб борар.
Бужмаяр қалбинг,
Энди унга сизар на ер, на осмон.
Кампирга термилиб нечун жим қолдинг,
Хаёлингдан нелар кечди, эй инсон?..

...Емғир дарахтларни ҳамон тиглайди,
Кампир ҳам букчайиб ташлайди қадам.
Дераза олдида сассиз йиғлайди,
Гуноҳи қалбига сиғмаган одам.

Муҳаббат чин эди...

Муҳаббат чин эди,
Вафо — мустаҳкам.
Ҳақ деб билар эдим йўлларимни мен.
Отеллонинг кучли қўлларидан ҳам
Кучлироқ сезардим қўлларимни мен.

Мен қачон номардлик қилдим?
Билмайман.
Қаерда?
Билмайман.
Бу алам — мангу!
Муҳаббат тугади, ҳамон ўлмайман,
Ҳолбуки, қасамлар ичган зот мен-ку!

Курашдан қочган ҳам менман, севиклим,
Зўр панд берди менга ўтрик шаън, ғурур.
Мағрурлик қилдингиз дема, севиклим,
Қалбкўрлик қилдингиз десанг, тўғридир.

Заррача гуноҳ йўқ сенда, азизам,
Хотирам сеники, эй мумтоз поклик.
Йиллар ўтар экан, энди вазифам —
Айрилиқ ўтида қалбни ёқмоқлик.

«...Ишқсиз яшаш оғир, оғир ва оғир...» —
Шуми Отеллонинг сўнгги сўзлари?!
Оғрийди бағримда,
Зирқираб оғрир
Санчилмасдан қолган ханжар излари...

Ферузаой марсияси

Шомурод дойим қиз набира кўрди. Боши осмонга етди. «Ўғил набира кўрганда бермаган тўйларни энди бераман, бутун Манғит келади!» — деди. «Қизга ҳам тўй берган борми?» — деганлар бўлди. «Бераман, — деди дойим, — бу уйда қирқ етти йилдан бери қиз йиғламади, ахир!..»

Минг афсуски, дойим муродига етмади: қирқинчи кун деганда тилаб олган набирасининг жони узилди. Энг даҳшатлиси шуки, врачлар дойимни бундай деб юпатишди: «Куюнманг, ўлган бир сизнинг набирангиз эмас. Бундай ҳодиса ҳозир тез-тез рўй бериб турибди...»

1

Ногоҳ етиб келди бу мудҳиш хабар,
Мислсиз ғуссада қолдим муқаррар.
Шеър ёзма, Музаффар, йиғла, Музаффар,
Дойим эгилмаган бошини эгар,
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

2

Сен келдинг, барчамиз бўлдик шодумон,
Овозингга тўлди улкан хонадон,
Ювилди юракдан қирқ йиллик армон,
Қирқ кун умр кўрдинг, мурғаккина жон,
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

3

Ҳеч ким ҳали сенга тўйиб боқмади,
Энанг сочларингга попук тақмади,
Нима камлик қилди, нима ёқмади?
Келдинг — кетдинг, айтар сўзинг йўқмиди? —
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

4

Езиғинг не эди, увол тутдими?
Нозик ҳаётингга бир дард етдими?
Гулдай вужудингни хазон этдими?
Ҳаводан ўтдими, сувдан ўтдими?
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

5

Тиб ривож топмоқда тун-кун зиёда,
Инсон қадри баланд озод диёрда,
Шундай мамлакатда, шу сонияда
Гўдаклар ўлмоқда Амударёда!
Бундан ортиқ даҳшат борми дунёда?!
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

6

Қалба исён қилар номаълум сезги —
Ҳасратми, Аламми, Меҳрми, Севги?
Бу ёмон аломат, бу хунук белги:
Гўдаклар эл бўлмай кетяпти элга!
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

7

Кетмоқда инсон-у, ҳайвон, наботот!
Бу не ўч, не бало, онажон — ҳаёт!
Нажот қайда, мадад қайларда, қайҳот!
Бир мўъжиза кўрсат, бир шафқат кўрсат,
Воҳани маҳв этма, асра, табиат!
Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

8

...Нечун кетиб қолдинг, Феруза, жигар?..

Шахсий машиналар гаражи

Қоровул чол сергак турар кечқурун,
Машиналар кириб келар бирин-бирин...

Эрта билан ғизиллашиб елганлар,
Мана энди шошилмасдан келарлар:

Бу машина вазмин, одобли, ишчан —
Меҳнат қаҳрамони тушар ичидан.

Униси бўр билан чизилган, маълум —
Бир кучоқ дафтар билан тушар муаллим.

Бир машина келди, теварагида
Ари, чивин ғужғон ўйнар — тиним йўқ.
Бежиз эмас, ана, ундан пишиллаб
Қассоб тушиб келар, қўлда оғир юк.

Яна бири келди мотори қизиб:
«Ҳой, секинроқ ҳайда, оғир бўл, оғир.
Ё шошиляпсанми, инженер қизим,
Эринг касалхонада ахир...»

Ажнабий ёзувдан, ана, бирининг
Ажи-бужи бўлиб кетган ўнг-сўли.
Гердайиб тушади фалон тўранинг
«Мальборо» тутатган олифта ўғли.

«Бу ярим кечгача юради санғиб...»
Бу — машиналарнинг саёғи эди.
Чол бурнин жийирар.
Кетади анқиб:
Атир ҳиди, ароқ ҳиди, зино ҳиди.

Чол кутиб олади ҳамма-ҳаммасин
Гоҳ лабда табассум,
Гоҳ қовоқ осиб:
«Бизнинг йигитликда қайдайди машин,
Бизнинг йигитликка танк бўлган насиб...»

Келди наган осган милиционер,
Чол унга калитни, навбатни берди.
Сўнг уйга қайдайди аста суяниб,
Қирқ йиллик кадрдон велосипедни.

Уйгача, ҳе... қанча йўл босиш керак,
Шошилмай айланар педаллар.
Фингшийди, фингшийди эски филдирак,
Жаранглар орденлар, медаллар...

Худойберган ботир монологи

Меҳмонларинг отли экан, зим бўлди,
Ишонган навқаринг нерга гум бўлди!
Уч кун ётиб Махсумжоннинг ўлиги
Арнабўйда кумурсқага ем бўлди...
Халқ қўшиғидан

Мангит қалъасининг сўнгги бекларидан бири — Худойберган ботир халқ ўртасида «Худойберган махсум», «Махсумжон ботир» номлари билан машҳур бўлган. У, халқларвар киши бўлганлиги учун хон айғоқчилари томонидан ўз уйида отиб ўлдирилган.

Мен юртимни обод кўрмоқ истардим жуда,
Мен элимни озод кўрмоқ истардим жуда.
Қора тақдир, шўрпешона, эзилган элим
Ва дўст-ёрни шод кўрмоқни истардим жуда.
Хор эдинг сен, зор эдинг сен, онажон элим,
Фарзандларинг бағри тўла оҳ-фиғон элим.

Мен — елкаси ер кўрмаган паҳлавон эдим,
Ўлимларга тик қараганда кўрқмас жон эдим.

Жон Манғитим, дардларингга топай деб даво,
Отланишда олдда юрган бўз ўғлон эдим.
Ёруғ кунга етмай йўлим кесдилар мени,
Ўлдирдилар ўлимимдан олдинроқ мени.

Қисмат эркисиз, толе забун, замон чиркин — кир,
Гарданингни эзиб ётар хон солган занжир.
Кўксинг узра от ўйнатиб, тигини санчиб —
Қонинг тўкди Жунаидхон — саҳройи қашқир.
Шундай дамда тикка бордим мен қасос истаб,
Элга тинчлик, мазлумга эрк, ҳақиқат истаб.

Кимхоб тўнлар бўз иштонга боқмас замон бу,
Қорни тўқдан нон сўрасанг ёқмас замон бу,
Тун эмас, бу — оҳимиздан қорайган осмон,
Юлдуз эмас, кўзимиздан сачраган қон бу!
Шу ҳол эди мен билганим тўрттала ёқда,
Қозоқда ҳам, Туркманда ҳам, Қорақалпоқда.

Исфандиёр оқпошшога бир малай бўлди,
Фуқарога қўшша зулм бир талай бўлди,
Ночор юртим, сен кимларнинг дастида қолдинг,
Рангу рўйинг сомон бўлди, оқ бўздай бўлди.
Иқболингда бормикан ҳеч меҳр, ғамхўрлик?
Келақол эй, келақол эй, Хуррият, Хурлик!..

Биламан, мен орзу қилган хуш даврон келса,
Бахтли авлод руҳимизни ёдлаб шод қилса,
Шу тупроқ деб бизлар тўккан қора қонлардан
Ажаб эмас, алвон-алвон гуллар очилса!
Она юртим, шунда мен ҳам битта гул бўлиб,
Ҳар баҳорда юз очаман меҳрингга тўлиб.

Тунги қўшиқ

Матназар Абдулҳакимовга

Йўллар ухлар.
Далалар ухлар.
Ҳуриб-ҳуриб ухлаб қолар ит.
Бағрин ўртаб минг хил сўроқлар,
Тол тагида туради йигит.


Бу йигит ким?
Сизми ёки мен?
Ёки сизнинг, ё менинг укам?
Мен билмайман йигитнинг исмин
Ва куттирган қизнинг исмин ҳам.

Билганим шу:
Кўкда ой гўзал,
Ерда гўзал — яшамоқ, севмоқ.

Таратганда ажиб ҳид гўза,
Ёр кутгани толзорга келмоқ.

Мен билмайман қачон чиқар қиз?
Мен билмайман, соат нечадир?
Заминдан вақт йўқолган изсиз —
Кеча жуда сирли кечадир.

Билганим шу:
Замин — осуда.
Кўк — осуда.
Табиат-чи — шод.
Тонг отгунча тол панасида
Давом этар энг гўзал ҳаёт...



Исажон Султонов

САҲРОДАГИ ЙЎЛОВЧИ

Ҳикоя

«Истансага ҳали анча бор-ов. Ун чақиримлар юрдимми? Падарлаънат, бу кетишда қачон етиб бораман?..»

На чироқ, на ой кўринади. Юлдузларгина хира милтиллардилар. Тунги шабада баданни жунжиктирарди. Қаердандир, жуда узоқдан ноаниқ ғала-ғовур қулоққа чалинар, аммо бу товушларга ишониб йўл босиш кишини яна адашишларга олиб келиши мумкин эди. Ҳозирча атрофнинг мутлақ ҳоқими бўлган шабада ғала-ғовур садосини гоҳ у тепаликка, гоҳ бу қирга олиб бориб урар, қаёқдан келаётганлигини англаб олиш ҳам дарғумон эди.

Қиру тепаликлар ораси янада қоронғилашаётгандек...

«Матасекилни маторига бир бало бўлганини сезувдим-а, тўғри йўлдан кетаверсам, жин чалармиди? Узи шу матаҳни ғилдиратиб юрганимгаям ўн йил бўпти. Янгилаш керак... Янгилашга пул қайда? Бу ёқда пахта пилтамизни чиқариб қўяпти...» Фигони фалакка чиқиб бораётган Ҳожиевнинг ёдига раиснинг сўзлари келди: «Ҳожиеп, қалайсиз? Хўш, истансага битта одам керак бўлиб қолди, бугунги пилонга сал етмай турибди. Хлоппунктнинг лаборанти билан гаплашиб қўйганмиз, қоғоз қилиб беради, тушундингизми? Эътирозлар йўқми?.. Э-э, Ҳожиеп, Ҳожиеп, бу-у топшириқ... Топширилдими, бажаришимиз керак! Хўв, йил охирида битта «Урал» берамиз; маз-за қилиб миниб юрасиз...» Унга-ку барибир, туғилибдики иш, иш... Болалари-чи? Хотини-чи? «Раисингиз ахийри сизни гўрга тиқади,— саннагани саннаган,— мана мени айтиди деярсиз. Одамга ўхшаб уйда ўтирганингизни билмасам. Болалар сиз билан ёзилиброқ гаплашишолмайдиам, очиқ-ойдин бегонасирашади. Келасиз, ухлайсиз, азонда яна иш, вой, охири бордир бу ишниям?...» — «Сабр қип тур, хотин,— жавоб қилади у,— шу сезон тугасин, би-ир шаҳарга обориб томоша қилдириб келаман. Пилон тўлса, бас...»

Раис ўзини унга яқин тутди-я. Яна, юқорининг буйруғини топширди... Кимсан Карим раис, қаҳ-ра-мон-а! Сезон пайти дағаллашиб, отасиниям танимайдиган бўлиб қолишини айтмаса... «Уҳ, ҳавони қара-я! Маст қилади одамни...» — чуқур нафас олди, узоқ йиллар давомида химикатлар дудига ўрганиб қолган ўпкаси яйраб кетди. «Тўнни тагингга ташлаб ё-ётсанг... Истансага бормасам бўлмайди-да...» Кўзи олдига прожекторлар нури остидаги тўс-тўполон, қаторлашиб кетган тележкалар, бақиринг-чақиринг қилиб юрган тракторчилар келди.

«Пилон тўлса... би-ир даволансам ҳам бўлади. Йил охирига бориб икки-уч минг пул чиқиб қолар...» Денгиз бўйига борса, лаънати жигари ҳам тузалармиди? Кўпам оғрийвермайди-ю, аммо бир санчиб қолса борми, дарду дунёси қоронғи бўлиб, ҳамма нарса эсидан чиқиб кетади. «Ҳай, буям ўтар-кетар...»

Ҳожиевнинг назарида эллик қадамча наридаги тепалик устида биров юргандек бўлди. «Ия, бемаҳалда ким юрибди экан? Менга ўхшаб битта-яримтаси истансага кетяптими ё? Пиёда-я?» Кимса узоқлаша бошлагач, қўлини карнай қилиб чақирди:

— Ҳой! Ҳо-ой ака!

Шарпа тўхтагандек, шу томонга қарагандек бўлди. «Нимага овоз бермайди, чўчидими? Товба-а, тагин кетяпти-ку!»

— Тўхтанг-э. Нега кетиб боряпсиз? Нима, одам кўрмаганмисиз?

— ...

— Чақираман, қарамайсиз,— Ҳожиев унга яқинлашиб келди.— Тунда ҳамроҳ бўлмасаям юрак сиқилиб кетар экан. Истансагами?

Кимсадан сас чиқмади. «Одам боласими ўзи бу? Унда нимага индамайди?» Эсига раҳматли буваси келди: худди шу атрофда адашиб, уч кун йўқ бўлиб кетган, топишганда эса оғзи қийшайиб қолган экан. «Ке, яна гапириб кўрай-чи...»

— Ой ҳам йўғ-а, қаранг... Сиз нима қилиб...

Индамас кимса бетўхтов узоқлашаверди. Бирдан Ҳожиевнинг ҳамияти қўзғади: «Ие,

бу қанақа эррайимлик? Уғрим, индамай жўнаверса...» Истиҳола қилиб ўтирмай бориб, шартта кимсанинг елкасидан чангаллади:

— Вей, менга қара...

— Вой-й! — нозик товуш эшитилди.

— И-е! — Ҳожиев ҳайратдан ўзини йўқотиб қўйди. — Қиз боламисиз? Бемаҳалда нимага бунақа?..

Қиз бирдан тиз чўқди-ю, Ҳожиевнинг оёқларига ёпишиб йиғлай бошлади. Чирилдоқлар овози ўчди. Ҳожиев талмовсираб, энгашди-да, унинг елкасидан тутди: «Нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?» Энг аввал идрок қилгани шу бўлдики, қизнинг кўйлаги негадир ҳароратли, бироз терчираган ва силлиқ... Бунинг кўйлақ эмаслиги унинг шуурига кейинроқ етиб борди. «Ё раббий! Тур, қизим. Йиғлама. Ўзингни бос-э, йиғлайверасанми? Кимсан, кимнинг қизисан?»

Бийдай дашт, одам зоти кўринмаса... Қизнинг нафаси бўғзига текилиб қолган, қалт-қалт титраганча эзилиб йиғларди.

— Қайси итдан тарқаган сени бундай... ташлаб кетди, а?

— Бадном бўлдим... Улдираман ўзимни...

— Ул, бадном бўлмай, — Ҳожиевнинг қизга нисбатан нафрати ошди: «Бир балоси бордирки, эргашиб келаверган-да...» У ҳануз ўзига келолмаётган қизнинг елкасидан ушлаб, силтади. — Айт, қаердансан?

— Қоракўз...

— Қоракўздан? Кимнинг қизисан, бадбахт?

— Жон ака, бировга айтманг. Ундан кўра ўлдириб кетинг мени, бўғиб кетинг...

Ҳожиев қизга қўпол гапириб юборганидан хижолат тортди. Овози майинлашди:

— Ҳай, булар иш бўпти, тур энди ўрнингдан.

У қизни бошлаб йўлга тушди. Қоракўз шундоққина йўлнинг устида, ташлаб ўтаверади-ю... дардисар бўлди-да. Бу аҳволда истансага қачон етиб боради?

Тепаликдан ошиб ўтишди. Нарёғи ҳадсиз кенглик эди. Жуда узоқда милтираган чироқлар кўзга ташланарди. «Кимнинг фарзанди экан шўрлик. Ноинсофлар, шундай ташлаб кетишибди-я...» Ачиниб, сўради: «Кимнинг қизисан?» — «Карим аканинг...» — «Карим раиснинг?!» Ҳожиевнинг юраги куйиб кетди: «Номардлар, ташлаб кетишганмикин, ё қизнинг ўзи қочганми?» Нима деб тасалли берсин шўрликка? Қандай қилиб сўрасин ундан? Номуси барбод бўлган қиздан шуни сўрагани одам боласининг бети чидайдими? Ичиди раисни сўка кетди: «Баччағар, наҳотки қизингни йўқолганидан беҳабар бўлсанг? Қанақа отасан, раис? Онанг сени идора учун тувганми, қадалиб ўтиверасан? Уласанми болангдан хабар олсанг!..» Бу гапларни эшитиб раиснинг қандай аҳволга тушишини, ораларидаги сўхбатни тасаввур қилиб кўрди: «Ҳожиеп, отам қилмаган яхшилиқни сиз қилдингиз, раҳмат сизга.» — «Раҳматингизни бошимга ураманми, раис, обрўйингиз нима бўлади энди?» — «Обрў қолдим, Ҳожиеп... Одамларнинг кўзи олдида қандай қилиб бош кўтариб юраман?» — «Куйинаверишдан нима фойда, раис, мелисага хабар берайлик, топишсин...» — «Топтираман! Барини қаматвораман! Ҳожиеп, ака, сиз телефонга чопинг... Уҳ, юрагим!» — «Пилонни нима қиласиз энди, раис?» — «Пилон? Йўқол пилон-милонинг билан!» — «Ростдан ҳам сўкворса-я! Сўкмас... Сўкса, нима қипти, кетади шу биргадлигидан. Бошқа иш қуриб кетибдими?!»

Ҳожиев орқароқда букчайиб келаётган қизнинг бирдан тўхтаб, нимагадир қулоқ солаётганини сезиб қолди.

— Нима гап?

Қиз жонҳолатда унинг енига осилди:

— Машина!.. Ушалар!..

— Қани машина? Қанақа машина?.. Сизга шунақа эшитилгандир.

— Ростдан машина!.. Ушлаб олишади!..

Даҳшат аралаш қаттиқ шивирлади қиз ва унинг кўлидан тортди. Яширинадиган жой ахтариб атрофга аланглади. Энди эшитди Ҳожиев — чирилдоқларнинг чириллаши, шабада олиб келаётган овозлар, ўтлар шитири орасидан заиф бир гуриллаган сас келарди.

— Ким ўзи улар? Уғриларми?

— Б-билмайман, — пичирлади қиз ва уни орқага, тепалик томонга сургади. — Жон ака, қочайлик...

— Қаёққаям қочардик, мошинда қувишса, албатта ушлаб олишади.

Ҳожиев барибир унга эргашди. Шу пайт қир ортидан отилиб чиққан чироқлар нури тўғри уларга тушди. Ҳожиев кўзларини яширди, қиз йиғлаб, унинг панасига ўтди. Машинадан тушиб келган норғул йигит рўпараларига келиб туриб олди. Қолган иккитаси икки ёнларига. Ҳожиев ноиложликдан қўлларини осилтирганча жим турарди.

— Қочинг, тоға, — деди норғул. Чироқ нури орқадан тушаётганлиги учун унинг юзини кўриб бўлмасди, аммо овозидан жуда кучлиги, ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар тоифасидан эканлиги билинарди. — Бекордан бекорга бирор жойингиз қашқа бўлмасин.

— Бир элни болаларисиз-ку, ўғлим,— ялинди Ҳожиёв.— Гуноҳга ботасизлар...
— Амаки, дейман, — деди пастакроқ бирови. — Бу Карим раиснинг қизи, қочинг!
— Раисда ўчларинг бўлса, ўзига борсанглар бўлмайдими?
— Ғиди-бидини тугат-э, Шариф,— гапга учинчиси аралашди.— Ҳадемай тонг отиб қолади, вақт кетаяпти. Шунча қилган тоат-ибодатимиз бир пул бўлиб қолмасин тагин.

— Шошмасанг-чи,— Ҳожиёвга яқинлашиб келди паст бўйлиси.— Қаёққа кетяпсиз, чўлда нима қилиб юрибсиз? Балки таниш чиқиб қолармиз, исмингиз нима?

— Қизда гуноҳ йўқ, ўғилларим. Мени бўлса... матасекилим бузилиб қолувди, йўлга ташлаб келяпман. Истансага бораётувдим. Исмин...

«Воҳ!.. Урди, номард, темир билан урди!» — ерга йиқилиб тушди, бошидан нимадир оқа бошлади.— Охир-оқибат гўрга тиқади раис сизни, болаларингиз бегонасираб қолишган, отаси... деганди-я... Уҳ, хотин, ўлдиришди мени! Ёстифнг бўш қолди, хотин!..»

Яхшики, темир қаттиқ тегмаган экан, Ҳожиёв тезда ўзига келди. Узоқлашиб бораётган машинанинг қизил чироғи қоронғилик қаърида кўринмай кетди. У ўйлаб ўтирмай, тусмоллаб Қоракўз томонга интилди. «Раис, раис!.. Нега сенда одамларнинг қасди бор-а?!»

Орқа томондан тагин нур тушди. «Уҳ, қайтиб келишяпти! Кўришган экан, тирик қолганимни кўришган экан... Энди тамом, ўлдиришади! Улдирмай қўйишмайди. Дашту биёбон бўлса, биров кўриб ўтирибдими?!» Ҳожиёв нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қоча бошлади. «Етиб олишади, барибир етиб олишади, остида мошин...»

— Тўхтанг-э, тоға!

«Адойи тамом бўлдим...» — кўз олдига болалари, хотинининг қиёфаси келди.

— Жон ука, бешта болам бор-а... Бешаласиям ҳали гўдак...

— Йиғламанг-э. Кимсиз ўзи?

— Ҳожиёпман. Уша уйинг куйгур Карим раисни қўлида биргад бўлиб ишлайман...

— Майли, сизни қўворамиз,— Ҳожиёв йигитнинг ўлдириш ниятида эмаслигини сезиб қолди.— Гап бундай, тоға, ҳозир борасизу бу ерда кимни кўрганингиз, нималар бўлгани ҳақида ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмайсиз. Келишдикми? Шунга кўнсангиз, йўлингиз очиқ.

— Раҳмат, ука... Қиз-чи, қизни нима қиласизлар?

— У билан нима ишингиз бор? Жа билгингиз келса,— машина томонга йўл олган йигит қайтди,— қизни қасддан опкелдик. Муттаҳам раисдан кўп озор кўрдик, нима, сиз озор чекмаганмисиз? Менинг акамни тўхмат билан қаматиб юборди, палид. Ушанда биз учовимиз ўч олишга қасам ичувдик. Қизни бўлса... Номард менинг севган қизимни нима қилган бўлса, қизининг ҳам тақдири шу. Ёмонликка ёмонлик, тоға.

Ҳожиёв совқота бошлади.

— Хўш? — шоширди йигит.

«Бечора қиз... Отасининг гуноҳларига қолиб ўтирибди, шўрлик... Йигитларга нима дейин? Хўп, ҳеч кимга оғиз очмайман, десам ишонишадими? Йўқ десам-чи!..»

— Карим раис қамалди-ку! Яна нима қасдларинг бор, укалар?

Калласига келиб қолган бу гапдан суюниб кетди. Айтишга айтдию раиснинг чиндан ҳам қамалган бўлиб чиқганини дил-дилидан хоҳлаб турганини сизди.

— Қамалди? Йўғ-е,— ишонқирамай сўради йигит.— Нега қамалади?

— Қилғилиқни қилгандан кейин қамалади-да. Ана, бугун тунда олиб кетишди. Мен ҳам шуни суюнчилагани истансага кетяпман.

— Қасам ичинг-чи, тоға.

Ҳожиёв кўзини чирт юмиб, қасам ичди. Йигит энди ишонди.

— Тоға, тилло одам экансиз... Бизни бир гуноҳдан асрадингиз... Узр энди... Қизга қўлимизни ҳам теккизмаганмиз. Уни сизга ташлаб кетамиз. Оқ йўл, тоға.

Ҳожиёвнинг тиззаларидан мадор қочди. «Қаро йўл, деб айтсанг-чи, ука. Раиснинг ҳали қамалмаганини сен билмайсан-да. Билсанг, нақ сўярдинг мени...» Икковлон йўлга тушишди: олдинда Ҳожиёв, ортда қиз. «Ака, ановларнинг гапи ростми? Отам шунақалиги учун мени... а?» — «Рост, қизим. Отанг ҳам, мен ҳам...» — «Сиз? Нега сиз?» — «Ундан кўра айтгин, сенга ростдан ҳам тегишмадимми?» — «Мен қочиб кетувдим, қувиб йўқотиб қўйишганди...» — «Хайрият...» — «Ака, нега сиз ҳам шунақа?» Ҳожиёвнинг дарду дунёси қоронғи бўлиб кетди: «Сўрама... Ўз дардимга ўзим қоврилаверайин. Сўраб, бир дардимни икки қилмагин, жон қизим...»

Ой ёғдусида атроф янада сирлироқ, ваҳималироқ манзара касб этган. Қоқилиб-суқилиб қадам босаётган Ҳожиёв ҳарсиллаб нафас олар, аъзойи баданидан муздек тер қуюларди. «Раис, мана қизингиз... Тирик!» — «Топшириқ буёқда қолиб, нималар қилиб юрибсиз, Ҳожиёп, ақлдан оздингизми?» — «Қизингга бир қара-е, номард, жувонмарг бўлди-ку!» — «Ҳой, тўхтанг, Ҳожиёп... Тўхтанг-э, қаёққа?» — «Нариги дунёга, раис нариги дунёга! Энди кўнглингиз жойига тушдимми!..»

Осмоннинг бир чети билинар-билимас оқара бошлаган, Ҳожиёвнинг кўнглини эса тобора зулмат қоплаб борарди. Ҳўв нарида бўлса фўж ўсган тераклар алланечук салобат билан қорайиб кўринар, қишлоққа яқин қолган эди.

Мўмин Қаноат,

Тожикистон Ёзувчилар союзи
правлениесининг биринчи секретари,
СССР давлат мукофотининг лауреати

Ҳаётимизнинг гуллаб-яшнаётганлигига ҳавас билан боқиб, бу «Октябрь шарофати» деган иборани баъзан қайта-қайта тилга оламиз. Октябрь эски оламда янги олам, янги одам бунёд этди. Ҳаётдаги ҳар бир нузли қиррада унинг зиёси умрбод мужассамдир. «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» ҳам улуғ Октябрь шарофатидандир. У туфайли совет халқлари оиласи дунёга келди. Юз тилли халқлар бир дилли совет халқига айланди. Қаломимиз ҳам, маромимиз ҳам, номимиз ҳам, жонимиз ҳам бир.

Тожиқ совет адабиёти ҳам улуғ Октябрь мевасидир. Унинг пойдеворига қўйилган илк ғишт устод Садриддин Айнийнинг Октябрномаси — «Хуррият марши»дир. Ҳар бир иморатнинг бақодорлиги кўп жиҳатдан унинг пойдеворига боғлиқ. Садриддин Айний ва Абулқосим Лоҳутий раҳнамолийгида яратилган тожиқ совет адабиёти пойдевори метиндек мустаҳкам. Бу ҳақиқат қаломидан қурилган бино Мирзо Турсунзода номи билан халқимизнинг маънавий манзилига айланган. Жалол Икромий, Мирсаид Миршакар, Фотех Ниёзий, Раҳим Жалил сингари мўътабар ёзувчиларимиз, Лойиқ Шерали, Қутби Киром, Бозор Собир, Гулрухсор, Гулназар, Саидали Маъмур каби иқтидорли янги авлод вакиллари ўзларининг ёрқин асарлари билан бу бинога жило, зийнат, файзу барака бағишламоқдалар. Биз ҳаёт тақозоси билан таъмирбоб жойларига дадил қўл урмоқдамиз. Бу ишда ҳам «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» доимий таянчимиздир.

Адабиёт — ҳаёт кўзгуси. Бунга шубҳа йўқ. Аммо адабиёт учун фақат кўзгу вазифасини бажариш кам. Адабиёт келажакка йўл очиши керак. Бадиий асар қаҳрамони бизнинг замондошимиз — ҳаёт муаммоларини ҳал этувчи, эл-юртга садоқат билан, жонбозлик билан курашувчи инсон. Шу боисдан ҳар бир бадиий асар оддий ишчига ҳам, пахтақору чорвадорга ҳам тушунарли бўлмоғи шарт. Асарни мутолаа қилиб ўқувчи ўзига, ишига, ҳаёт иқир-чиқирларига бошқа кўз билан назар солмас экан, бундай асар ҳаётга хизмат қилмайди.

«Шарқ юлдузи» журнали улуғ байрам кунлари тожиқ қаламкашларини меҳмонга чорлапти. Бу қувончли ҳол! Бу тожиқ ва ўзбек халқларининг азалий ҳам абадий дўстлигига яна бир ёрқин мисолдир. Севимли журнал ўқувчилари учун гулдаста тузишга азм қилдик. Мен ҳам иккита шеър танладим. «Қалбим шаҳри» шеърида азим Тошкентга бўлган муҳаббатимни изҳор этганман. Шеърнинг ўзи ҳам Тошкентда битилган. «Биродарим» шеъри «Днепр мавжлари» дostonимдан олинган. У халқларимиз дўстлигига битилган қасидадир. Бу гулдаста азиз ўзбек ўқувчиларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Тоҷик совет адабиётининг таниқли вакилларидаан Жалол Икромийнинг асарлари бизнинг республикамизда ҳам кўпдан севиб ўқилади. Унинг навбатдаги «Қора қўзғунлар» романи Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Дўстлик кутубхонаси» сериясида нашрга тайёрланмоқда. Шу асардан бир бобни журналхоналаримиз диққатига ҳавола этмоқдамиз.

Жалол Икромий

ҚОРА ҚУЗҒУНЛАР

Романдан боб

1946 йил. Қуз кунларидан бири.

Тонг ғира-ширасида оғир қопни орқалаган мулла Хоқироҳ қишлоқ кўчасидан илдам қадам ташлаб бораркан, кутилмаганда рўпарасидан колхоз раисаси Нодира ая чиқиб қолди.

— Ие, ие, ҳорманг мулла ака!— деди у чолга яқин келиб.— Нима тишвишларда юрибсиз каллаи-саҳардан?

Мулла Хоқироҳ юкни ерга қўйди ва нафасини ростлади.

— Етимхона мудури гуручимиз тугаб қолди, деб айтувди. Шунга уйга бориб кампирим тежаб-тергаган мана шу бир пуд гуручни топдим. Етим-есирларга савоб.

— Омбордан олиб берсангиз бўлмасмиди? Гуручимиз бор-ку!

— Сиз йўқ эдингиз, қачон қайтишингизниям билмадим. Тусатдан тафтиш бошланса, ишкали чиқмасин дедим...

— Наҳотки бир пуд гуручга ишқал чиқади. Тағин сиздай эҳтиёткор кишига-я?— деди раиса мийиғида кулиб.— Бўпти, бунини уйингизга қайтаринг. Етимхона мудури эртага идорага келиб, ҳисоб-китобини қилиб кетсин. Сўнгра тайинланг: гуручни омбордан келиб олсин.

— Болаларнинг эрталабки овқатларига улгуришим учун ҳозир етказсам яхши бўлармиди дейман...

— Жуда раҳмдилсиз-да, амаки! Майли, ихтиёрингиз.

Чол қопини кўтариб, яна йўлга тушди.

Айтинг-чи, шу гап-сўздан кейин мулла Хоқироҳни раҳмдил, саховатли киши демай бўладими? Чолнинг хайрли ишлари ҳақида теварак-атрофда гапиришади. Кексами, ёшми — бирор нарсага муҳтожлик сезишдими, бўлди, унга мурожаат қилишади. Мулло Хоқироҳ ҳам ҳеч кимдан ёрдамини аямайди.

Уруш йиллари қўлидан анча-мунча иш келадиганлар фронтга жўнаб кетганида колхоздаги асосий юмушлар мулла Хоқироҳ ва Нодира аянинг зиммасига тушди. Иккаласининг жонқуярлиги, фидойилиги туфайли колхоз қолоқликка ботмай, райондаги илғор хўжаликлар қаторига қўшилди.

Мулла Хоқироҳ ўрта бўйли, семиз, бўйни калта, йўғондан келган киши. У тепакал бўлса-да, чакка сочларига оқ ораламаган, кўзлари бодомнусха, бурни узун, соқол-мўйловини тез-тез қиртишлаб юради. Ранг-рўйи оқ-қизилга монанд, тўлишган юзида хасталик аломати кўринмайди. Овози мулойим, ёқимлики, каттаю кичикка доим ширин муомала қилади, саросимага тушмайди ҳам.

Айтишларича, бир кун дон-дун туширилаётганда омбор оғилхонасига ўт тушганини унга хабар қилишади. Мулла Хоқироҳ бунини эшитиб, ваҳимага ҳам тушмасдан: молни қабул қилгач, етиб бораман, дейди. Бир машина буғдойни саранжомлаб, омбор эшигини маҳкам бекитиб, ҳовлисига келганда, қўшнилари аллақачон ўтнинг ўчиришган, бисотига эса унчалик зиён етмаган экан.

Сиртдан қараганда, гўё бу одамнинг дарду ғами камроғу, бошқаларнинг унга нисбатан хусумати йўқдай кўринади. Аммо бир неча марта юқори ташкилотларга унинг устидан шикоятлар тушди. Тафтишчилар ҳафталаб ҳужжатларни текширишди. Лекин охири тафтиш натижаси мулла Хоқироҳ фойдасига ҳал бўларди.

Мулла Хоқироҳнинг яхши хислатлари ҳам кўп эди. У мунтазам газета ўқир, радио тингларди. Колхоз клубида лекция ёки суҳбатлар ўтказилса қатнашиб, фикр-мулоҳаза-

ларини айтарди. Шунингдек, у «Қуръон»ни ёд билар, намоз ўқиш, рўза тутишни ҳам жойига қўярди. Аммо буларни бажараётганидан ҳали-ҳануз бирор киши огоҳ бўлмаганди. Чунки у ҳеч қачон диний ташвиқот юргизмас, аксинча, динга қарши курашарди...

Уша қишлоқда бир гал... Дарвоқе, воқеалар кечаётган қишлоқнинг номини, унинг қандай манзил эканини айтганимизча йўқ-ку?! Нодира ая раисалик қиладиган «Ленин йўли» колхозидagi қишлоқ «Карим партизан» номи билан юритиларди. Босмачилик авж олган йиллари Карим партизан деган киши бу қишлоқда яшаб, Совет ҳокимияти душманларига қарши курашган... Ушанда алаҳзада бир хоин мард Каримнинг изидан тушади ва пайт пойлаб уни уйда чавоқлаб ташлайди. Ун беш ёшлардаги ёшгина қизи етим қолади. Отаси каби тўғрисиўз бўлган бу қизча улғайгач, пойтахтга бориб агрономликка ўқийди. Урушдан сал олдинроқ уни раисаликка сайладилар. Кейинчалик Ҳазрати Мозор (қишлоқда катта мазор бор эди) қишлоғи номи, одамлар истак-хоҳишига биноан, Карим партизан деб ўзгартирилди...

Модомики, ҳикоямизни одамлар орасида катта обрў-эътибор қозонган мулла Хокироҳдан бошлаган эканмиз, келинг, уни давом эттирайлик.

Мулла Хокироҳ унинг исми эмас, лақаби. Асли исмини ҳеч ким билмайди. Хужжатларда мулла Остон ўғли мулла Хокироҳ деб қайд этишган. Ҳатто яқин дўстлари ҳам бу лақабни ўттизинчи йилларда Самарқандга кетиб орттириб қайганидан беҳабар эдилар.

...Мулла Хокироҳлар оиласи ўшанда Ҳазрати Мозордан қуйироқдаги обод бир қишлоқчада яшашарди. Хокироҳнинг отасини Азиз мерган Остон ўғли деб аташарди. У катта ер эгаси, мол-чорваси кўп киши эди. Коллективлаштириш бошлангач, Азиз мерган босмачиларга қўшилиб, ён атрофдаги қишлоқларга ўлим ваҳимасини солиб юрди. Бироқ Карим партизан бошчилигидаги отряд босмачилар изидан тушиб уларни қўлга олди.

Шунда Азиз мерган қасам ичиб, энди янги ҳаётга қарши чиқмасдан, овчилик билан шуғулланиши ва фарзандларини тарбиялашни билдирди. Ҳукумат унга ишонди. У овчилик билан шуғулланишга киришди...

Азиз мерганнинг икки ўғил, бир қизи бор эди. Катта ўғли Самандар отасига тортмади. У машҳур бир мулланинг қўлида ўқир, ҳудожўй кимса эди. Кексаларнинг айтишича, Самандарга отасининг қизилларга таслим бўлгани маъқул тушмаган. Отасини доимо Карим партизандан ўч олишга ундаган. Босмачиликдан зада бўлиб, аввалги ҳаётидан умид узган ота ўғлининг маслаҳатларини қабул қилмади, албатта. Шу тортишув сабаб ота-ўғил ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Охири бир куни Самандар қишлоқдан чиқиб кетди. Отаси бунга эътибор бермади, қишлоқдагилар ҳам йигитни эсламай қўйдилар. Азиз мерганнинг яна Дадажон исмли кенжа ўғли, ҳамда ундан каттароқ қизи бўлиб, қўшни қишлоққа узатиб тинчиганди.

Самандар дом-дараксиз кетган кунларнинг бирида овчилик қилиб юрган отаси тоғ тепасидан кулаб тушди. Унинг мурдасини қишлоққа олиб келишди. Эл орасида эса Азиз мергандай чаққон ва моҳир овчининг тоғдан кулашида бир сир бор, деган овоза тарқалди. Баъзилар мерган аллақандай нарсадан кўрқиб, ўзини тоғдан ташлаган, баъзилар эса ҳали таслим бўлмаган босмачи шериклари тоғдан кулатиб юборишган, деб айтишарди. Аммо ҳеч кимса бирор қатъий фикр билдирмади.

Бари бир, таомилга мувофиқ чолни гўр-чўп қилиб кўмишди. Кўп ўтмай, одамлар мерганни унутиб қўйишди. Хотини ва кенжа ўғли эса ҳозирги Карим партизан қишлоғида яшовчи куёвларининг ҳовлисига кўчиб келдилар...

Кутилмаганда бир куни қаердандир муллавачча кийимида қайтган Самандарни учратишди. Унинг боши қуйи солинган, ранги синик, ўзи хийла хомуш эди.

— Ҳа, мулла Самандар, сизга нима бўлди? Қаерларда эдингиз?— сўради оқсоқоллардан бири.

— Мени мулла Самандар деманглар,— деди у паст овозда.— Билсанглар, Самарқанддай табаррук шаҳарга бориб, бир пири муршид хизматида таълим олдим ва у киши менга мулла Хокироҳ лақабини бердилар. Энди йўлдаги тупроқ билан баробарман. Отим ҳам Хокироҳдир!

Одамлар ҳайрон қолиб ёқаларини тутишди, баъзи бировлари аҳволни кўриб қаттиқ ачиндилар.

Самандар анча ўзгарган, бутунлай бошқа инсонга айланган эди. Кичкиналигидан эскича тарбияланиб, янги ҳаётни жини ёқтирмаган Самандарни даҳшатли воқеалар ўз гирдобига олгани рост эди.

Бир куни янгиликка қарши, пана-пастқамларда яшириниб юрган кимсалар «отанг Азиз мерганни босмачиликка, қотилликка ўзинг даъват қилгансан», дея очиқдан-очиқ таҳдид қилдилар, сотқин Азиз мерганни тоғда у дунёга жўнатиб, Карим партизанни ўлдирмоқ учун қўлига пичоқ тутқаздилар. Самандар бу ишни қилолмади. Тўғриси, уддасидан чиқолмади. Сўнгра яқин кунларда содир бўлиши аниқ туюлган қисматидан кўрқиб, тоғдан қишлоққа, муаллими ҳузурига жўнади. Устози унга зинҳор бу номаъқулчиликни қилмасликни, шўро ҳукуматига тик қараш нодонлик эканини уқтирди.

— Шўролар ҳукумати метиндай мустаҳкам, ахир бу — халқ ҳокимиятидир,— деди у.— Уч-тўртта муттаҳамнинг қўлидан битта-яримтанинг қонини ноҳақ тўкишдан бошқа иш келмайди. Улар сени бадном қиладилар, тузоқларига илинтириб, қаматадилар. Бунақада ўзлариям бугун ё эртага қўлга тушиб, шўрлари қуриydi. Маслаҳатим шулки, бўтам, Самарқандга кетгин. У ерда оқил ва ўқимишли бир танишим бор, сенга хомийлик қилади, муаллимнинг бўлади. Шундай қилсанг, бўтам, ҳам муттаҳам ўғрилар таҳдидидан қутуласан, ҳам яхши сабоқ олиб, одам бўласан...

Самандарга бу гап маъқул тушиб, тезда Самарқандга жўнади. Шаҳар чеккасида, яъни Хўжа Аҳрор мазорига туташ каттакон ҳовлида ўша ўқимишли киши истиқомат қиларди. Самандар, Исохўжа аталмиш бу кишининг Хўжа Аҳрор мазори шайхларидан бирининг жияни эканлиги, ўзи ўлкашунослик музейида ишлашни кейинроқ билди. Гарчи Исохўжанинг ёши бир ерга бориб қолган бўлса-да, уйда дастёри йўқ эди. У Самандарни мамнуният билан хизматга қабул қилди.

Самандар Исохўжага дастлабки кундан бошлаб иҳлос қўйди, юмушларини жондидан бажарди. Устозининг йўл-йўриғи: бегона кишилар билан бориш-келиш, суҳбат қўрмаслик, устози ишга кетганида ҳовлини холи қолдирмасдан аввал уй юмушларини тугатиш, сўнг мутулаага ўтириш... У кун бўйи китоб ўқирди. Ўқийдиганлари туркча, форсча, эски ўзбек тилидаги ибратли ҳикоятлар, тирикчилик таълими, панду насихатлар битилган китоблар эди.

Исохўжа ёлғиз турарди. Хотини, болалари ундан айрича шарар, оилавий муносабатлари негадир яхши эмасди. Исохўжа меҳмонхонада узун тунлари ёлғиз ўтирганларида:

— Муҳими, эътиқод этагидан тутиб, калимаи шаҳодатни юрагингда такрор-такрор айтмоқдир,— деб насихат қиларди унга.— Олло-таоло ҳамма ерда ҳозир нозир, ҳамма жойда бизнинг арзу додимишни тинглайди. Одам дегани замонага қараб, шарт-шароитни ҳисобга олиб яшай билиши керак. Замонасозлик қилгин-ў, манфаатингни кўпроқ ўйла. Ҳоксор бўл! Шунга интилки, одамлар сени қобил инсон ва ҳамманинг хоки пойи деб билсин! Аммо, яхши яшамоқ лозимлигини унутма!.. Аввал яқин кишиларингга, ёру дўстларингга, кейин бошқаларга ёрдам қўлини узат. Уддасидан чиқолмасанг, ҳар нарсадан фойдалан. Билиб, чамалаб, хушёр бўлиб хушомад қил! Керакли одамларни мақта, оғиз кўпиртир, бунинг зарари йўқ! Мақтов ва хушомад чироғининг нури шундай ўткирки, у баъзи иродасиз кишиларнинг кўзини қамаштира олади. Бироқ, мақтовни билинтирмай бажар, хушёр одамлар сезишмасин. Тўғри келса, пора бер! Қарабсанки, биринг юзта бўлиб қайтади. Буни ҳам уddaламоқ, амаллай билмоқ лозим. Сенга маслаҳатим шуки, пора бериш йўлини астойдил ўрган. Бу ишни сен билан аста-секин машқ қиламиз. Пора сени кўп балолардан қутқара олади. Пора сенга қасд қилган душманингни тилини қисқа қилади. Бироқ, шуни унутмагинки, ҳукумат порахўр ва пора берувчиларни қаттиқ жазолайди. Хуллас, қўлга тушмаслик лозимлигини ёдингда тут!

Бу хил «панду насихатлар» Самандарнинг кўзини очди. Ёшлиқдан хушёр, зийрак, уддабурон ўсган йигитни ширин суҳбатлар боғлаб қўйди. Ҳатто, бора-бора, «муаллими»нинг баъзи хатоларини илғайдиган бўлди. Самарқандга келганининг учинчи йилида беҳосдан устознинг иши чапасидан кетди. Исохўжа музейдаги қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаб, гўмдон этаётганида қўлга тушди. Пора бериб қутулмоқчи эди, бўлмади. Қайтанга айбига айб қўшилди. Уни қамоқ жазосига ҳукм қилишди. Шундан кейин Самандар Исохўжа уйини тезда тарк этиб, ўз қишлоғига қайтди-да, мулла Хокироҳга айланди. Шу тариқа устозидан устомонроқ бўлишга, хатоларини такрорланмасликка аҳд қилди.

Мулла Хокироҳ колхоз ташкил этилгунга қадар барчага баробар хизмат қилар, кишиларга ариза-мактублар ёзиб берарди. У Карим партизан билан дўстлашиб ҳовлиси атрофидаги майда-чуйда юмушларига кўмаклашиб турди. Тасофни қарангки, Карим партизан ўлдирилган кун мулла Хокироҳ шаҳардаги куёвиникига кетиб қолган эди. Қишлоққа қайтгач, дўстининг бевақт ўлганини эшитди-ю, ўкириб йиғлади...

Колхоз тузилгач, аввал котиб, кейинроқ омбор мудирлигига тайинлашди уни. Ҳақиқатан ҳам теварак-атрофдагилар раҳмдиллиги, саҳийлиги учун мулла Хокироҳни ўзларига яқин дўст санашарди. Фақат чилангар Омон бобо унга шубҳа кўзи билан қарарди. Дўкони олдида уч-тўрт киши йиғилиб, мулла Хокироҳ тўғрисида суҳбатлашганларида Омон бобо оташгоҳдаги темирни сандон устига олиб қўйиб, болғани қаттиқ урганча тоблаб асабий ҳолда шогирдига иш буюрарди.

Мулла Хокироҳнинг яна бир душмани биринчи бригада бошлиғи эди. У Омон бободан фарқ қилиб, чолга нисбатан нафратини рўй-рост изҳор айлар, раисага «сиз бу «яхши одам»дан ҳазар қилинг, қонхўр босмачининг ўғли ҳеч қачон биз — камбағалларга дўст бўлмайди. Ўзи уддабурон бўлса ҳам юраги тоза эмас» деб такрор-такрор айтарди. Раиса бригадирнинг сўзларига мийиғида кулиб, шундай дерди:

— Ўғил отанинг айби учун жавобгар эмас! Мулла Хокироҳ хўжалигимиздаги керакли одам, каттаю кичикка баробар. Ахир, қўлингизда уни қоралайдиган бирор далил йўқ-ку!..

Бригадир ночор қолганча хомуш тортарди. Мулла Хокироҳ бригадирга қаттиқ гапирмас, тўғри келган жойда мақтар, ёмон кўз билан қараб юрганига парво қилмасди. Урушнинг дастлабки кунлари эди, чоғи, бригадир армия ёшидан ўтган бўлса-да, ҳарбий комиссариатдан чақирув қоғози келди. У ноиложликдан фронтга жўнаб кетди...

«Ҳарқалай, яхши бўлмади — ишонини қийин бўлган жавоб қайтарди. Агар хоҳласа, раиса бо «сир»нинг ост-устини ковлаштириши мумкин, деб йўл-йўлакай ўйлаб борарди чол.— Кампиримнинг тежаб-тергаганини дейди-я! Қаердан олиб тежайди?! Ҳозир қайси колхозчининг уйида бир пуд ортиқча гуруч топилади? Яхшиям раиса раҳмдил, ишонувчан аёл. Ким билади, балки тагини суриштирар...

Мулла Хокироҳ уйига қайтмади. У тўғри етимхонага қараб йўл олди. Хайрият, ўз қўлида «тарбия» топган Нуруллобек хонасида экан.

— Манови гуручни олгин-у, эрталаб идорага бориб, харажатларингни ҳисоб-китоб қилиб қўй!— деди мўйсафид.

— Гуруч? Қанақа харажат?

Мулла Хокироҳ бўлган воқеани тушунтиргач, қўшимча қилди:

— Қани, энди турақол, бўтам, уйга тезроқ борайлик. Маслаҳатли ишлар юзасидан уч-тўртта оғайнилариمنى чақирганман.

Улар болалар уйидан чиқиб, мулла Хокироҳ уйига жўнадилар. Унинг алоҳида ихлос билан қурган ичкари ва ташқари ҳовлидан иборат савлатдор иморати интернатдан бирикки гузар нарида — қишлоқ чеккароғидаги хушҳаво тепалиқда жойлашган эди.

— Яна қанақа маслаҳатли иш?— сўради Нуруллобек бироз юрганларидан сўнг.

— Дўстинг Дадажон келяпти,— деди мулло Хокироҳ.— Яқинда хизматдан бўшабди, энди орденларини тақиб қайтаётганмиш...

— Ростданми?— ҳайрон қолди Нуруллобек.— Қачон хабар кела қолди?

— Абдусаттор ўзимизнинг комиссариатдагилардан эшитиб, бугун колхозга қўнғироқ қилди. Ўзим ҳам икки кунча бурун туш кўргандим. Агар келиши аниқ бўлса, яқин одамларни йиғиб кичик бир маслаҳатли йиғин ўтказишга кампир билан келишиб қўйгандик...

— Бўрихон ҳам келармикан?

Мулла Хокироҳ жавоб бермай, Нуриллобекнинг нега бундай савол берганини бир зум ўйлади. У Нуруллобекни Бўрихоннинг синглисига уйланишга майли борлигини эшитганди.

— Ҳа-ҳа, Бўрихон келади,— деди чол мулоиймона.— Лекин, ўғлим... маслаҳатимни оладиган бўлсанг, бу ниятингдан қайт. Бўрихон синглисини сенга бари бир бермайди. Оти нимади ҳали? Ҳа, Шаддодобонунни айтяпман, укажон. Рост гап: Шаддода сенга тегмайди. Чиранишнинг нима кераги бор, бўтам...

— Хў-ўп, майли, маслаҳатингиз маъқул,— деди Нуруллобек алаmidан титраб.— Унда менга рухсат беринг, уйимга қайта қолай.

— Йў-э, нималар деяпсан?— рад этди мулла Хокироҳ қатъий туриб.— Гапнинг индаллосини билиб, масаладан огоҳ бўлгин деб, сени шахсан ўзим билан бирга олиб боряпман. Ахир сен менга ҳам, Дадажонга ҳам бегона эмассан. Шояд, қадрдон дўстингга ёрдаминг тегса! У ҳали тажрибасиз, ҳавойироқ бола... Чўнтагидаги ёнғоқлари ҳозирча пуч, шақир-шуқур дегандай...

— Ноўрин муболаға қияпсиз, амаки!— деди Нуруллобек.— Дадажон сиз ўйлагандай енгилтак ва беақл эмас, чўнтагида олиб келаётган ёнғоқлариям тўқ. Шуни унутмангки, Дадажон урушдан лейтенант унвонида, қатор-қатор орден-медаллар тақиб келяпти. Энди унга ҳамма эшиқлар очик.

— Билмадим, билмадим!— деди мулло Хокироҳ.— Юр-чи, бир маслаҳатлашайлик...

Нуруллобек истар-истамас ичкарига кирди. Сердарахт ташқари ҳовли ҳийла каттароқ: тепада айвон ва молхона, дарвоза олдида эса даҳлизли меҳмонхона кўзга ташланарди. Меҳмонхона саранжом-саришта, қават-қават кўрпачалар тўшалган, учала эшик ҳам берк бўлиб, ўрта эшик тўғрисида район прокурори Бўрихон, милиция бошлиғи Абдусаттор бахузур чой ичиб ўтиришарди. Уларни кўрган заҳоти иккаласи ҳам ўринларидан кўзгалдилар.

— Хуш келибсизлар!— деди мулла Хокироҳ мамнун жилмайиб.— Қадамларингизга ҳасанот! Озроқ кечиканимнинг боиси: Нуруллобек тунов кун гуручимиз тугаб қолди амаки, ёрдам бермасангиз бўлмайди, деб ҳузуримга келувди. Омборни бекитаётиб, тўсатдан шу гап эсимга тушди. Кейин бир пуд гуручни элтиб бердим-да, ўзини бу ёққа судрадим...

Нуруллобек анграйиб қолди. Ажабо, чол ҳатто ўз яқин кишиларигаям ёлғон гапирди-я! Мулла Хокироҳ унинг хаёлини илғагандай изоҳ берди:

— Бу бола доимо менга ишонмайди, ёлғончига чиқариб юради. Энди, ўзларинг айтинглари-чи, Дадажон келяптими ёки йўқми?

Дадажоннинг ҳарбий хизматдан бўшаб қайтаётганини ҳаммалари тасдиқлашди.

— Жуда яхши!— деди Нуруллобек хурсанд бўлиб.— Дўстим келса, катта тўй қиламиз.

— Бугунги суҳбатимизни ҳам дўстинг шарафига бағишлаймиз, — деди мулла Хокироҳ. — Хўш, Ҳайдаржон келмадими? Нега кечикди экан?

— Келиб қолар, — тўнғиллади прокурор. — У дуруст бола, ваъдасида туради.

— Яхшиси, сизлар суҳбатни давом эттиринглар, мен ҳозир... — мулла Хокироҳ шундай дея ташқарига чиқаркан овоз берди, — Аҳмаджон, ҳо Аҳмаджон!

Яқин-ўртадан бировнинг «лаббай» деган товуши эшитилди. Бироқ чол уни кутмай, ичкари ҳовлига кириб кетди.

Меҳмонхонада учовлон қолишди. Кунлар қисқариб бораётганидан барвақт қоронғу тушарди. Ҳозир меҳмонхона эшикларини бекитишган, илиқ кунлари эса ҳамиша очиқ турарди. Эшиг олдида (хонанинг деразаси йўқ эди) мулла Хокироҳ чўнқайиб олиб, кўчадан ўтувчи ҳар бир йўловчининг юриш-туришини кузатарди.

Пойгакда ўтириб, чой қуяётган Нуруллобек хомуш эди. Гарчи район прокурори Бўрихоннинг ёши Нуруллобек билан тенг бўлса-да, олифтанома уст-боши, қалин жингалак сочлари, димоғдорлиги, бино қўйиб туриши уни улғайганроқ қилиб кўрсатарди, албатта. Кўзлари катта-катта, қиррадор бурунли, келишган бу йигит икки йил муқаддам прокурорликка тайинланганди. Бу мансабни эгаллашига мулла Хокироҳ бировларга устакорларча пора бериш орқали зимдан ёрдамлашган. Шу боис Бўрихон мулла Хокироҳни пири муршиди ҳисоблаб, измидан ташқари чиқмасди. Улар ўртасидаги пинҳона сир-асрордан камдан-кам киши огоҳ эди. Мулла Хокироҳ қишлоқда туриб, барча мушкулликларнинг тугунини ечиш мумкин, деб ҳисобларди.

Мана, милиция бошлиғи Абдусатторни олинг. У мулла Хокироҳга қаттиқ ихлос қўйган, ўз отасидая ҳурмат қилади. Эҳ, бундай дағал, нафосатдан йироқ кимса қайда-ю, ўта мулойим мулла Хокироҳ қайда? Абдусаттор ёшлигида отасига қўшилиб, босмачиларга қарши курашган, Совет ҳоқимияти ўрнатилиши учун жонбозлик кўрсатган эди. Аммо кўполлиги ва саводи пастлигидан лейтенант унвонида милицияда бўлим мудир сифатида юрарди. Тасодифни қарангки, милиция бошлиғи бошқа жойга кетди-ю, ўрнига Абдусаттор милиция бошлиғи этиб тайинланди. Одамлар буни райком секретари Аминжоннинг иши деб ўйладилар. Чунки, Аминжон Абдусатторнинг отаси билан қалин ўртоқ, бориш-келиши бор эди. Аммо тугуннинг учи келиб-келиб яна мулла Хокироҳга туташади. У ўз қишлоғида, мана шу меҳмонхонасида туриб, ҳийлаю найранг, жоду-гарлик ишлатгани туфайли Абдусаттор осонгина милицияга бошлиқ бўлди.

Хўш, бунинг сирини маида экан? Биз кейинчалик Исоҳўжа «тарбия»лари бобида келганда секин-аста илғаб оламиз.

Барваста гавдали, қош-киприги қоп-қора, чувак юзли, мўйловдор, буғдойранг юзли Нуруллобек район маркази Боғистондан эди. Шарбат заводининг тажрибали ишчиси бўлган отасини ҳамма танийди. У бир неча йил олдин педагогика институтини тугатиб, Карим — партизан қишлоғида муаллим бўлиб иш бошлади. Мулла Хокироҳ йигитни аста-секин авраб, ўз томонида оғдириб олди. Укаси Дадажон билан ўртоқ бўлиб кетишди. 1943 йили эса интернатга мудир бўлишига кўмаклашди. Уша кундан бошлаб Нуруллобек бу хонадондан оёқ узмайди.

Бултур чолнинг айрим ноҳўя хатти-ҳаракатларини кўргач, ундан ихлоси биров қайтди. Мулла Хокироҳ интернатга Бўрихон, район савдо бўлими мудир Ҳайдар, Саттор ва қатор кишиларнинг фарзандларини юбориб, албатта қабул қилишини талаб қилди. Нуруллобек мулла Хокироҳнинг яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтаришга мажбур эди — чолнинг сўзини икки қилолмади. Бари бир, болалар интернатга ғайриқонуний қабул қилинди. Бригадир Адҳам Раҳматов мулла Хокироҳнинг хатти-ҳаракатига қарши чиқди. Орадан икки ой ўтмай, бригадирни аскарликка қақиртириб, фронтга жўнатиб юбордилар. Раиса олиб қолишга харчанд уринса ҳам бўлмади.

Бригадир Нуруллобек билан яқин эди. Ҳарбийга жўнаётган маҳали у: «Мўйсафиддан ҳушёр бўл, қўлидан ҳар бало келади. Агар қасд қилса, осонликча қутуллолмайсан», деб тайинлади. Чолнинг ўғрилиги, қўли қинғирлигини ошкор қилишга ҳадди сифармикан? Шаддода масаласи-чи?

— Ишларингиз қалай? — сўради Бўрихон унинг хаёлларини тўзғитиб.

— Емон эмас, — деди Нуруллобек. — Ўзингиздан сўрасак.

— Бизнинг ишимиз жанжалу машмаша-да! — илжайди Бўрихон. — Авваллари, ўтмиш замонларда прокурорни додхоҳ дейишаркан. Додхоҳ бўлдингми, ташвиш ҳам шунга яраша бўлар экан-да.

— Тўғри, ҳамма одамлар дод-дод деб, фақат шу кишига боришади! — дея луқма ташлади Абдусаттор.

— Нечун? Сизга кўпроқ боришади-ку? Биз жиноятчиларга қонун ва давлат нуқтаи-назаридан ёндашамиз холос. Баъзиларни оқласак, баъзиларни қоралаймиз.

— Аммо додхоҳлигингиз, қонунснослигингиз бизга қимматга тушаётир, укажон.

— Билиб ишласангиз, арзон тушади, — деди Бўрихон табассум қилиб.

— Хайрият, бахтимизга милиция билан прокуратура бор, — дея уларнинг баҳсини яқунламоқчи бўлди Нуруллобек. — Йўқса, ўғрию юлғичлар ҳам одамларнинг, ҳам давлатнинг мол-мулкини ўмариб, елга совуришарди. Шукр, ҳимматингиз туфайли тинч яшаймиз.

— Отангиз қалай, ишлаб юрибдиларми? — сўради тўсатдан Бўрихон.

— Раҳмат, яхши! Уч-тўрт кундан бери Жовлидан хабар ҳам ололмаёпман. Етимхонада иш кўп.

Шу пайт хонага мўйсафид, орқасидан ширинликлар қўйилган патнис ва чойнак кўтариб новчароқ бола кириб келишди.

— Ҳайдардан ҳалигача дарак йўқ! — деди Мўйсафид дастурхонни ёза туриб. — Илойим, ичирмаган бўлсинлар-да.

— Охирги кунларда кам ичадиган бўлган, — деб қўйди Абдусаттор.

— Лекин зўрлашади-да, баччағарлар! — бош чайқади норози қиёфада мўйсафид. — Келганида, раҳбар одам, озроқ панд-насиҳат қилиб қўймасак бўлмайди.

Нуруллобек нон ушатди. Мўйсафид ширинликлар тўла патнисни ўртага қўйгач, бола қўлидаги чойнакни олиб, унга жавоб бериб юборди.

— Қани, олинглар, — деди мулла Хокироҳ бир бурда нонни қўлига олганча, — Марҳамат қилиб, оғизни ширин қилинглар.

Хонада бир дақиқа сукунат чўкди.

Дадажон эртага кечикса, индинга келиб қолар, — гап бошлади Бўрихон. — Менга военкомнинг ўзи айтди. Насиб этса, катта тўй бошлаймиз.

— Ҳа, катта тўй қиламиз. Бироқ сизларни тўй маслаҳатига эмас, бошқачароқ маслаҳатга чақирганман. Эҳ, Ҳайдар келмагани чатоқ бўлди-да!

— Мен шу ерданман, — деди шу вақт Ҳайдар ботинкасини даҳлизда еча туриб. — Сал кечикканимга ота гўри қозихонами?

— Агар яна жиндак кечиксайдинг, сени бутунлай оқ қилардик! — деди мулла Хокироҳ заҳархандалик билан. Сўнгра ўрнидан туриб кўришмоқчи эди, Ҳайдар қўймади:

— Ҳожати йўқ, ўтираверинг...

Ҳайдар кўринишдан ўттиз ёшлар чамасидаги йигитга ўхшарди. У юзлари лўндадан келган шқора кўзлари катта-катта, сочлари силлиқ қилиб юқорига таралган, ўрта бўйли, гавдали бўлса-да, қаққонгина, ҳаракатчан эди. Ҳайдарнинг эғнида қора костюм, оқ шоҳи кўйлак, бўйинбоғи бор эди... У мўйсафид ёнига чўкиб, ҳамма қатори юзига фотиҳа тортиди. Кейин нондан бир бурда ушатиб, мураббога ботирди.

— Яна арзончилик бўлади, шекилли, — деди Ҳайдар барчанинг диққатини ўзига қаратиб. — Ҳозиргина Райком мажлисидан келяпман. Март ойидан бошлаб, ун, гўшт, ёғ дегандай... анча-мунча нарсаларнинг нархи тушса керак. Бу Дадажоннинг хайрли пойи — қадамидан! Қани, энди унинг соғ-саломат қайтаётгани учун қадах кўтарайлик...

— Олдин чой ич! — деди мўйсафид Ҳайдарнинг олдига пиёлани суриб. — Худди ҳар куни ичадиган одамга ўхшайсан-а?

— Хўп, тавба қилдик, гуноҳимиздан ўтинг! — деди қувлик билан Ҳайдар.

Даврадагилар кулишди.

Дарҳақиқат, бу хонадонда ичимлик бўлмасди. Мўйсафид хийла хушёр ва тадбиркор, ичганини жини ёқтирмасди. Ичкиликни гоят хуш кўрадиган Ҳайдар ва Бўрихонлар арақ у ёқда турсин, ҳатто ширакайф бўлганларида ҳам мулла Хокироҳга рўбарў келишдан чўчирдилар. Мабодо юзма-юз келишса, у насиҳат ёки танбеҳ бериб ҳам ўтирмасди. Чунки арақхўрга насиҳат фойдасиз эканлигини биларди. Арақхўрлик — беморлик, дерди у. — Агар унга ҳақ гапни айтиб, насиҳат қилсангиз, баттар қутуради. Яхшиси, ихтиёрига қўйинг. Кўпроқ ичсин-у, оёғини охиратга тезроқ узатсин. Ягона чора шу! Мулла Хокироҳнинг ичувчиларга нисбатан ана шундай муносабати Ҳайдар ва Бўрихонни кўп фалокатлардан қутқарди.

— Дарвоқе, гап Дадажон ҳақида эди, — деди мулла Хокироҳ фикрларини жамлай туриб. — Дадажон келгач дам олади, хурсандчилик қилади... Хўш, кейин-чи? Унга қайси ишни тавсия этасизлар? Сизларнинг шу хусусдаги маслаҳат, ёрдамингларни билмоқчи эдим, азизлар.

Утирганлар маънос тортиб, хаёлга толишди.

— Дадажон ҳуқуқшунослик мактабини тугатганмиди? — сўради Бўрихон.

— Ҳа, шундай, — тасдиқлади мўйсафид.

— Тугатганди-ю, дипломини ололмай, урушга кетиб қолганди-да, — гапга қўшилди Нуруллобек.

— Хўш, энди нима бўлади? — бетоқатланди мулла Хокироҳ.

— Дадажон дипломини бориб оладию, ишга тайинланади, — деди Бўрихон. — Қайси ишга қўйишни эса министрликнинг ўзи билади...

— Уни, албатта, марказда қолдиришади! — деди Абдусаттор.

— Дадажон кўнмайди, у ўзимизнинг кадр, шу районни хоҳлайди, — гапга қўшилди Ҳайдар.

— Нима, ўзимизнинг районда суд раислигига қўйишармиди? — ёнидагиларга эътироз билдирди Нуруллобек. — Балки, бирор дурустроқ ишга жўнатишар. Ахир у жанг кечиб келган...

— Ҳамма гапларинг тўғри-ю, тайини йўқ! — кутилмаганда мулла Хокироҳнинг жаҳли чиқди.

— Ие, бу нима деганингиз? — ҳайрон қолди Бўрихон. — Биз ноҳақ эканмиз-да! Наҳотки менинг сўзларимнинг ҳам тайини бўлмаса? Давлат ишини биз яхши тушунамиз-ку?!

— Мен диплом-пипломингизга ишонмайман! — деди мулла Хокироҳ. — Аввало, укамга диплом беришлари даргумон! Тўғри-да, техникумни чала-чулпа, зўрға тугатган. Шундай экан, ҳали диплом олиш учун анча уринишига тўғри келади. Мен эса қаридим, олдинги куч-қувватим қолмади. Гапнинг қисқаси: ишни дипломсиз, марказ аралашувисиз ҳам шу ернинг ўзида ҳал этишимиз, унга бирор муносиброқ вазифани ҳозирдан чамалаб қўйишимиз лозим.

— Қайси ишни? — сўради Ҳайдар қоматини ғоз тутиб.

— Масалан... шундай ишни белгилайликки, ҳам Дадажон хурсанд бўлсин, ҳам ўзимизга фойдаси тегсин!

Орага сукунат тушди. Бу орада Аҳмад чойнакни алмаштириб кетди.

— Буни жиддий ўйлаб кўрмоқ керак? — деди бир оздан сўнг Бўрихон Ҳайдаржонга қараб. — Балки сизнинг соҳангизда дурустроқ иш топилар?

— Йўқ, — деди Ҳайдар жиддий оҳангда. — Савдо иши Дадажонга тўғри келмайди. У бунақа ишларни уддалай олмайди ҳам.

— Балки маорифга жойлаб кўярмиз? — деди Бўрихон гўё барча идоралар қўл остида бўлгандай.

— Тўғри, — деди Нуруллобек унга қўшилиб, — бирор мактабга директор, ё илмий бўлим мудури этиб тайинланса, ёмон бўлмасди.

— Сенинг директорлигинг кифоя! — деди мулла Хокироҳ. — Дадажонсиз ҳам маорифга қўлимиз етади. Менимча, шундай жойга қўйиш жоизки, ўрни келганда, бизни қўллаб-қувватласин.

— Унда прокурорликка-да! — дея кулди Ҳайдар.

— Ҳа-ҳа, т-тўғри! — чайналди саросимада қолган Бўрихон. Аммо унинг ҳеч кимга, ҳатто туғишган биродарига ҳам ўз мансабини бериб қўйгиси йўқ эди. — Жони чиқаётганида ҳам бу ишни қилмасди.

— Прокурорликка эмас, — деди чол Бўрихонни хотиржам этиб. — Мана, прокуроримиз бор, жойи ўзига насиб қилсин...

— Хўш, қаерга? — сўради дилтанг бўлиб соддадил Нуруллобек. — Ўзингиз бирор жойни кўзлаб қўйгансиз-у, бекорга бизни сўроқ қилиб, қийнаб ўтирибсиз, шекилли-а?

— Ҳа, кўзлаб қўйганман, — икром бўлди чол. — Дадажон суд раиси бўлиши керак! Нигоҳлар тўқнашди. Хонада тағин сукунат чўкди. «Ахир, судга раис бўлиш осонми? — деб ўйлашарди даврадагилар». Бунинг учун анча-мунча синову чиғириклардан ўтиш, тасдиқланиши лозим эди! Бироқ чол Дадажонни ўз ихтиёрича суд раиси этиб тайинлашни истарди. Шундай бўлиши ҳам керак-да. Модомики, мулла Хокироҳ шундай деяётган экан, бекорга айтмаётгандир...

— Кошки суд раиси бўлсайди! — деди Бўрихон жимжитликка хотима бериб. — Лекин судимизнинг раиси яхши ишляпти-да. Райком ва ижрокомга иши ёқади. Эшитишимча, юстиция министрлигидегилар ҳам хурмат қилишади. Дадажонни тўғридан-тўғри шу ўринга қўйиш оғир кўчмасмикан?

— Кўядиларми, йўқми, бунисини билмайман, — деди қайсар чол. — Менга шу ҳақда йўл-йўриқ кўрсатинглар, деб сизларни чақирганман-да! Эҳ, Дадажон судга раис борми, анча-мунча ишларимиз ўрнига тушади: бировга муҳтожлик сезмаймиз, бировдан кўрқмаймиз... Қолаверса, мен ҳам қолган умримни тинч-омон ўтказгим келади.

Нуруллобек мўйсафиднинг мулоҳазаларига ҳам кулгиси қистар, ҳам ҳайрон қоларди. Дадажон судга раис этиб тайинланса, чол айтганидай, барча кирдикорлари пинҳона қолаверади: суд, прокурор, милиция, савдо, маориф — бариси ўзингники, нимани хоҳласанг қилавер! Айбингни, гуноҳларингни шулар ёпишади, агар қўлга тушгудай бўлсанг, сени қутқаришга куч-қувватлари етади!

Шу вақт Абдусатторнинг кўнглида «Кошки Дадажон шу мансабни эгалласа-ю, беғам, беташвиш яшасам» деган фикр кезарди. Ҳозирги суд раисини кўрса, отгани ўқ тополмасди. Дадажоннинг суд раиси бўлишида чолга кўмаклашиш зарур. Милиция бошлиғи бўлатуриб, наҳотки шу ишни уддалай олмаса?

Ҳар куни савдо ходимлари билан жар ёқасида юрган Ҳайдар ҳам «суд раиси ўзимиздан бўлса кошкийди» деб орзу қиларди. Бўрихоннинг ўзи кирдикорларини хаспўшлашга якка-ожизлик қилади. Мабодо Дадажон суд раиси бўлса — оҳ қандай яхши! — Тунлари беҳавотир ухларди. Бироқ ниятга эришиб бўлармикан? Ҳайдар мана шу ишнинг амалга ошиши йўлида неча минг сўм керак бўлса, топиб беришга тайёр эди ҳозир.

Бўрихон бу нозик масалада аτροφлича фикр юритаётганди. Дадажоннинг судга раис бўлиши ўзига, ишларига ҳеч қандай халал етказмасди, албатта. Лекин бундай ички боғланиш, ўзаро яқинлашиш, райком секретари, НКВД ва марказдагиларни чўчитиб

¹ Уша пайтда суд раиси сайланмасдан, район Совети сессиясида тасдиқланарди.

юбормасмикан? Калаванинг учини баъзи синчков одамлар қўлига тутқазиб қўймасмикан? Бунинг устига Дадажонни судга раис этиб қўйиш осон ишми? Аввало, у дипломини олиши, сўнг райком, ижрокомнинг назарига тушиши керак... Хулласи калом Бўрихон бу масалага очиқ-ойдин кўмаклаша олмайди, чунки унга гап тегиши мумкин.

— Бу ишда энг керакли ёрдамни Бўрихон кўрсатиши шарт! — деди мўйсафид аксига олгандай. — Бўрихон шу кечанинг ўзида ёки эрталабдан бошлаб суд раисининг ўз ишларига аралашаётганлиги хусусида райкомимиз котибининг қулоғига шипшитишни бошламоғи даркор. Чунки суд билан прокурор бир-бирининг ишини яхши англайди. Бу — бир. Сўнгра худди шу тўғрида шикоят ёзиб, марказга юбориши зарур!

Мўйсафид қўйнидан битта қоғоз чиқариб, Бўрихонга узатди. У варақча тезда кўз югуртириб, мулла Хокироҳга юзланди:

— Айбларни ёпиштира билиш керак. Ахир, мен қандай қилиб...

— Гувоҳларни тайёрлаш мендан. Сен ҳужумни бошлайвер, қолганига ишинг бўлмасин!

— Хўп, айтганларингиз барчаси бажарилди дейлик, — деди жиддий тортиб Бўрихон. — Суд раисининг думини тугиб, мақсадга ҳам эришдик. Кейин нима бўлади? Дадажонни сиз билан мен суд раиси этиб тайинлаётмаймиз-ку?!

— Тўғри айтасан, масалани ижроком мажлиси ҳал қилади, — деди мулла Хокироҳ. — Биз ҳозирча мўлжалдаги режамизнинг ярмини тайёрлайлик, қолганини келгуси сафар ижро этиш қочмас. А, нима дединглар. Қани, овқатга — дастурхонга қаранглар. Гап билан овора бўлиб...

— Ундай бўлса, бу бошқа гап, — деб қўйди Бўрихон.

— Мен ўй-истакларингизни тушуниб турибман, — деди яна мўйсафид. — Бу осон кўчмайди. Умунан, бирор ишга осонликча эришиб бўлмайди. Лекин эҳтиёткорона, баҳамжиҳат ҳаракат қилинса, истаган орзуга эришишигиз мумкин. Сен, Абдусаттор, энди характерингиздаги беғамликни бас қил. Шу бугундан бошлаб суд раисига лой чаплашни бошлаб юбор. Ҳар бир босган қадами, хатою камчилигидан огоҳ бўлиб, кунора менга билдириб турасан. Шунинг унутмангки, биз бу ҳаракатимиз орқали ҳукуматга асло халал етказмаймиз. Барчамизнинг партия ва ҳукуматимизга жонимиз фидо! Камина бўлса, дуоғўй қарич, вассалом!

Даврадагилар мулла Хокироҳнинг ўйлаган режасига яна бир карра қойил қолдилар.

— Сизни бекорга пири муршидим, демаганман! — деди Бўрихон хурсанд бўлиб. — Ҳа, раҳбарликни давом эттираверинг. Сиз раҳнамо экансиз, биронтамизнинг оёғимизга тикан кирмайди.

— Агар сўзларимга қулоқ тутиб, бир ёқадан бош чиқарсаларинг — қўлимиз доим баланд келади! — деди виқор билан мулла Хокироҳ ва мавзуни бошқа ёққа бурди. — Хўш, энди бошқа маслаҳатга — Дадажонни уйли-жойли қилиш, тўй маслаҳатига ўтайлик.

— Э, ғам тортманг, мулла ака, — Дадажоннинг қайтишини шоҳона нишонлаймиз! — деди Ҳайдар. — Унинг келишига бир бўрдоқини ният қилиб боқяпман, эртагаёқ юбораман. Ичимликларни эса заводнинг ўзидан келтиришади.

— Сизлардан кўнглим тўқ, — деди мўйсафид. — Шунчалик ёру дўстлар, қариндош-уруғлар Дадажонни қуруқ қўл билан кутмасанглар керак. Назаримда уни енгил-елпи хаёллар билан боши гангиб қолмасидан тезда ўйлантириш лозим.

— Кўзлаган жойингиз борми? — сўради Ҳайдар.

— Бор! Кўзлаб қўйган жойим тайин, — деди мўйсафид. — Агар авлодимизни ўзларига муносиб кўрсалар, Бўрихон билан қариндош тутиниш юрагимдаги орзуим. Биз бу кишининг авлод-аждодларини бағоят ҳурмат қиламиз. Ота-боболари обрўли, муҳтарам кишилар! Худога шукр, биз ҳам авомлардан эмасмиз...

Бу гапдан кейин Бўрихоннинг кўзлари катта-катта очилиб, бошини қуйи солганча хаёлга толди.

— Ҳаят ажойиб орзу! — деди Ҳайдар. — Менимча, бундай ўринли таклифга ортиқча гап-сўз жоиз эмас.


— Маъқул, маъқул! — деб қўйди Абдусаттор.

Нигоҳлар Бўрихонга қадалган эди. Бу гал у қатъий фикр айтишга шошилмасди. Охири, жавоб кутишаётганини сезиб, дастурхонга тикилганча деди:

— Мен бунақа хушбахтликини ўзим учун ҳам, синглим учун ҳам кутмаганим!..

Уша оқшом чехрасига сўлгинлик тушган Нуруллобекдан бўлак ҳамма шод-хуррам ўтиришди.

Тоҷикчадан Тошпўлат АҲМЕДОВ таржимаси.



БИРЛАШДИ БУНДА ТУРФА ҚАЛБ МАНЗИЛЛАРИ

Мўмин Қаноат

Қалбим шаҳри

Дўстлигимиз заминидир дунёга қувват,
Дўстлигимиз замиридир уммонга қудрат,
Қалбимизда муҳаббат у меҳримиз қат-қат.

Дўстлигимиз осмонида каптарлар ғужғон,
Паноҳида заррин сочиб оқар Зарафшон,
Жилоланар Жайхун — худди бир парча осмон.

Биз жондошмиз, асил шеърга доим дилбаста,
Бир чеҳранинг қошларидек умр пайваста,
Дўстлик аҳди орамизда мудом ораста.

Дўстлигимиз бўлмаса гар, дарё керакмас!
Қалбларимиз ёнмаса гар, паймонлар абас!
Тинч бўлмасак елдек учар орзую ҳавас!

Бошимизни тик тутганмиз ақл-зако билан,
Мардлик сўзин тимсол этиб об-ҳаво билан,
Дардимизга малҳам топдик бир даво билан.

Бир замонлар еримизга экдик юлдузлар,
Юлдузликлар тарихидан Самарқанд сўзлар,
Расад тоқи ҳамон гардун тоқини кўзлар.

Оқсоч Тошкент ёшармоқда йил ўтган сари,
Бирлашади бунда турфа қалб манзиллари —
Дилларимиз шаҳрининг дўст-қадрдонлари.

Икки қитъа пайвастадир қалбим шаҳрида,
Оқиб ўтар не дарёлар қалбим наҳридан,
Оби раҳмат оқар, эй дўст, қалбим қаъридан...

Биродарим

(Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган акам Абдулла хотирасига)

!

Юзинг нақши қароғимда, сўзинг янграр қулоғимда,
Мисоли кўшмағиз эрдик, ҳидинг қолди димоғимда.
Сени қўмсаб дилим ўртар, учар қушдай йироқларга,
Изингни ахтариб келдим баланд тоғдан бу ёқларга,
Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

II

Кезарман украин юртин, кезарман лолу хайрона,
 Қучиб ҳар бир мозор тошин, боқиб уларга мардона,
 Азиз исмингни излайман, тополмай аста бўзлайман,
 Бошингдан ўтганин эслаб, ёруғ юз бирла сўзлайман,
 Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

III

Гўдаклик чоғларим ўтди, у пайтда навқирон эрдинг,
 Ҳама қурдошларинг ичра сарафроз паҳлавон эрдинг,
 Чинордек соябон эрдинг, кўзимга бир жаҳон эрдинг
 Ва лекин хокисорлик пардасида ноаён эрдинг,
 Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

IV

Билолмам, ё мозоринг ҳам ўзингдек хокисор, айтгин?
 Сени ёв нишон этганда ким эрди ҳамканор, айтгин?
 Замин бағрига босганда ким эрди ғамгусор, айтгин?
 Кўзинг кимларни изларди боқиб охирги бор, айтгин?
 Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

V

Бу юртда қайга борсам, кенг очик ҳар қасру ҳар хона,
 Мисолу шамману ҳар хонада бир оға парвона,
 Бу юртда топмадим гарчи ва лекин кўрдим, ҳар ёна,
 Ки сен ҳар хонада борсан, ҳақиқат бу, на афсона.
 Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

VI

Мозорлар тошидан гарчи нишонинг топмадим, ҳайҳот!
 Не бахтким, элу юрт этгай сени ботиргинам деб ёд!
 Сенинг қутлуғ қонинг қондошу жондош айлағай бизни,
 Агар дўстликка тахт бўлса, бу тахтга сайлағай бизни.
 Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

VII

Не диллар қулфларин очди, муҳаббат нурларин сочди,
 Ғараз йўл топмағай ҳаргиз, у нурдан тун каби қочди,
 Ҳаётинг кўзгудир бунга, саботинг кўзгудир бунга,
 Бугун қалбда томир отгувчи отинг кўзгудир бунга.
 Биродарим,

биродарим,

жону дилга баробарим!

Мирсаид Миршакар

Мен ижод этганман сўнги худони

Худолар сиррини очай, эй ўғлон,
 Ёдингдан чиқарма сўзим умрбод.
 Ўтган аждодларим кўл асру замон,
 Бир-бирин хатосин айлабон такрор,

Не-не худоларни этдилар ижод.
Гарчи алам қилар, аммо на чора,
Мен ижод этганман сўнгги худони.
Ҳаётим, қисматим... ҳар кун юз бора,
Тилимдан қўймасдим унинг исмини...
Зинҳор такрорлама сен бу хатони!

Қутби Киром

Биринчи таржимон

Махсум улфатларнинг улфати эди,
Пул юзин кўрмасди гарчи киссаси.
Қалбини кафтида тутарди гўё,
Тилдан-тилга ўтар унинг қиссаси.

Базморо, ширинкор, машшоқ, ҳазилкаш,
Тилига қўнмасди ғараз ғубори.
Каттаю кичикни бир хил севарди,
Гўё кулги эди унинг бозори.

Қиш пайти юрарди шаҳарма-шаҳар,
Қишлоққа қайтарди ёзнинг бошида.
Латифа ё қўшиқ тингламоқ учун,
Қишлоқ жам бўларди унинг қошида.

Қайси бир шаҳарда махсум бир сўмга,
Куйловчи қуттини кўрибди, ё раб!
Кўчада юргувчи уй ҳам бор экан,
Ёғоч резиндан ясалган, ажаб!

Бу «азим гуноҳлар» устига устак,
Кезиб чиққан эмиш ўрус элини.
Берилиб тинглабди русча сўзларни,
Урганиб олганмиш ўрус тилини.

Энди қайга борса махсум иззатда:
— Махсум, обод этинг уйнинг тўрини.
Сўнг аста саволга кўмишар уни:
— Қани, эшитайлик гапнинг зўрини.

Шумбола пойгакдан сўрайди аста:
— Бу... буғдой сўзининг русчаси недир?
— «Иди суда», иним.
— Нонни-чи, нонни?
— Иссиғи — «хорошо», патир... бари бир.

Дунёнинг бор битган исму жисмини,
Қушми у, балиқми, ёки у нахчир?!
Шу икки сўз билан атарди махсум,
Бу сирли сўзларни этмасди тафсир.

Бир куни сафардан қайтибон махсум,
Чақирди қувониб қишлоқ аҳлини,
Сўнг деди: — Оқпошшо жуфтакни ростлаб
Ҳайҳот, деб қочибди ютиб жаҳлини.

Қаерга қочибди?
— Қаерга? Гўрга!
— Эҳ, афсус! Йўқмикин бунда бирон сир?
— Афанди, сен нечун афсус чекасан,
У бизга жойини бўшатди, ахир?!

Халқ оёққа қалқиб, муштумни тугиб,
Осмондан келтирди ҳазрат оёғин.
— Энди ким бизларга бош бўларкан-а?
— Ленин ёритади ҳаёт чироғин!

— Ленин?! Жон махсумжон, бизга айтиб бер
Бунинг тожикчасин, урмай лофу қоф.
— Бунинг тожикчаси бир сўзга сиғмас,
Мазмуни: еру сув ва адлу инсоф!

Таржима қилди у, шунда илк бора,
Лениннинг маъносин дарий тилига.
Балким пайқагандир соддадил махсум,
Иқбол келтиришин шўрлик элига.

Лойиқ

Меҳнат қаҳрамонига

Гуллар меҳнат замини, яшнар меҳнат замони,
Сени муборак этгум, эй меҳнат қаҳрамони.

Меҳнатнинг тўрт фаслидан бир бешқиррали юлдуз,
Кўксингга берди зийнат — бу меҳнат армуғони.

Тушмади у фалақдан, инъом эмас малақдан,
Уни фақат яратгай тоза меҳнат осмони.

Ҳар инсондан нишона қўлларининг нақшидир,
Ёруғ жаҳон бақоси бу меҳнатнинг нишони.

Достон яратди қўллар, кайҳонга очди йўллар,
Рустамни этди достон асил меҳнат достони.

Роҳат тилин ёд билар ҳар меҳнат аҳли сендек,
Кўлинг қадоқларидир гўё меҳнат забони.

Юзингдаги чизиқлар — меҳнат йўлин қиссаси,
Қақроқ лабинг этар арз недир меҳнатнинг нони.

Ким топди ҳалол нонни уйқусин ҳаром этмай?
Меҳнатнинг пинҳон дардин эслар оғриси жони.

Сендек билар хатосиз не эканин бутун нон,
Ора кирса жонига меҳнатнинг резги нони.

Донғи жаҳонга кетгай, етти фалакга етгай,
Ёстиқ ўлса унга гар чин меҳнатнинг остони,

Дунёки нотамомдир, инсон вужуди хомдир,
Пишгунча зоти инсон дунё меҳнатнинг кони.

Киприк қоқмадинг тунлар, ечилди не тугунлар,
Бел боғладинг эл билан меҳнат соҳибқирони.

Эллар сени суйдилар, юртда ҳайкал кўйдилар,
Халқингга ҳайкал ўрнат, ҳалол меҳнат посбони.

Яна битта истагим, ўчмагин эл ёдидан,
Миллат қаҳрамони бўл, эй меҳнат қаҳрамони.

Мени эслаб қўйгин шунда бир бора

Қачонким эл ичра, ёлғиз қолсанг гар,
Муҳаббат дафтарин қўлга олсанг гар,
Рангимдек заъфарон варақлар ичра,
Мен битган номага назар солсанг гар,
Мени эслаб қўйгин шунда бир бора.

Навбаҳор гул базмин этганда бунёд,
Булбулнинг кўксидан учганда фарёд,
Гул-гул яшнатса гар гуллар жамоли,
Лоланинг ёниши қалбинг этса шод,
Мени эслаб қўйгин шунда бир бора.

Бордию изласанг илҳом парисин,
Нигоҳинг сайр этса излаган сайин,
Учраса ногаҳон бир парипайкар,
Лутф айлаб термилса кўзингга майин,
Мени эслаб қўйгин шунда бир бора.

Гоҳ жафо, гоҳ сафо ҳаётга йўлдош,
Пайванддир хатою тадбиру бардош,
Гуноҳинг жабрини тортган чоғингда,
Кўзингдан тўкилса гар аламли ёш,
Мени эслаб қўйгин шунда бир бора.

Бозор Собир

Тожикистон

Тожикистон, Тожикистон,
Қайга борсам ҳар замон,
Чегарангга етгунимча,
Ўзга юртга кетгунимча,
Баримни қоқибон қўяман қадам,
То хокинг бўлмасин бирор зарра кам,
Баримда кетмасин бирор зарра ҳам.

Қайда сув кўрсам агар,
Қайда биллурдек булоқларнинг лабин сўрсам агар,
Кўзима илдим унинг бир қатрасин,
Кўринарди гоҳ Зарафшон, гоҳи Вахш,
Уш зрур этсам агар бир қатра бахш.

Ўлкалардан ўтганимда,
Йўл ғуборин ютганимда,
Қўндирардим ҳар замон киприк учига заррасин,
Токи, сенга тухфа этсам,
То кўпайсин зарраларнинг карраси.

Қайда тош кўрсам агар,
Мен силардим ўзга юртнинг тошини,
Силагандек худди фарзанд бошини,
Ўзими дердим, уни
Келтиришгандир Бадахшон бўйидан,
Юлқиб олгандек гўдакни мушфиқ она қўйнидан.

Ҳар қаён қилсам сафар,
Ёдладим ҳар битта йўлни бир ғазалдек беғалат,
Хатма-хат,
Бошласин токи сўроғингга мени,
Беозор элтсин қучоғингга мени...

Қайда бўлсам, бўлмасам,
Мен ўшал деҳқон болангман.
Ғам чекарман тоғларингдан битта тошинг кўчса гар,
Ғам чекарман бир гиёҳинг баргидан ранг ўчса гар,
Резги нонингни ютарман бўлса гар нонинг бутун,
Сув ичарман бўлса гар дарё қўли ҳаддан узун.

Бир нафас қолсам агар ёлғиз бўлур тоғинг макон,
Токи, тошга бош қўйиб роҳатланиб олсам бир он,

Токи, дарё куйига этсин мени ҳам ҳамзабон,
Токи, йиғлатсин шалола ноласи зор-зор мени,
Токи, ёмғир айлабон қуйсин булут бир бор мени,
Токи, ёлғиз қолмайин ёлғизлигимда ҳеч қачон.

Тожикистон, Тожикистон,
Борлиғинга бир эмас, минг қатла шукр,
Ҳарна тегса менга бас, минг қатла шукр,
Менга сарват бер демайман,
Менга савлат бер демайман,
Она юртимсан,
Кифоя яшнасам бағрим тўлиб,
Не саодатдир яшаш хору хасинга тенг бўлиб.

Мавжуда Ҳакимова

Ленинободим

Сир бўида бўй чўзди,
Азим, қадим бир шаҳар.
Жўш урар қалб дарёдек,
Номин эшитсам агар

Баҳор чечаги сўнмас
Баҳордек кучоғида.
Шеър тўқишни ўргандим
Булбуллардан боғида.

Олам юзини кўрдим
Шу шаҳар кўзи билан.
Улғайдим, камол топдим
Мен унинг ўзи билан.

Ленин меҳри яшнатди,
Номи ҳам Ленинобод.
Тўймай шаҳар ҳуснига,
Доҳиймизни қилгум ёд.

Гулназар

Эй асрим, огоҳ бўл...

Қулоққа чалинар ташвишли нидо:
«Илтимос, қўлингни тегизмасдан ўт!»
Посбонлар нигоҳи такрорлар гўё:
«Суратга ҳеч зиён еткизмасдан ўт!»

Нигоҳлар таноби занжир сингари
Одамлар қўлларин боғлар, бегумон.
Ҳазабдан титрайди барча: ёш-қари,
Тиш қайраб эшикка бўларкан равон.

Халойиқ бўйсунмай посбон сўзига,
Суратга қўл чўзиб, ишин қилибди.
Тирноғин ботириб Гитлер кўзига,
Роса ковлабдию, роса тилибди.

Музейда осиглиқ Гитлер сурати,
Кўзлари ўйилган, қабиҳ ва мурдор.
Мужассам кўринди башар нафрати —
Разиллар нафратга, алҳақ, гирифтор.

Во ажаб, шу нокас аждар мисоли
Жаҳонни қон қилиб ютмоқчи бўлди.
Кўринглар, қон талаб кўзларнинг ҳолин,
Қон ютиб, қон ютиб қонига тўлди.

Суратга боқдимۇ кўринди бирдан,
Оламни тўлдирган одамзод қони...
Қулоққа чалинди гўё ҳар ердан,
Мажруҳлар ноласи, фарёд, фиғони...

Гарчи музейдадир Гитлер уяси,
Гарчи озор топмас хавфидан замин,
Эй асрим, огоҳ бўл, унинг куяси,
Унинг уруғлари бош кўтармасин!

Ватан

Отам сарват юзин кўрмай кўз юмди,
Аммо у қолдирди бир дунё сарват.
Отам давлат юзин кўрмай кўз юмди,
Аммо у қолдирди бир дунё давлат.
Бебаҳо бу дунё, Ватаним, ўзинг!

Чақмоқдек тез ўтди онамнинг умри,
Ундан ошиқроқдир ҳозирги ёшим.
Онам дийдоридан тўймадим, аммо
Бир она меҳридан кўкдадир бошим,
Онам — қалби дарё, Ватаним, ўзинг!

Нафратдан титрайман агар бир бадзот
Бебаҳо Ватанни олса нишонга,
Жисмин қалқон қилар асил фарзандлар,
Сенгамас, ўқ тегсин, майли, қалқонга,
Жондек танамда жо, Ватаним, ўзинг!

Кўрганман шўрли бир ватангадони
Бир тишлам нон учун кечди имондан.
Нонга алишарми имонин инсон?!
Хиёнат анқирди у топган нондан!
Дард тегса, минг даво, Ватаним ўзинг!

Камол Насрулло

Менинг ҳужжатим

Ҳужжатпарастликка йўқдир тоқатим,
Бағримда пинҳона менинг ҳужжатим,
Қалқон паноҳида турган мисоли:
Инсоний туйғуга олий тафсир у,
Менинг коммунистик билетимдир у.

Ҳужжатга қилмагум ҳаргиз ибодат,
Имзою муҳр ила чунки номусни
Сенга бахш этарми бирор вазорат?!
Ёр меҳри кўчса гар юрак тубидан,
Ким топиб беради қоғоз тўпидан?!

Гар муҳру имзога имон келтирсанг,
Айт, нечук бўларкан виждон ҳужжати?
Номаълум солдатдан ҳужжат сўрарсан?
Не тусда бўларкан у қон ҳужжати?

Виждоннинг ҳужжати фақат виждондир,
Мардликнинг ҳужжати мардликнинг ўзи.
Балки ошиқликка ҳужжат керакдир?
Унга ҳужжат севиқли кўзларнинг сўзи.


Ҳужжатпарастларга йўқдир ихлосим,
Бу қутлуғ тупроқда ўсган ниҳолман.
Сингийман заррадек унга тоабод
Ва ўз заррасидек танийди Ватан.

Ҳа, қалбга сингмаса ҳужжатдаги хат,
Тўғри йўл кўрсатмас ҳеч қандай ҳужжат.
Хотира ҳужжати хотирага хос,
Шодликнинг ҳужжати шодликдир, халос.

Инсоннинг инсонга бўлган ишончи,
Юз меҳру имзолар остида ётар,
Бу ҳужжатпарастлик ўткир тиғ каби
Қалбимга ботар.

Менинг ҳужжатимдир самимий салом,
Менинг ҳужжатимдир ишончли калом.
Гар сидқу вафога бўлмаса ҳамроз,
Тўғри йўл кўрсатмас ҳеч қандай қоғоз...

Тожиқчадан **Жонибек ҚУВНОҚ** таржималари.



Аҳад Ҳасан

ҚУМБОСДИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Хушнуд кунлар келади, инон!
А. С. ПУШКИН

Қисса

БИРИНЧИ ҚИСМ

Туйнук

Қиличини яланғочлаб қиш келди. Ер қамчиланган танадай ёрилиб кетди. Сурункали изғирин. Сахро этагидагилар қишнинг кутилмаган бу забтига чидаёлмай, теварак-атрофдаги пастқам қишлоқларга — қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларини қора тортиб кета бошлади...

Бепоеён қумликлар этагида биргина хонадон қолди. Бу кулбада яшовчилар ҳам кўчишга шай эди. Қаноатнинг жўралари келиб, гапни бир ерга қўйиб кетишди: эртасига эшакарава топиб, уларни қўшни Денов қишлоғига олиб кетадиган бўлишди. Бироқ бир йилдан бери ана кетди-мана кетди бўлиб ётган бемор онаси ўғлининг раъйини қайтарди.

— Қиш ўчоғи тор, тур уйинга бор, деганлар, болам, — деди у сандалда инқиллаб ётган кўйи. — Кўчганларнинг бирор илинжи бордирки, кўчган-да.

— Бизам кўчамиз, деб жўраларимга сўз бериб қўйгандим, — деди ўғил норози бўлиб.

Она нафасини ростлаб, тирсагига таянди.

— Сўз бериш ҳар хил бўлади... Уша жўраларинг келганида: «Йўқ, кўчмаймиз» деб айт-қўй. Ҳеч нарса йўқотмайсан. Баҳорни ўз уйимизда кутамиз. Кўрпаси йиртиқ мана шу сандалимиз ғанимат. Утинга зўр бер. Отангдан қолган ойболта, арра қўлингдан тушмасин. Мен билан сени сандалга босилган олов тафти қишдан омон олиб чиқади, уқдингми?

Бола маънос бош эгди.

— Қалдирғочлар учиб келгач, бу галги қиш заҳмати ҳам унут бўп кетар. Бу саҳронинг қаҳри каби меҳри ҳам баланд. Мана кўрасан, кетганлар ўз жойини қўмсаб, яна қайтиб келишади. Кўчганлар ноилож кетишяпти. Кўзларида ёш... — деди она ўғлига синчков тикиларкан. — Нима дейсан? Узимиз баҳоргача чидаб биламизми, болам?

— Бўлмасам-чи, онажон, — деди ўғил энди руҳланиб. — Чидаймиз!

Улар ғарибгина кулбаларида қолишди. Қаноатнинг кенгликларга ўрганган жўралари эса ора-чора келишиб, қумликларда ўйнаб кетишарди...

Она-ўғил узоқ қиш қаҳрига чидашди, сахро хуружларига бардош беришди. Қантар оғди; лекин қиш шашти тушмасди. Хутдан олдин унинг безовта шамол ва тўзонлари лашкар тортиб келди, одамларни кўз очиргани қўймади. Ҳадеганда совуқ чекинмас, она кутган баҳор ҳали-бери келадиганга ўхшамасди...

Ингроқ овозидан Қаноат уйғониб кетди.

— Ҳа, онажон, яна мазайиз қочяптими? — ўғил уйқу аралаш гарангсиб бир оз аланглади-да, бош томонда хира милтираб турган қорачироғнинг пилигини хиёл кўтарди. — Нима бўлди, онажон?

Ташқарида шамол чийиллар, гувилларди.

— Эшикка қара... Бизни худо урганга ўхшайди, болам.

Қаноат эшикка қараб, ҳеч нарса илғаёлмади: қоп-қоронғи. Жойидан туриб, эшик зулфини туширди, ташқарига чиқишга уриниб кўрди, эшик очилмади. Яна итарди. Бўлмади. Эшикни ҳар силтаганда, унинг тирқишларидан шиғ-шиғ қум сизиб кирарди.

Қанча кучанмасин бефойда эди, гўё орқасидан худди тамбалаб қўйилгандай, эшик зил-замбил эди. Бола шундагина билдики, уйни қум босган! Қаноат довдиради. Қора чироқ ҳам атайин қилгандай, бир «лип» этдию ўчди-қолди. Бола энди тамом гангиди... Ташқарида бўрон қутуради, еру кўкни ютгудай ўкиргани ўкирган эди.

Девордаги шапалоқдай шиша-туйнук ортидан ҳар тонг бўзариб, нур тушарди. Ҳозир шишадан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. «Уйимизни одам бўйи қум босган, — деб ўйлади бола. — Йук, том бўйи...» У ваҳимали хаёлларни чалғитиш учун тепага — қалдирғочга мўлжаллаб қўйилган туйнукка тусмоллаб қаради: зим-зиё.

Сандал четида бир ҳовуч бўлиб ётган она жулдур кўрпани устидан нари суриб, қарийб инграган товuşда сўради:

— Уйимизни қум босган, мендан яширма, болам?

Қаноат бошини кўтарди. Онасига қаради, лекин ундан садо чиқмади.

«Онамдан сир яшириб бўлмайди! — иқрор бўлди бола. — Ичингдаги гапни шундоқ билиб турадилар...»

Қаноат онасига яқин келиб тиз чўқди, устига кўрпани тортиб қўйди.

— Ша-а-мол бошланган ку-ни... — онанинг нафаси бўғилди, кўкраги гоҳ чўкиб, гоҳ кўтарилиб, жуда қийналиб гапирарди. — Отангни эски тел... телпагини туй... туйнук-к-а...

Бола онасига эгилди. Унинг на кўзи, на юзидан бирор маъно пайқай олмади. Совиб бораётган лабларида айтолмаган бир оғиз сўзи симобдай қотиб қолганга ўхшарди.

— Телпакни туйнукдан олиб ташлайми?

Онаси хиёл қўзғалиб қўйди. Уғил уй бурчини пайпаслаб, супрадан ўқловни олди-да, сандал устига чиқиб, эски телпакни туртиб туширди. Аввал энсиз тасмадай нур, кейин чанг-тўзон ёпирилиб кирди. Онанинг нурсиз кўзлари хонага сизиб кирган тонг нури билан тўқнашиб, хиёл ўтмай шу зайлича қотиб қолди: кўкраги бирпас кўтарилиб-чўкиб турди, кейин «пуф» деди-ю, боши ўнг елкаси томон қийшайиб тушди...

— Онажон, кўзингизни очинг, онажон! — Қаноат онасининг юз-кўзларини силади. — Мени якка ташлаб кетманг. Кўзингизни очинг, онажон!..

Боланинг алами ғазабга айланди. Узини эшикка урди. Бир оз орқага кетиб, яна, яна урилди... Боланинг қўллари эшик тахтасида сирғаниб, тиззаси билан чўккалаб йиқилди. Эшикнинг ёғоч дастагида чирмашиб яна турди; итарди, тепди, йўқ, эшик очилмади.

Қаноат орқасига ўгирилиб, онасига қаради: туйнукдан жасади устига тўзон аралаш тасмадай нур тушиб турибди, ташқарида бўрон еру кўкни ларзага солиб гувилларди. Она хира нур ортидан ўғлига боқиб: «Ҳаммаси ўзингга қолди, болагинам!» деяётгандай эди.

Манглайи бир энлиқкина, қоп-қора қошли, афт-ангори унниқиб кетган ўн уч яшар Қаноат бундан буён ўзи тақдирига ўзи нажот излаши керак. Бола энди йиғламас, унинг кўзёшлари ҳам, дийдаси ҳам тошдай қотиб қолган эди. У она пойида чўккалаб, миқ этмай мунғайиб ўтирарди. Унинг муштдеккина жуссасида тақдирга қарши аллақандай ғалаён жўш урар, танаси гувиллаб ёнар, лекин вужудини жунбушга солган, хаёлларини остин-устун қилган ўша жиловсиз туйғу унга асло тутқич бермас, ишни нимадан бошлашни билмасди. Қаноат бу чигал қисмат қаршисида худди қўғирчоқдай лол ва ожиз қолган эди.

Бола бундан буёғига ақли етганча ҳаракатга тушди: онасининг жасади устидаги исқирт кўрпа ўрнига бир йил олдин дадасининг тобутига қўл келган эски чойшабни топиб ёпди. Кейин ташқарига чиқиб, одам тўплаб, онасини дафн этиш учун чора излади. Кўзи беихтиёр тепага қадалди. Шифтдаги очиқ туйнукдан эса тўзон билан қоришиб энсиз нур, бир чимдим бўлса-да, рўшнолик тўкилиб турибди...

Худди кечагидай эсида: бу туйнукка раҳматли онаси сабаб бўлган эди. «Шифтда қалдирғоч ин қурмаган хонада файз бўлмайди», деб қистайверганидан кейин дадаси, истар-истамас, юқори девордан мана шу туйнукни очиб берган эди. Совуқ тушиб, қалдирғочлар инини тарк этиб кетганидан сўнг онаси туйнукка эски латта-путтами, уवादаси чиққан телпакними, қасноқ босган дўппиними тиқиб қўярди. Агар шундай қилмаса, бепоён саҳро этагидаги бу уйнинг игнадай тешигидан туядай совуқ ёпирилиб кирар эди.

Қаноат туйнукка қараб, кўнгли баттар бузилди: «Онажон; сиз суйган ўша қалдирғочлар яна қайтиб келишади. Туйнукдан уйимизга кириб, чуғурлашиб сизни сўроқлайдилар, — деб унсиз бўзларди бола. — Қалдирғочларга мен нима деб жавоб бераман?...»

Қаноат туйнукдан кўз ололмай, илҳақ бўлиб ташқарига боқарди...

Муюлишдаги биринчи уй

Ҳовлининг тўрт томони ҳайҳотдай очиқ. Саҳрода вақт-бемаҳал қўзийдиган изғиринлар, қум бўронлари, «афғон» шамоллари уни ялаб-ямлаб ўтар эди. Қаноатнинг дадаси шу боисдан: «Ўзимизга мазза-да, онаси, тўрт тарафимиз қибла!» деб ҳазиллашар эди. Кечагина ота меҳридан, бугун онасидан ажраган Қаноат бундоқ ўйлаб кўрсаки, ўша

гапни дадаси ҳазиллашиб эмас, қўли калталигидан айтган экан. Қаноат шу гапларнинг тагига энди етяпти.

Қаноатларнинг уйи билан Вардонзе қалъа ораси узоқ эмас, бир-бир ярим чақирим чамаси. Бу ҳовлидан қалъанинг бутун ичу таши кўриниб туради. Қалъа билан уйлари орасидаги бу бўшлиқни дадаси «Жилвоннинг очиқ дарвозаси», деб айтарди. Саҳронинг қутурган шамоллари шу «очиқ дарвоза»дан худди илондай вишиллаб ўтарди. Унинг йўлига ҳатто туя кўндаланг туриб қолса ҳам жилвон шамоли учириб кетади, дейишарди бу ерликлар. Қаноат унчалик ишонмай, бир куни дадасидан сўради:

— Шу гап ростми, дада?

— Андак лофлиги бор. Лекин ёлғон деб, шак келтириб ҳам бўлмайди, болам. Ўзинг ўйла, саҳрода нималар бўлмайди? — деган эди дадаси унга насиҳат қилиб. — Бу ернинг андозаси бошқа ерга сира тўғри келмайди. Масалан, чанқасанг — сув изла, деган гап бор. Саҳроликлар ўғити эса бошқача: «Чанқасанг, сув эмас, йўл изла» дейишади. Саҳрода яшайсанми, шу ақидага сира шак келтирма: даррандалари билан ошна тутин, паррандалари билан тил топ, дарахт ва гиёҳлари билан юзма-юз туриб сўзлаша бил, шамолларидан чўчима, бўронларини эгиб ол. Ана шунда сенинг қўлинг баланд келади. Ёнингда борманми-йўқманми, шу гапларимни унутма, ўғлим!

«...Ҳақ гапларни айтган экансиз, дада, то тирикман унутмайман, — деб онасининг пойидан бош кўтарди Қаноат. — Лекин ҳозир нима қилай, дадажон?»

Қаноат яна туйнукка қаради. Болордаги қалдирғоч инига кўз югуртирди, онасининг қалдирғочлар келишини илҳақ кутганини эслаб, юрак-бағри баттар эзилиб кетди...

Нур тўкилиб турган туйнукка бир қуш келиб қўнди. «Наҳотки қалдирғоч бўлса? — ўйлади Қаноат. — Ие, кабутар-ку! Киргин, жонивор, кирақол, чўчима!»

Каптар мўридан уйга кирди, чарх уриб айланди. Қўндоғи синган, калта милтиқ осифлиқ узун ёғоч миҳга бориб қўнди. Ҳадиксираб кузата бошлади.

— Бормисан! — ҳаяжондан энтикиб кетди Қаноат. — Хонаки каптарга ўхшайсан-ку, яхши. Давроннинг каптаримисан ё бегонами? Ие, оёғингда ҳалқанг бор-ку. Билдим, оёғингдаги ҳалқангдан билдим. Вардонзе қалъа мутаваллисининг каптарисан. Бир оз исин, ҳозир сенга емиш топиб бераман...»

Қаноат жойидан туриб, дон излади. Супрадан бир ҳовуч кепак топди. Сандал устига тўкиб, кабутарни чақирди:

— Биҳ-биҳ... Чўчима, жонивор, кела қол. Келсанг-чи.

Қуш сандалга келиб қўнди. Ҳафсала билан емишни чўқий бошлади.

— Каптаржон! — яна пичирлади бола. — Жонимга энди ўзинг ора кирсанг, зора...

Қаноат муштининг орқаси билан кўзёшларини артди, ҳовучида қолган емиш юқини каптарга тутди. Қуш бегонасирамай, келиб қўлига қўнди. «Хатни кимга жўнатаман? — хаёлидан ўтказди Қаноат. — Каптар мутаваллиники бўлса... Ахир, мутавалли ҳам одам-ку... Аҳволимни билиб, наҳот ташқарида томошабин бўлиб ўтиради?»

Китоб тўла сандиқдан қоғоз-қалам олди. Гаплар ҳам беихтиёр қўйилиб келаверди: «Уйимизни қум босди. Онам узилиб қолдилар. Ушбу хат кимнинг қўлига тушса, бизни қутқашишга шошилсин.

«Қумбосди» қишлоғи, муюлишдаги биринчи уй. Носир варанканинг ўғли Қаноат.

Бола каптарни силади, ўпди. Хатни тумордай қилиб тўрт букди-да, каптар оёғидаги ҳалқага маҳкам боғлади. Қуш туйнукдан чиқиб кетганидан кейин унинг ортидан узоқ қараб қолди.

Илтижо

Қадимий Вардонзе қалъасининг деворлари нураб, ғалвирдай илма-тешик бўлиб кетган. Эрта тонгдан бу ерда хилма-хил, ранг-баранг қушлар бозори қайнайди: тустовуқ, қирғий, пўпиш, майна, булбул, чумчуқ, қарқуноқ, каптар...

Қаноат тенгқурлари билан ҳар куни қалъа пойига келиб, ана шу қушлар парвозини томоша қиларди. Болалар тустовуқнинг камалақдай товланиши, булбул хониши, қирғийнинг абжирлиги хусусида баҳс қилиб турганларида, бошлари узра читтак, зағизғон, ғуррак, қарқуноқ парвоз қилиб қоларди. Тентакқуш бўлса ҳадеб болаларнинг жиғига тегарди: у ҳавасни кўзғатадиган даражада чиройли йўрғалар, болалар қувиб етай-етай деганда «пир» этиб учарди-да, тўрт-беш қадам нарига бориб тушарди. Шу пайт узоқ-узоқлардан бойўғлининг «Қу-у-қ» деган чўзиқ овози эшитилиб қоларди. Бирпасдан кейин бойўғлининг ўзи вайрона қалъа узра чарх уриб, ўрқачга ўхшаган ўрта деворга келиб қўниб оларди-да, яна чўзиб:

— Қу-у-қ!.. — деб қўярди.

...Қаноат ҳозир сандалда ўтириб, иягини кафтларига босганича баҳор, қушлар, айниқса қалдирғочлар ҳақида ўйлар, онасининг руҳи билан гаплашаётгандай, унсиз шивирларди: «Ўзийиз айтиб берган эртақларда қоронғи чўкканида ўлиб, куёш чиққанида яна тириладиган одамлар бўларди. Сиз ҳам ҳеч бўлмаса бир лаҳзагина кўзингизни очинг, ўша эртақлардагидай...»

У илтижо қила-қила сандалдан сирғаниб, яна онаси пойига йиқилди.

Дакан хўроз можароси

У дадасини севар, гапини сира икки қилмай, ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар эди. Бироқ ўртада даканг хўроз билан боғлиқ бир воқеа содир бўлди-ю, Қаноат аразлаб қолди...

Бир куни дадаси Вардонзе қалъасининг теварак-атрофидаги дов-дарахтларни бутаб, бир эшакарава шох-шабба олиб келди. Супа пастини кетмон билан гир айлантриб қазиди, шохни даста-даста боғлаб, чуқурга тик кўмиб чиқди. Ҳовлида бирпасда қўлбола тўсиқ-девор пайдо бўлди. Кириб чиқиш учун пастаккина эшикча кўйди. Қаноат ҳам қараб турмади: ўртоқлари Даврон билан Каримни чақириб келиб, дадасига ёрдамлашди.

— Энди анча яхши бўлди, — деди дадаси кафтини-кафтига ишқаб. — На тулки ўта олади бу «девор»дан, на бўри.

Тандирда зоғора ёпаётган онаси ҳам «девор»ни кўриб, завқланиб кетди.

— Шу пайтгача жойимиз йўқ, ҳовлимизнинг тўрт тарафи очиқ, деб мол сақла-масдик. Ана энди, дадаси, сигирга-ку кучимиз етмас, биронта соғин эчки олсак, шу баҳонада Қаноатнинг ҳам оғзи сутга етса...

«Хотин деган эрнинг чўнтаги билан ҳисоблашиб гапирса-да, — тўнғиллади дадаси. — Қисири палон пулу соғин эчки олиб бўладими,эй, хотин?!»

Дунёнинг ишлари қизиқ: одамда гоҳ имконият топилди-ю, хоҳиш бўлмайди. Хоҳиш туғилганда эса имконият топилмайди. Дадаси бари бир қуруқ қўймади: Хўжаориф¹ бозорини изғиб-изғиб, иккита товуқ битта хўроз олиб келди. Қаноат ўртоқлари билан биргалашиб, усти очиқ ётган айвон деворига тақаб, товуқларга кўноқ қуришди. Товуқларга Чипор ва Оқиш, хўрозга эса Даканг деб ном қўйдилар.

Қаноат хўроз билан товуқларни еру кўкка ишонмас, астойдил парвариш қилар, кўноқча чиқиш олдидан уларни тоғорага солиб, то панжаларигача ювиб-тозалар эди. Қаноатнинг ўзига қолса, уларни уйга олиб кирмоқчи, лекин бунга дадаси рухсат этмасди. Тирғилавергач, бир куни қаттиқ уришиб берди:

— Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Индамасам жа ҳаддингдан ошяпсан, ўғлим!..

— Кеча супамизда бўрининг изини кўрдим, — деди Қаноат ўзини оқлаб. — Итимиз қариб қолди, еганига яраша вовилламайди ҳам.

— Итни янгилаймиз, ўғлим, — юпатди дадаси. — Даканг хўрозингдан бўлса хавотир олма, дарранда йўлагудек бўлса, у ҳовлини бошига кўтариб, тўрт тарафга жар солади. Дарров юзуриб чиқамиз...

Эрта тонгда Қаноатнинг дадаси ташқари чиқиб, уйга совуқ хабар топиб кирди.

— Падарига лаънат, бу тулки дегани жонга битган бало бўлди-ку, хотин! — деди секин шивирлаб. — Қаноатга энди нима деймиз?

— Тулки олганини қаердан билдийиз? — деди онаси ҳам пичирлаб. — Балки бўри олгандир?

— Йўқ, — деди дадаси яна шивирлаб. — Тулки олган, ўшанинг изи. Кўноқ тагига келиб, парранданинг кўзига тик қараб турдими — тамом, парранданинг пошшоси ҳам «тап» этиб оёғи тагига ағанаб тушади. Бўри бўлса, аллақачон билинарди — у ўлжасининг тўғри келган жойига оғиз уради. Тулки-чи, ғиппа кекирдагидан олади, сасини чиқазмайди.

— Болам бечора, Дакангни уйга олиб кирай, деб қанча зорланди, кўнмадийиз, дадаси...

Қаноат ҳушёр тортди. Гап ўзининг Даканг хўрози ҳақида бораётганини энди фаҳмлади. Кўрпани оёғи билан тепиб ташлади-да, кўйлакчан ташқарига чопди. Ортидан дадаси, онаси чиқишди. Кўноқда на хўроз, на товуқлар бор эди. Атрофда патлар сочилиб ётарди. Қаноат ўзини тўзиб ётган патлар устига ташлади-да, йиғлаб юборди. У ўксиб-ўксиб узоқ йиғлади. Онаси бағрига босиб юпатди. Қанча-қанча ширин сўзлар айтишди, катта-катта ваъдалар беришди, ишқилиб, бир амаллаб юпатишди...

Тошбитикдаги ёзувлар

Уйдаги иккинчи туйнукнинг ҳам қизиқ тарихи бор. Бу шиша-туйнук Вардонзе қалъасига юзма-юз ўрнатилган. Қаноатнинг дадаси шиша орқали қалъага, унинг тепасидаги дўлана дарахтига қараб ўтиришни хуш кўрарди. Туйнукдан тўкилиб турган нурдан Қаноатнинг дадаси завқланиб: «Ҳарна рўшнолик-да!» деб кўярди...

Дадасининг болалиги шу қалъа атрофида ўтган. Қаноатнинг ўзи ҳам останада ташқарига эмаклаб чиқибдики, шу қалъа томон интилади. Гоҳ дадаси билан, гоҳ тенгқурлари билан бориб, халта-халта исирӣқ, ялпиз териб келарди. Айниқса дўлана

¹ Шофирконнинг иккинчи атамаси — Хўжа Ориф Моҳитобон деб ҳам юритилган.

дарахти уни кўпроқ қизиқтирарди. Қўрғонга қай томондан қаралса, аввал шу дўлана дарахти кўзга ташланади.

Шундоққина кўз ўнгига турибди: ота-бола қалъага яқинлашгани сари, дарахтнинг ранги ҳам ўзгариб, бамисоли тилла суви югуртирилгандай хилма-хил товланаверди.

— Дада, қаранг, дўлана пишибди! — қувончдан қичқириб юборди бола. — Пишибди, қаранг, дада!

— Кўряпман, — деди дадаси қўрғон пойига яқин келиб.

Қаноат дўланага қараб тамшанди. Дадаси кулиб қўйди.

— Олиб берайми?

— Майли.

— Бўлмаса юр, қалъага чиқамиз. Исириқни сен ўша ердан терасан. Мен сенга дўлана териб тушаман.

Вардонзе қалъасига, чамаси, ўттиз метр баландликда, қирқ тўққиз пиллапоядан чиқилади.

— Эҳтиёт бўлиб қадам бос, болам, аждодларимиз ётибди бу ерда, — деди дадаси ўғлини юқорига бошлаб. — Бу қалъанинг турган-битгани тарих. Бундаги ҳар битта ғишт, ҳар бир гуваланинг ўзи бир обида. Мана шу ерда, бешинчи зинапойда бир дақиқа тўхта, болам. Балли. Энди ўнг қўлга бурил. Ён бошдаги битиктошга бир қара. Мендан олган сабоқларингни бугун имтиҳон қиламан. Қани, ўқиб кўр-чи, нима деб битилган унда?

Қаноат белидаги нимдошгина белбоғини ечиб, ғубор ва чанг босган мраммарни тозалади, кейин ҳарфни-ҳарфга улаб, тутила-тутила ўқий бошлади: «Од-а-м-л-а-р бу фоний дунёдан дарёдек оқиб ўтаверадилар... Улардан қолган яхшиликлар сув остига чўккан олтин тангалардек абадий ярқираб тураверади».

Қаноат жўралари билан мана шу пиллапоялардан, ҳар куни бўлмаса-да, кунора баланд ҳисорга кўтарилиб, неча бор пастга тушган. Бу битик-тошларни кўп кўрган, лекин ҳар гал уларга болалик назари билан қараб ўтиб кетаверган. Мана, энди, дадаси кўмагида бу ноёб битиклар мағзини чақиб, ўзидан-ўзи хижолат тортиб ўтирибди.

Томининг талай қисми қулаб тушган, бир пайтлар бу ҳисорнинг энг кўркам хосоналаридан бири саналган, чорзарб қилиб қрилган пойостонадаги кўшкка киришди. Қаноатнинг дадасида бор қадимий китоблардан унга шу нарса маълум эдики, Вардонзенинг биринчи подшоси Вардонхудоли олий нуфузли меҳмонларни шу хосхонада қабул қилган. Салтанат ҳукмдори кўрган-билганларини, кўрган-кечирганларини ўзи битган «Ёднома»сида шундай таърифлайди:

«Қалъа ҳисорини баландда — кўк елкасига тираб кўрдим. Токи рақибим келиб, осмонга туташиб кетган бурж минораларга қараганида, бошидаги кулоҳи ерга тушсин. Шундагина унда бир оз ҳайиқиш ҳисси кўзғалади. Боз устига, ҳисор пойостонасидаги хосхонанинг тўрт деворида мана шу беомон байтларни нақшлатдим: «Қилич кўтариб келган душманга асло меҳр-шафқат қилмайман.

**Бо дўстон мурувват,
Бо душманон мазорат!»**

Хосхона эшигидан кирган кишининг кўзи энг аввал рўпарадаги деворда битилган мана шу ёзувга тушади.

Қаноатнинг дадаси файзи кўчган, нураган бу чордевордаги тошбитикларни кўп марта кўрган, уларнинг баъзиларини ўқиб, айримларига «тиши ўтмай» қаршисида соатлаб қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Ўзи ўқий олган битикларнинг мағзини энди ўғлига чақиб бермоқда:

«Яшаганда, ўғлим, маъерини билиб яша: ҳаддан зиёд ширин ҳам бўлма еб қўйишмасин; ҳаддан ортиқ аччиқ ҳам бўлма — тупуриб ташлашмасин; ваҳм — қоронғида кўп изғийди, шу боис кўнглингни равшан тут — хаёлинг доим нурафшон бўлади;

шухратни излаб ортидан беҳуда от чоптириб юрма. Агар ақл-идрокка таянсанг, ўғлим, шухратнинг ўзи сени излаб топади;

дарахт жазирама иссиқда туриб ўзгаларга соя ва мева беради. Дарахтдан ибрат ол, ўғлим!..»

Қаноатга битикларнинг бари маъқул бўлди, бироқ хосхона тўридаги тошбитикка «тиши ўтмади». Уни дадаси изоҳлаб берди:

— Ватанингни кўз қорачиғидай азиз тут, қадрла. Унинг хоку покига дўст бўлиб қадам қўйганга бағрингни кенг оч. Агар қилич кўтариб кирса, унинг кўзига дунёни тор қил — сўнги манзили мазористон бўлсин:

**Бо бўстон мурувват,
Бо душманон мазорат...**

— Тушундим, — деди Қаноат. — Раҳмат, дада.

Ота-ўғил хосхонадан чиқишди. Пиллапоялар уларни ҳисор саҳнига бошлади. Қаноат

қуёшда лов-лов ёнаётган қалъа саҳнига узоқ қараб турди. Жамики гиёҳ ва кўкатлар қовжираб қолган, қаршисида фақат дўлана дарахти яшнаб турарди. Қаноат дўланага қараб, хосхонадаги тошбитикни беихтиёр эслади: «Дарахт жазирама иссиқда туриб ўзгаларга соя ва мева беради. Дарахтдан ибрат ол, ўғлим!..»

Сура

Носир варанка кўпинча керосинни Когондан —Янги Бухородан ташиб келтирарди, бошқа ернинг ёнилғисини харидорлар хушлашмасди. Лағлақа, Вобкент, Галаосиёнинг керосини, одамларнинг айтишича, аллақандай ғуборли, чироқда тутаб ёнармиш!

Бу таъналар Носир варанкага малол келар, бунга гўё ўзини гуноҳкордай сезарди. Шу боис Вардонзе қалъасидан йўли анча узоқ бўлмасин, у кунора Янги Бухорога қатнаб, қишлоққа керосин таширди.

— Муомала қилсанг, ўрис билан қил, — деб ўғлига тайинларди у. — Савдо қилсанг ҳам ўрис билан қил — инсофли халқ. Улар билан кўп олди берди қилиб кўрдим-да. Биздаги баъзи муслмондан чатоғи йўқ. Покиза муслмонмиз дейди-ю, бир-бирини алдайди. Когондаги керосин омборида иккита ўрис одам ишлайди, борганинда ўзинг кўрасан ҳали, — бош бармоғини тик тутиб, кўшиб қўяди, — во, аломат йигитлар! Сени таништириб қўяман.

Дадаси бу сафр Каноатни Когонга ўзи билан олиб кетди. Ота-ўғил арава пештахтасининг икки томонидан ўтириб, эшак юришига мос маромда оёқларини тебратиб, гурунглашиб боришарди...

Носир бор-йўғи икки йил Мир Араб мадрасасида сабоқ кўрган, аслида чаламулла эди. Дадасининг бевақт ўлимидан кейин мадрасани тарк этди. Лекин бир умр мадраса бўсағасига манглайини босиб, унинг хокини ялаган баъзи толиби илмлардан иқтидорлироқ эди. Дадасидан унга кийик териси қопланган бир хотира дафтари, икки сандиқ китоб мерос қолган, холос. Сандиқларнинг бирида қуръон ва қуръони шариф шарҳлари; иккинчисида Ҳофиз, Фирдавсий, Хайём, Навоий, Бедил, Машраб куллиётлари зич жойлашган эди.

Носир дадасининг ўлими ҳақидаги шум хабарни эшитиб, Бухородан етиб келганида, кўмиш маросими тугаган, ҳамқишлоқлари қабристондан қайтишганди. Деворлари паст, деразасиз, ғарибгина лойсувоқ уй саҳрога туташ. Майишган, тирқишлари бармоқ сиққудек бир табақали эшик — ҳамма-ҳаммаси ёдида.

У ўшанда 20 ёшда эди. Уйда олтмишни қоралаб қолган ўғай онаси, эргаштириб келган қизи — бўйи чўзилиб қолган ўн етти ёшли Назоқат...

Носир ўшанда Назоқатни севармиди-йўқми, буни аниқ билмасди. Улар бир сандал атрофида катта бўлишган, севиш-севилиш ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўришмаганди. Отасининг қирқи ўтар-ўтмас, Носирнинг ҳеч бир хаёлида йўқ иш юз берди: ўғай она қистови билан Носир билан Назоқат турмуш қуришди. Бора-бора ўртада меҳр-оқибат туғилди, севги-садоқат уйғонди ва ... ўн йиллар чамаси вақт ўтиб, мана шу чақмоқдай ўғил — Қаноат пайдо бўлди!

Эр-хотин жуда тотув яшашди: кўпи ҳам, ози ҳам ўртада эди. Турмушда қўллари қанча калта бўлмасин, бориға ҳам, йўғига ҳам чидашди. Улар суянган битта таянч — Қаноат бор эди! Шу боис ўғилга ҳам Қаноат деб ном қўйишди.

Носир бор меҳрини ўғлига бағишлаб, олдин унга ҳарф ўргатди, кейин дадасидан келган жамики мерос — икки сандиқ тирбанд китобни бир-бир танитиб чиқди. Уғилнинг зеҳни анча ўткир эди, дадаси берган сабоқ билан саводи чиқа қолди...

Адизободдан ўтгандан кейин арава йўли то Когонгача темир йўл ёқалаб борарди. Улар чошгоҳда темир йўл устидаги баланд кўприқдан ошиб, шимол томондан Янги Бухорога кириб боришди. Бу йўлларда қатнайвериб «кўзи пишиб» қолган эшак темир йўл бекатидан ўтгандан кейин тақир ялангликда қурилган керосин омбори ёнига келиб тўхтади. Носир аравадан тушиб, темир чамбарак билан ўралган, ҳайбатли цистерналар ўрнатилган ҳовлига кирди. Ундан нарида аэроплан кўниб-учадиган тақир майдонча бор эди. Қаноат ҳайбатли кумуш қушлардан кўз узолмай қолди. Шу орада дадаси икки идиш керосин тўлғазиб чиқди. Лекин Валерий билан Михаил деган рус ошналарини ўғлига таништира олмади. Улар «ёш бухоролик» инқилобчилар сафига қўшилиб, омбордан кетиб қолишган экан. Дадаси таажжубга тушиб, ўзига-ўзи дерди:

— Амирнинг тагига сув кетганга ўхшайди-ку?! Ёш бухороликлар дегани... инқилобчилар дегани... Афтидан, булар амирни омон қўйишмайдиёв!..

Арава ортига қайтди. Шаҳардан чиқаверишда бир чуқурга «дўқ» этиб тиқилди-ю, ўнг филдирак юзидаги темир ҳалқа ажраб чиқиб, йўл четига бориб қулади. Носир

аравани йўл четига чиқариб қўйди-да, рўпарадаги тунука томли ҳовли томон бораверди. Супада ток ҳавозасига миҳ қоқаётган сариқ мўйловли чолга кўзи тушиб, салом берди. Кейин темир эшикча олдида иккаласи учарашишди. Носир керосин омборадаги ошналаридан ўрганган русча сўзларни ишга солиб, мақсадини тушунтиримоқчи эди, чол йўл бўйидаги аравага кўзи тушиб, «тушундим» деган маънода мўйловини бураб кулумсираб қўйди. Носир унинг кўркем мўйлови, чиройли жилмайишини зимдан кузатиб туриб, таниб қолди. У икки йил олдин темир йўл депосида тунукадан варанка ясаб берган оқсоқ чол эди. Чол ҳам Носирни таниди.

— Тўхта, тўхта, сен ўша варанка ясатиб олган керосинчи эмасмисан? — Чол ўзбек тилида яхшигина гапирарди. — Номинг, янглишмасам, Носир, эди, шундайми?

— Шундай, Сергей бобо, янглишмадингиз, — деди Носир чол билан қайта кўришиб.

— Ие, аравадаги болакай ким бўлди? Нега жазирамада қолдирдинг? Қани, буёққа кел-чи...

Чол болани етаклаб, ҳовлига бошлаб кирди.

— Номи Қаноат экан, — деди кампирига. — Яхшилаб зиёфат қил, гилос компотингдан қуйиб бер, чанқоғини боссин!

Бир соатдан кейин арава тайёр бўлди.

— Катта раҳмат сизга, Сергей бобо, — деди миннатдорчилик билдириб Носир. — Мушкулумни осон қилдийиз.

— Э, қўйсанг-чи, бу дунёда бирининг мушукули иккинчисига тушиб туради. Сизларда қизиқ бир мақол бор-ку: қўл қўллар ювади, ҳар иккиси юзни деб. Ким билади, менинг ҳам бир кун мушкулум сенга тушар, сенга тушмаса, мана бу азамат ўғлингга тушар. Қайтар дунё бу, иложини топсанг — бировдан ёрдамингни аяма!

— Хайр, Сергей бобо, — деди ота-ўғил бараварига. — Омон бўлинг!

— Келганигда кириб тур, ўғлим. Уйдан тополмасанг, темир йўл депосида бўламан. Арава катта йўлга чиққанидан кейин, Қаноат гапга тушиб кетди.

— Темир товоқда овқат ейишаркан. Овқатининг номи... нима эди? Ҳа, порш...

— Порш эмас, борш бўлса керак? Рус ўртоқларимникида меҳмон бўлганимда, мен ҳам тўйиб-тўйиб ичганман боршдан.

— Нонни пичоқ билан кесишаркан... Қизиқ-а, дада?

— Ҳар ернинг таомили-да.

— Белига гулли пешгир боғлаган буви, боршни темир қошиқда, гўштини эса... нимаиди... ҳа, вилкада е, деди.

— Сен вилка-пилкасига қарамай, қўл билан паққос туширавергандирсан? — деди дадаси кулиб.

— Йўқ, дада, ундай қилмадим: бувининг овқат ейишига қараб турдим, у дастурхон бошида нима қилса, мен ҳам ўшандай қилдим.

— Дуруст, — деди дадаси. — Яхши бола яхшиларга доим тақлид қилади.

— Овқатдан кейин уйга олиб кирди. Мицца деган невараси бор экан. Ун иккида, мен билан баравар. Касал экан. Ётган жойида орқасига ёстиқ қўйиб, ҳадеб китоб ўқийвераркан.

— Сенга ўқи десам, китобни кўрпача қатига тиқиб, ўйинга чопасан.

— Энди ундай қилмайман, — деди Қаноат. — Миша жўрам янаги келганигда сенбоп китоб топиб қўяман, деб ваъда берди. Ўзбекчаниям роса қияркан лекин! Менга ўрис тилини ўргатмоқчи бўлди.

— Отасидан ўрганиб олган тилимизни. Улар жуда билагон халқ.

Дада, дада-чи, уйларида Ленин деган одам бор экан. Суратини катта қилиб...

— Ленин дейсанми? — Дадаси бир лаҳза ҳайрон бўлиб қараб турди-да, кейин юраги ҳаприқиб давом этди. — Биласанми, Ленин ким?! У жуда катта одам. Уни Москвада деб эшитган эдим. Ё Мишаларга қариндош-париндош эканми? Эҳтимол, бирор юмуш билан келгандир-да.

— Йўқ, сурати... Лениннинг ўзи эмас. Уйларининг тўрида...

— Сира кўрмаганман Ленинни, — афсусланди Носир. — Боя айтганинда-ку, кўриб чиқардим суратини. Ё қайтиб борамизми, а?

— Майли — деди ўғли ҳам рози бўлиб.

— Йўл таноби ўз қўлимизда-ку!

Дадаси нўхтани тортиб эшакни тўхтатди-да, орқага бурди. Шаҳар кўринмас, лекин станциядан поездларнинг ҳайқириғи, заводларнинг гудоги баралла эшитилиб турарди.

Улар Сергей бобо уйи олдида келиб тўхташди. Кўёш найзадан қайтган эди. Қўлида гулқайчи тутган Сергей бобонинг ўзи уларга пешвоз чиқди. Аравага яна бирор шикаст етдими, деб ўйлаган чол, Носир тушунтиргунча тоқат қилолмай, эшақаравани бир неча бор айланиб чиқди. Носир ҳам нима мақсадда келганини тезда тушунтиролмай, поймапой гап қиларди:

— Биз ҳалиги... Йўлдан қайтганимиз сабаби... Айб Қаноатда, менга кеч айтди. Лениннинг суратини кўргани келдим. Агар йўқ демасангиз, бирров кўриб кетсам, хўп дея қолинг, Сергей бобо.

Чол олдинда, Носир билан ўғли унинг ортидан уйга киришди. Тўрдаги уйда, темир каравотда Миша китоб ўқиб ётар, боши тепасида катта қилиб ишланган Ленин сурати. «Чехрасидан нур ёғилиб турибди,— ўйлади Носир, пешонаси кенг, қўлида фикимланган шапка тутган Ленин сиймосига қараб. — Кўриниши ҳам сеҳрли, ҳам жозибали, ҳам оддий. Умримда кўрмаганман, лекин нимасидир менга таниш — ҳар куни кўриб юргандайман...»

Қаноат дадасини Миша билан таништирди. Дадаси ҳам Мишага қўл чўзди.

Улар думалоқ стол атрофидаги стулларга ўтирдилар. Чол чой қуйиб узатди. Столда оппоқ дастурхон ёзиғлиқ турарди: устида бурдалаб қесилган нон, пишлоқ, ликопчада тўрт дона оқ қанд. Чолнинг қистови билан бир чақмоқ қандни чойга солиб, пиёлани кафтида айлантириб турган Носир қаршисидаги портретдан кўзини узмай қутилмаганда сўраб қолди:

— Ленин-ўрис, сиз — ўрис... шундайми, Сергей бобо? Мабодо қариндош эмасмисизлар?

Чол беозор кулди.

— Йўқ, қариндош эмасмиз, лекин...

— Унда суратини қаердан олгансиз?

— Ленин оддий одамларга қариндошдан минг чандон яқин: раҳнамо, халоскор, доно маслаҳатгўй... Тутган йўлига, гапига эътиқод қўйсанг — мушқулинг осон бўлади! — Чол Носирни чойга қистаб, Қаноатнинг пиёласига ҳам бир чақмоқ қанд солди, кейин суратга қараб деди, — буни қизим Евгения Москвадан олиб келган. Эри Василий билан ўша шаҳри азимда тўрт йил ўқиди. Агроном. Ер, ўсимлик, дарахтлар илми бўйича билагон одам. Ҳозир чўл ва саҳроларда тажриба ўтказяпти. Ишқилиб, эр-хотин боши омон бўлсин-да, қўллари ишдан бўшамайди. Мана шу биттаю-битта бемор ўғиллари ёнида бир фурсат ўтиришга вақт топишолмайди. Ҳафтада ё бир келади, ё йўқ. Бола бечора бир йилдан бери жойидан туролмайди.

— Нима бўлган ўзи Миша жўрамга?— деди Қаноат унга ачиниб.

— Белидан таёқ еган, — деди чол хафа бўлиб. — Қутурган бир тўда ғазавотчилар эски Бухородан темир йўлга бостириб кириб, депо олдида катта сурон кўтаришди. Темир йўллари бузиб, поездларни тўхтатиб қўйишди. Миша бечора уч-тўртта ўртоғи билан ўша «кур калтак-сур калтакчи»лар қўлига тушиб қолган. Белига таёқ теккан. Уз мувозанатини ўзи тутолмайди — жойидан турди дегунча йиқилиб тушади. Дўхтир келиб: «Қимирламай ётасан!» деб ана шу тўшакка михлаб кетган.

Миша қўлидаги китобини шартта ёпди. Бобосига бир лаҳза қараб турди-да, бармоғи билан босиб турган китоб бетини яна шашт билан қайта очди:

— Одамларда берилик, аҳиллик бўлганида менга таёқ тушмаслиги мумкин эди. Ишонмайсизми гапимга, бобо? Мана, эшитинг, граф Толстой нима депти: «Мабодо виждонсиз одамлар бир ёқадан бош чиқариб иш тутар эканлар, виждонли кишилар ҳам айнан шундай қилишлари керак. Бу жуда осон иш...»

Миша бошқа ҳеч нарса демади, оғир-оғир нафас олиб, китоб бетига қараб ўтира берди. Афтидан, у ёзувчи даъватига бобосидан аниқ жавоб кутарди.

— Сен ҳақсан, — деди бобо. — Шу гапни ёзган граф ҳам ҳақ. Лекин Бохорои шариф шароитида бу унчалик жўн иш эмас. Бутун иш одамларнинг бир ёқадан бош чиқаришларига боғлиқ, болам, худди Россиядагидек. Ўша кун яқин, жуда яқин.

Уртага оғир жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди: «Виждонсиз одамлар бир ёқадан бош чиқарганда, нега виждонли одамлар айнан шундай қилмайдилар?..»

— Янаги келганимда сенга албатта исириқ обкеламан, — деди Қаноат ўртадаги жимликни бузиб. — Ҳокандозда озгина чўғ бўлади, исириқни майдалаб ўшанга соласан... Исириқ тутайди. Унинг тутуни ҳам, ҳиди ҳам фойдали. Эртасига отдай бўлиб кетасан. Улуғ табиб Ибн Сино «Исириқ — минг дардга шифо!» деган. Ишонмасанг, дадамдан сўра.

— Рост айтяпти, — деди дадаси ҳам ўглининг гапини маъқуллаб. — Исириқ кўп шифобахш гиёҳ, сенга асқотиб қолади.

Миша ётган жойида Қаноатга умидвор назар ташлади:

— Обкеласанми?

— Албатта. Сен эса Ленин суратидан топиб берасан, хўпми?

Чол боланинг илтимосини эшитиб, баралла кулиб юборди.

— Оббо, муғомбир-эй!.. Бу иш жуда қийин. — Чол бир оз ўйланиб туриб, кейин қўшиб қўйди. — Умуман топса бўлади, лекин кичикроғидан.

— Майли! — қувониб кетди Қаноат. — Кичигидан бўлса ҳам майли.

Чол неварасига қараб:

— Онангни бир аврайсан-да... — деди. — Чўнтагидагини оберасан жўрангга.

Миша рози бўлди. Нимадир ёдига тушиб:

— Ойим қора чарм курткасини ташлаб кетган бўлса қани эди, — деди бобосига. — Қаранг-чи, мабодо куртка борми? Ушанинг қўйин чўнтагида...

Чол ташқари хонага чиқиб, қувониб қайтиб кирди.

— Бор, болам, — деди Қаноатга қараб, — толеинг баланд экан, ма.

Бола чўғдай қип-қизил муқова ичига ёпиштирилган, бир оз униққан суратни олиб, айлантириб томоша қилди, узоқ тикилди, дадасига кўрсатди, сўнг меҳр билан кўксига босди.

— Раҳмат, Сергей бобо! — деди дилдан шодланиб. — Миша дўстим, сенга ҳам раҳмат! Янаги гал албатта исириқ олиб келаман, жўражон!

Сергей бобо Қаноатнинг кўлидаги сурат билан боғлиқ хавф-хатардан Носирни огоҳ қилди:

— Сизларда ҳали амирлик... Бунинг кўлидаги суратни бирор айғоқчи пайқаб қолиб, бола бечоранинг боши балага қолмасин яна. Ҳушёр бўлинг!

Гап нимадалигини дарров пайқаган Қаноат:

— Хавотир тортманг, бобо, — деди ҳозиржавоблик билан. — Онам нимчамнинг ичидан чўнтак тикиб беради. Кўзимни асрагандай асрайман!

— Бўладиган бола! — деди Сергей бобо шодланиб. — Чақмоқ!

— Раҳмат, — деди Носир кетиш учун жойидан туриб. — Илтимосим шуки. Бу фақат менинг эмас, бутун Вардонзе халқининг илтимоси: қизингиз билан куёвингиз бизнинг томонларга ҳам меҳмон бўлиб борсин. Қизилқум этаги, Вардонзе қалъаси, Қумбосди қишлоғи, Носир варанка деса, ҳамма танийди...

Чол меҳмонларни йўлгача кузатиб чиқди.

Ёнғин

Керосин солинган икки сопол хумни эшакаравада тикка ўрнатиб, арқон билан маҳкам боғлаб қўйиларди. Хумлар оғзида эса ёғочдан қопқоқлари бўларди. Носир эшакаравани кўчанинг гавжум жойида тўхтатиб, икки кафтини оғзига карнай қилиб бақирарди:

— Кеп қолинг, ке-ро-си-ин! Берган пулингиз куймайди — уйингиз нурга тўлади-и-и! Кеп қолинг...

Вардонзеликлар уни «Носир варанка» деб атар эди. У арава пештахтасида жулдур кўрпачани икки қат тўшаб, оёқларини осилтириб ўтирарди. Харидор кўлидан тангани олиб кўрпача қатига тикқарди-да, идишига даҳана ўрнатиб, керосин қуярди.

— Бизнинг ишимиз варанкасиз битмайди, ошна! — деб қўярди жилмайиб.

Қишлоқнинг казо-казолари, дин пешволари эса уни кўпинча чув тушириб кетишарди. Улар мачит, мадраса ва хонақолар учун ундан текин керосин талаб қилишар, бунинг эвазига «этак-этак дуо» қолдириб кетишарди. Шу боис Носир керосинчи варанка ишлатишда анча эҳтиёткор бўлиб қолган эди.

— Дуоларинг ўзларингга сийлов, — деди Носир мачит югурдақларига кесатиб. — Домлангга бориб: «Носир варанка дуодан кечибди!» де.

Ҳаял ўтмай шогирд ортида домланинг ўзи этиб келар эди. Бугун ҳам шундай бўлди: югурдаги — Дудуқ идишини тарақлатиб қуруқ кетгач, Вардонзе қалъа хонақосининг мутаваллиси Ҳоди кўр пайдо бўлди.

— Ҳой, Носир варанка, — деди у таҳдид оҳангида. — Савобдан ҳам, дуодан ҳам кечдим, деганинг ростми? Ё кофир бўлдингми, а?

— Ҳаммасидан кечганим йўқ, тақсир, — деди Носир кулиб. — Пул ўрнига ишлатиладиган дуодан кечганман!

— Э, нодон, нодон, — дея мутавалли кироат билан насиҳатини бошлади. — Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми, деган машойихлар. Дуодан кечган нодон ўзини хор қилади...

— Дуодан кечсам-кечмасам, бу аҳволда хор бўладиганга ўхшайман, — деди Носир ҳозиржавоблик билан. — Эрта тонгдан хуфтонгача кун ора Когонга қатнаганим-қатнаган. Шунча меҳнатларим сувга оқиб кетяпти: мачитга, сўфихонага; хонақога-ку, улардан ошириброқ бермасам, сизнинг дуоларингиздан бенасиб қоламан...

— Кесатма, — деди мутавалли жеркиб.

— Пичоқ бориб суякка қадалганидан кейин айтишга мажбурман-да, тақсир, — деди Носир товушига атайин шикаста оҳанг бериб. — Сизга ёлғон, худога рост, мана шу бечора эшагим ўн йилдан бери хизматимни қилади: турсам туради, юрсам юради. Шу шалпангқулоқнинг уст-бошини қаранг, тузукроқ бир эгар-жабдуқ олиб беролмайман. Қўрғур қўл калта, тақсир. Узингиз ўйланг, ахир, бу ёқда бечора эшагим, бу ёқда сизлар... Ҳоди кўрнинг ранги оқариб, қалин қошларининг ўртасида тугунча қавариб чиққанини кўргандан кейин Носирнинг кўнгли бир оз таскин топди: «Хайрият, қочириққа тушунди...»

Мутавалли индамай орқасига қайтди. Ортдан бўш идишни кўтариб, Дудуқ эргашди.

Носир ўша кўнгилсиз ўтган куни кеч хуфтонгача керосин сотиб, ҳовлисига келди. Керосин ҳиди унга урмасин, деб аравани ҳар кунгидай супа четида қолдирди. Эшакни шотидан бўшатиб, арава ғилдирагига боғлади. Қаноат бир кучоқ ўт келтириб солди. Ота-ўғил уйга кириб, овқатга ўтиришди. Аммо бугунги кўнгилсиз ҳол Носирнинг хаёлидан аримасди.

Энди кўзи илинган экан, итларнинг вовиллаши, эшакнинг жонҳолатда ҳанграши Носирни уйғотиб юборди. У эшикка отилди. Ортдан хотини билан ўғли чиқди. Қай кўз билан кўрсинларки, арава аланга гирдобида қолган эди. Олов кўкка ўрлар, арава чархига боғланган эшак эса жизгинак бўлиб ёнар, ўзини тўрт томонга уриб типирчилар, ер тепинар, жонҳолатда ҳанграр эди. Носир ҳеч бўлмаса, эшакни қутқазмоқчи эди, хотини, ўғли маҳкам ёпишиб олишди.

— Оловга яқинлашманг, дадаси. Кўрмаяписизми, аланга хумларга урди...

Хотинининг гапи оғзида қолди — икки хум бирдан портлади. Аланга тўрт тарафга сачраб кетди. Еру кўк барабар ёна бошлади.

Нўхтаси куйиб, эшак ечилиб кетди, ўзини саҳрога қараб урди. Югургани сайин уни қоплаб олган аланга баттар ловуллар, жизгинак бўлиб бурқсир, ҳаммаёқни қўлланса ҳид қоплаб олган эди. Қаноат жойидан қўзғалган эди, отаси уни тўхтатди:

— Кўявер, энди фойдаси йўқ, болам!

Бу фожиа мутаваллининг иши эканлигини билиб турсалар-да, бунга далил йўқ эди. Шу-шу Носир варанка керосинчиликдан синиб, Когондан тамом ўзилиб қолди. Ўзини анчагача ўнглай олмай, тирикчиликнинг не-не «жин кўча»ларида санғимади: гоҳ ўтинчилик қилди, гоҳ тол новдасидан сават тўқиб, маҳаллама-маҳалла сотди, гоҳ саҳродан қоп-қоп исиріқ ва ялпиз териб, бозорга олиб чиқиб юрди.

Шундай кунларнинг бирида Қаноат дўсти Мишага берган ваъдасини эслатди.

— Ҳаммаси эсимда, ўғлим, — деди дадаси ўқсиб. — Шундан кўнглим хижил. Бошимизга бунақа кунлар тушди. Буёқда онанг не аҳволда ётибди, — ёнғиндан бери оёққа туролмайди, қаттиқ қўрққан кўринади.

— Биламан, дада, — деди Қаноат. — Лекин беморни умидвор қилиш яхши эмас. Исиріқ элтаман деб ваъда бердим. Миша мени кутяпти. Агар рухсат берсайиз, бир халта исиріқ олиб, эртага йўлга чиқардим. Бошимизга тушган кулфатларни Сергей бобога ҳам айтиб берардим...

Ўғилнинг жўнашига ота рози бўлди. Онаси ётган жойида унга исиріқ учун сурп халта тикиб берди. Қаноат эртасига йўлга отланадиган бўлди. Бироқ кутилмаган бир воқеа уни уй остонасида тўхтатиб қолди...

Бухорони титратган кун

Қаноат дадасининг ортидан югуриб ташқарига чиқди. Бир одам ўнг кўлидаги калта халачўпини ҳавода ўйнатиб, мамнун кайфиятда гапирарди:

— Тахт ағдарилган, амир оёғини кўлига олиб қочди!.. Эшонжон¹ амир кетидан иккита аэроплан учирган дейишяпти. Биласанми, Носирбой, аэроплан дегани одамнинг изини бехато топармиш.

— Қаёқдан эшитдийиз, Акрам ака? — деди Носир хавотирга тушиб. — Бу қуруқ гап бўлиб, бошимиз балога қолмасин!

— Ие, қизиқмисан, Носирбой, ёлғон айтиб бошим нечта? Ҳозир икки қизил аскар байроқча кўтариб, қишлоқма-қишлоқ, кўчама-кўча шу ҳақда жар солиб юрибди. Уларни Бухорои шарифдан Фрунзе сардор билан Эшонжоннинг ўзлари юборган эмиш.

— Сиз кўрган ўша аскарлар қаёққа кетди?

— Қорахони томонга. Эҳтимол, қайтишда яна шу йўлдан ўтар. Мендан кўра сен ўрисчани сал-пал биласан, тушунасан, йўлига чиқиб ўзинг сўра.

— Чиқаман, албатта ўзим чиқаман!.. — деди-да, Носир Акрам акани маҳкам қучиб тўқимдан кўтарди ва бағрига босиб гир-гир айлантирди. Айлантираверди-айлантираверди... Сўнг бор овози билан бўкириб йиғлаб юборди:

— Эсим оғиб қолди, акажон! Хайрият, бизга ҳам рўшнолик кунлар келаркан!

Қаноатнинг дадаси дўстини бағридан бўшатган эди, хабарчи унинг панжаларидан сирғаниб, «шилқ» этиб қумга ўтириб қолди. Шундан кейингина Акрам аканинг икки оёғи ногиронлигини эслади.

— Хотиним бечора эрталаб зўрға кўтариб эгарга ўтқазиб қўйган эди. Бу нима қилганинг, боласи тушмагур, Носирбой! — дея хабарчи ўтирган кўйи Носирга пўписа қиларди. Носир Акрам акани қандай чаққонлик билан юлиб олган бўлса, шундай кўтариб эшакка ўтқизди. Кейин Қаноатни даст кўтариб елкасига олди-да, туядай лўк-лўк югуриб, бор овози билан теварак-атрофга жар солди:

— Амир қочибди, амир қочибди, ҳой одамлар! Зўрдан зўр чиқса, ана шунақа бўларкан!

Ота-бола эшик остонасида тўхтадилар. Қаноатнинг онаси тандир бошида ивирсиб, зоғора ёпиш билан банд эди. Дадаси ҳовлиқиб воқеани тушунтирди:

— Сен зоғорангни ёпавер, хотин. Биз — ота-ўғил Вардонзе йўлига чиқайлик. Қизил аскар келган дейишяпти...

¹ Бу ерда ёш бухороликлар сардори Файзулла Хўжаев назарда тутиляпти.

Улар узоқ кутишди. Аскарлардан дарак бўлмади. Дадаси ўглининг диққатини чап томондаги дўлана дарахтига қаратди.

— Бекор ўтиргандан кўра шундан териб, йўлларига пешвоз чиқсак... Нима дединг? Хув, ана кўряпсанми, қишлоқдан жўраларинг келяпти, — давом этди дадаси. — Ушалар билан сен бу ерда аскарларни кут. Каримни тез изига қайтар, онангдан зоғора опкелсин. Унгача мен дўлана териб тушаман.

Носир Вардонзе қалъасига кўтарилиб, абжирлик билан дарахтга чиқди. Ҳадсиз-худудсиз сахро, ёнбағирдан ҳақкам-дуккам қишлоқлар ҳам кўзга яққол ташланарди: ўз ҳовлисидаги тандирдан кўтарилаётган тутунни ҳам Носир аниқ кўриб турарди.

Шу дам кўшни Қорахони қишлоғи томондан отлиқлар қораси кўринди, чанг кўкка ўрлади. Носир дарахтдан тушганича йўқ эди, аскарлар келиб қолишди. Болалар қўлма-қўл бўлиб, йўлни кесиб чиқишди. Аскарлар йўл муюлишида тўхтадилар.

Носир қалъа пиллапояларидан югуриб тушиб келди.

— Танимадингми, Носир варанка? — деди-да Михаил уни маҳкам қучди. Валерий ҳам шундай қилди. Уч ўртоқ қайта-қайта кўришишар, бу учрашувдан ҳаммалари ғоят шод эди.

Носир дўлана солинган белбоғини қип-қизил қумга ёйди. Карим ҳозиргина олиб келган иссиққина зоғораларни ушатди.

— Марҳамат, дўстларим! — деди Носир ҳамон ҳаяжонини босолмай. — Хушхабар олиб келган элчилар оёғи тагига одатда пояндоз тўшашган. Бунга бизнинг ҳозирча қурбимиз етмайди, лекин яхши дўстга кўксимиз ҳамиша очик!

Аскарлар қайноққина қумга чўккалаб, дўлана ва зоғорани мақтаб-мақтаб едилар. Носир Когонда излаб тополмаган дўстларини Қаноатга таништирди. Аскарлар Қаноатни бағирларига тортиб, қайтадан кўришдилар.

— Когонда учрашганимизда сени борш билан сийлардим, — деди Михаил. — Буни қара-я, эссиз...

— Борш ичдим, амаки, — деди Қаноат ҳозиржавоблик билан. — Сергей бобонинг уйдан... Бобонинг невараси жўрам бўлади. Номи Миша. Танийсизми?

— Бўлди-бўлди, танийман, — деди Михаил жиддий тортиб. — Мишанинг аҳволи кейинги кунларда оғирлашиб қолди. Сергей бобо ҳозир уни Москвага олиб кетган...

Аскарлар жўнашга шайланаётганда, тепаларидан аэроплан гуруллаб учиб ўтди. Ҳамма осмонга тикилди. Болалар саҳрони бошларига кўтариб қийқиришди. Носир аэроплан ортидан чўзилиб қолган тутундан кўз узмай сўради:

— Аэроплан қочоқ амирни излаб юрганмиш, ростми?

— Буни учувчидан сўраш керак, ўша аниғини билади, — деди Валерий кулиб. — Лекин амир қочгани рост...

Аскарлар отланиб, шошилиш кетишди.

Мутаваллининг «қўлбола» шайтонлари

Қалъанинг кенг сатҳи тақир, заранг қотган. Эрта кўкламда ниш уриб, омонатгина бўй чўзган лолақизғалдоқ, арпахон, ажриқлар жавзо кирди дегунча қовжираб кетади. Қалъанинг етти пахса Канпирак¹ деворлари бугун мудроқ, бутун бир тарихни кўксига яшириб ётибди. Ҳалқа деворнинг тўрт тарафида миноралар қад кўтарган. Улар оралиғида махсус нишон тўйнуқлари — шинаклар қўйилган. Минораларда равоқсимон мудофаа дарчалари ўрнатилган. Соқчи пастки ертўлаларга бемалол тушиб-чиқиши, шу дарча орқали тўрт тарафни кузатиши мумкин. Ана шу мудофаа иншоотлари қўрғонни янада салобатли ва ваҳимали қилиб кўрсатар эди.

Қумбосди қишлоғининг оёқяланг болалари гоҳ исирик, гоҳ ялпиз териш баҳонасида, баъзан пода боқиш важидан қалъа пойидаги ўтлоқларга келишар, ҳисор тепасига чиқиб, кун бўйи бекинмачоқ ўйнашарди. Баъзан болалар ўйини жиддий тус олиб кетарди: бир гуруҳи Қутайба жангчилари, иккинчи гуруҳи Варданхудо таварларига бўлиниб, вайрона деворлар ортида «жанг» бошлайдилар. Бундай пайтда Қаноат Вардонхудо жангчиларининг саркардаси бўлиб майдонга тушарди...

Қаноатнинг дадаси кўпинча дўлана дарахти соясидаги харсанг тошда ўтирар, болалар ўйинини завқ билан томоша қиларди. Бугун ҳам шу жойда ўтирар экан, унинг хаёли қадимий деворлар қатида сарсари кезарди. Мозийдан то шу кунгача келиб-кетганлар англаб билмаган бир сеҳрли мунг қотиб қолган бу деворлар тахламасида, деб ўйларди у. Лекин ўша мунг нималигини ўзи ҳам аниқ билмас, кўлидаги хотира дафтари-дан ҳам жавоб тополмас эди. Бу мунгнинг на тили, на ранги, на бир сийратию сурати бор. Фақат мунг — абадий мунг эди!

Рўпарадаги бурж минора дарчасидан кутилмаганда «гурр» этиб бир гала каптар кўтарилди. Минора атрофини енгил чанг-тўзон қоплади. Бир лаҳзадан кейин чанг

¹ Канпирак — мудофаа йўсинида қурилган ҳалқа деворлар.

пайдаси ортидан бир бола пайдо бўлди: аввал оппоқ тишлари, кейин илжайган афти, ёниқ кўзлари кўринди. Боланинг сочлари патила-патила, афт-ангори кўримсиз эди. «Бу ҳам сеҳрли мунг, — ўйлади Носир. — Қаердан пайдо бўлди — осмондан тушдими, ердан чиқдими?» Бола кўзига таниш кўринди. Кейин қаерда кўрганини эслади: мутавалли билан жанжал чиққан куни Ҳоди кўр ортидан керосин идишини кўтариб юрган югурдак...

Болалар ўйини тарқаб, Қаноат ҳам келиб қолди. У ҳалиги болани Дудуқ деб атади. Асли номи Содиқ, лекин мутавалли уни Дудуқ дегани важидан шундай аталиб кетган экан. Дудуқ Қаноатдан анча тетик кўринар эди.

— С-салом-м, Қ-қаноат.

Бола Қаноатни кўриб очилиб кетди, каптарлари ҳақида мақтангиси келиб сўради:

— Қ-қаноат, с-сенда ҳ-ҳам к-каптар б-борми?

— Йўқ, — деди Қаноат. — Давронда кўп. Сенда-чи?

— Ш-шу... мутаваллиники — м-меники-да... қ-қирқта... — у ўзи боя чиққан бурж минорасини кўрсатди. — Ҳ-ҳаммаси ў-ўша п-пастда... Х-хонақода ҳ-ҳаммасига ҳ-ҳалқа у-урилган. М-мутавалли ж-жаноблари у-уларга т-тумор т-тақиб у-учирадилар.

Қаноат Дудуқнинг гапига тушунмади.

— Нега? Қанақа тумор?

Гапга дадаси аралашди.

— Мутаваллининг қирқта каптарига қирқта ҳалқа урилган. Улар ҳаммаси хонаки, одамдан чўчимади. Гаҳ десанг, қўлингга кўнадиган бўп кетган. Савобталаб одамлар каптар оёғидаги ҳалқага қистирилган туморни олади. Олганда ҳам кўзига суртиб-суртиб олади, мутавалли битган деб. Урнига пул қистириб юборишади. Мана бу Дудуқ бўлса пулларни йиғиб, мутаваллига элтиб беради. Шундайми?

Дудуқ Қаноатнинг дадаси айтган ҳамма гапни маъқуллаб турди.

— Ш-шундай... к-к-ў-п б-бўлади... — деди тирноқлари ўсиб кетган кир-чир бармоқларини битта-битта букиб, пулларни гўё ўзича санаётган бўлиб. — Ҳ-ҳаммаси м-мутаваллига...

— Афт-ангорингга қара, — деди Қаноатнинг дадаси унга раҳми келиб. — Уша текин пуллардан ўзингга кийим-бош олмайсанми, нодон?

— У-увол, — деди Дудуқ. — У-ундай д-деманг, а-амаки... У-уволл...

— Сира олмаганмисан? — деди Қаноат қизиқиб. — Олсанг, мутавалли билиб турибдими?

— Б-билади, — Дудуқ бир кўкка, бир хонақо томонга чўчиганнамо қаради. — У-учиб ю-юрган ш-шайтонлар м-мутаваллига х-хабар б-беради...

— Мутаваллининг шайтонлари борми? — ҳайрон бўлиб сўради Қаноат.

Дудуқ боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Б-бор... Б-бир к-куни м-мана б-бу еримга п-пулни я-яширдим... — деди жулғунди кўйлагининг этагини кўтариб, кир-чир иштонбоғини кўрсатди. — М-мутавалли т-топиб о-олди. Ш-шайтонлари у-унга х-хабар б-берган...

Қаноатнинг дадаси болага узоқ тикилди. Унга раҳми келиб кетди. «Сен ёр болани Ҳоди кўр адойи-тамом қилибди-ку?! — деб ўйлади хафа бўлиб. — Бу не кўргилик? Нафақат уст-бошингни, ақлингню фаҳмингни ҳам ит талабди-ку, сен бечоранинг?! Сени бу азроил қўлидан қутқариш керак!»

— Кимнинг ўғлисан?

— Қ-қаландар т-темирчинини...

— Э, деновлик темирчи бобоними?

— У-уч йилдан б-бери д-дадам касал.

— Бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг? Бориб отанга қарашсанг бўлмайдими?

— Б-бўлмайди... — деди Дудуқ асабий бир ҳолда бош тебратиб. — Г-гуноҳ қилиб қ-қўйганман... К-катта г-гуноҳ...

— Қанақа гуноҳ?

— В-варрак у-учирганман... — деди Дудуқ кўли билан осмонни кўрсатиб. — Х-худо қ-қарғаган... В-варрак у-учирган к-куним д-дадам к-касал бўлдилар. Б-бу е-ердан к-кетсам х-худо гуноҳимни к-кечирмайди... Д-дадам ў-ўлиб қ-қоладилар.

— Ким айтди?

— М-мутавалли...

— Ким сени бу ерга олиб келди?

— М-мутавалли.

— Даданг биладими?

— Б-билади... Х-худо гуноҳимни к-кечирса, д-дадам с-соғайиб к-кетадилар... М-мутавалли а-айтди...

— Мутавалли — мутавалли бўлмай ўлсин! У сени алдаган, дадангни эса лақиллатган, тушундингми?

— Й-йўқ, — деди Дудуқ бир қадам тисарилиб. — М-мутавалли Х-хизр билан г-гапиришади к-кечалари... У я-яхши, з-зў-ўр о-одам...

— Хизр билан гаплашади?

Қаноатнинг дадаси Дудуққа сўроқ назари билан қараб турибди-ю, хаёли уч-тўрт кун олдин Фазли ҳалмпазнинг маърақасида бўлиб ўтган воқеада эди...

Маърақа тўрида Вардонзе қалъаси хонақосининг мутаваллиси: У биқмадан келган, елкалари тўла ва кенг, қирғий бурун, бароқ қошли одам эди. Унинг ўнг кўзи туғма пучак бўлгани учун ортидан Ҳоди кўр деб аташарди. Ҳоди кўр ҳар замонда бир кекириб, ўтирганларга гап маъқулларди:

— Ухлаб ётган жойимда шундоқ кўзимни очсам, манглаймдан бир қаричча нарида бир панжа муаллақ осилиб турибди! Уй қоронғи денг, на қўлнинг, на панжанинг эгаси кўринади. Панжа ўзи оппоқ, ял-ял нур сочади. Кўзимни очаман-юмаман, юмаман-очаман: бари бир тепамда оппоқ панжа... Кўзимни чирт юмиб, таваккал қилиб қўлимни унга чўзсам... эй, мардуми ғофил, бу гапим эҳтимол сизларга ёлғон, лекигин худога рост, панжанинг бош бармоғи қўлимга илинди, ушлаб кўрсам — суяги йўқ. Ё алҳазар, дедим ётган жойимда ёқамни ушлаб, — бу Хизрнинг бош бармоқлари-ку!? Шу пайт ғойибдан қулоғимга товуш келди: «Эй, тақсир, мутавалли, сиз бандаи ғофилга шу кундан эътиборан Хизр ҳазратларининг назари тушди. Бир ҳафтадан кейин ўнг елкангизни очиб кўринг — бошингизда муаллақ осилиб турган ўша муборак панжанинг муборак изини кўрасиз!» Уйғониб кетдим, кейин...

Маърақадагилар чуқур тин олишди. Шивир-шивир бошланди, кимдир маъқуллади, кимдир заҳарханда қилди: Маърақанинг куйисиди ўтирган Носир варанка мутаваллига қараб:

— Тақсир, аслида уйқудан уйғонмай турсайиз бўларкан, — деди кулиб. — Уйғониб ўзийизга ўзийиз жабр қилибсиз. Ўша суяксиз бошбармоқни маҳкам тутиш керак эди-да! Носир варанканинг тағдор луқмасидан кейин хонада босинқи кулги кўтарилди.

Мутавалли ҳам ноилоҳ кулди...

— Мутавалли сени ҳам, дадангни ҳам роса лақиллатибди, ўғлим, — деди Қаноатнинг дадаси Дудуқнинг елкасига қафтини кўйиб. — Хизр-пизр дегани ғирт ёлғон. Варрагинг хусусига келсак... Биласанми, ўртоғинг Қаноат билан яқинда Когон деган шаҳарга бориб келдик. Осмонда сенинг варрагингга ўхшаган аэропланлар учиб юрибди. Ишонмасанг, мана, журангдан сўра, ўзи айтиб берсин.

Қаноат дадасининг гапини маъқуллади.

Дудуқ оғзини, кўзини катта очиб, бир Қаноатга, бир дадасига анграйиб қараб кўйди. Сўнг уларни Жайхуна мақбараси томон бошлаб бораётган эди, Қаноатнинг дадаси хонақо ёнидан ўтаётиб, бир лаҳза тўхтади. Супада, паҳса сўрида орқасини офтобга тоблаб мутавалли чўзилиб ётар эди. Носир йўлидан қайтиб, хонақо сўрисига қараб юрди. Шу пайт Дудуқ унинг йўлига кўндаланг бўлди:

— У-у ёққа м-мумкин э-эмас. М-мутавалли о-офтобда о-ором о-оляптилар...

Қаноатнинг дадаси «қўявер» дегандай унга бепарво қўл силтаб, мутаваллининг ёнгинасига борди.

Икки қат кўрпачада мутавалли ярим яланғоч, қорнини ерга бериб ётар, ўнг елкасида... оппоқ қоғоздан қирқиб ёпиштирилган йирик «панжа» нусхаси бор эди! Сўрининг бош томонида чала йиғиштирилган дастурхон, овқатдан бўшаган сопол товоқ, пиёлә ва сопол кўзача...

Қаноатнинг дадаси Дудуқнинг қулоғига энгашди: «Сопол кўзачадаги сувми, ё...»

Дудуқ секин шивирлади: «Ш-шароп...»

Май кайфи, офтоб тафти мутаваллини роса элитган, у пишиллаб ухлар эди.

Қаноат мутаваллининг елкасидаги қоғоз «панжа»ни кўриб ҳайрон бўлди: «Дада, у нима? Нега елкасига уни ёпиштириб қўйган?»

Дадаси секин шивирлаб, болаларга тушунтирди:

— Кўряпсанларми, мутаваллининг танаси офтобда куйиб, елкасидаги қоғоз «панжа» ўрни оппоқлигича қолади. Мутаваллига ана шу сохта панжанинг изи керак. Эртага муридларини хонақога йиғиб, «Хизр панжаси»ни уларга кўз-кўз қилади. Муридлар бу гапни дарров тарқатишади. Қарабсизки, Ҳоди кўр мутавалли эмас, Хизр назар қилган пир! Сохта пирлар, қаллоб авлиёю анбиёлар мана қандай пайдо бўлади!

— Тушундим, — деди Қаноат чуқур тин олиб.

— Сен-чи, болам, — деди Қаноатнинг дадаси Дудуққа қараб. — Сен ҳам тушундингми?

Дудуқ маъюс бош эгиб турарди.

Қаноатнинг дадаси Дудуққа қараб шивирлади:

— Ҳали сенинг тушунишингга анча бор. Эгри дарахтнинг кўланкаси ҳам эгри бўлади. Лекин пайти келади, ҳаммасига тушунасан. Чунки, — деди у мутавалли томонга кўлини бигиз қилиб:

— Бу эл эрур барча ёмондин-ёмон.

Кимки, йўқ андин ёмон, андин ёмон!

Шу пайт бир жуфт қовоқари ғинғиллай-ғинғиллай Мутаваллининг бўталоқ ўркачидай дўнг гарданига келиб кўнди. Ариларни кузатиб турган Дудуқ кутилмаганда қичқириб юборди:

— А-ари!... Ч-чақади, т-тақсир, т-туринг!!

Мутавалли эса гарданига «тап» этиб шапатилаб ариларни ғижимладида, кескин ўғирилди: ортида Дудук, Носир варанка ва нотаниш бола. Мутавалли дастурхон четидаги сопол кўзачани олиб, Дудукқа қулочкашлаб отди. Сопол кўза Дудукнинг гарданига тегиб, уни ерга қулатди.

— Ҳа, аблах, бошимга одам йиғиб келдингми?! — дея мутавалли дастурхондаги бошқа идишларга қўл чўзган эди, Қаноатнинг дадаси уни елкасидан маҳкам босиб, сўрига қапиштирди.

— Тек тур! — деди у мутаваллига таҳдид қилиб. — Дудукда айб йўқ. Биз ўзимиз ота-ўғил Жайхуна мақбарасини зиёрат қилгани кетаётган эдик. Дудукда айб йўқ.

Оғзи наमतга қапишган мутавалли пишиллаб-пишиллаб зўрға нафас олар, Носирнинг панжаларидан қутулиб чиқишга уринар, ғўлдираб сўкинар эди.

Қаноат ерда ётган Дудукни турғизмоқчи бўлди. Аммо бола оёққа туролмас, нафас олиши оғирлашиб борарди. Қаноат додлаб юборди. Дадаси мутавалли устидан туриб, Дудукқа югурди. Бошини авайлаб тиззасига олди. Дудукнинг чап қулоғи остида тухумдай шиш пайдо бўлган эди. У кўзини очмай:

— Қ-Қаноат, — деди шивирлаб, — д-данг қ-қани?

— Шу ердан, — деди Носир унинг манглайини силаб. — Кўзингни оч, болам.

— Й-йўқ, э-энди к-кўзимни о-очолмайман... М-мен я-яна б-бир к-катта г-гуноҳ қ-қилганман... А-аравангизга ў-ўт қ-қўйганман. М-мутавалли б-буюрган э-эди... К-кечиринг, а-амаки-и...

Дудукнинг чап қулоғидан қон томди. Товуши тинди. Мутавалли эса ҳамон болохонадор қилиб сўкинарди.

— Уни тинч қўйинг, жони узиляпти... — деди Носир болани ерга авайлаб ётқизиб. — Ундан кўра оёғингиз тагидаги «хизр панжаси»ни олинг-э, рўдапо!

Мутавалли олишувда оёғи тагига тушган «хизр панжаси»га эгилди...

Сочи оқарган бола

Қаноат онаси пойидан бемажол турди. Шиша-туйнук рўпарасига келди. Туйнукдан заррача ёруғлик тушмас, Вардонзе қалъа ҳам, дўлана дарахти ҳам энди кўринмас — шиша ортини зич қум босган эди. Шу пайт боланинг хаёлида ўктам бир фикр чарх уриб қолди: «Туйнукни кенгайтириб, ташқарига чиқиб олиш керак!» Лекин бу фикрдан тез қайтди. Очiq мўридан хонага ёпирилиб кирадиган қум оқимини ҳеч қандай куч тўхтатиб қола олмаслигини дарров фаҳмлади. Шашти яна пасайди. Юқоридаги туйнукка қаради, шуни кенгайтириш маъқулроқ кўринди. Бола сандални туйнук тагига судради. Сандиқни титкилаб, онаси рўзгорда ишлатадиган ошпичоқни топди. Лекин у мўлжаллаган ишга дастаси синган бу ошпичоқ ярамасди — туйнук икки йўғон қалама ўртасида ўрнатилган эди. Қаноатнинг ҳафсаласи пир бўлди. Қўлидаги пичоқни жаҳл билан отиб юборди. Ҳар кун ўтин чопиб юрадиган ойболтасини излади. Лекин охирги гал ўтин майдалаганида ойболта билан аррани усти очiq айвонда — ўчоқ бошида унутиб қолдирган эди. «Энди нима қилай? Нега ҳамма ишим тескари кетяпти?» Лекин Қаноат қўл қовуштириб ўтиролмасди. У яна пичоқни қўлига олди. «Бу билан ишим битмайди-да, — ўйлади бола. Шу заҳоти ўз фикрини ўзи рад этди. — Нега битмайди? Дадам: «Зехн билан ҳаракат қилсанг, жуводдизда битадиган ишни игнада ҳам бажарса бўлади», дердилар.

Бола ошпичоқнинг синган дастасига латта ўраб, қай тарафдан иш бошлашни билмай тараддудда турар экан, дадаси берган сабоқ ёдига тушди: «Қум бўронлари, гирдибод тўфонлари, «афғон» гармселлари одатда саҳронинг шимол қисмидан бошланади, жанубга томон шиддат билан беомон босиб келаверади, келаверади... Бўрон тинганидан кейин уйларнинг шимол деворини том бўйи қум босиб кетади».

«Ишни жануб томондаги девордан бошлаганим маъқул, — деган қарорга келди Қаноат. — Шу томондаги девор ортида кам қум тўпланган бўлса керак». Шундай қилди — қўлидаги пичоқ билан деворни бўйи баробар баландликдан теша бошлади. Кўп уннади, терлаб-пишиб узоқ ишлади, ниҳоят девордан ўзи сиғадиган тешик очиб, ташқарига чиқди...

Бўрон тинган, сахро сокин эди. Барханлар салтанатида оғир сукунат ҳукм сурарди. Саҳрони чанг ва ғубор қоплаб олган. Қуёш аввалгидай чарақламас, аллақандай хира парда ортидан боқаётгандай, қутсиз эди. Бола шимол девори ортида тўпланиб қолган қум уюми орқали ботиб-ботиб зўрға томга чиқди.

— Ҳо-о-й, одамлар, ердам беринглар! — Қаноат том бошида туриб қичқира бошлади. — Онам ўлиб қолдилар... Ердам беринглар, ҳо-о-й, одамлар!!!

Узоқдан кўзи ниманидир илғагандай бўлди. Бола ўша томонга қараб, қўлини силкита-силкита яна қичқира бошлади:

— Ҳе-е-е! Бу ёққа келинлар!

Икки отлик қум босган уй олдига келиб тўхтади. Тўриқ отдаги йўловчи қулоқчинли телпак кийган, сариқ мўйловли, елкалари кенг киши эди. Саман отдаги аёл эса узангига оёқларини тираб, хиёл тикланди-да, қора пальтосининг ёқасини тушириб:

— Салом, болакай! — деди ширин табассум билан.
Қаноат том бошида ҳамон ўша гапни такрорларди:
— Онам ў-ўл-и-б қо-олдилар!
— Улиб қолдилар, дейсанми? — Бегона одам отдан сакраб тушди. Қаноат ўзини томдан барханга қараб отган эди, бегона одам уни бақувват кўллари билан кўтариб бағрига босди.

— Хўш, гапир-чи, болакай, нима бўлди?

Юпун кийимда, бошланг Қаноат совуқда дилдираб турарди.

Аёл болага талпинди: уни бағрига босди, совуқотган кўлчаларини пальтосининг қатига тиқиб иситди, кўкариб кетган юзини, қулоқларини ишқади. Оналик меҳри жўш уриб, Қаноатнинг бошидан ўпди... Шунда аёлнинг юраги бирдан зирқираб кетди — боланинг сочи оқарган эди! Аёл буни эрига имлаб кўрсатди. Эри бошидаги қулоқчинини дарров болага кийгизди. Аёл болани бағридан бўшатмай ўйларди: «Сен дунёга келиб нимани кўрдинг, нимани кўра қолдинг ўзи, болакай? Оғзингдан ҳали она сутинг кетмабди-ю, бошингда кексалик қирови... Аёл болани юпатиш учун уни гапга солди:

— Қишлоқларинг номини биласанми?

— Биламан: Қумбосди.

— Ие, Қумбосди бўлса, кепқолибмиз-ку... Василий! Буни қара-я... Дадам айтган қишлоқ. Биз Когондан келяпмиз, эшитганмисан?

Бола аёлга жовдираб қаради.

— Бўлганман Когонда, — деди у. — Дадам билан борганман. Когондан бўлсайиз, Миша жўрамни танийсизми? Сергей бобонинг набираси...

Аёл ялт этиб болага қадалди.

— Қаноатмисан?

— Ҳа, Қаноатман! — деди боланинг овози титраб. — Мишанинг онасимисиз? Сергей бобонинг қизи, а? Бу киши Мишанинг дадаси... Билдимми?

— Билдинг! — деди аёл бўғзига тиқилган йиғи аралаш. — Миша сени кўп кутди. Соғайиб кетса, келмоқчи эди. Лекин келмади, келолмади... Мишагинам пешонамга сиғмади, болам, сиғмади! — Аёл ортиқ чидаёлмади, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. — Уша сен кўрган касаллик болагинамни адо қилди!

Қаноат дўсти Мишанинг ўлимини эшитиб, ўзини кечирилмас гуноҳга ботган ноқобил дўст деб ҳис этди. Шу виждон азоби уни баттар эза бошлади: «Исириқни вақтида етказганимда, эҳтимол, Миша ўлмас эди...»

— Кўп кулфатлар тушди бошимизга, — деди у хўрсиниб. — Аравамизга ўт кўйишди. Дадамни ўлдиришди. Ёнғиндан кейин онам қайта туролмадилар. Эҳтимол, исириқни элтиб берганимда, Миша жўрам ўлмас эди!..

— Ундай деб ўйлама, Мишанинг дарди бедаво эди, — дея Қаноатни юпатди аёл. — Бобоси Москвага элтиб, билағон докторларга кўрсатди, фойда бермади. Мана, сени топдим...

Василий оғиб бораётган қуёшга қараб, ташвишга тушди. Қиш кунлари бир тутам. Ҳали марҳумани қум босган уйдан олиб чиқиб, дафн этиш керак. У Қаноатни кўтариб отга миндирди-да:

— Қўшни қишлоққа бориб, одамларга хабар қил. Кетмон, белкурак олиб келишсин, — деди ва пешонасидан ўпди. — Йиғлама, болагинам, ҳали шундай ишлар қиламизки, қишлоқларни, уйларни, қабрларни қум босмайдиган бўлади. Бу барханларни худди мана шу — сен миниб турган отдай жиловлаб оламиз! Мен билан аянг ана шу мақсадда бу ерга келганмиз. Уксима, болам!..

Қаноат қулоқчининг ипини ияги остидан маҳкам танғиб боғладида, Денов қишлоғига қараб от суриб кетди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

Етим

Одамлар қабр бошидан тўғри аза очилган кулбага қайтиб келишди. Евгения билан Қаноатнинг ўртоқлари уйни, айвонни супуриб-сидиришди, супа ва йўлакчаларни қумдан тозалашди. Қўшни қишлоқдаги тош қудуқдан икки меш сув олиб келишди. Самовар кўйишиб, таъзияга келганларга чой дамлаб беришди.

Марҳума руҳига фотиҳа ўқиётган қишлоқ оқсоқоллари етимча қисмати тўғрисида баҳслашишарди. Елкалари чиқиб, мўнқиллаб қолган, калта соқолли бир чол Қаноатни уйга олиб кетиш учун ўтирганлардан изн сўради.

— Фарзандларим қаторида фарзанд, — деди у. — Рози бўлиб, фотиҳа беринглар, шу сағиргинани ўзим билан олиб кетай, кимсасиз кулбада хор-зор бўлмасин.

— Гапингиз тўғрику-я, — деди ғилай кўзли, ўнғ қўли елкасигача қалтираб турадиган иккинчи чол. — Кўп фарзандлининг бағри чандон кенг бўлади, буни биламиз. Лекин бир

қушга ҳам дон керак, ҳам сув. Сиз қийналиб қоласизми; дейман, биродари азиз. Яхшиси, мен обора қолай болани.

Василий билан хотини индамай қишлоқ қариялари баҳсига қулоқ тутиб туришди. Ахири, Василий баҳсга аралашди.

— Одатларингизни яхши биламан: боладан оталик меҳрини, оналик мурувватини сира дариг тутмайсизлар, — деди у мўйсафидларга қараб. — Анча-мунча урф-одатларингизни, тилингизни ўргандик. Россиядан келганимизга тўрт йилча бўлиб қолди. Бу киши рафиқам — Евгения. Шу кунгача Қогонда яшадик. Қайнотам Сергей бобо ўша ерда, темир йўл депосида ишлайди. Қаноатнинг дадаси Носирбой билан Сергей бобонинг ошначилиги бор экан. Айтишларича, Носирга керосин қўйиш варанкасини ҳам Сергей бобом ясаб берган эканлар. Сергей бобонинг топшириғи билан бу хонадондан хабар олайлик, деб келсак, мотам устидан чиқдик. Носирбой ҳам бир йил олдин қазо қилган экан.

— Ҳа-а шунақа бўлди, — дейишди афсусланиб одамлар. — Раҳматлик Носир варанка борлигида уйимиздан нур, рўшнолик аримасди. Энди бўлса бир чакра керосинга зормиз.

Хонага оғир жимлик чўкди. Даврада Вардонзе қалъа хонақосининг мутаваллиси ҳам бор эди. Қаноат Евгенияга яқин жойда, Даврон билан ёнма-ён. У уй тўридаги мутаваллига ёвқараш қилиб қўярди. Болакай ўтирганларга чой қўйиб узатар экан, қаршидаги деворда осғиқ турган милтиқдан кўз узмай, асабий бир кайфиятда ўйларди: «Аравамизга сен лаънати ўт қўйдирдинг. Дадамга ҳам зомин бўлдинг. Дудуқни кўз олдимда уриб ўлдирдинг... Уша ёнғиндан кейин онам қайта ўзларига келолмай оламдан ўтдилар... Бунга ҳам сен айбдорсан, қотил! Яна ҳеч нарса кўрмагандай, уйимиз тўрида ўтирибсан!..»

— Биламан, — деб давом этди Василий. — Қаноатнинг ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. Яхшиси, у биз билан қолсин. Ҳозирча мана шу кулбада, кейин яна ўйлаб кўрамиз. Биз бир хайрли иш бошлаб келганмиз. Бу ишни охирига етказиш учун юзлаб одамлар керак.

— Билсак бўладими, нима экан ўша хайрли ишингиз? — деди мутавалли. — Ҳойнаҳой, болани сарбозликка мўлжаллаясиз...

— Эҳтимол, вақти келиб Қаноат аскарликка ҳам яраб қолар. Ҳозир гап тамоман бошқа ёқда, — деди Евгения эри бошлаган гапни давом эттириб. У ўзбекчани «қоқинмай» гапирар, шу боис баҳсли масалалар чиқиб қолганида, ҳамиша ижрони ўз зиммасига оларди. — Ҳаммасидан воқифсизлар, замон чайқалиб турибди. Бухоро инқилоби ғалаба қилиб, амир қочганига бир йилдан ошиб қолди. Ҳаёт ҳали-бери изга тушмаяпти: бир томонда очлик, танқислик; иккинчи томонда амир каллакесарлари қишлоқма-қишлоқ, юртма-юрт изғиб, босмачилик ҳаракатини бошлаб юборишди. Бу йилги қиш ҳаммасидан ошиб тушди: тўқсон кун сурункасига давом этган совуқ, басмабасга эсган «афғон» шамоллари, қум бўронлари Қизилқум этагидаги халқни оғир аҳволга солиб қўйди. Бир ҳафтадан бери Жилвон, Қутчи, Кампирёл, Фозилбек, Варахша, Замон бобо дашт ва қумликларини олда кезиб чиқдик. Кўмилмаган йўл, омон қолган ариқ ва кулба йўқ ҳисоби! Қанча одамлар бошпанасиз қолибди. Энди бир ёқадан бош чиқариб, қум бўронларининг йўлини тўсишимиз, экин ерлари, боғ-роғлар, ариқ ва булоқларни сақлаб қолишимиз керак. Яхши яшашни истаган ҳар бир инсон бунга бош қўйиши шарт. Қум кўчишларининг олдини олиш, ихоталашни йўлга қўйиш, ўрмон хўжаликлари барпо этиш хусусида Бухоро Халқ республикаси ҳукуматининг махсус қарори ҳам бор.

— Нима, нима, эшитмай қолдим? — деди мутавалли сирли бир илжайиш билан ўнг шапалоғини қулоғи орқасига тутиб. — Ҳукумат қарори бор дейсизми, хоним? Қутурган саҳрони инсофга келтирадиган, қум бўронининг йўлини тўсадиган қанақа қарор экан у, а? — Мутавалли қўлини қулоғи остидан шашт билан олиб, Евгения хонимга паҳса қилди. — Ў, хоним, шуни билиб қўйингки, Қизилқумнинг қутурган қум бўронларини Хитой девори ҳам тўса олмайди! Бу чўпчакларни бошқа одамларга — саҳронинг қақшатқич зарбини кўрмаганларга айтинг, ўшалар ишонади. Бир банди мўминнинг ортидан бўзлаб қолган мана бу сағири хусусига келсак, унинг тақдирини сизларга ўхшаган етти ёт беғона ғайридинлар эмас, биз ўзимиз ҳал қиламиз. Қаноат шу бугундан бошлаб Вардонзе қалъа хонақоси ихтиёрида бўлади. Хонақо хизматини қилади Дудуқ ўрнига... Омин!

Мутавалли жойидан ярим кўзғалди, лекин ўтирганлардан ҳеч бири унинг фотиҳасига қўл кўтармаганини кўриб, жойига қайта чўкди.

— Бормайман хонақога!.. — Қаноат жойидан шарт отилиб туриб, мутаваллига мушт ўқталди. — Йўқ, хонақонингизга бормайман! Билдийизми?!

— Борасан, бўтам, — деди мутавалли авзойи ўзгариб турган бўлса ҳам илжайишга мойил сирли бир тусда. — Дин даъвати — оллоҳ даъвати, борасан, бўтам!

— Бормайман. Бормайман!! — Қаноат бир сакраб мутавалли тираниб турган деворга яқин борди. У шашт билан милтиқни олди, кейин мутаваллига ўқталди. — Йўқ, бормайман хонақонга... Дудуқдай хор бўлиб ўлишни истамайман, қотил! Ҳозир отаман сени!..

Ўтирганлар шошиб қолишди, баъзилар ўзини эшикка урди. Мутавалли беихтиёр ёнидаги чолнинг орқасига беркинди. Василий Қаноатни маҳкам тутиб кўлидан милтиқни юлиб олди ва ўзини кўтариб кўчага олиб чиқиб кетди. Наматга қапишиб, жон ҳовучлаб ётган мутаваллини кимдир биқинига туртиб:

— Вақт борида қочиб қолинг, тақсир! — деди.

Мутавалли кўрқа-писа жойидан турди, ўғри мушукдай аланглади-да, бир зумда ғойиб бўлди. Аммо у Қаноатдан қутилгани билан бу можарони кўриб-эшитиб турган болаларга тутилди. Эртасига Қаноат хунукроқ гап топиб келди. Кеча жўралари кимсасиз жойда мутаваллининг таъзирини беришибди, ҳамёнини шилиб олишибди. Бу хабарни эшитган Евгения билан эри қаттиқ хафа бўлдилар.

— Бу нимаси, ёш-ёш болалар йўлтўсарлик қилишса! — деди аёл ачиқкланиб.

— Шошилма, гаплашамиз, бунинг сабабини аниқлаймиз, — деди Василий уни юпатиб.

Мутаваллининг қирқ саккиз чўнтаги

«Кўз ўнгингда содир бўлаётган воқеаларга, магарам ишонмасанг, бармоғингни ўзга бир кимсага тишлатиб кўр!» Бу — мутаваллининг писанда қилиб кўп такрорлайдиган гапи.

Хўш, содир бўлган бу воқеалардан кейин мутавалли ўз бармоғини кимга тишлатиб кўриши керак? Носир варанканинг керосин бермагани устига эл олдида эшакка тенг қилиши... Банда мўмин Дудуқнинг бирдан айнаши... Бухорои шарифда бўлаётган алғов-далғовлар... Ғайридин эр-хотиннинг қутилмаганда бу ерларда пайдо бўлиши... Тирмизак Қаноатини унга милтиқ ўқталиши... Худобехабар бир гуруҳ болалар қон қақшатиб, бошига мушт тушириши... Мутаваллига ана шуниси алам қилар эди...

Ҳоди аслида болалиқдан тентаққушдай кўним билмай ўсди: аввалига опаси билан отинийиникига қатнади. Кейин мадрасама-мадраса изғиди. Ҳеч ерда муқим ўқиёлмади. Отаси ҳар икки гапнинг бирида: «Дунё сўзаду, дег жўшад!»¹ деган нақлни такрорлагувчи эди. Отадан — ўғил, педдан — дакадак; Ҳоди кўр — қозоннинг бир қайнаши учун бутун дунёнинг куйиб кетишига кўнган диёнатсиз отанинг тантиқ фарзанди эди. У отаси раъйдан сира чиқмай яшади. «Бу фоний дунёда неки топсанг, ўғлим, хотиндан топасан, — дерди у одам. — Хотин сени ё эр қиладир, ё қора ер қиладир. Мендан кейин, қачон уйланишмоқчи бўлсанг, рўзғори бут, лекин эрга муҳтож аёлга уйлан. Ешмиқарими — ишинг бўлмасин!»

Бу — отасининг унга ҳам насиҳати, ҳам сўнгги васияти эди. Шу гаплар қулоғида қолган экан, аввал бир бева аёлга уйланди. Аёлнинг эри Вардонзе қалъанинг там-там савдогарларидан эди. Унинг савдо қарвонлари йил-ўн икки ой Қизил Ўрдага қатнар, туяларининг қўнғироғи гоҳо Оренбург кўчаларида ҳам жиринглаб қоларди. Қароқчилар Қизил Ўрда даштида савдогарни чавоқлаб кетишди. Хотини қирқ ёшида бева қолди. Савдогарнинг данғиллама ҳовлисига Ҳоди ичкуёв бўлиб кирганида, бор-йўғи 21 ёшда эди. Тенгқурлари «ақлини киритиш» учун унга кўп насиҳатлар қилишди.

— Зарур бошад — раво бошад, — деб жавоб берди у ўртоқларига. — Ёши улўф аёлга уйланиш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан биз — умматларига мерос қолган!..

Бор-йўғи уч йил турмуш қуриб, бечора хотин қаза қилди. Ҳоди кўр катта меросга эга бўлди. Шу ҳовлида тўрт марта уйланиб, тўрт марта бева қолди. Ҳар гал хотинлар уни ташлаб кетар, зеро, бу қурумсоқнинг ситамларидан қутилганига шукроналар айтиб юришарди... Бироқ, тўртинчи хотин... Ҳоди кўрни эр эмас, қаро ер қилиб кетди!

Ҳоди Суюнойга уйланишида, у ҳали ўйинқароқ, ушоққина қиз эди. Тўйдан олдин таниш-билишлари Ҳоди кўрнинг раъйига қарши чиқишган эди:

— Э, биродари азиз, зарур бошад — раво бошад. Норасида ожизага уйланишмоқ Муҳаммад алайҳиссаломдан биз — умматларига мерос қолган. Пайғамбаримиз Ойша бегимга совчи жўнатганларида, бўлажак раво ожизаи муҳтарамалари офтобшувоқда кўғирчоқ ўйнаб ўтирган экан, — деб мулзам қилиб ташлади.

Суюной аввал эрининг барча зуғумларига чидаб юрди. Чидагани сари Ҳоди кўрнинг шафқатсизлиги ошиб борарди. Рўзғорда «томоқдан ўтадиган емиш» борки, бари мисқолма-мисқол ҳисобда эди. Ёш жувон бу зуғумлардан тўлиб юрган экан...

Жума намози куни Ҳоди кўр Вардонзе қалъа хонақосига кетганда, жувон кўнгил бериб юрган қўшни йигитни чорлаб, уйдаги қўлга илингулик мол-мулкни кўтартирди-да, ҳайё-хув деб қочиб қолди...

Ҳоди кўр, шу-шу, хотин оламан деб, қайта оғиз очмади. Топган-тутганини энди ҳовлига ташимас, чўнтакларига солиб, ўзи билан бирга олиб юрарди. Қишин-ёзин устидан қават-қават кийим тушмасди: чакмон остида чопон, чопондан кейин яқтак, яқтак тагида пахталик нимча. Эғнидаги кийимларида жами қирқ саккизта катта-кичик чўнтак

¹ Дунё куйса куйсин, қозон қайнасин.

бор эди: қоғоз пуллар, олтин танга ва кумуш чақалар алоҳида-алоҳида сақланарди. Ҳар кунги хайр-садақага тушиб турадиган майда-чуйдалар учун эса мутаваллининг махсус «Биқин чўнтаги» бор эди. Қаноат билан бўлган жанжал куни йўлини тўсган болалар мутаваллининг шу чўнтаklarини ҳам титкилашди. Узи соғ қолганига шукр қилган мутавалли инқиллаб-синқиллаб хонақога чиқди. Хосхонасига кириб, эшикни ичкаридан зич тамбалади-да, устидаги бутун кийимларини ечди, қирқ саккиз чўнтагини бир-бир текшириб кўрди. Қолган-қутган пулларини қайта дасталади. Олтин тангаларни-ку, биттама-битта санаб чиқди. «Энг хатарлиси, — деб саросимага тушди у. — Аҳмад топиб олган номалар... Бу тирмизак қаердан билди.?»

Мактублардан бири амир қочганида уни Зарафшон дарёсининг кечув жойи-Шафтолихояккача кузатиб қайтган, эндиликда Шофирконда босмачилик ҳаракатини бошлашга пухта тараддуд кўриб юрган Урмон полвондан келган; иккинчиси — Қаноатнинг ҳалқаланган каптар билан жўнатган хати...

«Қаноатнинг хатини кеч олдим, деб баҳона қиларман, — ўзича важ изларди мутавалли. — Аммо-лекигин Урмон полвон битиб юборган «дуои салом» қўл-оёғимни боғлаб бермаса гурга эди. Мактуб ғайридинларнинг қўлига тушса — тамом. Носир варанка ўлимни нақ гарданнимга қўйишади. Бу қароқчи болалар хусусида бировга додлаб бўлмас. Арз қилсанг, ўзингни гуноҳкор санайдилар. Замон бизлардан юз ўгириб, уларга боқиб турган бўлса... Узи не арвоҳи бад урди мени? Хотинларим қарғиши тутдими ё? Ундай десам, мен уларни эмас, улар мени ташлаб... ташлабгина эмас, талаб кетишди-ку?! Энди бу ёғига қандай йўл тутсам экан? Тўхта-тўхта, ақли ожизимча, камина учун битта омонлик бор — ана у икки ғайридинни ўз оёғида қайтиб кетадиган қилишим, магарам кетмаса... унда асфаласофилинга жўнатишим керак. Кейин Қаноат билан Аҳмадни тезроқ даф қиларман!»

Одамхўр

Сахро уйғонаётган кунлар эди. Қалдирғочлар ҳали қайтмаган бўлсалар-да, майса-гиёҳлар, новда-ниҳоллар қўзғалиб, димоққа баҳорнинг ажиб ҳиди ура бошлади.

Мутавалли билан бўлган жанжалдан кейин Қаноатнинг анча мазаси бўлмай ётди. Шу боис жўралари ундан хабардор бўлиб туришди: Карим, Даврон, Аҳмад, Саттор ва бошқа тенгқурларининг оёғи ҳовлидан узилмай қолган — бири кетса, бири келади.

Бу ерга жўралари бир пайта ёпирилиб кириб келишди. Улар ҳашарга йиғилишган эди. Евгения болаларнинг бу ниятларини эшитиб, жуда хурсанд бўлди...

Василий Когонга қатнаб, эшик, деразалар олиб келди. Яна бир борганида отига учта сим каравотни ўнгариб келди. Ҳашарчилар кўмагида эшик ва деразалар уйга ўрнатилиб, ташқари-ичкари шувалди, оқланди. Ҳовли анча тартибга келиб қолди... Ҳашарчилар Евгения пиширган қарам шўрвани мақтаб-мақтаб ичишди. Ҳамма гап дастурхон бошида очилди.

— Ҳамжихат, биродар бўлиб юришларингиз менга ёқади. Дўстликка нима етсин! — деди Евгения улардан миннатдор бўлиб. — Қум кўмиб кетган ана у кимсасиз уйларни кўряпсизларми? Эшитишимча, эгалари жон сақлаб қолиш учун, уйларини вақтинча ташлаб, қариндош-уруғлариникига кетишган экан. Энди уй эгаларини қайтариб, қишлоқни сонга киритиш лозим. Шу бугунгидай ҳашарга чиқсак, уларга ёрдам берсак, қалай бўларкин?

— Яхши бўлади, — дейишди болалар бир овоздан. — Албатта ёрдамлашамиз! Евгения бир зум жим турди-да:

— Хў-ў-ш, энди ўша кунги жанжалга келсак, — деди гапни тағдор қилиб.

Болалар олазарак бўлиб, бир-бирларига қараб олишди. Уша кунги жанжални бошқарган Аҳмад эса Қаноатга яширинча кўз ташлаб, бўшаган косаларни йиғиштириш баҳонасида ўрнидан турди. Лекин Евгения уни жойига ўтирғизди.

— Утир. Қозон-товоқни ювишга ўзим улгураман ҳали... Сизлар билан очиқчасига гаплашиб олишимиз керак, — деди аёл қовоғини солиб. — Нима дединг, Василий?

Бу билан аёл эрига: «Мабодо яқкалик қилиб қолсам, қўллаб юбор», демоқчи эди. Василий хотинининг фикрини англаб, дарров маъқуллади:

— Болалар ҳаддидан ошиб кетишяпти, назаримда. Билмадим, булардан келажакда ким чиқади?

— Тўғри пайқабсан, Василий, — деди Евгения. — Бу кетишда улардан ҳамма нарсани кутса бўлади...

Аёл болаларнинг ўзлари иқроор бўлар деган хаёлда эди. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Охири, Евгениянинг тоқати тоқ бўлди.

— Айтмайсизларми? — деди такрор сўраб. — Мендан ҳам, Василий амакиларингдан ҳам гап яширасизларми?

Болалар ҳамон жим, бош эгиб ўтиришарди.

«Эҳтимол, улар айтмасликка олдиндан келишиб, қасамёд қилиб қўйишгандир, — ўйлади аёл қимтиниб ўтирган болаларнинг серташвиш юзлари, олазарак кўзларига

тикилиб. — Бир ҳисобда айтмай тўғри қилишади. Қатъиятли бўлган маъқул. Лекин бўлиб ўтган воқеани бари бир айттиришим керак. Эшитишимча, ҳозир мутавалли муридларини жамлаб, болаларга, уларнинг ота-оналарига, қариндош-уруғларига қарши катта фитна тайёрлаётган эмиш. Шу баҳонада бизни ҳам тинч қўймайди».

«Энг муҳими, — ўйларди Василий хотинининг хаёлчан кўзидан кўз узмай. — Болалар келиб-келиб нега мутаваллини талашган? Бундан Қаноат ҳам хабардор, ҳаммасининг тили бир. Ана шундай бўлмасайди, Қаноат ўша кеча мутаваллига милтиқ ўқталмасди. Қандайдир сир бор бу ерда?»

— Хўш, ўғлим, — Евгения ёнида ўтирган Қаноатнинг елкасига қўлини қўйди. — Гапни кимдан бошлаймиз? Қани, сен нима дейсан? Уғил онадан гап яширса... Она айтар сўзини ўғилдан сир тутса...

Бу ғинадан кейин Қаноат ҳушёр тортди. Болаларга бир-бир қараб олгач.

— Ая, гапнинг очиғи... — деди тутилиб.

— Ҳа, ҳа, мен ҳам очиғини кутаяпман. Тўғриси айтгин, болам.

— Очиғини айтсам, ая, — деди Қаноат давом этиб, — бу ерда биров-бировни сотмаслиги керак. Майли, сизга айтамыз, лекин ҳозир эмас...

— Хўш, қачон? — деди аёл ажабланиб.

— Яхшиси, ҳозир биз билан бирга борасиз. Қайтишда ҳаммасини айтиб берамиз. Кейин... эҳтимол, айтишга ҳожат ҳам қолмас. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз... Юринг, ая. Сиз ҳам юринг, Василий амаки.

Евгения билан Василий болалар қуршовида йўлга тушишди. Аҳмад олдинда борарди. Улар Жилвон ариғи ёқалаб талайгина юришди. Ҳайбатли нортуяни эслатадиган тепаликдан ошиб, тақир ялангликда тўхтадилар. Ялангликнинг бир томони тала, икки тарафи қум барханларига бориб тақалган, ўнг ёнбошидан эса шарқираб Жилвон ариғи оқарди. Ариқ ёнида чорзарб қилиб, катта ҳовуз қазилган, атрофига тол ниҳоллари экилган. Ҳовуз бериюғида қурилиш майдончаси. Евгения бир қарашдаёқ тақир ялангликнинг жуғрофий ҳолатини аниқлади: фарбда Денов, шарқ томонда Қумбосди қишлоғи. Бошқа маҳалла-қишлоқлар ҳам шу атрофда.

— Тенг оралиқ жой, деб мактаб қурилишини дадам шу ерда бошлаган эдилар, — деди Қаноат кўзида ёш ҳалқаланиб. — Ҳамма ёпирилиб ҳашарга чиқди. Қўшни қишлоқлардан ҳам ёрдамга келишди. Биз — болалар ҳам четда қараб турмадик. Одамлар қолип кўтариб келишиб, куни билан лой қориб ғишт қўйишарди. «Агар Носир варанка ўқитадиган бўлса, ўғил-қизларимизни шу янги мактабга берамиз!» дейишарди. Бир ойда мактабга етулик ғишт тайёр бўлди. Энди хоналар синчига пишиқ ғишт керак, деб одамлар ўзаро пул жамлашди. Пишиқ ғишт излагани кетишди. Қолган ҳашарчилар эса қазилган лой хандақни кенгайтириб, уни ҳовузга айлантиришди. Дадам қурилишдан кетмасдилар. Кеча-кундуз мана шу ҳовуз бўйида ётардилар. Ўша кеча бир гуруҳ номаълум оломон дадамнинг устига бостириб келган...

Қаноатнинг товуши титраб, сўзидан тўхтади, ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

— Бу йўлингдан қайт, деб олдин уни қўриқмоқчи бўлган, — деди Карим Қаноатнинг гапидан давом эттириб. — Дўқ-пўписа қилишган, уришган. Лекин Қаноатнинг дадаси: «Ўлдирсаларинг ҳам бу йўлдан қайтмаймиз!» деб туриб олган... Кейин... Ўша одамлар Носир амакининг тўққиз ерига пичоқ уришган, тилини кесиб... чўнтакларига солиб кетишган! — дея бу фожиа тафсилотини яқунлади Аҳмад. Уртага оғир жимлик чўкди. Қаноат ариққа энгашиб, ҳовучлаб сув ичди. Сўнг ўзини ювиб, қаддини ростлади.

— Ўша ёвуз одамлар Носир амаки бўйнига синган ёрғучоқнинг иккита тошини осиб, ҳовузга чўктирган эканлар, — кейинги воқеани давом эттирди Даврон. — Ариқнинг бутун сувини эса ҳовузга, ғишт териб қўйилган тақир ялангликка оқишишган. Шунча ғишт нобуд бўлди...

— Дадамни уч кун излаб, ҳеч ердан тополмадим, — деди ўзини анча тутиб олган Қаноат қўлидаги оқ рўмолча билан қизарган кўз жиякларини артиб. — Уч кун излашди. Қидирмаган жойлари қолмади.

— Ғанимлари бўлса, эҳтимол ўғирлаб кетишгандир, деган гап мутаваллидан чиқди, — деди Аҳмад. — Ҳамма ишонса ҳам, биз ишонмадик. Бир пайт Карим билан ҳовуз бўйида турган эдик, кўзим қатимдай узун қизил матога тушди. Каримга кўрсатдим. Сув кўм-кўк, тиниқ, лекин матонинг давоми лой остида қолган эди...

— Олдин ажабландим, — деди Карим Аҳмаднинг гапини давом эттириб. — Кейин кўнглим ниманидир сезди. Бориб ҳашарчиларга айтдим. Уч киши сувга тушиб қарашса... Қаноатнинг дадасини лойқа босиб қолган экан...

— Бу қотилликни ким қилган?! — деди Евгения дарғазаб бўлиб. — А, ким қилган бўлиши мумкин, бу ваҳшийликни? Билдингларми, бирор ерга хабар қилдингларми? Болалар индашмади. Ҳаммалари Денов орқали айланиб ўтадиган ёлғизоёқ йўл билан Қумбосди қишлоғига кириб келишди. Қош қораймоқда эди. Қаноат чироқни ёқди. Жой солиб, дастурхон ёзишди. Евгения тушликдан қолган қарам шўрвани иситиб, болаларга ярим косадан сузиб берди. Қолган гап дастурхон бошида давом этди. Аҳмад тиззалаб ўтирди-да, чўнтакларини қоқиштириб, икки сиқимдан зиёдроқ олтин танга, белига резина ўтказилган икки даста қоғоз пулни дастурхон устига қўйди.

— Бир юз етмиш икки дона тилло танга! Мана буниси қоғоз пуллари... Мутаваллининг чўнтагидан олганимиз шу! — деди.

Евгениянинг ранги оқариб кетди. Василий нима қиларини, нима деярини билмай ўтирарди.

— Ахир... Ахир, бундай қилиш яхши эмас, — деди тутилиб. — Бировнинг пули... Яхши эмас...

— Яхшими, ёмонми, шу ишни қилдик, — деди Аҳмад қатъий товушда Василийнинг гапини кесиб. — Биз шундай қилишга мажбур эдик!..

— Мажбур бўлдик, дейсанми? — Евгениянинг лаблари титраб кетди. — Ким мажбур қилди?

— Ёмон одамларнинг ўзлари... — деди Аҳмад шиддатли оҳангда. — Одамхўр мутаваллининг ўзи мажбур қилди! Бу, ҳали, ҳаммаси эмас... Мана буни кўринг. — Аҳмад қўйин чўнтагидан ёғимланган иккита қоғоз чиқариб, Евгенияга узатди. — Аввал буларни ўқиб кўринг!

Аёл хатни қўналиб, зўрға ўқиди-ю:

— Вой-й, хоин, мут... мутавалли-ей! Во-й, одамхўр-эй! — деди ранги ўчиб. Василий арабча ҳарфни чала-чулпа таниса-да, эплаб ўқиёлмаслигини Евгения билар эди. Шу боис бир оз тин олиб, унга хатни ўзи ўқиб берди: «Тақсир мутаваллига етиб маълум бўлмай-ким, каминага йўллаган дуойи саломингизни олдим. Диндан юз ўгирган худобехабар Носир варанкага қўллаган тадбирингиздан камина шод бўлдим, ҳам андак ранжидим.

Бирламчи. Каминанинг ранжиганининг боиси шулким, «Яхшилик йўлида қилган гуноҳимни бирон-бир банди мўмин пайқамасин, олло ўз паноҳида асрасин» десангиз, ўзгалар илки¹ билан иш кўринг. Йўллаган айғоқчингизнинг каминага айтишича, ғайридинлар раъйига кирган Носир варанканинг забонини ўз кўлингиз билан кесиб, чўнтагига солиб қўйибсиз. Сиздай дин пешвосининг ўз қаҳрига бунчалик эрк бериши номатлуб саналур. Уқдингизми, тақсирим?

Иккиламчи. Ҳафтафаҳм айғоқчининг нофорам лутфи²га қараганда, оллонинг муборак назари тушган Вардонзе қалъадай табаррук заминда ўрис эр-хотин пайдо бўлмиш. Ул жойни ғайридинларнинг макон айлаши Муҳаммад алайҳиссаломнинг сиз каби жонкуяр умматига гуноҳи азим саналур. Ул бетавфиқларни зудлик ила даф қилинг.

Учламчи. Яқинда камина етти кишвари оламнинг якто суянчиғи саналмиш жаноб амир Олимхон ҳазратларидан номаи пурмаъно олдук. Жаноби олийлари Бухорои шарифнинг каттаю кичик, ёшу қари — барча фуқаросини тик оёққа қалқишга, тахти олийни тезроқ қайтариб олишга чорламишлар. Биз — бир гуруҳ кўрбошилар Тикай чўлида жамланиб, қаттиқ кураш бошлашга қасамёд этдик.

Дуои салом ила илкингизни маҳкам қисиб: Урмон полвон. Тикай чўли».

Униққан, ёғимланган иккинчи хат Қаноатники эди.

— Мутаваллининг кимлиги, қанақалиги энди аён, — деди Евгения гапни қисқа қилиб. — Хўш, болалар, нима қиламиз?

— Буёғи сизга боғлиқ, ая.

— Хатни ЧКга элтиб топширсак, — деди Евгения бирдан қизишиб кетиб. — Айниқса, Қаноатнинг дадаси ҳақидаги маълумот уларга асқотади. ЧК аралашса, кўп нарса ошкор бўлади. Мутавалли ҳаммаси учун жавоб беради!

Хат тақдири хал бўлди, лекин тангаларга қолганда бир тўхтамга келишолмади.

— Тангалар ҳозирча сизда турсин, ая, — деди Қаноат.

— Уларни янги мактаб қурилишига сарфласак, — деди Аҳмад. — Бир мактабга етгулик ёштни мутавалли нобуд қилди. Шунинг ўрнига...

Болалар Аҳмаднинг таклифини маъқуллашди. Василий ҳам болаларга қўшилди. Ёлғиз Евгения уларнинг раъйига қарши чиқди.

— Болаларни бола десам, сени нима жин урди, Василий? — деди у эридан ранжиб. — Қаноатнинг дадаси не-не орзу-умидлар билан бошлаган янги мактаб қурилишига мутаваллининг ҳаром-ҳариш пулларини ишлатамизми? Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Кучимиз етмаган қисми бўлса, ҳашарчиларни кўмакка чақирамиз. Бу пулларнинг эса эгалари чиқиб қолар...

Ҳашар

Явшон ва кавракка ранг кирди. Новда-ниҳолларда куртак ниш урди.

Евгения анчадан бери қишлоқ оқсоқоллари билан бақамти маслаҳатлашиб олишни мўлжаллаб юрарди. Мана, ниҳоят, у кутган кун келди...

Носир варанканинг фожиали ўлимига йил тўлиши арафасида ҳамқишлоқларга хотира оши берилди.

Хонақо мутаваллиси маъракага айтилмаган эди. Лекин пешинга яқин ўзи келиб

¹ Илки — қўли

² Нофорам лутфи — қулоққа ёқмас гап маъносида.

қолди. Йўлакда Қаноат билан Аҳмадга кўзи тушиб, бир лаҳза тўхтаб чимирилди-ю, дарров аслига қайтди. Қаноатга яқин келиб, жуссасизгина елкасини қучди. Унинг авзойи билан товуши бир лаҳзада турланиб, йиғига мойил тус олди. — Яхшимисан, бўтам? Буни қара-я, дадангни ўлганига дарров йил тўлдими, а? Вой-вой, ёш кетди, шахид кетди, ҳаммани қуйдириб кетди!.. Улим — боди хазон, бўтам, боди хазон... Умр — япроқ янглиғ паришон...

Қаноатнинг кўксини нимадир ғиппа ғижимлаб олди, кўзидан тирқираб ёш оқди...

Маърака тугаб, фотиҳа ўқилгандан кейин ўртадан дастурхон йиғиштириб олинди. Ғира-шира қоронғи тушгач, яна чойга ўтилди. Аччиқ гап ва таъна-кесатиқлар чой устида бўлса керак, деб ўйлаганди аёл. У кўпроқ мутаваллидан чўчирди. Аксига олиб, бугунги гурунгда қўли қалтироқ чол кўпроқ жижзакилик қилди.

— Мен сизга айтсам, қизим, гапларийиз тамом ғалат — Пиримшоҳ¹ тирилса ҳам қутурган бу саҳрога бас келолмайди. Оллоҳнинг ғазабига йўлиққан бу саҳро! Нима қиласиз, қизим, бари зое кетади, меҳнатингизга қуйиб қоласиз.

— Ундай деманг, отахон, ҳар кимнинг кўз очиб кўрган, киндик қони томган жойи ўзига азиз. Сиз уни худонинг ғазабига йўлиққан деб камситяпсиз. Мана менда Носир акадан қолган «Хотиранома» дафтари бор. Яқинда буни Қаноат топиб берди. Носир аканинг Қаноатга айтишича, бу ажойиб хотирани аждодларидан қайси бири ёзгани номаълум экан. Ҳар бир авлод янги авлодга шу дафтарни қайта кўчириб, хотира қолдираверган, қолдираверган... Хуллас, рухсат этсангиз, шу хотираномадан қизиқ бир жойини ўқиб берсам: — Евгения чироқнинг хира нурига дафтарни тутиб ўқий бошлади, — «Эрон подшосининг ўғли Шопур Бухорхудот ҳузурига сиғиниб келиб, Бухоро фуқаролигини қабул қилди. Шаҳзода ов жинниси эди. Шикорга қизиқиб, биз яшаб турган мана шу жойларга келиб қолади...

Бу жойлар, ўшанда Мосаф воҳасининг энг кўркам гўшаси бўлган: қир-адирлар, ўтлоғу яйловлар, боғу роғлар; раста-раста чорвоқлар... Бири-бирдан гўзал паррандаларини, бири-бирдан абжир даррандаларини айтмайсизми? Булбулу кумрилар, тўтию товуслар, майнаю беданалар, мусичаю ғурраклар — минг хил муқомда хиром этган. Буларни кўриб, келгинди шаҳзоданинг оғзи ланг очилиб қолибди. У шу ерда муқим бошпаноҳ қуриб олиш учун рухсат сўраб, Бухорхудотга чопар юборибди. Бухорхудот шаҳзодага рухсати олийшон берибди. Келгинди шаҳзода шу кундан бошлаб қўлига қурол олиб, гўзал табиатга, унинг мўъжизаларига қарши суиқасд бошлабди: отибди, чопибди, топтабди...»

Евгения қўлидаги чарм қопланган дафтарни ёпиб, ўтирганларга разм солди: ўқиб бергани уларга қанчалик таъсир қилган-қилмаганини билмоқчи эди.

— Кўряпсизми, отахон, бу тарих, — деди ҳалиги чолга қараб, — Носир ака ўйлаб топган чўпчак эмас. Одамлар суиқасд бошлаган ўша кундан бошлаб йиллар, асрлар ўтиб табиатнинг бор файзу таровати кўчиб, аста-секин емирила бошлаган. Инқирозга юз тутган табиат эса қилган шу гуноҳлари учун одамлардан қасос ола бошлаган.

— Йўғ-э, қўйсайиз-чи, — деди чол таажжубга тушиб. — Табиат деганийиз тилсиз, фаҳмсиз бир... Йўғ-э, табиат қасос олишни қаердан билсин, қизим?

— Табиат қасос олишни яхши билади! — аёл ўтирганларга қатъий, дона-дона қилиб гапира бошлади. — Рўпарангизда ястаниб ётган мана шу яйдоқ саҳро... агар билсангиз, отахон, ўша қасоскор табиатнинг одамлардан олаётган ўчи... Энди одамлар табиат билан иноқ бўлиб яшамоғи керак. Аламзада табиат жароҳатларига инсон малҳам қўймаса, айтинг, бу марҳаматни бошқа ким қила олади?

Евгения уй адоғида, эшикка яқин пастаккина курсида эри билан ёнма-ён ўтирар, ўрталарида Қаноат тик турарди. Аёл чолдан яна бирор эътирозли гап кутган эди, йўк, ундан бошқа садо чиқмади. Мутавалли эса жим ўтирарди.

«Йўқолган мактубларнинг ҳиди чиқиб қолармикин, деб пойлаяпти бу касофат!.. — ўйлади аёл. — Эҳтимол, мутавалли гапимнинг нозик жойини кутаётгандир... Агар чиндан ҳам шундай бўлса, ҳали замон ёввойи мушукдай бирдан чанг солади».

Мутавалли «чанг солиш»дан олдин Евгения унинг оғзига кулф уриб қўймоқчи бўлди. Гапир дегандай, эрига зимдан назар ташлади...

Василий Жилвога кўчиб келганидан бери ўтган қисқа фурсатда тирикчиликка зарур буюмларини битта қўймай Когондан ташиб олди. Шу орада янги вилоят қўмитаси раҳбарларига учраб, ўрмон хўжалигига асқотадиган анча-мунча нарсаларни ҳам ундириб қайтди. Гапни ана шу қурилажак янги хўжаликдан бошлаб деди:

— Ўрмон хўжалиги учун, ўртоқлар, ҳозирча ундирганим: икки бош туя, учта эшак, икки бош от. Бошқа ташкилий-маъмурий ишлар учун ҳам оз-моз пул ажратиб беришни ваъда қилишди...

— Ана, кўряпсизларми, отахонлар, — деди Евгения эри берган ахборотдан руҳланиб. — Бизни давлат ўз ҳимоясига олиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Нимани талаб қилсак, ўшани муҳайё қиляпти. Бизга энг зарури — одамлар мадади...

¹ Уддабурон, абжир афсонавий қаҳрамон сифатида Бухоро шеvasида кўп ишлатилади.

Кейин уруғлик масаласи... Ҳашарчиларни уруғлик билан ўз вақтида таъминлаб турмасак, ишимиз юришмайди. — Евгения чўнтагидан бир ҳовуч уруғ чиқарди-да, қўли қалтироқ чолнинг кафтига тўкди. — Мана бу саксовулнинг уруғи, отахон. Жилвонда жуда яйраб ўсади. Мана буниси эса, — деди иккинчи чўнтагидан яна уруғ чиқариб. — Россиядан келтирилган ихота уруғи. Дарахти чидамли, чайир, баланд бўлиб ўсади. Эр-хотин иккимиз ҳам агрономмиз, буларнинг «тилини» яхши биламиз. Бу уруғлар кумда ҳам, шўрхоқда ҳам ўсаверади. Ана шу ихота дарахтлари билан кўмнинг йўлини тўсамиз. Ҳозирча мана шу уруғдан Когонда ярим вагон бор. Яна ярим вагон черкез уруғи. Шу уруғларни тезроқ ташиб келтиришимиз керак. Мабодо етмай қолса, яна олдирамиз, ўртоқ Ленинга телеграмма юборамиз. У киши илтимосимизни рад қилмайдилар, истаганимизча юборадилар.

— Ленинга хат ёзамиз? Илтимос қиламиз? — деди ўтирганлар бирдан саросимага тушиб. — Уртоқ Ленинга-я?

— Ҳа, — деди Евгения. — Шахсан ўртоқ Ленинга хат ёзамиз!

Қўли қалтироқ чол бошини сарак-сарак қилиб:

— Й-йўқ, — деди. — Бу гапингизга ишонмайман, қизим. Кимсан — улуғ зот Ленин бунақа майда-чуйда нарсаларга бош қотириб юрмаса керагов. Йў-йўқ, бу гапингиз ғалат, қизим!

— Уртоқ Ленин шунақа бир оддий, камтар одамки, мен сизга айтсам... — Аёл қўлларини ҳаракатга солиб, жўшиб гапира бошлади. — Эҳ, қандай тушунтирсам экан? Ҳатто, сизнинг боя айтган «улуғ зот» деган сўзларингизни ўртоқ Ленин эшитганларида борми... Шартта ёнингизга келиб, қўлларини елкангизга қўярдилар-да, оддийгина қилиб: «Уртоқ» деяверинг, дердилар. Ахир, у кишининг ўзлари бир умр ўша «улуғ зотлар»га қарши курашиб келганлар-да! Ана, сиз орамизда энг кексамизсиз, кўпни кўрган одамсиз. Айтинг-чи, бирон подшонинг халқ ҳашарига чиқиб ёғоч кўтарганини, ўз қўли билан ниҳол ўтказганини, лой қориб девор шуваяганини эшитганмизсиз?

Қўли қалтироқ чол ҳаяжон билан:

— Йўқ, эшитмаганмиз, — деди. — Бундай бўлиши ғалат...

— Ана кўрдингизми, сиз ғалат дейсиз. Ленин бўлса шундай қилган: ер ҳайдаган, пичан ўрган, лой қорган...

Евгения кафтча келадиган оқ матони Қаноатга берди-да:

— Рўпарадаги деворга миҳлаб қўйгин, — деди. — Балли. Энди келиб ёнимда тур. Қолган ишларнинг ҳаммасини ўзинг бажарасан.

Аёл қора чамадончадан қора қутича олиб сандиқ устига қўйди ва деворга қоқилган оқ матога тўғрилаб, синчалоқдай дастагини айлантира бошлади.

Ўтирганлар ёқаларини ушлаб, донг қотиб қолишди:

— Ё алҳазар!

— Ё тавба!

— Бу темир қутичага одам қандай сиғди экан, ё кароматингдан!..

Сеҳрли темир қутичанинг дастаги дамагон шағиллаб айланарди: Қаноатнинг каталақдай ғариб кулбасининг андава кўрмаган ғадир-будир деворида шапкасини чап қўлида фижимлаб ўртоқ Ленин юрар эди!

Евгения муъжизали темир қутичани Қаноатга топширди.

— Мана, энди сен айлантиравер. Балли. Ҳа, шундай.

Бола қутича дастагини айлантиравер экан, деворда Ленин ҳаётидан янги-янги лавҳалар намоён бўларди. Евгения улар ҳақида ўтирганларга лўнда қилиб тушунтириб берарди: Ленин елкасида ёғоч, халқ ҳашарида қатнашяпти. Кўряпсизларми, оддий халқ қатори... Халқ қатори бўлгани учун ҳам халқ унинг измидан сира чикмайди-да!»

Қариялар қора қутича сеҳридан гангиб тарқашди...

Эртасига келишилган пайтда Қаноатнинг ҳовлисида беш қишлоқдан жамоат жам бўлди. Бугун анча-мунча хотин-халажлар ҳам келишган эди. Евгения билан Василий тўпланган одамлар билан бўлажак ишлар хусусида узоқ маслаҳатлашди.

— Жилвоннинг қум бўронига, кеча отахонимиз тўғри айтдилар, темир девор ҳам дош беролмайди, — деди Евгения вазмин оҳангда. — Қум кўчишини тўхтатиш учун шундай бир салоҳиятли девор кураммизки, бунинг номини фан тилида «Яшил девор» дейилади. Бу девор машҳур Хитой деворидан ҳам мустаҳкам бўлади. Буни ҳамқишлоқингиз Аҳмад Дониш бир умр орзу қилиб ўтган. Афсуски, Дониш қум кўчишини ихота деворлари билан тўсишни таклиф этганида, Бухоро ҳукмдори уни жиннига чиқариб, саройидан ҳайдаб юборган.

Евгения ишораси билан Қаноат уйдан қалин ўрам қоғозни — барпо этилажак ўрмон хўжалигининг хонаки чизгилар харитасини олиб чиқиб, хонанинг кунгай деворига осди.

Аёл бармоғи билан харитадаги ранг-баранг белгиларни кўрсатиб, йиғилганларга тушунтира бошлади:

— Мана бу, азизлар, Қизилқумга туташган Жилвон саҳроси. Булар эса сизлар яшаётган қишлоқлар, йўллар, ариқлар, ўтлоқлар... Кўряпсизларми, ўттиз учта қабристоннинг ҳаммасини қум кўмиб юборган. Қайси марҳумнинг қабри қаерда ётибди; ҳеч ким билмайди...

— Тўғри айтасан, қизим, бу кетишда биз ҳатто тирикларни ҳам йўқотиб қўямиз, шекилли, — деди новча бир чол. — Биргалашиб иш тутмасак, дарҳақиқат, бўлмас экан...

Чолнинг гапидан руҳланган аёл харита белгилари узра бармоғини янада чаққон югуртириб давом этди:

— Бу бепоён саҳро — ўқилмаган улкан бир китоб. Саҳрода ҳозир тўққиз юзга яқин ўсимлик ўсади, қарийб уч юз эллик хил ҳайвон яшайди. Бу ерда муттасил эсиб турадиган шамолдан баъзан нолиймиз. Агар билсангизлар, шамолнинг ўзи ҳам бир бойлик. Қўлларингизни қабартириб ташлаган ўша ёрғучоқлар, кемтик, яроқсиз тегирмонлар ўрнига шамол қуввати билан ишлайдиган тегирмонлар қуриш мумкин. Бугун-эрта кураимиз ҳам...

Энди мутавалли чидаёлмади.

— Бу гапингиз, — деди ошкора кулиб, — Кенжа сариқ томорқасига тилла танга эккандай бир гап экан. Эшитганмисиз, йўқми — Кенжа сариқ Алдаркўсага ишониб, отасидан мерос қолган бир хумча тилла тангани томорқасига экиб, устидан мола босибди. Кейин унинг кўкариб чиқишини кутибди. Алдаркўса бўлса, кечаси келиб, Кенжа сариқ сепган тангаларни битта қўймай териб кетибди-да, одамларга улашиб берибди.

Шу пайт паранжили, новчагина бир аёл икки қадам олдинга чиқди-да, мутаваллига юзланди.

— Сизга гапни ким қўйибди! — деди жаҳл билан. — Дугонажон, — деди Евгенияга, — мен бу қурумсоқнинг учинчи хотини — Хуринисоман. «Кечаси ўнг томонинг билан ётиб ухлама, еганинг тез ҳазм бўлиб кетади», деб тинчлик бермасди.

Мутавалли ўтирган жойидан қўлини паҳса қилиб, хотинини сўқди:

— Ҳов, манжалақи, хасмимда бўлганингда нима қилсам қилгандирман. — Сўнг Евгенияга хезланиб деди, — ҳов, хотин, сен билан эринг — икки ғайридин бир бўлиб, мана бу болаларни ҳам диндан чиқаздинглар...

Аёл захарҳанда қилиб кулди.

— Сизнинг кирдикорларингиздан бир шингилини маълум қиламиз, энди, — деди-да, чарм куртқасидан ғижимланган иккита қоғоз чиқариб, одамларга кўрсатди. — Мана бу хатлар, ўртоқлар, мутаваллининг наинки шафқатсизлиги, ҳатто қотиллигидан далолат. Сизларга бир умр рўшнолик ташиб юрган, болаларингизга зиё бериш умидида ёниб-қуйиб яшаган Носир варанка фожияси хусусида...

— Уқилсин! — оломон ҳовлини бошига кўтарди. — Уқинг!

Афсуски, аёл номани ўқиётганда, мутавалли билан муридлари жуфтакни ростлаб қолган эди...

«Жамоа мен айтмоқчи бўлган мўддаони англаб етдимикан? Одамлар билан дурустроқ гаплашишга ҳам қўймади, баттол мутавалли. Ҳаммасини чалкаштириб юборди-я!» Йўқ, Евгениянинг хавотири ўринсиз эди. Эртасига эрталаб жамоа жам бўлиб, Қумбосди қишлоғининг муюлишидаги ўша оқ уй томонга ёпирилиб кела бошлади. Қаноат билан Аҳмад ҳашарчиларни рўйхатга олишга зўрға улгуришмоқда эди.

Евгения тавсияси билан ҳашарчилар икки гуруҳга бўлиниб, икки хил юмушга киришдилар: экишга пайкал ҳозирлаш ва қамиш тўплаш.

— Қамишни кўпроқ тўплаш зарур, — деб қайта-қайта таъкидларди Евгения. — Экилган уруғни шамол учириб кетмаслиги учун уруғ қадалган қаторнинг икки томонига қамишдан тўсиқ ясаймиз. Бу тўсиқ, аввало, уруғни муҳофаза қилади, иккиламчи, қумдан нарни қочирмайди, саксовул тез униб чиқади...

Василий от-улови ва араваси борларни тўплаб, уруғ ташиш учун Когонга олиб кетди. Евгения қамиш ўрмидан ортиб қолган ёш-ялангларни қум барханлари сари бошлади.

...Шундай қилиб, Қаноатнинг Жилвон этагидаги каталакдай кулбаси бўлажак ўрмон хўжалигининг штабига, Лениннинг муборак сиймоси етиб келган табаррук жойга айланиб қолди. Ёш-яланглар, хотин-халажлар: «Ленин билан гаплашгани» шу кулба томон ҳар куни гуррос-гуррос оқиб келишарди. Қаноат йиғилиб келган халойиққа картинани қайта-қайта кўрсатар, изоҳталаб жойларини эса ўзи тушунтириб берарди.

Картина тугагач, сеҳрли қутичани онасидан қолган шол рўмол билан ўраб қўярди-да, ўзи тенги ёш-ялангларни, хотин-халажларни саксовул уруғи экиш учун ҳашарга бошлаб кетарди.

Қалдирғочлар эрта қайтди

Баҳор қулф уриб, сепини ҳар йилгидан эртароқ ёзди. Қир-адирлар, ўтлоқлар яшнаб кетди. Кўкда арғамчи солиб учаётган турналарнинг ёқимли овозлари бутун саҳрони тугди.

Қаноат уйда якка ўзи эди. Ҳар эҳтимолга қарши ўқлаб, сандиққа яшириб қўйган милтиқни кўргиси, дадасидан қолган бу ёдгорликни артиб-суртиб тозаллагиси келди. Шу ниятда эндигина сандиқ қопқоғини кўтарган эди, эшик тақиллади. Аям билан Василий амаки келди, деган қувонч билан югуриб бориб эшикни очди. Қай кўз билан кўрсинки, мутавалли! Орқасида — тақа мўйловли мурид.

Қаноат уларнинг киришига монелик қилиб, икки қўлини эшик кесақисига тираб деди:

— Ҳеч ким йўқ уйда...

— Сен бор экансан, бўлди, бўтам, — деди мутавалли мешдай қорнини Қаноатнинг қорнига тираб. — Ғайридин кофирлар билан бўлиб, мусулмончилик удумларини ҳам унутаёзбсанми? Сўроқлаб келган одамга эшикни кенг очиб, кутиб олиш керак!

Шундай дея, мутавалли бўсағада турган Қаноатни қаттиқ итариб юборди. Бола орқасига гандираклар кетиб, уй ўртасига келиб қолди. Чақирилмаган меҳмонлар ичкари кириб, эшикка зулфин солишди. Қаноат довдираб қолди. Мутавалли Қаноатга юзма-юз келди.

— Мана шу тилингни... Мана шу тилингни дадангни тилидай қилиб кес-с-сиб олсам... Ни-и-ма дейсан?

Бола қўрқувдан оқариб кетди. Мутаваллининг қўлидаги пичоқ боланинг бўғзида олмосдек ярқиради. Қаноат мутаваллининг пичоқ тутган қўлига чанг солди.

— Нарн тортинг пичоқни!.. — деди товуши титраб. Унинг товушинга эмас, бутун вужуди титраб эди. — Нарн тортинг пичоқни, инсоф борми ўзи сизда?!

— Ҳа, қўрққангми, бўтам? — деди мутавалли, кейин бир оз юмшади. — Қўрқма, бўтам, мен сени ғайридин кофирлар панжасидан халос қилмоқчиман, холос. Улар дадангни йўлдан оздирди. Тақдири шу экан, не илож, эрта кетди. Сен ҳам отангдай бўлма, дейман, бўтам. Магарам пичоқдан чўчиётган бўлсанг, мана... — Мутавалли пичоқни эшикни тўсиб турган тақа мўйловли муридига узатди. — Ма, бу сабил қолгурни олиб қўй.

— Мендан нима истайсиз? — деди жовдираб бола. — Нима қил дейсиз?

Мутавалли боланинг қўлоғига яқин энгашди:

— Уша нома... қаерда? Ушани топиб бер.

Бола талмовсиради.

— Қайси нома?

— Кеча ана у манжалақи... ана ўша кофир йиғинда шоён қилиб ўқиган нома... Энди уқдингми?

— Ҳа-а, уми? — деди бола бирдан эслаган бўлиб. — Аямнинг ўзларида.

Мутавалли боланинг кўзига қадалиб сўради:

— Қаерда у манжалақи?

— Саксовул эккани одамларни Кампирёлга бошлаб кетган.

— Эри-чи? Сенинг ғайридин даданг?..

— Уруғ ташигани Когонга кетган.

— Қачон келишади?

— Бугун. Ҳозир кепқолишлари керак.

Мутавалли ҳавотирга тушди.

— Номани ола биласанми? — дея мутавалли орқасига ўгирилиб, тақа мўйловли муридига қўл чўзди. У қўлидаги пичоқни узатди. Мутавалли яна пичоқни Қаноатнинг ўйнақлаб турган кекирдагига тақди. — Йўқ десанг... ўзингдан кўр! Сенга ўхшаш норасидаларни йўлдан урган анови ғайридинларни-ку, албатта... Аммо, бўтам, сен омон қоласан. Мен ҳам отанг арвоҳи олдида гуноҳларимдан фориғ бўлмоқчиман! Топган-тутганларимнинг ҳаммасини сенга қолдираман. Ишон, еганинг олдинда, емаганинг ортингда бўлади. Анови икки номани топиб берсанг бас...

Қаноат тушунди: «Бу қотил номани қўлга киритган захоти мени ўлдиради, кейин аям билан Василий амакимни... Шошмай тур!»

— Бўпти, мен уёқ-буёқни қараб кўрайин-чи, — деди Қаноат ўзини анча мойил кўрсатиб. У аввал лаш-лушларни титкилаган бўлди. Сўнг шошилмай бориб сандиқни очди-да, милтиқни суғуриб олиб, ўзини йўқотиб қўйган мутаваллига қараб тепкини босди! Хонада чақмоқ чаққандай, ялт этиб аланга чақнади. Дераза чил-чил синди. Уша захоти: «Ох, единг!» деган бола овози эшитилди. Мурид уйдан ўқдек отилиб чиқди-да, зумда кўздан ғойиб бўлди...

Хотима

Фожа юз берган куннинг эртасига ҳовлига одам сиғмай кетди. Мутаваллининг жасадини эшакаравага ортаётганларида, Евгениянинг бағрида ётган Қаноат кўзини очди. Василий Шофиркондан олиб келган докторнинг айтишича, Қаноатнинг жароҳати унча оғир эмас: ўнг елкаси ва болдирини пичоқ тилиб ўтган, кўп қон кетган...

Евгения кўзига ёш олиб, Қаноатнинг манглайига ҳўл сочиқ босди.

— Қалдирғочлар қайтдимми, ая? — сўради Қаноат шифтга қараб.

— Қайтди, ўғлим, қайтди, — деди аяси кўзини унинг юзига босиб. — Баҳор бу йил барвақт келди-да, қалдирғочлар ҳам эрта қайтди, ўғлим!

Шу пайт тепа туйнукдан бир жуфт қалдирғоч хонага кириб, чарх уриб айланди-да, инига келиб қўнди...



Луи Арагон

КҮР ОДАМ

Яқинда атоқли француз ёзувчиси ва Жамоат арбоби, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти, совет халқлари адабиётининг Франциядаги тарғиботчиларидан бири Луи Арагон таваллудига 90 йил тўлди. Луи Арагоннинг шеърлари, романлари, ҳикоялари ва эссе-мақолалари ватанимизда бир неча тилларда қайта-қайта нашр этилган. Арагоннинг асарлари кўпмиллатли совет халқи маънавиятининг бойишида ўзига хос хизматни ўтаб келмоқда.

Етмишга кирмай туриб қулоғим оғирлашиб қолди. Мабодо бирор киши телефон қилса, узук-юлуқ жумлалар маъносини зўрға илғаб оламан. Бироқ суҳбатдошимнинг кимлиги ва қаердан сим қоқаетганини билолмай гаранг бўламан. Бу ҳолатни тушунарсиз — ёт тилда шеър ўқигандай бир гап. Айрим районлардаги аппаратлар автоматлаштирилиб, «Клобер» ёки «Баграм» иборалари ўрнига, тўғридан-тўғри 553 ёки 924 рақамларини териш жорий этилгандан бери телефонда гаплашишим янада мушкуллашди. Ҳикоямдаги воқеалар қайси даврга алоқадорлигини англагандирсиз?! Нима ҳақда гапираётгандим? Эҳ-ҳа, қариган чоғимда севиб қолдим. Менинг ёшимда ошиқ бўлиш — кулгили! Буни қарангки, севиб қолдим. Кар ошиқ! Хаёлингизга «новатон кўнгилга қўтир жомашов» деган гапнинг келиши табиий. Тақдир тақозоси...

Маҳбубам менга таскин бериб: «Зарари йўқ, кўзларинг кўрмаганда нима қилардим?» дейди.

Икки кундан бери ёзув столида ётган: бири Марсель, бири Японияга жўнатиладиган мактубларни маҳбубам ёзган. Кеча кечқурун у почта бўлимига бориб келишимни илтимос қилди: «Бу хатлар айтирли шошилинч эмас... Шундай бўлса-да, Марсель ва Япониядан жавоб кутаман. Йўқса, таътил кунлар бошланиб...»

Бу хатларнинг ушовидан тушови қимматлигини айтмайсизми? Марселга юбориладиган хатнинг иши осон: эски қийматдаги ўн уч франкли марка ёпиштирсам, бас. Японияга жўнатиладиган нома, асти гапирманг, юрагим безиллайди. «Авиа» бўлгани учун почта бўлимига боришим, хат вазнини ўлчатишим, қанча пул тўлаш зарурлигини сўрашим керак. Кекса одам учун бу нақадар машаққатли... Халқаро мактубларни жўнатиш учун бериладиган тўлов-купонларнинг турган-битгани ғурбат. Аллақайси Массачусетс ёки Кашмирга ярим энлик хат йўллаш дунёнинг пули туради. Шунинг учун ҳам купонларни кўргани кўзим йўқ. Улардан садақа қақадан ҳазар қилгандек нафратланаман. Бунинг сабаби бор. Чет элга хат йўлламоқчи бўлган купонларни бирор ерда ёддан чиқариб қолдираман, ё конвертга солдимми, йўқми, деган гумонга бориб, безовталанаман. Бир қанча вақт ўтиб, ажойиб кунларнинг бирида, китоб жавонини тартибга келтираётган пайтимда, қоғозлар орасида ётган купонларни кўриб қоламан. Жаҳл устида уларни йиртиб қоғоздонга ташлайман.

Афсуски, бугун ўз хоҳишимга зид иш тутишим шарт. Қон-қонингга сингиб кетган нафратдан халос бўлиш мушул. Лекин томиримда жўш ураётган ошиқона туғён бу нафратни сиқиб чиқаролди. Хуллас, Япония ёки Кенияга хат жўнатишга мажбурман.

Мана, ниҳоят тонг ҳам отди. Омонатлар — мактуб, купонларни олиб уйдан чиқдим. Зинапоянинг ярмисига етганимда купонлар кўлимдан сирғалиб тушишига сал қолди. Тўхтаб картмонни, мактуб ва купонларни чап кўлимга олдим. Уларни тушириб қўйишдан хавфсираб, минг бир азоб билан кўчага чиқдим.

Бирорта хужжатни ерга туширмай, купон ва хатларни картмонга солиш учун яна тўхтадим. Картмоннинг қаватларидан ташқари бир неча қаватчалари ҳам бор. Купонларни картмон қаватчасига солаётганимда бир нарса ерга тушди. Бу маҳбубамнинг ниҳоятда гўзал сурати эди. Суратни авайлаб олиб, бланкотлар турадиган қаватга солдим. Қоғозларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Почта бўлими жойлашган Гренель кўчасига бурилдим. Хаёлимда ҳамон купонлар чарх уради. Кўлимга қарайман. Картмон ва мактублар... Купонлар қаерда қолди?.. Ҳа-я, картмонга солгандим, ҳа, ҳа картмонга солганман. Ишончим комил бўлиши учун картмонни очдим. Бир даста пул — минг франк ерга сочилди. Франкларни инқиллаб-синқиллаб йиғиб, бланкотлар орасига тикдим. Купонларни картмонга солмай, конвертларга кўшиб, қисимлаб олдим. Ортиқча даҳмаза бўлмаслиги учун картмонни костюмимнинг ички чўнтагига солдим. Тарки одат амри маҳол-керакли хужжатларни костюмим ёки нимчанинг ички чўнтагига соламан, маркаларни йўқотаман, майда-чақаларнинг фарқига бормайман, хатларни эгасига жўнатишни унутаман... Алахсисам, қилаётган ишимни унутиб қўяман. Хаёлимни бир жойга жамлолмай гаранг бўламан. Қариганимда эсинг кирди-чиқди бўлиб қоларкан-да...

Бургонь кўчаси тарафдан, йўлнинг четидан ҳассаси билан пайпасланиб, майда қадам ташлаб келаётган бир мўйсафидга кўзим тушди. Орамиздаги масофа бир қадар қисқарганда унинг ҳассаси оқ эканлигини кўриб, ғалати бўлиб кетдим. Чол кўр эди... Қулоғим оғирлашгандан бери кўрларни кўрсам, ичимни ит таталайди. Карнинг йўриғи бошқа, аммо бир вақтнинг ўзида ҳам кўздан, ҳам қулоқдан ажралиш — ҳайҳот! Душманимга ҳам раво кўрмайман бу дардни... Мени кўрмаётган кишига боқарканман, хаёлан ўзимни унинг ўрнига қўйдим. Бундан ортиқроқ бахтсизлик бўлмаса керак...

Хаёлимга келган янги асарнинг бош қаҳрамони — қолаверса, бош ёки иккинчи даражали бўлишининг айтарли аҳамияти йўқ — ожиз, анчадан бери, балки туғилганидан буён ёруғ дунёни кўриш бахтидан бенасиб... Зулумот бандаси... Бироқ у ҳис қилади, эшитади. Бу тоифадаги кўрлар одамларни овозидан, бошқа хусусиятларидан танийдилар, ҳатто сизу мен илғамаган нарсаларни ҳис қиладилар, сезадилар... Янги, ёзилажак асарим кўз ёки кўриш ҳақида эмас, асло. Менинг асарим — дунё ва атроф муҳит бобида ўз тасавури, нуқтаи назари бўлган кўр тўғрисида... Миям ари уясидек ғувиллайди... Бир неча дақиқа ичида хаёлимда минг бур ўй ғужгон ўйнади... Ўйларимни жиловлаб олишга иродам ожиз... Кўр одамнинг хотини, бола-чақаси борлиги эҳтимолдан холи эмас. Хотини унга: «Ўксинма, кўзларинг кўрмаслиги бахайр, кар бўлганимда нима қилардим...» дейиши ва бу сўзлар басирга таскин бўлиши аниқ. Бу нотавоннинг кўрлиги бир, боз устига кар бўлганда нима қиларди... Хотинининг ёнида турган бегона эркекнинг юрак уришини қандай сезарди... Кўзлар барча нарсани бирдек илғай олиши мушул...

Мўйсафид йўлак четига биқиниб, оқ таёқчасини тақиллатиб келяпти. Унинг сочоқоли ўсиқ, юз суяклари буртиб чиққан, чаккаларида оқ, кўкиш нуқталар бор.

Кўлимда хат ва халқаро купонларни қисимлаганча йўлимда давом этарканман, хаёлга чўмаман. Хаёл кўрғур ушовини тутқазмайди. Кейинги вақтда кўп фаромуш бўлиб қолдим. Мана шу икки-уч дақиқа ичида калламга не-не ажойиботлар келмади, дейсиз. Шу лаҳза янги, ёзилажак асаримда акс этадиган воқеалар кўз олдимда жонланди... Қолаверса... Қайсар хаёллар... Хуллас, август жанглариининг бирида у қулоқдан қолади. Нима учун август дейсизми? Чунки бугун ҳам айни август тонги-да. Бундай пайтларда одатда Париж кўчаларида машиналар қатнови, шовқини анча камаяди. Аввалига бундай осойишталикда қулоқдан қолганини сезмайди... Энг даҳшатлиси, бир вақтнинг ўзида ҳам кўздан, ҳам қулоқдан айрилиш-а... Рўпарамдаги басир мўйсафидни хаёлан кар тасаввур қилдим... Ташқи дунё билан сўнги, ягона алоқа воситасидан маҳрум бўлиш... Ҳатто ўз исмининг жаранглашини эшитмаслик... Гумроҳликка юз тутиш... Тўқ-тўқ. Ҳассанинг тўқиллаши фикримни бўлди. Енимдан кўр ўтиб борапти... Китобдаги гаранг ёки басир эмас. Гренель кўчасидаги оддий авомлардан бири бўлган кўр одам... бир нафас ортимга, кўр чолга қараб қоламан. Ниҳоят, почта бўлимига ҳам етиб олдим. Очиғи ўз бошимизга ўзимиз ортиқча ғалва орттириб юрамиз. Мана шу дардисар купонларни айтаман-да! Ҳатто назарга олишга нолойиқ, оддий нарса... Ёшим олтмиш саккизга кирибдики, ҳамон бу ғурбатдан қутуллолмайман. Нима учун? Ўз-ўзимдан сўрайман, сизлардан сўрайман. Балки бу инсон табиидаги калтафаҳмлиқдир, ҳа, шубҳасиз калтафаҳмлиқ... Японияга юбориладиган хатни жўнатиш мақсадида «Авиа почта» лавҳали дарчага мурожаат қиласан, ходима хатни олиб тарози палласига қўяди. Орага бир нафаслик жимлик чўқади. Оддий хат почта ходимасининг эътиборини ўзига бунчалик тортиши сени ажблантиради... Ходима бир варақ қоғоз олиб ҳисоб-китобни

бошлайди. Халқаро купонларни унга хат билан бирга берганман. Ҳа, айтмоқчи купонларнинг қиймати қайси нархда: ўзимизнинг франк ёки сантиметрами ёки... отинг қурғур япон пули қандай аталарди? Кўрсатилганига қарамабман-у... 1905 ва 1910 йилларда марка йиғардим, ўша вақтда япон пулининг қиймати йен билан белгиланарди. Дарча рўпарасида ўтирган ходима эски ёки янги қийматдаги йенларнинг фарқини яхши билар... Қаранг-ки, тўғри хомчўт қилибман. Ходима: «Уч купон етади, истасангиз қайтимига почта маркасини берай», деди. Ахир марка йиғишни ташлаганимга анча бўлди-ку. Жавоб беришга шошилмадим. Қўлимда Марселга юбориладиган хат бор. Шунинг учун ҳам ходиманинг таклифига эътироз билдирмадим. У менга қайтим ўрнида иккита ўттиз франкли, яъни, ўттиз сантиметрлик марка берди. Бечора япон, жавоб хати учун атиги уч купон кераклигини билмай, ҳисобда адашибди-да... Зарар-зарар — унинг ҳамёнига зарар... Ахир Марселга юбориладиган хат пули ёнимга қолаяпти-ку, нега энди куйинишим керак...

Гренель кўчасидан уйимга қайтаётганимда хаёлимда пишаётган роман ёдимга тушди. Қайси воқеада тўхтаб қолганимни эслашга уринаман... Чигиртканинг кўриш ёки кўрмаслигини ҳеч ким билмайди. Аммо у эшитади, сезади. Прованс хиёбонига тунги сайрга чиққанимда бунга тўла ишонч ҳосил қилганман... Майсазорда чириллаётган чигиртка томон юрасиз. Чигиртка билан орангиздаги масофа қисқарганда у чириллашдан тўхтади. Сиз чигирткани кўрмайсиз, у сизни. Лекин у чириллашдан тўхтади. Бу хатти-ҳаракатни юз бора такрорласангиз ҳам натижа бир хил бўлади. Хулоса шуки, сиз тўхтаган нуқтада чигиртка қадам товушини бемалол сезади. Бу тавсифнинг романга қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши табиий. Сабр қилинг, воқеанинг давомини диққат билан тинглаб, мушоҳада қилсангиз, бас...

Бояги кўр мўйсафид яна қаршимдан, бу сафар Бек кўчаси тарафдан келяпти. У бошқа кўр бўлиши ҳам мумкин. Бир марта кўрган кишини узоқдан таниш қийин... Бир-биримизга чигиртка чириллашдан тўхтаган нуқтадаги масофача яқинлашганимизда, ҳассанинг тўқиллаши эшитила бошлади. Почта бўлимига кетаётганимда қулоғимга ўтириб қолган таниш — иккита бир хил, учинчиси чўзиқроқ, яна иккита бир хил зарбли тўқиллаш овози... Айрим сўзларни зўрға илғайдиган қулоқларим ҳассанинг бир маромда тўқиллашини аниқ эшитди... Одамлар бир-бирларини юз-кўзига, мўйлаб-қошига қараб ажратишлари каби, мен ҳам ҳассанинг тўқиллашидан бояги кўрни танидим. Гапим сизга ғалати туюлмасин, бинобарин ўзимни кўрнинг ўрнига қўйиб кўряпман. Уй-мақсадимнинг маъносини англагандирсиз? Ожизлиги етмагандек, қулоқдан ҳам қолса, хотинининг вафодорлигига қандай ишонч ҳосил қилади?.. Инсон юрагининг тепкисини эшитмайди. Боз устига ҳидни ҳам сезмаса, инсоний мулоқатдан маҳрум бўлгани...

Басир билан рўбарў келиб ундан уч-тўрт қадам узоқлашганимда мени кимдир чақираётгандек туюлди. Кўр имо-ишора билан мени тўхтатмоқчи бўлган. Уйга толганим учун унинг имо-ишорасини илғамагандирман. Басирнинг маъсум овозини эшитмаслигим табиий... Аммо ҳассанинг тўсатдан тўқиллашдан тўхташи эътиборимни ўзига тортди... Орқамга ўгирилдим. Кўр менга қараб, худди соппа-соғ кишидек, дадил оҳангда:

— Жаноб! Жаноб! Сизмисиз? Сизни танидим шекилли? — деб сўради.

Ҳайратдан ёқа ушладим. Тавба, кўр мени қандай таниши мумкин?! Балки кийимимга ўтириб қолган қаҳва ҳидидан танигандир?! У менга аллақандай қоғозни узатди.

— Бир неча дақиқа илгари сиз билан учрашгандик. Мен у томонга кетаётгандим. Тўғрими? Демак, бу... Буни сиз тушириб қолдирмадингизми?

Маҳбубамнинг сурати... Халқаро купонларни картмонга солаётганимда яна тушириб қолдирибман-да?! Аммо мени бошқа нарса ажаблантирди. Йўлини зўрға топиб юрадиган кўр одам суратни қандай кўрган?!


— Гўзал жувон экан... Рафиқангизми? Тенгдошингизми? Омадингиз бор экан!

Басир шундай деб йўлида давом этди. Ҳассанинг тўқиллашига маҳлиё бўлиб, унинг изидан қараб қолдим. Мўйсафид мендан чигиртка чириллашдан тўхтайдиган масофачалик узоқлашганда, ҳассанинг тўқиллаши ҳам эшитилмай қолди. Бу манзара менга тунги Прованс хиёбонини, чигирткаларнинг чириллашини эслатди...

Ҳайритабиий воқеа таъсирида маҳбубамнинг суратини солиш учун эмас, аксинча қоғозларнинг жойида-жойидамаслигини текшириш мақсадида ички чўнтагимдаги картмонни олдим...

Хайрият, қайтимга берилган маркалар ўз ўрнида экан...

Рус тилидан **МУЗАФФАР** таржимаси



МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси она Ватанимизнинг барча халқлари сингари ўзбек халқини ҳам озодликка чиқариб, тарихий тақдирида буюк, революцион ўзгариш ясади, унинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун кенг имкониятларни яратиб берди. Бугун ўзбек халқи дунёдаги ҳар томонлама равнақ топган халқлардан бири бўлиб қолганлиги Улуғ Октябрь шарофатидир.

Ўзбек маданияти узоқ тарихга эга. У минг йиллар мобайнида халқнинг меҳнати, ақл-заковати билан бунёд этилган. Утган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий маданиятимиз бевосита рус маданиятининг таъсирида ривожлана бошлади. Урта Осиёнинг илғор фикр эгалари рус халқи билан дўстона муносабатда бўлишни, ўзаро алоқаларни кучайтиришни, фан ва маданият ютуқларини ўрганишни тарғиб қилдилар. Масалан, демократ шоир Зокиржон Фурқат бундай деб ёзган: «Россия каби илғор мамлакатдан маорифни ўрганиш учун интилган халқ тутқунликдан ва қоронғиликдан қутулиш йўлини топиши мумкин».

Чоризмнинг мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасида маданиятни ривожлантиришга рус большевиклари ҳам катта эътибор бердилар. Улар ўлкада марксизмнинг синфий кураш назарияси билан бирга, маданиятга доир ғояларини ҳам меҳнаткаш омма ўртасида тарғиб қилдилар. Илмий коммунизм асосчиларининг бой революцион таълимотининг ўлкамизда ёйилиши маданиятнинг синфий характерини тушунишда, унинг жамиятни революцион тарзда ўзгартириш моҳиятини англашда ғоят катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Рус большевиклари маҳаллий халқлар маданий тараққиётга қодир эмас, деган шовинистик қарашларни ҳам, буржуа миллатчиларининг меҳнаткаш омmani қоронғуликда сақлаш учун уринишларини ҳам дарғазаб бўлиб фош қилдилар, маданий тараққиётда миллатлар тенглигини эътироф этиб, бундай тенгликка эришишнинг бирдан бир йўли чоризмни афдариб ташлашдан иборатлигини тарғиб қилдилар.

Интернационал маданият миллий маданиятдан ташкил топади. Миллий маданият бўлмаса, интернационал маданият ҳам бўлмайди. В. И. Ленин бу масалага тўхталиб: «Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлсада, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор. Бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради» деб ёзган. Коммунистлар ҳар бир миллий маданиятдан унинг фақат демократик ва социалистик элементларинигина олишини таъкидлаган.

В. И. Ленин Россиянинг чекка ўлкаларига маданий ёрдам ташкил қилишнинг асосчиси эди. У большевиклар ҳокимият тепчасига келмасидан анча аввал «Биз қолоқ ва мазлум халқларга бегараз маданий ёрдам беришга ҳаракат қиламиз...»¹, деб ёзди.

Улуғ Октябрь революцияси эса шаклан миллий ва мазмунан социалистик, интернационал маданиятнинг ривожини таъминлаб берди. Коммунистик партия марксизм-ленинизм классикларининг таълимотига амал қилиб, барча халқларнинг ўз маданиятини ривожлантириш ҳуқуқини эътироф этди.

Утмишда Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи орасидан буюк адиблар, олимлар, рассомлар етишиб чиққан. Шу билан бирга, муайян сабабларга кўра, Улуғ Октябрь революциясига қадар ўлкада умумий маданий қолоқлик мавжуд эди.

Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин маданий революциясининг энг муҳим вазифалари Ўзбекистонда ҳам амалга оширила борди. Маънавий ҳаётдаги революцион жараён социализм қурилиши даврида одамларнинг дунёқарашини ўзгартириб, қайта тарбиялашни, инсоният томонидан яратилган маданий бойликларни, муассасаларни умумхалқ мулкига айлантиришни тақозо қилди.

Маданий революциянинг асосий вазифаси меҳнат аҳлини маънавий қулликдан, зулмат ва бидъатдан қутқазиб, улар учун маориф ва маданият, фан эшикларини очиб қўйиб, кишиларни янги жамиятнинг фаол ижодкори қилиб етиштиришдан иборат эди. Халқнинг умумий маданий, билим даражасини оширмай туриб, маданий муассасаларнинг кенг тармоғини вужудга келтирмай туриб, муваффақиятли равишда социализм қуриш мумкин эмас эди. Шу билан бирга Ўзбекистонда бу ишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Маданий революцион амалга ошириш жараёнида республикада аҳолини диний, феодал бидъат ва одатлардан қутқазиб вазифалари ҳал қилинди. Ишчилар синфи ва унинг авангарди Коммунистик партия социалистик экономика асосларини бунёд этиб, маданиятни ривожлантиришга кенг шарт-шароитларни яратиб берди.

Урта Осиёда маданий революция вазифаларини қисқа вақтда ҳал қилиб бўлмас эди. Бу ишнинг мураккаблигини В. И. Ленин ҳам таъкидлаган эди. У бундай деб ёзди: «Маданий вазифани сиёсий ва ҳарбий вазифалардек ҳал қилиб бўлмайди. Кризис кескинлашган даврда бир неча ҳафта ичида

¹ В. И. Ленин. Ғула асарлар тўплами, 24-том, 139-бет.

² В. И. Ленин. Ғула асарлар тўплами, 30-том, 120-бет.

Социалистик қурилиш йиллари ўзбек миллати социалистик миллат бўлиб узил-кесил шаклланди. Бу эса, социалистик маданиятимиз раванқига кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистонда маданий революция ғалабаси 30-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Икки ўн йиллик мобайнида республикамизнинг маданий ҳаётида ғоят катта ютуқлар қўлга киритилди. Республика капитализмни четлаб социализмга ўтиб олди. Маданиятимизнинг характери тубдан ўзгариб, чинакам халқ маданиятига айланди. Социалистик идеология ҳукмрон идеология бўлиб қолди. Агар ўтмишда жуда ҳам оз сонли кишилар ўз қобилияти ва истеъдодини намоён этган бўлса, социализм даврида барча совет кишилари бундай имкониятга эга бўлди. Ўзбек тилида нашр қилинган газеталар, журналлар, китоблар кўпайди, саводсизлик тугатилиб, умумий ўрта таълим жорий этилди, маданий муассасалар, ўқув юртлари тармоғи кенгайди.

Миллий маданиятнинг равнақи интернационал маданиятга путур етказмайди, аксинча, у интернационал маданиятни бойитади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда юздан ортиқроқ миллат ва элатлар аҳил ва дўст бўлиб яшашмоқдалар, улар республикамизнинг моддий ва маънавий бойлигини янада юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Айни бир вақтда, Ўзбекистоннинг қардош республикалар билан маданий алоқалари кучайди, бошқа миллатлар маданияти таъсирида санъатнинг янги турлари (опера, балет, кино санъати)—вужудга келди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар халқ маданиятининг моддий асосларини ривожлантиришда, зиёлилар эса маданиятимизнинг маънавий асосларини ривожлантиришда ҳал қиувчи роль ўйнадилар. Бундан зиёлилар моддий тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшмадилар, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Инженер-техниклар, агрономлар, мутахассислар, илмий ходимлар иқтисодий тараққиётга ҳам, илмий-техниканинг ривожига ҳам баб-баравар ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг бу иштироки халқ ҳўжалигини жадал тараққиёт йўлига ўтказиш тўғрисидаги КПСС сиёсатидан, социализмни такомиллаштириш талабидан келиб чиқади.

Республикада олимлар, илмий, ижодий ходимларнинг катта армияси юзага келди. Агар 1970 йили республиканинг социал синфий составида ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар сони 22,3 процент бўлган бўлса, 1984 йили бу рақам 25,8 процентга етди. Фақатгина 1976—1985 йиллари ўқув юртлари 850 минг олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларни етиштириб берди. Ҳозир иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида 1,5 миллиондан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишлаб турибди. Республикада босма маҳсулотларнинг 70 проценти ўзбек тилида чиқарилади. Нашриёт ходимларининг 85 процентини ўзбеклар ташкил қилади. Ҳозир Ўзбекистонда СССР халқларининг 6 тилида 289 газета, 80 дан зиёд журнал, ҳар йили 41 миллион нусха китоб чоп этилмоқда. Радио ва телевидение турли тилларда республикамиз ҳаётига оид эшиттириш ва кўрсатувлар бериб борапти.

Улуғ Октябрғача республикада ёзувчилар, шоирларни бармоқ билан санаш мумкин бўлиб, уларнинг самарали ижоди учун яхши шароит йўқ эди. Совет ҳоқимияти йилларида ўзбек халқи орасидан Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Яшин, Асқад Мухтор, Зулфия, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Раҳмат Файзий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Улмас Умарбеков сингари ажойиб ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқди. Бугунги кунда бу ёзувчиларнинг асарларини ўзбек китобхонларигина эмас, балки Совет Иттифоқидаги ва чет эллардаги миллионлаб китобхонлар севиб ўқимоқдалар.

Миллий маданиятнинг назарий, ғоявий асосини марксизм-ленинизм ташкил қилади. Социализм қурилиши йиллари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг асарлари Ўзбекистонда 1978 йилгача 9 миллион нусха, шу жумладан, ўзбек тилида 8 миллион нусха босиб чиқарилди. В. И. Лениннинг 55 томли тўла асарлар тўплами ўзбек тилида нашр қилиниши республика меҳнаткашлари маданий, сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Ёр юзидаги барча миллат ва элатлар маданияти сингари ўзбек миллий маданияти жаҳон халқлари маданияти, биринчи галда илғор рус маданияти таъсирида ривожланди. Бугунги кунда ўзбек китобхони А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, Н. В. Гоголь, О. Бальзак, В. Шекспир, А. М. Горький, В. Маяковский, А. Дюма, П. Тичина, Р. Тагор, Прем Чанд, Мулк Радж Ананд, Саъдий, А. П. Чехов, Н. Г. Чернышевский, М. Шолохов, Н. Островский, А. Твардовский, К. Симонов, Ч. Айтматов сингари машҳур адабларнинг асарларини ўзбек тилида ўқимоқда. Жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржимаси ўзбек маданияти билан жаҳон маданияти ўртасидаги алоқаларнинг ўзаро таъсирининг кучайишига, совет кишиларини интернационализм руҳида тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Республикамизнинг чет эл мамлакатлари билан маданий алоқалари йилдан-йилга кенгайиб борапти. Бу хайри ишда Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамятининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жамяят 120 чет эл мамлакатни, хориждаги 9 мингдан зиёд ташкилот, ўқув юртлари, маданий-оқартув муассасалари билан алоқа ўрнатиб, уларга республика тўғрисида чиққан китобларни, газета ва журналларни, кинофильмларни, музика асарларини жўнатиб турибди. Айни бир вақтда мазкур жамяят республика меҳнаткашларини чет эл маданияти ютуқлари билан ҳам таништирмоқда. Ўзбекистонга чет эллардан келаётган давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, санъаткорлар, туристлар ленинча миллий сиёсат натижасида республикада миллий маданият равнақ топанлигини эътироф этмоқдалар.

Аммо ғарбдаги айрим «советшунос»лар республикамиз ҳаёти ҳақида уйдирма гапларни ҳам тўқиб чиқармоқда. Улар Урта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда «муслмон маданияти» оёқ ости қилинган, совет тузуми «руслаштириш» сиёсатини юргизмоқда, деб ёзмоқдалар. Аввало миллий маданиятнинг диний белгилар асосида тасвирлаш асоссиздир. Қолаверса, маданиятимизнинг барча соҳалари гуркираб ривожланганлиги «советшунос»ларнинг уйдирмаларини фош қилиб ташлайди. Урта Осиёда ҳеч қачон «муслмон миллати», «муслмон маданияти» бўлган эмас, бу ерда яшаётган ўзбек, туркман, тожик, киргиз, қорқақпоқ, қозоқ миллатларининг ҳар бирининг ўз миллий маданияти минг йиллар давомида мавжуд бўлиб, бу маданият совет тузуми даврида гуркираб ўсди. Миллатни, миллий маданиятни, унинг замирида вужудга келган миллий расм-рўсмларни дин билан боғлаш зарарлидир. Миллий маданият тарихий тараққиётнинг муайян даврида вужудга келиб, қарор топиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Жамяятнинг иқтисодий, ижтимоий тузуми қандай

бўлса, ундаги маданият ҳам шундай бўлади. Антагонистик жамиятда маданият синфий характерга эга, яъни синфий жамиятда синфдан ташқари маданият ҳам, ахлоқ ҳам бўлган эмас.

Буржуа идеологлари кейинги йилларда совет мамлакатидеги тиллар масаласида ҳам кўпгина уйдирмаларни тўқиб чиқармоқдалар. Гўё СССРда, «руслаштириш» сиёсати олиб борилаётган эмиш, рус бўлмаган халқларнинг она тили йўқолиб бораётган эмиш. Бу фикрнинг асосизлигини рақамлар исботлайди. СССРда ҳозир 70 тилда китоблар, журналлар, газеталар нашр этилмоқда, 90 миллат ва элат ўзининг алифбесига эга, мактаблар ва ўқув юртларида болалар она тилида таълим олмақдалар.

Масалан, Ўзбекистонда ҳозир 4,9 миллион ўқувчи, 42 олий ўқув юртидаги 290 мингдан ортиқ студент ўз она тилида таълим олмақда. Барча маориф ва маданият уюмлари меҳнаткаш халққа хизмат қилмоқда. Ўтмиш маданий меросидан фойдаланмай туриб социалистик маданий революцияни амалга ошириб бўлмайди. Лекин бу меросдан танқидий фойдаланиш, ундаги ижтимоий тараққиёт талабига жавоб берадиган томонларни авайлаш, эъзозлаш муҳим ленинча талабдир. Шунга биноан социалистик қурилиш йиллари миллат эҳтиёжига жавоб берадиган баъзи бир расм-русмлар, айниқса диний урф-одатлар кишиларнинг онги ва билими ўсиши билан ўз-ўзидан йўқолиб борди. Ўтмиш маданиятининг энг ажойиб томонлари сақлаб қолинди ва унинг асосида социалистик маданият барпо этилди.

Бугунги кундаги ўзбек миллий маданиятининг аънаёнага айланиб қолган ажойиб томонлари кўп. Халқимиздаги меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, камтарлик, ҳақгўйлик, катталарга ҳурмат, ёшларга муҳаббат, меҳмондўстлик, тинчликка интилиш, турли маросимларни бамаъна ҳаёт ва ташкилий жиҳатдан тартибли ўтказиш, адабиёт ва санъатга қизиқиш, турар-жойни, табиатни, сувни тоза сақлаш, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик, ҳашар йўли билан уй-жойлар қуриш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган расм-русмларни асло дин билан боғлаш мумкин эмас. Бу расм-русмларимизни ҳаммиша асраб-авайлаб, авлодлардан авлодларга мерос қилиб қолдиришимиз керак.

60—70-йилларда бир қанча сабабларга кўра, ҳаёт талабига жавоб берадиган, социалистик қурилиш йиллари ўз ўрнини янгиликка бўшашиб берган эскилик сарқитлари, диний маросимлар, урф-одатлар жонланганлиги сезилиб қолди. Натижада меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига жиддий зарар етказилди. Бу масалага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида батафсил тўхтади.

Бугунги кунда социалистик маданиятимиз ходимлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Бу вазифалар меҳнаткашлар орасида марксизм-ленинизм таълимотини, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида чуқур илдиз отиб бораётган интернационал дўстлик ва ҳамкорликнинг объектив характерини кенг тарғиб қилишдан, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришдан, уларда ҳар бир халқнинг тарихи, тили, урф-одатларига ҳурмат билан қараш ҳиссиётини шакллантиришдан, зарарли диний урф-одатларга қарши курашдан иборатдир.

Зиёлилар, биринчи галда адабиёт ва санъат ходимлари меҳнаткашларни тарбиялашда гоят катта роль ўйнайдилар. Улар ўзларининг ёрқин, таъсирчан асарлари билан меҳнаткаш омманинг ақли ва онгига зўр таъсир ўтказадилар. Шу сабабли партиямиз адабиёт ва санъат ходимлари ижодига алоҳида эътибор билан қараб, уларга кенг шароит яратиб бериш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Бугунги кунда бутун мамлакат миқёсида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, ҳаётимизнинг турли жабҳаларини қайта қуриш, покланиш, социализмни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Бу катта ишда республиканинг зиёлилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Ижодкорлар халқ ҳаётини чуқурроқ ўрганишга, ишчилар синфи ва қишлоқ меҳнат аҳли ҳаётини социалистик реализм позициясидан ёритиб, инсон қалбининг теран торларини чертадиган ажойиб асарлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида ўртоқ М. С. Горбачев шундай деди: «Ҳозир маънавий фаоллик қулф уриб бораётганини қайта қуриш ютуқлари жумласига қўшмоқ керак. Жамоатчиликнинг илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида содир бўлаётган жараёнларга, матбуот, радио, телевидениенинг чиқишларига қизиқиши ошди. Одамлар мамлакатнинг ўтмиши, ҳозирги кун ва келажаги ҳақида кўпроқ билишни хошлайдилар, жамоат ва давлат ишларига, дунёқараш ва ахлоқ-одоб муаммоларига зўр эътибор билан қарала бошланди».

Барча совет халқлари маданияти қатори ўзбек совет маданиятининг равнақи ҳам Коммунистик партиянинг доимий раҳбарлиги ва ғамхўрлиги остида таъмин этилди. Бу маданиятнинг энгилмас, жозибадор кучи партия, халқ ҳаёти билан ҳамбарчас боғлиқлигидадир, синфий, партиявий позициядан туриб Улуғ Октябрь таъминлаб берган янги ҳаётимизнинг барча соҳаларининг тарихий устунлигини очиб беришдадир.

Акмал АКРАМОВ,
тарих фанлари доктори



Ҳамдам Содиқов

ФИДОЙЛАР

Урушнинг учинчи ёзида оқ подшонинг «дўпписи» тор келиб қолди. 3 миллион 400 минг солдат ва офицер сафдан чиқди, бир ярим миллиони асирликка тушди ва бедарак йўқолди. Фақат ҳаракатдаги армияга эмас, балки фронт орқасидаги ишларга ҳам одамлар зарур бўлиб қолди. Шунда император Николай II олис Туркистонга кўз тикди. Уша кезларда бу ўлкадаги вазият бўрон олдидаги сокинликни эслатарди. Тошкентнинг эски шаҳарида ҳаёт ҳамон эскича давом этарди. Худоёрхон давридан оқ подшо замонига мерос бўлиб қолган тор ва пастқам кўчалар, бир-бирига туташ кулбаларда осойишталик ҳукмрон эди. Аммо бу алдамчи тасаввур эди. Буни генерал-губернатор Куропаткин яхши биларди.

Шунинг учун ҳам олис Петрограддан келган буйруқ уни ташвишга солди. Дарҳол вилоятлардаги ноибларини чақиртириб йиғилиш ўтказди. Муддаони қисқача баён этиб, подшо буйруғи ёзилган қоғозни муовини генерал Ерофеевнинг қўлига тутқазиб, ўқишга буюрди. У томоғини қириб, қироат билан ўқий бошлади:

— Империядаги майда миллатга мансуб эркакларни фронт чизигида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига, шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш тўғрисидаги фармонга биноан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган йигитлар сафарбарликка олинади...

— Олампаҳоқ император фармони сўзсиз ижро этилсин, — деди генерал-губернатор. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари бир-бирларига маънодор қараб қўйишди. Улар бу фармонни бажаришга тайёр эмасликларини билишарди.

— Сиз, зоти олийлари, 50 минг кишини жўнатиш, — деди Ерофеев Фарғона области ҳарбий губернатори Александр Гиппиусга қараб. У ўрнидан туриб виқор билан бош қимирлатди. — Самарқанд областига 30 минг...

Маркази Тошкент бўлган Сирдарё области губернаторига ҳаммадан кўп — 87 минг, Еттисувга 60 минг, Закаспийга эса 15 минг мардикор юбориш юкланди.

Басавлат губернаторлар тарқалиб, иш жойларига боришгач, уезд бошлиқларини, улар эса ўз навбатида участка приставларини йиғиб, бор гапни маълум қилишди.

Бу фармоннинг уламолар, пулдорлар ва амалдорларга даҳли йўқ эди. Наинки, ҳар қандай мусулмон бошқа одамни ёллаб ўзининг ўрнига мардикорликка юбориши мумкин. Бу хабарни эшитиб амалдорлар енгил нафас олишди.

Аммо камбағалда одам ёллашга пул қаёқда? Қимматчилик кучайиб, доннинг нархи тўрт барабар ошган замонда оила учун боқувчисидан айрилишдан ҳам оғирроқ жазо борми? Энди нима бўлади? Олмазор маҳалласидаги уста Очилни шу мушкул масала қийнарди. Унинг оиласи чекига ҳам мардикорликка битта одам бериш тушган. Уста ҳовлидаги сўрида хаёлга чўмиб ўтирганида дўстлари кириб келишди. У ўзини қўлга олди.

— Оқ подшонинг амрига амал қиламизми ёки бошқа бир йўли борми? — деди ғишткўприклик уста Фулом Камол дўстига мурожаат қилиб. — Сен орамизда анча ўқимишлisan, рус тилини биласан.

— Нажот йўли битта, у ҳам бўлса қўзғалиш, мулла Фулом.

Ўртага сукут чўкди. Бироздан сўнг бу сукутни Анвар бўзчи бузди. У ҳаяжонланганидан пешонасидаги чандиқ бўртиб кетганди.

— Илло-билло ҳақ гапни айтдингиз, уста Очил. Пичоқ суякка қадалди. Қачонгача чидаймиз бу хўрликларга, биродарлар?!

— Оғирроқ бўлинг, Анвар ака. Нақ рўпарамизда полиция маҳкамаси бор-а.

— Э, қўлидан келса осдириб юбормайдими, тўйдим шу фирром дунёдан.

У уста Очилга юзланди.

— Эсингизда бўлса керак, уста, Андижон воқеаси. Мадали эшон қўзғалган йил.

Ушанда Андижон вокзалида ишлар эдик. Мени ким ургани, тухмат билан қамаганини яхшиси ўзингиз айтиб беринг...

— Ҳа, ўшанда йигирма саккиз ёшда эдим, — деди уста Очил. — Андижонда, вокзал станциясида ишлардим. Мадали эшон қўзғолони бостирилгач, подшо амалдорлари жабр-зулмни ҳаддидан ошириб юборишди. Дукчи эшонга алоқадор, деб шубҳа остига олинган кўпгина одамларнинг бошига оғир савдолар тушди. Эшонга яқин эди, унга мурид ё ихлосманд эди, деса ўша одам дарҳол ҳибсга олинарди. Анвар ака шундай қурбонлардан бўлган. Пешонасидаги чандиқ ўша воқеадан эсдалик. Рус миршаби ундан бир тўп бўз олади. Ҳақини тўланг, деса бошига милтиқ қўндоғи билан туширади. «Сеники эшон», деб турмага ташлайди. Икки ой қамоқхонада ётиб, бор-йўғларини сотиб, пора бериб озод бўлганлар. Кейин Андижондан бош олиб Тошкентга келганлар.

— Бунақа жабр-ситамларни барчамиз кўриб келяпмиз. Сабр косамиз тўлди, — деди уста Фулом қатъий, — қўзғалмасак бўлмайди. Нима дейсиз бунга, Султонхўжа ака?

Султонхўжа деганлари қирқ ёшлардаги савлатли киши. Мерганча маҳалласида туради. Бухорои шарифда мадрасани тугатган. Билимдонлиги учун уни Султон араб, баъзилар эшон дейишади. Унинг ёнида ўтирган акаси — давранинг энг ёши улуги Акбархўжа ҳам ундан жавоб кутади.

— Қўзғалиш керак, халқни уйғотиш керак.

Султонхўжа Қосимхўжаевнинг синчков нигоҳида сўзларига ишонч барқ урарди.

— Эшон айтгач, эътирозга ўрин йўқ, — деди уста Очил. — Хўш, Акбархўжа ака нима дейдилар?

— Султонхўжа ҳақ. Қўзғалиш керак, ҳадеб бўш келаверсак ҳолимиз вой бўлади.

Муштлар қисилиб, чеҳраларда ғазаб аланга олади. Уста Очил эса беихтиёр дўсти Корнюшин сўзларини эслади. Большевик Корнюшин тўғри гапирган, ғоя омма ичра тарқаб, дил-дилларига синган тақдирдагина қудратли кучга айланади. Буни буюк Карл Маркс айтган экан. Унинг сўзларидаги ҳақиқатни уста Очил ғазаб билан қисилган муштларда, адолат истаб кураш ўти ёнаётган чеҳраларда кўриб турарди.

* * *

Полиция пристави Алексей Мочалов Олмазордаги бошқармага келаркан, негадир кўнгли ғаш тортди. Одатда катта бошлиқ ташриф буюрса, кутганларнинг оёғи қалтирайди. Бугун 11 июль соат 11 да Сирдарё область ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Александр Галкин эски шаҳар полиция бошқармасига келиб маъруза ўқимоқчилар. Авом эшитишга мажбур. «Сартларни сира тушунмайман, — деб ўзига ўзи гапирди полиция пристави. — Тошкентнинг юз минг аҳолисидан атиги етти минггачи мардикорга юборсагу, тагин норози бўлишса. Қани бу гал финг деб кўришсин-чи! Қамчисидан қон томган Мочаловнинг гапини икки қилишсин-чи!»

Кимнингдир саломидан Мочаловнинг хаёли бўлинди. Қараса рўпарасида бир чол унга букилиб, таъзим бажо қияпти. Ҳа, бу чол унга таниш. Думадаги Фиёқори Гласнийнинг малайи. Афтидан, гапи борга ўхшайди.

— Нима дейсан, мўйсафид, гапир?

— Жаноби олийлари! — чол қаддини ростлади. — Хўжайиним Фиёқори, валинеъ-матимиз Иброҳимхожи зоти олийлари ҳоким тўранинг бугунги маърузаларига иштиёқлари баландлигини изҳор этадилар.

Мочаловнинг энсаси қотди.

— Муддаони айт!

— Гап шундаким, жаноби олийлари, авомнинг авзойи бузуқ, огоҳ бўлсинлар.

Шундай дея чол сергакляниб, кўзларини пирпиратди.

— Ана эшитяпсизми, келишяпти!

Мочалов қўлидаги қамчинни ўйнатганча, атрофга қулоқ солди. Узуқ-юлуқ товушлар. Балки губернаторни кутиб олиш учун келишаётгандир. Йўқ, бунга ҳали эрта. Афтидан, чолнинг гапида жон борга ўхшайди. У қарши томонга чопқиллаб кетган мўйсафиднинг ортидан қаради-да, сўнг бошқарма панжараси ёнига бориб тўхтаб қолди. Эски шаҳар халқига нима бўлди ўзи? Фирт оми, қўйдек явош пода эди-ку. Наҳот, подшо ҳазратларининг фармониювдан бўйин товлашса? Юртбузарлар ким экан?..

Полиция пристави совуқ Петербургдан келган подшо фармони минглаб ота-оналар қалбини музлатиб, халқнинг сабр косасини лиммо-лим тўлдирганини, уларни ҳаёт-мамот курашига отлантирганини билмасди.

Соат еттида эса Мочалов полиция бошқармасига қамалиб олиб, чор-атрофни қуршаб келаётган беҳисоб халойиқни юраги така-пука бўлиб кузатиб турарди. «Исён, исён-ку бу! — дерди у ўзича. — Нақ императорга қарши исён!»

— Ҳой, сўхтаси совуқ, тўрани чақир бу ёққа!

Соқчи миршаб Мираҳмадшо Мирақбар ўгли тўппончани қинидан чиқариб оломонга дағдаға қилди:

— Жим, осийлар! Кимга дўқ қилаяпсанлар, ялангоёқлар?

Халойиқ денгиздек чайқалиб ҳаракатга келди. Панжаралар олдида тизилган миршаблар бир-бирларига хавотирланиб қарашди.

— Элликбошилар кирсин! — деб бақирди Мираҳмадшо тўппончасини силкитиб

— Мардикорликка бормаймиз!

— Тўрани чақир!

Кимнингдир кучли қўллари панжара устидан Мираҳмадшони даст кўтарди. Миршаб тўппончасини тутганча мушук боласидай типирчилаб, одамлар денгизига фарқ бўлди.

— Ур ялоқхўрни!

— Мардикорликка шулар борсин, ёғлари биров эрийди!

Ёғоч панжара кишилар сиқувига дош беролмай қарсиллаб синди. Одамлар оқими бир-бирини ушлаб турган миршаблардан иборат жонли ғовни ҳам суриб ташлади. Мочаловнинг оёқларига қалтироқ турди. Халойиқнинг йўли тўсилмаса иш чатоқ, бошқармага ўт қўйиб юборишлари мумкин. У ёнидагиларга ордидан юришни буюриб, ташқарига чиқди. Халойиқ эса тобора жунбушга келаётганди.

— Болаларимизни бермаймиз!

— Битсин уруш!

Мочалов ғазабдан ўзини зўрага босиб, овозининг борица бақирди:

— Подшо ҳазрати олийларининг фармони вожиб! У бажарилиши лозим!

— Падарингга минг лаънат, сен ит эмганни! — деди бир йигит.

Мочаловнинг қўллари беихтиёр тўппончага югурди. Олдинги қаторда турган аёллардан бири — Ризвон Аҳмаджонова ўртага отилиб чиқиб, овози борица қичқирди:

— Ўғлимни бермайман, ундан кўра мени ўлдирақол!

Мочалов тўппончасидан узган ўқ аёлнинг кўкрагини тешиб ўтди. У фарёд чекиб қулади. Яна кетма-кет ўқ товуши янгради. Халқ денгиздай қалқди. Миршаблар ўзларини тобора қисиб келаётган одамлар ҳалқасидан қочиб бино ичкарасига чекиндилар. Оломон бинони тошбўрон қилиб, эшик ва дераза ойналарини синдирди. Бошқарма котиби Трентовиуснинг боши ёрилди, икки-уч миршаб ер тишлади.

Уста Очилнинг кўзи Анвар бўзчи ва Азаматга тушди. Улар ўлжа олинган тўппонча ва қиличлар билан қуролланишганди. Султонхўжа Қосимхўжаев, Низомиддин Хўжаев, уста Ғулом Камол, Мирзааҳмад Мирҳодиевлар ҳам шу ерда эдилар. Улар ҳам зўр бериб полиция бошқармасига тош отишаётганди.

Бу ҳужум нима билан тугашидан қатъий назар, ҳеч сўзсиз ўз кўлами ва миқёси ила бекиёс кураш дебочаси эди.

— Прочь, разойдись!

От дупурлари ва кучли хитобдан Очил орқага ўгирилди. Губернатор маҳкамаси ходими, подполковник Колесников беш казак билан қамчи ўйнатиб, одамлар устига от қўйиб келарди.

— Бейте, бей!

Казаклар қамчини ишга солиб, йўл очишга интилишди. Низомиддин Хўжаев ўлжа тўппончадан хотиржам нишонга олиб, икки казакни қулатди. Унлаб йигитлар ҳайқирди билан отлиқ аскарларга ёпишди, қамчинларини тортиб олиб, ўзларини савалаб кетишди. Азамат қиличини баланд кўтарганча Колесниковга ташланди.

Подполковник кетма-кет ўқ узиб, жонҳолатда отини шатталади. Йигитнинг қўлидан қилич тушиб, пешонасидан қон тирқираб оқабошлади. Колесников казаклар кўмагида тўдан ёриб ўтиб, бошқарма биносига қочиб кирди. Шоша-пиша телефонга ёпишиб, губернатордан ёрдам сўрамоқчи бўлди. Телефон симини кимлардир узиб ташлаганди.

Бир пайт шаҳар ҳокими Кочан бошлиқ ўттизга яқин миршаблар етиб келишди. Оломоннинг ғазаб ўти энди уларга қаратилди.

— Ур, ур, золимларни! — ҳайқирди Низомиддин.

Даҳшатли тазйиқ тўлқинига тўра йигитлари дош беролмай орқага чекинишди. Кўзғолончилар ўқ ёғдирилаётганига қарамай қаршиликни давом эттиришди. Уларни орқадан бостириб келган подполковник Савицкийнинг прапоршиклар ротаси ҳам чўчитмади. Мукамал қуролланган офицерлар илк амалий ҳарбий кўникмани рус-герман frontiда эмас, балки қарийб қуролсиз аҳолини отиб ҳосил қилишди.

Кўзғолончилар анча талафот кўришларига қарамай, тошбўронни тўхтатишмади. Улар сафларига қўшилаётган янги-янги одамлар билан орқага чекинишаркан:

— Барибир мардикорликка бормаймиз! — деб хитоб қилишарди.

Уста Очил тўкилаётган қонларни кўриб, «қонли якшанба»ни ўйлади. Йўқ, бу қонлар беҳуда кетмайди. Интиқом яқин, интиқом олдинда. Кучларни сақлаш, жамлаш ва уюштириш лозим.

— Ярадорларни олиб кетинглар! — деди у ва Насриддин билан ерга қулаган косиб йигитнинг қўлтигидан олди.

Ўқлар ён-атрофдан визиллаб учарди. Мунтазам ҳарбий қўшин билан халқ ўртасидаги тўқнашув давом этарди. Генерал-губернатор ташвиши бежиз эмас. Подшо

фармониға қарши кўтарилган кўзғолон алангаси бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб кенг қулоч ёйиб, Россия империясида янги фронт юзага келганди.

* * *

Генерал-губернатор Куропаткин столи устида тахланиб ётган исёнчиларнинг делолари ва суд ҳукмини диққат ила кўздан кечираркан, бундан бир неча ой муқаддам подшо билан қилган суҳбатини эслади, Фарбий фронт қўмондони бўлиб турган вақтида тўсатдан қўнғироқ қилиб, подшо ҳазратларининг Могилёвдаги қароргоҳига бориши кераклигини айтишди. У дарҳол ўша ерга етиб борди.

— Николай Александрович, — деди подшо ҳазратлари, — Сиз, янглишмасам, бир неча йил Туркистон ўлкасининг Закаспий областини бошқаргансиз. Ҳозир бу ўлкада исён. Уни бартараф этишни Сизга ишониб топшираман...

Ўшанда подшо унга шафқатсиз бўлишни тайинлади. Мана, ҳозир Куропаткин исёнчилар устидан чиқарилган ҳукмга имзо чекаётир. 347 кишини осиб ўлдириш ҳақидаги ҳукмнома устига «дарҳол ижро этилсин» сўзларини ёзди.

Генерал-губернатор мийиғида кулиб қўйди. Мана, Туркистон тупроғига илк бор қадам қўйганига қирқ йилдан ошибди. 1875 йилда у Фарғонада Пўлатхон қўзғолонини бостиришда қатнашган. Бош штаб капитани эди ўшанда. Исёнкор аҳоли қаттиқ қаршилик кўрсатди, қанчадан-қанча солдат у офицерлар ҳалок бўлди. Генерал Троцкийни бутун бир отряди билан қириб ташлашди.

Туркистоннинг ўша пайтдаги генерал-губернатори, округ қўмондони Кауфман бу ҳақда шундай деган: «Биз хон билан эмас, балки халқ ҳаракати билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади. Руслар ҳали Урта Осиёда бундай узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар...»

Кауфман ҳақ. Қирқ йилдан кейин унинг фикрини Тошкент, Жиззах воқеалари яна тасдиқлади. Фронт учун зарур неча-неча полклар Туркистондаги исённи бостириш учун ташланди.

Куропаткин ўлимга маҳкум этилган кишиларнинг «дело»ларини яна қўлга олди. Уста Ғулом Камолов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, Тожибой Юнусхўжаев ва бошқа бир неча маҳбусларнинг «дело»лари устига «узоқ муддатли каторга билан алмаштирилсин», деб ёзиб қўйди. Ҳа, халқ унинг марҳаматга қодирлигини ҳам кўриб қўйсин!

Шу пайт адъютанти ясовул Русанов кириб келди.

— Жаноби олийлари, генерал-лейтенант Галкин киришга ижозат сўрайдилар.

— Айтинг, кирсин.

Галкиннинг чехраси ташвишли эди.

— Тинчликми ўзи, Алексей Сергеевич?

— Қандай кунларга қолдик, Николай Александрович, — деди Галкин қўлидаги телеграммани узатаркан. Унда Николай II нинг тахтдан воз кечганлиги хабар қилинганди. Телеграммани ўқиб Куропаткиннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Энди нима бўлади? Империянинг ҳоли нима кечади?

— Бу хабарни ҳали ҳеч ким билмайдими?

— Зинҳор, базинҳор.

— Ундай бўлса сир сақланг.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари.

* * *

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Петрограддан келган хабар тез кунда ошкор бўлди. Подшо ағдарилганлиги ҳақидаги ахборотни биринчи бўлиб «Туркестанский курьер» газетаси босиб чиқарди. Генерал Куропаткин революцияни тан олиб, Вақтли ҳукуматнинг ноиби сифатида губернатор ўринида қолаверди. Ҳарбий министр Милюков унга ўлкада рус-герман fronti учун янги-янги қисмларни шайлашни буюрди.

1917 йил 18 мартда Тошкентнинг Собор майдонида шаҳар гарнизони намойиши бўлди. Мана, зарҳал погонларига қизил ҳошияли лента боғлаган Куропаткин саман отида саф тортган аскарлар олдида кўринди.

— Вақтли ҳукуматга урра!

Бир томонда турган шаҳарнинг казо-казолари қарсақ чалишди.

Шундан кейин генерал маъруза қилди. У сўзини тамомларкан, кимдир баралла кичқирди:

— Яшасин муқаддас уруш!

Томошабинлар орасида турган Анвар бўзчи жаҳл билан Очилга тикилди.

— Танидингизми, анови уруш маддоҳини, мулла Очил?.. У Орифхўжабой!

Уни танимаган борми? Эски ва янги Тошкентдаги уйларнинг ярмиси уники. Армияга мол етказиб бериб, бойлигини юз чандон оширди.

Генераллар ясан-тусан попнинг қўлидаги олтин бутни бирин-кетин ўпишди. Шу вақт халойиқ орасидан бир киши «Яшасин демократик республика!» деб хитоб қилди.

Генерал Куропаткин бўзариб кетди:

— Бу ифвогарлик, жаноблар! Фақат Таъсис мажлисигина масалани ҳал қилади.

У шундай дея ғоз қотганча солдатлар сафи олдидан ўтиб, қароргоҳига жўнаб кетди. Халойиқ аста тарқалди. Очил, Насриддин ва Анвар бўзчи эса Садовой кўчаси муюлишида жойлашган «Общественное собрание» биноси томон йўл олишди. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети ўша бинода бўлиб, халқ уни «Хуррият уйи» деб атарди.

* * *

«Хуррият уйи»да депутатлар большевик Бройдоннинг нутқини тингладилар. У бирлашган ишчи ва солдат депутатлари Советининг раҳбари бўлиб, яқинда подшо сиёсий махфий полицияси бошлиғи полковник Волков ҳамда унинг ходимларини қамоққа олган эди.

— Охранканинг қоғозлари орасида биз депутатларимизнинг рўйхатини топдик,— деди у.— Подшо афдарилган бўлса ҳам унинг ноиби Куропаткин ҳамон ҳокимият тепасида. Уни зудлик билан қамоққа олиш лозим, чунки ўз ўрнида қолаверар экан, бизга қарши фитнади давом эттираверади.

Унинг фикрини темир йўл устахоналаридаги большевиклар вакиллари Колесов, Шумилов, Манжара қўллаб-қувватлашди.

— Шошмайлик,— деб эътироз билдирди Тошкент Совети ижроия комитетига суқилиб кириб олган полицмейстер Закаменний.— Куропаткин маҳаллий халқ ўртасида обрўли. Уни ёшу қари ҳурмат қилади.

Генерал-губернатор адъютанти ва соқчилари бошлиғи Русанов ҳам бошлиғини ҳимоя қилди.

— Ўртоқ депутатлар! — деди у баланд овоз билан,— Куропаткинни Туркистон афкор оммаси ғоят ҳурмат қилади. Исбот дейсизми? Мана бу газетани ўқинг.

Русанов «Туркистон вилояти газети»нинг 1916 йил 21 август сонини кўрсатди. Унда Куропаткин генерал-губернатор қилиб тайинлангани муносабати билан Тўлаган Хўжамиёровнинг табрик шеъри босилган эди. Кимдир уни қироат билан ўқий бошлади:

**Хуш келибсиз шаҳримизга, олий мақом,
Сиз адолат тахти узра ўлтиринг, биздир ғулом.
Подшо ҳазратларининг фармониغا биродармиз.
Йўл адашган, боши қотганларга раҳбар бўлдингиз.
Таърифингиз йлгунча ёзсам агар бўлмас тамом...**

Ўртага тушган сукутни кимнингдир луқмаси бузди.

— Шу шoirнинг газетанинг 1916 йил 13 ноябрда босилган шеърини ҳам ўқиганмисиз, жаноб Русанов?

Першин ўрнидан туриб, қўлидаги газетани кўрсатди.

— Халқнинг сиз мақтаган Куропаткин давридаги оғир аҳволини мана бу шеърда изҳор этган.

— Худди шу Куропаткин мардикорликка бормай бош кўтарган кишиларни қатл этган,— луқма ташлади кимдир.

— Қамоққа олинсин!!!

Большевиклар группасининг хоҳиши шундай эди. Аммо миллионер савдогар Ивановлар, Булинский, Динин яна эътироз билдиришди.

— Вақтли ҳукумат ижозатисиз уни ҳибсга олиш ярамайди.

Ижроия комитет мажлиси бир қарорга келмай тарқалди.

Першин коридорда уни кутиб турган Очил Бобожоновга савол назари билан қаради.

— Александр Яковлевич,— деди Очил,— сизга маслаҳатли ишим бор.

Икковлари большевиклар группаси жойлашган хонага киришди.

— Бир нарсани тушунолмай қолдим. Эсерлар билан бизнинг шiorларимизда қандай фарқ бор?

— Гап шундаки, Очил ака,— деди Першин ўйчан,— эсерлар шiori усти ялтироғу ичи қалтироқ. Улар бизга вақтинча ҳамроҳ, лекин керагида хиёнатга қодир. Баландпарвоз шiorларнинг таги пуч. Ҳозир эсерлар партиясига генераллар, офицерлардан тортиб катта амалдорларгача ёзилишган. Ҳатто, профессор Остроумов ҳам уларга хайрихоҳ. Солдатларнинг маълум қисми уларнинг пуч ваъдаларига ишониб, орқаларидан эргашмоқда. Бизнинг шiorлар эса айна ҳақиқат. Ер-сув деҳқонларга, корхоналар ишчиларга берилсин. Уруш тўхтатилсин. Барча миллатлар тенг бўлсин, демоқдамиз.

Першин шундай дея устанинг елкасига қўл ташлади.

— Очил ака, Сиз маҳаллий халқ орасида биринчилар қаторида большевик бўлдингиз. Энди партиявий вазифа топширамыз Сизга. Дўстларингиз билан биргаликда эски шаҳарда тарғибот ишларини кучайтиринг. Биз РСДРП Тошкент ташкилотига «Касб комиссияси» ташкилотини тузиб, Сизни унга аъзо қилиб киритдик. Ўзбек ишчиларни

касаба союзга уюштириш лозим. Ишни иморатчи усталар жамиятини тузишдан бошланг...

Очил унинг гапларини жон қулоғи билан тингларкан, катта воқеалар бошланаётганини ҳис қиларди. Эски шаҳар мусулмонларининг ғафлат уйқуси 1916 йил қўзғолонидан сўнг ўчди. Сиёсий онги ўсди. Энди уларни онгли курашга шайлаш даркор. Першин ҳақ. Меҳнаткаш ўзбек халқи катта синовлар олдида турибди.

— Эшитдингизми, Александр Яковлевич!

Хонага ҳовлиқиб кирган Шумиловнинг биринчи гапи шу бўлди.

— Нимани?

Шумилов узр сўрагандек, Очил билан саломлашиб, гапида давом этди:

— Куропаткин ўз адъютанти Русанов томонидан ҳибсга олинди. Ҳокимият Петрограддан юборилган Шчепкин, Преображенский, генерал Давлетшинлардан иборат Вақтли ҳукумат қўлига ўтибди. Бу шахслар чоризм сиёсатини ўтказавердилар.

— Йўқ, — деди Першин бош чайқаб, — бешинчи йил энди қайтмайди. Мухолифларимиз чучварани хом санашяпти. Биз ёлғиз эмас, ўзбек халқи орасидан ўсиб чиққан инқилобчилар бизнинг сафимизда...

* * *

Тошкент бош темир йўл устaxonаси ишчиси Маҳмуд Хусанхўжаев эски шаҳарга шўшиб бормоқда. Унинг кўнглини ажиб ҳислар чулғаган. Ахир, эски шаҳарда ҳазилакам ишлар бўлмаяпти-да. Бинокор ишчилар касаба союзи идораси ўша ерда, Қорёғди маҳалласида экан.

У кеча ҳамкасблари топшириғи билан завод комитетига борган эди. У ерда тўрт киши қизгин суҳбатлашаётган экан. Уларнинг суҳбатига халақит бермаслик учун эшик олдидаги ўриндиққа ўтирди. Бир оздан сўнг ёнидаги ғилдирак цехида ишловчи Иван Васильевич келди. Ичкаридагилар ҳамон нима тўғрисидадир баҳслашар, Корнилов, Керенский деган фамилияларни кўп такрорлашарди.

— Улар нималар дейишяпти, Иван Васильевич?

— Гап Вақтли ҳукумат қўшинлари қўмондони генерал Корнилов тўғрисида бораёпти. У революцияни бўғиб ташлаш учун отлик казаклари билан Петроградга бостириб кирган, лекин абжағи чиқди. Ишчилар унинг додини беришди. Аммо Керенский генерални судга бериш ўрнига ҳимоя қилмоқда.

— Анави киши ким?

— Бу ўзимизнинг одам, большевик Першин. Ана ўзи ҳам чиқаяпти.

Александр Першин Хусанхўжаев билан саломлашиб, ҳол-аҳволини сўради. Ўзбек ишчилари илтимосини эшитгач, ён дафтарига ниманидир ёзиб олди. Кейин унга большевиклар дохийси Ленин ҳақида, устaxonа ишчилари нима учун курашаётгани тўғрисида сўзлаб, кечга яқин мажлис бўлишини айтди.

— Уртоқларингни ҳаммасини завкомга олиб кел. Муҳим гап бор. Мендан Мирзааҳмад акага салом айт.

У Першиннинг Мирзааҳмад Мирҳодиевни танишини билиб ажабланмади. Чунки Мирзааҳмад аканинг анчадан буён большевик мастеровойлар билан алоқадалигини биларди.

Ийғилишда кўпчилик бўлди. Ишчи большевик Василий Ляпин касаба союзлари ишини янада яхшилаш масаласида маъруза қилди.

— Эски шаҳарда ўзбек биродарларимиз ҳам касаба союзлар тузишган, — деди Ляпин сўзи охирида. — Устaxonамиздаги ўзбеклар бу касаба союз ташкилотига аъзо бўлишса маъқул бўларди. Эски шаҳар меҳнаткашлари билан алоқамиз янада кучаярди.

Ийғилишдан сўнг Хусанхўжаев Першиндан эски шаҳардаги касаба союз ташкилотига қандай аъзо бўлиш мумкинлигини сўради. У, Қосимхўжаевга учранг, деди. Мана, бугун Қосимхўжаевни қидириб кетмоқда. Бинокор ишчилар касаба союзи — «Иморатчи усталар жамияти» идораси Ислохўжа устанинг ҳовлисида жойлашган экан.

— Ҳорманг, Султон араб, — деди у бу ерда қадрдон ҳамкасбини учратиб. — Сиз ҳам шу ердамисиз?

— Биз доим шу ерда, Маҳмуд мастеровой. Хўш, хизмат? Қайси шамол учирди?

— Бинокор усталар касаба союзи ташкилоти раиси Қосимхўжаевни қидириб юрибман.

Султон араб унинг елкасига қоқиб кулди:

— Ўша Қосимхўжаев каминангиз бўладилар.

— Сиз-а, Султон араб! Ана холос, шунча вақтдан бери фамилиянгни билмай юрарканман-да!

Маҳмуд Хусанхўжаев шу куни касаба союз аъзоси бўлди. Низомиддин Хўжаев, Акбархўжа Қосимхўжаев, Очил Бобожоновлар билан танишди. Эски шаҳар ўзбекларидан темир йўл устaxonасига кўпроқ ишчиларни жалб қилиш ва уларни касаба союзга аъзоликка даъват этиш топшириғини олди.

Тез орада эски шаҳардан Ҳакимхўжа ва Йўлдошхўжа Ойхўжаевни устaxonанинг

электр ва темирчилик цехига ишга жойлаштирди. Абдурахим Толибов акаси ва икки укаси билан чўян эритиш печи қурилишида ишлай бошлади. Ўзбек ишчилари иш жараёнида рус ишчилари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

* * *

Собиқ генерал-губернаторнинг қароргоҳи — «Оқ уй»да Вақтли ҳукуматнинг Туркистон Комитети аъзолари — генерал Черкес, полковник Макавеев, граф Георгий Доррер кенгашмоқда. Вақтли ҳукумат ваколати билан ўлкани идора қилиш зиммасига юкланган Туркистон Комитети ўз фаолиятида қаттиқ қаршиликка дуч келмоқда. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети жойлашган «Хуррият уйи» унинг режаларини пучга чиқармоқда.

Туркистон Комитети буйруғи Тошкент Совети ижозатисиз ижрога қабул қилинмайди. Бундан Комитет аъзолари ғазабда. Аммо иложлари қанча?

— Керенский жаноблари,— деди генерал Черкес,— фронтга янги-янги қисмларни тайёрлашни буюрмоқдалар. Жойларда урушни давом эттиришга ташвиқотни кучайтириш зарурлигини уқтирмоқдалар.

— Аммо аҳоли кайфияти ёмон,— деди граф Доррер,— озиқ-овқат етишмай, нархнаво мунтазам кўтарилиб борапти. Бозорларда тўполон, эски шаҳар нотинч.

— Хавотир олманг, граф,— деди Макавеев,— мусулмонлар кўтарилса уларга қарши қалқон бўлувчи қисмлар аллақачоноқ тайёрлаб қўйилган.

— Гап унда эмас, полковник. Ўтган йилги кўзғолондан сабоқ олмаяпмиз. Уша кўзғолоннинг яширинган сардорлари яна эски шаҳар халқини бузишмоқда.

— Граф Бобожонов, Қосимхўжаевларни назарда тутаяптилар,— деди суҳбатга қўшилмай ўтирган Туркистон Комитети раиси Наливкин.— Бу сартлар темир йўл устахонасидаги ашаддий большевиклар билан ҳамфикр. Айниқса, Бобожонов хавфли. Ҳозир у «Иморатчи усталар жамияти» деган бир ярим мингдан зиёд сарт уюшган касаба союз ташкилоти раҳбаридир. Яна улар «Ишчилар иттифоқи» деб аталмиш кўнчилар касаба союз ташкилотини ҳам тузишди. Мен графнинг фикрига тамом қўшиламан. Эски шаҳардан огоҳ бўлиб турмоқ зарур. Чунки маҳаллий миллатлар ёрдамисиз ҳокимиятни сақлаб қолиш мушкул.

Генерал Черкес хона узра юриб сўзлай бошлади:

— Воқеаларнинг мантиқий ривожига эътибор қилинг, жаноблар, 28 августда темирйўлчилар большевик Першин доклади бўйича ҳокимиятни Советларга топшириш ҳақида митинг уюштиришди, 29 августда большевиклар группаси Вақтли ҳукуматни ағдариш кераклиги ҳақида вайсаб, қуролли кўзғолон воситасида ҳокимиятни қўлга олишга чақирди. Самарқанд гарнизони, янги Бухоро ишчилари, Қўқон темирйўлчилари уларни қўллаб-қувватлашди. 6 сентябрда Тошкент Советининг большевиклар группаси яна шу масалани қўйди. Эсерлар партияси иккига бўлиниб, сўл эсерлар большевикларга иттифоқчи эканини билдирди. Разведка бўлимининг ахборотига кўра, индинга большевиклар умумшаҳар намоийшини ўтказишмоқчи.

— Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

— Ана шу ҳақда буйруқ чиқарамиз. Вақтли ҳукуматнинг Туркистон Комитети жамоат тўпланадиган жойларда намоийш ва митинглар ўтказишни тақиқлайди, деб ёзамиз.

Аммо воқеалар ривожини бу ниятни пучга чиқарди. 12 сентябрь куни Александров паркидаги митингга тўпланган ишчи ва солдатлар ҳокимиятни Тошкент Совети ижроия комитети қўлига топширилишини талаб қилишди. Революцион комитет сайланди. Туркистон округ қўмондони генерал Черкес вазифасидан четлатилиб, ўрнига солдат вакили, поручик Перфильев, шаҳар комендант подполковник Отаев ўрнига революционер офицер Гриневич тайинланди. 1917 йил 13 сентябрда ревком ўз вазифасини адо этиб, барча ваколатларини большевиклар кўпчиликни ташкил этган Тошкент Совети Ижроия Комитетига топширди. Эсер ва меньшевиклардан иборат Туркистон ўлка Совети бекор қилинди. Вақтли ҳукуматнинг Туркистон Комитети ўз таъсирини йўқотди. Шу муносабат билан Шайхонтохур мачитида ўн беш минг кишилик митинг бўлиб ўтди. «Иморатчи усталар жамияти», «Кўнчилар жамияти» каби ўндан ортиқ ташкилотларни бирлаштирган «Мусулмон касаба союзлари Кенгаши» раҳбарлари ака-ука Султонхўжа ва Акбархўжа Қосимхўжаевлар, Низомиддин Хўжаев, Мирзааҳмад Мирҳодиев, Очил Бобожоновлар митинг президиумига сайланишди. Митингга раислик қилган Султонхўжа Қосимхўжаев янги шаҳардаги воқеалар ҳақида қисқача гапиргач, большевик Цвиллингга сўз берди.

Нотиқ 13 сентябрда «Хуррият уйи» да бўлган митинг ҳақида гапирди. Большевиклар фракцияси барча миллатлар манфаатларини ҳимоя қилишини, чоризм мустамлака сиёсатига абадий барҳам беришини таъкидлади. Урта Осиёда ўрнатиладиган Советлар ҳокимияти миллий масалани адолатли ҳал этажagini уқтирди.

Таржимон унинг сўзларини тантанавор таржима қиларкан, ёшу қари қарсак чалиб олқишлади. Эски шаҳар афкор оммаси Тошкент шаҳар Советига, большевиклар фракциясига тўла ишонч билдирди.

Турккомитет раиси Наливкин Тошкент Советидан шикоят қилиб, Керенскийга кетмакет телеграммалар юборди. Полковник Макавеев ва полковник Русанов эса Тошкент Советига қарши бевосита ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. 16 сентябрь кечқурун Русанов бошчилигидаги казаклардан иборат икки рота қурол-яроғ омборини тўсатдан босиб олиб, прапорщиклар мактаби ва ҳарбий билим юрти курсантларини қуроллантирди. Шаҳар коммендант Гриневични қамоққа олиб, «Хуррият уйи»га ҳужум қилишди. Аммо Тошкент Советини ҳимоя қилаётган 1 ва 2-Сибирь полклари солдатларини куриб, орқага чекинишди.

Уша оқшом ҳарбий патруллар полковник Макавеев ва Наливкинни ушлаб, Тошкент Совети Ижроия Комитети йиғилишига олиб келишди. Улар кўрққанларидан казаклар ҳужумидан беҳабар эканликларини баҳона қилишди. Тошкент шаҳар Совети руҳсатисиз ҳеч бир иш қилмасликка, Гриневични озод қилишга сўз беришди. Аммо 17 сентябрь куни Наливкин Тошкентга генерал Коровиченко жазо отряди келаётганидан руҳланиб, ваъдасини бузди ва қўйидаги ультиматумни юборди:

— Тошкент шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети 24 соат ичида Муваққат ҳукумат Тошкентга бўйсунсин. 1 ва 2-Сибирь полклари қуролларини топширсин. Айбдорлар судга берилади...

Кечаси казаклар ва юнкерлар тўсатдан «Хуррият уйи»ни босиб олишди. «Наша газета» босмаҳонаси ҳам яқсон қилинди. Тошкент шаҳар Советидаги большевиклар фракцияси аҳолига хитобнома чиқариб, ишчи ва солдатларни уюшган ҳолда контрреволюцияга зарба беришга чақирди.

Эски шаҳар ишчилари касаба союзлари большевиклар мурожаатига қўшилиб, Муваққат ҳукумат Тошкентга Коровиченконинг жазо экспедициясини юборганлиги муносабати билан қаттиқ норозилик билдирди. Тошкент Советининг 20 сентябрда ялпи иш ташлаш ҳақидаги мурожаатини қўллаб-қувватлашди.

Наливкин ҳўжайинларидан дашном олди. Керенский унинг ўрнига граф Доррерни Туркистон Комитети раиси қилиб тайинлади. Тошкентда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Бунга жавобан 20 сентябрда шаҳарда ялпи иш ташлаш бошланди. Генерал Коровиченконинг жазо экспедицияси шундай вазиятда 24 сентябрь куни Тошкент яқинидаги Келес станциясига етиб келди. Унинг биринчи буйруғи Тошкент шаҳар Советига дўқ-пўписадан иборат бўлди. Генерал-майор Коровиченко 24 соат ичида солдат ва ишчиларга қуролларни топширишни буюрди. Аммо генерал чучварани хом санаган эди. Большевиклар тарғиботидан сўнг жазо экспедициясининг зарбдор кучи — Пенза кавалерия бригадаси Тошкент шаҳар Совети билан бирдамлигини эълон қилди. Бошқа отрядлар ҳам унга эргашиб, генералнинг буйруғига бўйсунилдан бош тортишди. Коровиченко қўл остидаги кўшинларга ҳўкми ўтмай қолганидан ғазабланди. Ноилож ҳийла ишлатиш йўлига ўтди. Тошкент шаҳар Совети билан Муваққат ҳукуматнинг бош комиссари Коровиченко ўртасида сулҳ тузилиб, 27 сентябрда иш ташлаш тугади. Контрреволюция нафас ростлаб, янги ҳамлага тараддуд кўра бошлади.

* * *

Александр Першин Петрограддан қайтган кунининг эртасигаёқ Бобожонови йўқлаб Олмазорга борди.

— Хуш келибсиз, Александр Яковлевич, — деди Очил азиз меҳмонни кучоқ очиб қаршилаб. — Қани, қани, супага марҳамат.

Хушбўй кўкчой устида суҳбат бошланди.

— Петроградда гап кўп, Очил ака, — деди Першин. — Мен Сизга анчагина газета олиб келдим.

Очил газеталарни ташналик билан оларкан, дўстидан кўзини узмасди.

— Тошкентдан 21 сентябрда кетганимдан сўнг орадан шунча гаплар бўлиб ўтибди. Узингиздан батафсилроқ эшитай деб келдим.

— Нима ҳам дердим, — деди Очил чой хўплаб, — ярим подшолар макони бўлган «Оқ уй» «Хуррият уйи»нинг ёқасидан олмоқчи бўлди. Генерал Коровиченко бизга содиқ 1 ва 2-Сибирь полкларининг демобилизация қилиш ҳақида буйруқ берди. Перфильев, Черневский, Шмидт каби ижроия комитет аъзоларини қамоққа олди. Колесов, Фнкельштейн, Цвининг, Казаков, Солькин каби ўртоқлар қаторида Сизни ҳам исёнчи сифатида ҳарбий судга беришмоқчи. Шаҳарда қандайдир варақалар пайдо бўлди. Унда сизлар қонундан ташқарида деб эълон қилингансиз.

— Бундан хабарим бор.

— Узингиздан эшитайлик, Питердаги воқеалардан гапиринг.

— 3 октябрда Петроград ишчи ва солдат депутатлари Советида менинг Тошкентдаги воқеалар ҳақидаги докладим тингланди. Бизга тегишли ёрдам кўрсатиш ҳақида резолюция қабул қилишди.

Першин Очилнинг ёнидаги «Рабочий путь» газетасининг 1917 йил 4 октябрь сонини кўлига олиб, Иосиф Сталиннинг «Узларини калтаклашди» мақоласини курсатди.

— Ўртоқ Сталин менинг ҳикоям асосида бизнинг ҳақимизда илиқ сатрлар ёзди. Тошкентликлар революцион бурчларини ҳалол адо этганликларини қайд этди.

Шу вақт эшикдан кириб келган Насриддин уларнинг суҳбатини бўлди.

— Ассаломуалайкум, Александр Яковлевич!

Першин у билан қучоқлашиб кўришди.

— Уғлим ҳам инқилобчи бўлаяпти, — деди мамнунлик билан уста Очил, — биринчи сабоқни бултурги кўзғолондан олди. Икки ярадорни яшириб доволади.

— Бизга шундай азаматлар зарур, — деди Першин ўйчан. — Олдингизга келишимнинг боиси шунда, ҳал қилувчи воқеалар яқинлашмоқда. Партиямизнинг VI съезди қуролли кўзғолонга тараддудни кун тартибига қўйди. Эски шаҳар ишчиларидан инқилобчилар отрядини ташкил қилиб, қуроллантириш зарур. Бу сизларга партиявий топшириқ.

Очил ва Насридиннинг чеҳралари жиддий тус олди.

— Кўзғолон муддатини партия белгилайди. Фақат сизлар буйруқни бажаришга тайёр туришингиз лозим.

* * *

Мирзааҳмад Мирҳодиев анҳор кўпригидан ўтаётганда тўсатдан миршабга дуч келди. Оёқларига югурган қалтироқни сездирмай хотиржам кетаверди. Миршаб билан учрашув кимга ёқимли дейсиз? Аммо сир бой бермаслик керак. Рус ўртоқлари бу ҳақда уни кўп огоҳлантиришган.

Эсида, биринчи рус революцияси йилларида унинг Шивлидаги уйида большевиклар тез-тез махфий мажлислар ўтказиб туришарди. Шаҳарнинг бир қанча таниқли большевиклари билан суҳбатларда у дунё воқеаларидан хабардор бўлиб, синфий кураш нималигини яхши англаган, шу йўсинда ўзи ҳам аста-секин подшога қарши курашаётганлар сафига қай тариқа қўшилиб қолганини сезмай қолди.

Ҳозир эса у большевик Солькин уйида бўлган Тошкент Совети Президиумидаги большевиклар мажлисидан қайтмоқда. Мажлисда қуролли кўзғолон плани муҳокама қилиниб, ҳар кимнинг аниқ вазифаси белгиланди.

— Тўхта!

Миршабнинг ҳайқиригидан Мирзааҳмаднинг вужуди сесканса ҳам, ўзини қўлга олди. Чорпахил, шоп мўйлов ўзбек миршаби унга тикандек нигоҳини қадади.

— Нега мен билан саломлашмадинг, қора чопон?

— Узр, ака, узр!

— Узрингни пишириб е! Қани, олдимга туш, — миршаб Мирзааҳмаднинг елкасига туртди. Уни Себзордаги полиция участкасига олиб борди. Камералардан бирининг эшигини очиб, ичкарига итариб юборди.

— Хукумат вакилига одобсизлик қилишнинг жазоси бу.

Миршаб шундай дея эшикни ёпди. Кўзи қоронғиликка ўргангач, Мирзааҳмад камерада ёлғиз эмаслигини билди.

— Ана холос, — деди у ҳамхонасига жилмайиб. — Петр Гавриловмисан?

— Худди шундай-да!

Бу йигит темир йўл устахонасининг асбобсозлик цехида ишларди. Партия сафига ўтганига ҳам анча бўлганди.

— Мирза ака, — деди Пётр чеҳраси очилиб, — тебям сам Магомет послал...

Мирзааҳмад дарҳол гап нимадалигини англади. Гаврилов қочиш учун ҳамма асбоб-анжомларни тайёрлаб қўйган, фақат шерик етишмай турган эди.

Қоқ ярим кечада Мирзааҳмад дераза панжарасидан секин мўралаб, ҳовлидаги соқчини кузатди. У пинакка кетганида Пётрга «бошла!» деб секин имлади. Пётр катта омбир билан эшик зулфини суғирди. Кейин яна аста атрофни кузатишди. Жимжит. Соқчи курсида ўтирганча бир маромда хуррак отмоқда. Улар секин ҳовлига чиқишди, бири иккинчисининг елкасига оёқ қўйиб, девордан ошиб ўтишди. Қоронғи кўчада анча вақтгача сўзлашмай бориб, эски шаҳар яқинида хайрлашишди.

— Керак бўлсам мени Тезиковдаги холамниқидан топасан, — деди Гаврилов ўзбекчалаб.

— Жуда яхши, кўришгунча хайр, дўстим, — деди Мирзааҳмад. У Қовунчи тарафга йўл олди.

Эртасига Исломуҳжа аканинг ҳовлисига келди. Низомиддин Хўжаев, Очил Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаевлар шу ерда эди. Большевик Константин Сорокин уларга нималарнидир тушунтирарди.

Қорёғди маҳалласида баррикада қурдик, бир бориб кўрсангиз бўларди, — деди Низомиддин Хўжаев Сорокин сўзини тугатгач. — Йигитларимиз жангга шай туришибди.

— Қуролни қаердан олдинглар?

— Коровиченко янги шаҳардан араваларга анча қурол ортиб келиб Шайхонтоҳур мачитига туширди. Мен бир неча йигитларим билан мачитга борсам уламолар қурол тарқатишмоқда. «Урислар бизларга қарши ҳужум қилмоқчи, қуролланинг йигитлар» дейишди. Худонинг ўзи етказди, деб биз ҳам ола бошладик. Шунда бир мулла мени таниб қолди. Бу кофирга берманглар, деб олдига солиб қувлади. Мен маҳаллага келиб бошқа йигитларни мачитга жўнатдим. Шундай қилиб анчагина ўқ-дори фамладик.

Мирзааҳмад Низомиддинга завқланиб боқаркан, дўстлари бежиз уни ўзбек қуролли дружинасига командир қилишмаганини ўйлади.

— Уртоқлар, — деди Сорокин мамнун оҳангда, — Тошкент шаҳар Совети большевиклар фракцияси сизларга оқларни эски шаҳарга ўтказмаслик вазифасини ишониб топширади. Ўзбек бойлари бир батальон одамларини қуроллантириб Тупроққўрғонга жўнатди. Улар генерал Коровиченкога мадад беришмоқда. Бизнинг таянчимиз эса сиз, ишчи ўзбеклар.

— Хотиржам бўлинг, ўртоқ Сорокин, биз ишончни оқлаймиз. Энди баримиз бир жон, бир танмиз.

— Ишга киришдик, бўлмаса, — Низомиддин ўрнидан туриб, қаддини ростлади. — Мен йигитлар олдига кетдим.

Уйдагилар олдинма-кетин ташқарига чиқишди.

* * *

Петрограддаги қуролли қўзғолон, Вақтли ҳукуматнинг қамоққа олинганлиги ҳақидаги хабар граф Доррерни саросимага солди.

— Фурсат ғанимат, генерал, — деди Доррер. Унинг сигара тутган қўли титрарди. Коровиченко соатига қаради.

— Хотиржам бўлинг, граф. Бизнинг одамимиз большевиклар ревкомидаги махфий йиғинда қатнашади. Большевиклар уни фронт қўмондони қилиб тайинлашибди.

— Уша одамни кўрсам бўладими?

— Ҳозир у шу ерга келади.

Бир оздан сўнг ўрта бўйли, 30—35 ёшлар чамасидаги киши ҳозир бўлди.

— Қандай қилиб ишончларини қозондингиз, ротмистр, — деди кулиб Коровиченко. — Граф жаноблари қизиқмоқда.

— Мен румин фронтдан келган офицер-большевикман. Петрограддаги большевикларнинг катталари имзо чеккан мандатим бор. Менга ишонмай кимга ишонишади? Фронт қўмондонлигига номзодим ҳеч эътирозсиз ўтди.

— Большевикларнинг кучлари ҳақидаги маълумотларни яна такрорланг.

— Зарбдор кучлари, — деди ротмистр, — ўрта Осиё темир йўл устахоналарида жамланади.

— Яъни ишчилар қалъасида.

— Ҳа. 1 ва 2-Сибирь полклари, эски шаҳардаги ўзбек дружиналари.

— Сартларни ҳисобга олмасак ҳам бўлади. Ҳарбий ишга жуда нўноқ улар.

— Ун олтинчи йилни унутманг, генерал, — Доррер Коровиченкога эътироз билдирди. — Уларнинг сардорлари пухта одамлар. Маълумотларга қараганда, Шайхонтоҳур ва Урда ўртасида баррикадалар қуришибди. Ўзбек миллий дружинаси тахминан 250—300 кишидан иборат.

— Большевиклар Перовск ва Самарқандга ёрдам сўраб делегатлар жўнатишди, — деди ротмистр. — Цвиллинг мени боя Тошкент шаҳар Советига таклиф қилувди. Аввал меҳмонхонага ўтай, деб бу ёққа югурдим.

— Демак, большевикларнинг раҳбарлари ҳозир мажлис қилишмоқчи, — деди Доррер ўйчан. — Менимча қўзғолоннинг бошини танасидан жудо қилишнинг айна пайти. Уларни зудлик билан қамоққа олиш даркор.

— Фикрингизга қўшиламан, граф. Жаноб ротмистр, дарҳол юнкерлар ротаси билан «Хуррият уйи»ни қуршанг.

— Есть!

Ротмистр чиқиб кетгач, Коровиченко мамнуният билан деди:

— Биринчи раунд бошланди, граф. Иккинчи раунд ишчилар қалъасига ҳужумдан иборат бўлади.

* * *

Генерал Коровиченко Вақтли ҳукумат бош комиссари ва Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони сифатида Тошкентда ҳарбий ҳолат эълон қилгач, эски шаҳар билан янги шаҳар ўртасида алоқа узилди, шаҳарнинг ҳар икки томонида ҳам синфий кучлар икки қутбга ажралди.

28 октябрь тонгида бутун шаҳар бўйлаб гудок овози янгради. Кейин милтиқ, тўп товушлари эшитила бошлади.

Қорёғди маҳалласидаги баррикадалар олдида ўзбек дружинаси жангга шай турарди. Кўча-кўйда шубҳали кишилар қатнови кучайди. «Иморатчи усталар жамияти» раҳбарлари вазиятни муҳокама қилишди.

— Икки кундан бери отишма тинмаяпти, қўзғолон бошлангани аниқ, — деди Низомиддин. — Шундай қараб тураверамизми?

— Темир йўл устахоналаридан хабар олиш керак, — деди Султонхўжа. — Қандай воқеалар юз бераётганини билишимиз, ўз ҳаракатларимизни уларникига мослашимиз

керак. Мени кўп кишилар танийди, шу сабабли янги шаҳарга боришим қийин. Бу топшириқни ким бажариши мумкин?

— Устахона билан эски шаҳар ўртасида уззукун бўзчининг моксицидек қатнаган ким? — Уста Очил кулиб Мирзааҳмад Мирҳодиевнинг елкасига қоқди. — Шу укам-да!

— Бош устига, Эшон ака, хат ёзиб беринглар, дарров элтаман.

Қосимхўжаев дарҳол хат ёзди. Унда эски шаҳардаги аҳволни, ўзбек дружинаси икки кундан бери жангга шай турганлигини маълум қилди. Мирзааҳмад хатни олиб йўлга тушди. Раковская кўчаси бўйлаб янги шаҳар томон ошиқаркан, елкасидаги масъулият юкини яна бир бор чуқур ҳис қилди. Хат ревкомга етказилиши керак. Бўлак жой ёки кимсага эмас. Унга катта ишонч билдирилган. Балки мана шу хат революция тақдирини ҳал этар.

У янги шаҳар кўчаларидан бораётганида инқилоб бошланганини ва қаттиқ жанглар бораётганини кўрди. Рўпарада бир тўда погонли кишилар кўринди. Оқлар! Мирзааҳмаднинг бирдан қадами тезлашиб, юраги гурсиллаб ура бошлади.

— Стой!

Бу ҳайқириқ яхшилик аломати эмасди. Тўхтаса қўлга тушади. Тўғри қочса, ўқ еб ўлади. Мирзааҳмад нишонга чап бериш учун илон изи қилиб югуриб кетди. Ўқлар визиллаб ён-веридан ўта бошлади. Фақат икки кўчани кесиб ўтганидан кейин ҳарбийлар кўринмай қолишди. Ағдарилган қайрағоч ва тераклар уюми ёнида бир таниш овоз:

— Стой! Тўхта! — деди.

Мирзааҳмад товуш келган тарафга қаради:

— Петр Гаврилов, азизим! Бу сенмисан?

— Мирзааҳмад, друг мой!

Қадрдон дўстлар қучоқлашиб кўришишди.

— Қани дўстим, Ревкомни менга кўрсат. Зарур омонатим бор, топширишим керак.

— Жуда соз.

Пётр ошнасини устахона томон бошлаб кетди. Йўлда тўп судраб бораётган солдатлар орасида бир киши:

— Мирзааҳмад ака! — деди.

— Маҳмуджон! Ҳорманг, дўстим!

Мирзааҳмад пешонасидан реза-реза тер оқаётган ошнасига ҳайратланиб тикилди.

— Саломат бўлинг! Сапёрнаядан яна икки тўп олиб келяпмиз. Энди оқларнинг ҳолига вой деяверинг. Бизникилар қани? Султон араб оғайним қани?

— Эски шаҳарда дружинани шайлаб, ҳужумга буйруқ бўлишини кутиб туришибди.

— Ундай бўлса яхши.

Революцион Комитет Мирзааҳмад келтирган мактуб билан танишгач, эски шаҳар аҳолисига мурожаатнома тайёрлади. Унда ҳозир нималар қилиш кераклиги баён этилганди. Эски шаҳар большевиклари бу ҳужжат билан танишгач, баррикадалар ёнида озгина кўшин қолдириб, кўпчилик билан темир йўл устахонаси томон йўл олишди. Оқлар қаршилигини бартараф этиб, қисқа вақтда қуролли ишчилар сафига қўшилишди.

31 октябрь куни оқларнинг сўнги таянчи Тупроққўрғон таслим бўлди. Вақтли ҳукумат Бош комиссари генерал Коровиченко, унинг граждандан ишлари бўйича ўринбосари граф Доррер, полковник Русанов қамоққа олинди.

Оқларнинг бир қисми шаҳарга чекинганида баррикадаларга дуч келди. Бу тарафдан қаршилиқни кутмаган душман қисмлари Низомиддин Хўжаев йигитларига таслим бўлиб, қуролларини ташлашди.

1 ноябрь куни Тошкентда Октябрь қуролли қўзғолони ғалаба қилиб, ҳокимият Тошкент Совети қўлига ўтди.

1917 йил декабрь ойида Тошкентнинг янги шаҳарида ғалати воқеалар содир бўла бошлади. Рус амалдорлари, савдогарлар ва собиқ офицерлар эски шаҳарга серкатнов бўлиб қолишди. Улар энди «сарт» ўрнига «ўзбек» дейишар, «автономия», «муствақиллик», «мухторият» каби сўзларни тез-тез тилга олишарди. Шариат пешволари ва ўзбек бойлари билан борди-келдилари кучайди.

Кўзга кўринмас иплар уларни Тошкент турмасида ётган маҳбуслар билан ҳам боғлаган эди.

Собиқ бош комиссар ўринбосари граф Доррер якка камерада ётганча қанча-қанча қоғозларни қора қилиб, пинҳона режалар тузди. У Октябрь жангларини кўз олдига келтирди. Агар маҳаллий халқ большевикларни қўлламаганда, Коровиченко ғалаба қозонарди, албатта. Бўлар иш бўлди. Энди қулай фурсатни пойлаш, большевиклар йўл қўядиган хатолардан усталик билан фойдаланиш керак. Турмага келиб-кетиб турган одамлари шаҳардаги вазият ҳақида умидбахш хабарлар етказиб туришибди.

Большевиклар ҳали-бери Туркистон халқларига муствақиллик бериш ниятида эмас. Миллий масала биринчи ўринга чиқмоқда. Янги шаҳарда собиқ амалдорлар, офицерлар ва савдогарлар ҳаракатга келган. Чойхоналарда «автономия» сўзи тез-тез янграмоқда.

Ҳа, большевиклар хатога йўл қўйишди. Улар ҳокимиятни қўлга олишлари биланок автономия эълон қилишлари керак эди. Бундай қилишмади. Маҳаллий аҳоли вакиллари пролетар давлатини бошқаришда қатнашишга тайёр эмас, дейишди. Мана шу хатодан

фойдаланмоқ, маҳаллий халқни большевиклар ҳукуматига қарши қўймоқ керак. Бунинг учун биринчи навбатда эски шаҳар меҳнаткашлари вакиллари қўлга олиш керак. Улар билан рус большевиклари ҳисоблашади. Казак областларида исёнлар давом этмоқда. Қўқонда мухторият эълон қилинди. Закаспийда ҳокимият эсерлар сардори Фунтиков қўлида, инглизлар ҳам яқин орада Ашхободда бўлишади.

Тошкентда бир учқун бўлса, бас. Доррер қўлига қалам олиб, мудҳиш режаларини қоғозга тушира бошлади.

* * *

Очил анчадан бери ташриф буюрмаган дўсти — Анвар бўзчини кўриб, ўрнидан туриб кетди. Икки дўст қучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, меҳмон Фулом Камолнинг саломини топширди. Кейин:

— Кеча Акбархўжа билан Ислоббойваччанинг уйда бўлдим, — деди салмоқлашиб. — Шўрои исломия ва Шўрои уламо мутасаддилари ўртасида тоза жанг бўлди. Уламочилар бизларни ўзларига оғдиришмоқчи экан.

— Хўш, қандай мақсадда?

— Туркистон мустақил бўлиб, ўзини идора қилиши учун бирлашиш керакмиш. Мунаввар қори Советларсиз Туркистон учун курашга чақирди. Қўқон мухториятидан ўрнак олиш керак эмиш.

Очил чуқур ўйга чўмди. Анвар бўзчи сўзида давом этди.

— Инқилоб ғалаба қозонди, лекин большевиклар негадир мустақиллигимизни эълон қилишмаяпти. Чунки улар чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришмоқчи, деди. Ростини айтсам, Очил ака, мен ҳам ўйланиб қолдим. — Анвар савол назари билан Очилга тикилди. Афсуски, ҳозир Очил ҳам бир нарса дейишга қийналаётганди. Бу масалада Першин, Шумилов билан фикрлашиши керак эди. Аммо Анвар жавоб кутмоқда, унинг ортида эса минглаб кишилар турибди.

Мустақиллик. Автономия. Жуда жозибали сўзлар. Душманнинг асл муддаосини яшириб турган яхши ниқоблар. Вақти келиб бу масалага ҳам ойдинлик киритилар... Дарҳақиқат, орадан анча йиллар ўтгач, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Фёдор Колесов бу ҳақда шундай ёзади: «Бизнинг энг муҳим хатомиз автономия ҳақидаги масалани нотўғри ҳал қилганимиз бўлди. Биз ўшанда Туркистон учун биринчи даражали масалани ҳал қилишнинг ягона тўғри йўли дарҳол совет автономияси эълон қилиш эканлигини тушунмадик. Бу ишда кечикканимиз душманларимизга қурол бўлди ва ўн учинчи декабрдаги каби воқеаларни келтириб чиқарган кераксиз тўқнашувларни уюштиришга имконият яратиб берди. Бу хатоимиз туфайли туғилган имкониятдан маккор душман фойдаланишга интилди.

У шароитга биздан аввал ва биздан аниқ мослашди. Эски шаҳарнинг кўп минг кишилиқ оммасини алдашга, кўтаришга ва шу ўзларига мақбул йўналишда эргаштиришга муваффақ бўлди».

Владимир Ильич Ленин эса Чор Россиясининг собиқ мустамлакаси Туркистон учун миллий масала жуда муҳимлигини тушунган ҳолда «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хатида шундай ёзади:

«Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги барча мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади».

— Узингиз қандай тушунасиз мустақилликни? — дея саволга савол билан жавоб қилди Очил.

— Камина ожиз фикрини айтишдан олдин Сиз, уста Очилни бу хусусдаги мулоҳазаларини эшитмоқчи эди. Мунаввар қори «одамларимиз ўлкани русларсиз ҳам бошқариши мумкин. Биз шарият асосида мустақил давлат тузамиз» деди. Қўқонда кеча шундай ҳукумат тузилибди.

— Хабарим бор. Тошкентдан қочган барча унсурлар, шўрои исломия раҳбарлари Қўқонда паноҳ топишди. Қўқон мухториятини тузишди. Уларнинг бари эски тузум тарафдори. Чунки шўро ҳокимияти бойларни ер-сувлари, банк, заводларидан маҳрум қилади-ку! Мустақиллик шиори уларга шунчаки бир дастак... Узингизнинг мулоҳазаларингиз қандоқ бу хусусда, Анваржон?

— Камбағал мусулмонлар ҳам барча қатори идора ишларида қатнашадиган, зулмсиз аҳил ашайдиган Туркистонни ўйлайман. Ер, сув деҳқонларга берилиб, рўзгор тўкин бўлса, косибу хунармандга солиқлар камайтирилса. Каминангизни ожиз тасавури шундай.

— Ҳа, балли. Бу яхши истак.

— Мунаввар қори эртага, 13 декабрда ҳаммага Шайхонтоҳур мачитига тўпланишни буюрди.

— Мақсади нима экан қори акамизнинг?

— Большевиклардан мустақиллик талаб қилиш. Камина сиздан маслаҳат сўраб келди. Нима қилайлик?

Очил ўйга чўмди. Анвар бўзчи келтирган янгиликдан Першинни огоҳ қилиш керак. Совет ҳукуматига қарши намойишга йўл қўйиш мумкинми? Асло! Зудлик билан ҳаракат қилиш керак.

— Гап бундай...

Анвар унинг сўзларини жон қулоғи билан тинглади.

* * *

Граф Доррер камерада ҳаяжон билан воқеалар ривожини кутмоқда. Бугун 13 декабрь, катта қурбон ҳайити. Эски шаҳар мусулмонлари мачитга тўпланишади. Уламолар фурсатдан фойдаланиб, катта намойиш уюштириб, янги шаҳарга йўл олишади, большевиклардан мустақиллик талаб қилишади. Улкани шариат асосида идора қилишни ёқлаб гапиришади.

Граф қўлидаги Тошкент шаҳар Совети органи — «Наша газета»даги Туркистон Ўлкаси Советлари съезди мажлиси ҳақидаги ҳисоботга кўз ташлади. Тагига чизилган сатрларни мамнуният билан ўқийди: «Ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлкадаги олий революцион ҳокимият органларига жалб этиш мумкин эмас... Чунки ерли аҳолида пролетар синфий ташкилотлар йўқ».

Доррер кулиб қўйди. Большевиклар ўз қўллари билан унга яхши дастак беришди. Эски шаҳарлик бойлар ва уламоларнинг ғазабланиши боиси ҳам мана шунда.

Граф чуқур ва енгил нафас олди.

Узоқдан ғала-ғовур ва кимнингдир фарёди эшитилди. Афтидан намойишчилар турма дарвозаси олдига келишган кўринади. Соқчи ўлдирилди. Дарвоқе, нега у отмади? Буйруқ шунақа бўлган, большевиклар тинч намойишчиларга ўқ отмаслики тайинлашган.

Граф қозикдан пальтосини ва цилиндрини олди. Гражданча кийинган офицерлар камерага киришганда у тайёр эди. Турма дарвозаси олдида уни генерал Кияшко ва полковник Русанов кутиб олиб, автомобилга ўтқазишди. Оломон гулдурос қарсақлар билан олқишлади. Уни Туркистоннинг бўлғуси ҳокими сифатида эъзозлашди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов намойишни кузатиб туриш учун адъютанти Эберт бошчилигида тўрт қизил гвардиячини юборди. Улар янги шаҳарда турган намойишчилар ёнига етиб келишганда граф Доррер ўзининг тантанавор нутқини якунлаган эди. Ундан кейин одамлар диққатини ўзига жалб этган нотиқни Эберт дарров таниди. Бу большевик Очил Бобожонов эди.

— Бу жанобни биласизларми, мусулмонлар? — Очилнинг ҳаяжонли товушидан оломон жимиб қолди. Барчанинг нигоҳи Доррерга қараганини сезган нотиқ сўзида давом этди. — У инқилобдан аввал Закаспийда губер, Тошкентда прокурор бўлиб, қанча-қанча одамларни қон қақшатган. Коровиченко иккиси бир бўлиб, сентябрда нималар қилишмади. Тагин у ўзини мусулмонпарвар қилиб кўрсатмоқда. Қўқон мухториятини мақташини кўринг! Хўш, мухториятда ким ишбоши? Уша-ўша бойлар, заводчилар! Бизга бунақа ҳокимият керак эмас! Уламолар, мухториятчилар бўйнимизга яна эски подшо замонидан қолган сиртмоқни солишмоқчи. Йўқ, бунақаси кетмайди! Биродарлар! Шуни билингки, фақат шўролар ҳокимиятигина аҳли меҳнатга қайишади. Бу жанобнинг алдовига учманг! Уй-уйларингизга тарқалинг!

Эски шаҳар косиблари бу сўзларни диққат билан тинглашди. Улар уста Очилни билар, ҳурматлашарди.


Эберт граната ушлаган қўлини баланд кўтарди. Иккинчи отлик тўппончани шофёрга тўғрилади.

— Дарров қалъага юр! — буюрди Эберт.

Машина атрофидаги офицерлар қочиб кета бошлашди. Шунда Доррер ўртага ҳаёт-мамот тикилган ўйинни ютқазганини сизди. Олтмиш минг намойишчи уни кутқариш ўрнига томошабин бўлиб турибди-я! Атиги беш қизил гвардиячи халойиқ кўз олдида уларни яна қамоққа олиб кетаяпти-я!

Шундай қилиб, 1917 йил 13 декабрда контрреволюциянинг Октябрь инқилобидан сўнг тарих ғилдирагини орқага буриш учун қилган уриниши барбод бўлди. Граф Доррер, казаклар генерали Кияшко, полковник Бек, полковник Русанов ўша куни кечаси ревком номи билан отиб ташланди.

Тўрт ойдан сўнг эса 1918 йил апрелида Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди РСФСР составига кирувчи Туркистон Совет Автоном республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди. Бу меҳнаткашлар орзу қилган ҳақиқий автономия эди.



СЕВИНЧ—ДАРДИМ—БАРИ ВАТАНИМ

ҲАМЗА МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ АБДУЛЛА ОРИПОВ БИЛАН БАХТИЕР НАЗАРОВ СУҲБАТИ

— Бадий адабиётнинг жамиятдаги ўрни, вазифаси ҳар бир даврда, ҳамма замонларда ниҳоятда муҳим бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Лекин тарихий бурилишлар даврида унга эътибор янада кучаяди. Бу ҳам табиий бир ҳол. Чунки халқ орзулари, армонлари, узоқ вақтдан буён амалга ошмай ётган ниятлари восил бўлажагига дастлабки умидларни шоир-ёзувчиларимизнинг асарлари уйғотади. Рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, яхшиликлар билан халқ оммаси кенг миқёсларда ана шундай бадий асарлар орқали учрашади. Бу эса, ўз навбатида янгича яшамоқ, янгича фикрламоқ куртақларининг барг ёзувини таъминлайдиган омилларни фаоллаштиришга олиб келади...

— Бахтиёржон, фикрингизни тушундим. Сиз суҳбатимизни ҳозирги ҳаётимиз кун тартибда турган энг муҳим масала — қайта қуриш ва ёзувчиларнинг бу жараёндаги ўрни, вазифалари деган мавзудан бошламоқчисиз, чоғи. Мен бу ўринда шуни айтишим мумкин: ҳозир қайта қуриш масаласига давлат миқёсида алоҳида, биринчи даражали эътибор берилмоқда. Бу — шубҳасиз тўғри ва бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Бу эътиёж тарих талаби сифатида майдонга чиқди. Такрор айтаман: қайта қуришни бизнинг халқимиз бошлаб берган бўлса ҳам, унинг биз учун ниҳоятда зарурлиги сезилиб қолган бўлса ҳам, бу нарсани ҳозирги умуминсоният учун энг зарур эътиёж сифатида катта тарих, инсониятнинг янгича фикрлаш мезони кун тартибига келтириб қўйди. Акс ҳолда тарих гилдираги қай томонга қараб гилдираши мумкин эди, ким билади, дейсиз.

Лекин мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Тараққиёт учун, диалектика учун бу тушунча ҳеч қачон бегона бўлган эмас. Айниқса, бу жараёнда ўзини масъул билган ижодкорлар учун. Қайта қуриш деган тушунча, ҳатто истасангиз туйғу, ҳар бир замоннинг ҳаққоний ижодкори вужудда жонли жавҳар бўлиб келган, бошқача бўлиши мумкин эмас. Буни аксиома дейсизми, бадий ижоднинг ёзилмаган қонуни дейсизми нима десангиз денг, худди шундай.

— Фикрингиздан келиб чиқиб, шоир-ёзувчиларни, ижодкорларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: бири, қайта қуриш, ҳаётни яхшилаш, ўзгартириш, деган тушунчани ҳаётининг бош аъмоли қилиб олиб, қайси жамиятда яшайдан қатъий назар, унинг камчиликларидан кўз юммай, жасорат билан курашувчилар; иккинчиси эса, эришгани билан қаноатланувчилар, ўз тинчлигини кўзловчилар, фақат бор нарсанингина куйловчилар, бошқача айтганда «маданий маддоҳлар».

— Ҳа-да. Нимасини айтасиз, яширишнинг нима кераги бор, фақат биздагина эмас, сўнгги босқичда бутун мамлакатимиз миқёсида, сиз айтган кейинги «тип»даги ёзувчилар жуда кўпайиб кетди. Шуниси алам қиладими, мансабу-мартабалар, каттадан-кичик унвонлар халқ дардини, камчиликларимизни айтишга интилганларга эмас, мана шундайларга қаратилди. Агар ёзувчилар халқ уларнинг ордидан эргашувчи, уларнинг гапига қулоқ тутувчи катта ижтимоий куч эканини назарда тутадиган бўлсақ, жамиятимизда рўй берган турғунликларга ана шундай қиёфадаги қаламкашларнинг қўшган улуши оз эмас, деб ўйлайман.

— Мендан касбдошларим, танқидчилар ўпкаламасин-у, лекин адабий жараёндаги бу ҳодисанинг, деярли тенденцияга айланишида, яъни ҳаётимизни хом-хатала, юзаки тасвирлаган асарларни кўкларга кўтаришда ва аксинча, халқимизнинг ташвишлари учун жон куйдириб, камчиликларни очиқ кўрсатишга ҳаракат қилиб ёзилган асарларни «фош» этишда, уларни салкам зарарли деб баҳолашда танқидчилик ҳам узоқ йиллар мобайнида «тегирмонга сув қўйиб» келди. Натижада, халқчилик деб аталмиш адабиётимизнинг муқаддас принципини догма ҳолида, бир ёқлама, чекланган равишда, гоҳида эса, ҳатто янглиш талқин этиш ҳоллари рўй бера бошлади.

— Гапни халқчилик масаласига олиб келиб боғлаяпкан экансиз, мен бу ҳақда шуни айтгим келади: ҳар қандай ижодкор учун халқини куйлашдан, юртининг оғриқлари билан яшашдан ҳам муқаддасроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Мен шундай тушунаман ижодни. Тўғри, мавзу ва масалаларнинг чеки, канораси йўқ. Лекин шахсан мен учун севинч-дардим-бари Ватанимдир. Шунинг учун қайси бир шеърда мунгли оҳанглар, дардли туйғулар учраб қолса, буни Ватандан зорланиш, халқнинг ҳаётини бузиб кўрсатиш сифатида талқин этиш, бу бориб турган саводсизлик ёки бефаҳмлиқдир. Агар халқ учун, Ватан учун қайғуришки шундай баҳоланса, яна нима дейиш мумкин. Ахир ўйлаб кўринг, қайси бир шоир ўз халқини, Ватанини абгор қилишни истар экан. Қизик, баъзида шоирни халқ дардини эмас, шахсий дардини, тор туйғуни ёзаяпсан, деб савалаб қолишади. Ахир бу шўринг қурғур шоир ҳам ўзи мансуб халқ этининг бир парчаси-ку. Шу халқнинг бир вакили, аъзоси бўлмай ким у? Осмондан тушибдимми?

— Адабиётимизда типиклик деган нарсалар бор. Биз буни ҳам унутмаслигимиз керак-да.

— Сиз назарда тутаетган типикликка мен ҳам қарши эмасман. Лекин худди мана шу профессионализм — керагидан ортиқ даражадаги профессионаллашув баъзан адабиётимизнинг қон томирини заҳа қилади. Назариянинг тўғри ва йўналтирувчи кучи яхши маълум. Лекин фақат

назариягина амалиётни белгиламай, амалиёт ҳам назарияни ривожлантириб, бойитиб бориши зарур ва лозимлигини унутмаслигимиз керак. Айниқса, бу ҳодиса бадий ижодда ўзига хос кўринишларда зоҳир бўлишини ёдда тутишимиз зарур. Бир вақтлар Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарларига шу типикликни дастак қилиб олиб, берилган нотўғри баҳолар бизга ибрат бўлмоғи керак.

— Сиз мисолларни классикларимиз ижодидан ва бироз олис йиллардан олдингиз. Ҳолбуки, масалага шундай қарашлар яқин йиллар ичида, хусусан, сезинг айрим — «Тилла балиқча», «Биринчи муҳаббатим» сингари асарларингизга бўлган муносабатлардан ҳам топилди-ку.

— Фақат бу шеърларимгина эмас. Мен сизга 1968 йилда ёзилган «Илғор ишчи ва чаққон мухбир қиссаси» деган бир шеърим билан бўлган воқеани айтиб берай. Унинг қисқача мазмуни шундай: Мухбир бир ишчини «балиқчилар куни вахтасида туриб меҳнат қилаяпти» деб газетага ёзади. Биринчи мартаба ишчи «ҳа энди, ёзибди-да», деб кўя қолади. Кун етиб ишчининг хотини туғиб қолади, шунда у энди икки сменада ишлайди. Ейиш керак, у керак, бу керак, талаб кўпаяди. Мухбир тагин келади-да, демак, ишчи бу сменада юз эллик фойиз планни бажаряпти, деб яна катта бир мақола билан чиқади, пешқадам бўлиб. Ишчи бунга яна чидайди. «Ҳай майли, ёзибди-да» деб кўя қолади бу сафар ҳам. Учинчи марта ишчининг онаси қазо қилиб қолади. Шеърда «Марҳумнинг ўзи бориб кирмайди-ку қабрга» деган сатрлар бор. Энди у уч сменада ишлайди. Энди мухбир: «ишчи Май байрами вахтасида туриб планини уч юз фойиз бажарди деб мақола ёзиб, суратларини газетада катта қилиб чиқаради. Энди ишчи бунга чидай олмайди. «Биринчисига чидадим, иккинчисига чидадим, яхшиликка тўғри келиб турувди, энди буниси яхшиликка тўғри келмайди. Онам қазо қилганида масҳара қилишнинг нима кераги бор, одам ўлиб турибди-ку, мен Май вахтасида туриб меҳнат қилганмишман. Нега ахир, одамнинг дилини англамасдан ёзасан. Сен айтаятган улуг ғоялар бизнинг дилимизда ҳам лиммо-лим. Лекин одамнинг дилини сўрасанг бўлмайдими? Аҳволинг қандай? Нима деб ўйлайсан?» — деб, ишчи фиғони чикиб мухбирни қидириб редакцияга боради:

**Кейин билса, мухбирнинг ҳам
Бор экан ўз ноласи:
Чиқим учун ёзган экан,
Тўққан экан холаси.**

Албатта бу ҳолатни типик деб қараш керак эмас. Воқеа содир бўлиши нуқтаи назаридан асар типик бўлмаслиги мумкин. Лекин ундан чиқадиган хулосалар типикдир. Бу ерда асар ва унинг воқеасидан кўра хулоса ва ғоя биринчи планга чиқади.

Шеърни матбуотга йўлатишмади, албатта. Шеър матбуотда чиқиши у ёқда турсин, мени анча дашномларга рўбарў қилди. Уй масаласида у ёқдан бу ёққа кўчиб юришларим натижасида шеър йўқолиб кетди. Уша пайтларда қайсидир мушоирада ўқиганимда шеърхонлардан бири магнитофон лентасига ёзиб олган экан. Яқинда Фарғона водийсидан топдим бу шеъримни.

Абдулла Қаҳҳор бир учрашувда: «Бу бола ўзи ишонмаган, билмаган нарчасини ёзмайди» деган эдилар. Ҳозир бу гапни Абдулла ака айтганлари учунгина фахр билан тилга олаётганим йўқ. Айтмоқчиманки, адабиётимизда ҳақ гапни, тўғри гапни жасорат билан айта оладиган Абдулла Қаҳҳордек ёзувчиларимиз бор эди. Менга у кишининг пиёласидан сув ичиш насиб этганига фахрланаман. У киши бизнинг бахтимиз эди. Лекин афсуски, у киши тўғри сўзи учун ноҳақ азият чекиб кетди.

— Моддий ҳаётимизда рўй берган алдам-қалдамчилик, кўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳақида очиқ-ойдин гапиряпмиз. Бу жуда яхши. Камчиликларни дадил фош этапмиз. Лекин шунга ўхшаш ҳодисалар идеологиямизда ҳам, таълим-тарбия ишимизда ҳам оз эмас эди. Деярли бир авлод баландпарвоз, илиги пучоқ, реаллиги кўринмай турган ваъданамо сўзлар ва агар очигини айтиш мумкин бўлса, ҳатто ҳаётда тадбиғини топмаган баъзи бир партиявий ҳужжатлар, шюрлар таъсирида возга етди. Адабиётнинг ҳам мана шу оқим таъсирига тушган пайтлари бўлди. Йиллар давомида шакланган бу авлод тарбиясидаги камчиликларни бартараф этиш учун бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни ҳам дадил айтишимиз зарур. Акс ҳолда ҳозир олиб бораётган умумхалқ ишимизда олга силжишимиз жуда қийин бўлади.

— Ҳозирги кунларда айтилаётган кўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, дабдабабозлик, ёлғон, алдамчилик фақат моддий ҳаётнинг ўзидагина эмас, балки маънавий жиҳатдан одамларни лақиллатишда ҳам рўй берди. «Эртага ёки индинга бутун остона тиллодан бўлади, ҳаммаёқ гуллаб кетади, яшнаб кетади, ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ», каби гапларнинг ҳаммаси 60-йилларда айни гуллаб турган маҳали эди. Ҳозир энди «ёв қочса, ботир кўпаяди» деган гап эмас бу. Уша вақтда ҳам виждонли ёзувчилар бу масалаларни эътибордан четда қолдиришган эмас.

А. Қаҳҳор ўзининг асарларида айтган бундай гапларни. Бир куни Абдулла ака «Нурли чўққилар» номили ҳикояларига эпиграф ёзиб беришимни илтимос қилдилар ва ҳикоянинг мазмунини айтиб бердилар: «Бир эгизак опа-сингил бўлади. Биттаси ердан оёғи узилмаган, меҳнат қилади, ҳамма нарса осмондан эмас, меҳнатдан келишини яхши билади. Лекин унинг опаси қандайдир улуг-улуг шюрларни айтиб юраверади. «Бизни «нурли чўққилар» кутаёпти», деган ҳавойий ғоя бутун қалбини чулба олган. Шу ёлғон умид уни таназзулга олиб келади».

Мен ҳикояга йигирмага яқин вариантда тўртлик ёздим. Устозга ушбу тўртлик маъқул келди:

**Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,
Эсга тушар дорнинг сиёғи,
Ажаб ҳикмат: одам ўларкан
Узилганда... ердан оёғи.**

Дорга тортилган одам ердан оёғи узилгандан кейин ўлади. Бу хотирани келтиришимдан муродим шуки, ўша йилларда ҳам давр иллоти — фирромчилик, алдамчилик, маънавий ёлғончиликларни пайқаган ёзувчиларимиз бўлган. Лекин, афсуски, бундай асарларнинг ҳаммаси ҳам чиқармас эди. Матбуотда чиққанлари эса муаллифларига анчагина маломатлар «туҳфа» этарди.

«Тилла балиқ» ҳақида ҳам ҳалигача ёзиб туришадди. Мен бу шеърни ёзганда Ўзбекистонни ҳам, Ўрта Осиёни ҳам, мамлакатни ҳам ҳеч қачон кўзда тутган эмасман. Бу шеърни ҳар қандай мамлакатда, ҳар қандай тузумда яшайдиган шоир ҳам ёзиш мумкин. Бундай шеър ҳозир эмас, икки

юз йил бурун ҳам ёзилган бўлиши мумкин. Изласангиз классик шоирларимиз байтлари орасида шунга ўхшаш фикрлар «ғуж-ғуж» топилиши мумкин. Одамга алам қиладиган жойи шуки, балиқча бор дунёни ўзи яшаётган сассиқ ҳовуздан иборат деб билади. Ҳолбуки, дунё — сассиқ ҳовуз эмас, анча каттақон, гўзал, мўъжизакор бир олам. Лекин шу балиқни сассиқ ҳовузга келтириб ташлайдилар, бунга балиқ айбдор эмас. Нима қилсин, тилла балиқнинг айби йўқ бунда. Ҳовуз шундай бир суви айниган ҳовуз экан, унинг ичидаги балиқ, у тиллами, дурми, илоҳий балиқми, Пушкиннинг ўша мўъжизакор олтин балиғи бўладими, барибир, шунга тушгандан кейин нима бўлади, бошқа ер юзини кўрмагандан кейин дунё шу экан, дейди-да.

— Лекин, Абдулла ака, очигини айтсак, сизнинг ҳам ўша йиллар шамолига бурилган, давр ёғригига қараган шеърларингиз ҳам йўқ эмас. Улар ичида мавсумий бўлишига қарамасдан ўз услубингизда ёзилганлари ҳам ва айни вақтда ўзингизнинг изчил услубингизга бироз бегонасираб турганлари ҳам бор. Ана шундай шеърларингизни қомил ишонч билан ёзганмисиз, ёки шунчаки ўткинчи шеърлар бўлади, деб ўйлармидингиз? Балки уларнинг айримлари пайдо бўлишига илжосизлик мажбур қилгандир?

— Сиз менга юрагимнинг тубида бир неча йилдан бери тошдек чўкиб ётган ва жавоб беришим, эҳтимол, сиз ўйлаганчалик осон бўлмаган саволни бердингиз. Тўғри айтяпсиз. Лекин ўз навбатида шуни айтишим керакки, мен ҳам одам боласиман. Бу билан барчага тааллуқли бўлган камчилик менга ҳам бегона эмас, деб ўзимни оқламоқчи эмасман. Мутлақ. Агар шундай деб ўйласам, дунёда ҳеч қайси бир шоир бундай қусурлардан истисно бўлмаган ва бўлмаган деб жавоб беришим мумкин эди. Мен бундай демоқчи эмасман. Ижодкор минг уринсин, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам жамиятдан узилиб яшай олмайди. Чунки у жамият фарзандидир.

Эсингиздами, агар ўқиган бўлсангиз Я. Полонскийнинг қайси бир «Альбомга» дейилган шеърда куйидаги сатрлар бор:

**Гар адибнинг жаъмики бори
Бўлса халқнинг виждони, ори.
Ҳақиқатнинг маҳв бўлгани он
Енгилмоғи унинг ҳам аён.**

Мен ҳам «ура-ура» деган шеърларни кўп ёзганман. Демак, бор гап, ҳақ гап шу экан деб, ўйлаганман. Идеал ҳақидаги ўз тушунчаларимни илгари сурган шеърларим оз эмас. Буни сиз ҳам, адабиёт ихлосмандлари ҳам яхши билишади. Лекин идеал тушунчасида фақат замонага, даврга хос муносабатлар ҳам бор. Доимо, ҳар бир шеърда замондан ташқарига чиқиб кетавериш мумкин эмас. Маттабда стандарт идеаллар асосидагина тарбия топган бўлсак, ана шундай идеаллар билангина тўлиб-тошган адабиётни ўқиб вояга етган бўлсак, кун ора қатнашадиган мажлису минбарлардан ҳамма нарсани қотириб ташладики, эртага бундан ҳам зўрроқ бўлади деган гапларни эшитиб турсак, кўчага чиққанингизда пешонангизга «ярқ» этиб ёпишадиган шиорлар шулардан иборат бўлса, қўндалик матбуот шундан бошқа гапни гапирмаса, баъзан, «коммунизмни фалон кун, фалон числода қурамузга олиб келиб қўйган бўлсак... Ишонмай кўринг-чи!.. Лекин XXVII съезддан кейинги шарт-шароитлар менинг қарашларимда ҳам ҳамма қатори ўзгаришлар вужудга келтирди. «Ишонч кўприқлари», «Хусумат» каби шеърларим, бир қатор туркумларим бунга далил бўла олади, деб ўйлайман.

— Абдулла ака, Сиз менга бир вақтлар «Ложувард осмон» деган тўплам тайёрлаганингизни айтгандингиз, янгилашмасам, ҳатто китобнинг муқовасини ҳам кўрган эдим. Лекин шу китобингиз негадир нашр этилмай қолди. Аслида бу шеърларнинг кўпи матбуотда чиққан эди. Лекин шунга қарамасдан у китоб ҳолда юзага чиқмади.

— Тўғри, шундай бўлган. Афсуски, биз кўпинча, Бахтиёржон, ўтган кўп камчиликларни жамиятнинг, даврнинг бўйнига юклашга ўрганиб қолганмиз: жамият шунақа буюрган эди, шунақа шароит эди, деймиз. Бу — жудаям осон йўл. Одамларнинг ўзидаги шахсий жавобгарлик, масъулиятни бошқага, умумга тўнкаш бир жўн гап. Баъзан жамиятнинг жузъий нобопликлари айрим қилвир шахсларнинг мақсадларига, шумликларига мувофиқ келса, иллатларга, фирромликларга гуллаб кетади. Шунинг учун мен адибларимизнинг ўзаро муносабатлари деган ниҳоятда муҳим масалани кўпинча четлаб ўтишимизга қаршиман. Асар муҳокама қилинади, кейин нашрга тасвир этилади. Дейлик, Ойбекнинг «Навоий» романи, А. Қаҳҳорнинг пьесаларию романлари, қиссалари ҳам танқидга учраган. Лекин шу асарлар танқидга учраганда маълум бир нуқталардан албатта махсус топшириқлар муттасил келиб турганига баъзида шубҳаланаман. Адиблар, шахслар аро ички келишмовчиликлар, низолар бўлади. Лидерлик учун кураш бўлиши-ку, бу бир табиий ҳол. Лекин ўзаро муносабатларда ҳасад, ғараз бу ёмон нарсас. Ана шулардан келиб чиқиб, кўзга кўриниб турган муваффақиятли асарларни яқсон қилиш, уларни халққа етказмасликка уриниш, унинг авторини бир ёқли қилиш, четга суриш, шахсига қора чаплашлар бўлиб туради. Мана шундай ғаразли мақсадлар билан кўпгина асарлар бошига мағзавалар тўкилган. Шунини биз бундан кейин ҳам назардан қочирмаслигимиз ва бунга қарши жуда жиддий курашувимиз керак. Ўша «Ложувард осмон» деган китобимга кирган шеърларнинг тўқсон фойизи матбуотда чиққан. Баъзилари аввалги китобларимда ҳам босилган эди. Демак, тегишли ташкилотларнинг вакиллари ҳам шу шеърларни олдиндан ўқиган. Лекин янги китоб ҳолига келтирилганда бу шеърлар кимларгадир ёқмай қолибди. Шундай қилиб китоб чиқмасдан қолиб кетди. Хўш, энди бу ёғига нима дейсиз. Ундан кейинги бошқа бир нашриётда чиққан китобимда ўша шеърлар бемалол нашр этилиб кетаверди. Демак, ўша маҳалда нашриётда ўтириб китоблар тақдирини ҳал қилувчи менинг касбдошларим тўпламнинг чиқишини хоҳламаганлар. Ва бунини жамиятнинг бўйнига тўнкаб, бу асарлар бизга тўғри келмайди қабилида китобни йўққа чиқариб юборганлар. Аслида эса китоб авторининг ижод қилиши ҳам, барҳаёт юриши ҳам уларга ёққан эмас. Шунинг учун бир қараганда ўзаро низолардек туюлган, аслида жуда муҳим мана шундай иллатларга кескинроқ муносабатда бўлишимиз керак. Қадимгилар айтганки, ҳар кимнинг гўри бошқа, азройили бўлак. Ҳеч ким бировнинг шон-шухратини тортиб ололмайди ёки бировга шон-шухрат бахш этолмайди ҳам. Олам, табиат шундай қурилган. Ҳар ким ўз овозида, ўз даражасида кўлайди. Шунинг учун мен мана шундай ҳасад, ғараз туйғуларга ниҳоятда нафрат билан қарайман. Ҳаттоки ажалдан ҳам кўра — ана шулардан кўпроқ нафратланаман.

Бир одамга антипатия-симпатиядан келиб чиқиб муносабатда бўлишга ва буни жамият номидан баҳо сифатида тақдим этишларга чек қўйишимиз зарур. Буларнинг ҳаммаси, турган-битгани зарардир. Демокриманки, каттами-кичкми, бундан қатъий назар биз истеъдодли ижодкорларимизнинг ҳар бирини астойдил қўллаб-қувватлашимиз, муваффақиятларидан хурсанд бўлишимиз, буни эътироф этишимиз керак. Буни мен адабиёт воситаси ила халқ умрини — ҳали келажақда минглаб йиллар мобайнида давом этиши керак бўлган халқ умрини узайтириш деб тушунаман. Истеъдодларни қадрлай билиш, муҳкам биқикликлардан мустасно миллий маданият равнақиға жонкуярлик халқ, унинг жонкуяр фарзандлари онги юксаклигини белгилайдиган мезонлардан бирдир.

— Сиз шахснинг, инсоннинг маънавий поклиги, тозаллиги, интеллектуал даражаси билан алоқадор бўлган муҳим масалани ўртага ташлаясиз. Шу муносабат билан яқинда «Огонёк» журналида эълон қилинган мақолаларидан биридаги ёзувчи Виталий Коротичнинг фикри ёдимга келди. Чернобилдаги фожиа, даҳшатли моддий фожиадир. Энди бундай ҳодисалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз зарурлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, — дейди у. — Лекин даҳшати ундан кам бўлмаган фожиалардан янада эҳтиётроқ бўлишимиз керак. Инсоният маънавий Чернобилдан эҳтиёт бўлмоғи зарур.

Тўғри, маънавийлик, маънавийёт масаласи ҳамма даврларда жамиятдаги энг муҳим проблемалардан бири бўлиб келган. Лекин инсоният ҳозирги даврдагидек ўзининг юксак тараққий этган босқичига кўтарилган бир пайтда бу ўткир социал ҳодисанинг нафақат алоҳида шахс, балки халқ, жамият ва айтиш мумкин, тарихга кўрсатажак кучи ниҳоятда фаол тус олди. Бу масалага партия XXVII съездида, сўнгги йиллардаги деярли барча партиявий ҳужжатларда алоҳида эътибор берилмоқда. Маънавий қадрлар масаласи мамлакатимиз ҳаётининг кун тартибидея иқтисод, сиеъат, илм-фан билан бир қатордаги долзарб масалага айланди. Турмушимизнинг барча соҳалари қатори, айниқса, ижодкорлар орасидаги жуда кўп масалалар у ёки бу даражада ҳал бўлишида маънавий муҳит катта роль ўйнайди.

Умуман, республикамиздаги маънавий муҳит секин-аста изга тушиб бораётибди. Асоссиз равишда ечилмай ётган масалалар ҳал бўлмоқда. Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳордек улкан санъаткорларимизнинг уй музейлари ташкил этилганидан халқ ниҳоятда хурсанд бўлди.

— Ҳаёт ҳеч қачон силлиқ жараёнлардан иборат бўлган эмас. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши деган диалектик қонун бор. Бусиз тараққийёт йўқ. Ижодий принциплар кураши ҳам доимо бўлиб келган. Лекин чиркин шахсий адоватлар ёмон. Таъма ижодкор учун энг катта фожиалардан биридир. Ошқоралиқ деган жуда яхши тушунчани ниқоб қилиб олиб айрим одамлар бир-бирдан шахсий ўч олиб юришини, билмадим, нима дейиш мумкин. Бу — ўша одамлар ўз ожизлигини намойиш қилишдан бошқа нарса эмас-ку, ахир.

Энди, Бахтиёржон, майдароқ гап бўлса ҳам бир мисол келтираман. Ёзувчилар союзидаги зал тўла йиғинлардан бирида катта бир шоиримиз минбарга чиқиб: нега фалончи китобхонлар билан кўп учрашувга боради, нега бундай учрашувларга одамларнинг кўп келиши ташкил қилинади, нега унга одамлар кўп қарсак чалади, бошқаларга эса бундай қилинмайди, деса бўладими?

— Балки, ҳазиллашгандир!

— Йўқ, жиддий гапиряпти. Буни эслатишимнинг сабаби шуки, менга нисбатан ҳам шундай писандалар бўлиб туради. Демак, бояги гап яқка ҳодиса эмас. Мен ҳам кўп учрашувларда бўламан. Учрашувга келганларнинг ҳар бирининг исми-фамилиясини албатта билмайман. Улар менга қариндош-уруғ эмас, улар билан борди-келди қилиб, бир пиёла чой ичиб юрган эмасман. Улар минг-минглаб одамлар. Уларга рўбарў бўлиб битта шеъримни ўқиб берсам, ёқса керакки, ўз эҳтиросларини, миннатдорчиликларини чапак чалиб изҳор қиладилар. Баъзилар буни тўғри тушунишади. Баъзилар эса, бундан ғазабини яширолмайди: «Нега улар сенга қарсак чалишади», — дегандек. Мен қайдан биламан, уларга қарсак чал, деб ўргатиб қўйган бўлмасам. Тўртта қарсакни эшитиб хурсанд бўлиб юрадиган ёшдан ўтган бўлсам. Мен матбуотдаги шеърларни муттасил кузатиб бораман. Улар ичида бир шоирнинг иккинчи шоирга қочирим билан ёзган шеърлари ҳам учраб туради. Унинг ичидаги эпителир, истеъзолар, кинояларни айтмайсизми? Буларнинг миллион-миллион одамларга, халққа нима алоқаси бор? Бу ўз аламлирини муҳолифларига айтишининг бир усули. Лекин унинг муҳолифи битта ёки иккита бўлиши мумкин. Бунинг каттакон халққа нима алоқаси бор? Шу гапларни матбуотда чиқарамиз. Халқ ўқийди, тушунмайди. «Кимга айтаяпти бу гапни», — дейди. Ҳа, айтмасликка жуда чидаёлмасанг телефон қилиб ўзига айтиб қўя қол. Жанжалнинг, келишмовчиликнинг бўлса маҳаллий комитет мажлисида чиқиб айт. Маҳаллий комитет мажлисиға муносиб гапни, шеър қилиб, кўкрагинга уриб, уни яна матбуотда бостириш учун олишиб, чиққандан кейин эса, қалай, боладимми, дегандек одамларга иржайиб, гап кутиб юриш шартми? Умр ўтяпти, ахир, ўзингдан бир тайинлироқ нарса қолдирсангчи. Очиғи, раҳим келади шундайларга... Хуллас, агар қўйиб берсалар, яхши ёзувчимисиз, ёмон ёзувчимисиз, бундан қатъий назар, кимларгадир ёқмадигизми, бас, истаганча олиб бориб — олиб келишга тайёр бўлган, ҳеч нарсадан тоймайдиган одамлар бизнинг қавмининг орасида ҳанузгача топилади. Шунда ўйлаб қоламан: яхшиямки, ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб турадиган бизнинг партия ташкилотимиз бор. Мен буни «нажот қалъаси» деб атаганман. Бундан кейин ҳам шундай деб атайман. У ерда ким раҳбар бўлиб ўтиришидан қатъий назар, мен доимо шундай дейман. Чунки менга партия иродаси шу ерда жаъм бўлиб кўринади.

— Сиз кейинги ўн йилликда «Савоб», «Тулки фалсафаси», «Учинчи одам», «Нажот қалъаси», «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси», «Онажоним шеърят», «Ишонч кўприклар» сингари бир қатор шеърлар яратдингиз. Улар элимизга манзур бўлди. Танқидчилик уларни ҳозирги шеърятимизнинг юзи, сара намуналари, деб баҳолади. Лекин сизнинг асарларининг эътироф этиш бугун ёки кеча бошлангани йўқ.

Чамаси, 70-йилларнинг ўрталаридаёқ атоқли совет шоири Николай Тихонов сиз ҳақингизда: «Янги авлод орасида умидвор қиладиган, қудратли овозга эга бўлган шоир Абдулла Ориповдир», деган эди. Бу фикрнинг совет адабиётининг таниқли арбоби Москвада 1976 йилнинг феввалида КПСС XXV съезди арафасида Союзлар уйининг колонна зали минбаридан туриб ўзбек шеърятига бағишланган кечада айтган эди. Тихоновдек жаҳон адабиётини яхши биладиган, давримиз

шеъриятидан чуқур хабардор кишининг ёш бир ўзбек шоири ҳақидаги «қудратли овозга эга бўлган шоир» деган фикрлари шахсан мени ниҳоятда тўлқинлантиради, ғуруримга ғурур қўшгандек бўлади. Тихонов сизнинг:

Кимдир кўрмай кетган бахтни мен кўрдим,
Кимдир айтмай кетган сўзни айтдим мен...
Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражак,
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир,—

деган мисраларингизни келтириб, уларга юқори баҳо берган, яна «Истеъдодли шоир Абдулла Орипов ўз ижодининг маълум даврига яқин ясади», — деган эди. Қаранг, атоқли шоир эндигина ўттиз бешга кирганингизда, ижодингизнинг маълум босқичига яқин ясалди, деб хулоса чиқармоқда, қудратли овози бор шоир деб баҳо бермоқда. Мен унинг бу фикрларида шу вақтгача ёзилган асарларингиз қимматини белгилашдан ташқари, ҳали келгусида, ёзилажак асарларингизга билдирилган катта ишончини кўраман, потенциал имкониятларингизга билдирилган катта умидни сезаман. Ҳолбуки, 70-йилларнинг ўрталарида ҳали «Маломат тошлари», «Йкар», «Онажоним, шеърят», «Кўриқхона», «Жаннатга йўл» сингари асарларингиз майдонга келмаган эди. Бу шеърлар катта санъаткорнинг янглишмаганини яна бир қарра тасдиқлади.

Мен бу фикрларни фақатгина сизга эмас, бошқаларга ҳам алоқаси бўлган яна бир фикрга ўтиш учун келтирмоқдаман. Гап шундаки, биз у ёки бу ижодкор, айниқса, ёш ижодкор ҳақида мулоҳаза юритганимизда унинг таланти барқ уриб туришига қарамай, яратётган асарлари нечоғлиқ гўзал ва дилбар эканига қарамай, у ҳақда юқори пардаларда гапиришдан ўзимизни тийиб турамир. Осмонга кўтаравермайлик, ғурурланиб кетади, ҳатто бу нарса унинг ижодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган гаплар одат тусига кирган. Тўғри, аслида бундай фикрларда ҳам жон бор. Мақтовларга учиб ўзини ялтоқлантириб қўювчилар ҳам оз эмас. Адабиёт дунёсидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Умуман, керагидан ортиқ даражадаги мақтов фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши турган гап. Лекин, бу деган гап ўзининг ҳақиқий юқори баҳосига муносиб бўлган ёш ижодкорлар, уларнинг асарлари ҳақида ўзимизни «қантариб» фикр юритишга мажбур қилишимиз керак, деган гап ҳам эмас, албатта. Шу муносабат билан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сиз анчагина ёш кезларингиздан бошлабқо умумхалқ эътиборига тушдингиз. Асарларингиз мана, деярли йигирма йилдан буён не-не катта санъаткорларнинг юқори баҳосини олиб келади. Вақтида ўринли-ўринсиз қаттиқ дашномларни ҳам эшитишингизга тўғри келди. Ассосиз танқидларнинг салбий таъсирлари ҳақида нима дея оласиз! Мақтовлар шодаси-ю, умумхалқ эътибори сизни бироз гарангситиб қўйган вақтлари бўлганми? Умуман, бу ҳар икки ҳолатнинг инсон ва ижодкор сифатида ўсишингиз, ўзгаришингизда қолдирган излари ҳақида нима дея оласиз?

— Камтарликка йўлманг-ку, лекин тўғрисишни айтсам, мақтовлардан ҳеч қачон гарангсиган эмасман. Ишқилиб, баҳоли қудрат қоралаган, тунни тонглава улаб ёзган нарсаларинг ҳақида илиқ гапларни эшитиш кимга ёқмайди, дейсиз. Лекин яхши гапни ёқтиришда ҳам метёрни унутмаслик керак. Акс ҳолда ёзувчи ҳам сўригичга ўрганган гўдакка ўхшаб қолади. Гўдак ярим тунда уйғониб сўригич талаб қилавергандек, мақтовга сел бўлган ёзувчи билан гаплашганингизда ҳар икки сўзингизнинг биридан мақтов ҳиди келмаса, бошингиз балога қолади. Мақтов қулига айланган кўплаб ажабтовур ёзувчиларнинг ижоди бевақт сўлганини яхши биламан. Шу нарсдан воқифлигимми, билмадим, ишқилиб шукур шеърларим ҳақидаги Ойбек, Қуғултиндовек, Расул Ҳамзаев, Қайсин Қулиевдек жуда катта санъаткорларнинг менга нисбатан айтган ширин гаплари ёки бояги айтганингиз Тихонов домладек машҳур кишиларнинг баҳолари мени ортиқча талтайтирмади, гангитмади. Лекин ниҳоятда хурсанд қилгани бор гап. Қилаётган ишларнинг тўғри ва одамларга керак эканини билиш, бу — сўз билан ифодалашга доим ҳам бўйсинавермайдиган ажиб бир туйғудир. Қўлига қалам ушлаган ҳар бир киши, ҳар бир ижодкор каби мен ҳам яхши гапнинг, илиқ гапнинг гадосиман, яшириб нима қилай? Шунинг учун кимдир яхши асар ёзса-ю, унинг баҳосини билатириб, ўз фикрини айтиши мумкин бўлган одам оғзига толқон солиб юрavers, бундай одамнинг гуноҳи ўзида деб биламан. Мен буни фақат ўз номимдангина эмас, қатор яхши асарлар ёзаётган кўплаб укаларим учун ҳам айтяпман.

— Ўзимизнинг адабиётдаги устозларингиз, дўстларингизни кўпчилики яхши билади. Қардош халқлар адабиётидаги дўстларингиз, устозларингиз ҳақида нималар дея оласиз!

— Умуман, мен адабиётларимиз тарихидаги ёзувчилараро ҳукм сурган дўстликка ҳавас қиламан. Ойбек ва Мухтор Авезов, Ғафур Ғулум ва Собит Муқонов, Ҳамид Олимжон ва А. Фадеев, Абдулла Қаҳҳор ва К. Симонов... Бундай дўстликкаро халқлар дўстлиги мустаҳкамланади. Менинг ҳам Улжас Сулаймонов, Мўмин Қаноат сингари яқин дўстларим бор.

Устоз деб билган кишилардан Қайсин Қулиевни ҳеч қачон унутмайман. Қайсин оға менга жуда катта ёрдам берган. Шеърларим эълон қилинмай, қийин шароитларда юрганимда бу киши менинг «Муножотни тинглаб», «Тилла балиқча» каби шеърларимни Твардовскийга тавсия этди, босишга кафолат берди. Твардовский уларни таржима қилдириб, «Новый мир» журналида эълон қилди. Кўп ўтмай Твардовскийдан телеграмма олдим. У киши янги шеърларимнинг сўзма-сўз таржимасини юборишни сўрадилар. Юбордим. «Новый мир»нинг муқовасида «кейинги сонларда А. Ахматова, А. Орипов шеърларини эълон қиламиз» деган хабар чиқди. Лекин Твардовский оламдан ўтгач, бу гаплар қолиб кетди. Кўрпачисми, ижодкор учун раҳнамо кишининг аҳамияти қай даражада муҳим. Ана шундай катта қалбли инсонлар, катта қалбли адиблар сафида мен Мирзо Турсунзода домлани кўрдим. Бир қуни Мирзо Турсунзода билан Ғафур Ғулумнинг Москвада ўтган (агар янглишмасам 70 йиллик юбилейида) Колонна залида бирга бўлдим. Мен ҳам шеър ўқидим. Чиққанимиздан кейин «Абдуллажон, (ўзбек тилида жуда яхши гапирарди у киши) кузатиб қўйинг, гаплашиб кетамиз», — деди. Изғирин, қор учқунлаб турган эди. Аста юриб, кўп гапларни гаплашдик. «Мана, кўрдингизми, Ғафур ҳам йўқ... бизнинг ёшларимиз билан борди-келди қилинлар, дўст бўлинглар» деган гапларни айтди. Кейин «Литературная газета»да мақола эълон қилиб, мен ҳақимда илиқ фикрлар билдирди. Мен у кишига мактуб йўлладим. Демокчиманки, бизнинг авлод бу устозлардан фақат маҳорат сирларинигина эмас, одамийлик илмини ҳам ўрганиши керак. Мана шундай мукаммал,

бағри ниҳоятда кенг, ҳар нарсани туб-тубидан тушунадиган, қолаверса, кечиримли, одамларда яхши фазилатларни биринчи бўлиб ахтарадиган, халқлар ўртасида миллий адоват эмас, меҳр-муҳаббатни алангалатишни мурод қилган одамлар, жуда ноёб бўлар экан. Ана шундай одамларга биз ҳозирги кунларда жуда муҳтожмиз. Масалан, ўзимизнинг республикамизда ҳам шундай одамларга муҳтожмиз. Шундай одамлар бахтимизга бор. Уларнинг айримлари масъул вазифаларни бажармоқдалар, айримлари ҳозир масъул вазифаларда ишласалар ҳам ўз улуғ хизматларини керакли жойларда адо этмоқдалар, улардаги катта тажриба аталарча меҳр, боя сиз айтгандек, республикадаги маънавий муҳитни соғломлаштириш ишида ўзининг самараларини бермоқда. Бундай шахсларга муҳтожлик жамиятда ҳамisha бўлган ва бўлади.

— Мана шундай, адабиётимизга жиддий ёрдамлар бера олиш қўлидан келадиган, кучи етадиган, раҳбарликда катта тажрибаларга эга бўлган ўртоқлар, айниқса, таржима ишларимизда ўнлаб йиллардан буён ҳукм суриб келаётган камчиликларимизни ҳам бартараф этишга кўмаклашишса жуда яхши иш бўларди-да. Очиғи, Иттифоқ миқёсида беллаша оладиган шеърли асарларимиз ҳам, насрий асарларимиз ҳам йўқ эмас. Марказий матбуот саҳифаларида, нашриётларда чоп этилаётган, танқидчилар томонидан анча юқори баҳога сазовор бўлаётган қатор рус адабларининг ҳам, қардош халқлар ёзувчиларининг ҳам асарлари билан ўз асарларимизни солиштириб кўрганингизда, бизнинг ёзувчиларимиз ёзганлари ҳам уларникидан паст эмаслигини кўриб, лекин улар рус тилига ё яхши таржима қилинмагани ёки умуман ўгирилмаганини эслаб афсусланиб кетади киши. Шоирларимиз, адабларимиз ўз асарлари таржимаси хусусида, ким қўлидан нима келса, ким нимани уйдalasа, шуни қилиб ётибди, ўз ҳолича. Аксари, китоби рус тилида чиққанига хурсанд, сифати билан иши йўқ. Сифати устида тортишай деса, китоби чиқмай қолишдан қўрқади.

Бу ҳақда ҳар бир мажлисда, ҳар бир китоб, мақолада гапирамиз. Гап галлигича қолади. Тўғри, кейинги йилларда айрим тадбирлар амалга оширилди, ёзувчилар союзи томонидан, бир неча кунга кўлаб таржимонлар таклиф этилди. Сўзма-сўз таржималар қилинди. Бу яхши. Лекин бу чанқаб турган аргумонни пиёла билан сугорисдек гап. Таржима муаммоларини республикамиз ҳукумати ёки раҳбар партия органлари даражасида ҳал қилинмас экан, бу ишнинг узоқ йилларга мўлжалланган системали тадбирлари ишлаб чиқилмас экан, бажарилажак вазифалар онда-сондачиликдан доимий ва давомийликка ўтказилмас экан, адабиётимиз ҳали-бери Иттифоқ ва катта миқёсларда қанотини ёзолмай қолаверади. Грузия ёки Болтиқбўйи республикаларида бу соҳада эришилган тажрибаларни батафсил ўрганиб, биз ҳам ўзимизда тадбиқ этишимиз шунчалар қийинми! Бу республикалар адабиётини Иттифоқ ва жаҳон жуда яхши билиши бадий асарларининг савиясидан ташқари, таржима соҳасидаги ташкилий ишларнинг муваффақиятли йўлга қўйилганлиги билан ҳам алоқадор.

— Бу жуда муҳим масала. Муҳим гап. Уни ҳал қилишда ташкилий ишнинг аҳамияти катта, албатта. Лекин шунинг ўзи етмас экан, шекилли-да. Гап шундаки, таржимон одатда, бир жойда ўтириб, ким нима келтириб берса, шуни таржима қиламан, деб кутиб юрмаслиги керак экан. Афсуски, бизнинг ҳозирги Россиядаги, Москвадаги таржимонларимиз ўзбек адабиётидан яхши хабардор одамлар, дейиш қийин. Улар келиб Ўзбекистонда ўн беш-йигирма кун туришин, дейлик. Шундаям бир нозик томони борки, қайси шоир, қайси носир уни етаклаб юради. Қандай қилиб тушунтиради, бугунги адабий жараёни. Шунда ҳам, тушунтира билишда одамга кўп нарса боғлиқ бўлади. Агар у объектив бўлса, фалончининг, пистончининг асарлари, энг сара асарларимиз, мана шуларни таржима қилинг, деб айтса-ку ҳўп гап. Лекин акси бўлади, кўпинча. Бу масалага республикамиз раҳбар ташкилотлари миқёсида қарашимиз керак бўлади. Таржимонларни ҳукумат миқёсида чақириб, уларга махсус, объектив равишда айтиш керак бўлади. Бўлмаса ёзувчи халқи қизиқ, ўзингиз биласиз. Уларнинг ҳаммаси: ўртачаси ҳам, саёзи ҳам, каттароғи ҳам мен яхшиман, мен зўрман, мени таржима қилишин, жаҳонга танилишим керак, дейди. Биронтасини ҳали эшитганим йўқ, мен бўш ёзувчиман, таржимага арзимамайман, деганини. Шунинг учун биз адабиётимизни катта миқёсга кўтариш учун холислик, объективлики биринчи навбатда ўртага қўйишимиз керак. Таржима қилинадиган шеърнинг муаллифига эмас, шу асарнинг бугунги адабиётдаги ўрнига қараш керак. Шеърнинг ўзи адабиётда яшаб қола оладими? Келажи борми, унинг. Ана ўша шеърни олиб таржима қилиш керак. Она тилида ёзилган шеърни ўз тилида ўқилмаса, ўз ерида ҳеч кимга зарурати бўлмаса, биров уни эшитмаса, адабиётда қиммати бўлмаса-ю, у нари бориб қўшнингнинг ҳовлисига ноғора чалиб юрса, тўй бу ерда бўлса-да, томоша томорқада. Таржимонга талаб қўйишни, таржимон танлашни ҳам ўрганайлик-да. Ўртача шоирнинг қўлига Пушкиннинг шеърини таржимага беринг. Нима қилади. Ўзининг даражасига тушириб олади. Ўзининг бўйи билан баб-баравар қилади. Ундан бошқа илож йўқ.

Унинг фикрлаши, талант даражаси, тил билиш қувви, ҳис қилиш савияси, ҳаяжонлари ўзининг қолипида бўлади. Таржима қилаётган одам, бугун ўртача бир шоир дейлик, ўгираётган муаллифини ҳам албатта, ўртача шоирга айлантириб беради. Бу биринчидан. Иккинчидан, таржимон ва оригиналдаги муаллифнинг услублари бир-бирига мос келиши лозим. Масалан, Роберт Рождественский Расул Гамзатовнинг асарларини таржима қилди. «Известия» газетасида босилди. Роберт яхши шоир, бу шубҳасиз, лекин у ўзига хос, пиллапоя шаклда қисқа-қисқа туроқларда ижод қилади. Илож борича услубда мукамалликка эришилмас экан, таржимадан муваффақият кутиш қийин. Мен албатта, буни назарий масала деб биламан. Биласизми, ҳатто ҳар бир халқнинг ҳоҳлайсизми, йўқми, ўзининг фикрлаш тарзи, манераси бўлади. Ўз фикрини, ҳис-ҳаяжонини изҳор қилиш йўсини бўлади. Дейлик, шарқ халқларида қандайдир бир тавозе, қандайдир жиндақкина кўтаринкилик, оқибат, маҳзун ибo, илтижоли ҳаё, лутф, маъракаю маросимларда ўзини туттиш, аёлларнинг ўзарo муносабатлари, аёллар билан эркеклар ўртасидаги суҳбатдаги ўзига хослик, бир-бирига муурожаат қилишдаги ўзарo интонациялар, оҳанглар — уларнинг ҳаммаси фикрлашни, шу жумладан, бадий фикрлаш тарзини ташкил этади. Уларни таржимада бера билиш керак. Бу эса осон эмас. Улар рус тилига таржима қилинар экан, Ўрта Россиянинг, соф рус кишининг фикрлаши ёки фикрининг шакл-шамойилини таржимага ҳам ўтиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Абдулла ака, суҳбатимиз миллий фикрлаш, умуман, тил масаласига келиб боғланыпти. Бадий асар тилидан ташқари, умуман, халқ тили, айтайлик ўзбек тилининг ривожини, тараққиётини, уни

асраб-авайлаб, янада юксалтириш, деган масалалар ҳам бор. Урта мактабларда, айрим олий ўқув юртларида ўзбек тилига ажратилган соатлар йилдан-йилга камайиб борапти, деган гаплар қулоққа чалинмоқда. Бундан ташқари қатор актёрларимиз, таниқли, машҳур режиссёрларимиз борки, ўзбек тилини яхши билмайдилар. Шундай олимларимиз борки, радио ва телевидение орқали ўзбек тилида гапиришга ниҳоятда қийналадилар. Умуман, тилимизга эътибор биров кўнгилдагидай бўлмапти, шекилли, деган фикрлар ҳам келиб чиқади.

Яқинда мен Владивостокдаги ҳарбий қисмларда учрашувларда бўлиб келдим. Афсуски, республикамиздан берган аксар йнгитларимизнинг рус тилини билиши анчагина ночор аҳволда экан. Бу — республикамизда рус тилини ўқитиш ва ўрганиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади. Бу камчиликларни бартараф этишимиз кечиктириб бўлмас вазифалар эмасми! Яқинда «Правда» газетаси миллий республикада яшовчи бошқа миллат вакиллари ерли халқ тилини билмаслиги уятгина эмас, атрофиндагиларга бориб турган ҳурматсизликдир, деб ёзди. Демак, тил сиёсати борасида республикамизда қилиниши лозим бўлган ишлар оз эмас.

— Тиллар аро ҳеч қачон ўзаро кураш бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Масалан, сайраётган булбул ёнида сайраётган саъва билан ҳеч қачон жанжал қилмайди. Саъва ўзининг репертуарини куйлайди, булбул ўзининг нотасига қараб қўшиқ айтади. Демак, одамзод ҳам шундай яратилганки, ер юзида саккиз мингга яқин тил бор экан, саккиз мингга қуш ўзича сайраяпти, шундай деб қараш керак. Шунинг учун чумчуқша саъванинг тилини мажбурий ўтказиш керак деган нарсаси бу — тарихга ва умуман, табиатга қарши катта зуғум ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг тилларимиз, масалан, ўзбек тили қадимдан араб тили, форс тили, мана, тожик тили билан ёнма-ён дўстона яшаб келди-тили. Ҳозир ҳам яшаб келяпти. Бир-бирини еб, бир-бирини йўқотиб юборган эмас, ҳеч қачон. Аксинча, битта одам иккита тилни билса бойийди. Учта тилни билса, ундан ҳам кўпроқ бойигани. Ва бизга катта тарихнинг катта илтифоти шу бўлдики, рус тилини ҳам шарқ тиллари баробарида қадрдон тил сифатида қабул қилдик.

Бу фақат бизнинг маънавий ҳаётимизни безайди. Фақат безайди. Рус тилининг жаҳоншумул аҳамияти, кенг дунёга чиқишимиздаги катта, муҳим кўприк эканлигини ҳозир ёш бола ҳам билади. Бизнинг ғоявий муҳолифларимиз ҳам буни билишади. Шунинг учун аюҳаннос солишади. Ва бу ҳар қандай сиёсатдан ташқари бўлган объектив ҳодисадир. Масалан, Пушкин француз тилини жуда яхши билган, француз тилида шеърлар ёзган. Лекин бу унинг улғу рус халқининг миллий шоири бўлишига заррача халал берган эмас. Рабиндранат Тагор улғу бенгал тилида ёзувчиси, шоири, Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. Лекин бу одам инглиз тилини она тили бараварида билган ва ёзган ҳам. Лекин бу унга Ҳиндистон миллий адаби бўлишига ҳеч қачон халалит берган эмас. Кимки агар кўп тилни билса унга ҳавас қилиш керак, холос. Агар модомики, давр, шарт-шароит тақозоси билан бир тилни мукаммал билмаган экан, уни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки унинг ўз она тили бор. Ва бу тил ҳалиги биз айтганимиз каби жаҳон тиллари хазинасида гўё бир дурдона, майли; қиммати қай даражада бўлмасин, шу хазинанинг битта бўлаги ҳисобланади. Жаҳон цивилизациясини, жаҳон маданиятини яратётган бир маданият ҳисобланади. Мана Шалом Алайхум ирвит тилида яҳудий адабиётини яратди. Ҳеч ким унга дашном бермади-ку, «нега сен яҳудий тилида ёзгансан», — деб. Худди шунингдек, бизнинг тилимизга ҳам баъзи бир нуқталарда, баъзи тарбияси номукаммал одамлар камситиш билан қарайдиган бўлсалар, бундай одамларни, ҳали тўла шакланмаган одамлар деб ҳисоблашимиз керак. Ҳатто гаплашиб ўтиришга лойиқ эмас бундай одамлар. Умуман, улғу, ўз тилимизнинг ҳам аҳамиятини тушунмайдиган одамлар ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг ўзбек тилимиз ҳақида гапирганда, баъзи бир шундай кимсалар, бу миллатчилик қилаётибди, деган гапларни айтиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай тиллар бор. Тил бу — одамларга табиат томонидан берилган, инсонларнинг минг йиллар мобайнида ўзаро муносабатларида сайқалланиб келган шундай бир жавоҳирки, бу жавоҳирни сочиб юбориш, беҳурмат қилиш эмас, кўз қорачигимиздек асрашимиз керак.

Кўп миллатли мамлакатда яшашимиз тақозосига кўра болаларимиз рус тилини янада яхшироқ ўрганмоғи зарур. Бошқа тилларни: инглиз, француз, немис, испан тилларини яна ҳам кўпроқ ўрганса, нур устига аъло нур бўлади. Лекин бошқа тилни ўрганиш ҳисобига ўз тилини оёқ олиги қилишга ҳаракат қилувчилар ҳам учраб туради. Бу ўз она тилига муносабатининг совуққонлиги шаклида кўринади, унга меҳр билан қарамаслик шаклида кўринади. Шаҳар шароитида ўсган баъзи болалар ўз она тилида гаплашишдан ҳазар қилишга ўхшаш ҳоллар ҳам учраб туради. Шунинг учун қайси тилни ўрганишдан қатъий назар, биз она тилимизнинг обрўсини таъминлашимиз керак. Тил учун курашнинг энг биринчи босқичини мен тил обрўсини таъминлаш масаласи деб биламан. Интернационал фикрим, ҳамиша шундай. Она тилимиз — ўзбек тилининг обрў-эътиборини баланд кўтаришда ҳал кўп иш қилишимиз керак.

— Яна таржима хусусидаги сўхбатимизга қайтсак... Сиз Дантенинг «Илоҳий комедия»сини ўзбекчага ўгирдингиз. Бу таржима таъсири натижасида «Жаннатга йўл» номли драматик достонингиз майдонга келди. «Илоҳий комедия»нинг қолган қисмини негадир ҳанузгача таржима қилмаяпсиз. Ҳар қалай жаҳон адабиётининг бу шоҳ асарларидан бири устидаги таржима ишингизни мукаммал тугатиб халқимиз мулкига айлантириб қўйсангиз ёмон бўлмасмиди. Боя ўзингиз айтдингиз, оригинал ижодда ҳам, таржимада ҳам асар руҳига монандликдан келиб чикувчи ёш масаласи муҳим роль ўйнайди, деб. Йиллар ўтиши «Илоҳий комедия»нинг қолган қисмига бўлган эҳтиросли муносабатларингизни ўзгартириб қўямасмикин!

— Бу менинг ҳаётимдаги энг катта армонларимдан бири бўлиб турибди. Биринчи китоб жуда катта қийинчилик билан, жуда катта мароқ билан таржима қилинди. Таржимадан мен озми-кўпми сабоқ олдим. Иккинчи китобнинг таржимасини ярмигача етказдим. Энди бу асарга шундай муносабат билан қарайманки, унинг таржимасига киришиш учун махсус равишда бир йил, бир ярим йилми ажратиш олиш керак. Қунда эрта билан ишга бориб, кечқурун келиб таржима қиладиган асар эмас бу. Бу асар ўзи битта дорилфундир. Бунинг устига таржима қилишга киришган одам ҳар бир сатрдаги қанча таъриф бор, номи тилга олинган қанча шахслар бор, шарт-шароитлар бор, бунинг ҳаммасини маълум манбалар орқали ўрганиб, мағзини чақиб, териб бориши керак бўлади. Бунинг

учун махсус равишда, жамоат ишларидан ажралган ҳолда, масалан, ўзининг ижодий ишидан ҳам воз кечган ҳолда, астойдил киришмоқ зарур. Шунинг учун мен бу йил бўлар, ёки янаги йил бўлар деган орзу билан шу ишни столим устига қўйиб, ҳар доим унга қараб юрагим безиллаб туради... Энди жиндакқина тўхтаб турганлигим сабабларидан яна бири, бу ишнинг ниҳоятда оғирлиги, жуда катта масъулияти мени доимо чўчитиб туради. Иккинчидан, бу асар таржимасини бир руҳий созланишга тушиб олиб, шундан чиқиб кетмасдан тугатиш керак. Агар создан бир чиқиб кетсангиз унга қайтиб тушиш қийин. Яна ўша ҳолатга тайёрланиш учун маълум муддат керак бўлади. Агар бир марта совисанг, ўз оригинал асаринг ҳам узоқ вақт битмай қолиши мумкин. «Ўзбекистон» шеъримни олайлик. Мен уни 1964 йилда бошлаганман. Шу орада унинг ярмини ёздим қолган ярмига ўша маҳалда нафасим етмади. Шеърни тўхтатдим, кейин. Орада бошқа кайфиятлар билан боғлиқ шеърларни ёзиб юравердим. Вақти-соати келиб яна шу шеърга кайфиятим рўпара келди. Кутиб турган эдим шуни. Худди келган жойидан яна қаттиқ бир меҳнат билан шеърни тугатдим. Энди шунга қандайдир бир олти-етти йил вақт кетди. «Онажон» деган шеъримни тугатишда ҳам худди шундай бўлган. Мен кичик шеърлар ҳақида айтаётиман. Катта асарлар ҳақида гапирганда ўзингиз тушунасиз. Шунинг учун Дантенинг «Илоҳий комедия»сини бир киришгандаёқ таржима қилиб тугатиш мумкин бўлмаган иш. Бу, ўйлайманки, виждонан ишлайдиган таржимонга ҳеч қачон тўғри келмайди. Мумкин эмас. Дантенинг «Илоҳий комедия»сидек буюк, мухташам асарини бир ўлтириб, кетма-кет ишлаб, бошдан-оёқ таржима қилиб чиқиб кетиш учун одам боласи эмас, балки қандайдир бир бошқа мавжудот бўлиш керак. Бунга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Бунинг учун маълум бир, танаффус бўлмаса — бу эзиб ташлайди одамни. Шунинг учун ҳам менинг дўстларимдан бири Улжас Сулаймонов: қизиқ Абдуллажон, Данте таржимонларидан бирортаси ҳам таржимадан тирик чиқмаган, мен ҳисоблаб чиққанман, деган эди. Ирим қилган эмасману мен жуда ўйлаб қолганман шунда. Масалан, мана, Озарбайжон таржимони Али оға Қурчайли таржима қилган. У ҳам дунёдан ўтиб кетди. Қозоқлардан Маҳаммаджон Мақатов — у ҳам дунёдан ўтиб кетди... Буларни шу таржима ўлдириб юборди, демайман. Лекин бунинг тагида бошқа бир маъно борки, бу асарнинг улуғлигини, оғирлигини рўйи-рост, дилдан, қалбдан ҳис қилиш керак. Бу асар ўзига шунчаки енгил муносабатда бўлишни кўтармайди. Унга киши ўзини тамомила бағишлаши, унинг ичига кириб кетиши керак. «Дўзах»ни таржима қилган жезларим, тушларимда қўлимда кетмон билан одамларнинг суяқларини қазиб юрардим. Бундай туш кўриш — кетмон билан қабрларни кавлаб, каллалар, суюқлар билан гаплашиб чиқиш — кимга ёқади, дейсиз.

— **Демак; Данте буткул борлигингизга, ҳаётингизга, қонингизга, фикрингизга, тафаккурингизга сингиб кетган-да...**

— Мен ҳозир Дантенинг феъли қандай бўлган, нимани яхши кўрган, нимани ёмон кўрган — шуларни бир даражада тасаввур қила оламан. Агар ҳозир бир мўъжиза бўлса-ю, у киши билан гаплашишга тўғри келиб қолса, худди у кишининг туғишган укасидай ёки бир фарзандидай қийналмасдан, бемалол гаплашиб кетган бўлардим. У кишининг характерларини биламан: нимани яхши кўриши, нимани ёқтирмагани, кайфиятлари қанақа бўлишларини, бир кунда неча хил ҳолатга тушишларини, ўтмишга, тарихга, келажакка, замондошларига муносабатларини ёки бугунги воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат қилишларини, муносабат билдиришларини мен тасаввур қиламан, биламан шуни. У боя сиз айтгандек, менинг қандайдир бир қонимга синган, менга қадрдон, таниш одамимга айланган. Шунинг учун мен Италияга борганимда у киши бўлган, ўтган жойларни кўриб, уларга худди Дантенинг кўзи билан қараётгандек туюлганман ўзимга ўзим. Денгиз атрофлари, Сицилия буқаси деган жойлар, у ердаги ҳайкаллар гўё ўзим бутун умрим давомида билган, таниган нарсаларимга ўхшаб кўринди. Мен ўйлайманки, таржимон учун мана шу керак. Таржимон маълум даражада авторга айланиб қолиши зарур. Изтиробни ҳам шундай бўлиши керак.

— **Абдулла ака, ўзингизда, боғда, айрим сафарларимизда, масалан, Москвада бир неча кун бирга бўлганимизда янги асар бошлаганингизни, баъзи шеърларингиз устида қайтадан ишлаётганингизни, баъзан эса ҳали бошланмаган асарингиз ҳақидаги фикрларингизни айтиб, кейинчалик унинг тугалланган шеърга айлангунча кечган жараёнларнинг гувоҳи бўлганман бир неча марта. Бир-биримизга ҳалақат бермай бир хонада бўлганимиз кезлар ишлаш жараёнингизни кузатганман. Баъзан фикр, жумла, ибора, образлар у ёқда турсин, битта сўзни эртадан-кечгача бир кун давомида излаган пайтларингизни кўрдим. Даста-даста қўлёзмаларингизни кўздан кечириб, шеърларингизнинг ҳомаки нусхаларини ўқиб, айрим иборалар, сатрларнинг ўн-ўн бешлаб вариантларига дуч келдим. Бу ўз-ўзингиздан қаноатланмаслигингизми ёки шеърингиз мукаммалликка эришишга интилишимиз!**

— Билмадим. Одам яшаши учун нафас олиши керак. Лекин яшашин учун мен қандай нафас олаётган деган ҳаёлга одам сира бормади. Сиз айтган бояги ишлаш жараёним менга ана шундай оддий бир нарса бўлиб туюлади. Шунинг учун бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаганман.

— **Поэзиядан бошқа жанрларда ҳеч куч синаб кўрганмисиз!**

— Бир вақтлар икки-уч драма қоралаганим бор. Лекин улар ўзимни қаноатлантирмади.

— **Каттароқ прозага мурожаат этиш истаганингиз йўқми!**

— Ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Лекин Жан Жак Руссо, Гельвеций, Спинозаларни кўп, такрор-такрор ўқийман. Мабодо, прозада ёзиш истаги тинч қўймаган тақдирда ўшалар типдаги нарсалар ёзиш ниятим йўқ эмас. Бироқ, барибир, прозани ўйласам, ўқувчини зериктириб қўйишдан қўрқаман. Шеър бошқа, проза бошқа. Шеър менга ўз ётоғимга, насл эса меҳмоннинг уйига ўхшаб кўринади.

— **«Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл»ни ҳисобга олмаганда, мана, дярли ўттиз йилдан буён жиддий ёзишингизга қарамай, негадир дoston, поэмага кам мурожаат қиласиз!**

— Ёзган талайгина дostonларим бор. Лекин талабимдаги мукаммалликка эришолмагандек бўлиб туюлди, шунинг учун матбуотга бергим келмади. Сабаби, яна кўнглим тўлмаётгандек бўлиб кўринди.

— **Неча ёшингиздан шеър ёза бошлагансиз!**

— Аннқ эсимда йўқ. Ҳар қалай олти-етти ёшларимда бўлса керак. Ҳарфларни эндигина таниб,

бир-бирига қўшишни ўрганган кезларим эди, шекилли. Шеърга ишқибозлигим саводим чиқишини тезлаштиргани эсимда, ҳарқалай.

— **Болалиқдан шоир бўлишни орзу қилганмидингиз!**

— Шеър ёзишни жуда яхши кўрардим, лекин болалигимда шоир бўлишни орзу қилганимни пайқамаганман. Ҳозир ўйлаб қарасам, болалигимнинг ўзи шоирлигим эканми, ким билади? Лекин ёшлигимда осмон илмига жуда қизиқардим. Астроном бўлишни орзу қилган пайтларимни яхши эслайман. Қишлоғимиз осмонидаги товоқдай-товоқдай келадиган юлдузларга маҳлиё бўлиб, қандай сир бор экан у ерларда деб кўп ўйлардим. Болалик орзулари барибир қалбда абадий муҳрланиб қоларкан. Ҳозир ҳам юлдузлар дунёсига кўп қизиқаман. Юлдузлар ҳақидаги китобларни кўп ўқийман. Боғда кичиккина телескопим ҳам бор. Бўш вақтларимда юлдузларни кузатишни яхши кўраман.

— **Ижодни, шеърятни ҳисобга олмаганда энг яхши кўрган нарсангиз, машғулотингиз нима? Юлдузлар ва фалакиётми?**

— Шеърдан кейин юрагимга энг яқин нарса нима эканини, қаранг, ҳозиргача сира жиддий ўйлаб кўрмаган эканман... Йўқ. Фалакиёт эмас. Шеърдан кейин юрагимга энг яқини — болалар. Бу дунёнинг энг азизи болаларимдир. Яна, кенгликларни жуда севаман...

● ИНҚИЛОБНОМА ●

Зулмат тунин парчалади кучли қуёш,
Бу қуёшки, яъни Ленин халқларга бош.
Ленин кўрди ёрқин бизнинг истиқболни,
Ленин кўрди бизнинг бахтни ва иқболни.
Бизлар учун бахт-саодат гавҳарини —
Нисор этди олтин қуёш зарларини.

Ғайратий

* * *

Толе йўргаклади мен туғилганда,
Мен кўрдим Октябрь тонги отганин.
Халқим ҳур, севинчда, қуёш бошида,
Бир умр ҳурликка, бахтга боққанин.

Зулфия

* * *


Октябрни баҳор дедим, мантиқи бор сўзимнинг:
Октябрда жилва қилди инсоният баҳори.
Октябрда тонг ёришди, Октябрда юз очди
Кишилиқнинг саодати, коммунизм наҳори.

Уйғун

* * *

Масков, Петербургда
Октябрь яшар,
Октябрки, буюк
Инқилоб номи.
Бизга паноҳ берар
Фақат кўзғолон,
Кўзғалсақки синар
Бу зулм доми!

Усмон Носир



Али Назар Эгамназаров

ИНҚИЛОБ ТЕНГДОШИ

(Нуриддин Муҳиддинов портретига чизгилар)

Нуриддин Акрамович 1951 йилда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётганида собиқ Қорасув районидаги Вильямс номидаги колхозга борибди. Уша пайтда ҳамма жойда СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик кетаётган экан. Нуриддин Акрамович колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари билан учрашгач, сайловларга тайёргарликнинг бориши билан қизиқибди. Колхоз марказидаги агитпунктга киришса, навбатчи агитатор эснаб, мудраб ўтирган экан. У ҳатто энг оддий саволларга ҳам жавоб бера олмабди. Нуриддин Акрамович агитаторнинг касбини суриштирибди.

— Уқитувчиман, қишлоғимиздаги мактабда бошланғич синфга дарс бераман.

— Буни қаранг-а, яхши касбингиз бор экан. Мен область партия комитетининг биринчи секретариман. Айбга буюрмасангиз, сизни озгина имтиҳон қиламан.

— Майли, тайёрмиз...

Шундан кейин муаллим қўлига қалам ва қоғоз олибди. Нуриддин Акрамович алвон сурп тўшоғлиқ стол устидаги «Қизил Ўзбекистон» газетасини олиб, бир ахборотни айтиб туриб ёздирибди. Муаллим бир ярим бетлик «диктант»да унта хатога йўл қўйибди.

— Қайси ўқув юртини тамомлагансиз?

— Тошкент педагогика билим юртини.

— Саводингизнинг мазаси йўқ-ку? Бу аҳволда муаллимлик қилсангиз, колхозчилар болаларининг ҳақиға хиёнат қиласиз, келажакини барбод этасиз-ку?!
— ...

Нуриддин Акрамович колхоз раҳбарларига юзланибди:

— Район маориф бўлимининг мудир ким?

— Фазлиддин Мухиддинов.

— У кишига эртагаёқ менинг номимдан айтинглр, бу ўртоқни вазифасидан озод қилсин. Ўқиб саводларини оширсин. Муаллимлик қилиш қочмайди...

Бу воқеани менга ўша районлик бир мактаб директори айтиб берган.

— Шундан кейин кўп ўтмай, мактаб директорларининг Тошкент область кенгаши ўтказилди, — деди у. — Бу кенгашда Нуриддин Акрамович ўрта мактабларда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашда педагогика коллективлари олдида турган вазифалар ҳақида сермазмун доклад қилди. Облаstdаги бир қатор мактабларда ўқув-тарбия ишларининг талаблар даражасида эмаслиги, педагогларнинг билим даражаси ниҳоятда пастлиги ҳақида фактлар келтирди.

— Шу кенгашнинг ўтказилишига Вильямс номидаги колхозда чаласавод муаллим билан учрашув сабаб бўлмадимикан?

— Эҳтимол...

Дарҳақиқат, шундай бўлиши мумкин. Оддий ҳаёт ҳодисаларини кузатиб, етилган ижтимоий муаммоларни илғаб олиш, жамоатчиликнинг эътиборини бунга жалб этиш партия ходимларига хос фазилатдир. Партия ишини ҳам сиёсат, ҳам фан, ҳам санъат, дейишлари шунинг учундир балки...

Яқинда Нуриддин Акрамович билан учрашганимда юқоридаги воқеани эслатдим. У киши жилмайди:

— Шундай бўлса бўлгандир. Аммо бу воқеа менинг ёдимда йўқ. Орадан қирқ йилга яқин вақт ўтибди.

— Ҳа, орадан анча вақт ўтди. Аммо эски муаммо ҳамон долзарблигича қолапти. Чаласавод муаллимлар ҳозир ҳам истаганча топилади. Утган йили республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бошланғич синф ўқитувчиларига диктант ёздиришибди. Собир Раҳимов районидан келган бир муаллим ўттизта хатога йўл қўйибди.

— Олтмишинчи, етмишинчи йилларда республикада чуқур илдиз отган кўзбўямачилик, раҳбарликдаги волонтаризм, ҳеч сўзсиз, халқ маорифига ҳам жиддий зарар етказган. Ҳали бу нуқсонларни тугатиш учун кўп куч ва ғайрат сарфлашимиз керак бўлади.

* * *

Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларни толе яхши одамларга рўпара қилади. Ўша одамлар этагидан тутиб, яшаш илмини ўрганади, ҳаётнинг катта йўлига чиқади. Нуриддин Акрамович шундай кишилар тоифасидан. Ҳаётида кўпгина бағри кенг, ажойиб инсонларга рўпара бўлган...

...1933 йилда у Тошкент кооператив билим юртида ўқирди. Пахта терими мавсумида Тошкент шаҳар Сталин райони (ҳозирги Октябрь райони) комсомол комитети йигитчани Келес яқинидаги «Ленинизм йўли» колхозига вакил қилиб юборди.

Колхозга етиб борганида оқшом бўлиб қолган эди. Қамбар Тошпўлатов раис экан. У комсомол вакилини илиқ кутиб олди. Танишиб, ҳол-аҳвол сўрагач:

— Пахтани ҳеч кўрганмисан? — деди.

— Йўқ...

— Оббо, вакил-ей... Майли, ҳечқиси йўқ. Кўрмаган бўлсанг, энди кўрасан. Сени биринчи бригадага биркитамиз. Эрталаб ўша ёққа борасан.

Раис очик деразадан ташқарига қараб бақирди:

— Юсупбой ака-ов!

— Лаббай, раис!

Зум ўтмай хонага колхоз қоровули кирди.

— Бухгалтер ишга чиқдимми?

— Йўқ, ҳали чиқишига бор экан.

— Ундай бўлса, хонасини очинг-да, меҳмонга жой қилиб беринг. Бу йигит ўн-ўн беш кун шу ерда бўлади.

Қоровул ҳовлининг бир чеккасидаги хонани очиб, кўрпа-ёстиқ, қумғон келтириб берди. Кейин ўчоқни кўрсатиб:

— Чой қайнатишни биласизми, меҳмон? — деди.

Йигит бош ирғади. Бироздан кейин қоровул қийиқчада нон, туршак, майиз олиб келди.

Эрталаб Нуриддин биринчи бригадага бориб, бригадир билан танишди. Шийпондан этак олиб, кечгача пахта терди. Бармоқлари тирналиб, қонаб кетди. Одамларнинг у билан ортиқча иши бўлмади.

Кечқурун идорада мажлис бўлди. Нуриддин ҳам қатнашди. Шунда у раиснинг нотиқлигига қойил қолди. Халқ, сўз билан тошни ёриш мумкин, дейди. Нуриддин раиснинг нутқини тинглаганда бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. У теримнинг аҳволини ипга маржон тизгандек баён этди. Илғорларнинг ютуқлари сирини, қолоқларнинг судралаши сабабларини батафсил таҳлил қилди. Ҳар бир гапи нишонга беҳато тегаётган ўққа ўхшарди. Унинг нутқидан сўнг йиғилишда алоҳида кўтаринкилик вазияти юзага келди. Мажлис жўшқин, таъсирчан, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди.

Йиғилиш тугагач, Нуриддин ўз ётоғига кирди. Бир маҳал раис уни йўқлаб келди.

— Ишлар қалай, вакил?

— Яхши.

— Бармоқлар шилиниб кетибди-ку?

— Ҳечқиси йўқ. Ёғупа сурсам тузалиб қолади.

— Раҳмат, азамат!

Раис йигитни уйига таклиф қилди. Улар ҳовлидаги янги кўрпачалар тўшоғлик супачада овқат пишгунча гурунглашиб ўтиришди.

— Бу дейман, қоровул, меҳмон йигит кечаси ҳужрасида қуръон ўқиди, деди. Рост айтаяптими?

— Йўқ, мен қуръон ўқимадим. Лениннинг кооперация тўғрисидаги китобини ўқидим.

— Ҳа, шундай дегин-а, — раис ошхонада уймалашаётган хотинига мурожаат қилди: — Карима, лағмонинг пишай дедими?

— Яна бир оз бор...

Раис Нуриддинга юзланди:

— Бор, ўша китобингни олиб кел-чи!

Нуриддин югургилаб бориб олиб келди. Раис китобни қўлига олиб, уёқ-бу ёғини кўрди. Кейин бир-бир варақлаб, расм қидирди. Нуриддин раиснинг саводсизлигини сезди. Шундай бўлса ҳам ўсмоқчилади:

— Ўқиганмисиз, бу китобни?

— Йўқ, мен саводсизман.

— Бояги мажлисда худди саводли одамдай сўзладингиз-ку? Қўлингизда қандайдир қоғоз ҳам бор эди?

Раис кулди.

— Саводсиз бўлсам ҳам одамлар олдида сўзлашдан аввал пухта тайёргарлик кўраман. Нималарни айтиш кераклигини, қайси гапни аввал, қайси гапни энг сўнггида айтиш маъқуллигини ўйлаб, пишитиб оламан. Ҳатто, ойна олдида туриб машқ ҳам қиламан... Айтадиган фикрларим ёдимдан чиқиб қолмаслиги учун қоғозга белгилар қўйиб оламан.

— Қани бояги қоғозингиз?

— Ташлаб юбордим. Янаги гал сенга албатта кўрсатаман.

Кейин раис:

— Сендаги китобдан менда ҳам бор, — деди. Ўрнидан туриб, ичкарига кириб, иккита китоб олиб чиқди. Булардан бири Лениннинг «Кооперация тўғрисида», иккинчиси Сталиннинг «Ленинизм масалалари тўғрисида» китоблари эди.

— Саводингиз бўлмаса бу китобларни нега сотиб олгансиз?

— Мен сендай саводли йигитларга китоб ўқитиб тинглаб, мағзини чақишни яхши кўраман. Анчагина китобни ўқитиб тинглаганман.

— Яхши одадингиз бор экан.

— Мен савод чиқарадиган мактабда ўқимаганман. Аммо бошқа мактабдан ўтганман.

— Қандай мактабдан?

— Ҳаёт мактабидан.

Раис яктагини кўтариб орқа курагини кўрсатди. Унда иккита узун-узун қамчи изи бор эди.

— Бу менинг битта мактабим, Кўршерматдан эсдалик. Энди иккинчи мактабимни кўргин.

Раис дўпписини олиб, бошини эгди.

— Ушлаб кўргин.

Нуриддин раиснинг бошини ушлаб кўрди. Соч остида билинмай турган экан. Бош ғадир-будур эди.

— Бу Эрматбойдан эсдалик. Қарол бўлиб юрганымда еган калтакларимнинг изи. Шунда йигитнинг кўз ўнгида рўпарасида ўтирган, табиатан истеъдодли кишининг

зулм ва ситам билан ўтган ёшлиги гавдалангандай бўлди. Утмишда бундай ажойиб кишилардан қанча-қанчаси ўз қобилиятини намоеън қилолмай, қулликда ўлиб кетганини ўйлади. Суҳбатдошига меҳри товланди.

Қамбар Тошпўлатов асли фарғоналик экан. Ёшлиги бойлар қўлида қароллик билан ўтибди. Октябрь революциясидан кейин янги тузум тарафдорлари сафига қўшилиб, босмачиларга қарши курашибди. Қўлга тушиб, кўп қийноқларни бошидан кечирибди. 1925 йилда партия сафига ўтибди. Ер ислоҳотида фаол қатнашиб, кўшчи союзига раис бўлибди. Йигирманчи йилларнинг охирида Охунбобоев даввати билан пахтачиликни ривожлантириш учун бир гуруҳ фарғоналиклар қаторида Тошкент областига кўчиб келибди. Бу ерда уни колхозга раис қилиб сайлашибди.

Дастурхонга лағмон келди. Кетидан қовун сўйилди, аччиқ чой ичилди.

— Энди сенга бундай топширик, Нуриддин, — деди раис. — Эртага тушлик пайтида биринчи бригада аъзоларига Ленин ҳақида гапириб берасан. Ҳозир бориб тайёргарлик кўр.

Нуриддин ўрнидан тураётганида раиснинг хотини мурожаат қилди:

— Бизнинг фарзандимиз йўқ, ўғил бўлинг. Тез-тез кириб, китоб, газета ўқиб бериб турунг.

— Хўп, ая.

Нуриддин кечаси билан лекцияга тайёргарлик кўрди. Эртаси куни тушликда биринчи бригада пахтакорлари унинг Ленин ҳақидаги ҳикоясини тинглашди. У сўзини тамомлагач, бригада ҳисобчиси одамларга мурожаат қилди.

— Савояларингиз борми, биродарлар?

Қирқ ёшлардаги жувон гап ташлади:

— Ҳой, йигитча, сен ўзинг Ленинни кўрганмисан?

— Мен Октябрь революциясидан сўнг икки ҳафта ўтгач туғилганман. Ленин вафот этганида эса, олти ярим ёшда эдим. Шу боисдан Ленинни кўрмаганман. Фақат Эскижувада унинг вафотига бағишланган митингга бобом билан қатнашганман. Одамларнинг кўз ёши тўкишганини, Лениндай яшашга ва меҳнат қилишга ваъда беришганини кўрганман.

Катта толнинг поясига суяниб ўтирган чол жувонга юзланди:

— Ҳой, Марҳамат, иккинчи бундай бемаъни саволни берма.

Кеча теримда биринчиликни олиб мақталган, ўн саккиз ёшлардаги хушрўйгина қиз бироз эркалик билан:

— Йигитча, уйланганмисиз? — деди.

— Уйланган эмасман. Чиройли, чаққон экансиз. Хўп десангиз сизга уйланардим.

Одамлар «гурр» этиб кулиб юборишди. Бу кулги шаҳарлик йигит билан пахтакорлар ўртасидаги деворни олиб ташлагандай бўлди. Шундан кейин улар Нуриддинга ўз одамларидай мурожаат қила бошлашди.

Кечқурун раис Нуриддиннинг ётоғига кирди.

— Эшитдим, лекцияни қотирибсан. Энди вазифанг аниқ, эртага иккинчи бригадада лекция ўқийсан. Буёғини ҳеч бўшаштирма.

Шундай қилиб, комсомол вакили колхознинг ҳамма бригадаларида бир-бир бўлиб, лекция ўқиб чиқди. Колхоз партия ташкилотига «Жанговар варақа»лар чиқаришда ёрдамлашди. Кечқурунлари раиснинг уйига кириб китоб, газета ва журналлар ўқиб бериб турди.

Қайтадиган куни эса уни Қамбар аканинг ўзи аравада Тошкентга олиб келиб, ота-онаси билан танишиб кетди. Шундан кейин икки оила ўртасида борди-келди бошланди.

Район комсомол комитети пахта терими мавсумида фаол қатнашганлиги учун Нуриддинни Фахрий ёрлик билан мукофотлади. Бу унинг ҳаётида олган биринчи мукофоти эди.

Нуриддин Акрамович кооператив билим юртини тамомлагач, беш йил Москвада ўқиди. Етти йил ҳарбий хизматда бўлди. 1946 йилда фронтдан қайтиб келиб суриштирса, Қамбар Тошпўлатов уруш йиллари юрак хасталигидан вафот этибди. Хотини ёлғиз қолгач, Андижондаги қариндошлари олдига кўчиб кетибди.

Нуриддин Акрамович ҳикоясини ниҳоясига етказгач, хаёлга чўмди. Кейин кулиб шундай деди:

— Яқинда собиқ «Ленинизм йўди» колхозига бордим. Ёшлигимда юрган далаларни кездим. «Биринчи муҳаббатим»ни йўқладим. Афсуски, унинг исми ёдимда қолмаган эди. Кейинги тақдирини билишнинг имкони бўлмади. Эллик йилда эл ўзгарар, юз йилда — хазон, деганлари шу бўлса керак-да.

Нуриддин Акрамович Тошкентнинг Оллон маҳалласида туғилган. Ота-бобоси ёзда деҳқончилик, қишда ҳунармандчилик билан шуғулланишган — от-улов учун эгар-жабдуқ тайёрлашган. Бобоси ўқимишли, араб, форс тилларини биладиган киши эди. Уни шу киши тарбиялаган. «Болам, энг муҳими, сен соғ-саломатсан, тилинг бор, — дерди чол неварасига. — Киши нимагаки эришадиган бўлса, меҳнати, тили билан эришади. Шунинг учун тил билгин, одамлар билан муомала қилишни ўргангин.»

Нуриддин Акрамович кооператив билим юртида ўқиб юганида уларнинг ҳузурига

Абдулла Авлоний келди. Билим юрти директори меҳмонни ёшларга таништирди. Унинг илк ўзбек совет мутаффакири, маърифатпарвар шоири, давлат ва жамоат арбоби эканлигини, «Иштирокиюн» газетасида муҳаррир, Туркистон АССРнинг Афғонистондаги элчиси ва бош консули бўлиб ишлаганини айтди.

Учрашувда Абдулла Авлоний сўзлаб, ўша пайтда маориф ва маданият ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди, ёшларга аниқ фанларни яхши ўрганиш, рус тилини пухта билишни насиҳат қилди. «Рус тилини билмаган одам, қай соҳада бўлмасин, узоққа боролмайди, — деди у. — Мана, мен Маркс ва Энгельснинг «Коммунистлар манифести»ни ўзбек тилига таржима қилганман. Агар рус тилини билмаганимда бу ишни бажаролмаган бўлардим.»

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Нуриддин Расул тоғасиникига борди. У Жулкинбой билан дўст эди. Шу куни ёзувчи дўстиникига келган экан. Нуриддин чой-пой ташиб, хизмат қилиб турди. Шунда ёзувчи уни ёнига ўтқазиб қаерда ўқиётганини, қандай ўқиётганини суриштирди.

— Яқинда кооператив билим юртини тамомлайман. Кейин Москвага савдо-кооператив институтида ўқиш учун бормоқчиман.

— Мана бу ишинг ажойиб бўлади, — деди ёзувчи йигитчининг елкасига қоқиб. — Москвада яхши ўқи. Большой театрга кириб туришга ҳаракат қил. Рус ёзувчиларининг асарларини ўқи.

— Яқинда билим юртимизга Абдулла Авлоний келди. У ҳам бизларга яхши ўқишни, рус тилини пухта эгаллашни тайинлади.

— Жуда тўғри айтибди-да. Авлоний улуғ инсон, мен уни ҳурмат қиламан. Мана, мен яқинда Москвада бўлдим. Горький, Фадеев, Федин билан учрашдим. Шунда рус тилини яхши билмаслигим билинди. Улар билан эркин гаплашолмадим.

* * *

Нуриддин Акрамовичга тилларни ўрганишида профессор К. А. Боровков, машҳур чекист Петерснинг жияни В. И. Павлова устозлик қилган. У кейинроқ республика маориф министрининг ўринбосари бўлиб ишлади.

1946 йилнинг баҳори эди. Нуриддин Акрамович фронтдан қайтиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида лектор, олий партия мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб юрарди. Бир куни олий партия мактабидаги лекциясига турк тиллари бўйича йирик мутахассис, профессор А. К. Боровков кириб ўтирди. Лекция тугагач, ёнига чақириб, эртага у ишлайдиган институтга боришини тайинлади. Нуриддин Акрамович бажонидил рози бўлди. Эртаси уни олим хонасида самимий кутиб олди. Ёнига ўтқазиб, кечаги лекциясини тил жиҳатидан таҳлил қилди.

— Умуман, ўзбек тилини яхши биларкансиз, йигит, — деди профессор. — Аудиториянинг диққатини жалб қила оласиз. Аммо нутқингиз тоғдан шитоб билан тушаётган селга ўхшайди. Уни тиниқтириш, ортиқча нарсалардан тозалаш керак.

Профессор ён дафтарини очиб кечаги нутқдаги гаплардан уч-тўрттасини келтирди. Бу гапларда қайси сўзлар ортиқчалигини, уни қандай қилиб янада раво, лўнда қилиш мумкинлигини айтди. Урғудаги нуқсонларни кўрсатди. «Лекциянгиз мобайнида олтига чет эл сўзини ишлатдингиз. Ваҳоланки, ўзбек тилида сиз ишлатган сўзларнинг маъносини ифодалайдиган тўрт-бештадан чиройли синонимлар бор, — деди олим. Бу қайси сўзлар эканлигини айтди. — Таъсирли гапириш учун тилни яхши билиш кифоя эмас. Деҳқоннинг ер ҳақидаги, ганчкор устанинг иморат ҳақидаги, чеварнинг кийимнинг бичими ҳақидаги фикрларига қулоқ солинг. У бошқа соҳада оми бўлиши мумкин. Аммо ўз иши ҳақида аниқ, лўнда гапира олади. Бу демак, нотиқ гапираётган мавзусини чуқур билгандагина аниқ ифодалар топа олади».

Шу суҳбатдан сўнг бу ажойиб инсон билан Нуриддин Акрамович ўртасида дўстлик бошланди. Олим ёш партия ходимига Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича ҳам кўп яхши гапларни сўзлаб берди. Унинг катта аудиторияларда сўзлайдиган лекцияларига ора-сира бориб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб турди. А. К. Боровков 1962 йилда Ленинградда вафот этди. У вафот этганда Нуриддин Акрамович чет элда эди. Шунинг учун дафн маросимида қатнаша олмади. Кейин уйига бориб, оиласига таъзия изҳор этди. Қабрини зиёрат қилди.

1947 йилда Нуриддин Акрамович поездда Москвага кетаётиб машҳур чекист Петерснинг жияни, рус тили бўйича мутахассис В. И. Павлова билан танишиб қолди. У турмуш ўртоғи, «Ташкенткабель» заводининг директори К. Ф. Сафонов билан Москва яқинида яшайдиган қариндошлариникига отпусқа олиб кетаётган экан. Илгари поезд Москвагача беш кун юрарди. Улар битта купеда гурунглашиб кетишди. Валентина Ивановна:

— Сиз рус тилида яхши сўзлашаркансиз, қаерда ўргангансиз? — деди.

— Москвада ўқиганимда, фронтда.

— Яхши. Қани, ёзувингизни ҳам текшириб кўрайлик-чи?

— Марҳамат.

Нуриддин Акрамович қалам ва қоғоз олди. Валентина Ивановна газетадаги бир

текстни айтиб ёздирди. «Диктант» текширилганда эса, икки-учта хатоси борлиги маълум бўлди.

— Келишикларнинг турланишида биров янглишаркансиз, — деди «муаллим». — Тошкентга қайтгач, менга учрашинг, бир-иккита яхши дарслик топиб бераман.

— Жуда сози!

Шундай қилиб улар дўстлашиб қолишди. Нуриддин Акрамович русча докладларини олдиндан Валентина Ивановнага кўрсатадиган бўлди.

К. Ф. Сафонов 1918 йилдан партия аъзоси эди. 30-йилларда Серго Орджоникидзе билан ишлашган. Дастлабки беш йилликлар даврида кабель саноатини ўрганиш мақсадида Совет ҳукуматининг топшириғига биноан бир қатор Европа мамлакатларида бўлган. Константин Федорович ўз соҳасининг йирик мутахассиси эди. У Нуриддин Акрамовичга ишчилар синфи билан муомала қилишни ўргатди. Константин Федорович 1982 йилда вафот этди. «Средазкабель» бирлашмасининг ветеран ишчилари уни зўр ҳурмат билан эслашади. Корхонада ҳозир ҳам ўнлаб шогирдлари ишляпти. Валентина Ивановна эса ҳаёт. Оилавий дўстлик, борди-келди ҳамон давом этмоқда.

* * *

1939 йилнинг кузида Нуриддин Акрамович Москвадаги ўқишини тамомлаб келиб, Бухоро область матлубот жамияти кадрлар бўлимига бошлиқ бўлиб ишлаётганди, область комсомол комитети ревизия комиссиясининг раиси эди. Бир куни комсомол ходимларидан беш кишини область партия комитетига чақириб қолишди. Обкомнинг биринчи секретари Халил Турдиев Финляндия билан уруш давом этаётганини, Қизил Армияга комсомол ишини яхши биладиган ёшлар зарур бўлаётганини айтди. «Бухоро областидан армияга 15 нафар комсомол ходими жўнатилиши лозим, — деди у. — Аммо бу иш мажбурий эмас, ихтиёрий. Шунинг учун ўйлаб иш қилинглр».

Беш йигит ўша заҳотиёқ армияга бориш ҳақида ариза ёзди. Нуриддин шу кетгандан Киев ҳарбий округига бориб, понтон ва кўприклар қурадиган полкда комсомол ташкилотининг секретари бўлди. Унга лейтенант унвони берилди. Бессарабияни озод қилишда қатнашди.

Германия билан уруш бошланганида уларнинг полки Черновци областининг Хотин шаҳрида турарди. Бу шаҳар шундоққина Днестр дарёсининг ёқасида жойлашган: Кечаси немис самолётлари шаҳарни бомбардимон қилди. Полк тревога билан шаҳардан олиб чиқиб кетилди. Шундан полкнинг жанговар йўли бошланди. Асосий кўшилларимиз билан бир сафда жанг қилиб, оғир талафотлар бериб, Сталинградгача чекиниб келди.

1942 йилнинг 19 феввалида полк Сталинграднинг Калач районида турганида Нуриддин Акрамович партия сафига ўтди. Блиндаждаги партия мажлисидан чиқиб, бўлинмасига кетаётганида снаряд осколкаси тегиб, ўнг курагидан яраланди. Яраси анча енгил эди. Тез кунда тузалиб, сафга қайтди. Аммо орадан кўп ўтмай яна ярадор бўлди. Бу сафар снаряд парчаси чап оёғини тўрт жойидан синдириб юборди. Тбилисидаги госпиталда ётиб даволанди.

— Ўзбек халқининг фронтларда жанг қилаётган фарзандларига мактубини олганимиз мен учун урушнинг унутилмас воқеаси бўлган, — деб хотирлайди Нуриддин Акрамович. — Бу мактубни республиканинг таниқли адиблари ёзган, икки ярим миллиондан ортиқ киши имзо чеккан эди. Мен жангчиларнинг руҳиятига бу қадар зўр таъсир қилган бошқа бир ҳужжатни эслолмайман. Уни ўқиганда кўздан ёш оқмаган ўзбек жангчиси бўлмаган. Биз комсомол ходимлари бу мактубни блиндажма-блиндаж юриб, жангчиларга ўқиб берганмиз. Дивизия газеталарида «Ўзбек жангчиси, сенинг душманинги енгилга қўшган ҳиссанг» деган рубрика пайдо бўлган. Бу рубрика остидаги материалларда ўзбек жангчиларининг жасорати ҳақида ҳикоя қилинган.

1943 йилнинг июнида Нуриддин Акрамович Ленинграддан Томска кўчирилган Будённый номидаги ҳарбий академияга ўқишга юборилди. Йўли Боку, Красноводск, Тошкент орқали ўтди. Поезд Тошкентда бир кун тўхтаб қолди. Шунда у кечаси рухсат сўраб уйига борди. Оилада байрам бўлиб кетди.

— Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Онам раҳматли атала қилдилар. Уша-ўша аталани яхши кўраман, — деб эслади Нуриддин Акрамович. — Эрталаб бутун маҳалла мени кўргани келди. Мўйсафидлар фронт янгиларини сўраб-суриштиришди. Фронтга юборишган совға-саломлари, пул маблағларини гапиришди. Радио, телевизор бўлмаган, газеталар чекланган миқдорда чиқаётган шароитда маҳалла аҳли фронтдаги ҳамма янгилардан хабардор эди. Қайси фронтга ким қўмондонлик қилаётгани, қайси шаҳар ёки аҳоли пункти олинганигача билишарди.

Бир маҳал икки ўртоғим кириб келди. Улардан бирининг бир кўзи, иккинчисининг бир оёғи йўқ эди. Орадан биров ўтгач, соппа-соғ бир йигит келди. Унинг саломига мўйсафидлар алик олмай, юзларини буришди. Одамлар кетгач, отамдан сўрадим:

— Нега мўйсафидлар бу йигитнинг саломига алик олмай, юзларини буришди?

— Ҳозир маҳалланинг ҳамма йигитлари фронтда. Тўрт-бештасидан қорахат келди.

У эса соппа-соғ бўлатуриб, катта вазифада ишлайдиган бир қариндоши ёрдамида брон олиб, фронтга бормай юрибди. Шунинг учун уни ҳамма ёмон кўриб қолди...

Шунда мен халқимизни ҳеч бир душман енга олмаслигига, ғалаба бизнинг томонимизда эканлигига яна бир ишонч ҳосил қилдим.

Буюк ғалаба онлари Нуриддин Акрамович Эроннинг Табриз шаҳрида алоҳида радио-разведка дивизионида сиёсий бўлим бошлиғи эди. Кечқурун Москвадан муҳим хабар берилиши маълум қилинди. Шунинг учун радио аппаратура олдида унинг ўзи ўтирди. Ҳеч ким ухламади. Кечаси соат иккиларда уруш ғалаба билан тугаганлиги ҳақида хабар берилди. Нуриддин Акрамович ниҳоятда ҳаяжонланганидан, вужудини титроқ босди. Шунинг учун бўлса керак, атрофини ўраб турган жангчиларга хабарни ўқиб беришга қийналди. Дивизион командири буни сезиб, унинг қўлидаги хабарни олди ва ўзи ўқиб берди. Ҳаммаёқни «ура!» садолари тутиб кетди. Одамлар бир-бирларини қучоқлаб табриклашди. Дивизион командирини, сиёсий бўлим бошлиғини кўтариб, осмонга отишди. Ҳаммининг кўзида ёш эди.

* * *

Нуриддин Акрамович Муҳиддинов Улуғ Октябрь тенгдоши. Бугун у 70 ёшга тўлди. Оддий ҳунарманднинг фарзанди янги тузум шароитида ўсиб-униб, совет мактабида таълим олиб, комсомол ходимлигидан КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси даражасигача кўтарилди. Бир неча йил чет элларда Совет Иттифоқининг фавулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлади. Ўз умрида кўпгина улуғ инсонлар билан учрашди, бирга меҳнат қилди, мамлакатимиз ҳаётидаги буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлди.

70 йиллик умрининг қирқ йили Ўзбекистондан ташқарида ўтди. Аммо у қаерларда бўлмасин, жонажон республикаси, ёр-дўстлари билан алоқани узмади. Ҳамиша туғилиб ўсган заминига, она халқига ҳурмат ва муҳаббат билан яшади. Бугунги кунда Нуриддин Акрамович Ўзбекистон ССР Министрлар Советида маслаҳатчи бўлиб ишламоқда, бир қатор жамоат топшириқларини ҳам бажармоқда. Иш кунининг ҳар бир минутигача ўлчанган, доимо банд, одамлар даврасида. Шундай бўлса-да, у биз билан суҳбатлашишга вақт топди. Имкониятдан фойдаланиб биз бир нечта саволлар бердик. У бажонидил жавоб қайтарди.

— Биз молларни тўққиз ой яйловда боқиш мумкин бўлган, иқлим шароити чорвачиликни ривожлантириш учун қулай республикада яшаймиз. Лекин чорвачилик маҳсулотлари танқислиги жиддий муаммо бўлиб қоляпти. Ҳар йили республика марказий фонддан 4 минг тоннадан ортиқ сут порошоги олади. Шундай бўлса ҳам баҳор ойлари озиқ-овқат магазинларимизда сут маҳсулотлари тахчил бўлиб қолади. Гўшт маҳсулотларини эса гапирмай ҳам қўяқолайлик...

— Ҳозир республикадаги қорамолларнинг кўпгина қисми аҳолига қарашли. Лекин республикада тайёрланадиган сутнинг асосий қисми мана шу сигирлардан олинапти. Бу демак, гўшт-сут маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун аҳоли қўлидаги чорвага қулай шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Ҳозир республика ҳукумати бу борада муҳим чора-тадбирлар белгиляпти. Келаси йилдан қишлоқ хўжалигида алмашлаб экиш кенг жорий этилади. Бедазорлар 30 процентдан ортиқ майдонни эгаллайди.

60-йиллардан бошлаб республика қишлоқ хўжалигида чуқур илдиз отган «монокультура» сиёсати чорвачиликка оғир зарба бўлиб тушди, ерларнинг унумдорлигини пасайтириб юборди, тупроқ таркибини бузди. Фарғона водийсида ҳатто уйларнинг орқасига ҳам пахта экилади. Аҳоли сигирига бир тутам ўт топишга қийналади. Бунинг оқибатида қишлоқларда кўп хонадонлар мол боқмай қўйди.

— Бу аҳволни фақат Фарғона водийсида эмас, республиканинг бошқа жойларида ҳам кузатиш мумкин. Утган йили Сирдарёдаги «Красная Заря» колхозида меҳмон бўлгандик. Бутун бир маҳалладан бир коса қатиқ топилмади.

— Ҳозир Ўзбекистонда қишлоқдагилар шаҳарга гўшт, сут маҳсулотлари харид қилгани келишади. Бундай шароитда қандай қилиб Озиқ-овқат Программасини бажариш мумкин?

— Ҳозир республикада экишга яроқли майдонлар ҳам, сув бойликлари ҳам чекланган. Орол денгизи қуриб бораёпти. Шунинг учун туғилишни ҳам чеклаш керак, деган овозлар пайдо бўляпти.

— Дарҳақиқат, ҳозир Ўзбекистон аҳолининг ўсиши жиҳатидан Иттифоқда биринчи ўринда. Мамлакатдаги Қаҳрамон оналарнинг учдан бир қисми бизда яшамоқда. Иттифоқ бўйича ҳар бир оила ўртача тўрт кишидан иборат бўлса, бизда 5,5 кишини ташкил этмоқда. Аммо биз болалар ўлими бўйича ҳам Иттифоқда биринчи ўринда турибмиз. Шунинг учун ҳозир биринчи навбатда болалар ўлимини камайтириш ҳақида қайғуриш керак. Қолаверса, ҳозир қишлоқ хўжалигида оила пудратини кенг жорий этиш масаласи қўйилмоқда. Болаларсиз оилани ҳам, оила пудратини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Бизга соғлом, бақувват болалар керак.

— Баъзилар оила пудратида болалар меҳнатга ўралиб қолиши мумкин, де-йишяпти...

— Болалар ёшликдан меҳнатга ўргангани яхши. Аммо меҳнат меъёрида бўлиши керак, албатта. Оила пудратида эса бола ўз ота-онасининг ёнида ишлайди. Оқил, фаросатли ота-она ҳеч қачон ўз фарзандини меҳнатга кўмиб ташламайди. Бола меҳнат қилиш билан бирга ўқиши, ўйнаб-қулиши кераклигини ҳам унутмайди. Шу сабабли мен бу масаладаги хавфсирашни ноўрин, деб биламан. Аксинчи, оила пудрати болаларда ерга муҳаббат уйғотиб, деҳқончилик касбининг давомийлигини таъминлайди, ёшларнинг худа-бехудага шаҳарга кетиб қолишининг олдини олади.

* * *

Нуриддин Акрамович ҳозир ўз ҳаётида кўрган, бирга ишлашган ажойиб инсонлар ҳақида хотиралар ёзяпти. Суҳбатимиз чоғида шу ҳақда ҳам гап очдик.

— Ёзувчи Паустовский «Кўпни кўрган кишилар албатта ёзиши керак», деган. Усмон Юсупов Сиздай эсдалик ёзиб қолдирмаганига афсусланамиз. У кўпни кўрган, ажойиб воқеаларнинг гувоҳи бўлган инсон эди.

— Мен ҳам афсусланман. Жилла кўрса, ўзбек публицистлари унинг оғзидан айтган ҳикояларини ёзиб олишлари мумкин эди-ку. Ҳатто шу иш ҳам қилинмаган. Тўғри, Усмон Юсуповнинг вафотидан кейин анча вақт ўтгач, Б. Ресков ва Г. Седов у ҳақда китоб ёзишди. Бу китобнинг бир қатор яхши фазилатлари бор. Аммо Усмон Юсуповичнинг ўз тилидан ёзиб олинган китобни тасаввур этганимизда, бу зўр китобнинг конспектига, совиган ошга ўхшайди... Майли, ўтган ишга салават. Бу камчиликларни Усмон Юсуповични шахсан билган кишилар тўлдириши керак. Мен ўз китобимда Усмон Юсупов ҳақида ҳам, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ҳақида ҳам ёзганман.

— Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан ҳам ишлашганмисиз?

— Йўқ, мен бу кишилар билан ишлашган эмасман. Аммо уларни кўрганман, нутқларини тинглаганман. А. Икромов, Ф. Хўжаев республикамиз тарихида муҳим ўрин тутган партия ва давлат арбобларидир. Бу кишилар ҳақида бошқалар ҳам ёзишган. Мен улар ҳаётининг энг сўнгги кунлари — 1938 йилнинг февраль ойида бўлган суд процесси ҳақида ёзмоқчиман.

А. Икромов ва Ф. Хўжаев Москвада суд қилиниб, қатл этилган. Бу пайтда мен ўша ерда институтда ўқирдим. 21 киши суд қилиниб, 18 нафари ўлимга ҳукм қилинган. Мен 13 кун давом этган мана шу судни икки марта кириб кузатганман.

— Тақдирнинг ўйинини қаранг, замонанинг тўфони туфайли қора курсига ўтирган ўша кишилар яна ўн саккиз йилдан кейин ҳақ жойида қарор топишини, бу ишда ташаббускор бўладиган йигит шу залда ўтирганини ўйлашдимикан?

— Шунинг айтиши. А. Икромов, Ф. Хўжаев, 1937 йилдаги репрессияга учраган бошқа кўплаб ажойиб кишиларимиз ҳам Сталиннинг шахсига сиғинишнинг зарарли оқибатларини қаттиқ танқид қилган КПСС XX съезди қарорлари асосида оқландилар. 1938 йилдаги суд ҳамон кўз ўнгимда. А. Икромов ҳам, Ф. Хўжаев ҳам ўзларини мардона тутдилар. Ўз нутқларидаги ўткир мантиқ, шижоат билан суд ҳайъатини анча эсанкиратиб қўйдилар... Аммо уларнинг қисмати олдиндан белгилаб қўйилганди.

1956 йилда бу кишиларни оқлаш масаласини қўйганимизда СССР Бош прокурори Р. А. Руденкодан делоларини сўраб олиб, синчиклаб ўрганиб чиққанман. Уларнинг партия ва халқ олдида тариқдай ҳам гуноҳлари йўқлигига шахсан ишонч ҳосил қилганман. Халқимизнинг бу ажойиб фарзандлари ҳақида ёзишга киришаётиб, яна Москвага бордим, партия архивидан баъзи бир қўшимча фактларни билиб келдим.

* * *

Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов... Булар Ўзбекистонда Ленин ишини давом эттирган чинакам ленинчилар эди. Нуриддин Муҳиддинов халқимизнинг шу ажойиб фарзандлари сафида турадиган инсондир.

Бир доно кишидан кексайганида сўрашибди:

— Сиз болаларингизга нималарни мерос қилиб қолдирасиз?

Доно айтибди:

— Мен болаларимга ҳеч бир доғ тушмаган, одамийликка зид бўлмаган ҳаётимни мерос қилиб қолдираман.

Нуриддин Акрамович катта, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу ҳаётда аччиқ, аламли дамлар ҳам, қувончли кунлар ҳам бўлди. Аммо у қаерда бўлмасин ва қандай вазифада ишласин, буюк Ленинга эътиқод билан яшади, коммунист номига гард юқтирмади. Ҳамиша ҳалол меҳнат қилиб, ўзининг катта ташкилотчилик қобилиятини, билими ва тажрибасини Ватанига бахшида қилди. Унинг ҳаёти шунинг учун ҳам ибратлидир.



Чингиз Ахмаров

НАФОСАТ ЙЎЛЛАРИДА

Умринг ўтгани сайин, ёшинг бир жойга боргани сайин ота-онанг, болалигинг, катта бўлган кўчаларинг, санъат йўлларидаги устозларинг, дўст-ёрларинг бот-бот хаёлингдан сирғалиб ўтаверар, кечмишларинг руҳингда кўпчиб, ҳаёт ва санъат ҳақидаги туйғу-ўйлар сени безовта қилиб, кўрган-кечирганларинг саволларга айланиб, борлигингни чулғаб олар экан.

Халқнинг ишончини оқлай олдимми, руҳимда тўхтовсиз, изнсиз оқиб ётган чексиз-чегарасиз ҳаяжонларимни, орзу-мақсадларимни, эҳтиросларимни санъатга айлантириб — ранг, тасвирга кўчириб, одамлар руҳига сингдира олдимми?

Илҳом — сабр-тоқат билан изчил қилинадиган интизомли ижодий фаолиятлигини, юртнинг босиб ўтган йўли, тақдиридаги ўзгариш-бурилишлар, жаҳон тасвирий санъатининг умумий кўламларини, уруш далаларида ўн гулдан бир гули очилмай ҳазон бўлган яхши қобилиятларни хотирга олишни, Алпомиш муҳаббатидай афсонавий муҳаббат билан ошиқилмас, манзилга ета олмай оро йўлда тентираб қолиб кетиш ҳеч гап эмаслигини санъатнинг давомчилари бўлган азиз шогирдларимга етарли даражада билдира олдимми? Нега улуғ бобокалон шоиримиз Алишер Навоий ижоди, ғазаллари, лирикасига, дostonларига бағишлаб умрим давомида кўплаб расмлар чизган бўлсам ҳам, шоир ижоди яна менга мўйқалам тутқазаверади, бошқа асарлари қатори, «соқийнома» туркум ғазалларидан илҳомланиб, яна кўпдан-кўп расмлар устида ишлагим келаверади?

Нега Камолитдин Беҳзод, Султон Муҳаммад, Микеланжело, Леонардо да Винчи, Андрей Рублёв, Дионисий, Анри Матисс каби санъаткорларнинг асарлари кўз ўнгимдан кетмайди, руҳимда мусиқа садоларида доимо янграб туради?

Бу каби саволлар мени кечаю кундуз, ҳаммиша банд этади, аниқ жавобларда тўхталгим келмайди. Ишлаш, танда жон бор экан, расмлар чизишим керак деб, дарҳол ишга киришаман.

Кайфиятим бузилса, вокзалга бораман-да, поездга ўтириб Самарқандга жўнайман, у ерда эрталаб опаларим, жиянларим билан омонлашиб нонушта қиламан, сўнгра дарҳол Гўри Амирга бораман. Бу улуғ мақбарани аста-секин айланиб чиққач, саёҳатимнинг асосий мақсади бўлган унинг ичкараси — улуғ усталар санъати бағрига ўзимни отаман ва ҳеч бир бошқа санъатларга тенг бўлмаган гўзалликлар дунёсига фарқ бўламан: бир-бирдан бой ранглар, бир-бирдан нозик чизиқлар дунёси мени тамоман мафтун қилади. Энг оғир феодализм шароитида ўзларининг гўзалликларга тўла руҳий дунёсини мўъжизаларга айлантириб қолдириб кетган санъаткорларга бўлган беқиёс ташаккурим, муҳаббатимни мен сўз билан ифодалай олмайман. Бу ажойиб санъатни бунёд қилган одамлар кимлар бўлган, уларнинг устозлари, насл-насаблари кимлар? Неча-неча йиллар давомида қанча соҳибқиронлар ўтиб, номлари ўчиб кетди, уста санъаткорларнинг асарлари эса асрлар оша яшаб, миллион-миллион санъат мухлисларининг руҳий озиғи бўлиб қолди, қоляпти. Жаҳонгирлар, соҳибқиронлар, амирлар, сарой эгалари, олимлар, деҳқонлар, меъморлар ва бошқаларнинг ҳаёти, қисмати эсимга тушиб, мен ўзимнинг шахсий етишмовчилик, оғирликларимни эсимдан чиқараман, янада кўпроқ куч билан ишлаш, халқдан қарзларимни узишни ўйлаб Тошкентга — яна ўз устахонамга шошаман.

Хотираларимни «Нафосат йўлларида» деб аташимнинг боиси, руҳим чексиз-чегарасиз шодликлар қатори баъзан изтироблар исқанжасида сиқилиб-оғриси ҳам, санъат йўлидан сира четга чиқмасликка тиришдим, ҳаётим фақат шу — расмчилик санъати йўлида ўтди. Нимаки орттирган бўлсам, шу йўлда орттирдим. Менинг оилам ҳам, фарзандларим ҳам асарларим, чизган суратларимдир.

Дунёда кўп ажойиб юртларни кўрган бўлсам ҳам, айримлари бебаҳо ва мислсиз санъати билан руҳимга кўчиб қолган бўлса ҳам, уларнинг ҳеч бирини гўзал Ўзбекистонга,

ижодимнинг асосини ташкил қилган «рўйи замин» — Самарқандга ўхшата олмадим. Уқувчига санъат китобларидан маълум қонун-қоидаларни эслатишни эмас, кўнглимдаги баъзи бир ўйлар-туйғулар билан мулоқотлашиш илинжида битилган ушбу хотираларимни ҳаяжон билан бошладим, шояд бу ҳаяжон сиз азиз ўқувчиларимга ҳам юкса!

Меҳрим бўлаклари

Санъаткор, менинг тасаввуримда, ўзининг барча асарларини яхши кўради, у учун ҳаммаси ҳам азиз. Бироқ оталар айрим фарзандларини ўзгачароқ суйганларидек, ижодкорнинг ҳам ўзига яқинроқ асарлари бўладики, ҳозир шундайларимдан баъзилари устида тўхтагим келиб қолди.

Маълумки, улуғ шоир Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги ҳар бир ўзбек учун тўйга айланган. Ана шу қутлуғ сана арафасида ташкил қилинган Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги музейни безашда қатнашиш кўп рассомлар қатори менга ҳам насиб этди — шоир ҳаёти ва ижодига, у яшаган давр ва замондошларига бағишланган зал деворини безаш менинг зиммамга тушиб, бу ишни ифтихор билан бажардим.

Деворий расм ишланган саҳн гўё баҳор либосига бурканган ним зумрад ранг, майсазор. Майсазорнинг у ер-бу ерида айни гуллаган дов-дарахтлар, мажнунтоллар, анвои гуллар, сарв дарахтлари — гўё афсонавий боғи эрам. Бу хушхаво боғ қучоғида қадду қоматлари келишган санамлар, хушрўй йигитлар кезади. Бир ноэли гўзал карашма билан кўзгуга термулиб қолган. Муסיқанинг сеҳрли садосидан маст бўлган бошқа гўзалнинг нозик бармоқлари тор пардаларида югуради. Унинг ёнида икки зебо дугона, бири доира чалади, иккинчиси завқ билан хиром этади. Яна бир ерда эса севишганларнинг висол онлари, ошиқ-маъшуқлар хушқол кайфиятда бир-бирларининг пинжларида...

Бу деворий расмда ишлатилган тасвирий воситаларни: чизиқ ва рангларни муסיқавий, нафис тасвирлаш учун, ҳолатлар, қаҳрамонлардаги гўзалликни очиш учун ҳамма имкониятимни ишга солдим, нозик ички оҳангни тўла сақлашга ҳаракат қилдим.

Бу тасвирлар Алишер Навоийнинг айрим ғазаллари мазмуни асосида ишланган бўлиб, композициялар ҳошиясига араб имлосида байтлардан намуналар битилди. Бу байтлар шунчаки байтлар эмас, композицияни янада очиб юборган жило, пардоз ҳам эди. Қизиги шундаки, айрим олимларимиз шундайин фазилатга эга бўлган эски ёзувимизга негадир тиш-тирноғи билан қаршилар. Улуғ алломалар ижоди, шарқ тарихи, маънавий-маданий ёдгорликлар шу графикада битилганидан ташқари, бу хат шакл-кўринишлари билан шарқ санъатида безак вазифасини ҳам бажарганлиги маълум-ку! Бу ёзув, чизиқ ва ранглар ритмикаси катта аҳамиятга эга бўлган тасвирий санъатда расм мазмунини очиб, бадий даражасини кўтарар экан, деворий расмларни шарқ нақшларидек безашда алоҳида аҳамиятга молик экан, демак, ижодкор ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга деб ўйлайман! Аммо, афсуски, бу нарса қайбир жойлар, қайбир одамлар учун ҳали-ҳануз ҳал этилмас муаммодай: Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси олдида қурилган «Юлдуз» чойхона ресторанига ишлаган «Улуғбекнинг элчиларни қабул қилиши» деган композициямдаги «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!» ёзувига оқ бўёқ кўпол равишда чаплаб ташланганки, бу каби тайинсизликларни нима деб изоҳлашни ҳам билмайман...

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти вестибюлини безашни топширганларида композиция мазмунини ўйладим. Одатда, ҳар бир ишни бошлашдан олдин асар тушадиган девор, жой қайси идорага тегишли, қайси хона, бу идора хусусияти, расм йўналиши қандай бўлиши зарурлиги хусусида фикрлаб олгандан сўнггина ишга киришаман. Бу ерда ҳам шундай бўлди, одатимча, жуда кўп эскизлар, вариантлар ва фрагментлар устида ишлай бошладим.

Маълумки, Шарқшунослик институти — шарқ халқларининг тарихига боғлиқ нодир қўлёзма китоблар хазинаси. Бу улуғ даргоҳга қўлёзма китоблар устида ишлайдиган энг катта олимлар йиғилган. Деворий композициянинг асосий мазмуни шунга боғлиқ бўлиши зарур.

Бундан ташқари, институтга кираверишдаги композиция тушадиган 12 метрлик узун девор қайрилди-да, иккинчи яна шунча узунликдаги девор давом этар эди.

Менда дастлаб деворларга алоҳида-алоҳида расмлар ишлаш нияти туғилди, кейинроқ мазмун ва композиция жиҳатдан яхлит асар яратиш истаги ўстун келди.

Инсоният ҳаётида, шу жумладан, Шарқ халқлари ҳаётида содир бўлган қатор урушлар, низолар, тож-тахт талашини каби фожиали даврларда инсониятнинг қанчадан-қанча маданий бойликлари қатори минглаб йиллар давомида ижод қилган илм, адабиёт, санъатга боғлиқ қанчадан-қанча китоблари ҳам ҳалок бўлган...

Композицияларни тарихдан бошланиши ва давом этаётган ҳаётдек тўхтамасиз туюлиши ҳамда араб ёзувида ўхшатиб ўнгдан чапга ҳаракатлантиришни планлаштириб ишга киришдим.

Унг томондан қарвон келяпти. Бир тўда суворийнинг қўлида қурол эмас, сулҳ, тинчлик ёрлиқлари, қатор туяларда турли юклар. Келувчиларнинг нияти давлатнинг дўстона муомалаларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш. Ерли халқ эса тинч ҳаётда.

Сабзи тўғраётган зебо аёл эри кўтариб турган ўғилчасига меҳр билан боқади. Қизалоқ йигитча билан, халталари елкаларида, мактабга борар эканлар, йигитчага олма таклиф қиляпти.

Бобо набирасини ёнига ўтқазиб, китоб ўқишни ўргатаётир.

Шарқда алоҳида санъат ҳисобланган китобат санъати усталари китоб яратиш ишлари — қоғоз тайёрлаш билан бандлар.

Гуллаган дарахт олдида бир неча ёш шоирларга устоз ўғит бермоқда. У оддий тупроқдан анвойи гуллар, турли мева-ўсимликлар ўстириш, оддий сўзлардан ранго-ранг шеърлар тизиш мумкинлиги тўғрисида сўзлаётир.

Бир гуруҳ мунажжим, бирининг қўлида харита, шогирдларга юлдузлар ҳаракатини тушунтирмоқда, бошқаси осмонни кўрсатади.

Дутор чалаётган шоирларнинг учаласи ҳам гўзал. Бирининг қўлидаги чақалоқ гулдаги капалакка талпинади.

Чирманда чалиб, рақсга тушаётган қизлар завқ оғушида, келажак ўйлари, ширин ҳаёт орзуси билан сармастлар.

Чиройли қиз бурчакдаги кутубхонага кириб кетяпти. Ёш шоир бу суюмли қизга ўз китобини совға қилиш илнжида.

Иккинчи деворга қайрилиш билан тасвир жиддийлашади: кутубхона ордидан қора кийимлардаги душман аскарлари, қўлларида қора байроқлар, тинчлик юртига ёпирилиб бостириб келмоқда. Оқ кийимдаги нуруний чол елкасига душман камонининг ўқлари қадалган бўлса ҳам, асрлар ёдгорлиги китобни синган дарахт ичига яшириш ҳаракатида. Уруш туфайли синган дарахтда кўкараётган ёлғиз новда гўё келгусида давом этадиган ҳаётдан элчидай.

Катта маҳобатли бино — мадраса ўқишга, билимга ташна талабаларсиз ҳувиллаб қолган. Бир йўлбосар мадраса мударриси — китоб беркитаётган чолга ўқ отаётир.

Бошқа душман суворийси найзасига ёнаётган китобни илиб олган. Унда-бунда ёнаётган китоблар. Китоб билан миниатюралари саҳифалар ҳам ёнаётир. Бинога ҳам ўт кетган.

Пастда, бузилиб сувсиз қақраб қолган ариқ қирғоғидаги чол (буни отамнинг расми асосида ишладим) даҳшатларни кўрмай дегандай панжалари билан юзини беркитиб олган.

Учта кўр гадо — дарвишлар кичик бола етагида қуриган ариқлар ёқалаб ёрилган ерлардан чап томонга кетиб бормоқдалар. Улар бораётган томонда эса ҳаёт яна яшаш кучини олган.

Бир гуруҳ меҳмонлар янги қурилаётган бино олдида лойиҳа муҳокамаси билан банд. Жадал ишлаётган қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Дарахтлар гуллаяпти. Она қўлида бола. Болакайлар сув чиқараётган чархпалак атрофида ўйнашаётир. Энг бурчакда сувга қолган дарахтлар танасида яна ҳаёт юриб, гуллай бошлаган.

Тепа бурчакдаги қиз ва йигит — ошиқ-маъшуқлар келажак ҳаётлари хаёллари билан сархуш...

Бу кенг планли композицияда урушни тинчлик енгиб, келгуси ҳаёт давом этади.

Ақлимни танибманки, ҳаётда нимани кўрсам, шуни чизгим келади, бироқ ҳар нарсани расмга олавермайман. Мен кўп ишламайман, лекин кўп ўйлаб юраман. Кўрган-кечирганларим кейинчалик катта асарларимга хомаки бўлиб хизмат қилади. Шарқ поэзияси, хусусан, Навоий асарларини ўқиб, улардан илҳомланиб расм чизишни яхши кўраман, фақат «Хамса» каби йирик асарларгина эмас, ҳар бир лирик мисра менда илҳом уйғотиб, қўлга қалам олишга, расм чизишга ундайди. Поэзия менга образларнинг туғилишида ҳаммиша яқиндан ёрдам — ижодий руҳ беради. Китобларни такрор ўқиш мобайнида туғилган образларни тўлиштириб оламан. Кейинчалик мана шу қоралама чизгиларим яхлит асарларимнинг пайдо бўлишида асос вазифасини бажаради. Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри, ана шу номдаги Адабиёт музейи, Шарқшунослик институти, «Сўғд тўйи» ва кейинги энг катта ишларимдан бири — Тошкент метросининг «Алишер Навоий» бекати безагида шундай қораламаларим қўл келди.

Одатда, ҳар бир катта ишнинг зиддият-ташвишлари ҳам катта бўлади. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, айрим ниятларимиз ниятлигича қолиб кетди: станция интерьери, шифтдаги гумбаз ичлари билан девордаги ишлар бир-бири билан ўзаро уйғунлашмади: гумбаз ичидаги ранглар бойлиги, тилла етарли даражада деворларга бориб етмади: плафонлар ва устунлар ранг жиҳатдан бир-бирига мос тушмади, яъни устунлар керамика билан ўралмади.

Алишер Навоий номи метро бекати улуғ шоир, улуғ зот ижодига замонамизнинг минг-минг мухлислари кўнгилларида сақлаган мислсиз ҳурмат ва эҳтиромларининг

рамзи бўладиган бир қасри олий бўлиши зарур эди, биз буни маълум даражада амалга ошира олдик, деб ўйлайман. Ишлар якунланиб, бекат ишга тушиб кетди. Азиз йўловчиларни бекат безакларини хуш қабул қилаётганларини кўрсам, чарчоқларимни унутгим келади.

Маънавий булоқларим

Кунлардан бирида Марказий телевидениеда атоқли ёзувчи Фёдор Абрамов билан китобхонларнинг учрашувини кўриб қолдим. Ёзувчи китобхонлар саволларига жавоб берар экан, кўпинча урушда йўқ бўлиб кетган миллионлаб одамларни хотирлаймиз-у, ўшалар қатори жангларда қурбон бўлган талантларни эслаш эсимиздан чиқади, аслида уларни ҳам эслашимиз, балки биринчи галда хотирлаб, улар учун ҳам ишлашимиз, асарлар битишимиз зарур, деган фикрни айтди. Бу фикр биз рассомларга ҳам тегишлидир.

Ҳаётни денгизга қиёс қилиб, талантларни денгизда учрайдиган камёб дур-жавоҳирларга ўхшатсак, қай пайт ижтимоий қийинчиликлар, ҳаёт мураккабликлари, салбий ҳодисалар туфайли гулламасдан, очилмасдан изланиш жараёнларида нобуд бўлиб кетган талай талантларни хотирлаб ўтиш виждоний бурчимиз экани маълум бўлади.

Самарқанд «Изофабрика»сида ишлаган кезларим эски шаҳарда дуч келганим, вужудига ғам-алам сингишиб қолган, Самарқанд қоғозига миниатюрнамо суратлар чизиб юрадиган номаълум рассомнинг қиш қаҳратонида қорда ялангоёқ туриши кўз ўнгимдан сира нари кетмайди.

Тошкентда таҳсил топган, катта рассом Волковнинг шогирди, ажойиб мўйқалам эгаси, кўп рассомлар «Худо берганга берар экан-да!» деб таърифлаган талантли рассом Шоабдурасулов бевақт ҳалокатга дучор бўлди.

СССР халқ рассоми Сергей Васильевич Герасимов «Юз йилда бир учрайдиган талант эди» деб баҳо берган москвалик Деффине исмли ёш рассом йигит эвакуация йиллари оғир шароитларга кўника олмай Самарқандда вафот қилди.

Машхур график рассом В. А. Фаворскийнинг ўғли талантли рассом Никита Фаворскийнинг умри ҳам бевақт ўлим билан якунланди.

Яна қанчадан-қанча талантлар урушда ҳалок бўлдилар.

Талантлар фожиаси юракни эзади. Бироқ, бундай талантларни йиғи билан, оғзаки сўзлар билан эмас, иш — ижод билан хотирлаш, улар қилиб улгурмаган ишларни ҳам бажариш биз тирикларнинг муқаддас вазифасидир. Биз ҳаммамиз уруш далаларида вафот бўлган, йўқолган ажойиб дўстларимиз, ўртоқларимиз олдида қарздоримиз, деб ўйлайман.

Эллик йилга яқин ижод тажрибамдан маълумки, санъаткорни ҳаёт кўринишларидан ташқари, санъат асарлари ҳам илҳомга етаклайди. Менга эса, бутун умрим мобайнида улугвор санъат асарлари, балки булардан ҳам олдинроқ халқ амалий санъати илҳом бериб келди. Ўзимизнинг санъат музейимиздаги энг ёқтирган залларимдан бири гиламлар, шолчалар, сўзаналар, атласлар илиб қўйилган залдир. Бу ерга кирсам руҳим ёришиб, илҳомим жўша бошлаганини сезаман.

Яна бир нарсани таъкидлагим келади: санъат тарихидаги номлари энг машхур бўлган рассомлар ижоди билан бир қаторда қандайдир фақат ўзимгагина яқин асарлар ҳам эсимда сақланади.

Маълумки, Нидерландия ва Фландрия (ҳозирги Голландия) халқининг жуда катта тасвирий санъат тарихи бор. Голланд рассомларининг асарлари Европа санъатида жуда катта ўрин эгаллаб, Пауль Рубенс ижоди шу санъат ўртасида энг катта олмосдек ялтираб туради. Мифологик мазмунларда суратлар битган ўзига хос бу рассом қатор гўзал хонимлар образларини яратишга алоҳида диққат қилганки, давраларда гўзаллар хусусида гап кетса, ҳануз «Рубенсовская женщина» деган ибора билан таърифланади. Рассомнинг деярли барча расмларидаги тўладан келган, бадани оқ, сариқ соч гўзал аёллар тасвири бизнинг «Эрмитаж», Москвадаги Пушкин номли музейимизда ҳам бор.

1977 йили Италияга қилган сафаримда Рубенс таваллудининг тўрт юз йиллиги шарафига очилган Флоренция шаҳридаги кўрғазмада бўлдим. Мен кўплаб катта картиналар осилган хоналарда кезар эканман, рассом ижодига ихлосим кучайиши ўрнига сусайди ва Фра Анжелика номли машхур итальян рассомининг уч-тўрт кичкина асарини катта завқ билан томоша қилдим.

Яна бир гап. Неаполь шаҳридаги «Бадий санъат музейи»да бир-бирдан ажойиб минг-минг асарлар бор. Мен эса буй асарларга тўла бу залларда бир асарни энтикиб қидириб юрдим. Бу — Помпейдан келтирилган, инкаустика техникасида ишланган бир оила портрети — ҳуқуқшунос ўз оиласи билан тасвирланган ажойиб санъат асари эди. Фаюм портретларини эслатадиган бу асар Неаполь музейида эканини билардим. Уни

кўриш неча йиллик орзуим бўлганидан уч қаватли бинонинг залларида чопиб юрдим. Назоратчи ходимларга тилни билмаганим учун тушунтира олмадим, шунинг учун расм чизиб тушунтирдим, бир ходим реставрация бўлимига ўтишимни айтди. Афсуски, бу бўлимда асарни реставрация қилиш учун бошқа шаҳарга жўнатган эканлар... Шундай қилиб, бу орзуим амалга ошмади.

Москвадаги Пушкин номли санъат музейининг қадимги Миср санъати бўлимидаги (гарчи қирқ беш йилдан буён такрор-такрор кўрсам-да) Фаюм портретларини томоша қилиб ҳеч тўймайман.

Фаюм портретлари қачон, қандай, қаерда кимлар томонидан яратилган?

Маълумки, қадимги Миср санъати бутун дунёга машҳур жуда катта бой асарларга эга. Миср эҳромлари, ҳайкаллар, рангтасвир асарлари, барельефлар, меъморчилик обидалари дунё миқёсида санъат мухлислари диққатини тортган экан, мен ҳам уларга завқ билан термилсам ҳам, шулар орасидаги сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган Фаюм портретлари яна меҳримни тортаверади. Инкаустика техникасида тобут тахтасига ишланиб, мўмиёланган, қадимги Миср эрамининг бошларида Александр Македонский босиб олгандан сўнг санъатда пайдо бўлган, дунёнинг мисршуносларию, тарихшунос, санъатшунослари диққатини жалб этган Фаюм портретлари менга ҳар гал кўрганимда янги асарлардай таъсир етказеради.

Менга дунёнинг турли жойларида бўлиб, кўп санъатлар билан танишиш насиб қилган. Италиянинг буюк санъати, бу юрт музейларини безаган Леонардо да Винчи асарлари, Микеланжело Буонаротти ҳайкаллари, Пьерро Делла Франческо фрескалари, Боттичелли, Фра Анджелика, Тициан, Веронезе ва бошқа улуғларнинг буюк тасвирлари, улуғ рассомлар беазаги остидаги калиса ва соборларни яхши кўриб қолганман, улардан олган таассуротларим бой. Лекин, шулар қатори, балки булардан ҳам илгарироқ, кўнглимда, қалбимда десамми, Фаюм портретларига меҳрим мавж уриб туради.

Яна мен алоҳида меҳр билан қадрлайдиган асар — расмлардан бири, Европа санъати, умуман, дунё санъати тарихида машҳур голланд рассоми Вермеер Дельфскийнинг «Мактуб ўқиб турган аёл» асаридир.

Биз ҳаммамиз биламиз, уруш йилларида фашист қузғунлари халқимизнинг қанчадан-қанча маданий бойликларини нобуд қилганлар. Шундай бўлса ҳам, совет ҳукумати буюк улуғворлик кўрсатиб, урушдан кейин Дрезден галереясида сақланган пул билан баҳолаб бўлмайдиган, дунёнинг санъат тарихидаги энг улуғ асарларини немис халқига қайтариб берди...

Москвада томошабинлар галерея экспозициясидаги Рафаэлнинг энг машҳур Сикст Мадоннасини кўришга шошилганларида, мен кичкина хонада намоишга қўйилган «Хат ўқиб турган аёл»ни кўришга ошиқар эдим. Ҳажми унча катта бўлмаган бу картинада дераза олдида хатга термилиб турган ёш аёл тасвирланган.

Ёш хотинга қандайдир вазифа билан олисларда юрган эридан мактуб келган. Мактуб тез кунлардаги висолдан элчи, шунинг учун аёлнинг вужуд-борлиғида интиқлик. Унинг интиқлигига яна бир сабаб, юраги остида илк гумонаси қимирлаб қолган. Эри шу ҳақда ҳам сўраган. У эстиғи остида фикмиланиб кетган бир азиз хатга ҳар тонг, ҳар оқшом термилади. Кейинги пайтларда кўнгли тусагани учун боғчаларидан териб еб юрадиган нордон меваларни ҳам ёрига илинади: ярмини ўзи еб, ярмини яхши ният билан азиз кишига қолдиради...

Очиб юборилган деразадан ёпирилган ёруғлик аёлнинг интиқ дунёсини тўлароқ очади, асар лиризмни яна ҳам бўрттириб кўрсатади,

Хат — аёл қўлидаги мактуб бутун композициянинг маркази, сюжетни тутиб турувчи, уюштирувчи нуқта, айна пайтда асарни ҳаракатлантириб турувчи асосий восита — деталь. Асардан хат олиб ташлангудек бўлса, бутун композиция сочилиб кетиши мумкин.

Қайта-қайта завқ олаверадиган бу асар ҳақида яна дунё-дунё туйғуларим бор.

Баъзан энг муқаддас орзуим бўлган Камолиддин Беҳзод асарларини кўрмаганимга хаёл кетади. Қоҳирада бўлганимда Ислоҳ музейига бориб, Исроил ҳужуми — уруш туфайли Беҳзод мактабига боғлиқ асарлар экспозициядан фондга олинганлигини бир оз афсус билан эслайман. Бироқ, музейда кўрганларим, Турк халқ санъатининг энг улуғ ёдгорликлари, мени қойил қолдирган керамика санъати ҳақида ҳаяжон билан ўйлаб кетаман-да, яна кўпдан-кўп турли-туман нарсалар ҳақида хаёл сура бошлайман. Санъатнинг ҳаётга, ҳаётнинг санъатга таъсирлари тўғрисида, унинг сир-асрорлари устида бош қотира бошлайман.

Бундан юз эллик йил муқаддам археологлар қадимги Миср фиръавни Эхнатоннинг хотини Нефертитининг бир неча нусха ҳайкалини толганлиги санъат ишқибозларига маълум бўлган эди. Тахминан тўрт минг йил олдин, демакки, эрамыздан ҳам анча илгари яшаган гўзал аёл образи санъат мухлисларини маҳлиё қилиб, ҳаттоки, XX асрнинг

иккинчи ярмида Европа ва Америка аёлларига таъсир ўтказган эди — аёллар ўз кўз ва қошларини Нефертийиникига ўхшатишга тиришиб бўяган эдилар. Ўз замонида ҳайкалтарош кўнглини мойил қилиб, санъат асари яратишга илҳомлантирган аёл санъатга айланиб, тўрт минг йилдан кейин ҳаётга таъсир қилгани устида бош қотира бошлайман.

Хаёлимда яна «Савдогар хотин», «Волга бўйида», «Ярмарка», «Масленица» каби асарларида рус аёллари латофатини гўзал акс эттириб, рус гўзалларига нисбатан «Кустодиевская женщина» иборасини ишлатилишига сабаб бўлган рассом Борис Кустодиев асарлари ҳамда «Мадам Самари», «Яланғоч аёл» каби асарларида бошқа ҳеч бир рассомда учрамаган тасвирлари билан француз аёлларининг гўзаллигини тараннум этиб, «Ренуаровская женщина» иборасининг тарқалишига сабаб бўлган машҳур импрессионист рассом Огюст Ренуарлар ижоди жонланади-да, безовта бўла бошлайман.

Бошқа асарлар-чи?

Безовталигим кучайиб, охири ишим кўп бўлса ҳам, ортиқча вақтларим бўлмаса ҳам, йўлини қилиб Москвага жўнаб қоламан. Дарҳол Третьяков галереясига чопаман, галереяда Андрей Рублёв асарларидан бошлаб Александр Ивановнинг «Исонинг одамлар олдида келиши» асарини, унинг бу йўлдаги ўттиз йиллик лавҳалари, қораламалари, расмларини қараб чиқаман. В. Серов, М. Врубель расмлари олдида ўйчан тураман. И. Репиннинг «Протодеякон»ига, чуқур образига узоқ термуламан, И. Грабарь, К. Коровиннинг манзара асарларини, улуғ В. Суриковнинг рус халқи тарихидаги фожиаларни кўрсатишга бағишланган тасвирларидан таъсирланиб, санъатга чанқаган кўнглим бир оз тинчигач, яна висолга интилган ёш ошиқдек Пушкин номидаги «Тасвирий санъат музейи»га ошиқаман. Сўзсиз энг биринчи Фаюм портретлари қаршисида хаёлларга ғарқ бўламан. Бу ажойиб музейдаги Рембрандт, Рубенс ва бошқа рассомларнинг портрет ҳамда композицияларини кўздан кечираман, иккинчи қаватда бир неча хоналарни эгаллаган XIX—XX аср француз рассомлари Клод Монэ, Гоген, Ван Гог ва, кейинроқ, энг яхши кўрганим XX асрнинг улуғ рассоми Анри Матисс асарлари осилган зални томоша қилиб дам оламан. Буларни кўрмасам, Москвадан кета олмайман. Шуларни анча йиллар кўришга имкон тополмасам, чўлда узоқ вақт юриб чанқаган одамдай бетоқатлана бошлайман. Москва музейлари ҳамда Ленинграддаги «Эрмитаж», «Рус музейи»ни кўрмасам, Самарқандга тез-тез бориб Гўри Амирни томоша қилмасам, Регистонни бориб кўрмасам, Самарқанд ҳавосидан нафас олмасам, мен ижод қила олмайман. Булар ҳаммаси менинг руҳимни суғориб турадиган маънавий булоқларимдир. Улар менга билмаган, унутганларимни эслатишиб, янги асарлар устида иш бошлашга даъват этади.

Мен эсимни танибманки, рассом бўламан, албатта рассом бўламан деб интилган, узун ҳаётимда кўп зафарларга, кўп мағлубиятларга учраб, бирмунча орзуларимни амалга оширган бўлсам ҳам, ёзувчилар энг улуғ асарларим келгусида яралади деганларидек, янги катта асарлар яратиш иштиёқи ҳануз безовта қилиб туради.

Ёзиб олувчи: **Убайдулла СОДИҚОВ**



БЎХТОН ҲАМ ЭВИ БИЛАН!

Бугунги кунда буржуа сиёсатдонлари советлар мамлакати ҳамда кўпмиллатли совет ҳалқи ҳаётининг баъзи масалаларини ўзига хос услубда — манфаатдорлик позициясидан туриб «текширмоқдалар».

Улар советлар турмуш тарзини, Совет Иттифоқи сиёсатини ҳар қандай йўллар билан бузиб кўрсатиш мақсадида адабий жараён, бадиий ижод масалаларини сохталаштириш, бор ҳақиқатга тўхмат қилишдан ҳам қайтмаптилар.

Ғоявий кўпоровчилик бобида буржуа оламининг шу кундаги «тиниб-тинчимас» советшуносларидан Д. К. Монтгомери, У. Фирман, Э. Оллуорт, Ф. Блехер, Р. А. Льюис, Р. Х. Роулэнд, Р. Раух, Т. Шаббад, Д. Линдгрэн каби мафкурачилари советлар тўғрисида оғзиларига келганини гапирмоқдалар.

Бу дард-аламларнинг асоси бор, албатта. Капитализм занжирини парчалаб жаҳонда социалистик тузумни барқарор қилиниши буржуа корчалонларини табиий равишда довдиратиб қўйди. Улар бу тузумни кўпориб ташлаш учун турли йўлларга, кўчаларга кириб, ғаламислик қилмоқдалар.

Ана шундай ўзини қўярга жой топа олмаётган, аламзада америкалик ифвогар мафкурачилардан бири Д. К. Монтгомери ўзининг бузуқ ниятларини совет адабиёти, жумладан, ўзбек совет адабиёти масалаларига доир «тадқиқотларида» яққол намойиш қилди.

У яқинда Оксфордда ўзининг «Шоҳимардон» — ўзбек совет адабиёти меросининг занжирдаги звеноси» деб аталувчи асарини бостириди.

Маълумки, машҳур шоир, жамоат арбоби Ҳамид Олимжон ўзбек совет адабиётининг асосчиси, инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишлаб «Шоҳимардон» номли дoston яратиб, уни 1936 йили «Совет адабиёти» журналида чоп эттирган эди.

Дostonнинг қаҳрамони атоқли шоир Ҳамза эди. Ҳамид Олимжон шоирнинг фожиали ўлимига сабаб бўлган қора қузғунлар — шарият пешволари, сотқину ғаламислар, муштумзўр бойларнинг қиёфасини ўткир сатрларда очиб берган эди:

**Энг қайнаган нафасида тўхтаган қоннинг —
Ранги билан бўялган байроқ
Тоғ бошида елпиб турар Шоҳимардоннинг
Кўз олдига қутурган бир тарих келадир:
Кўринадир интиқомнинг қонли лавҳаси,**

**Шоҳимардон муштумзўри, бойи, мулласи —
Улаётган наслларнинг қора тўдаси,
Аччиқ заҳар тўкиб, совуқ қуладир.
Тоғ бошида қонга ботиб, шоир ўладир,
Тоғ бошида бир умрга паймон тўладир.**

Дostonдаги шоир ўлими картинасини, озод ҳаёт нашидасини, зулматни ёриб чиққан маърифат нуруни, келажакка бўлган оптимистик қарашларни муаллиф ўта таъсирчан, чуқур драматизм билан гавдалантирган эди. Дostonдан келтирилган юқоридаги оташин сатрлар улуғ шоирга бўлган зўр эътиқод, ҳурматнинг ёрқин ифодасидир. Айни замонда мазкур парчада динни ниқоб қилиб олган баъзи руҳонийлар ва уламоларнинг қиёфаси ҳам ҳаётини чизилганини кўрамыз.

Ҳамид Олимжоннинг бу юксак пафосга тўла овози америкалик «тадқиқотчи»га маъқул келмайди, шекилли, у кўр-кўрона ўзбек адабиётига — Ҳамза ва Ҳамид Олимжонга бўхтон қилиб, тош отишга киришади.

Дэвид Монтгомерининг фикрича, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ҳалок бўлиши ва унинг порлоқ образини гавдалантиришга бағишланган мазкур дostonни гўё «Ҳ. Олимжон ўзига юқори мансаб топиш учун ёзган» (87-6) эмиш! Томдан тараша тушгандай айтилган бу тўхматлар тагида ғоявий «дўстимиз»нинг нозик мақсади яшириниб ётганини пайқаб олиш қийин эмас. У мазкур тезиснинг моҳиятини миллий масала ва исломга олиб бориб тақайди. У «Урта Осиёда ўзбеклар русларнинг давлат бошига чиқишини норозилик билан ёки ўз нафратини зўрға ушлаган ҳолда кутиб олдилар. Уларнинг мустақиллик ҳақидаги орзулари тасдиқланмади. Иқтисодий томондан ҳаёт яхшиланishiга қарамай, халқ совет анъаналарининг ислом динига асосланган ҳаётга кириб келганига норозилик билан қарашини давом эттирди» (87-6), деган бўхтондан иборат гапларни айтишдан уялмайди.

Д. Монтгомери бу асоссиз сафсатасини «чуқурроқ» исботлаш учун яна Ҳамза ва Ҳамид Олимжон ҳақидаги «проблема»га қайтади ва тирноқ остидан кир қидиришнинг кўз илғамас томонлари — ғоявий кўпоровчиликка ўтади. У «Ҳ. Олимжон ўз поэмасида идеал адабий усталик билан шуғулланади, бу — унга анчагина юқори поғонага кўтарилишига ёрдам берган» (80-6), деб ошқора «ҳукм чиқаради». «Лекин, — дейди автор, — шоирнинг (Ҳ. Олимжоннинг — Ҳ. У.) ижоди коммунистик мақсадга эътиқодли бўлганидан эмас, балки шароит, муҳитга ёндаша билишдандир».

Шоирнинг гуманизм ва реализм, чуқур партиявийлик ғояси билан суғорилган ушбу дostonи Д. Монтгомери айтгандек «юқори поғонага кўтарилиши» учун яратилмаган, балки дoston шоирнинг гражданлик позицияси, қалб амри, коммунистик бурчи тақозоси билан дунёга келган. Шоирнинг мақсади улуғ инқилобчи Ҳамзанинг порлоқ сиймосини гавдалантириш, унинг ўлимига сабабчи

бўлган қора гуруҳларнинг кирдикорларини ҳаққоний очиб бериш эди. Буларни яхши тушунган Д. Монтгомери Ҳ. Олимжоннинг воқеликка тўғри ёндашувчи, реалист шоир эканлигини тан олишга мажбур бўлади.

У ёзади: «Олимжон реалист эди, у бўлаётган воқеалар тенденциясини тушунарди, ривожланаётган воқеаларга тўғри қарарди, муваффақият янги система билан ҳамнафас бўлишга боғлиқ эканлигини биларди» (80-б).

Савол туғилади. Агар ҳақиқатан ҳам, «Ҳ. Олимжон реалист бўлса, «ривожланаётган воқеаларга тўғри қараса, нега энди шоир «идеал адабий усталик билан шуғулланиш»да айбланади?

Д. Монтгомери 20-йиллар адабий муҳитига муносабат билдирганда «Шоҳимардон» достонининг таҳлили бир ёқда қолиб кетиб, яна Ҳ. Олимжоннинг адабий мавқеи хусусида «бош қотиради». Ҳамзанинг фожиали ўлимидан кейин вужудга келган «Шоҳимардон» достонининг руҳидан надоматлар чеккан идеолог, шоир бу билан «ўзига ҳурмат ва ишонч қозонди, унинг асарлари Совет жамиятида қўллаб-қувватланди...» (93-б), деб нола қилади. «Бу ишонч, — дейди у, — Олимжон «Қизил қалам» жамияти ўрнида қайта қурилган «Ўзбек пролетар ёзувчиларининг ассоциацияси»да керакли кандидат бўлиб қолганлигини курсатади» (93-б).

Ичи ғаразгўйлик билан ёнган «советшунос», шоирнинг совет тузумига вафодор, оташин ватанпарвар, ўз халқининг етук эъелиси, принципиал коммунист сифатидаги обрўсига путур етказиш учун талай фасод фикрларни ўйлаб чиқаради. «Олимжонга, — дейди у, — совет адабиётидан ўрин олишига отасининг бевақт ўлими, ўзининг етимлар мактаб-интернатда тарбияланиши ёрдам берган. Шунинг учун бошлиқлар совет адабиётида шу пайтадаги ислом руҳида тарбияланган бошқа ёзувчилардан кўра унга «ишончли киши», деб қараганлар» (94—95-б). Бу билан автор Ҳ. Олимжоннинг етук шоир бўлишида отанинг «бевақт ўлимию мактаб-интернат» сабабчидир, деган хом хаёлни ўртага ташлайди. Аслида эса, бу сифатлар Ҳ. Олимжонда бўлган ижодкорлик руҳи, туғма талантининг қайрилиши, ўсиши ва камол топишида янги тузум, порлоқ ҳаёт асос бўлганлиги билан боғлиқ. Агар шоирнинг отаси «бевақт ўлмаганида», балки у бундан ҳам мўътабарроқ киши бўлиб етишармиди.

Д. Монтгомери шоирнинг асари таҳлиладан кўра ҳам, унинг адабий мавқеи, тутган ўрни ва унга сабабчи бўлган шарт-шароитлар хусусида кўпроқ сафсата сотади. Ушлаб оладиган бирон бир муҳим факт топа олмай, ночорликдан яна шоирнинг маҳоратига тан беришга мажбур бўлади. «Шоҳимардон» достонини таҳлил қилар экан, ундаги:

**Бугун катта тантана эди:
Қонсираган кўзлар, зах босган юзлар,
Ҳалокат судраган қоп-қора излар,
«Бизни кўрдингми!» деб ҳамла қиладир.
Ҳавоси сасиган қора кечмишни
«Ғанимат беш кун» деб чўзмоқ бўладир —**

деган сатрларни ўқиб туриб тўсатдан: «...асар ҳаддан ташқари драматик қилиб юборилган» (95-б), деб достонга ва унинг авторига аслида қойил қолса-да, «ноиложлик»дан «ғоявий расмиятчи»лик учун «уф» тортиб, «Шоҳимардон»ни шоирнинг яхши лирик асарлари сифатида тан олмайди. Чунки, достонда «давр руҳи ва талаби тўғри ифодаланган эмас» (96-б) эмиш!


Хуллас, «советшунос» ўзини ўзи инкор қилади, беқарорликка ўтади. Чунончи, у 80-саҳифада «Олимжон реалист эди, воқеалар тенденциясини тушунарди... воқеаларга тўғри қарарди... янги система билан ҳамнафас»лик қиларди, деб айтган фикридан ҳеч уялмай, 96-саҳифага келиб, достонни «давр руҳи ва талаби тўғри ифодаланмаган»ликда айблайди. Бу достон гўё «давлатнинг ўтказётган «адабий пропаганда»си тариқасида (96-б) битилган эмиш. Шу боисдан ҳам достон фақат «бадий ифодавийлик воситаси ёки пропаганда ўрнида хизмат қилар» эмиш!

Автор ўз «тадқиқоти»ни яқунлар экан, «Шоҳимардон» достонининг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, «бу Ҳамза ва Ҳ. Олимжонга эътиқод фактори сифатида катта хизмат қилишини» тан олган ҳолда, яна сўзидан чекина бошлайди. «Лекин, — дейди у, — достон ҳар иккаловига ҳам шўҳрат келтирди ва Ҳамза билан ҳозирги ўзбек совет адабиёти жамиятини боғлаш занжири бўлиб хизмат қилди; Олимжонни эса шу занжирда асосий боғловчи звенога айлантди» (98-б), деб тирноқ остидан кир қидиради.

Ахир Ҳамза Ҳакимзода ўз адабий ва бадий дидининг ўткирлиги, тобланганлиги билан «советшунос» айтган ўтмиш «адабий» жараёни «занжири»ни парчалаб, совет тузумига садоқат билан хизмат қилса-ю, Ҳ. Олимжон, Ойбек, Уйғун каби кўплаб ижодкорлардан иборат янги давр адабиётини бошлаб берган бўлса-ю, достонга «Ҳамза билан ҳозирги ўзбек совет адабиёти жамиятини боғлаш занжири» деган тўхматни қандай қилиб тиркаш мумкин? Ваҳоланки, Ҳ. Олимжон каби талантлар ўша даврда Ҳамза асос солган ўзбек совет адабиёти об-ҳавосидан баҳраманд бўлиб, уни янада мусаффолашувига, Ҳамза аъёналарини давом эттиришга ҳаракат қилди. Адабиётимиз адабий жиҳатдан бақувват, ғоявий пухта сиймолар ҳисобига илдиз отиб борди.

На чора, бутун ижоди янги тузумга муҳаббат руҳи билан сўғорилган, ғоявий-бадий юксак асарлар яратиб, ўзининг коммунистик эътиқодини ёрқин намойиш этган Ҳ. Олимжонга нисбатан тўхмат ва бўҳтондан иборат уйдирмалар тарқатаётган Ғарбнинг «доно» сиёсатдонларига қийн. Аламзадалар совет турмуш тарзи ҳақида «бирон нарса» демаса, буржуа дунёси уларга нон бермайди.

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари кандидати**



Акрам Каттабеков

АДАБИЁТИМИЗНИНГ БОШ МАВЗУСИ

«Октябрь инқилоби — XX асрнинг бош воқеасидир» дейилади КПСС Марказий Комитетининг Октябрь инқилобининг 70 йиллиги муносабати билан совет халқига Мурожаатида.

«Аврора» замбаракларининг садолари остида кўхна Туркистон халқлари учун ҳам янги ҳаёт тонги отди. Октябрь инқилоби фақат янги тузум, янги турмуш тарзи, социалистик ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий асосларини юзага келтирибгина қолмасдан, янги социалистик маданият ва адабиётга ҳам асос солди.

Шуниси характерлики, янги социалистик адабиётнинг «тили» ҳам инқилобни куйлаш ва акс эттириш жараёнида чиқди.

В. И. Ленин, агар санъаткор чинакам совет платформаси ғояларини ҳимоя қилса, унинг ижодида инқилоб мавзуси у ёки бу даражада албатта, ўз аксини топиши кераклиги ҳақида кўп гапирар эди. Шунинг учун ҳам М. Горький, В. Маяковский, Д. Бедный, А. Серафимович каби ижодкорларнинг инқилобий асарларини доҳий фақат воқеликни бадий идрок этилган эстетик ҳодисагина эмас, балки янги ҳокимият позицияларини мустаҳкамлаш, унинг мавқеи ва обрў-эътиборини кўтариш ишига бевосита хизмат қиладиган кураш формаси — сиёсий ҳодиса сифатида ҳам тушунар эди.

Ўзбек совет адабиётига ҳам инқилоб мавзуи Октябрнинг ўзи билан бирга кириб келди. Ҳамзанинг «Яша, Шўро!» деган ҳайқириги билан ўзбек революцион поэзиясига асос солинди, Ғофир образи орқали эса зулмга қарши курашга отланган исёнкор тип биринчи бор адабиётга кириб келди.

С. Айнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина» повестлари, «Дохунда» ва кейинчалик «Қуллар» романлари билан реалистик тарихий-инқилобий проза майдонга келди.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи ўзбек адабиётида бу соҳадаги ютуқларнинг синтези бўлди.

50—60-йиллар маҳсули бўлган П. Турсуннинг «Ўқитувчи», А. Мухторнинг «Опа-сингиллар», Ҳ. Ғулومнинг «Машъал», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романлари, Ойбек, А. Қаҳҳор, Н. Сафаровларнинг автобиографик қиссалари адабиётимизнинг шу мавзудаги аънаналарини бойитди, тарихий-инқилобий прозамизнинг образлар дунёсини ва поэтикасини ранг-баранглаштирди.

70 ва 80-йилларнинг биринчи ярми адабиётимизнинг бош мавзуси бўлган инқилоб темаси ривожланишида алоҳида босқич бўлди. Тарихий-инқилобий прозанинг мундарижаси чуқурлашди, тематик доираси кенгайди. Агар бунгача инқилобий мавзу асосан 1916 йилги халқ кўзғолонлари ва граждандар уруши воқеалари билан чегараланган бўлса, энди XX аср боши, айниқса 1905 йилги рус революцияси таъсири остида бўлиб ўтган инқилобий ва озодлик ҳаракатлар ҳам кенг кўламда ўз аксини топа бошлади.

Бу даврда дунёга келган К. Яшиннинг «Ҳамза», Н. Сафаровнинг «Наврўз», Ҳ. Ғулумнинг «Мангулик», Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши», Ш. Холмирзаевнинг «Қил кўприк», Е. Березиковнинг «Қизил Бухоро» романлари, А. Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» повести китобхонлар ва танқидчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Кўриниб турибдики, кейинги даврда инқилоб йиллари воқеаларини бадий акс эттиришга бағишланган асарлар каттагина рўйхатни ташкил этади. Сон жиҳатдан бу борада ишларимиз ёмон эмас. Аммо, салмоқчи? Умуман бу қутлуғ мавзуни ишлашда адабиётимизда қандай характерли тенденциялар, ютуқлар ва айни пайтда, қандай нуқсон ва қусурлар кўзга ташланмоқда, ва ниҳоят, мазкур жанрнинг бундан кейинги тараққиётини таъминлашда қандай муаммо ва проблемалар кўндаланг турипти?

Сўнги йилларда кўзга ташланаётган муҳим тенденциялардан бири — тарихий-инқилобий асарларда халқ озодлиги йўлида ҳаётини тиккан буюк тарихий сиймолар образларига қизиқишнинг ортиб бораётганлигидир.

Адабиётимизда маълум сабабларга кўра узоқ даврлар шу тип асарлар ва қаҳрамонлар яратилмади. Биз узоқ йиллар ўз инқилобий тарихимизни ўзимиз камбағаллаштириб келдик.

Айталик, Октябрь инқилобининг 10 йиллигига бағишлаб Тошкентда махсус тарихий-хроникал альбом чиқарилган бўлиб, унда қирқдан ортиқ оташин ўзбек инқилобчилари, — озодлик ҳаракати ва партиянинг кўзга кўринган арбоблари суратлари ва биографиялари берилган, уларнинг хизматлари қайд этилган. Аммо, афсуски, кейинчалик уларнинг бир қисми «халқ душмани» деб эълон қилинди, бошқа катта қисмининг номларини эса асоссиз равишда унутдик.

Тарихий шахс номини тилга олишдан безиллаб қолган ёзувчилар табиий равишда кўпроқ тўқима қаҳрамонлар яратишга «оғиб» кетдилар.

Тарих фани ва у билан ҳамкор тарихий-инқилобий адабиётда бундай халқ фарзандларининг номлари тикланиши ва асарларга олиб кирилиши миллат тарихи учун, ёш авлод тарбияси учун нақадар зарур эканлигини бугун тушуниб турибмиз. Бу борада рус адабиёти бизга ўрнак ва намуна бўлмоқда. Бугунги демократия ва ошкоралик даврида бу борадаги камчиликларни рўй-рост тан олишимиз ва уларни тузатиш учун шошилиш чоралар кўришимиз жуда зарур.

Шунинг учун ҳам ўзбек ёзувчиларининг Туркистонда инқилоб даври воқеаларини бор ҳолича объектив ёритишга, оташин ўзбек инқилобчиларининг образларига мурожаат қилишларини адабиётимиздаги катта сифат ўзгариши деб баҳолаш керак.

Сўнги даврда яратилган К. Яшиннинг «Ҳамза», Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» романлари, А. Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари, М. Нуриддиновнинг «Қиндан чиққан қилич» қиссаларини бу соҳада жиддий уринишлардан деб айтса бўлади.

Ҳамза, Номоз, Ф. Хўжаев каби йирик шахсларни ўз асарларига қаҳрамон қилиб олган адибларнинг ижодий муваффақиятлари ҳақида танқидчиликда илиқ гаплар айtilди. Мазкур асарларнинг фазилатларини зарра камситмаган ҳолда, «Ҳамза», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Бухоронинг жин кўчалари», «Қиндан чиққан қилич» асарларида тарихий воқеаларни ва ноёб сиймолар характерини чуқур фалсафий идрок этиш меъёрига етказилмагани ҳам рўй-рост айтишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам аслида ҳаётда ўта кучли характер эгалари бўлган бу қаҳрамонлар тўлақонли, қўйма, монументал типлар сифатида кўз олдимизда гавдаланмайди.

«Ҳамза» романида (асарнинг кўпгина ижобий хислатлари ҳақида биз олдин ёзганмиз) авторнинг бош тасвир принципи — характерни давр воқеалари силсиласида ичдан, фалсафий ёритиш эмас, воқеанавислик, бизга ижодкорнинг Ҳамза ҳақида драма ва сценарийларидан маълум воқеаларни оддий ҳикоя қилиш, шарҳлашдир. Бунинг устига асарда нима сабабдандир услубий хилма-хиллик сезилади. Роман бошида ёзувчи Аҳмадохунбой саргузаштлари, Олчинбек ва Шайх Исмомил тўқнашувлари каби маиший интригалар билан китобхонни қизиқтириб олмоқчи бўладию, аммо гап асосий масалага — Ҳамза характерни тадқиқи, Ҳамза — Олчинбек, Ҳамза — Шайх Исмомил тўқнашувлари тасвирига келиб очерк услуби биринчи планга чиқади, қаҳрамонлар расмий шiorлар тили билан гапирга бошлайдилар.

Х. Тўхтабоев ҳам «Қасоскорнинг олтин боши» романида Номоз ҳаракати билан боғлиқ ноёб материалдан маҳорат билан фойдалана олмайди. Номоз — чинакам ноёб тақдирли шахс. У — Пугачев, Разин, С. Юлаев типидagi қаҳрамондир. Кепесари халқ ҳаракатидан ўзига тахт орттиришда фойдаланган, Пугачев ҳўзғолон муваффақиятларидан эсанкираб ўзини «шоҳ» эълон қилган бўлса, Номоз сўнги нафасгача чинакам халқ қаҳрамони бўлиб қолди.

Бозорларда бойлардан тортиб олинган қоплаб тиллаларни халқ бошидан сочдирган Номоз ҳалок бўлганда, кафанлик учун чўнтагидан бир қора танга ҳам чиқмади — қаҳрамон жасадини қопга ўраб кўмишди. Бундай ноёб, материалдан жуда кучли, монументал ва қўйма образ яратиш имкони бор эди. «Қасоскорнинг олтин боши» романида эса материални фалсафий идрок этиш етишмайди, саргузашт формаси асарга эртакнамо тус беради.

Ёш ёзувчи М. Нуриддиновнинг «Қиндан чиққан қилич» қиссаси Номоз ҳаракати, унинг шахси ҳақида бирмунча қўшимча фактлар беради. Аммо бу фактлар бадий идрок этилмаган ва асар хронологик очерк кўринишида қолиб кетган. Бунинг устига Х. Тўхтабоев романи ва бу қиссада айрим фактларнинг турлича берилиши, бир-бирини инкор этиши китобхонни бирмунча чалғитади.

«Бухоронинг жин кўчалари» повесть қаҳрамони Файзулла узоқ вақт ғоялар «чангалзор»да қолиб кетади, унинг изланишлари, изтироблари баъзан ҳаётини мантиқ билан асосланмайди, натижада қаҳрамон характери, унинг тирик инсон сифатидаги қиёфаси ҳақида китобхонда бир оз мубҳам тасаввур қолади.

Тарихий-инқилобий романларимиз поэтикасидаги кўпол нуқсонлардан бири — характер тадқиқи ва воқеалар силсиласини кўшиб, ички органик бирликда олиб боришнинг заифлигидир. Бундай асарларда аксарият ҳолларда воқеа-ҳодисалар ва характерлар ўз-ўзича яшайди. «Хоразм», «Ота», «Фарғона зулмат кўйнида», «Истиқбол сари», «Водийда баҳор» романларида тарихий факт билан ишлаш маданияти ўта паст бўлса, «Чирок», «Эрк қуши», «Наврўз», «Момақалдироқ», «Қил кўприк» романларида воқеанавислик, сергаплик характерлар тадқиқини, психологизмни сиқиб чиқаради. Услуб ва бадий тилнинг ғализлиги бу асарларнинг кўпчилигининг эстетик қимматини тушириб юборади.

Хуллас, тарихий-инқилобий прозамизда бадий маҳорат масаласи энг заиф нуқталардан бири бўлиб қолмоқда. Тарихий-инқилобий прозамизнинг бундан кейинги тараққиётини таъминлашда бир қатор проблемалар кўндаланг турибди, улар ҳақида гапирмасдан ўтиш тўғри бўлмайди.

Бу проблемаларнинг айриллари ҳақида яқинда «Самарқандда Октябрь революциясининг 70-йиллигига бағишлаб» Совет Шарқи адабиётларида тарихий-инқилобий романинг тажриба ва муаммолари» мавзуйда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий конференциясида ҳам қизгин баҳслар бўлди. Жанрнинг кейинги тараққиёти учун фойдали тавсияномалар ишлаб чиққан бу конференция қатнашчиларининг чиқишларида бугунги ошкоралик даврининг руҳи тарихий-инқилобий романлар авторлари учун ҳам дастуруламал бўлиши лозимлиги кўп таъкидланди. Бу нарса, айниқса инқилоб арафаси, граждандар уруши даврининг Урта Осиё ва Қозғистон региони учун хос бўлган муҳим, ўткир сиёсий, ижтимоий масалаларни бор ҳақиқати билан объектив ёритиб берилиши лозимлигини тақозо этади.

Бу жиҳатдан ўзбек адабиётида ҳам бир қатор қайта баҳолиниши, мулоҳаза қилиб кўрилиши лозим бўлган проблемалар йўқ эмас.

Урта Осиёнинг чор Россияси томонидан ишғол этилиши, 1905 йил рус революциясининг Туркистондаги акс садоси, Урта Осиё ва Биринчи жаҳон уруши, Октябрь инқилоби ғалабаси ва жойларда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, граждандар уруши даврининг мураккаб ва зиддиятли воқеалари ошкоралик даври берган имкониятлар ва тарих фанининг сўнги ютуқлари асосида объектив ва чуқур бадий тадқиқ қилинган асарлар бугун жуда зарур.

Таниқли ёзувчи Ч. Айтматов ўзининг матбуотдаги сўнги чиқишларидан бирида Урта Осиёда граждандар уруши ҳақида бундан буён бугунгача бўлганидек ёзиб бўлмаслигини, граждандар

уруши халқнинг фақат ғалабаси эмас, унинг фожiasi ҳам эканлигини унутмаслик кераклигини жуда тўғри таъкидлади. Янги давр воқеалари, тарих тажрибаси, ҳодисаларни узоқ йиллар давомида чуқурроқ идрок этишимиз бизнинг бир қатор фактларга янгичароқ, синчковлик билан ёндошишимизни, уларни чуқурроқ ва нозикроқ бадий таҳлил этишимизни тақозо қилмоқда.

Сўнги йиллар тажрибаси шуни кўрсатяптики, биз бор ҳақиқатни ўзимиз рўй-рост айтибгина ғоявий муҳолифларимизни қуролсизлантиришимиз, тарихдан тўғри хулоса чиқаришимиз мумкин.

Ана шундай айрим аниқликлар киритиш лозим бўлган масалалардан бири граждандлар уруши даври ҳақидаги асарларимизда босмачилик ҳаракатини акс эттириш масаласидир. Бу ҳодисани акс эттиришга бағишланган асарлар барча Урта Осиё адабиётларидек ва жумладан, ўзбек адабиётида ҳам кўплаб яратилган. Саид Аҳмаднинг «ҳар бир босмачига биттадан роман тўғри келаяпти» деб қилган ҳазилида ҳам жон бор. Бу мавзуда бадий асарлар, айниқса кинофильмлар жуда кўп. Аммо, бу жиддий сиёсий ва ижтимоий ҳодиса барча романларда объектив ва чуқур акс этаяптими? Афсуски йўқ.

Бу мавзудаги бадий китобларда, айниқса кинофильмларда ўзига хос маълум бир трафарет — қолип вужудга келган: босмачи — қаёқдандир номаълум томондан келиб қолган каллакеасарлар тўдаси — улар аҳолини талайди, қишлоқларни ёндиради, дуч келганини отиб кетаверади. Аммо бирпасда байроқ кўтарган қизил аскарлар пайдо бўлиб, босмачи орқасига қарамай қочади, булар қувади. Босмачининг ҳаммаси қириб ташланади, кўрбоши албатта йўлини топиб қочиб қолади ва ҳоказо. Тўғри, бу типик ҳодиса, лекин у воқеликнинг ташқи жиҳати, холос. Бу мураккаб ҳодисани келтириб чиқарган сабаблар, унинг ички моҳият, ҳаракатлантирувчи кучи, мақсади тўдаларни ташкил қилган аъзоларнинг индивидуал киёфаси, ички олами, дард-изтироблари — булар умуман тасвирдан ташқарида қолиб кетаверади.

Ваҳоланки, ўша давр ҳаётини чуқурроқ кузатсангиз, воқеалар иштирокчилари хотираларини таҳлил қилсангиз, босмачи деб аталмиш тўда қаёқдандир бошқа ўлкадан келиб қолган куч эмас, балки шу ерли халқнинг ўзидан ташкил топгани сир эмас. Бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиш эмас, уни чуқурроқ таҳлил этиш керак. Бу тўдаларнинг бошида аксарият ҳолларда чет эл интервентлари, пантуркистик ташкилотлар, реакцион дин арбоблари қўллаб, гиж-гижлаб турган кечаги бой ва мулкдорлар, аламазда элементлар, халқ ҳокимияти дастини қирққан бир гуруҳ инқилоб душманлари турганлар. Аммо, бу тўдаларни ташкил қилган одамлар орасида адашиб ёки алданиб, тескари ташвиқот ёки кўрқитиш орқали қўйилиб қолган оддий деҳқон-чорикор, косиб-хўнармандлар ҳам кўп бўлган. Уларнинг ҳаммаси босмачи тўдаларида қирилиб битган эмас, балки ўз хатоларини, алданганликларини тушуниб етиб, совет ҳокимияти тарафига ўтган ва кейинчалик унга ҳалол хизмат қилган кишилар ҳам минглаб бўлган.

Шу мавзуда Самарқанд конференциясида таниқли туркман адиби Р. Эсенов шундай бир латифанамо тарихни келтирди: 30-йилларда колхозга ёзилиш пайтида бир деҳқондан «босмачи бўлганмисан?» деб сўрашпти. У «ҳа» деб жавоб берибди. Колхозга қабул қилишмади. Дўстлари у деҳқонга «тан олиб нима қилардинг, қўшилганим йўқ деб айтавермайсанми?» дейишса, деҳқон: «Қандай қилиб «йўқ» дейман, ўша сўраган одам ўзи ўшанда кўрбошимиз эди» деб жавоб берган экан. Бу латифада маълум ҳаёт ҳақиқати йўқ дейиш ҳам қийин.

Айтайлик, афгон инқилобининг «душман»лари деб аталмиш тўдалар, бугун маълум бўлаяптики, кўпроқ инқилоб моҳиятини дарров англаб етмаган, тескари ташвиқот қурбони бўлган ва бугун ўз хатоларини тушуниб етиб, «миллий яраш» қарорига келган оддий афгон деҳқонлари ва косибларидан иборат экан. Бу адашганлар, алданганлар фожiasi — жаҳолат ва турғунликда сақланган халқ фожiasi — қанчалик аччиқ бўлмасин, давр ҳақиқатидир ва уни бор даҳшатли билан акс эттириш талаб этилади. Бундай тасвир инқилобининг яратувчилиқ, катта тарбияловчилик ролинини янада реалроқ кўрсатиш имконини беради. Бу эса санъаткордан бу давр тасвирида ҳар бир инсон характери ва тақдирини тадқиқига дифференциал ёндашишни, босмачилик ҳаракати деб аталмиш реакцион ҳодисанинг сиёсий, ижтимоий, маънавий илдиэларини янада нозикроқ ва чуқурроқ очиб беришни талаб этади.


Ана шундай — ўйлаб кўрса бўладиган муаммолардан яна бири — инқилобий давр тасвирида жаҳид оқимига мансуб миллий зиёлиларнинг инқилобга муносабати, уларнинг миллий маданият ва маорифни тараққий эттиришдаги ўрнини объектив акс эттириш масаласидир. Бу ҳақда ҳам Самарқанд конференциясида анча-мунча мунозарали фикрлар ўртага ташланди.

Дарҳақиқат, тарихий-инқилобий романларда чизилаётган жаҳид оқимига мансуб зиёлилар вакилларининг образлари ҳаммиша ҳам тарих ҳақиқатига мос равишда тасвирланяпти деб бўлмайди. Улар асосан миллий-буржуазиянинг ғоявий байроқдорлари, халқ ҳаракатида тўсқинлик қилган кимсалар сифатида кўрсатилади. Ваҳоланки, бу оқимнинг прогрессив қанотига мансуб бўлган бир қатор зиёлилар инқилобга тарафдор бўлиб, айниқса унинг ғалабасидан кейин янги тузумни қутлаш йўлидан борганлар, миллий маданият ва маорифни тараққий эттиришга муносиб улуш қўшганликларини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Нихоят, ўзбек тарихий-инқилобий прозасининг яхши намуналарини бутуниттифоқ китобхониға етказиш; яъни таржима хусусида икки оғиз сўз. Бизда ҳозирча бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Таққослаш учун биргина мисол келтираман. Ж. Шариповнинг бадий асардан кўра кўпроқ тарихий ҳужжатлар «папка»сини эслатадиган «Хоразм» романининг 3 китоби Москвада 500 мингдан ортиқ нусхада чоп этилди. Бир неча йил олдин эса бу романининг уч китоби бир муқова остида яна 100 минг нусхада босилди. Бунга қанча қимматбаҳо қоғоз исроф этилганини ҳисоблаб чиқиш учун математик бўлиш шарт эмас. Айни вақтда А. Мухторнинг «Бухоронинг жинкўчалари» номли яхшигина қиссаси 6 йилдан сўнг яқиндагина «Дружба Народов» журналида босилди.

«Момақалдирос» романи таржимасига В. Солоухиндек забардаст адибининг вақти сарф этилди. «Қасоскорнинг олтин боши», «Қил кўприк» каби романларнинг таржимаси ҳақида эса ҳеч ким ўйлаб кўрмаяпти.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи таржима секцияси рус тилига ўгириш учун асарларни муҳокама йўли билан тавсия этса, бадий бакуват асарлар биринчи навбатда Бутуниттифоқ китобхони қўлига етиб боришига эришилса ёмон бўлмас эди.



Валентин Оскоцкий

«ТАРИХ—ИНСОНИЯТ ХОТИРАСИДИР...»

Йиллар ўтиб, умр сарҳадини ёзган мақолаларинг билан ўлчаш зарурлигини пайқаб қолар экансан. Мен ҳали ёзмаган мақолалар орасида Сергей Бородин, унинг тарихий романчилиги сабоқлари, ўқувчиларнинг бир қанча авлодлари хотирасида у қолдирган излар ҳақидаги мақола ҳам бор. Шоир айтганидек, «дўстлик, виждон ва номус бурчи» туфайлидан бу мақолани, албатта, ёзишим зарур эди. Айниқса, мен мансуб бўлган, 30-йиллар бошида туғилган авлод учун «Дмитрий Донской» романи бебаҳо маънавий бойлик бўлди. Ҳаётимиз тонгида, олис ўсмирлик йилларида биз «Дмитрий Донской» руҳидаги романлар туфайли ўзимизни, Ватан туйғусини англадик.

Кўп йиллар ўтса ҳам, адиб истездоди билан илк учрашув кечагидай ёдимдан чиқмайди. 1943 йилнинг қор-бўронли қиши, қинғир-қийшиқ паст-баланд, сомоншувоқ бостирмалар. Жинчиروқнинг хира ёруғида Олтин Урда хонлигининг Русдаги ноибни, қаҳрли Бурхон босқоқнинг жирканч қиёфаси пайдо бўлади. От устида қамчи ушлаган, кеккайганича Москва ўртасида туриб олган босқоқ кўшк, қасрларнинг ўткир учларига, ибодатхоналарнинг томидаги кўнғироқхоналарга беписанд қарар экан, барча черковлардаги православ бутларини олиб ташлаб, ўрнига мусулмонча ярим ой (ҳилол) шаклини ўрнатиш зарурлигини ўйлар эди. Кўп ўтмай, улуғ князь кўшкнинг қаршисидаги кўчада лойга ботиб ўлиб ётган босқоқ энди оламга бошқача қарар эди...

Романининг мана шу илк саҳналариеёқ хаёлимизни бутунлай ром қилиб олади. Гўё вақт ва макон ўзгариб, асрлар йилларга, ҳатто асрлардан кўчиб ўтгандай эди, шу аснода ўтмиш ҳозирги кунларга келиб тақаларди. Мўғул-татар асоратидан қочган, чеҳраси ёнғинда куйган асира қизнинг ноёб гўзал овози билан янграган мунгли кўшиқда бутун Русь диёрининг қайғу-ҳасрати акс этар, бу дардли кўшиқ юрак-юрагимизни зирқиратар эди. Улуғ князь Дмитриини Урдага қарши жангга чорлаётган қари чўпон нутқида бутун халқнинг ғам-андуҳи, ғазаб-нафрати акс этарди. «Сокин ўрмон қўйнида, тинч ўтлаётган пода олдида айтилаётган бу сўзлар жангга чорловчи қарнай янглиғ янграрди: «Бемор ватан тупроги топталган, у халқни қасосга чорлади. Номаълум ёқларга, ёвуз ёвларга қарши, Русь диёри учун, унинг шаҳар ва қишлоқлари учун курашайлик!» Ҳар бир инсон ўзининг кичкинагина бахти, толеи, катта Ватани учун жангга отланди... Саф тортиб бораётганларнинг сон-саногии йўқ эди. Булар душманга тик қараб боришарди. Олдинда буларни шамол, бўрон, яшин, чақин, ёв ўқлари, мирзаларнинг қилич-яроғлари кутарди...»

Шу сатрларни ўқир эканман, Москва шаҳридан ўтаётган минглаб одамларни кузатар эканман, Ватан йўлларидан бораётган жангчиларнинг шалонларини хаёлимга келтирардим. Руслар «душман манзилига бало-қазодай ташланган», «бир. неча чақиримгача ерлар ларзага келган, гиёҳлар шамолда эгилиб, кўкда булутлар қалқиган, татар отлари ерга ағдарилиб тушган» чоғлар хаёлимдан ўтарди. Шу заҳоти Совинформбюронинг Сталинград фронтдан берган хабарларини эслардим. Мамай босқинидан сўнг яна ва яна «Рязань Русь тупроғидан йўқ бўлиб кетганлигидан, «аланга олган мумли ўқлар эманзор шаҳарни илма-тешиқ қилганидан» қайғурардим, гўё «черковлар, кўшклар ва уйлар каттақон сомон ғарами каби ўт олгандай, «дуд ёруғлиқни тўсгани», қалин, қора тутунлар осмонга ўрлагани» кўз олдимга келар, Ленинград қамалининг биринчи қишидаги қайғули воқеаларни яна ва яна дилдан кечирардим. «Биродарлар! Қани энди душманимиз? У бўронда қолган чанг-тўзондай тарқалиб кетди! Бадбахт Мамай, Ботухонга ўхшамоқчи бўлдингми? Русь тупроғига тўқиз ўрданг билан, етмиш нўёнинг билан бостириб келдинг, энди бўлса қоронғу чўлда жонингни омонат қилиб қочяпсан, эҳтимол, шу тобда отлар туёғи остида пачоғинг чиқиб ётгандирсан? Наҳотки, Русь сени шундай эъзозлаган бўлса? Нўёнларинг қани, лашкарбошиларинг қани? Наҳот шиддатли Дон сувидан ичиб, Куликов майдонида бўкиб қолган бўлсанг? Абадул-абад Русга йўлларинг ҳаром бўлди. Илоҳо, бу йўллар сенга тангу тор бўлсин! Биродарлар, юзларингизда қонли чандиқлар гул очибди, бу ахир мангу шон-шухрат гуллари-ку! Бу гуллар ҳаммиша сизнинг Урдани найзангиз учи билан меҳмон қилганингизни, уни қиличнинг билан ям-яшил ўтлоққа абадий уйқуга ётқизганингизни эслатиб туради. Сизларга шон-шарафлар бўлсин! Лекин, шу майдонда абадий уйқуга кетган биродарларимизга ҳам шон-шарафлар бўлсин!»

Роман хотимасидаги мана шу сўзлар сира хаёлимдан кетмасди. «Дон ва Днепр» ўртасида, Непрядва сойи бўйидаги Куликово майдонида Русь диёри учун бошларини қурбонликка қўйган жангчиларнинг жасадлари устида янграган Дмитрий Донскойнинг бу илҳомбахш сўзлари ўша кунлари блокадани ёриб чиққан Ленинград номидан душманга қарата Ольга Берггольд айтган сатрлар билан ҳамоҳанг бўлиб кетган эди.

¹ «Дмитрий Донской» романидан парчалар ҳам Маҳкам Маҳмудов таржимасида берилляпти.

**Дўконлар олдида ушоқ нон дея
Навбат турган «кекса» қизларнинг ҳаққи,
Чойшабга ўралган жасадлар ҳаққи,
Онаизор тортган ҳасратлар ҳаққи...**

Шоира душманга шу таразда қасос варағини тўлдирган эди.

Сергей Бородиннинг «Дмитрий Донской» романи 1943 йилнинг қишида шундай ўқилган эди. Гап субъектив таассуротларим ҳақидагина бўлса, буларни ёзиб ўтирмасдик. Аслида гап «машаққатли 40-йиллар»да тарих қандай идрок этилгани ҳақида боради. Ана шу табаррук йиллар тарихни шунчаки билишгина эмас, уни ҳис этиш, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан бошдан кечириш кераклигини кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши йилларида тарихни ҳис этиш ва бошдан кечириш қандай бўлганлигини Миколас Служцис уша вақтларда ёзилган «Кутузов нима дейди?» новелласида нозик юмор билан жуда яхши кўрсатган эди. Қорли даштда кўмилиб, йўқолиб кетган, ҳувиллаган кичик бир қишлоқда муаллима ўқувчини доскага чиқариб, «Филидаги кенгашда Кутузов нима деган?» деб сўрайди. Доска олдида пальто ва телпақда совқотиб турган бола аввалига нима жавоб қилишини билмайди. Сўнг ўйлаб туриб, «Гитлерни биз енгамиз» деган. Муаллима ҳам боланинг асрларни адаштирганини, Кутузов ҳеч қачон айтмаган гапни айтирганини сезмайди. «Ҳа, биз енгамиз» дейди у ҳам.

Кутузов Бородиндан сўнг Филидаги кенгашда, Петр Биринчи Полтава жангидан сўнг, Дмитрий Донской Куликово майдонида, Александр Невский Чуд кўлида башорат қилганидай, Бородин ҳам 1943 йил қишда Улуғ Ватан урушида енгимизни башорат қилганди. Фашизмга қарши оғир, қаҳрамонона курашда, «шон-шухрат учун эмас, ер юзида яшаш учун» курашда халқнинг тарихий хотираси шу тариқа ахлоқий қурол кучини касб этган эди. «Урушда тарих саҳифалари очилди, китобларнинг саҳифалари жонланди, ўтмиш қаҳрамонлари ўкув дарсликларидан блиндаж — ертўлаларга кириб келиши, — деб ёзган эди Илья Эренбург. 1942 йилда ёзган «Ертўладаги нур» номли мақоласида — 1812 йил воқеасини ким кўнглига яқин, тушуникли қисса деб билмади? Қай бир комсомол йигит Новгород харобаларини кўриб ғазабланмади? Бизнинг ёш давлатимиз қуруқ жойда қад кўтармаганлигини кўрдик. Ленинград матонати бизни ҳайратга солади, унинг изтироблари бизни қасосга чорлайди. Биз гузал шаҳар қурган Петрнинг қилган ишини кўрдик. Петр бўлмаса, Пушкин ҳам бўлмаслигини тушундик. Петербургсиз эса кузнинг қоронғу тунида янги давр очган путиловчилар бўлмаслигини тушундик». Бир йилдан сўнг у «Россия қалби» мақоласида яна ёзади: «Уруш вақтида ўтмиш қад кўтарди, у ҳозирги замон ва келажак билан бирлашди. Россия тарихи билан Октябрь революцияси узвий боғлиқ эканлигини тўлиқ тушундик».

Теран ва бой мазмун билан сугорилган халқ тарихига меҳр туйғуси — ватанпарварлик ҳақида Алексей Толстойнинг «Ватан» мақоласида (1941 йилнинг 7 ноябри, Қизил Майдонда ҳарбий парад бўлган кун «Правда» ва «Красная звезда» газеталарида бир вақтда эълон қилинган) ажойиб фикрлар бор. Ушбу мақолани халқнинг кўп асрлик ўтмишини — Қадимий Калка дарёси бўйидаги, Чуд кўлида, Куликово майдонидан то Москва остонасидаги гитлерчиларга қарши жанглари қамраб олган тарихий эссе дейиш мумкин. Адибнинг Ватан тарихи тушунчасини бундай кенг қамровда олиши тасодифий ҳол эмасди. У, Ватан тушунчасини «Халқнинг ўз еридаги асрлар қаъридан орзудаги келажаги сари ҳаракатидир, халқ келажакка ишонади ва уни ўз кўли билан ўзи учун ва ўз авлодлари учун бунёд этади. Ватан — бу, ўз тили, ўз маънавий ва моддий маданияти, ўз ерининг қонуний ва бузилмаслигига қатъий ишончини асрлардан асрларга олиб ўтувчи, абадий ўлиб ва туғилиб турувчи одамлар оқимидир. А. Толстой фикрича, адабиётнинг иши — мана шу ҳаракатни узатиш, шажара илдиэлари ва шох, бутуқларини тиклаш, ҳозирги инсондан тарихий ўтмишга чўзилган ришталарни (томирларни) улашдир...»

Сергей Бородин романи фашизмга қарши халқ кураши шароитида туғилди ва шундай вазиятда ўқилди. Академик Е. В. Тарле 1940 йилнинг 6 октябрида «Литературная газета»да «ҳарбий, қаҳрамонлик мавзуларига эътибор бериш — жамият топширғи эканлиги ҳақида ёзган, С. Бородин 1940 йилда туғатган ва 1941 йил бошида, урушга бир неча ой қолганида эълон қила бошлаган роман ана шу ижтимоий топшириққа лаббай деб берилган йирик жавоб эди. Даврнинг ўзи замондошлар онгида тарихий ватанпарварликни кучайтирар, адибларнинг диққат-эътиборини, халқнинг миллий ўзлигини, жанговар руҳи ва шон-шухратини танишга ёрдам берувчи ўтмиш воқеалари ва қаҳрамонларига қаратар эди.

Совет тарихий романи даврлар ва авлодларнинг ворислик алоқаларини қарор топтириб, халқнинг ўз миллий қаҳрамонона ўтмишидан фахрланиш туйғусини тарбиялаб, ватанпарварлик романи сифатида камол топиб, урушдан аввалги қалтис вазиятда ва бевосита Улуғ Ватан уруши йилларида жанговар сафарбарлик ишига улкан ҳисса қўшди. «Дмитрий Донской»нинг биринчи китоб нашри 1941 йилда босилди, 1942 йилда роман яна 5 марта оммавий тиражларда (Москвада «Роман—газета» ва «Правда» нашри, Гослитиздатнинг Ленинград ва Куйбишев бўлимларида, Магадандаги «Совет Колимаси» нашриётида) босмадан чиқди. 1942 йилда янграган «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деган қақириққа роман ғоялари ва образлари «Лаббай!» деган жавоб бўлди.

«Литература и искусство» газетасининг 1943 йил 15 май сониди Василий Яннинг «Тарихий роман проблемаси» мақоласи эълон қилинди. Шу саҳифада «Ёзувчилар уруш кунларида» деган ахборот ёнида Якуб Коласнинг «Славянар курашмоқда!» номли эҳтиросли публицистик мақоласи, «Совет Армияси жангчиси, кўтқар!» деган машҳур плакат ҳам бўлиб, бутун газетадан гўё порох ҳиди анқиб турарди.

В. Ян мақоласида «Совет Информбюроси хабар қилади» деган оператив маълумот билан «Тарихий роман муаммоси» мақоласи бир-биридан узоқ кўринса-да, аслида буларнинг жуда яқин муаммолар эканлиги чуқур асослаб берилган. «Ватанимиз халқларининг ўтмиши кўплаб тарихий романлар учун битмас-туганмас материал беради, — дейди В. Ян мақоласида. — Ўтмиш ҳозирги совет кишии характерининг тарихан шаклланганлигини тушуниш ва англаш учун манба бўлиб хизмат қилади. Худди шунинг учун юксак талаблар даражасида ёзилган тарихий роман бизни замонавийликдан чалғитмайди, аксинча, ҳозирги кунимизни чуқурроқ ва жиддийроқ тушунишга

ёрдам беради. Тарихий роман яшайди, ҳозирги ва келгуси авлодларни ўзига жалб этади, уларга аждодларнинг қаҳрамонлик жасоратларидан ибрат олишга ёрдам беради.

Бу фикрлар остига Сергей Бородин ҳам имзо чекиши мумкин эди. Деярли шундай ҳам бўлди. У ўзи юксак қадрлаган Яннинг «Чингизхон» романи ҳақидаги рецензияда ўзининг ижодий программасини бундай баён қилади: «Тарих — инсоният хотирасидир. Ўтмишдаги воқеаларни хотирламасдан туриб, ҳозирги замонни ҳам, келажакни ҳам тушуниб бўлмайди». Бу фикр С. Бородинга шу қадар эъозли эдики, у кейинчалик Е. В. Тарленинг «Нахимов» китобига А. Степановнинг «Порт-Артур», М. Аvezовнинг «Абай» романларига ёзган тақризларида ҳам, 1960—1965 йиллардаги кундалик ёзувларида ҳам, «Йўллар» номли автобиографик лавҳаларида ҳам унга қайта-қайта муурожаат этади. Тарихий роман — ҳар қандай адабий асар каби ҳозирги замон ходисасидир, у адибнинг ҳозирги онгини, тафаккурини ва ғоявий позициясини акс эттиради. Шунинг учун тарихий романга ҳар қандай романга бўлганидай талаб ва эътибор бўлиши керак», деб ёзади у кундаликларида, ўзининг тарихий романчиликдаги бой тажрибасига суяраган экан. У, «Йўллар»да ижодининг илк йилларини эслаб, Турксиб қурилиши ҳақидаги битмаган қиссасини ташлаб, «Дмитрий Донскойни бошлаганлигини айтади. «Мен тарихга қизиқиб кетдим. Бу, замонавий мавзудан қочиш эмас эди. Аксинча, мен тарихдан халқимизнинг бугунги кунгача келган йўлини кўзатишни мақсад қилиб қўйдим. Мен халқимизда яшаб турган, ҳозиргача аҳамиятини, ҳатто шу кун учун долзарблигини йўқотмаган хислатларнинг манбаларини топмоқчи бўлдим. Олис ўтмишдаги воқеаларни совет кишиси кўзи билан кўришни, ота-боболаримиз кимлигини билишни истадим. Уларга ҳозирги ғояларимизни зўрлаб ёпиштирмаган ҳолда ўтмиш воқеаларини ҳозирги ғояларимиз нуқтаи назаридан тушунишга интилдим. Тарихимизнинг энг муҳим, ҳал этувчи даврларини эслар эканман, тарихий материалларга чуқурроқ кириб бора бошладим. Рус давлатининг чет эл босқинчиларига қарши, ўз озодлиги учун кураши мавзуси гўё қутилмаганда мени банд этди. Аммо бу мавзуга қизиқишим тасодифан бирдан келмаганлиги кейинроқ тушундим. У, онгимда аста-секин, лекин қатъийлик билан етилиб борганди. Бу мавзудаги қизиқиш воқеликдан ажралган ҳолда эмас, балки, энг янги, кундалик ҳаёт талаби билан бошланган эди.

Шу маънода адибнинг биринчи тарихий романига Дмитрий Донской даври, Куликово жангидаги буюк ғалаба танлаб олинганлиги бежиз эмасди.

Роман Русь тупроғининг қайғули манзараларидан бошланади. Ботухон лашкарлари босқинидан бўён ўтган бир ярим аср давомида рус ерлари вайронгарчиликка юз тутган. Илгари «Эрка славян куйлари жаранглаган, қизлар гулжоз тақиб, ялла айтадиган ерларда энди қарға-қузғунлар қағиллаши, тунлари бойкуш қичқирғи эшитилади. Илгари деҳқон омовчи билан ер ҳайдаб, ҳосил ундирган далаларда энди кўрсичқонлар уя қурган. Вужудни илитувчи ўчоқлар, томлар, бозорлар ўрнида энди сассиқ алафлар ўсади. Маккор генуялик Барнабо ёвуз ниятда Мамайнинг қулোগа пичирлайди: «Мен хон бўлмас фармон берардим: шаҳарнинг кули кўкка совурилсин. Черковлар ёндирилсин! Иконалар ва китоблар ёқилсин! Русча кўшиқлар тақиқлансин: татарча кўшиқ айтишсин. Роҳиблар қуръон ўқишни ўрганишсин. Руслар дашта биёбонларга ҳайдалсин. Аёллари татарларга берилсин: татарчаларни туғиб беришсин. Она тилини мутлақо унуттишсин... Татарлар рус моллари билан савдо қилсин. Ана шунда Русь Урдага айланади. Урдага айлангач, босқинни яна давом эттирамиз. Бутун дунёни забт этамиз. Мамайхон Чингизхондан ҳам улўф бўлиб кетади...»

Ҳа, бу ерда гап Урда билан Руснинг рақобати ҳақида эмас, балки Русь ерининг сақланиб қолиши, унинг эркин яшашга ҳақ-ҳуқуқи ҳақида, мустақил рус давлатини, унинг тарихий тараққиётини, миллий ўзига хослигининг тил ва маданият каби негизларини асраб қолиш ҳақида боради. В. О. Ключевский айтганидай, «Россиянинг бешиги — Москва давлати Иван Калитанинг зикна сандигида эмас, балки Куликово майдонида асраб қолинди».

Тарихий романчи ижодий меҳнатининг ўзига хос томонларини яхши билган Сергей Бородин роман устида ишшла «биринчи манбалар асосида, янги маълумотларни излаб топиш, уларни танқидий таҳлил қилиш асосида бориши зарур», деб таъкидлар эди. «Яхши тарихий роман — бадий асаргина эмас, балки жиддий, масъулиятли тарихий тадқиқот ҳамдир». Бу сўзлар «Дмитрий Донской» романига ҳам тўла тааллуқлидир. Рус қўшинларининг Коломнадан силжиб, Дондан ўтиши, Куликово майдонида (даласида) полкларнинг жойлашуви, Александр Пересвет билан Челибейнинг елкама-елка олишувидан то Мамайнинг даҳшатга тушиб қочишигача — шуларнинг ҳаммаси романда тарихчиларнинг асарларидан қолишмайдиган даражада пишиқлик билан тасвирланади. Адиб Дмитрий Донскойнинг лашкарбошилиқ истеъдоди ҳақида, унинг яқин сафдошлари — бўласи князь Владимир Серпуховский, садоқатли, жасур воевода — волий Боброк — Волинский, Андрей ва Дмитрий Ольгердович каби князларнинг буюк хизматлари асарда равшан тасвирланган. Куликово жанги тасвири ҳам реал тарихий манбаларга асосланган. Ҳар иккала томон қўшинларининг сони 200 минг нафардан ҳам зиёд эди: Уша вақтгача ҳеч қаерда бу қадар кўп сонли кучлар қатнашмаган эди.

Лекин тарихий реалияларнинг аниқлиги санъаткорнинг асосий мақсади эмас, албатта. Романнинг турли қисмларидаги баён оҳанглари, бадий тасвир воситаларининг ранг-баранглиги завқ беради кишига. «Мана шу саёз анҳорга шон-шарафлар бўлсин!» Дмитрийнинг оқ тунлари шу анҳордан ўтган, олтинранг совут, яроғ-аслаҳалари шу сувда ярқираб акс этган, Дмитрий шу сув бўйида отидан тушиб, қадрдон воеводалари билан қучоқлашиб кўришишган. Шон-шарафлар ва жасоратларда айрилмас дўстлар шу ердан жангга отланишган. Коломнадаги қўшинлар кўриги мана шундай кўтаринки оҳангда тасвирланади. Қаттол жанг олдидаги тун тасвири «жанг отларининг туёқлари остида гиёҳ — майсалар илк бор буй эгдилар» деган хавотирли лирик нота билан узилиб қолади. «Руслар уч соатча жасадларни жасадларга қалаштирдилар, улар орасида ярадорлар ҳам, ўлганлар ҳам, бегоналар ҳам, ўзиникилар ҳам бор эди». Мана шундай шафқатсиз ҳаёт ҳақиқатлари жанг тасвири давомида кўп учрайди. Жанг хотимасидаги қайғули реквием — марсия оҳангида айтилган «Ердан ҳам, одамлардан ҳам темир-терсақ ҳиди келар, дашт бошдан-оёқ оҳ-фарёдларга тўлар, дала узра қонли пуштиранг ҳовур кўтарилар эди» деган сўзлар ҳи?

Сергей Бородин тарихий романининг теран мазмуни билан бирга унинг бадий шаклига, поэтикасига ҳам катта эътибор берар эди. «Агар тарихий романда барча саналар ва фактларга жиддий риоя қилинган бўлса-ю, формаси сийқа, тили қашшоқ, инсон характерлари схематик бўлса,

уни яхши китоб деб бўлмайди. Ва аксинча, тил ва образлари бой кўринса-да, тарихий мазмун қашшоқ, фактлар бузиб берилган, саналар чалкаштирилган бўлса, бу ҳам яхши асар эмас.

М. Горькийнинг К. Фединга хатидаги «Инсониятнинг чинакам тарихини тарихчи ёзмайди, балки санъаткор ёзади», деган фикрини эслайлик. Катта инсоний тақдирлар қашф этилмаган тарихий асар санъат асари эмас. Романдаги ҳаракатлар галереясида, шахс ва фигуралар калейдоскопи (чодир ҳаёли)да рус тупроғини бирлаштиришдай олижаноб ғояни ёрқин акс эттирувчи Дмитрий Донскойдай ёки унинг руҳини отахони, «зуннор боғлаган жангчи» Сергей Радонежский каби реал тарихий шахслар билан бирга тўқима образ, оддий халқ вакили Кирилл ҳам улўф князнинг тарихий образи билан умумлашган халқ образи ўртасидаги ўзаро мураккаб муносабатлар системасида ҳал этувчи ролни ижро этади.

Тинч вақтда бир-бирига қарши бўлган бу кучлар жанг авжига чиққан лаҳзаларда, умумий душманга қарши курашда ўзаро қўшилиб кетишади. Роман бошланишида Сергей ота Вожа дарёси томон бораётган жангчилар оломонига аралашиб кетгандай, Дмитрий ҳам Куликово майдонида Кўриқчилар полкига қўшилиб кетади. Аниқ тасдиқланган тарихий факт — Дмитриининг оддий жангчи курул-анжоми билан аввал олд сафда, сўнг асосий полкида жанг қилган воқеасидан адиб Куликово майдонида ғалабани таъминлаган умумрус бирлиги ғоясини ифодаловчи ана шундай образли ечимни топа олган. Аммо адиб ватан бирлиги ғоясини поэтиклаштириш билан бирга синфий курашга оид ҳаёт ҳақиқатини ҳам ёддан чиқармайди. Шу жиҳатдан Москва Кремлининг Махфий минораси курилиши воқеаси эътиборга лойиқ. Бу миноранинг сири душман орасида овоза бўлмаслиги учун князь Дмитрий истеъдодли курувчиларни ўрмонга олиб бориб, ўлдиртириб юборди. Бу драматик воқеа даврнинг ижтимоий зиддиятларини кўрсатишга хизмат қилади. Турли ижтимоий табақаларнинг бирлиги тарих ҳақиқати эди. Москва князнинг зиддиятли характери мана шу эпизодда ёрқин кўринади. Кейинчалик, адиб «Самарқанд осмонида юлдузлар» романида ҳам Улўбекнинг бобоси амир Темур образини яратар экан, унинг марказлашган давлат ташкил этишдаги, мўғул истилочиларига қарши курашдаги саркардалик истеъдоди билан бир вақтда бошқа халқларга қилган шафқатсизлигини ҳам, шунингдек, ўғли Мироншоҳ Кавказда золимлик қилганида уни қаттиқ жазолаганини ҳам бутун мураккаблиги билан тасвирлайди.

Айни вақтда Сергей Бородин ўтмишининг фақат қора томонларини кўрсатавермасдан, ундаги бунёдкор, ёруғ кучлари ҳам акс эттириш тарафдори эди. Шу муаммо билан боғлиқ бир воқеа эсимда. А. Тарковскийнинг «Андрей Рублев» фильми эндигина экранларга чиққан пайтлар эди. Фильмда буюк рус мусавирининг фожиаси, унинг ўз даврида ёлғизлиги акс этганди. Шу тарихий фильми баҳолашда бизнинг фикримиз бир жойдан чиқмади. Сергей Петровичнинг фикрича, Андрей Рублев ўз даврида ёлғиз эмас эди. Халқ ҳар бир шахар ва қишлоқда истеъдодларга бой эканлигини ҳозирча сақлашиб қолган уй томлари, дераза, эшикларидан билса бўлади, деган эди адиб ўшанда. Мусавир бутун бир даврга қарши эмасди. Давр устидан ёлғиз ўзи кўтарилиб турмасди. Аксинча, у даврни кўтариб турарди. Камина ўшанда бу фикрга қўшилмаган эдим, ҳозир ҳам қўшилмайман. Аммо адибнинг мана шу баҳсли фикрида маълум маънода жон бор эди.

Кейин билсам Андрей Рублев шахсига аввалдан қизиқиб юрган экан. Буюк мусавир ҳақида роман ёзиш нияти бор экан. «Самарқанд осмонида юлдузлар» тетралогиясини тугатиш билан Андрей Рублевни бошламоқчи экан¹. Афсуски, адиб бу ниятига етолмади. Шунга қарамай, у «Дмитрий Донской» романида ёш рассом Андрейша — бўлғуси Андрей Рублев билан йилномачи Софроний — бўлғуси «Задоншина» муаллифи образларини эпизодик бўлса ҳам кўрсатиб ўтган. Бу образлар рус тарихидаги бунёдкор кучларни тажассум этадилар. Рус халқида ана шундай бунёдкор кучлар борлигини ҳатто Мамай ҳам ғира-шира сезади. «Ўз эллик йилдан бери мамлакатни хонлар тасаруф қиладилар. Ботухон вободий ўриб ташлади одамларни. Бу шахарларда босқонлар юз йилдан бери Урда учун ўлпон ундиришади, охириги томчисигача халқнинг қонини сўради. Шаҳарларга неча марта ўт қўйилсаям, яна қад кўтараверишади...»

Бадиий тафаккурнинг изчил, англанган тарихийлик хоссаси тарихни поэтик идрок этиш билан узвий боғлиқдир. Совет адабиёти замонлар, авлодлар, анъаналар ўртасидаги асрий алоқаларни англаган ҳолда ҳамиша халқ тақдиридаги муҳим, ҳал этувчи воқеаларни, миллий ўз-ўзини англашнинг олий лаҳзаларини, халқнинг ватанпарварлик туйғуларини, унинг бунёдкорлик қуввати ва руҳий қудратини ҳаққоний акс эттиришга интилиб келди.

* * *

«Дружба народов» мухбири билан суҳбатда (1971 йил, 10-сон) Сергей Бородин «Мухтор вазираининг ўлими» романини эслаб, Юрий Тиняновнинг ҳайратомуз «вақтни зичлаштириш» қобилиятига қойил қолганди. Худди шундай қобилиятни биз «Самарқанд осмонида юлдузлар» трилогиясида ҳам кўрамиз. Трилогиянинг ҳар бир романи унда акс этган воқеаларнинг эпик кўламдорлигига қарамай, ҳар бир боб сюжетига зичланган даврнинг вулқоний отишмалари сингдирилгани сезилиб туради. Поэтик сўз қуввати билан ҳосил қилинган ана шу тарихий давр вулқонлари отмасининг шуъласида айрим шахсларнинг тақдиригина эмас, балки бутун-бутун давлатлар ва халқларнинг ҳам тарихий тақдирлари ёришиб кетганлигини кўрамиз. Асарда воқеа вулқонлари билан бирга поэтик образ вулқонлари отмалари ҳам шуъла таратади. Трилогиянинг муҳим маъно этиши хизматини ўтовчи образ — қонталаш шуъла таратаётган катта гулхан ёлқинларида чайқалиб кўринган ёнаётган шахарлар, ёнғин орасида от чоптириб ўтаётган жангчилар, аёвсиз савашлар тасвири ана шундай вулқон отмалари сирасига киради. Ана шу катта гулхан оловининг ёлқинлари «Темурланг», «Сафар гулханлари», «Елдириш Боязид» романлари саҳифаларидан ҳам уфуриб туради. Фақат бу «гулханда ҳиссиз қуруқ новда ёниб битиши мумкин, халқ ёниб битмайди. Чунки, халқ бир боғлам хас-хашак эмас. У оловларга бардош беради!» Истилочиларнинг «нопок қўллари»дан қадимий арман кўлёмаларини қутқариб қолиш учун жонини аямаган қаҳрамонлардан бири шундай фикрлайди.

¹ Тетралогиянинг тўртинчи китоби. «Оқ тулпор» романи «Елдириш Боязид»нинг давоми эди. «Оқ тулпор»дан парчалар «Дружба народов» журналича (1977 йил, 9-сон) эълон қилинган.

Суворий отдан йиқилаётиб, қўлидаги китобни айқириб, буралиб-буралиб, ўрама бўлиб оқаётган муздай сувга отишга улгуради.

Муъжиза юз беради. Юз йиллар ўтиб, ер ҳайдаётган деҳқон анҳордан сув олаётиб, ғалати бир тошни топиб олади. Тош жуда оғир эди...

Тез оқар сувда қадимий китоб тошга айланиб кетган эди. Ҳозир шу китоб Матенадиран кутубхонасида асралади. Машаққатли ўтмиш йиллардаги барча қадимий арман китоблари шу кутубхонада жамланган. Уша китобларда ёзилган сўзларни на олов, на сув, на замонлар ўчиролмаган.

Халқнинг мана шу битмас-туганмас ҳаётини кучига, руҳий қудратига оқсоқ жаҳонгир бас келармиди? Худди мана шундай лаҳзаларда амир Темур забт этган халқнинг ақл бовар қилмас матонатига тан беради, қойил қолади. Узини тарихда абадийлаштириш ниятида жаҳонгир ўзи истило қилган мамлакатлардаги минглаб, ўн минглаб қўли гул усталарни Самарқандга ҳайдатиб келади ва улар ёрдамида гўзал, муҳташам қасрлар қурдиради. «Вайронгарчилик соҳиби» (соҳибқирон) бунёдкорликини сезади,¹ деб киноя қилади адиб шундай тасвирлардан бирида.

«Елдириш Боязид» романи нашрга тайёрланаётган вақтларда Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихидаги роли ва ўрни» деган илмий тадқиқоти босилиб чиқади (ЎзССР, «Фан», 1968). Сергей Бородин бу китобга кескин қарши чиқади. У, Иброҳим Мўминовга шахсий сўхбатларда салбий фикрини билдириш билан чекланмай, роман саҳифаларида ҳам Темурнинг ёвузликларини тасвирлашга катта эътибор беради.¹ Уша вақтда И. Мўминовнинг Темурга қарашини қонуний тус олгани учун «Елдириш Боязид» романини нашр этишда қутилмаган қийинчиликларга учрайди. «Дружба народов» журналинда роман босилиши кечиктирилади. Камина уша вақтда журнал проза бўлимининг мудирини эдим, шу туйғайли адиб билан кўп марта учрашиб, сўхбатлашишга тўғри келди. У шундай сўхбатлардан бирида мени юпатиб, «Хафа бўлманг, биз барибир ҳақлимиз» деган эди.

Маълумки, И. Мўминов асарида Темурнинг истилочилик ҳаракатлари билан бир қаторда унинг саркардалиқ даҳоси, давлат ишларидаги донолиги, илм-фан ва санъатга ҳомилийги ҳақида ҳам гап боради. Баъзи ўринларда у ҳатто элпарвар, демократ қилиб кўрсатилади. «Менга тобе мамлакатларнинг ҳаммасида адолат эшиклари очилди, шу билан бирга барча қарвон йўлларидagi қароқчилик ва талончиликка чек қўйилди» дейди Темур ўзининг тузуқларида. И. Мўминов Темур ва унинг яқин кишиларини фикрига суяниб, ҳатто у Боязидни энгиш билан Москва Русини ҳам турк истилочиларидан қўтқариб қолганлигини айтиди. Бу қарашлар уша вақтда «Вопросы истории» (1972 йил, 2-сон) тарихчи А. Н. Новосельцев томонидан кескин танқид қилинди. Русь давлати Темур ёрдамида эмас, балки унинг ўлимидан сўнг 75 йил ўтгач, мўғул истилочиларидан ўз кучлари билан халос бўлганлиги айтилди. Темур эса, Олтин Урдага қарши кураш жараёнида бир қанча рус шаҳар ва қишлоқларини вайрон қилган эди. И. Мўминов ўз китобида К. Маркснинг «Хронологик кўчирмалар» асаридан келтирилган парча (амир Темурнинг давлат ва қонунчиликдаги прогрессив ишлари ҳақида) аслида К. Марксга эмас, балки у консептлаштирган Ф. К. Шлоссернинг «Бутун дунё тарихи» китобидан олингандир. Бундан ташқари, буржуа тарихчиси Шлоссернинг ўзи бу тарихий шахс ҳақида бир неча ўринда салбий фикр билдирган. Шунингдек, Ж. Неру ўзининг «Бутун дунё тарихига назар» асарида баъзи темурийларга ижобий баҳо бергани ҳолда Темурнинг ўзини ғоят шафқатсиз шахс сифатида баҳолайди. Сергей Бородин «Самарқанд осмонида юлдузлар» трилогиясида Улуғбекнинг буюк олимлигини кўрсатиш билан бир вақтда унинг бобосини ўта золим ва қонхўр шахс сифатида тасвирлаган.

Жаҳонга ҳукмронлик ғоялари аллақачон тарих ахлатхоналарига ташлаб юборилган, халқлар ўртасида ядросиз дунё, тинчлик учун кураш ҳаракати кенг авж олган ҳозирги вақтда бу гапларни эсламаслигимиз ҳам мумкин эди. Лекин, «Самарқанд осмонида юлдузлар» трилогиясининг бадиий қиммати ҳозирги сиёсатга нисбатан анча кенгроқ соҳаларни қамраб олади. Роман—трилогиянинг серқирра оҳанглари замирида кўп асрли ўтмиш воқеаларига ижтимоий ҳаётбахш, инсонпарварлик, ватанпарварлик жиҳатларидан қараш асар умри боқийлигини тушунишга ёрдам беради. Умуминсоний маънавий бойликларни тасдиқлайди.

Езувчилик ва олимлик истеъдодини ўзида мужассам этган Алесь Адамович фикрича, ана шу инсоний руҳий бойликлар орасида энг олий бойлик — бутун инсоният ҳаётини фалокатдан, бало-қазолардан ҳимоя қилиш, йўқолишдан асраб қолиш энг улғу вазифадир. Бу умумжаҳон муаммосини бадиий адабиётлар назари билан қарасак, ҳар биримизни «тарихий хафагарчиликлар кўпинча бир томондан эмас, ҳар томонлама бўлган. Фақат сизларни, сизнинг аجدодларингиз ҳақоратланиб қолмаган, ўшаларнинг ўзи ҳам адолатсиз ишлар, уруш, қирғин ва ҳоказолар қилишган. Тарих шундай кечган — синфий жамиятлар тарихи шундай кечган. Эндиликда барча мамлакатларнинг адабиётлари фақат аввалги гина-кудуратлар юзасидан ҳисоб-китоб қилавермай, халқаро дўстлик ва бир-бирингизга ёрдам алоқаларини, яъни нури хотираларни, нури воқеа-ҳодисаларнинг ҳисобини олишга киришадиган вақт келмадимикан? Лекин бунинг учун бутун дунё тарихига ҳолислик, ҳалоллик билан қарашга тўғри келади.² Ахир фақат сенинг юртингга узоқ, яқиндан улғу «қонхўрлар» бостириб келганлигини эслаш билан бирга, сенинг ҳам «Чингизхон»нинг, «Темурланг»нинг ёки бошқа ёшроқ ва янгироқ фотиҳларнинг қўшини ёки узоқдаги халқларни қийнаганлигини ҳам эслагин-да! Эсла ва лекин, бошқаларнинг «Чингизхон»идан ўзингникини яхшироқ деб ўйламагин, «сеники» бўлгани учунгина улар яхши бўлиб қолмайди. Ҳар бир халқ адабиёти ўзига, ўз ўқувчиларига шунақа руҳдаги китоблардан биттадан тақдим этганида ҳам яхши бўларди».

«Самарқанд осмонида юлдузлар»ни мен ана шунақа китоблардан бири деб ўйлайман...

Маҳкам МАҲМУДОВ таржимаси

¹ Масалан, 1315 йилда, яъни Куликово жангидан 65 йил аввал, Москва князи Юрий Данилович Олтин Урда хони Ўзбекнинг қуёви бўлиб, ҳурматга сазовор эканлигини ҳам эслаш мумкин эди. («Мир истории», М, 1986 йил, 112-бет) — М. М.

² Бу тарихий шахс С. Бородин романида фақат бир хил — салбий буёқда тасвирланади. Темурнинг мураккаб образи ҳали адабиётда ҳақиқий аксини топмаган — М. М.



Усмон Қосимов,
Ортиқбой Абдуллаев

ҚАҲР ЭМАС, МЕҲР КЕРАК

Ҳозирги ошкоралик даврида адабий ҳаракатчилигимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, камолотга етиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ижодкорларимиз кўнглини безовта қилган туйғуларни бор овоз билан айтмоқдалар. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида ленинча адолат принциплари қарор топиши учун бошланган умумхалқ курашига тобора фаол қатнашмоқдалар. Табиийки, бу қайноқ жараёнда етук адабий танқидчилар ҳамда мазкур соҳага эндигина кириб келаётган истеъдодли ёш мунаққидларнинг ҳам ўзига хос муносиб улуши бор. Кейинги пайтларда газета, журналларимиз саҳифаларида танқид ва адабиётшунослик материалларига кенг ўрин бериш, турли мунозаралар, давра столи атрофида баҳслар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Ҳар йили кўплаб адабий-танқидий тўпламлар, турли монографиялар чоп этиб турилибди. Адабиётимизда пайдо бўлган янгиликларни ҳолис таҳлил қилиш, ёзувчи маҳоратига доир сирларни очиш ҳамда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни адолат билан баҳолаш, умумлаштириш орқали сўз санъатининг янада юксалиши, олға кетишига кўмак берувчи адабий танқид ҳам замон билан ҳамнафас қадам ташлашга интилаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Ҳа, адабий танқидчиликда қўлга киритилган салмоқли муваффақиятларимиз бор, уларни ҳамisha сидқидилдан эътироф этамиз. Аммо мазкур соҳадаги ишларнинг ҳаммаси ҳам кўнглидагидек сип-силлиқ кетаётгани йўқ. Очиғини айтганда, ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида бўлгани каби, танқид ва адабиётшуносликда ҳам эришилган муваффақиятлар ва ижобий ҳодисалар билан бирга айрим камчиликларга ҳам жиддий аҳамият бериш лозим. Классик ёзувчи ва танқидчиларимиз ўз асарларида ҳар бир жумла ва ҳатто сўзларнинг ҳам ўринли қўлланиши ҳақида қайғуришганки, бу ибратли факт ижодда хато-нуқсоннинг катта-кичиги бўлмаслигини, уларнинг барчаси ҳам, М. Горький таъкидлагандек, «санъат ҳақиқати»га зарар етказиши мумкинлигини сўзсиз тасдиқлаб туради. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, биз кўйида келтирмоқчи бўлган салбий фактлар бирор тасодиф ёки маълум бир объектив сабаблар билан изоҳланмайди. Балки улэр бошқа бир иллат, яъни ижодкор масъулиятсизлиги билан боғлиқки, бундан кўз юмиш на ижодкорга, на адабий жараёнга ва на ўқувчига фойда келтиради. Аксинча, масъулиятсизлик туфайли бир қанча мақолаларда йўл қўйиб келинаётган бу хил нуқсонлар танқид ва адабиётшунослик соҳасидаги ютуқларимизга оз бўлса-да, соя ташлаши, ижодкор сўзининг ижтимоий-эстетик қимматини пасайтириши аниқ.

Шуни ҳам айтиш лозимки, «масъулиятсизлик» сўзи унинг антоними бўлган масъулият тушунчаси сингари кўп маъно ва жиҳатларни ўз ичига олади. Яъни ижодкор масъулиятсизлиги дейилганда, қўпол маънодаги эътиборсизлик ҳам, чуқур ўйламасдан, шошма-шошарлик билан фикр юритиш ҳам, ўз ёзганларини одилona баҳолай билмаслик каби номақбул ҳолатлар ҳам тушунилади. Фикримизнинг далили сифатида танқидчилигимизда анча йиллардан буён фаол хизмат қилиб келаётган иқтидорли мунаққид Норбой Худойбергенов асарларидан мисоллар келтирмоқчимиз. Ҳозирги ўзбек танқидчилиги тараққиётида Н. Худойбергеновнинг ҳам муносиб

Қайта қуриш ва ошкоралик даврида адабий-бадий танқиднинг роли янада юксалиб бормоқда. Адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган талай атоқли олимларимиз, шунингдек, истеъдодли ёш танқидчиларнинг чиқишлари журналхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги китобхон шунчаки ўқувчи эмас. У адабий жараёни зийраклик билан кузатиб боради. Фақат бадий асарларни ўқибгина қолмай, ўша асарларга берилган баҳони ҳам кузатади. Фақат адибларнинг эмас, танқидчиларнинг ҳам ютуқ ва камчиликларига актив муносабатда бўлади. Бинобарин, адабий-бадий танқиднинг ўзи ҳам танқиддан четда туролмайди. Шуни ҳисобга олиб, журналда «Танқидни танқид» рубрикаси очилди. Унда танқидчилик муаммоларига оид материаллар ёритиб борилади.

Жиззах Давлат педагогика институтининг доценти, филология фанлари кандидати Усмон Қосимов ва филология фанлари кандидати Ортиқбой Абдуллаевларнинг мазкур мақоласида адабий танқидга оид фикрлар айтилган. Мақолада мунозарали ўринлар бўлиши мумкин. Умид қиламизки, адабий жамоатчилик ва журналхонлар адабий-бадий танқиднинг бугунги аҳволи, турли муаммолари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирадилар.

ўрни бор. Айниқса, мунаққиднинг ижодий фаоллиги, табиатан баҳсга мойиллиги, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчан бўлишга интилиши таҳсинга лойиқдир. Н. Худойбергановнинг сўнгги йилларда ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган салмоқли асарларидан ташқари, биргина «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларидаги бир қатор чиқишлари («Меъёр ва тасвир», «Схематизм — иллат», «Моҳиятини ёритиш лозим», «Жанговарлик» каби мақолалари) ҳам олимнинг фаоллигидан ёрқин гувоҳлик бера олади. Шуниси қувонarliки, мунаққиднинг ижодий фаоллиги бугунги кунларда бир зум ҳам сусайгани йўқ. Бинобарин, унинг ўқувчиларга яқинда тақдим этган «Адолат, камтарлик ва талабчанлик», «Ошкоралик — муҳим восита» ва «Фош қилиш маҳорати» сингари мақолалари ҳам шундан дарак беради.

Шубҳасиз, бу мақолалар адабиётимиз ва танқидчилигимиз учун муайян қимматга эга. Уларда бадиий ижод ва адабий танқидчиликнинг айрим долзарб масалалари қаламга олинади: адабиётимизнинг кейинги йилларда қўлга киритаётган баъзи ютуқлари қўллаб-қувватланиб, қатор янги асарлар ҳақида қизғин баҳс боради. Булар, албатта, ўқувчиларни лоқайд қолдирмайди. Бироқ мазкур мақолалар бошқа мунаққидларнинг асарлари билан қиёсланса, уларда адабий жамоатчиликка манзур бўладиган жиддий хулосалар билан бирга, мунозарали ўринлар, меъёрига етмай қолган ёки бирёқлама айтилган фикрлар ҳам кўплаб учрашини сезиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам Н. Худойбергановнинг асар мақолалари кўпдан бери кескин баҳслар ва эътирозларга сабаб бўлиб келади. Масалан, унинг 70-йилларда эълон қилинган «Бадиий кашфиёт талаби билан» («Шарқ юлдузи» журнали, 1971, № 8) номли мақоласидаги шеърят табиатини, нафосатини тушунмай айтилган бир ёқлама мулоҳазалари ўз вақтида И. Фафуровнинг «Сўроқлар оқилона бўлса» («Шарқ юлдузи», 1972, № 4), С. Мамажоновнинг «Шеър — жуда ноёб сўз» («Шарқ юлдузи» 1972, № 2), О. Шарафиддиновнинг «Шеърят ва танқидчи» («Гулистон» журнали, 1974, № 3) каби мақолаларида жиддий танқид қилинган эди. Яқингинада эса, танқидчи Б. Гончаров «Литературная газета» (1987, 29 июль) саҳифаларида Н. Худойберганов ижодидаги жиддий иллат — бир ёқлама фикрлаш, ҳатто социалистик реализм методи моҳиятини англашда ҳам чалкашлик, ҳарфхурлик борлигини асосли танқид қилди. Булар тасодифий эмас. Маълум бир фикр-мулоҳазани бир киши айтса, нотўғри деб, ёки бирон хусумати бор деб рад этиш мумкин. Аммо кўпчилики айтгандан кейин, у бекорчи гап бўлмайди, унга қўшилиш, мағзини чақиб кўриш керак. Юқоридаги баҳс-мунозарага батафсил тўхталиб, кенг таҳлил қилишга имкон йўқ. Шунинг учун айрим диққатга сазовор ўринларинигина муқтарам ўқувчиларимизга эслатиб ўтамиз. Н. Худойберганов «Бадиий кашфиёт талаби билан» мақоласида шоир Азиз Абдураззоқнинг «Ёмғир хонанда» шеъри ҳақида шундай ёзади. «Мисол тариқасида «Ёмғир хонанда» деган шеърига эътиборингизни тортарканман, дарров ўйланиб қолдим, ёмғир нимаси билан хонанда бўлиб қолди? Бироқ гап фақат сарлавҳадами, деб шеърни ўқишга тушдим:

Қуллук сенга ёмғир хонанда,
Бошлаб келдинг кулгу ўйинни (!!!)
Куйинг (!) янграг менинг хонамда,
Забт этолдинг фикру ўйимни.

Бурканишиб биллур (!) тўрингга (!)
Ғоят дилбар кўринар қизлар.
Мафтун бўлиб бундай (!!) тўйингга (!)
Кўзим фақат қизларни излар.

Афсуски, шеърнинг номидаги чалкашлик, ғализлик унинг мазмунига ҳам анча лат едирибди. «Ёмғирнинг тўйи», унинг «биллур тўри», «ўйин-кулгиси» анча мавҳум иборалардир.

Яна бир шеърида куйидаги фикрларни учратамиз: «Боларилар бошим узра чалиб (?) кўнғирок (!) тонг сахарлар уйғотади, тинглайман узок, бора-бора кўнғироги (?) айланар созга, гоҳи авжда, гоҳи майин, ўхшайди нозга (!!)» («Шарқ юлдузи», 1971 № 8, 197—198-бетлар).

Мунаққиднинг бу ғалати даъвоси, ўринсиз сўроқлари табиийки, жиддий эътирозлар, таъналарга сабаб бўлди. Жумладан, И. Фафуров бу ҳақда шундай ёзади: «Биз танқидчимизга ўз навбатида савол беришга ҳақлимиз. Хўш, ёмғир нимаси билан хонанда бўлганмас экан. Сизга бунинг нимаси ёқмайди. Исботлай олмаслигингизга имоним комил. Чунки шоирга ёмғир хонанда бўлиб кўринган экан; у — ҳақли. У буни очиб бермоқда. Ҳисларига етган таъсир билан исботламоқда. Биз «Ёмғир тунука томни черта бошлади», «ёмғир чучвара тугмоқда» деймиз. Танқидчининг сўроққа тутиш одатидан келиб чиқадиган бўлса: «Нега энди ёмғир чертар экан? Ахир, у одам эмас-ку. Ёмғир қандай қилиб чучвара тугади? Нахот, у ошпаз бўлса?!» — деган эътирозлар ёғилади. Табиийки, бундай фикрлаганда ёмғирнинг хонанда бўлиш эҳтимоли ақлга сира тўғри келмайди. Ҳолбуки, шоир жуда ҳаётини кайфиятини тасвирлаб бермоқда. Дим, бўғиқ ҳаводан сўнг, ёмғир руҳга аллақандай энгиллик бахш этади. Одам энгил нафас ола бошлайди. Кайфият кутаринкиликка мойил бўлади. Ёмғир томларда шувиллаб, тарновларда шариллаб, ҳалқобларда чучвара туга бошлайди. Олам ёмғирнинг овозига, шоир айтмоқчи, куйига тўлади. Қизларнинг юзларидан, сочларидан кийимларидан томчилар ўрмалаб туша бошлайди. Бу ялтираб, оппоқ тўрга ўхшаб кўринади. Бундан чехралар очилиб кетади. Ва қизлар шоир айтмоқчи, ёмғирнинг биллур тўрига ўралгандай, улар худди ҳозиргина никоҳланган қизлардай тантанали, малоҳатли кўринади. Шоир шунинг учун ҳам «тўй» сўзини, «тўр» сўзини ишлатмоқда. Шунинг учун ҳам ёмғирга кулги — ўйинни бошлаб келдинг, демоқда. Бу хушфезллик билан ёзилган шеърдир. Ва Азиз Абдураззоқ ижоди учун характерлидир. Танқидчи бу шоирнинг боларилар овозини кўнғироққа қиёс қилиши сабабини ҳам тушуна олмайди. Шоирга асаларининг тонгдаги овози кўнғирокдек жаранглаган бўлса, унинг ҳақи бор, буни қабул қилишга, зотан, бу ҳам — яшамокнинг, ҳаётнинг нашидаси ахир» («Шарқ юлдузи», 1972, № 4, 229-бет).

«Яхши отга бир қамчи» деган гап бор. Мазкур нафис таҳлил ўз хатоларини англаб олиш учун танқидчига етарли деб ўйлаган эдик. Хўш, улардан Н. Худойберганов қандай сабоқ чиқарди? Афсуски, ҳеч қандай! Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «Тоғлар қаҳқаҳа уради-ю, аммо...» мақоласини ўқиш kifоя. Мунаққид А. Абдураззоқ мисраларини яна тўла такрорлаб, ўз нукта назарини, яъни ўзининг «ҳақлигини» ўжарлик билан ҳимоя қилади ва «даъво»ларини исботлаш учун янги-янги «далил»лар келтиради: «Ёмғирнинг хонанда бўлиб кулгу ўйинни бошлаб келганини, қизлар унинг биллур тўрига ўралишганини охори тўқилмаган янги образ деб, маъқуллайлик, аммо бу образ орқали Азиз Абдураззоқ нима демоқчи?

Мана шуниси жумбоқ, ечиб бўлмайдиган муаммо, қаламқаш янги кўриниш, оригинал манзара яратишга интилади-ю, бироқ демоқчи бўлган муҳим фикрини ёрқин ифодадай олмайди. Мақсад аниқ эмас, бироқ воситалар, яъни образлар маълум. Бинобарин номмаълум манзилга «чиройли йўллар» билан бориш керак, деган хулоса келиб чиқади («Чўққилар чорлайди», Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 188-бет).

Емгир туфайли рўй бераётган қувноқ манзараларни кўрсатишга бағишланган беозор, самимий мисраларни «жумбоқ, ечиб бўлмайдиган муаммо» тарзида англаш, йўқ жойдан муаммо, топишмоқ ўйлаб чиқариб, ҳам шоирнинг, ҳам ўқувчиларнинг бошини гангитиб ўтириш танқидчиликка обрў келтирадими? Юқоридаги икки банд шеърдан «номмаълум манзилга «чиройли йўллар» билан бориш керак, деган хулоса келиб чиқади»,— деган «кашфиёт» эса мантиқсизлигидан ташқари мунаққиднинг бадий асар табиятини, нафосатини ҳис эта олмаслигини намойиш этади. Н. Худойбергановнинг бу ва бошқа кўп мақолаларига ҳос тағин бир камчилик шуки, у асарни рационал таҳлил қилиш йўлидан боради. Ҳолбуки, бадий асар — санъат. У фақат тушунишни эмас, ҳис этишни ҳам талаб этади, яъни унга эмоционал ёндашув ҳам керак. Н. Худойберганов эса ўзи ҳис этолмаган жойда «нега», «қани», «исботланг» деб тиқилинч қилаверади. «Бадий кашфиёт талаби билан» мақоласида Эркин Воҳидовнинг:

**Рубобим тори иккидур,
Бири қувноқ, бири маҳзун,—**

деб бошланадиган машҳур ғазалини ўз «тафаккур тоғораси»дан ўтказгач: «Ким таърифланаяпти? Қанча тиришсам ҳам, унинг қиёфаси, тақдири, характерини кўз олдимга келтира олмайди. Ахир, жаҳондаги икки юлдуздан бири, икки меҳрнинг бири, икки дилбарнинг бири дейиш билан бирор нарсани, бирор шахс қиёфасини гавдалантириб бўлмайди-ку! Ниҳоятда умумий, маъхум мулоҳазалар!» деб ёзади. Ахир бу ҳис этолмасликдан ташқари ҳаётнинг оддий диалектикасини ҳам тушунмаслик «самараси» эмасми?

Шу ўринда «бу мақолаларнинг ёзилганига кўп йиллар бўлиб кетган, муаллиф кейинчалик бадий асарни бундай пала-партиш, бир ёқлама баҳолаш камчилигидан аллақачон қутулган бўлса керак» деган ҳақли мулоҳаза тўғилиши мумкин. Афсуски, Н. Худойбергановнинг кейинги китоблари, мақолаларида ҳам ана шу ноҳуш аҳвол ҳеч ўзгаришсиз такрорланаверади. Мисол учун 1984 йилда эълон қилинган «Ҳақиқат ёғдулари» мақоласини кўздан кечирайлик. «Эркин Воҳидовнинг кўпгина шеърлари,— деб ёзади мунаққид,— шу жумладан, «Ёшлик девони»даги лирик қаҳрамон асос эътибори билан яратувчи, курашчан эмас, балки фаол кузатувчи, мавжуд нарсаларни кўрувчи, англовчи инсон бўлиб гавдаланди. Шоирнинг ўзи қаламга олинган мавзуларни кўпроқ ташқарида туриб идрок этувчи, ижобий ҳодисаларни самимий таърифлаб, уларни қўллаб-қувватлашга чорловчи сифатида намоён бўлади» («Шарқ юлдузи», 1984, № 4, 182-бет). Ўзбек шеърияти ривожига муносиб ҳисса қўшган шоир ва унинг лирик қаҳрамони ҳақида ана шу тарзда фикр юритишнинг ўзи бир ёқламалик эмасми? Буни шоирнинг асарлари кўп йиллардан бери шеърият мухлисари қўлидан тушмай келаётганлиги фактининг ўзиёқ исботлаб беради-ку! «Ёшлик девони»даги ғазалларда асосан ишқ-муҳаббат, ёш замондошимизнинг севги кечинмалари, порлоқ орзу-умидлари куйлангани маълум. Ҳаётда ҳар қандай «яратувчи, курашчан» қаҳрамон ҳам кечаю-кундуз фақат ишни, курашнигина ўйлаб яшамайди. У қайноқ меҳнат, бунёдкорлик фаолиятдан кейин сокин далаларда жимгина юргиси, юлдузлар сеҳрига мафтун бўлиб тикилгиси, дарё мавжларига тўш уриб чўмилгиси, дилдори билан лола сайлига, тоғ сайрига чиққиси келади. Агар шундай бўлмаса, у нуқул «яратиш»у «кураш»ни ўйлайверса, тирик одам эмас, темир роботга айланиб қолмайдами? Шундай экан, ана шу замондошимиз, фаол инсоннинг нозик ички маънавий дунёсини, завқ-шавқларини, ишқ-муҳаббат туфайли тортган қувончу аламларини куйлаган шоир асарларини камситишимиз, бу ҳам ётмагандек, ижодкор изланишларини маъқуллаган, унга ҳайрихоҳ бўлган мунаққидларни «ҳеч қандай қусур кўрмаган»ликда нега айблашимиз керак? «Ҳақиқат ёғдулари» мақоласида назарий жиҳатдан чалқаш жумлаларга ҳам дуч келамиз. «...ижодкор бир пайтнинг ўзида яхшини қўллаб-қувватлаб, ёмонни рад этади, ечилмаган муаммоларни кўтариб чиқади ва шу аснода ўзининг фаол курашчи, чинакам яратувчи нуқта-назаридан иш кўраётганини намойиш қилади.» «Абдулла Орипов бу билан чекланмасдан, бир асарнинг ўзида ҳам ижодий кучларни улўғлайдиган, ҳам салбий ҳодисаларни инкор этадиган, ҳам ҳаёт раванқи учун муҳим бўлган ўткир ижтимоий муаммолар устида бош қотирадиган лирик қаҳрамон ҳаётини тасвирлашга киришди».

«...Шеърый асар бир лаҳзада яхшини қўллаб, ёмонни қораласа, ҳақиқат ва адолат учун курашга чорласа, орзу-умидларингни, дарду ҳасратларингни ифодалаб, маънавий сабоқ берса, бунинг бирданга тўғри ўзлаштириш, идрок этиш учун анча-мунча тайёргарлик талаб қилинади-ку!» (Уша журнал, 183-бет).

Бечора лирик қаҳрамон бир асарнинг ўзида шунча нарсага гирифтор қилинди. Албатта, гап йирик роман ёки қисса қаҳрамони ҳақида кетаётган бўлса, эътирозга ўрин қолмас эди. Аммо, Н. Худойберганов шеърият ҳақида сўзламоқда, ўз мулоҳазаларини «шеърият таҳлили тажрибасидан: ўйлар, кузатишлар, қайдлар» деб тақдим этмоқда. Шундай экан, шеърый асардан (айниқса, лирик шеъриятдан) юқоридаги нарсаларни ўйлаб-нетиб ўтирмай талаб қилиш ўринлими? Мунаққид бу ҳақда бош қотириб ўтирмайди ҳам. Яна қизиғи шундаки, ҳаммадан далил-исбот талаб қилса-да, ўз даъволарини очиб бериш учун бирон шеър ёки лоақал бирон шеърый парча келтириб таҳлил қилишни эп кўрмайди.

Мунаққиддаги поэзия табиятини тушунмаслик нуқсонини ҳамкасбимиз И. Фафуров бундан ўн беш йил илгари ёзган «Сўроқлар оқилона бўлса» мақоласида тўғри танқид қилган эди: «У ўзи талаб қилаётган катта миқёсдаги нарсаларни эпосдан, романдан қидиришга тиришса, маъқулроқ бўлмайдики, ўшанда кўз олдига келтириш осонроқ кўчар эди. Агар етти байт ғазалдан тақдир, характер излайдиган бўлсақ, классик шеъриятимизнинг кўпгина нодир намуналаридан юз ўғирлигига тўғри келиб қолади» («Шарқ юлдузи», 1972, № 4, 232-бет). Бу адолатли таъна ёнига яна нима қўшиш мумкин? Фақат шунча йиллар давомида ҳурматли мунаққидимиз чалқашлик гирдобидан қутула олмаганига, ўз хато фикрларини ҳамон давом эттираётганига афсусланамиз, холос.

В. Г. Белинский «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» мақоласида лирик асар ҳаётнинг ҳамма қирраларини бир вақтнинг ўзида акс эттира олмаслигини таъкидлаган ва: «Лириканинг майдалигининг сабаби шундадир: айрим асар ҳаётни бутунча қамролмайди, чунки субъект бир онда ҳамма нарса бўлмайди», — деб ёзган эди. (Танланган асарлар, Уздавнашр, Т., 1955, 184-бет.)

Н. Худойбергановнинг назарий саводи етарли, бинобарин, улуғ рус революционер-демократлари асарларидан хабардор эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Зеро, шундай экан, олим илмига амал қилиши, ҳар бир мулоҳазасини аввалдан пухта ўйлаб, чуқур мушоҳада қилиб кўргандан кейингина айтиши зарур эди. Пала-партиш билдирилган фикр муаллифнинг ўзини хижолатга қўяди, обрўсини тўқади.

Н. Худойберганов бошқа адабий асарларни (проза, драматургия) қандай идрок қилади? Бу борада ҳам ғалати «кашфиёт»ларга дуч келамиз. Айниқса, мунаққиднинг баъзи сатирик ва юмористик асарларга бераётган баҳоси ҳам кишини таажублантиради. Масалан, С. Аҳмаднинг машҳур «Келинлар кўзғолони», Э. Воҳидовнинг «Олтин девор» асарларини танқидчи умуман маъқуллайди-да, бу асарларда маъно йўқ деганга ўхшаш хулоса чиқаради. Бу ҳам ўша эски касал — асарни, бинобарин, сатира ва юморни чуқур ҳис этмасликдан келиб чиқса керак. Маълумки, сатира ва юморнинг ўз қонун-қоидалари бор. Бундай асарларда тасвирланган воқеаларни айнан ҳаётдагидек тушуниш ва шу қолипга солиб хулоса чиқариш ўзини оқламайди. Ҳажв ва сатирада воқелик кўзгуда эмас, микроскопда кўрингандек «ошириб» тасвирланади. Н. Худойберганов эса бунга ишонмайди. Оддий мактаб ўқувчиси тўғри тушунган гротеск услубини олим тушунмаса ёзувчининг айби йўқ-ку, ахир. Мисоллар келтирайлик. «Тўқнашувлар олами» мақоласида ўқиймиз: «Очигини айтганда, «Олтин девор» тилла топиб олсанг, қўлингга бойлик тушса, уни ўзингнинг эҳтиёжингга ишлатма, ҳукуматга ҳадя эт, дейиш учунгина ёзилгандай таассурот туғдиради, холос. Бироқ буни уқтириш учун бадий асар битиши зарурми?».

Хуллас, Э. Воҳидовнинг комедиясидан бадий шаклда ифодаланган ҳаққоний фалсафий фикрни, томошабин юрагини жизиллатадиган, ижтимоий мазмун касб этган бутун бир гоёни топиш қийин» («Кашфиётлар йўлида» тўплами, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1972, 51-бет).

Нима ҳам дер эдик. Танқидчининг «башорати»га қарамай, «Олтин девор» академик театримиз сахнасидан тушмай келмоқда. Асар беш юз мартадан кўп ўйналгани ҳақида матбуотда расман эълон қилинди. Спектаклнинг томоша қилган одам савияси қандай бўлишидан қатъи назар, «мабодо олтин топиб олсам давлатга топширишим керак экан» деган гапни ҳаёлига келтирмайди ҳам. Аксинча, у асар маъзига сингдириб юборилган ҳалоллик, меҳр-оқибат, чин муҳаббат ҳақида ўйлайди. Чинакам севги олдида ҳар қандай девор, ҳатто у олтиндан бўлса ҳам, ожиз эканини идрок этади, ҳаётда эзгулик барибир тантана қилажигига бўлган ишонч-этиқоди мустаҳкамланади. «Олтин девор»нинг гоёвий мазмуни ана шу ҳаётбахш руҳ билан суғорилган. Оддий томошабин етти ухлаб турганда тушига кирмайдиган гапни таниқли танқидчи айтса, яна китобига киритса, буни масъулиятсизлик билан фикр юритишдан бошқа нарса деб баҳолаб бўлмайди. Афсуски, мунаққиднинг сатира ва юмор табиатини тушунмаслик камчилиги ҳамон тузалгани йўқ. «Ошқоралик — муҳим вазиса» мақоласи бунга мисол бўла олади. Буни бошқа олимлар мантиқ билан исбот қилишди.

Муаллиф насрий асарлар таҳлилида ҳам чалкаш, бир ёқлама фикрларни кўп такрорлайди. Масалан, «Курашчанлик — ҳақиқатда» мақоласида куйидаги «назарий» мушоҳадаларга дуч келамиз: «Бироқ, гоҳида айрим образларнинг ё ижобий ёки салбий эканлигини аниқлаш мушкул бўлиб қолади. Чунончи, «Синчалак»даги Қаландаров ижобийми ёки салбийми? Бунга узил-кесил жавоб бериш қийин. Негаки, унда фазилатлар ҳам, нуқсонлар ҳам, инсонийлик ва инсонийликка ёт хусусиятлар ҳам бор. Бундай образларда ҳам курашчанлик руҳи мавжуд!» («Шарқ юлдузи», 1972, № 4, 189-бет). Ана сизга Қаландаров образининг характеристикаси! Ёзувчи қатта меҳр билан тасвирлаган, «колхозни опичлаб қатта қилган», «колхознинг пўлат сандиғига қўлф эмас, ўзини осиб олган» моҳир пахтакор, миришкор деҳқон образи ҳақида «ижобийми ёки салбийми?» деб ўтирсак, ҳатто ўрта мактаб ўқувчилари ҳам биздан кулмайдики? Тўғри, Қаландаровнинг хатолари бор, унда манманлик, шўхратпарастлик касали авж олган ва бу иллатдан қутулиш жараёни асарда жуда теран тасвирланган. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони шуки, ҳар бир сўзнинг ўз салмоғи, вазифаси, юки бор. Мунаққид Қаландаровда «инсонийликка ёт хусусиятлар ҳам бор» деб даъво қилар экан, минглаб ўқувчиларни чалғитиб қўяётгани ҳақида лоақал ўйлаб ўтирмайди ҳам. «Инсонийликка ёт хусусиятлар» деганда, ёвузлик, қаллоблик, ўғрилиқ, поражўрлик ва ҳоказо тубан иллатларни англаймиз. Энди шу тушунчалар доирасига Қаландаров образини сиғдириб кўринг-чи! Шунингдек, муаллиф «Схематизм — иллат» деган мақоласида ҳозирги ўзбек драматургияси ҳақида бир қатор муҳим мулоҳазаларни баён этиб келади-да, мақола сўнгида ҳеч қутилмаганда мана шундай деб ёзади: «Хулоса қилиб айтганда, истеъдод эгаси, у драматургми, режиссёрми, актёрми, бундан қатъи назар, биринчи навбатда — тирик инсон. Тирик инсонми, демак, у баъзан... боши берк кўчага кириб кетиб, ўзини йўқотиб қўяди... Танқидчиларимиз эса уларнинг ҳар бир асарини, барча изланиш-интилишларини ҳақиқат ҳамда адолат руҳи билан суғорилган таҳлилдан ўтказиб, сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиб туришлари лозим» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983, 8 апрель).

Ҳақиқатан ҳам шундаймикин? Драматург ёки прозаник — истеъдод эгаси — у тирик инсон, шунинг учун қаттиқ адашуви, ҳатто боши берк кўчаларга кириб кетиб, ўзини йўқотиб қўйиши мумкин экан-у, лекин танқидчи бамисоли беайб парвардигордек ҳеч қачон янглишмас экан; демак у тирик инсон ҳам, истеъдод эгаси ҳам эмас. У — фақат йўл кўрсатувчи «раҳнамо» ёки «ҳакам». Модомики шундай экан, у ҳолда ўша танқидчи қандай қилиб истеъдод эгасининг асарини «ҳақиқат ҳамда адолат руҳи билан суғорилган таҳлил»дан ўтказса оларкин, деб савол беришга тўғри келади. Баҳслашишимизга сабаб бўлаётган бу мулоҳазаларни айтишда, эҳти молки, танқидчимиз илм-фан соҳасида бўлганидек, талантли адибларнинг ҳам баъзан муваффақиятсизликка учраши, гоҳо янглишиши мумкинлигини назарда тутаётгандир. (В. Белинскийнинг «Гоголга хат» асарини ва у ёзилган даврдаги ижтимоий ва адабий ҳаётни ёдга олайлик.)

Ҳақиқатан, ижод оламида бундай ҳодисаларнинг рўй бериб туришини истисно ҳол деб

бўлмайди. Лекин бундай хусусий ҳолларни келтириб чиқарган сабаб ва омилларни атрофлича ўрганмасдан туриб, уларни ёппасига санъаткорнинг «ўзини йўқотиб қўйиши» оқибати деб баҳолаш ва ижод аҳли борки — уларнинг ҳаммаси ҳақида шундай бир ёқлама хулосага келиш ўқувчида ҳақли эътироз уйғотмайди? Аслида, Н. Худойберганов мақоласида бўрттуриб кўрсатилаётган ва барча истеъдод эгаларига тақалаётган бу «ёрлик»лар билан ҳақиқий ижодкорларнинг изланиш жараёни айтиш бир нарса эмас. Бинобарин, санъат аҳлининг маънавий-эстетик дунёси ҳеч қачон билан текисда, силлиқ шакланмаслигини, балки у ҳақиқат ва эзгулик йўлида қатъият ва собитлик билан олиб борилган, мураккаб ва изтиробли изланишлар натижасида юзага келишини ҳар бир истеъдодли ижодкорнинг тақдири тасдиқлай олади. Жумладан, таниқли рус ёзувчиси Валентин Распутиннинг «Литературное обозрение» журнали муҳбири билан бўлган сўхбатда айтган қуйидаги эътирофи ҳам шу жиҳатдан характерлидир: «Ёзувчи ўй-қарашларида ҳам маълум даражада зиддиятлар бўлиши мумкин — у ҳам тирик, изланувчан инсон. Бироқ у ана шу зиддиятли қарашлари ичига «сингиб» кетмаслиги керак; излан, лекин ўзлигингни унутма, гражданлик позициянгни, ижодий қиёфангни йўқотма...» («Литературное обозрение», 1985, № 9, 18-бет).

Талай олимлар мунаққид Н. Худойбергановнинг кўп мақолаларида ўз-ўзини инкор этувчи пала-партиш хулосалар учрашини куйиниб ёзганлар. Мана, бир мисол: мазмунан бир-бирини инкор этувчи қуйидаги хулосаларга разм солган киши дастлаб уларни бир асар ҳақида қарама-қарши фикрда бўлган бир неча муаллифнинг қаламига мансуб, деб тахмин қилиши мумкин. Лекин буларнинг иккаласи ҳам Н. Худойбергановнинг «Жанговарлик» номли мақоласидан олинган бўлиб, улар истеъдодли ёзувчимиз Нурали Қобулнинг «Яшаш учун кечикма» қиссаси ҳақидадир: «Нурали Қобул сурувдаги оғир аҳволни, Абдумаликнинг ички изтиробларини ҳаққоний гавдалантиради, энг муҳими, бу туйғулар қиссага сингдириб юборилган, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари, ижтимоий меҳнат фаолиятига табиий равишда «пайвандланган». Қуйироқда эса шундай ёзади: «Яшаш учун кечикма» асарига ҳам қаҳрамонларнинг ижтимоий фаолияти, уларнинг ички кечинмалари, зиддиятли ҳолатлари ҳамма вақт ҳам етарли даражада очиб берилган, дейиш қийин...» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983, 7 октябрь).

Зиддиятли бу фикрларнинг қайси бирига ишонши керак?

Атоқли олим О. Шарафиддинов ҳам «Баъзи зарур мулоҳазалар» мақоласида Н. Худойбергановнинг чиқишларида тез-тез учраб турадиган пала-партишлик, аввал бир фикрни айтиб, ўша мақоланинг ўзида мазкур фикрни рад этувчи бошқа гапларни ёзиш нуқсонини борлигини, кўпинча танқидчининг вазифасини нуқул фош этишдан иборат деб ҳисоблашини мисоллар билан исботлаб берган. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, асарда мавжуд фазилатлардан қувона билан ишлов ҳам танқидчиликнинг вазифасига киради. Бўш асарни улуглаш — мадҳиябозлик. Аммо яхши асарнинг ютуғини айтишнинг мадҳиябозликка алоқаси йўқ.

О. Шарафиддинов ўз мақоласида бундай дейди: «Энди икки оғиз сўз Н. Худойберганов мақолаларида тез-тез учраб турадиган «кашф қилиш» ҳамда «фош этиш» хусусида. Баъзи танқидчилар «кашф этиш» талабини бошқаларга юклашади шекилли, танқиднинг моҳиятини «фош қилишдан иборат деб ўйлашади. Агар шундай бўлса, танқид ўзининг қиёфасини йўқотиб, танқидбозликка айланиб қолади. Бундай танқиднинг на адабиётга, на китобхонга кераги бор». («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983, 11 февраль).

Устоз танқидчининг куйингани бежиз эмас. Афсуски, Н. Худойберганов қаламкашлар ютуғини қувониб, ҳаяжонланиб гапириш танқидчилик тамғасидан айрилиб қолиш деб ҳисоблайдиганга ўхшайди. Бир-икки ёзувчининг асарларини айтмаганда унинг мақолалари фақат танқид қилиш учун, қилдан қийиқ ахтариб ёзилгандек таассурот қолдиради. Албатта, танқид бўлиши керак. Айниқса, ҳозирги ошкоралик замонида ҳамма нарсени ўз номи билан аташ лозим. Аммо ошкоралик ҳар яхшидан бир ёмон излаш дегани эмас-ку! Асоссиз мақтов қанчалик зарарли бўлса, асоссиз «савалаш» ҳам шунчалик бефойда.

Филология фанлари кандидати А. Расулов «Танқид масъулияти» мақоласида («Шарқ юлдузи», 1987, № 9) шундай характерли мисол келтиради: «Норбой Худойберганов етук асар билан заиф асарни далиллар билан етарли даражада исботламайди. Гоҳо мунаққид ёзувчи ғоясини англамасдан туриб, танқид отига қамчи босади. Масалан, ёзувчи Н. Қиличев «Тонгдек оппоқ намозшом», «Оқим» ҳикояларида шароитга мослашувчи, характерига курашчанлик еттишмайдиган, муросасоз Аскар, Султон образларини яратади. Танқидчи эса курашчан характер яратмагани учун ёзувчини танқид қилади. Моҳият англаб етилмагач, ёзувчининг атайин қўллаган образ, иборалари танқидчига эриш туюлаверади («Қизик, намозшом ҳам ойдин бўларканми? Яна нима денг? Тонгдек ойдин емиш!»). А. Даминовнинг «Ўқилмаган мактуб» ҳикоясидаги қизнинг йигитга мактуб йўллаши мунаққидга ёқмайди («Қизик, қиз йигитга мактуб йўллабди! Ахир бу камдан-кам учрайдиган воқеа-ку! Борди-ю, йигит қизга мактуб орқали ишқини изҳор этса, табиий ва қонуний деб қабул қилинади»).

Н. Қиличевнинг, А. Даминовнинг ва бошқа авторларнинг ҳам ҳикояларини мукаммал деяётганимиз йўқ, уларда танқиднон оғиз томонлар топилади. Лекин Н. Худойберганов тутган йўл ўзини оқламайди».

Олим бу гапни хийла тортинчоқлик ва андиша билан айтади. Аслида бу ҳолатлар, яъни ўзи шубҳаланган нарсани тамомлаша нотўғри деб топиш Н. Худойберганов мақолаларида кўп учрайди. Мунаққид қиз бола севган йигитига хат ёзиши мумкинлигига шубҳа билан қарайди ва «Мен ишонмайман» деб даъво қилади. Танқидчининг ишонмадиган дегани, ўқувчи ҳам ишонмади дегани эмас-ку! Нега биз бундан юз йил илгари Раънонинг Анварга хат ёзишга ишонмавизу (Абдулла Қодирий, «Меҳробдан чаён»), бугунги кунда — XX аср охирида яшаётган қиз севгилсига хат ёзмалиги керак, деб, буни одобсизликка йўйишимиз лозим? Энди ёзувчи у ёқда қолиб, ҳатто асар қаҳрамони ҳам танқидчининг буйруғи билан ҳаракат қилиши қолувди! А. Даминовнинг «Ўқилмаган мактуб» асаридаги худди шу эпизод бизнингча ишонарли чиққан. Бинобарин, танқидчининг фикри ҳукм тарзида бўлмаслиги керак!

Адабий мақола нима, тақриз нима ва улар қандай ёзилиши кераклигини бошқа адабиётшунослар сингари Н. Худойберганов ҳам жуда яхши билади. Унинг ҳар бир мақола ёки тақризда «бир пайтнинг ўзида олим, санъаткор, файласуф ҳамда публицист сифатида майдонга чиқадиган оригинал ижодкорнинг нафаси сезилиб туриши даркор», дея қайта-қайта таъкидлаши ҳам бизни

шунга ишонтаради. Бироқ, таассуфлар бўлсинки, ҳурматли мунаққидимизнинг мақолаларида бу юксак талабларнинг амалий ифодасини ҳар доим ҳам кўравермаймиз. Соддароқ қилиб айтганда, ҳозирча уларда сўз билан иш бирлиги тўла намоён, дейиш қийин.

«...Табиики, адабий-бадий танқиднинг янги оламини яратувчи, кашф этувчи ўзига хос катта истеъдод соҳиби бўлади, акс ҳолда яратиш, кашф этиш тўғрисида оғиз очиб мушкин эмас. Бадиият илмининг кашфиётларини эса замонамиз белинсийлари, замонамиз добролюбвлари яратади.

Белинский ҳам, Добролюбов ҳам дунёга бир карра келган ва рус танқидчилигида инқилобий ўзгариш ясаган социалистик реализм методи билан қуролланган кўп миллатли адабий танқидчилигимиз сўз санъати тараққиёти муаммоларини белинсийчасига, добролюбовчасига тадқиқ этиб, маънавиятда янгидан-янги доволларга кўтарилиши зарур».

Бу парча «Янги олам яратувчи» номли проблематик мақоладан олинди. (Н. Худойберганов.) («Сўз курашга чорлайди». Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1., 1987, 197-бет.) Узундан-узун кўчирма келтириб, журналхонларимизни толиқтириб қўйганлигимиз учун уэр сўраб, уларнинг диққатини мазкур парчанинг мазмунига жалб этишни истардик.

Аввало шуни айтиш лозимки, танқидчимизнинг ўзига хос баландпарвоз оҳанг ва кўтаринки мақомда айтилган бу фикрлари бирор янгилиги ва оригиналлиги билан ажралиб турмайди, яъни, ҳар бир даврнинг ўз белинсийлари, добролюбовлари бўлиши мумкинлиги ва ижоднинг янги-янги чўқиларини забт этишлари ҳақидаги мулоҳазаларни кўп марта лаб ўқиганмиз (хусусан, Н. Худойбергановнинг бошқа асарларида ҳам бундай фикрни учратиб мумкин). Иккинчидан эса, танқидчи ёки йирик сўз санъаткори у ёқда турсин, ҳатто оддий инженер ёки врач ҳам ўз касби ва мутахассислигидан ташқари ҳозирги замон илм-фан ютуқларидан яхши хабардор бўлиши зарурлиги оддий ўқувчиларга ҳам равшан бўлгани ҳолда, «адабий танқидчилигимиз ҳам ўз бурчини аъло даражада ўринлатиш учун илмнинг кўпгина тармоқларидан унумли фойдаланверса, буни ман қилиш мумкин эмас», деган сўзлар худди «фалончи фалончиев акамлар айтганидек товукнинг оёғи иккита» дегандек туюлади.

Н. Худойбергановнинг ўзгаларга нуқул «ақл ўргатувчи», ҳар гапида нуқул бир нарсани — кашфиётни қайта-қайта талаб қилувчи мақолаларини ўқиганда, хаёлдан шундай бир фикр ўтади: ўзининг мақолаларида теранликка эришолмайдиган мунаққиднинг бошқа олим ва адиллардан ҳадеб новаторлигу бадий кашфиётлар талаб қила бериши қандай бўларкин?

Мунаққиднинг мақолаларидан мақолаларига кўчиб юрувчи қайтариқ ва чалкашликлар фақат этиборсизлик ёки тажрибасизлик оқибатимикин? Шундай бўлганда, балки бу ҳақда индамай қўя қолиш ҳам мумкин эди. Лекин бу мақолаларнинг автори, юқорида эслатилганидек, танқидчилигимизда ўзига яраша мавқени эгаллаб турган ва ўз асарлари билан адабий жамоатчилик фикрига муайян таъсир ўтказиб келаётган истеъдодли танқидчилардан бўлгани учун ҳам, биз у ҳақда ажабланиб сўз юратяпмиз. Бундай ҳолнинг юзага келишига, юқорида гувоҳ бўлганимиздек, масъулиятсизликдан ташқари яна бир асосий сабаб бор: гарчан, Н. Худойберганов адабиётшунос олим сифатида катта билим ва тажриба эгаси бўлса-да, абир унинг адабий жараёнга муносабатида ва адабий асарларни баҳолашдаги адабий эстетик қарашлари системасида ижодкорларга хос объективлик ва яхши маънодаги барқарорлик етишмайди, натижада жиддий чалкашликлар келиб чиқади. Чунончи, «Литературная газета»нинг 1984 йил 4 июль сонидеги чиқишида ҳам танқидчилигимиздаги айрим нуқсонларга тўхталиб, адабиётшунос А. Казинцев билан баҳслашар экан, шундай нотўғри бир тезисни тасдиқлашга уринади: «Устоз ва классикларимиз Белинский, Чернишевский, Добролюбов адабий асарларни тушунишдан воқеликнинг қонунийларини англаш сари борди-лар...» Тўғри, бадий адабиёт воқелики билишнинг муҳим бир воситаси эканлиги, ҳаётни чуқурроқ идрок этишга ёрдам бериши мумкинлиги исбот талаб қилмайди. Бироқ ҳаётни, унинг тараққиёт қонунларини адабий асарлар орқали билиш мумкин деб ҳисоблаш бир ёқламалик бўлиб, бу марксизм-ленинизм классикари исбот қилиб берган объектив ҳақиқатни — воқеликнинг белгиловчи ролини инкор этишга ёхуд уни камситишга олиб келади. Зероки, ҳақиқий ижодкор учун ҳаёт, реал воқелик бадий асарни тушунишда ҳам, уни холисона таҳлил этишда ҳам таянч бир нуқта бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Болгар адабиётининг классиги С. Михайловский бундай дейди: «Аламзада ва қаҳрга тўлиқ танқидчи гўзалликни кашф этиш ва унга баҳо бериш қобилиятдан маҳрум. Гўзалликни, шу туйғуга мафтун бўлган одамгина кўра олади. Бошқачароқ қилиб айтганда, меҳр — танқиднинг адолатини белгиловчи зарур шартдир. Аламзадалик ақлни ўтмаслаштириб қўяди. Бинобарин, у баҳолаш хусусиятига эга эмас, у фақат камсаида ва ерга уради, ҳеч қандай далилни тан олмайди, унинг қуролли таъна дашномлари киноя, холос!»

Н. Худойберганов «Ошқоралик — муҳим восита» мақоласида А. Орипов, Э. Воҳидов, Ҳ. Умарбеков, Ш. Холмирзаев ва бошқалар ижоди етарли танқид қилинмаяпти деб ранжиса, «Ҳисса салмоқли бўлсин» мақоласида («Совет Ўзбекистони», 1987, 4 август) «Шарқ юлдузи» журнали танқидга ўғай кўз билан қарайди, Ҳ. Умарбековнинг «Курорт» асари нега мақталади, нега танқид қилинмайди деб хафа бўлади. Юқорида номлари саналган қаламкашлар қачон танқиддан четда қолди? Н. Худойбергановнинг ўзи ҳам, бошқа мунаққидлар ҳам уларнинг ижодини озмунча анализ қилган, озмунча танқидий фикрлар айтмаган-ку! «Курорт» масаласига келсак, «Ҳисса салмоқли бўлсин» мақоласи чиқмасдан анча олдин, «Шарқ юлдузи»нинг 6-сонидеги Н. Худойбергановнинг ўзи бу асарни кескин, ҳатто маълум даражада камчилигини ошириброқ танқид қилган эди-ку! Танқидчининг қайси гапига ишонайлик? С. Михайловский тўғри айтганидек, мунаққидда озми-кўпми бағри кенглик, меҳр бўлиши зарур. Танқид дегани нуқул кесатиқлару «фох этиш»дан иборат бўлиб қолмаслиги керак!

Бейхитёр Абдулла Қаҳҳорнинг характерли бир гапи ёдга тушади: «Адабий ваҳимачиликдан ҳануз қутулмаган шубҳа бандалари, — деб ёзган эди у «Шижоат ҳақида» номли мақоласида, — тухумдан тук қидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, ҳидлаб, илжи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан албатта нуқсон топишни, лоақал асарни шубҳа остида қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала-ярим гўплар айтиб, миш-мишларга озиқ беришни ўзининг касби ҳисоблайди. Бу хилдаги шубҳа бандалари учун ёзувчи уларнинг ҳукмини кутиб, қора курсида ўтирган гуноҳкор; китобхон, томошабин эса богча ёшидаги болалар!»

Албатта, улкан ёзувчининг адабиётимиз тўғрисидаги катта дарди ва қайғуришининг ўзига хос бир ифодаси бўлган бу сўзларни айнан Н. Худойбергановга ўхшаган танқидчи ҳақида айтилган деб ўйлашдан йироқмиз. Бироқ Н. Худойбергановнинг баъзан масъулият ҳиссини унутиб қўйиб, айтган шундай фикрлари ҳам борки, уларни ўқиб, ҳайрон бўлиб қоласан: ажабо бу фикрларни адабий жараёндан хабардор тажрибали бир адабиётшунос айтаётирми ёки улар ҳар бир асарга бурнини жийираверадиган, адабиёт аҳли борки — ҳаммасига соя ташлаб, улар ҳақида тўтмоқ гаплар айтиб юрुвичи ношуд бир ўқувчининг «бошқалар нима деса деяверсин, менинг билганим-билган» қабилдаги хом-хатала ўйларими?

Келинг, танқидчимизнинг фикрларидан айримларини яна кўздан кечирайлик.

«Ҳақиқат кўзгиси бўлсин» мақоласида, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Абдулла Орипов баёнчиликка йўл қўяди, масаланинг моҳиятини ҳамма вақт чуқур очишга эришавермайди...» Яна: «Дантенинг «Дўзах»ини моҳирона ўзбекчалаштирган бақувват шоиримиз баъзан истеъдоднинг «жилов»ини эркин қўйиб юбориб, бадият кенгликлариде баралла парвоз қилишдан **чўчигандек қалам тебратди, ижодий жасоратини камдан-кам намоен қилади**» («Сўз курашга чорлайди» тўплами, 170, 173-бетлар.)

«Эркин Воҳидовнинг Тошкентга бағишланган достони, қатор шеърларида **талай яхши ҳислатлар** кўзга аққол ташланиб турганига қарамасдан, чинакам истеъдод кудрати билан яратилиб, катта бадий кашфиёт даражасига кўтарилган **етук поэтик ҳамда эпик образларни топиш қийин**» («Ўз дунёси, ўз қиёфаси» тўплами, «Еш гвардия» нашриёти, Т., 1986, 39-бет).

Албатта, А. Орипов ва Э. Воҳидов ижоди ҳақида танқидий мулоҳазалар билдириш мумкин. Буни ҳеч ким рад этмайди. Лекин юқоридагидек, умумий тарзда, далил-исботсиз, томдан тараша тушгандек қуруқ даъволар айтиш, бошига тўқмоқ билан туширгандек оҳангда сўзлаш билан ижодкорга фақат зарар етказиш мумкин. Ҳолбуки, истеъдодни авайлаш, унинг ютуғидан қувониш, камчиликларини меҳрибонлик билан кўрсатиш чинакам танқидчининг фазилати ҳисобланади-ку!

Н. Худойбергановнинг фикрича, Э. Воҳидов ўзининг 1968 йилда ёзилган «Ўзбегим» қасидасидан сўнг ўтган қариб ўн йил давомида биронта жиддий асар яратмаган. Ажаб, шеърят ихлосмандлари ва ҳассос танқидчиларимизнинг ҳам самимий меҳри ва этирофига сазовор бўлган ва сўнгги йиллар адабиётимизда мустақим ҳарин олган «Инсон», «Қўллар», «Биз ишлаяпмиз», «Ҳозирги ёшлар», «Рухлар исёни» каби етук асарлар худди шу даврда яратилган-ку! Афсуски, бундай ҳақиқатни тан олишга ва уни астойдил юракдан жўшиб айтишга Н. Худойбергановда бағри кенглик ва олижаноблик етишмайди чоғи. Акс ҳолда, қуйидаги фикрни қандай изоҳлаш мумкин: **«Эркин Воҳидов бир-икки бор қоқилиб кетгандир, лекин ҳали йиқилганича йўқ».** (Юқоридаги китоб, 172-бет). Очиғини айтганда, ушбу сўзларнинг маъносини ҳам, танқидчининг нима демоқчи эканлигини ҳам тушунолмадик. Шунга аминмизки, бундай телба-тескари гапларнинг Э. Воҳидов ижодига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Танқидчи юқоридаги гапни шоирнинг елкасига қоқиб, «юпатган» оҳангда айтади. Бунақа «юпатиш» эса фақат ижодкорнинг эмас, минглаб китобхонларнинг ҳам энчасини қотиришдан бошқага ярамайди. Негаки, биринчидан, Э. Воҳидов бировнинг «юпатиш»га муҳтож шоир эмас. Иккинчидан, ижодкорга нисбатан «қоқилиш», «йиқилиш» деган ибораларни ишлатиш меҳрдан эмас, меҳрсизликдан дарак беради. Н. Худойбергановга ёқадими-йўқми, Эркин Воҳидов халқимизнинг фахрига айланган шоирлардан бири. Ҳурматли мунаққидимиз бу гапни мадҳиябозликка йўйиши мумкин. Начора, факт — фактликча қолади. Бу — халқнинг фикри. Партямиз барча ижодкорлардан халққа яқинроқ бўлишни, аниқроғи халқ ичида бўлишни талаб қилаяпти. Жуда тўғри талаб. Афсуски, Н. Худойберганов, О. Шарафиддинов адолатли қайд этганидек, «кашф этиш»ни бошқаларга юклаб, асосан «фош этиш» йўлидан боради. Халқ севиб, ардоқлаб ўқийдиган, адабий жамоатчилик қувонч билан қутиб олган асарлардан кўпинча иллат излайди. Жиндай илиқ сўз раво кўрмай, дарров «фош этиш»га киришади. А. Мухтор, О. Еқубов, П. Қодиров, Ҳ. Шарипов, Н. Аминов сингари ёзувчи ва шоирларнинг эл севган бир қанча асарларини баҳолашда ҳам мунаққид, афсуски, чуқур ва илмий асосланган таҳлил ўрнига даъволарни қалаштириб ташлайди.

Самарқандлик химик М. Ражабова редакцияга ёзган хатида шундай дейди: «Мен бир нарсага ҳайронман. Баъзи танқидчиларимиз, айниқса Н. Худойберганов магазинларда чанг босиб ётадиган, ўқувчининг энчасини қотирадиган китоблар ҳақида бир озиг гапирмайди-да, халқ севиб ўқийдиган асарлардан, албатта, бир иллат топади. Танқидчилар ўша бемаъни асарларни тўғри анализ қилса фойдалироқ бўлмайди?» Албатта, ҳар қандай яхши асардан ҳам камчилик топиш мумкин. Бироқ танқидчи фикри жамоатчилик фикрини ҳам озми-кўпми ифодалаши керакми-йўқми? Кўпчиликни ҳаяжонга солган яхши асардан камчилик излаш, «ҳаммаларинг бир тараф, менинг ўзим бир тараф» принципида иш юритиш ҳам ном қозонишга интилишнинг бир кўриниши бўлса ажаб эмас. Н. Худойберганов мақолаларидаги бундай бир ёқламалик, баъзан асарни яхши тушунмасдан ўз талабларини тиқиштириш касаллигини О. Шарафиддинов, У. Норमतов, С. Мамажонов, И. Ғафуров, А. Расулов каби талай олимлар матбуотда далиллар билан исботлашган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад республика телевидениесидеги бир суҳбатида ярим ҳазил қилиб айтган эди. «Қирқинчи йилларда республика радиосида бир диктор бўларди. «Тошкент вақти билан соат, дерди-да, контрол соатга қарашга эриниб, қўлидаги соатга қараб «фалондан фалон минут ўтди», деб қўя қолар, бутун Ўзбекистон ўша дикторнинг соатига қараб юришга мажбур бўларди. Н. Худойбергановнинг кўп мақолалари ҳам шунга ўхшайди. У бутун адабиёт мен хоҳлагандек бўлиши керак, деб ҳисоблайди».

Бу гапларда аччиқ ҳақиқат бор.

Этимол, Н. Худойберганов ўзининг мулоҳазаларини ижодга нисбатан талабчанликка йўяр, лекин синчиклаб қаралса, улар талабчанлик билан эмас, балки мунаққиднинг ўзбилармонлиги билан боғлиқ эканлигини аниқлаш қийин эмас. Эйтибор берилса, Н. Худойбергановнинг кейинги пайтда эълон қилинган қатор мақолаларида ҳам айрим адиб ва танқидчиларимиз нокамтарликда, мадҳиябозликда, баъзилари эса лавозимли ижодкорларга хушомадгўйликда айбланади. Яқин-яқинларгача мадҳиябозлик хасталиги бўлгани рост. Ҳаётимизнинг кўп соҳаларида «қўшиб ёзишлар» бўлганидек, танқидчиликда ҳам «қўшиб мақташлар» авж олган эди.

Лекин ҳурматли танқидчимиз Н. Худойбергановнинг ўзи-чи? Ўзи бу иллатдан бутунлай фориғмикин?

Масалан, у таниқли ёзувчи А. Удаловнинг Сарвар Азимов асарлари ҳақида айтган мақтов сўзларини «бориб турган бемаънилик» («явнаа нелепица») деб баҳолайди. («Вопросы литературы», 1987, № 1, 52-бет). Холбуки, Н. Худойбергановнинг ўзи ҳам 1983 йилда чоп этилган «Сени ўйлайман, замондош» тўпламида С. Азимовнинг йигирма йил аввал ёзилган «Юлдузлар жамоли» драмасига жуда юқори баҳо берган эди-ку! Биз бу билан С. Азимовнинг ижод ва илмдаги хизматларини камситмоқчи эмасмиз. Фақат Н. Худойбергановнинг хулосалари нега бунчалик тез ва кескин ўзгаришига ҳайронмиз.

Ёки Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар» романи ҳақида «қисса устидаги ичимни давом эттириб, роман яратдим», деган ахборот тарзидаги сўзларида «Қандай зўр талабчанлик ва масъулият ҳисси мавжланиб турибди», — дея ҳаммани ундан ибрат олишга, ўрганишга қақириб мадҳиябозликка мисол бўлмадики? («Сени ўйлайман, замондош» тўплами, Фафур Флом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1983, 123-бет). Яна шу китобда Ш. Рашидовнинг беш жилдлик асарларини кўкларга кўтариб, «жуда катта масъулиятли сиёсий фаолият, партия ва ҳукумат иши билан ёзувчиликни қўшиб олиб бораётган мўътабар инсоннинг ниҳоятда зўр талабчанлик билан қалам тебратиб, бадий маҳоратнинг катта чўққиларига кўтарилганидан қувонамиз», деган мунаққид ўша «катта чўққилар»нинг баландлиги қанча эканлигини билмасмиди? Мақсад ҳаётдан кетган одамнинг китобларидан нуқул камчилик излаш, бунақа кўнгилсиз гапларни кўпайтириб бир-биримизни хишлоллага қўйиш эмас. Халқимизнинг «Аввал ўзингга боқ...» деган ҳикмати нақлини эслаш, холос.

У пайтада бу қадар баландларвоз мақтовларни фақат Н. Худойберганов айтибдими, ҳамма мунаққидлар ҳам шундай қилган-ку, дейиш мумкин. Ҳа, шундай бўлган. Аммо энг яхши асарларда ҳам бемалол камчилик «топадиган» танқидчи ўша жилда кирган ўртамиёна асарларни нега бунчалик кўкларга кўтарди, деган савол кишини ўйлантириб қўяди.

Ниҳоят, Н. Худойбергановнинг юқоридан номлари тилга олинган мақолалари мисолида танқидчилигимиздаги яна бир нуқсонни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу нуқсон шундан иборатки, мунаққиднинг неча минглаб ўқувчиларга тугалланган асар сифатида тақдим этаётган мақолалари савиясини, хусусан, тилини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Олим бир хил босмақолип фикрлар, тайёр ҳукм-хулосаларни мақоладан мақолага кўчириб юришдан «эринмайди»: Ўқувчилардан аввалдан узор сўраб, муаллиф «услуги»нинг «ўзига хослиги»ни яққол намойиш қиладиган бир неча кўчирма келтиради: «Айниқса, шаклан ҳам, мазмунан ҳам бадий асарга ўхшаб кетадиган, аммо аслида ўқувчилар қалбини «жизиллатиб», уларнинг маънавий баркамоллигини оширишга, тафаккурини бойитишга хизмат қилмайдиган кўп сонли нотавон шеърларга қарши кураш вазифаси диққат марказига чиқарилмоғи лозим.» («Маъно қудрати», «Шарқ юлдузи», 1977, № 4, 221-бет).

«...бирок бундай шеърлар халқимизнинг маънавий қудратини оширмайди, ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини таъминламайди, онги, тафаккурини чархламайди, эстетик завқ-шавқ бағишламайди.» (Ўша мақола, 222-бет).

«...кўпчилик ўқувчилар ҳар бир шеър ёки ҳикоя, қисса ёхуд романдан битмас-туганмас завқ-шавқ, маънавий мадад, ғоявий-бадий сабоқ олиб, ўзининг онгу тафаккурини бойитишга, ижтимоий-маънавий тараққиётнинг ғоятда муҳим, долзарб муаммоларини ҳал қилишга интилади.» («Қаҳрамоннинг маънавий олами», «Шарқ юлдузи» 1982, № 11, 199-бет).

«Зотан тажрибали адибларгина эмас, балки ёш ёзувчиларимиз ҳам ижодий фаоллик билан қалам тебратиб, ижтимоий-маънавий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатадиган даражага муттасил кўтарилиб бормоқдалар» (Ўша мақола, 199-бет).

«Ёзувчилик дарди, санъаткорлик ташвиши янги, оригинал образлар, характерлар орқали замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёсини бойитиш, уларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, битмас-туганмас завқ-шавқ, салмоқли сабоқ беришдан иборатки, у талаб тажрибали, машҳур истеъдод соҳибларига ҳам, ёш ижодкорларга ҳам баравар тааллуқлидир» (Ўша мақола, 204-бет.)

«Бадий асар... ҳаёт тараққиётига таъсир кўрсатмаса, қалбларни тўлқинлантириб, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга иштирок этмаса, давр руҳини ҳаққоний ифодалаб, маънавий хазинамизни бойитмаса, сўз санъатини ривожлантиришга хизмат қилмаса, табиий равишда ўз вазифасини адо этмаслигини яхши биламиз» (Ўша мақола, 208-бет).

Шу ўринда ғоят табиий бир савол туғилиши мумкин. Сизларнинг мақолангиз «Шарқ юлдузи» журналида босилляпти. Н. Худойбергановнинг мазкур мақолалари ҳам шу журналда эълон қилинмаганимиди? Ҳўш, журналнинг кўзи қаерда эди? Нега бу мақолалардаги камчиликлар таҳрир қилинмади? Тўғри савол. Бирок ҳурматли ўқувчилар бир нарсани тушунишларини истаймиз. Олим одамнинг ўзи аввало чуқур саводхон бўлиши керак. Қолаверса, профессор унвонига эга бўлган мунаққиднинг мақолаларини бошдан-оёқ таҳрир қилиб чиқиш ҳам шарт эмас.

Бундай камчиликлар ҳурматли олимимизнинг китобларида ҳам керагидан ортиқ учрайди. «...ҳаёт мураккаблиklarини тадиқ этиш натижасида кашф қилинган салмоқли фикр, қудратли маъно «пайвандланмагани» тўфайли онгимизга онг, ақлимизга ақл, туйғуларимизга туйғу қўшадиган зўр поэтик топилма яратилмаган» («Сўз курашга чорлайди» тўплами, 171-бет).

«Б. Исроил онгу тафаккуримизни бойитиб, юракларимизни «жизиллатиш» ҳақида бош қотирмайди, ҳаммага маълуму манзур фикрларни шеърини шаклга солиб баён этаверади» («Ўз дунёси, ўз қиёфаси» тўплами, 46-бет).

Бу кўчирмалар Н. Худойберганов кўп йиллардан бери ўз маҳоратини оширишга эътибор бермаётгани, изланмаётганидан далолат беради.

Масалага ойдинлик киритиш учун шу ўринда О. Шарафиддиновнинг бир фикрини келтириш мақсадга мувофиқ кўринади. У «Баъзи зарур мулоҳазалар» номи мақоласида шундай ёзади: «...биз, танқидчилар, ҳаммаша адиблардан, шоирлардан юксак маҳорат талаб қиламиз. Бу — тўғри талаб. Шу билан бирга танқидчи ҳам ижодкор. Ўзининг бетакрор услубига эга бўлмоғи шарт. Бирор ёзувчининг тилида нуқсон кўриб, бонг чалсагу, ўзимизнинг тилимиз ғализ бўлса, жумлаларимиз пойинтар-сойинтар тузилса, фикримиз чала-чулпа ифодаланса, мақоламизнинг бир жойида бир гап айтаётган, бошқа жойида унинг тескарисини айтсак, эзмалик қилсак, бир гапни ҳадеб такрорлайверсак,

китобхон нима дейди? Бизнинг ижодкор сифатидаги қиёфамиз қаяққа кетади? Ҳар бир сўзимиз ўлчанган, ёзувчи ва китобхон учун айна зарур сўз бўлиши керак эмасми?..» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983; 11 февраль).

Астойдил қўллаб-қувватлагша арзийдиган бу ҳақли даъватни биз (гарчанд, у умумий бир мулоҳаза ва истак тарзида айтилаётган бўлса-да) айнан ҳурматли танқидчимиз Н. Худойберганов мақолаларига тааллуқли деб ҳисоблаймиз. Негаки, биринчидан, О. Шарафиддиновнинг мазкур мақоласи Н. Худойбергановнинг «Меъёр ва таъсир» мақоласига жавоб тарзида ёзилган, иккинчидан, Н. Худойбергановнинг юқорида қайд этилган мақолалари бошқа адабиётшуносларнинг асарларидан ана шундай нуқсонларнинг сероблиги билан ҳам «ажралиб туради».

Шу ерда яна бир ибратли мисол келтирамиз. «Муштур кутубхонаси» сериясида Н. Худойбергановнинг «Фойдали жанжал» китоби нашр этилди. Табиийки, бадий ижод билан адабий-бадий танқиднинг мақсади муштарак. Бинобарин, ёзувчи ва шоир танқидий мақола ёзишга, танқидчи эса бадий ижод соҳасида қалам тебратишга ҳақли. Сатира ва ҳажв замирида яратилган қатор асарларга юксак талабчанлик билан ёндашган, талай сатирик пьеса, қисса ва ҳикоялардан каттароқ маъно, мантиқ тополмаган талабчан мунаққид бу соҳада намуна кўрсатган бўлиши керак деган ниятда китобчини қўлга оламиз.

Муаллиф тўпلامга ёзган сўзбошида шундай дейди: «Одамни кулдириш ҳам осон, ҳам қийин. Борди-ю, парижонхотирлик билан хотинингизнинг ички қўйлагини кийиб кўчага чиқсангиз ёки эшакка тескари миниб катта бозордан ўтсангиз бас, ҳаммаёқда қаҳқаҳа бошланиб кетади, аммо мен бир оз паришонхотирроқ бўлсамда, ҳали хотинимнинг ички қўйлагини кийиб кўчага чиқадиغان даражага, хайриятки, кўтарилмадим». Шундан сўнг у ўзининг Азиз Несин даражасига етмаганини, бунга вақти йўқлигини, танқидчилик билан шуғулланаётганини айтади-да, мазкур китобда ҳаётда, адабиётда рўй бераётган нуқсонлар устидан кулаётганини эслатиб ўтади.


Яхши мақсад! Демак, муаллиф (бу ўринда ёзувчи деймиш-да) «кўча хотинининг ички қўйлагини кийиб чиқмаса ҳам» «кули дунёсини яратишга имкони ҳам, вақти ҳам йўқлигига» қарамасдан сиз билан бизни хурсанд қилиш учун атайлабдан сатирик китобча ёзган. У камчиликлар устидан кулмоқчи. Сатира ва юморнинг энг биринчи талаби бор: авторнинг у ёки бу нуқсон устидан кулишининг ўзи кифоя қилмайди. Ҳамма гап шундаки, ўша нуқсонлар устидан муаллифга қўшилиб, ўқувчилар ҳам кулиши керак. Бунга эришишнинг энг оддий йўли эса сатирик ёки юмористик асардаги ўзига хос руҳ ҳисобланади. Сатирада ўзига хос руҳ яратиш учун эса «арзиманган» нарсаси — талант керак. Балки Н. Худойбергановда худди ўша талант барқ уриб ётгандир?

Таассуф билан тан олиш керакки, «Фойдали жанжал» тўпلامини ўқиган китобхонни ерга ётқизиб минг жойини қитқиласангиз ҳам, ақалли илжайиб қўймайди. Аксинча энсаси қотади. Негаки, тўпلامга жамланган деярли ҳамма «асарлар» икки томчи сувдек бир-бирини такрорлайди. Истеъдодсиз, бунинг устига ақли ноқис ёзувчи, шоир ва олимлар ўзининг телбанамо одамлар эканини гап билан, фақат гап билан «фоз этади». Албатта, муаллиф «менинг ёзганларим адабий фельетон, пародия, ҳажвий лавҳа, мен киноя қилганман, улардан маъно қидиришнинг кераги йўқ» деб эттироз билдириши мумкин. Лекин пародиялар, киноялар доно бўлиши, ҳадеб бир мавзу атрофида айланавермаслиги, қолаверса, уларда озми-кўпми маъно бўлиши керак. Минг афсуски, Н. Худойбергановнинг «бадий ижод» соҳасидаги «асарларида» «бадий кашфиёт» у ёқда турсин, бадийнинг элементар хусусиятлари ҳам, умуман, дурустроқ маъно ҳам йўқ! Концепция, характер, образ, сюжетни қўятарайлик, ёзувчи тафаккурининг ўзи йўқ. Мантиқ пала-партиш, тил ночор, бошдан оёқ бир қолипда такрорланувчи алмойи-алжойи гаплар! Тўпلامдан жой олган мақолалар (афсус, асар деб бўлмайди) нуқул хабардан, ҳатто хабар ҳам эмас, гаплар уюмидан иборат.

Эҳтимол, биз мазкур китобга катта талаблардан келиб чиқиб ёндашаётгандирмиз. Агар шундай бўлса, журналхонлар «Фойдали жанжал» китобини ўқиб, бемалол ўз фикрини айтиши мумкин. Комил ишонч билан айта оламизки, мабодо худди шу китобни бошқа муаллиф ёзган бўлса-ю, Н. Худойбергановнинг қўлига тушиб қолса, танқидчи икки йўлдан бирини танлаган бўларди. Ё «бунақа «асарлар» танқид қилишга ҳам арзимайди» дерди. Ёки «дўппосларди». Биз ҳам ушбу тўпلامни танқиддан паст туради деб ҳисоблаган бўлардигу бир нарсани ўйлаб қолдик. Атрофидаги жамики қаламкашлардан «бадий кашфиёт» талаб қиладиган кишининг ўзи ҳам озми-кўпми «кашфиёт» қилиши керакми ахир! Хоҳлаймизми-йўқми халқнинг ўша доно гапини яна эшлашга тўғри келади: «Авал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ».

Адабиётимизда жонқуярлик билан қалам тебратаётган мунаққидлар кўп. М. Қўшоновнинг чуқур мантиққа асосланган осойишта овозида, О. Шарафиддиновнинг ростгўйлик билан тўлиқ оҳангида, У. Норматовнинг ҳаяжонли ва холис, И. Ғафуровнинг шоирона жўшқин услубида, Н. Шукуров, С. Мамажонов, Н. Каримов, А. Каттабеков, Б. Назаров, П. Шермухамедов, С. Мирвалиев, Б. Акрамов, Б. Қосимов, И. Ҳаққулов, М. Сафаров, У. Улжабоев, С. Содиқов, М. Маҳмудов, Р. Иноғомов, Н. Комилов, Н. Раҳимжонов, А. Аъзам, Н. Холлиев, Я. Қосимов, Р. Қўчқоров, А. Улуғов каби мунаққидларнинг мақолаларида чуқур илмий таҳлил талабчанлик меҳр билан ҳамisha уйғунлашиб кетади. Н. Худойберганов — талабчан танқидчи. Бу хусусиятини маъқуллаш керак. Бироқ талабчанлик кўпинча кесатиқларга, ҳукмга айланиб қолиши ранжитади кишини.

Энди муҳим бир андишани айтишимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Мақолани ўқиган журналхонларда меҳр ҳақида гапира туриб, ўзингиз ҳам қаҳрли бўлиб кетмадингизми, Н. Худойберганов мақолаларига бир ёқлама ёндашмадингизми, ундан нуқул камчилик қидирмадингизми, деган савол туғилиши мумкин. Биз таниқли мунаққид Н. Худойбергановнинг изланишларини асло камситмоқчи эмасмиз. Танқидчининг активлигини, сермахсуллигини, бугунги адабий танқидчиликда тутган ўрнини ҳамisha қувватлаймиз. Юқорида айтилган камчиликлар фақат Н. Худойбергановда эмас, бошқа олимларда ҳам борлигини биламиз. Мақсадимиз шуки, Н. Худойбергановнинг жуда кўп мақолаларига хос бўлган тил ғариблигини, ўз-ўзини такрорлаш, пала-партишлик, мантиқий чалкашлик, фақат ўзини ҳақ деб билиш, адабий жамоатчилик фикрини бир тийинга олмаслик, баъзан асарларнинг жанр хусусиятларини яхши тушунмасдан «фоз этиш», танқиддан танқидбозликка ўтиб кетиш, гоҳо ўз хулосаларига ўзи қарши чиқиш ва энг муҳими — меҳрдан кўра қаҳрнинг кучайиб кетиши каби камчиликлар қанчалик тез тузалса, адабиётга шунчалик кўп наф етган бўларди.



МАЪРИФАТ ҚАЛДИРҒОЧИ

Туркистонни чор Русияси забт этганига қадар бу ерда типография ва литографиялар бўлганлиги маълум эмас. Тошкентда биринчи типография (шаҳар Россия давлати ихтиёрига ўтгандан кейин) — 1868 йилда очилган эди. У Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий округи штаби қошида бўлиб, асосан генерал-губернаторнинг рус тилида чиқадагиган босма қоғозлари, махфий хатлари ва буйруқларини босиб чиқариш билан шуғулланди.

1869 йилнинг биринчи ярмида Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман ўлкани бошқаришни осонлаштириш ҳамда ўз идора усулини такомиллаштириш мақсадида, ҳарбий министр Д. А. Милютинга Туркистон ўлкасида рус ва ўзбек тилларида газета чиқариш учун император олий ҳазратларининг рухсатларини олишга ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Рухсат тезда берилади. Лекин ҳарбий округ типографиясида мазкур тилларда газета босишга киришиш учун ҳарф терувчи кадрлар ва шрифтлар етарли эмас эди. Маҳаллий тилда газета чиқариш учун эса умуман ҳарф терувчилар ҳам, араб ҳарфлари ҳам йўқ эди. Шунинг учун генерал-губернаторнинг буйруғи бўйича газетанинг бўлажак редактори техник офицер Н. А. Маев зудлик билан Петербургга командировка қилинади.

Н. А. Маев 1870 йил бошларида шрифтлар, қоғоз запаслари ва Степан Степанов, Иван Опер, Лейб Друский ва Илья Слонимлардан иборат тўрт рус ҳарф терувчиси билан Тошкентга қайтади. Натижада 1870 йил 28 апрелдан бошлаб округ штаби типографиясида газета нашр қилишга киришилди. Шу куни «Туркестанские ведомости» газетасининг биринчи сони ва унга қўшимча тарзда ўзбек тилида «Илова» чиқа бошлади. Марълумки, «Илова»ни териш Муҳаммад Шариф Каримов томонидан амалга оширилган эди. Бу киши илгари Қозон университети босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлар эди. 1871 йилда у ана шу «Илова»ни босишдаги хизматлари учун ҳукумат мукофотига сазовор

бўлади. М. Ш. Каримов XIX асрнинг охирида Қозонга қайтади ва акалари Муҳаммадхон ва Муҳаммадхасан Каримовлар томонидан 1900 йилда очилган «Каримия» босмахонаси ишида иштирок этади...

1881 йил бошларида Тошкентга Қозондан араб шрифтларининг катта бир партияси билан бирга уч кишидан иборат татар ҳарф терувчилари ҳам келади. Булар Шаҳангарей Бикчентаевич Биккулов, Абдулатиф Яушев ва Буринғали Бектемиров эдилар.

Г. Л. Яушев ва Б. Г. Бектемировлар Қозонда университет типографиясида ҳарф терувчи бўлиб ишлар эдилар. Улар ҳарф ортилган юкларни олиб юриш учун от-улов ва керакли ҳужжатлар билан таъминланадилар. Қозондан Оренбургга хат ташувчи отларда, Оренбургдан Тошкентга эса туяларда келишади. Уч ой йўл босадилар. Йўл оғир ва қийинчиликларга тўла эди.

Улар Тошкентга етиб келгач, шрифтларни «Илова» нашр қилиниб турган Е. Б. Базальский ихтиёридаги «Ҳарбий халқ бошқармаси босмахонаси»га топширадилар. Ҳар уччаласи ҳам шу босмахонада ишлай бошлайди.

1881 йил Қозондан Тошкентга янги ҳарф терувчилар етиб келишлари билан ўзбек китобатчилигида янги саҳифа очилади. Матбаанинг бу моҳир усталари тезда маҳаллий маърифатпарварлар, арбоблар билан алоқада бўлдилар. Ш. Б. Биккулов ўзбек маърифатпарварлари билан учрашганда мактабларни китоблар билан таъминлашда, элга маърифат тарқатишда китоб босишнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Бунга қадар бутун Туркистон ўлкасида фақат Хивада 1874 йилда очилган босмахона мавжуд бўлиб, у ҳам асосан хон саройига хизмат қилар эди.

Ўрта Осиёда қадимдан адабиёт, маданият, фан ривожланган, кўлэма китоблар тарихи минг йилдан ортиқроқ тарихга эгаллиги маълум. Китобларни қўлда кўчириб ёзиш — хатотлик санъати кенг ривожланган эди. Лекин қўлэма китобларни яратиш учун бир неча йиллаб вақт кетарди.

Аброр Каримуллин — СССР ФА Қозон филиали О. Иброҳимов номидаги Тил, адабиёт ва тарих институтининг катта илмий ходими, филология фанлари докторидир. У бир неча йиллардан буён татар китобот тарихи ва маданияти, унинг татар халқи ижтимоий-сиёсий ва маънавий камолотида тутган ўрни, гоъвий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти тўғрисида тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Рус ва татар тилларида «Рус тилига таржима этилган татар адабиётлари», «СССР ҳамда чет эл халқлари адабиёти, фольклор санъати», «XX аср бошларидаги татар китоби» «Китоб дунёсига саяхат», «Россияда 1861 йил реформасидан кейинги татар китоби» каби қатор

монографиялари ва кўплаб мақолалари нашр этилган. Олим татар матбааси кадрлари тарихи, унинг мамлакатимиздаги бошқа халқлар китоб нашриётлари, матбааси кадрлари билан интернационал алоқалари тарихи ҳақида янги илмий асар ёзди. Бу китобда Октябрь инқилобига қадар ва ундан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон босмахоналарида ишлаб, рус, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, туркман ва бошқа миллат вакиллари билан илк матбаа ходимлари тайёрлаган таниқли татар маърифатпарварлари, матбаа қалдиригачи Шаҳангарей Бикчентаевич Биккулов ҳақидадир.

Шу китобдан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Шунинг учун қўлёзма китоб яратиш ҳаддан ташқари қимматга тушар ва фақат тор доира учунгина етиб борарди. Босма ва литографик китоб босиш усули эса китоб баҳосини камайтириш, матбуот асарларини кенгроқ оммалаштириш ҳисобланарди.

Ш. Б. Бикқулов Тошкентга келган йиллари кўчонлик таниқли олим Маҳмуд Қори билан танишади. Маҳмуд қори Тошкентда «Илова»лар босиладиган типографияга ҳам келди, бу ерда у шу газета ҳарф терувчилари билан ҳам танишди. Маҳмуд қори ва Ш. Б. Бикқуловнинг бу учрашувлари ўзбек миллий матбаа шаклланиши тарихида муҳим саҳифа ҳисобланади. Ш. Б. Бикқулов шу учрашув вақтида Маҳмуд қорини ҳарф босишининг барча технологияси билан таништиради. Маҳмуд қори Ш. Б. Бикқулов таклифларини қабул қилиб, шу босмахонада ўз ҳисобидан бир китоб босиришига қарор қилади. Икковлашиб, Маҳмуд Қори ҳисобига типографияда китоб ҳарфларини териш ва босишга рухсат сўраб, генерал-губернатор Кауфманга мурожаат қилдилар. Кауфман бунга розилик билдиради.

Ниҳоят, 1882 йилда араб имлосида ўзбек ва қозоқ тилларида «Илова» босиладиган босмахонада Маҳмуд қори буюртмаси бўйича янги ўзбек миллий китоби нашрдан чиқади. Бу Шарқда кенг машҳур бўлган мусулмон шарият йўл-йўриқлари ҳақидаги Кайданийнинг «Фиҳҳ» асари «Шарҳи» эди. Бу китоб Ш. Б. Бикқулов ва унинг ўртоқлари томонидан терилади. Улар китобнинг ҳам корректорлари, ҳам муҳаррирлари эдилар.

Бу тажриба яхши самара берди. Мазкур китоб тез тарқалиб битга, Ш. Б. Бикқуловга бошқа ўзбек уламо ва олимлари ҳам мурожаат қила бошладилар. Шу вақтдан бошлаб ўзбек ноширлари буюртмаси бўйича Тошкентда босилган китоблар наشري анча кўпайди. Уларга Ш. Б. Бикқулов ва унинг ҳамкасблари Г. Л. Яушев, Б. О. Бектемировлар муҳаррирлик, корректорлик ва ҳарф терувчилик қилдилар.

Кауфманнинг ўлимидан сўнг (1882) унинг ўрнига тайинланган М. Г. Черняев матбаага бериладиган асарларни цензурадан ўтказиш бўйича мавжуд тартибни бекор қилиб, ҳар бир қўлёзmani теришга туширилиши ва босиб чиқарилишидан олдин Петербургдаги марказий цензурага юборишни талаб қилди. Бу фақат маҳаллий матбуот асарларига оид бўлиб, рус тилидаги китобларнинг наشريга рухсат Тошкентнинг ўзида берилар эди. Ўзбек китобларига цензура назоратининг кучайиши биринчи навбатда Александр Пининг ўлдирилишидан кейин Россияда инқилобий ҳаракатнинг кучайиши билан боғлиқ эди.

Ўзбек ноширларининг қўлёзмалари матбуот бўйича Бош бошқарма бошлиғи адресига тушиб, Санкт-Петербург цензура комитетидаги Шарқ китоблари цензори В. Д. Смирновга топширилар эди.

Россиядаги бутун мусулмонлар матбуотининг ихтиёрини қўлга олган Смирновнинг сиёсий қиёфаси ва кредоси ҳақида академик В. А. Гордлевскийнинг баҳоси яхши тасаввур беради. 1924 йилда В. У. Смирнов хотираси муносабати билан: «Смирнов эътиқодларида аста-секин тобора шовинизм — мутлақ миллатчилик кўрина бошлади. Унинг учун рус бўлмаган ҳамма ғайридинлар (мусулмонлар), ғайри миллатлар (татарлар) рус миллатини бузувчи элементлар эдилар. Шунинг учун ҳам Смирнов цензураси «редакцияон давлат доиралари учун яхши топилма эди», деб ёзган эди.

Смирнов Туркистон ўлкасига татар китоблари

ва татар муаллифлари ҳамда хунармандларини йўлатмаслик йўли билан маҳаллий халқларини илғор рус ва шаҳар маданияти таъсиридан сақлашга ҳаракат қиларди, шу билан уларнинг эътиборини, мамлакатдаги ижтимоий ва миллий уйғонишлардан четга тортишга уринарди...

Ана шу йилларда ўзбек халқи фарзандлари орасидан матбуот кадрлари ҳам етишиб чиқа бошлади. Ҳарф териш ишига, маҳаллий аҳолидан шогирдлик ишига илк бор ўзбек миллий матбаасининг биринчи усталари бўлган ака-укалар — Ҳамид, Абдурахмон, Сирожиiddин Хўжаевлар таклиф қилинган эдилар.

Архив ва матбуот материаллари ҳамда Бикқуловнинг ҳозир ҳаёт бўлган шогирдлари хотираларига қараганда, XX асрнинг бошларида Тошкентда маҳаллий матбаа кадрлари армияси анча ўсган, уларнинг кўплари эса Бикқулов мактабидан шогирдликни ўтаган эдилар.

1907 йилда биринчи бор ўзбек матбааси — Фулом Ҳасан Орифжонов литографияси пайдо бўлди. Бу ерда юқори сифатли литография ишлари йўлга қўйилди ва ўзбек литографик китоблари қўллаб чиқа бошлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Орифжонов ўз босмахонасини очгунга қадар Қозондаги рус ва татар матбаа усталари билан алоқа боғлаб, ўзбек китобларини Қозон босмахонасида нашр этишда фаол хизмат кўрсатди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкентга ва Урта Осиёнинг бошқа шаҳарларига полиграфия ишлари учун тайёр мутахассис сифатида қатор татар ҳарф терувчилари келдилар. Бу даврда маҳаллий кадрлар кўпайган, уларнинг аксарияти Ш. Б. Бикқуловдан таълим олган эдилар. Ш. Б. Бикқулов Туркистон ўлкасидаги кўплаб рус матбаа кадрларига ҳам устозлик қилган, бу ҳақда кейинчалик рус матбаачи шогирдларининг ўзлари ҳам миннатдорчилик билан эслайдилар.

Ш. Б. Бикқулов Туркистон ўлкаси халқлари маорифининг қизгин тарафдори эди. У халқ истиқболини рус ва жаҳон маданияти, фани, адабиёти ютуқлари билан кенгроқ танишишда кўрди. Ўзбек болаларини рус мактабларига жойлаштириш борасида анча ишлар қилди. У ота-оналарга болаларни эски диний мактабларда ўқитиш фойдасизлигини тушунтиришдан асло эринмас эди. Ш. Б. Бикқулов шарқ маданиятини яхши билганлиги учун Тошкентдаги оддий одамлар билан ҳам, маърифатли кишилар билан ҳам жуда тез тил топишиб кетган эди.

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ғалаба қозонди. Совет ҳокимияти ўзининг биринчи кунларидан бошлабқ меҳнат ветеранларига ғамхўрлик кўрсатди. Лекин Ш. Б. Бикқулов кексайиб қолганига қарамай ишдан кетмайди. У Тошкентдаги биринчи босмахона ҳарф терувчиси бўлиб ишлашда давом этади. Туркистон ўлкаси Совет ҳокимияти органлари ва партия комитетлари заказларини зудлик билан териш ва нашрдан чиқариш устида заҳмат чекади. 1918 йилнинг 14 августидан Ш. Б. Бикқуловнинг матбаачилик фаолиятига 60 йил тўлади. Уша йиллардаги қийинчиликларга қарамай, Урта Осиё матбаа жамоатчилиги томонидан бу сана кенг нишонланди.

Устани қўтлаш учун унинг уйига ўша кунги шаҳардаги барча босмахоналардаги рус ва маҳаллий ҳарф терувчилари келдилар, юбилярнинг дўстлари, шогирдлари уни чин кўнгилдан қизгин табриқлаб, эсалик совғалари топширдилар.

«Халқнинг тараққиётини маориф ва матбуот-

сиз тасаввур этиб бўлмайди. Бизнинг оқсоқоли-мизнинг қаҳрамонона ва фидокорона меҳнати биз учун халқ маорифи йўлида ишлаш намунаси бўлиб хизмат қилади», — деб ёзади З. Раҳматуллин «Олтмиш йиллик маданий хизмат» номли мақоласида («Туркистанский печатник» журнали, 1918 йил 13-сон, 1-бет).

Ш. Б. Бикқулов меҳнатқаш синф вакили ўлароқ, ишчилар манфаатининг ҳимоячиси эди. У матбаа ходимлари, ишчиларнинг эркин профсоюз иттифоқи тузиш учун курашди. Шунинг учун у биринчи рус революцияси, йилларида большевиклар билан алоқа боғлаб, махфий матбаани зарур ҳарфлар билан таъминлаб турганига шубҳа йўқ.

Адабиётшунос Шерали Турдиевнинг ёзишича, Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йиллардаёқ матбаа соҳасидаги кўп йиллик хизматлари ва матбаачиликда турли миллат фарзандларидан кадрлар етиштиргани учун Туркистон ўлкасида унга биринчи бўлиб меҳнат қаҳрамони унвони берилган («Маърифат карво-ни», — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил, 12 февраль).

Ш. Б. Бикқуловнинг ажойиб ҳаёти ва кам-тарона ишлари халқлар дўстлиги ва ўзаро ҳамкор-лигининг ёрқин намунасидир.

Аброр КАРИМУЛЛИН,
профессор, Қозон шаҳри.

Ш. Турдиев таржимаси

● ИНҚИЛОБНОМА ●

Хур ва озод совет халқи
Пўлат сафга бўлиб бош,
Тинчлик бўлсин, ҳаёт кулсин
Деб қўймоқда кўлини.
Улуғ Ленин партияси —
Абадий ўчмас қуёш,
Равшан этиб бормоқдадир
Бахту иқбол йўлини.

Темур Фаттоҳ

* * *

Байроқлар... Музаффар лола байроқлар,
Ҳилпираб бормоқда, сафлар мустаҳкам.
Тинчлик қудратини этиб намойиш,
Бу байроқ остида бораман мен ҳам.

Саида Зуннуова

* * *

Бутун вужудимда кучли ҳаяжон,
Шодлик енгиб олган ихтиёримни.
Минг-минг раҳмат сенга, доҳий жонажон,
Бердинг замоннинг энг бахтиёрини.

Султон Жўра



КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Бекатда турган икки ўсмирнинг суҳбати диққатимни тортди.

— Сергей Лазо ҳақидаги фильмни кўрдингми!

— Йўқ, Лазо ким? Қизиқ кино эканми! — йигитча шундай деб сўради-ю, тинчим йўқолди.

Сергей Лазо, Василий Чапаев, Павел Корчагин, Абдулла Набиев, Александр Матросов, Валерий Чкалов, Зоя Космодемьянская, Собир Раҳимов, Олег Кошевой, Александр Мересев бизнинг болаликдаги энг сеvimли қаҳрамонларимиз эди. Улардаги жасорат, ватанпарварлик, садоқат, жанговарлик бегубор орзуларимизга қанот бағишлар, йўлчи юлдуздек бизни мафтун этиб ўзига чорлар эди.

Биз 40-йиллар болаларининг қувноқ ҳаётини уруш ўғирлаган, ёлчиб кийинмаймиз, тонг сахар туриб нон дўконда навбатга турамыз. Баъзан нон етмай қолиб, қуруқ қайтамыз. Мактабга жилд папка тутамиз. Китоб, дафтар етишмайди. Шундай бўлса ҳам, ўқишга чанқоқмиз. Уқитувчининг, ота-онанинг гапи—биз учун қонун. Оддийгина мактаб формаси киямиз. Сал бошқача кийиниб, коллективда ўзини алоҳида кўрсатадиганлар бўлса, шундай қараймизки, ўзининг ялтироқ кўринишидан хижолат бўлиб, эртасига асл ҳолига тушиб келарди.

Бадиий асарларни бир-биримиздан талашиб-тортишиб олиб, чанқоқлик билан ўқиб чиқамиз. М. Горькийнинг «Она», Фурмановнинг «Чапаев», Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», Борис Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса», А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Заречнаянинг «Зоя», Парда Турсуннинг «Уқитувчи» асарларини кўлимиздан қўймас эдик.

Пионер ва комсомоллик йилларимизни эслаймиз. Дружина йигитларида, комсомол мажлисларида севган қаҳрамонларимиз ҳақида шеър, монологларни завқ билан ўқирдик. Қаҳрамонлик ҳақида жўшқин суҳбатлар, мунсзаралар бўлар эди. Жанговарлик руҳи бизни ҳам курашчан, илғор, ботир, фаол бўлишга ундарди. Янгилишмасам, биз ўқиган китоблар, эътиқоди бизнинг эътиқодимизга айланган бадиий қаҳрамонлар авлодимизга ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, поклик, ҳалоллик, ор-номусли, қатъиятли бўлиш каби фазилатларни мерос қилиб қолдирган экан.

Хўш, яқин йигирма йил ичида биз болалар ва ўсмирларни қайси бир қаҳрамонимизнинг эътиқоди руҳида тарбиялай олдик! Ваҳоланки, халқимизнинг Майна Ҳасанова, Абдулла Набиев, Файзулла Норхўжаев, Абдусаттор Эшонқулов, Қудрат Суёнов, Тўйчи Эрайитов, Зебо Ғаниева каби сеvimли қаҳрамонлари бор эди. Биз бу ботир, ўлмас қаҳрамонларимизни қайси асарларда тўлақонли образларини ярата олдик! Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ўқувчиларга нима дея олдик! Ана шулар ҳақида ўйласам, болалар олдида жуда катта қарзимиз борлигини ҳис этаман. Тўғриси, биз ҳали ҳам кичикларга «мўмин-қобил бўл», деган насихатдан нарига ўтганимиз йўқ.

Тан олиш керак, Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев, Фарҳод Мусажонов, Латиф Маҳмудов, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон ўз асарларида боланинг маънавий оламини бойитувчи бирмунча асарлар яратишди. Аммо биз ҳозирги замон руҳида етарлича фаоллик кўрсатаётирмизми! Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Максуд Шайхзоданинг «Танланган асарлар»ини бир варқлаб кўринг-чи! Улар даврининг ҳар бир улкан ўзгаришига жанговарлик билан жавоб беришган.

Биз асаримиздаги реал қаҳрамон образи орқали болаларда бурч, масъулият туйғулари тарбиялай олдикми! Улар характерида илдиз отаёзган иллатни йўқотиш учун собитқадамлик билан курашдикми! Мактаб, пионер, комсомол — ҳунар-техника мактаблари ҳаётидан қандай муаммоларни кўтардик! Болани кўпинча эртақ, дoston, фантастика, саргузашт билан алдаб қўймаётирмизми! Тўғри, булар ҳам керак. Аммо, ҳар кун телевидор кўриб, беҳисоб ахборотлар билан қулоғи пишган боланинг реал ҳаётига маънавий озиқ бўладиган нима беряпмиз!

Болани руҳлантирувчи, унинг эътиқодини мустаҳкамловчи, юксак интилишларга чорловчи асарларни қачон ёзамиз. Қисқаси, кекса коммунист Аъзамхон Рустамов «бурчни корчагинчасига тушундирган, заруриятни матросовчасига қабул қиладиган ёш замондошларимиз образи яратилмаяпти», деганида жон борлигини ҳис этиш қийин эмас.

Қутби НОСИРОВА

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Мен «Мактаб ва адабиёт» давра суҳбатини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва айрим фикрлар билдиришни лозим топдим. Зероки, кўтарилган масала бошқа мутахассислар қатори бизларга тўла алоқадорлиги учун ҳам қимматлидир.

Айниқса, сифатли адабиёт дарсликлари яратиш тўғрисидаги фикрларга тўла қўшиламан. Айни

чоқда адабиёт дарсликлари системалашган, такрорларга ўрин қолдирмаган, бошқа фанлар билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Мен адабиёт дарсликларидаги материаллар 5-синфдан бошлаб Ўзбекистон ва СССР тарихи билан боғланса, яъни қадимдан ҳозирги кунгача бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари, бадий асарлар ва уларнинг яратилиши, таҳлили, адабиёт назариясини ўз ичига олса мақсадга мувофиқ бўлар эди демоқчиман.

Адабиёт дарси юзасидан программада боғланишли нутқ ўстиришга вақт ажратилган бўлиб, ўқитувчидан мустақил фикрлаш талаб этилади.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, ўқитувчиларнинг билим даражаси, фанни ўқитишга бўлган маҳорати ҳар хил. Натижада боғланишли нутқ ўстириш дарсларини конкретлаштириш керак деган таклиф киритмоқчиман.

Давра суҳбатида эски ўзбек тили ва графикасини ўрганиш дарси ташкил этиш таклифи билдирилган. Бу ажойиб фикр. Чунки бир неча асрлар давомида яратилган маданий ёдгорликларимизни «таржимон»сиз ўқишга нима етсин!

Д. Юнусов айтганидек, бизнинг мактабимизда ҳам намунали адабиёт кабинети ташкил қилиш қийин бўлмоқда. Чунки классик ва ўзбек совет ёзувчилари, шоирларнинг портретларини топиш муаммо. Умид қиламизки, бу кўтарилган муаммолар қоғозда қолиб кетмайди.

Аваз ҚАРШИЕВ,
Сурхондарё область, Сарисие
районидаги 79-мактаб директори

● ИНҚИЛОБНОМА ●

Эзилганга мадад бердинг, ҳамда онг бердинг,
Буюк номинг кўзимизнинг оқу қораси.
Қора зулмат кечаларга ёруғ тонг бердинг,
Нурларингдан шифо топди диллар яраси.

Амин Умарий

* * *


Инқилоб бешиги бу матонатли Россия —
Қучоғида, тарбиянгда етишди зўр ўғиллар.
Большевиклар деб аталган бу тоғ бургутларининг
Хамласидан зир титради тожу тахт, кишан — ғуллар.

Мамарасул Бобоев



БУЛИМГА ҒАФУР ФУЛОМ АСОС СОЛГАН

Саид Аҳмад
Худойберди Тўхтабоев
Неъмат Аминов
Саъдулла Сиёев
Анвар Обиджон



Ҳашар қисса¹

Раҳматуллонинг вос-вос касали кучайиб борди, гоҳ Еқутой отиннинг, гоҳ Сирож Махсумнинг ёқасига осилиб, «қачон уйлантирасанлар», дея кунига беш маҳалдан етти маҳалгача тиқилинч қиладиган одат чиқарди. Яқингинада уч гувоҳу бир мулла иштирокида шаръий эр-хотин бўлиб олган бу жабрдийдаларнинг совчиликка бормаган эшиги, қарғиш эшитиб қайтмаган хонадони қолмади.

— Ҳе, хотинсирамай талоғинг кесилгур, — деб қарғанарди Сирож Махсум. — Бунақа ёшда биз эшак қувалашдан бошқани билмасдик...

— Жудаям бошим қотди, — дея ух тортарди Еқутой. — Ҳатто Катон лўлиям, сақичдек қизимни ўша исфиропкасиз жиннига бераманми, деб мени мазах қилади.

Кутилмаганда келин ўз оёғи билан келди.

Олдинги хотинини талоқ қилганидан кейин уйдан ҳатто битта рўмолча ололмай чиққан Сирож Махсум ўша куни сўрида отсиз қўқонарава янглиғ дўнқайиб ётар, Еқутой унинг ортига ўтиб тутаётган тандирни кавлаётгандай бурнини жийириб чоки сўкилган биргина иштонини йўрмаш билан банд эди.

Эшик ногаҳон ғийқиллаб очилдию ўн тўққиз ёшлардаги қиз бир қўлида оғир чамадон, бир қўлида каттакон тугун билан кирди. У йўл юриб чарчаганданми, юкининг оғирлигиданми терлаб, бўғриқиб кетган эди. Юкини ерга қўйиб ёқаси ичига қўл тиққанча икки кўкси орасидан чети гажим рўмолча чиқаздию юз, бўйинларини арта бошлади.

Қирқта қилиб ўрилган сочларида қизил баҳмал тумор, чап кўкрагининг устига бир шода мунчоқ қадалган. Унг кўкрагидаги кўйлак бурмасига тўғноғич билан қалампирмунчоқ ҳатиб кўйилган. Оёғидаги амиркон ковуш устига атлас лозим жияклари тегиб турипти. Кўринишидан жуда одобли, шарми-ҳаёли қизга ўхшайди. Еқутой ичида хайрияте, ҳалиям шарми ҳаёли қизлар бор экан, қани энди қорижонимга шунақалардан учраса, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Қиз қизил атлас кўйлагининг орқа томонини бирон жойга қисилиб қолмадимикин, деган ўй билан этакларини пастга, ён томонга тортиб қўйди.

Унинг бу ўнғайсиз туриши, шундоқ муборак жойга келиб қолганидан хижолат чекаётгани билиниб турарди.

Сирож Махсум беихтиёр ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганда кетига игна санчилиб: «думбани единг-ку» дея инграб юборди. Еқутой шоша-пиша эрининг чотига бош суқиб тишида ипни узди.

У лабига ёпишиб қолган ип тугунасини туфлаб ташлади-да, ўрнидан турди. Гўё атай сепилган донга келган ноёб қушни учуриб юборишдан кўрққандек пичирлади:

— Келинг, қизим.

Қиз унинг бетига қарай олмай одоб билан: ассаломуалайкўм, пошша ойи, — деди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонларда

Бу гап, айниқса пошша оёи дегани Ёкутойнинг аллақоерига илиққина бориб тегди. Шу пайтгача у Ёкут қирриқ, Ёкут қитмир, шайтоннинг урғочиси деган номларни эшитиб юрарди. Унинг биринчи марта пошша оёини эшитиши!

— Умрингиздан барака толинг, қизим. Тупроқ олсангиз олтин бўлсин, — деди ниҳоятда мулоимлик билан.

Қиз битта-битта босиб Сирож Махсумнинг олдига келди.

— Ассаломалайкўм, ҳазратим.

Сирож Махсумнинг башарасида офтоб чиққандек бўлиб кетди.

Ёкутой елиб-югуриб сўридаги кўрпачаларни тўғрилади. Уни ўтиришга ундади. Қиз ниҳоятда одоб билан ўнг кўлини чўзиб Ёкутойга йўл берди.

— Узларидан, узларидан, пошша оёи.

Аввал Ёкутой ўтирди, кейин қиз.

Сирож Махсум томоғини қириб сўз бошлади:

— Келинг, қизим, биз томонларга қайси шамол учирди?

Қиз боя икки кўкси орасидан олган чети гажим дастрўмолни кўзига босди.

— Пешонам курсин, дадамини танисанглар керак, прокурор эдилар, олти ой бўлди қамалиб ётибдилар. У киши шаҳар прокурорининг ўғлига қизимни сенга бераман, деб сўз бериб қўйган эканлар. Яқинда қамоқдан хат чиқазибдилар. «Йўлим узоққа тушадиганга ўхшайди, ўн, ўн беш йилсиз қайтмасам керак. Қизимни мен айтган йигитга беринглар. Дадасидан анчагина олсам бор. Ўғлига қизимизни бермасак пулга қуйиб қолишимиз мумкин. Хатимни қисқа қилдим» дебдилар. Шаҳар прокурорининг ўғлини ёмон кўраман. Папирос чекади, арақ ичади. Овқатни бибисмилло ейди. Аям билан айтишиб қолиб уйдан чиқиб кетдим. Бахтимни қидириб юрибман. Қори акага йўлиқиб, мени қандоқ тақдир кутаётганини билмоқчи эдим.

— Ётар-турар жойингиз борми? — деди шоша-пиша Ёкутой.

— Йў, пошша оёи.

— Ҳай майли, болам. Инсоннинг пешонасида не ишлар бўлмайди, дейсиз. Бизникида қолинг, мўмин-қобил бир куёв толилса ўраб-чирмаб узатармиз. Сеп-сидирғаларингиз бормиди? — Ёкутой гапни бураб-бураб ундан сир олишга ҳаракат қиларди.

— Бор, дадам бечора ҳамма нарсамни тахт қилиб қўйган эдилар. Аям передача олиб кетганларида бир гурзовой қилиб дугонаникига обориб қўйганман.

Сирож Махсум бир сапчиб тушди.

— У дугонангиз ишончли одамми? Кейин тонмайдими?

— Тилхат олганман.

— Яъни, қандоқ буюмлар эди? — дея яна сўради Махсум.

— Тўртта учу тўрт туркман гилами, битта тўрту олтилик немиснинг фабричний гилами. Японнинг исталовой ҳам чайний сервиси. Ҳар бири йигирма тўрт меҳмонга етадиган. Ундан ташқари, элликта кумуш қошиқ, ўттизта чой қошиғи. Ун бешта тилла қошиқ. Марварид, дур, кийим-кечак дегандек, қорақўл пальто, японча плашч. Куёвга аталган полний сарпо. Янги қавикдан чиққан кўрпа-тўшаклар. Ун иккита хитой пар ястуғи...

— Вой, боламе, шунча нарсани ғирт бегона одамнинг уйига қандоқ юрак билан ташлаб келдингиз-а. Жуда содда экансиз-ку, болам.

Қиз ярим эгилиб худди таъзим қилаётгандек деди:

— Пошша оёи, қори акамга айтинг, мени бир чилёсин қилсинлар.

— Хўп-хўп, ўргилай, ҳозир айтаман.

Ёкутой «қорихона»га томон йўналган эди ҳамки, Раҳматуллонинг ўзи ишни осон қилди. Яъни, ичкаридан «Гаршўк, «гаршўўк деяпман», деган овози эшитилди.

Ёкутой тура солиб сўри остидаги тувакни олди-да, визиллаганича пирнинг қошига йўналди. Зум ўтмай ичкаридан шовулдоқ овоз келди. Яна бир-икки «чилдир-чилдир»дан кейин Ёкутой ҳовур кўтариллаётган тувакни кўтариб чиқиб, қизга энди кираверинг, дегандек имо қилди. Тувакни чайқаб келиб жойига қўйгач, Махсумга сирли кўз қадади:

— Қамалган прокурорнинг қизи экан. Бунга нима дейсиз?..

Қиз остонадан ҳатлабоқ лолу ҳайрон тўхтаб қолди. Жағини лайлакнамо кўтариб, қўлларини кўкрагига чоғиштириб олган Раҳматулло-пирим пардаси туширилган дераза тарафга тикилганича хона ўртасида мачитнинг устунидек қотиб турарди. Ҳатто эшик ёпилганидан кейин ҳам киприк қоқиб қўймади...

Ичкаридан тиқ этган овоз чиқмайди. Бирон соатлардан сўнг ҳужрадан пирнинг «Ҳайҳот!» деган ҳайқириғи эшитилди. Боядан бери негадир безиллаб ўтирган Ёкутой мушукдек пусиб бориб, деразага қулоқ тутди. Эшикни итариб кўриб, ичкаридан занжир солинганини пайқагач, Махсумга маъноли қараб бир қошини учириб қўйди.

— Девонагинанинг манглайига офтоб тушганга ўхшайди.

Сирож Махсум мамнун илжайди.

— Ҳап! Хотин тополмай кўчама-кўча рамазон айтиб юрувдинг. Қодир эгамнинг раҳми келиб, бир кажравани жўнатган экан, девонаи Баҳоваддинга етти танга атаб қўй. Насиб қилса келар шому ироқдан... деб шуни айтадилар-да.

«Ҳайҳот!» деган ҳайқириқдан сўнг кечки пайт ҳам, ярим тунда ҳам, эртаси эрталаб ҳам ҳужрадан тиқ этган товуш эшитилмади. Фақат тушликка яқин Раҳматулло оғир яраланган аскардек эшик кесакисига тирмашиб, базўр ташқарига чиқди. Чиқди-ю, титраётган тиззалари баттар букилиб, деворга суйканганича ўтириб қолди. Туни билан мижджа қоқмай чиққан чол-кампир уни икки кўлтигидан суяб келтириб, сўрига ётқизишди.

— Чўкур-чўкур нафас олсангиз-чи, қорижон, сизга нима бўлди? — дея Ёкутой обидийда қилди.

— Ҳе... боринг! — жаҳл билан ингиллади Раҳматулло.

Ёкутой рўмолининг учига кўзини артиб, секин ўрнидан қўзғалди.

— Ҳозир... тухум пишириб келаман, қорижон.

Кампир кетгач, Сирож Махсум «беморга» биқин солиб дўриллади:

— Узимиз қолдик, пирим. Эркакча гапираверсинлар.

— Кирибоқ ўзини оёғимга ташлади, — дея ҳансираб сўзлана кетди Раҳматулло. — Сиз янги пайгамбарсиз, деди. Тўғри айтди... мочағар. Аввал тизамни ялади, сонимдан ўпди. Кейин... уф... билбми ё билмасданми иштонбоғимга осилувди... уф...

— Ие, иштонбоғнинг попуги қани?

— Уф... Чиройли экан, деб қирқиб олди. Ана, кириб кўринг, кўйлагининг бурмасига тақиб ўтирибди.

— Ё раббано!

— Бугуноқ чилёсун қилинг. Аҳволим оғир.

Сирож Махсум ўгай неварасининг лунжига энгил шапатиллаб, уни эркалатган бўлди:

— Ўн тўққизга кириб-кирмай ҳолингиз шуми? Ҳалиям ўзимизга балли десак бўларкан.

Раҳматуллонинг пешонасида тер йилтиллади. Тилини сангиллатиб беҳолгина йўталди-да, сўзга оғиз жуфтлади:

— Шайтони лайин экан... уф... Сигирниям меъёрида соғадурлар. Мени жонимгача суғуриб олди. Кофирча қилиқлар қилди.

Бир чойнак чой, мис қосада мудом жазиллаб турган қовурдоқни кўтариб Екутой келди. Дастурхон тузалгунга қадар Раҳматулло ҳовли этагига бориб таҳорат ушатиб қайтди. Айвонда қолган оғир чамадон билан тугунни судраб ичкарига киритиб қўйди. Сўнг ёнбошлаб олиб, юзини бужмайтирганча тамаддиланишга тутинди. Сирож Махсум қиёқбарг мўйлабини қимирлатиб имо қилгач, Екутой кироат билан гапга киришди:

— Энди-и... жамоатнинг жамлигида тўйни маслаҳатлашадиган бўлсак...

— Ҳиқ...

Раҳматуллонинг чайнаган луқмаси кекиртагида туриб қолди. Шошилич равишда чой ҳўплаб луқмани ютиб олгач, бувисига ўқрайиб, «қанақа тўй», деб сўради.

— Узларини гаранглика солмасинлар, пирим, — мулоим тарзда кесатди Сирож Махсум. — Бир банданинг покдомон қизини ҳидлаб қўйдингиз.

— Покдомонмиш! — Раҳматуллонинг зардаси қайнади. — Фирт жинни-ку! Тасбеҳимни маржон қилиб бўйнига илди. Шифтга осилган сумакни олиб, ичига тамаки тиқиб чеқди. Булариям майли... «Ўғил туғсам, отини Мешка қўямиз», дейди. «Тезда тавба қил, Рабрабиддин аршиаълохон тўра қўямиз», десам, «йўқ, Мешка бўлади», дейди. Йўқотинглар бун! Бўлмаса, факру фанога чекиниб, саҳрои биёбонни ҳуббул-ваган қиламан.

— Ҳай-ҳай, асло қилмасинлар, — деди Сирож Махсум. — Бу келинни бизга тангри-таоло юбордия. Асло ношукурлик қилманг. Ҳали никоҳ ўқиб қўяман. Ана ундан кейин дўғонасиникидан сепларини гурзовойда олиб келамиз.

Буну эшитиб Раҳматуллонинг бақбақасида ликилдоқ пайдо бўлди, кўзлари мамнунвор ёлдириб, бирдан тетикланиб, қақдини кўтарди, қордана қуриб, қўлларини яна кўкрагига чоғиштирди. Унинг девоналиги кўзиётганини сезган Екутой эрига безовта қараб қўйди. Раҳматулло пича сукут сақлаб тургач, чиндан ҳам бирдан жазовага тушиб чинқирди.

— Мен-чи?! Мен... Раҳматулло алайҳуссаломман! Янги пайгамбар! Тур иккаланг! Оёғимга қараб эмакла!

Екутой дарҳол қошиқни олиб, қовурдоқдан бўшаган мис қосага жон-жаҳди билан уришга тутинди. Даранг-дурунг овоз асабига акс таъсир кўрсатиб, Раҳматулло туйқус ўзига келди. Совиб қолган чойини ичгандан кейин, ҳовури бутунлай босилди. Қайтадан ёнбошламоқчи бўлиб турганида, ичкаридан келинчакнинг гижжакникидек овози янгради: «Раҳма-а-атчик! Те-е-зда бу ёққа киринг».

— Ҳа, белингдан аканг! — беихтиёр чапаниланиб жавоб қилди Раҳматулло. Сўнг чол-кампирга боқиб илжайди. — Хожа қоронғи, қўрқяпти шекилли.

Шундай дея, «Ё пирлар!» деб ўрнидан туриб, салмоқдор одимлаганча ҳужрага қараб юрди.

...Эрталаб келинчак юз очдига қайнота ва қайнона ҳузурига чиқди. Келинчак кечаги қиз эмасди. Эгнига ўн икки чўнтакли шим, элак нусха қўйлак кийган, лабига ўртача помидордек қилиб қизил чаплаган, қулоғига пиёладек-пиёладек зирак таққан бир тасқара эди. Кечадан бери келиннинг сепини санаб, нархини чамалаб ўтирган Екутой билан Сирож Махсум ҳанг-манг бўлиб қолишди...

Шу келин келгандан бери бу сердаромад хонадондан кут-барака кетди. Келиннинг ўзига ўхшаган турқи совуқ дўғоналарининг кўплигини айтмайсизми. Ҳа, ичмай ўлгирлар, ҳа, чекмай ўлгирлар. Колбасани пўчоғи билан чайнайдия. Келин бўлмайд ўлгир, гоҳ магнитофони баланд қўйиб, эрини салла-чопонда ўйинга солса, гоҳ замонавий кийинтириб кинога судрайди. Раҳматулло пирим бўйнида салангланган галстук, бошида кўндаланг шляпа билан алламаҳалда маст-аласт қайтиб келади. Эртаси кун боши оғриб, сал нарсага инжиқланишга; мижозлар олдида айниб-алжирашга тушади.

Екутой келин қачон сепини олиб келаркин деб ҳўп йўл пойлади. Сеп ўлгир ҳадеганда келавермасди. Буниси майли. Келин прокурорнинг қизи эмас экан. Икки марта училишидан, қизларнинг ётоғидан кийим-бош ўғирлаб икки йил қамалиб келган товламачи экан. Буларниям четга суриб турайлик, икки ҳафталик келинга туғилган кунини нишонлаш эп бўптими? Пойгакдаги уй ёш-ялангга тўлиб, байрамдаги марўнахонага ўхшаб қолди. Пирнинг уч ойлик даромади бир кечада қулоғини ушлаб кетди. Эсласа, Екут отининг танасини ҳануз аланга қоқлайди. Сирож Махсум бўлса, парвоийфалак — ўша кун эски бўзахўрлиги кўзиб, қимизга томган айрондек тезда ёшларга аралашиб олди. Охири кайфи ошиб, қарнайгулларнинг орасига юмалаб қолган экан, Раҳматулло қоронғида тентирақлаб келиб, қиблага типпа-тик юзланганича устига чоптириб юборибди.

— Келинжон, — деди Екутой уни эритмоқчи бўлиб, — Бўлар иш бўлди. Энди шу қорижон тагути билан сизники. Эртага бориб дўғонангизникидан сепларингизни олиб келинг. Уй ясатайлик, ҳўпми.

Келин бош бармоғини иккинчи, учинчи бармоқлари орасига тиқиб кўрсатди.

— Мана сеп. Менда сеп нима қилади. Қамоқда ётган одамни сеп билан чиқаради, деб ким айтди.

Бир куни чол-кампир сўрида шулар ҳақида ҳасратлашиб, аписис келиннинг гўрига ғишт ташиб ўтиришган эди, келин ичкаридан чақчайганича чиқиб келди, Ёкутойга захрини сочди:

— Ҳў, пистак кампир! Яна фиску фасодми?

Бундан жаҳли чиққан Сирож Махсум ғижинганича: «Менга қара, вей...» дея ўдағайлашга киришган эдики, келин: «Соқолингни тишла-е!» деб дарров шаштини сўндирди.

— Ношукурлар! — дея бурун жийириб, қўлларини биқинига тиради келин. — Раҳматчикни ғажиб ётибсанлар, бирор нарса дедимми? Индамасам мениям ямлайсанлар. Мана! Шимилдириқ сенларга! Даромадни бундан бўёғига ўзим ҳисоб-китоб қиламан.

— Бекоргинани айтибсан! — Ёкутой сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Қорижонга тувак тутган жойинг борми?

Сирож Махсум ҳам сўридан тушиб, қарчиғайдек кўкрак керди:

— Уни илму ирфонга мен судрадим. Қолаверса, бувисини хотин қилволдим.

— Қўрқманглар, — тиржайиб қўл силтади келин. — Сизларгаям чойчақа бериб тураман.

— Нима?! — Сирож Махсумнинг кўзлари олайди. Кейин кампирининг тирсагидан ушлаб, ҳужра тарафга судради. — Юр, хотин. Бу анжирфурушдан яхшилик чиқмайди. Уғлингга айт, вақтида талоқ қилсин.

Улар ҳужрага киришлари биланоқ, ичкарида ғала-ғовур бошланди. Даставвал Ёкутойнинг ноласи янгради:

— Пешананг қурсин, болам. Келиб-келиб, кунинг шу ит теккан тувакка қолдимми?

— Ҳалиям кечмас, тезда жавобини беринг, пирим, — энди Сирож Махсумнинг куюнчаклиги тудди. — Уни келин десак, кассирликка ўрнашволган шипиён экан.

— Бунга сенмас, пулинг керак. Охири хароб бўласан, қорижон.

— Даромадни бутунича мўлжаллаяпти. Ҳеч бўлмаса, арра қилайлик демайди-я.

— Ваҳималар тўхтатилсин, — босиқ оҳангда мурожаат этди Раҳматулло. — Биз маслаҳатлашиб, келишиб қўйганмиз. Пул тўплаб, жингули деган машина оламиз. Уни хотиним ҳайдайди, мен ёнига ўтириб, жума намозга бораман.

— Қорижон, ақлингни еб қўйибсан!

— Калла жойидами, пирим?!

— Бас!!! — бирдан айюҳаннос тортди Раҳматулло. — Жим бўлларинг! Кўзингни каттароқ оч, мен турибман!

«Тагин кўзиди, — дея илжайганича ўйлаб қўйди келин. — Ҳозир эски дийдиёсини бошлайди».

Филҳақиқат, шундай бўлди. Раҳматуллонинг товуши дабдабали тус олди, энди жарангли ва дона-дона эшитилди:

— Калла жойидами деган ким? Тилиннга куйдирги чиқмасдан бурун жавоб бер. Олдинда янги пайғамбар турибди — Раҳматулло алайҳуссалом! Тиз чўк! Калима келтир! Анқайма иккаланг! Эмаклаб келиб, оёғимни биттадан бўлишиб ол! Уп! Яла! Иштонбоққа осилмасдан яла!..

Келин сўрига чалқанча ағанаб, оёғини велосипед ҳайдаётгандек ҳавода ўйнатганича, қийқириб-қийқириб кула бошлади.

Охири келгуси сонда

ТАНҚИДЧИ-МАШИНА

Ёзувчилар уюшмасига танқидчи ЭВМ машинаси қўйилди. Машина холис-да, таниш-билишчилик қилмайди, юз-хотирни билмайди, ҳақиқатни айтишга қўрқмайди. Устига-устак гонорар ҳам сўрамайди.

Бир кун олдин муҳокамада мақталган роман қўлёзмасини тажрибадан ўтказишадиган бўлишди. Инженер қўлёзmani машинага солиб, тугмачани босган эди, шиғиллаган овоз чиқди. Беш минутдан кейин тақриз тайёр бўлди. Раис машина чиқарган хулосани ёзувчига ўқиб берди.

«Асар ҳаётий эмас, ҳаммаси олди-қочди гаплар».

Ёзувчининг ёши бир жойга бориб қолган, танқид доирасидан чиқиб кетган эди, жаҳли қўзиди.

— Машинанинг ақли борми? Ёзувчилар ҳаётдан йигирма йил илгари юришини биладимми, бу темирингиз?

Бошлиқ инженерга қаради. Инженер бош силкиб, машинани очиб созлади ва раисга «бўлди» ишорасини қилди. Асар яна машинага солинди. Зум ўтмай яна тақриз ёзилган қоғоз чиқди. Раис қоғозни ўқиди.

«Ёзувчи йигирма йил нарини башорат қилган бўлса, гонорар йигирма йилдан кейин тўлақсин!»

Ёзувчи шоша-пиша қўлёзmani қўлтиқлади-да, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

УЗИНГ ПИШИРГАН ОШ

Бошқарманинг янги бошлиғи қурувчиларни чала қолган кабинетга йиғди-да, битмаган қирқ саккиз квартирали бинони кўрсатиб:

— Иморат кўримли жойга тушган экан. Лойиҳачига офарин. — деди.

Қурувчилар дон талашган чумчуқлардай чуғурлашиб қолдилар:

— Қойил, ўринли гап бўлди!

— Бино битиб қолибди-ку, — деди бошлиқ.

— Ҳа, битди ҳисоб.

— Менимча, битган. Деразаларида нур ўйнапти, — дейди бошлиқ.

— Битган, бўёқларининг жилोलанишини қаранг!

Қурувчилардан бири ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Раҳбарга ёлчидик, аввалгилари ҳеч кун бермас эди.

— Иморат битган, акт тузиб расмийлаштиринг, — деди бошлиқ.

— Ҳаммаси тайёр, марҳамат.

Бошлиқ илжайди.

— Жуда яхши. Иморат бизнинг бошқармага берилди. Квартира сўраганларга ордер ёзиб тарқатинг!

Қурувчилар ҳали иккинчи қаватининг девори ҳам кўтарилмаган бинога қараб бақрайиб қолдилар.

БЕМОР

Маориф бўлимининг мудирини қорнини чангаллаб «вой-вой»лаб қолди-ю, «Тез ёрдам» машинаси чақирилиб, касалхонага олиб келинди. Атрофига докторлар йиғилди.

— Аломатларига қараганда, кўричак, — деди бош хирург.

— Тўғри, унинг ёрдамчиси хўрсинди. — Ошқозонини олиб ташлашга тўғри келади. «Кетмон билан чопиқ» усулида.

— Нима?! — беморнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Тинчланинг! — деди ассистент қовоғини солиб. — Товонида қадоқ бор экан. Чап оёғини кесиб ташлашга тўғри келади.

— Яганадан бошлаймиз, — бош хирург йўталиб қўйди. — Битта кўзини олиб ташлаймиз.

— Чеканка қиламиз. Сочи йўқ экан, бошини қирқамиз.

— Кўрак чувийдиган машинага солсак-чи, — деди ассистент ўйланиб.

— Мени нима қилмоқчисизлар! — Бемор чийиллаб юборди. — Сизлардан талаб қиламан.

Мени ҳозироқ область касалхонасига жўнатиинг!

— Овора бўласиз, у ердаги хирурглар ҳам бизнинг мактабни битирган, — деди бош хирург хотиржамлик билан.

— Раҳбарларга арз қиламан! — деди бемор инграб.

— Қани, операцияни бошладик. Асбоблар шайлансин; кетмон, культиватор, кўрак чувийдиган...

Бемор жонҳолатда қочшига шайланиб ўрнидан турди-ю, гурс этиб каравотдан йиқилиб тушди.

Мундарижа

ИНҚИЛОБНОМА	
Ғафур Ғулом. Қизил байроқ	3
ШЕЪРИЯТ	
Эркин Воҳидов. Киприкда томчидек қалқиб турган ер	4
Садриддин Салимов. Кошинларнинг гулидан унди инқилоб	67
Муҳаммад Юсуф. Сочлари оппоқ онам — Ўзбекистоним менинг	76
Музаффар Аҳмедов. Хотирам сеники, эй мумтоз поклик	86
НАСР	
Асқад Мухтор. Кумуш тола. Қисса	13
Норқул Тилолов. Қарз. Ҳикоя	70
Асад Асиров. Икки ҳикоя	80
Исажон Султонов. Саҳродаги йўловчи. Ҳикоя	91
«САДОИ ШАРҚ» МЕҲМОНИМИЗ	
Жалол Икромий. Қора қузғунлар. Романдан боб	95
Бирлашди бунда турфа қалб манзиллари. М. Қаноат, М. Миршакар, Қ. Киром, Лойиқ, Гулрухсор, Б. Собир, М. Ҳакимова, Гулназар, С. Маъмур, К. Насрулло шеърлари	103
ОКтябрь — 70	
Аҳад Ҳасан. Қумбосди қалдирғочлари. Қисса	110
Али Назар Эгамназаров. Инқилоб тенгдоши	163
Аброр Каримуллин. Маърифат қалдирғочи	196
ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ	
Луи Арагон. Кўр одам	134
ПУБЛИЦИСТИКА	
Акмал Акрамов. Миллий маданиятимиз равнақи	137
ИНҚИЛОБ ЧАВАНДОЗЛАРИ	
Ҳамдам Содиков. Фидойилар	141
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
Абдулла Орипов, Бахтиёр Назаров. Севинч — дардим — бари Ватаним	154
САНЪАТ	
Чингиз Ахмаров. Нафосат йўлларида	174
МАФКУРАВИЙ КУРАШ	
Ҳайдарали Узоқов. Бўхтон ҳам эви билан!	177
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Акрам Каттабеков. Адабиётимизнинг бош мавзуси	179
ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР	
Валентин Оскоцкий. «Тарих — инсоният хотирасидир...»	182
ТАНҚИДНИ ТАНҚИД	
Усмон Қосимов, Ортиқбой Абдуллаев. Қаҳр эмас, меҳр керак	187
АКС-САДО	119
ГУЛҚАЙЧИ	
Анвар Обиджон. Пиримнинг саргузаштлари. Ҳашар қисса	201
Акбар Юнусов. Ҳажвиялар	205

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 75458
 журнал Шарк нагузи (индекс издания)

(наименование издания) | Количество комплектов:

на 19 88 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |
 (почтовый индекс) (адрес)

Кому | |
 (фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. место ли-тер на газету 75458
 журнал Шарк нагузи (индекс издания)

(наименование издания)

Стои-мость	подписки	руб. ___ коп.	Количество комплек-тов
	пере-адресовки	— руб. ___ коп.	

на 19 88 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |
 (почтовый индекс) (адрес)

Кому | |
 (фамилия инициалы)

ҚАДРЛИ ДУСТЛАР!

Хабарингиз бор: 1988 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Сизнинг юмушингизни енгиллатиш мақсадида журнализмнинг номи ва индекс номери ёзилган обуна варақасини эълон қиляпмиз. Сиз уни қирқиб олиб, тўлдиришингиз ва истаган алоқа бўлимида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонемента должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонемента проставляется оттиск календарного штампа отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ — МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 11

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1987

Техник редактор **А. Ҳайдаров.**

Рисом **Ғ. Алимов.**

Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 08.09.87 й. Босишга рухсат этилди 22.10.87 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р—09105. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18.55. Нашриёт
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 172043. Заказ 1686.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.